АБДУВАЛИЕВ АБДУКАХХОР АБДУЛХАИЕВИЧ

МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

389:658.51
A 15

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБДУВАЛИЕВ АБДУҚАХХОР АБДУЛХАИЕВИЧ

МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

Дарслик

SDVU Axborot-resurs markazi
Inv № 372056

669460
TOSHKENT KIMYO XALQARO UNIVERSITETI KUTUBXONA
Qo'qon shahri, Navoiy ko'chasi, 59

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2018

УЎК: 006.9(075)512.133
КБК: 30.10
А — 15

А — 15 **Абдувалиев, Абдуқаххор.**
Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш: Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун дарслик. — Т.: «Sharq»; 2018. — 624 б.

Ушбу дарсликда метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳаларидаги атамалар ва асосий тушунчалар, қоидалар, мазкур соҳаларнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари ёритилган ҳамда уларни амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар берилган.

Дарслик талабаларда стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаларида назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириш, шунингдек, истеъмол бозорида сифатли ва истеъмолчилар учун хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва реализация қилинишини таъминлаш, маҳаллий маҳсулотларни дунёнинг йирик бозорларида рақобатбардош бўлиши учун зарур техник талабларни бажариш, мамлакатимизни экспорт салоҳиятини оширишга эришиш ва Халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлишида амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Дарслик олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабаларига ўқув жараёнида фойдаланиш, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари, метрологик хизматлар мутахассислари, тадбиркорлар ва бошқа фойдаланувчиларга мўлжалланган.

Мазкур дарсликнинг мавзу бўйича келтирилган назорат саволлари фойдаланувчиларга материалларни яхши ўзлаштириш ва улардан амалиётда самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Муаллиф ушбу дарсликдан фойланувчиларнинг конструктив таклиф ва мулоҳазалари учун уз миннатдорчилигини билдиради.

Тақризчилар:

О.Ш.Ҳакимов — Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти бош илмий ходими, техника фанлари доктори, профессор;

Б.Б.Хасанов — ТИМИ Гидротехник иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш факультети декани, техника фанлари доктори, профессор.

Босмага Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий Кенгаши қарори билан тавсия этилган.

ISBN 978-9943-26-750-3

УЎК: 006.9(075)512.133
КБК: 30.10

ISBN 978-9943-26-750-3

© ТИҚХММИ. 2018 й.
© «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2018 й.

лаш) атрофида ўзаро бир-бирини тўлдиради ва ҳозирда Ўзбекистонда амалда бўлган техник меъёрлаш фаолиятининг ташкилий қисмлари ҳисобланади.

Техник меъёрлаш моҳиятан бозор муносабатларини тартибга солишга, халқаро ва давлатлараро савдодаги техник тусиқларни бартараф этишга, маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит, мулк хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

Халқаро муносабатларнинг ривожланиб бориши натижасида халқаро ва давлатлараро даражадаги савдо-сотиқ, илмий-техник ҳамкорлик нафақат ягона меъёрлаш талабларини, балки бу меъёрларни ўлчашлар бирлилигига бўлган талабларни ҳам кучайтирмоқда. Метрологик фаолият фан ва техника тараққиёти, иқтисодиёт ва савдо ривожи узлуксиз қисми бўлиб қолмоқда. Халқаро савдо ривожланиб, Халқаро савдо ташкилотининг мавқеи ошиб бориши натижасида ўлчашлар бирлилигини таъминлашнинг долзарблиги янада яққол кўринмоқда. Халқаро, регионал ва миллий метрологик идораларнинг бевосита ҳамкорлиги натижасида барча даражада умумий қоидаларга эга бўлган ўлчашлар бирлилигини таъминлашнинг халқаро тизими яратилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўтган даврда мамлакатимизда кўплаб мутахассислар меҳнати натижасида халқаро талабларга уйғунлаштирилган миллий ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизими яратилди. Бу тизим халқаро ва датлатлараро муносабатларда янада ривожланиб бормоқда.

Истеъмол бозоридаги маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга илгаридан катта эътибор берилган ва бунинг учун турли усуллардан фойдаланилган. Ҳозирда дунё бозорига чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Халқаро бозорда мувофиқлиги тасдиқланмаган товарнинг ҳаридоргирлигини таъминлаш мушкил вазифа ҳисобланади.

Мувофиқликни баҳолаш тизими фаолиятини таъминлаш халқаро даражадаги актуал масалалардан ҳисобланади.

«Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» фанини ўқитишдан мақсад талабаларда иқтисодиётимизнинг техника-технология, менежмент ва маркетинг соҳаларидаги ишлаб чиқариш, савдо, назорат ва истеъмол

билан боғлиқ бўлган турли метрологик, стандартлаштириш, сифат ва сифат бошқаруви, сертификатлаштириш бўйича масалалар билан шуғулланиш ҳамда меъёрий ҳужжатлар ва стандартлар билан ишлаш борасида йўналиш профилига мос етарли билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси талабаларга узлуксиз таълим тизимида «Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» бўйича тайёрлашдан келиб чиқиб, бунда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш бўйича назарий, амалий ва меъёрий ҳужжатлар бўйича маълумотлар ўрганишдир. Бу борада асосий масала қилиб сифат масаласига эътибор қаратилади.

«Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» фани халқ хўжалиги ҳамда саноатнинг барча тармоқлари учун ўта зарур бўлган метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, сифат тизимлари ва сифат бошқаруви масалалари хусусида етарли ва зарур маълумотларга эга бўлган юқори сифатли кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш асосларини билиш, сифат бошқаруви бўйича қоидаларни, талабларни, меъёрий ҳужжатларни билиш, уни ўз мутахассислик доирасида тушуниш ва амалий қўллаш техника ва технология соҳаларидаги мутахассислар учун муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

I ҚИСМ. МЕТРОЛОГИЯ

1-боб. Метрология асослари

1.1. Метрологиянинг ривожланиш тарихи, мақсад ва вазифалари

Инсоният ривожланиш тарихининг барча босқичларида инсоннинг барча эҳтиёжларини қондиришда ўлчашлар муҳим роль ўйнаган. Айниқса, савдо-сотиқ муносабатларида ўлчашларининг булиши бу фаолиятга қулайлик ва афзаллик яратган. Ўлчашлар дастлаб кичик доирада (қабила, шаҳар) булган булса, кейинчалик мамлакат, маълум келишувлар натижасида, мамлакатлараро ва халқаро даражага чиққан.

Ўлчашлар қадим-қадимдан амалга оширилиб келинган булиб, турли даврлар ва турли мамлакатларда турли хил ўлчамлар қўлланилган. Масалан, қадимдан қимматбаҳо тошларни каратда ўлчанилган. Қадимда аксарият давлатларда ўлчамлар инсон танасига мослаб олинган, масалан, Англияда фут — оёқ панжаси узунлиги сифатида.

Миср фиравнлари даврида ҳукмроннинг тирсагидан ўрта бармоқ учигача булган узунлик стандарт ўлчам сифатида қабул қилинган ва ҳар бир фиравн даврида ўзгариб турган.

Ўзбекистонда оғирлик буйича қадоқ (400 g атрофида), чакса (6 kg), пуд (16 kg), ботмон (10 пуд), дахсар (11 пуд) ўлчамлари, узунлик буйича энлик (бир бармоқ қалинлиги — тахминан 2 sm), қарич (панжа очилганда бош ва жимжилоқ бармоқ учлари орасидаги масофа — тахминан 23 sm), чақирим (1 km дан камроқ) каби ўлчамлар ишлатилган.

1875 йил 20 майда 17та давлатлар томонидан Халқаро Метрик Конвенция имзоланган ва шу даврдан метрологик фаолият халқаро даражада мувофиқлаштириб борилган. Ҳозирда 20 май куни ЮНЕСКОнинг (2000 й.) қарорига кўра Бутун дунё метрология куни сифатида нишонланади.

Ҳозирда ўлчамлар деярли барча мамлакатларда 1960 йилда ўлчовлар ва оғирликлар XXI Бош конференцияси томонидан қабул қилинган Халқаро бирликлар тизими орқали белгиланади. Бу орқали ўлчашлар бирликларини халқаро даражада бирхиллаштиришга эришилди.

1955 йилда Парижда қўл қўйилган конвенсияга кўра,

1.1-расм. Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти белгиси

Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти (OIML) ғузилди (расм 1.1).

1991 йил 12 июнда метрологик институтларнинг Регионал метрологик ташкилоти — КООМЕТ ташкил этилган. Ўзбекистон 2004 йилдан КООМЕТ аъзосидир (1.2-расм).

Ўзбекистонда метрологик соҳада фаолият кўрсатадиган ташкилотлар: 1923 йилда Ўлчовлар ва оғирликларни қиёслаш Марказий бюроси, 1928 йилда Ўзбекистон ўлчовлар ва оғирликлар Палатаси, 1939 йилда Ўзбекистон ўлчовлар ва ўлчаш воситалари қўмитаси, 1992 йилда «Ўздавстандарт» маркази, 2002 йилда «Ўзстандарт» агентлиги сифатида ташкил этилган.

ЎР ВМнинг 342-сонли қарори билан Метрологик хизматлар кўрсатиш маркази, Ўзбекистон Миллий эталонлар маркази ташкил этилган. «Ўзстандарт» агентлиги метрология бўйича миллий идора ҳисобланади.

Метрология ўлчашлар бирлилигини таъминлаш бўйича ишларнинг илмий асосларини ташкил этувчи, ўлчовлар, уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фандир.

Метрологиянинг мақсади ўлчашлар бирлилигининг илмий, услубий, амалий асосларини яратиш, мамлакатда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўлчашлар бирлилигини таъминлаш ва бу орқали маҳсулотлар, хизматларнинг сифати, хавфсизлигини таъминлаш ва рақобатбардошлигини оширишга эришиш, мамлакатда амалга оширилаётган ўлчашларга ишончлиликни таъминлашдир.

Белгиланган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда метрология соҳасида қуйидаги асосий вазифалар ўрнатилган:

— мамлакатда ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг қисқа ва узоқ муддатли дастурларини тузиш ва амалга ошириш;

— ўлчашлар бирлилигини таъминлашнинг ҳуқуқий, меъёрий ва услубий асосларини яратиш;

— мамлакатда ўлчашлар бирлилигини таъминлашга хизмат қилувчи метрологик хизматни ташкил этиш ва унинг самарали фаолиятини таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида самарали



1.2-расм. Метрологиянинг ривожланиш тарихи

фаолият кўрсатувчи ўлчашлар бирлилигини таъминлаш давлат тизимини яратиш, жорий қилиш ва доимий такомиллаштириб бориш;

— Ўзбекистон ўлчашлар бирлилигини таъминлаш давлат тизими қоидаларини метрология соҳасидаги халқаро, регионал ва давлатлараро ташкилотлар талаблари билан уйғунлаштириш;

— миллий эталон базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

— самарали метрологик фаолиятни ташкил этиш орқали бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотлар, хизматларнинг сифати, хавфсизлигини таъминлаш;

— метрологик фаолиятнинг техник базасини замонавий илмий ва техник ютуқлар асосида ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Назорат саволлари:

1) Метрология қандай тарихга эга?

2) Ўзбекистонда қадимда қандай ўлчамлар қўлланилган?

3) Халқаро Метрик Конвенция качон имзоланган?

4) Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти қачон тузилди?

5) «Метрология» фанининг мақсади нимадан иборат?

6) «Метрология» фанининг вазифалари нималардан иборат?

7) «Метрология» фани нималарни ўрганади?

8) Метрология соҳаси олдида қандай асосий вазифалар қўйилган?

1.2 Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни

Ўзбекистон Республикасида метрологик фаолиятнинг ҳуқуқий асослари сифатида қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатиш мумкин. Метрологик фаолиятни мамлакатда ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу Қонун 1993 йилнинг декабрида қабул қилинган бўлиб, 1994 йилнинг 1 январидан кучга кирган. 2015 йил 1 сентябрь ҳолатига Қонунга 4 та ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. Қонун бешта бўлим, 21 моддадан иборат.

Биринчи бўлим (Умумий қоидалар)да асосий тушунчалар, метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқариш тартиби, ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини

таъминлашга оид норматив ҳужжатларни қуллаш тўғрисида қоидалар белгиланган.

Конунда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилган:

метрология — ўлчовлар, уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан;

ягона ўлчов бирлиги — ўлчашларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда акс эттирилган ва хатоликлари берилган эҳтимолликда маълум бўлган ўлчаш ҳолати;

ўлчаш воситаси — ўлчашлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятга эга бўлган техника воситаси;

бирлик эталони — ўлчам бирлигини бошқа ўлчаш воситаларига ўтказиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган ўлчаш воситаси;

давлат эталони — ваколат берилган миллий органнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлчаш бирлилигининг ўлчами сифатида эътироф этилган эталон;

метрология хизмати — давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

давлат метрология назорати — метрология қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида давлат метрология хизмати органлари амалга оширадиган фаолият;

ўлчаш воситаларини текширувдан ўтказиш — ўлчаш воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмати органлари (ваколат берилган бошқа органлар, ташкилотлар) томонидан бажариладиган операциялар мажмуи;

ўлчаш воситаларини калибрлаш — метрологик жиҳатларнинг ҳақиқий қийматларини ва ўлчов бирликларининг қўллашга яроқлилигини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси (маркази) бажарадиган операциялар мажмуи;

ўлчаш воситаларини метрологик аттестация қилиш — ягона намуналарда ишлаб чиқариладиган (ёки Ўзбекистон ҳудудига ягона намуналарда олиб кириладиган) ўлчаш воситаларининг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этиш асосида улар қўлланиш учун ҳаққоний эканлигининг метрология хизмати томонидан эътироф этилиши;

метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш — метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларининг белгиланган аккредитация қилиш соҳасида ўлчашларнинг ягона бирлилигини таъминлаш буйича ишларни бажаришга ваколатли эканлигининг расмий жиҳатдан тасдиқланиши;

юридик шахсларнинг метрология хизматларини, ўлчаш воситаларини калибрлаш буйича калибрлаш лабораторияларини (марказларини) аккредитация қилиш — юридик шахслар метрология хизматларининг, калибрлаш лабораторияларининг (марказларининг) белгиланган соҳада ўлчаш воситаларини калибрлаш буйича ишларни бажаришга ваколатли эканлигининг расмий жиҳатдан тасдиқланиши;

ўлчашларнинг бажарилиш услубиятларини метрологик аттестация қилиш — ўлчашларни бажариш услубиятининг унга қўйилган метрология талабларига мослигини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида тадқиқот ўтказиш;

ўлчашларнинг бажарилиш услубияти — операциялар ва қоидалар мажмуи бўлиб, уларнинг бажарилиши хатолари маълум бўлган ўлчаш натижаларини олишни таъминлайди;

синов воситаларини метрологик аттестация қилиш — синов воситаларининг нормаланган техник тавсифлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

синов воситаси — синовлар ўтказиш учун мўлжалланган, нормаланган техник тавсифлари бўлган техник қурилма, модда ва (ёки) материал.

Қонунга кўра, республикада метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқаришни метрология буйича миллий орган — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт») амалга оширади.

«Ўзстандарт» агентлиги ваколатига:

метрология соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, метрологияга оид фаолиятни мингакалараро ва тармоқлараро мувофиқлаштириш;

миллий эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг халқаро даражада солиштирилишини таъминлаш қоидаларини белгилаш;

ўлчаш воситалари, усуллари ва натижаларига қўйиладиган умумий метрологик талабларни аниқлаш;

давлат метрология текшируви ва назоратини амалга ошириш;

метрология масалалари буйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва норматив ҳужжатларни қабул қилиш, шу жумладан давлатнинг бошқа бошқарув органлари билан ҳамкорликда қабул қилиш;

метрология соҳасида илмий ва муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг метрология соҳасидаги халқаро шартномаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

метрология масалалари буйича халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш;

Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона бирликда булишини таъминлаш тизими фаолият олиб бориши ва ривожланишини ҳамда унинг халқаро ўлчов тизими ва бошқа мамлакатларнинг ўлчовлар тизимлари билан уйғунлашувини таъминлаш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини, фуқароларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини, атроф-муҳитни ҳамда давлат манфаатларини нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш киради.

Ўлчовларнинг ягона бирликда булишини таъминлашга оид, метрология нормалари ва қоидаларини белгиловчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий кучга эга булган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан утказишни «Ўзстандарт» агентлиги амалга оширади.

Қонуннинг иккинчи (ўлчам бирликлари, уларни ҳосил қилиш ва қуллаш) булимида Ўзбекистон Республикасида қулланиладиган ўлчам бирликлари ҳақида, ўлчамлар бирликларининг эталонлари, ўлчаш воситалари ва синов воситалари, ўлчашларни бажариш услубиятларининг қулланилиши тартиби, Ўзбекистон Республикаси метрология хизматининг тузилиши тўғрисида қоидалар белгиланган.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Халқаро ўлчамлар тизими (СИ)нинг ўлчам бирликларини белгиланган тартибда қуллашга йўл қўйилади. Ўлчам бирликларининг номи, белгиси, уларни ёзиш ва қуллаш қоидалари «Ўзстандарт» агентлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўлчамларнинг бирликлари эталонлар воситасида сақланади ва қайта тайёрланади.

Фойдаланишда бўлган ўлчаш воситалари ва синов воситалари ўлчаш натижаларининг қонунлаштирилган бирликларда белгилаб қўйилган аниқликда бўлишини таъминлаши ва қўллаш шартларига мос келиши лозим.

Ўлчашларни бажариш услубиятлари ўлчаш натижаларининг хатоликларини баҳолашни ўз ичига олиши ва ўлчаш ўтказишнинг мавжуд шароитларида белгилаб қўйилган аниқликни таъминлаши лозим. Ўлчашлар белгиланган тартибда аттестация қилинган ўлчашларнинг бажарилиш услубиятларига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши лозим.

Эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаш тартибини, техника воситаларини ўлчаш воситалари ва синов воситалари жумласига киритиш мезонларини, ўлчашларни бажариш услубиятларини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестация қилиш тартибини «Ўзстандарт» агентлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида метрологик фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш учун мамлакат метрология хизмати ташкил этилган. У давлат метрология хизматидан ва юридик шахсларнинг метрология хизматларидан таркиб топган.

Давлат метрология хизматига «Ўзстандарт» агентлиги бошчилик қиладиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат метрология хизмати органлари киради.

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари ўлчовларнинг ягона бирлилигини таъминлаш буйича ишларни бажариш ва метрология назоратини амалга ошириш учун тузилади ва давлат метрология хизмати органлари билан келишиб олинган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

Тўртинчи (давлат метрология текшируви ва назорати) булимда давлат метрология текшируви ва назоратини ўтказиш тартиби, объектлари, татбиқ этиладиган доиралари, турлари, ўлчаш воситаларининг турларини тасдиқлаш, уларни текширувдан ўтказиш ва калибрлаш, юридик шахсларни метрология ишларини ва хизматларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш учун аккредитация қилиш белгиланган.

Давлат метрология текшируви ва назорати давлат метрология хизмати органлари томонидан метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида амалга оширилади.

Қуйидагилар давлат метрология текшируви ва назоратининг объектлари ҳисобланади:

эталонлар;

ўлчаш воситалари;

синов воситалари;

моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналари;

ахборот-ўлчаш тизимлари;

ўлчашларни бажариш услубиятлари;

метрология нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ўзга объектлар.

Давлат метрология текшируви ва назорати:

соғлиқни сақлаш, ветеринария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

моддий бойликларни ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш;

савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини ўтказиш, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш;

заҳарли, енгил аланганувчан, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш;

давлат мудофаасини таъминлаш;

меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

сертификатланадиган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш;

геодезик ва гидрометеорологик ишлар;

ўлчаш воситаларини давлат синовидан, текширувдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш;

миллий ва халқаро спорт рекордларини руйхатга олишга нисбатан татбиқ этилади.

Давлат метрология текшируви қуйидаги тарзда амалга оширилади:

ўлчаш воситаларининг турларини синаш ва тасдиқлаш;

ўлчаш воситаларини, синов воситаларини ва ўлчашларнинг бажарилиш услубиятларини метрологик аттестация қилиш;

ўлчаш воситаларини, шу жумладан эталонларни текширувдан ўтказиш, калибрлаш;

ўлчаш воситаларини, синов воситаларини ҳамда ўлчашларнинг бажарилиш услубиятларини синаш, текширувдан ўтказиш, метрологик аттестация қилиш, ўлчаш воситала-

рини, синов воситаларини ва метрология фаолиятнинг бошқа муайян турларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш;

ўлчашлар ва синовларнинг бажарилиш сифатини ҳамда метрология фаолиятининг бошқа турларини баҳолаш.

Давлат метрология назорати:

ўлчаш воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, уларнинг ижараси билан шуғулланиш, уларни реализация қилиш, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши (ўлчамлар бирликлари эталонларини, моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, ўлчаш тизимларини қўшган ҳолда);

ўлчашларнинг бажарилиш услубиятларининг қўлланилиши;

белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда аккредитация килинган метрология хизматлари, марказлари, лабораториялари фаолияти устидан амалга оширилади.

Қонунга кўра, давлат метрология текшируви ва назорати доирасида фойдаланиладиган, ишлаб чиқарилиши ва импорт бўйича четдан олиб келиниши лозим бўлган ўлчаш воситалари давлат синовларидан (кейинчалик уларнинг турини тасдиқлаш шарти билан) ёки метрологик аттестациядан ўтказилиши лозим. Ўлчаш воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, турини тасдиқлаш ва Давлат реестрига киритишни «Ўзстандарт» агентлиги амалга оширади.

Юридик шахсларни метрология ишларини ва хизматларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш учун аккредитация қилиш белгиланган тартибда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг метрология нормалари ва қоидаларини бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган.

Қонуннинг бешинчи (метрология ишларини молиявий таъминлаш) бўлимида давлат томонидан, албатта, молиявий таъминлаш керак бўлган метрологик фаолият турлари ҳамда метрология ишлари ва хизматлари учун ҳақ тўлаш тартиби белгиланган.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1) Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?

2) Қонун қандай бўлимлардан иборат?
3) Қонунда метрология фанига қандай таъриф берилган?
4) «Давлат метрология назорати» деганда нима тушунасиз?
5) «Давлат метрология текшируви» деганда нима тушунасиз?
6) Республикада метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқаришни қайси идора амалга оширади?
7) Ўзбекистон Республикасида қандай ўлчаш бирликлари қўлланилади?
8) Давлат метрология текшируви ва назорати ўтказиш татбиқ этиладиган доираларни санаб ўтинг.
9) Давлат метрология текшируви ва назорати объектларини санаб ўтинг.
10) Давлат метрология текшируви ва назорати турларини санаб ўтинг.
11) Давлат метрология текшируви қандай тарзда амалга оширилади?

1.3 Метрологиянинг асосий аксиомалари ва постулатлари

Ҳар қандай ўлчаш номаълум ўлчамни маълуми билан солиштиришдан иборатдир. Солиштириш натижасида номаълум ўлчамнинг қийматини маълум қийматга нисбатан топилади. Ўлчамларни солиштириш жараёни (ўлчаш процедураси) кўплаб тасодифий ва тасодифий бўлмаган омиллар таъсирида амалга оширилади. Ўлчаш процедураси қайтарилганда ҳар сафар илгаригидан бироз фарқли натижа олинади.

Шундай қилиб, ўлчаш процедураси натижаси тасодифий сон ҳисобланади. Ўлчашлар натижасининг тасодифий сон эканлиги тўғрисидаги фикр метрологиянинг асосий постулати ҳисобланади.

Метрологиянинг биринчи аксиомасида «априор (илгари маълум бўлган) маълумотсиз ўлчаш мумкин эмас», деб кўрсатилган. Бунга кўра, агар ўлчаш натижаси ҳақида дастлаб ҳеч нарсани билмасак, кейин ҳам ҳеч нарсани билиб олмаймиз. Априор маълумотни илгари ўтказилган ўлчашлар тажрибасидан ўлчаш натижасининг эҳтимоллик тақсимланиши қонунияти кўринишида, ўлчашларнинг сонли характеристикалари, ўлчашга таъсир этувчи омиллари, хатоликлар манбалари ва ташкил этувчилари кўринишларида олиш мумкин. Априор маълумотнинг умумлашган кўринишини берилиши сифатида ўлчаш воситаларининг аниқлик синфлари хизмат қилади. Априор маълумотни қўллаш орқали

ўлчашлар назариясининг иккинчи масаласи ечилади — ўлчаш ускунасининг «чиқиш»даги ўлчаш натижасининг тасодифий қийматидан «кириш»даги ўлчанаётган катталикнинг тасодифий бўлмаган қийматига ўтиш амалга оширилади.

Бир турдаги ўлчамларни тажриба орқали таққослаш ўлчов маълумотларини олишнинг ягона йўли эканлиги тўғрисидаги ёндашувдан метрологиянинг иккинчи аксиомаси келиб чиқади: «тажриба орқали ўлчамларнинг таққосланиши ўлчашнинг моҳиятидир». И.Ф. Шишкин [1] томонидан анъанавий метрологияда қонунлаштирилган иккита таққослаш усули мавжудлиги кўрсатилган: «қанча кўп/кам (ёки тенг)» ва «неча марта кўп/кам (ёки тенг)» принципларига асосан. Бу усуллар бўйича оралиқлар (интерваллар) ва муносабатлар ўлчаш шкалалари қўлланилади. Яна кўрилиши мумкин бўлган усул — «кўп/кам (ёки тенг)» принципига асосан усулдир. Бу усулда тартибли ўлчаш шкаласи қўлланилади ва усул кўпроқ квалиметрияда, нофизик катталикларни таққослашда ҳамда органолептик ўлчашларда ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

Метрологиянинг биринчи постулатига кўра [1], «ўлчаш натижаси тасодифий қиймат ҳисобланади». Амалиётда ўлчашлар доимо турли омиллар таъсирида амалга оширилади ва бу омиллар таъсирини тўлиқ ҳисобга олиш мумкин эмас. Шунга кўра, номаълум ўлчам (Q)ни маълум деб қабул қилинган ўлчам $[Q]$ билан таққослаш натижасида олинган «ҳисоблаш сони»

$$x = \frac{Q}{([Q])} \qquad (1.1)$$

тасодифий сон ҳисобланади ва у ўлчанаётган катталикнинг

$$Q = q[Q] \qquad (1.2)$$

формуладаги сонли қиймати (q) эмас.

Агар ўлчаш асбобининг аниқлигини пасайтирсак ёки ҳисоблаш сонини яхлитласак, q қиймат ўлчашлар қайтарилиши билан ўзгармас бўлиб қолаверади ва тасодифий сон бўлмай қолади. Натижада қуйидаги хулосани қилиш мумкин: «яхлитлашсиз олинган ўлчаш натижаси тасодифийдир». Бу эса метрологиянинг учинчи аксиомаси ҳисобланади.

Метрологиянинг учинчи аксиомасига мувофиқ, ўлчаш натижасини аниқ сон билан кўрсатиб бўлмайди, балки уни

тажриба натижасида олинган маълумотлар тўплами, эҳтимоллик назарияси асосида сонлар тўпламининг маълум эмпирик қонунияти билан кўрсатиш мумкин. Ўлчанаётган катталик Q нинг тасодифий бўлмаган қийматини аниқлаш мумкин бўлмай, маълум бир эҳтимоллик билан унинг ўзгариши мумкин бўлган қийматлари оралиғини кўрсатиш мумкин.

Биринчи аксиома ўлчашдан олдинги ҳолатга тегишли бўлса, иккинчи аксиома ўлчаш процедурасига, учинчи аксиома эса ўлчаш натижасига тегишлидир.

Ўлчашлар назарияси (метрология) учта асос бўлувчи постулатларга асосланган.

Ўлчашлар назариясининг биринчи постулатига кўра, тадқиқот объектининг қабул қилинган модели доирасида маълум физик катталик ва унинг ҳақиқий қиймати мавжуддир. Агар кўрилаётган деталь цилиндр бўлса (модель — цилиндр), у диаметрга эга ва уни ўлчаш мумкин. Агар кўрилаётган детални цилиндр деб бўлмаса, яъни унинг кесими айлана эмас, масалан, эллипс бўлса, унинг диаметрини ўлчаб бўлмайди. Шунга кўра, ўлчанаётган катталик фақат қабул қилинган модел доирасидагина мавжуддир, яъни модел кўрилаётган объектга мос бўлгандагина мантиқий натижага эришиш мумкин.

Биринчи постулатдан қуйидаги оқибат келиб чиқади: ўлчаш объектининг ушбу физик катталиги учун ўлчанаётган катталикнинг (ва мос равишда уларнинг ҳақиқий қийматлари) кўплиги мавжуддир.

Ўлчашлар назариясининг биринчи постулатига кўра, ўлчаниш объектининг ўлчанаётган хусусиятига моделнинг маълум бир кўрсаткичи тўғри келади. Ушбу моделнинг шу кўрсаткичи ўлчаш учун керак бўлган вақт давомида ўзгармас бўлиши керак. Қайд этилган ҳолатдан ўлчашлар назариясининг иккинчи постулати келиб чиқади: ўлчанаётган катталикнинг ҳақиқий қиймати доимийдир.

Моделнинг доимий кўрсаткичини ажратиб, тегишли катталикни аниқлаш мумкин. Ўзгарувчан физик катталик учун айнан бир доимий кўрсаткични ажратиш ва уни ўлчаш керак. Умумий ҳолда бундай доимий кўрсаткични маълум бир функционал ёрдамида киритиш мумкин. Бундай ёндашувдан қуйидаги оқибат келиб чиқади: ўзгарувчан физик катталикни ўлчаш учун унинг доимий кўрсаткичини — ўлчанаётган катталикни аниқлаш керак.

Ўлчаш объектининг математик моделини яратишда унинг айрим хусусиятларини идеаллаштиришга тўғри келади. Модел ўлчаш объектининг барча хусусиятларини курсатиб бера олмайди, албатта ва у объект учун муҳим бўлган айрим хусусиятларни маълум даражадаги аниқлик билан белгилайди. Модел улчаш жараёнигача бўлган даврда обьектга тегишли априор маълумот асосида ва ўлчаш мақсадларига мувофиқ равишда тузилади. Ўлчанаётган катталик қабул қилинган моделнинг курсаткичи сифатида аниқланади, унинг мутлақ аниқ ўлчаш натижасида олинган қиймати эса, тегишли улчанаётган катталикнинг ҳақиқий қиймати сифатида қабул қилинади. Ўлчанаётган обьектнинг моделини яратишда қабул қилинган бундай ёндашувдан моделнинг курсаткичи ва объектнинг ҳақиқий хусусиятлари ўртасидаги номувофиқликни келтириб чиқаради. Бундай номувофиқлик «бўсаға номувофиқлиги» дейилади.

Ўлчашлар назариясининг учинчи постулатида «ўлчанаётган катталик билан объектнинг тадқиқ этилаётган хусусияти ўртасида номувофиқлик (ўлчанаётган катталикнинг бусаға номувофиқлиги) мавжуд» эканлиги курсатилган. Бусаға номувофиқлиги ўлчанаётган физик катталикни ўлчашда эришиладиган аниқликни чегаралашга олиб келади.

Ўлчанаётган объектнинг мутлақ аниқ моделини яратиш мумкин бўлмаганлиги сабабли, ўлчанаётган физик катталик билан объектнинг модели курсаткичи ўртасидаги бусаға номувофиқлигини бартараф этиш мумкин эмас.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1) Метрологиянинг аксиомаларини санаб утинг.

2) Метрологиянинг биринчи постулатининг моҳияти нимадан иборат?

3) Биринчи постулатдан қандай оқибат келиб чиқади?

4) Метрологиянинг иккинчи постулатининг моҳияти нимадан иборат?

5) Ўлчаш объектининг математик модели қандай яратилади?

6) Метрологиянинг учинчи постулатининг моҳияти нимадан иборат?

7) «Бусаға номувофиқлиги» деб нимани айтилади?

8) Ўлчанаётган объектнинг мутлақ аниқ моделини яратиш мумкинми?

1.4 Ишлаб чиқариш ва унинг тармоқларида метрологик хизмат ва таъминот

1.4.1 Ўзбекистон метрологик хизмати

Узбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»-ги Қонунида метрология хизмати — давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг улчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти эканлиги белгиланган. Қонунга кура, Ўзбекистон Республикасида метрологик фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш учун мамлакат метрология хизмати ташкил этилган.

Метрологик хизмат (O'z DSt 8.010.3:2004) — улчашлар бирлилигини таъминлаш ишларини бажариш ва метрологик текширув ва назоратни амалга ошириш учун қонунга мувофиқ ташкил этиладиган хизмат. У давлат метрология хизматидан ва юридик шахсларнинг метрология хизматларидан таркиб топган (1.3-расм).



1.3-расм. Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати

Давлат метрология хизматига «Ўзстандарт» агентлиги бошчилик қиладиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат метрология хизмати органлари ва корхоналари киради:

— Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар маркази (Ўз МЭМ);

— Ўзбекистон миллий метрология институти давлат корхонаси (ЎзММИ ДК);

— ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари (СМБ);

— Республика синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси (РССМ ДК);

— ҳудудий Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхоналари метрология бўлимлари (ССМ ДК);

— Ўзбекистон Республикаси метрологик хизмати Бош маркази (Ўз МХ БМ);

— Ўзбекистон Республикаси стандарт намуналар Бош маркази (Ўз СН БМ);

— Ўзбекистон Республикаси путур етказмайдиган текширув Бош маркази (Ўз ПЕТ БМ);

— Ахборот-маълумот маркази (АММ);

— Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (СМСИТИ).

Давлат метрологик хизмати (O'z DSt 8.010.3:2004) бу мамлакатда ўлчашлар бирлилигини таъминлаш бўйича ишларни минтақалараро ва соҳалараро даражада бажарувчи ва давлат метрологик текшируви ва назоратини амалга оширувчи метрологик хизматдир.

«Ўзстандарт» агентлиги метрология бўйича миллий орган сифатида республикада ўлчашлар бирлилигини таъминлаш бўйича фаолиятни бошқаради ва мувофиқлаштиради (1.4-расм).



1.4-расм. Ўзбекистон давлат метрология хизмати тузилмаси

«Ўзстандарт» агентлиги ваколатига:

метрология соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, метрологияга оид фаолиятни минтақалараро ва тармоқлараро мувофиқлаштириш;

миллий эталонларни яратиш, таслиқлаш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг халқаро даражада солиштирилишини таъминлаш қоидаларини белгилаш;

улчаш воситалари, усуллари ва натижаларига қўйиладиган умумий метрологик талабларни аниқлаш;

давлат метрология текшируви ва назоратини амалга ошириш;

метрология масалалари бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан давлатнинг бошқа бошқарув органлари билан хамкорликда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни қабул қилиш;

метрология соҳасида илмий ва муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг метрология соҳасидаги халқаро шартномаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

метрология масалалари бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш;

Ўзбекистон Республикасининг ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизимининг фаолият олиб бориши ва ривожланишини ҳамда унинг халқаро ўлчаш тизими ва бошқа мамлакатларнинг ўлчашлар тизимлари билан уйғунлашувини таъминлаш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини, фуқароларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини, атроф-муҳитни ҳамда давлат манфаатларини нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш киради.

Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар маркази давлат корхонаси (Ўз МЭМ) мамлакатда эталон базасини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни олиб бориш, давлат ва миллий эталонларни яратиш, сақлаш, қўллаш, соҳа бўйича халқаро, ҳудудий ва миллий идоралар ҳамкорликни амалга ошириш билан шуғулланади.

Ўзбекистон миллий метрологик институти давлат корхо-

наси (ЎзММИ ДК) давлат метрологик текшируви ва назорати доирасида давлат метрологик текширувни амалга оширали ҳамда бу доирадан ташқари метрологик хизматлар курсатади.

Ўзбекистон миллий метрологик институтига қуйидаги вазифалар юклатилган:

метрология соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, бириктирилган ҳудудларда ва ўлчаш турлари буйича ўлчашлар бирлилигини таъминлаш;

юқори аниқликдаги намунавий улчаш воситаларини сақлаш;

давлат метрологик хизматини ривожлантириш;

мавжуд юқори аниқликдаги ўлчаш воситалари ва усулларини такомиллаштириш, янгиларини яратиш, ўлчаш, назорат ва синаш воситаларини стандартлаштириш;

ўлчаш воситалари турини тасдиқлаш мақсадида давлат синовлари буйича ишларни ташкил этиш;

ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш, киёслаш ва калибрлаш ишларни ташкил этиш;

юридик шахсларнинг метрологик хизматлари ўлчаш воситаларини калибрлаш ва таъмирлашга аккредитациялаш.

Республика синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ўз ваколати доирасида метрология соҳасида сиёсат олиб бориш, ҳудудий Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхоналари метрология бўлимлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, уларни мувофиқлаштириш, ривожлантириш ва текшириш билан шуғулланади.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти (СМСИТИ) метрология соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб боради ва меъёрий ҳамда услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси метрологик хизмати Бош маркази ўлчашлар бирлилигини таъминлашнинг илмий-услубий, техник-иқтисодий, ташкилий, меъёрий асосларини яратиш, метрология соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва малакасини оширишда илмий-услубий ишларни, ўлчаш воситаларини калибрлаш бўйича ишларга илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, ваколати доирасида метрологик текширувни амалга ошириш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси стандарт намуналар Бош маркази модда ва материаллар таркиби ва хусусиятлари стан-

дарт намуналари давлат хизмати устидан илмий-услубий рахбарликни амалга оширади, стандарт намуналарни ишлаб чиқиш бўйича юридик шахслар фаолиятини мувофиқлаштиради, республикада ишлаб чиқарилган ҳамда четдан келтирилган модда ва материаллар давлат стандарт намуналарини экспертиза ва аттестация қилади, давлат метрологик текшируви ва назорати доирасидан ташқари қўлланиладиган стандарт намуналари буйича метрологик хизмат кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси путур етказмайдиган текширув Бош маркази путур етказмайдиган текширув соҳасида илмий-услубий ва ташкилий ишларни бажариш, путур етказмайдиган текширувни амалга оширувчи лабораториялар фаолиятига илмий-услубий рахбарлик қилиш ва уни мувофиқлаш, путур етказмайдиган текширув соҳасида асос бўлувчи ташкилий меъёрий ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси метрологик хизмати Бош маркази, Ўзбекистон Республикаси стандарт намуналар Бош маркази, Ўзбекистон Республикаси путур етказмайдиган текширув Бош маркази функцияларини амалга ошириш СМСИТИга юклатилган.

Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари бириктирилган ҳудудларда давлат метрологик текшируви ва назорати доирасида ўлчашлар бирлилигини таъминлаш ва давлат метрологик назорати бўйича ишларни мувофиқлаштиради.

Ҳудудий Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхоналари метрология бўлимлари давлат метрологик текшируви ва назорати доирасида давлат метрологик текширувини ва бириктирилган ҳудудларда метрологик хизматни амалга оширади.

Ўзбекистон давлат метрология хизматининг ишчи органи сифатида «Ўзстандарт» агентлиги метрология бошқармаси хизмат кўрсатади.

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари ўлчашларнинг ягона бирлигини таъминлаш буйича ишларни бажариш ва метрология назоратини амалга ошириш учун тузилади ва давлат метрология хизмати органлари билан келишиб олинган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

Юридик шахс метрологик хизмати (O'z DSt 8.010.3:2004) мазкур муассаса (ташкилот)да ўлчашлар бирлилигини таъ-

миллаш ишларини бажарувчи ва метрологик текширув ҳамда назоратни амалга оширувчи метрологик хизматдир.

Метрологик хизматлар давлат бошқарув идоралари, вазирликлар, хўжалик бирлашмалари, ташкилотлар ва корхоналар қошида фаолият йўналишини инобатга олган ҳолда тузилиши мумкин. Давлат метрологик текшируви ва назорати доирасида ишлар амалга оширилган тақдирда, идора ва юридик шахс қошида метрологик хизматни ёки ўлчашлар бирлилигини таъминлаш буйича тегишли ташкилий тузилма яратилиши мажбурий ҳисобланади. Ўлчашлар бирлилигини таъминлаш буйича ишлар корхоналар асосий фаолият турига киради.

Зарур ҳолларда, давлат ва хўжалик бошқарув идоралари қошида тармоқда ягона техник сиёсатни ишлаб чиқиш ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш буйича ишларни мувофиқлаштириш мақсадида ташкилотлар ва корхоналар билан шартномалар асосида иш бажарувчи метрологик хизматнинг бош ва базавий ташкилотлари тузилиши мумкин.

Барча даражадаги метрологик хизматлар ўз ишларини Ўз ЎДТ меъёрий ҳужжатлари ва «Ўзстандарт» агентлиги билан келишилган низомлар асосида олиб борадилар. Юридик шахс метрологик хизмати намунали низоми Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати РХ Ўз 51-011 «ЎзР ЎДТ. Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг метрология хизматлари тўғрисида Намунавий низом»да келтирилган.

Метрологик хизматнинг бош ва базавий ташкилотлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технологик муассасалар қошида ташкил этилади.

Ташкилотлар ва корхоналар қошидаги метрологик хизматлар, одатда, мустақил ташкилий тузилма сифатида бош метролог бошчилигида фаолият курсатадилар.

Метрологик хизматнинг бош ва базавий ташкилотлари, ташкилотлар ва корхоналар қошидаги метрологик хизматлари мақсадлари, вазифалари ва функциялари Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 8.001:2010да келтирилган.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон метрологик хизмати ҳақида тартиб қайси ҳужжатда белгиланган?

2) Ўзбекистон метрологик хизмати қандай қисмлардан таркиб топган?

3) Давлат метрологик хизмати таркибига қандай идоралар киради?

4) Давлат метрологик хизматининг вазифалари нималардан иборат?

5) Юридик шахс метрологик хизмати нима мақсадда ташкил этилади?

6) Юридик шахс метрологик хизмати намунали низоми қайси ҳужжатда келтирилган?

7) Метрологик хизматнинг бош ва базавий ташкилотлари қаерда ташкил этилади?

8) Ташкилотлар ва корхоналар қошидаги метрологик хизматлари ким бошчилигида фаолият кўрсатади?

1.4.2. Ишлаб чиқаришнинг метрологик таъминоти

Ишлаб чиқаришнинг метрологик таъминоти (O'z DSt 8.010.3:2004) — метрологик хизматларни ишлаб чиқаришда ўлчаш бирлилигини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

Ишлаб чиқаришнинг метрологик таъминотига қуйидагилар киради:

ташкилот ёки корхонадаги ўлчашлар аҳволини таҳлил қилиш;

ўлчаниши лозим бўлган катталикларнинг рационал номенклатурасини, ўлчаш воситаларининг номенклатурасини, ўлчаш меъёрларини ва аниқликларини аниқлаш;

ўрнатилган аниқликка мос келувчи ўлчашларни бажариш услубиятини ишлаб чиқиш;

техник топшириқларни, конструкторлик ва технологик ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш;

метрологик меъёрий ҳужжатларни (МҲ) жорий қилиш;

корхонанинг метрологик масалалари бўйича МҲ ишлаб чиқиш;

корхонада метрологик қоидаларга, меъёрларга ва талабларга риоя қилиш.

Метрологик таъминланганлик бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, сифат тизимларини яратиш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Бунда маҳсулот ҳаёт циклининг барча босқичлари асосланган ҳолда ва етарли даражада метрологик таъминланган бўлиши керак.

Юридик шахс ишлаб чиқаришнинг метрологик таъминоти масаласини мустақил ҳал этади. Танланган метрологик таъ-

миот тизими республикада миллий ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизими умумий қоидаларига мос бўлиши керак. Давлат метрологик текшируви ва назорати доирасида белгиланган метрологик меъёр ва қоидалар юридик шахс томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда бажарилиши мажбурийдир.

Корхонада ишлатилаётган ўлчаш воситалари сони кам бўлган ҳолда, метрологик хизмат ташкил этилмайди. Бундай ҳолда, корхона раҳбари буйруғига кўра масъул ходимга метрологик таъминот масаласи билан шуғулланиш топширилади. Корхонада метрологик таъминот масаласи билан шуғулланиш шартнома асосида бошқа корхонанинг шу ишларга белгиланган тартибда аккредитатланган метрологик хизматига топширилиши ҳам мумкин.

Корхона метрологик хизмати ёки корхона раҳбари буйруғига кўра метрологик таъминот масаласига масъул этиб тайинланган ходим қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

— корхонадаги ўлчаш воситаларининг, хусусан, давлат метрологик текшируви ва назорати доирасида қўлланиладиганларининг ҳисобини юритиш;

— корхонада фойдаланишда бўлган ўлчаш воситаларининг таъмирланишини ташкил этиш;

— ўлчаш воситаларини қиёслаш графигини тузиш ва уларни ўз вақтида давлат метрологик хизмати идораларига ёки қиёслаш ҳуқуқига аккредитатланган метрологик хизматга қиёслашга бериш;

— давлат метрологик текшируви ва назорати доирасидан ташқарида қўлланиладиган ўлчаш воситаларини амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ калибрланишини ташкил этиш ва ўтказиш;

— ўлчашларни бажариш услубиятлари аттестацияси буйича ишларни ташкил этиш;

— корхонада ишлаб чиқилган техник ҳужжатларнинг метрологик экспертизаси буйича ишларни ташкил этиш ва ўтказиш;

— корхонада ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар синовини метрологик таъминлаш бўйича ишларни ўтказиш, синов ускуналари аттестациясида қатнашиш;

— ўлчаш воситалари, ўлчашларни бажариш услубиятлари, ишланмаларининг ҳолати ва қўлланилиши, ўлчаш воситалари қўлланилишининг барча босқичларида метрологик меъёр ва қоидаларга риоя қилиниши устидан метрологик текширув ва назоратни амалга ошириш.

Кичик корхоналарда метрологик операцияларнинг ва қўлланилаётган ўлчаш воситаларининг сонига қараб, белгиланган талабларга амал қилган холда, юқорида санаб ўтилган ишларнинг бир қисми бажарилиши мумкин.

Корхонада метрологик таъминотнинг асосий техник воситаси ўлчаш воситалари ҳисобланади: ўлчаш асбоблари, модда ва материаллар таркиби ва хусусиятлари стандарт намуналари, ўлчаш ўзгартгичлари, ўлчаш тизимлари.

Корхонада Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши рухсат этилган ва давлат реестрига киритилган ўлчаш воситалари турлари қўлланилиши мумкин.

Корхонада давлат метрологик текшируви ва назорати доирасида қўлланилаётган ўлчаш воситалари, албатта, давлат метрологик хизмати идоралари томонидан қиёсланган бўлиши керак. Ўлчаш воситаларини қиёслаш ишлари тасдиқланган график асосида амалга оширилади. «Ўзстандарт» агентлиги идоралари корхонада давлат назоратини ўтказиш вақтида қўлланилаётган ўлчаш воситаларининг рўйхати ва қиёслаш графиги тўғри ва тўлик тузилганлигини текширадилар. Давлат метрологик текшируви ва назорати доирасидан ташқарида қўлланилаётган ўлчаш воситаларидан фойдаланишни қонунлаштиришни (қиёслаш, калибрлаш, юстировка қилиш) мустақил ҳал этадилар.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка асосан барча ўлчашлар белгиланган тартибда аттестацияланган ва давлат реестрига киритилган ўлчашларни бажариш услубиятлари асосида амалга оширилиши керак.

Корхонадаги синов ускуналари белгиланган тартибда аттестацияланган бўлиши керак.

Корхона метрологик хизмати қўлланилаётган ўлчаш воситалари, ўлчашларни бажариш услубиятлари, меъёрий ҳужжатлар ҳолати ва қўлланилиши устидан умумий метрологик назоратни амалга оширади.

Назорат саволлари:

1) Ишлаб чиқаришнинг метрологик таъминоти тушунчаси нимани англатади?

2) Ишлаб чиқаришнинг метрологик таъминотига қандай ишлар киради?

3) Корхона метрологик хизмати қандай вазифаларни бажариши керак?

4) Корхонада улчашлар бирлилигини таъминлаш нимани назарда тутади?

5) Корхонадаги синов ускуналарига қандай талаблар қўйилади?

6) Ўзбекистон Республикасида улчашлар қандай улчашларни бажариш услубиятлари асосида амалга оширилиши керак?

1.5 Метрология буйича халқаро ва ҳудудий ташкилотлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли қарорида юклатилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, «Ўзстандарт» агенлигининг функцияларидан бири қилиб, халқаро ва давлатлараро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш белгиланган.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.0да стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

— Ўз СТ қоидаларини халқаро, давлатлараро, регионал ва бошқа давлатларнинг илғор миллий стандартлаштириш тизимлари билан уйғунлаштириш;

— Ўзбекистон стандартлаштириш буйича МҲлар Давлат фондини халқаро, давлатлараро, регионал ва бошқа давлатларнинг миллий стандартларни қўллаш асосида такомиллаштириш;

— МҲларни халқаро, давлатлараро, регионал ва бошқа давлатларнинг миллий стандартлари билан уйғунлаштириш;

— икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик асосида яратиладиган янги рақобатбардош маҳсулотлар ва технологияларга тегишли бўлган маҳаллий стандартлар асосида халқаро, давлатлараро, регионал стандартларни ишлаб чиқиш;

— чет давлатлар билан Ўзбекистоннинг савдо-иқтисод ва илмий-техник ҳамкорлигини меъёрий таъминотини яхшилаш;

— халқаро, давлатлараро, регионал стандартларни ишлаб чиқишда Ўзбекистоннинг манфаатини ҳимоя қилиш.

Метрология буйича халқаро ташкилотларнинг асосий вазифаси глобал метрологик тизимни яратишдир. Бунинг учун:

халқаро бирликлар тизими SI да улчашлар бирлилигини таъминлаш;



1.7-расм. КООМЕТ ташкилий тузилмаси

лабораторияларини аккредитатлаш соҳасида ишларни ривожлантириш ҳисобланади.

КООМЕТ бошқа халқаро ва ҳудудий ташкилотлар билан узвий ҳамкорликни олиб боради ва улар билан доимий ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Бу орқали у ўлчашлар глобал тизимини яратишда, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этишда ҳамда муҳим метрологик муаммоларни ечишда фаол иштирок этади.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича давлатлараро кенгаш

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳукумат-лари раҳбарлари 1992 йил 3 мартда Минск шаҳрида имзолан-ган «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида келишилган сиёсатни олиб бориш бўйича Келишув»га кўра, миллий идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларида техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича давлатлараро кенгаш (Давлатлараро кенгаш) ташкил этилди. Ўзбекистон Ҳукумати томонидан ҳам ушбу Келишув имзоланган ва унга кўра «Ўзстандарт» агентлиги Давлатлараро кенгаш аъзоси бўлиб, унинг йиғилишларида агентлик раҳбари ҳал қилувга овоз билан қатнашади (1.8-расм).

Давлатлараро кенгаш МДҲ аъзолари миллий идораларининг имкониятларини бирлаштириш, мавжуд МҲлардан биргаликда фойдаланиш ҳамда стандартлаштириш, метро-

логия ва сертификатлаштириш соҳаларида ягона техник сиёсатни амалга ошириш имкониятини яратди.

Давлатлараро кенгашга МДҲ ҳудудида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида мувофиқлаштирувчи идора сифатида:

ягона меъёрий база бўлган давлатлараро стандартлар, классификаторлар ва бошқа МҲларни қўллаш ва ривожлантириш;

ягона эталон базасини ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизимини шакллантириш, хусусан, давлатлараро вақт ва частота хизматини, модда ва материаллар хусусиятининг стандарт маълумот базасини шакллантириш;

маҳсулотлар ва хизматларнинг синови ва сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олинишини таъминлаш юклатилган.



1.8-расм. Давлатлараро кенгашнинг ташкилий тузилмаси

Давлатлараро кенгашнинг техник сиёсати МДҲ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича миллий идоралари, шу билан бирга, давлатлараро ТҚлар ва илмий-техник комиссиялар томонидан яратилади.

Давлатлараро кенгашнинг вазифаларини амалга ошириш учун аъзо давлатларнинг ваколатли вакиллари (асосан, миллий идора раҳбарлари)дан иборат Кенгаш ва унинг ишчи органи ҳисобланган стандартлар бўйича Бюроси (Минск

шаҳрида), 200дан зиёд давлатлараро ТҚлар, илмий-техник комиссиялар ва ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатади.

Назорат саволлари:

1) Метрология соҳасидаги халқаро муносабатлар бўйича «Ўзстандарт» агентлигига қандай вазифа юклатилган?
2) Халқаро ҳамкорликнинг асосий вазифалари этиб нималар белгиланган?
3) Метрология соҳасидаги қандай халқаро ташкилотларни биласиз?
4) Метрология соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг вазифалари нимадан иборат?
5) Ўзбекистонни метрология соҳасидаги фаолиятда иштирок этишидан қандай мақсад кўзланади?
6) Метрология соҳасидаги халқаро меъёрий ҳужжатлар қандай йўналишларда ишлаб чиқилади?
7) Метрология соҳасидаги қандай регионал ташкилотларни биласиз?
8) Метрология соҳасидаги халқаро ва регионал ташкилотлар ўртасида қандай муносабатлар мавжуд?

2-боб. Ўлчашлар назарияси асослари

2.1 Катталиклар ва уларнинг тизимлари

2.1.1 Катталиклар, уларни белгилаш ва қўллаш

Кундалик фаолиятда турли ҳодисалар, хусусиятлар, кўрсаткичларни ўлчаш ва уларни миқдорий баҳолаш зарурати туғилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун маълум бир катталиклардан фойдаланишга тўғри келади. Масалан, бирор модданинг оғирлиги, масофанинг узунлиги орқали физик катталик баҳоланади.

Ўзбекистон давлат стандарти **O'z DSt 8.010.1:2001 «ЎР ЎДТ. Метрология. Атама ва таърифлар. 1-қисм. Ассосий ва умумий атамалар»** белгиланган таърифга кўра, катталик (quantity) сифат жиҳатидан ажратилиши ва миқдор жиҳатидан аниқланиши мумкин бўлган ҳодисалар, моддий тизим, модданинг хоссасидир. Ўлчаниши зарур булган (ўлчанаётган, ўлчанган) катталик *ўлчанадиган катталик* дейилади.

Катталик қиймат (value (of a quantity)га эга бўлиб, катталик учун қабул қилинган бирликларнинг маълум бир сони билан катталикнинг ўлчамини ифодалайди, унинг сонли

қиймати (numerical value) эса катталикнинг қийматига кирувчи номсиз сондир.

Катталик қуйидаги қийматлар билан баҳоланиши мумкин:

чин қиймат (true value) — маълум катталикни сифат ва миқдор жиҳатдан идеал тавсифлай оладиган катталик қиймати;

ҳақиқий қиймат (conventional true value) — тажриба орқали топилган қиймат чин қийматга шу даражада яқинки, берилган масалада бунинг ўрнида фойдаланилиши мумкин.

Катталикларнинг бирлари мустақил, бошқалари эса мустақил катталикларнинг функцияси деб қабул қилинадиган принципларга мувофиқ ташкил этилган тўплами **катталиклар тизими (system of physical quantities)**ни ҳосил қилади.

Тизимга кирадиган ва тизимнинг бошқа катталикларидан мустақил деб шартли равишда қабул қилинган катталик **асосий катталик (base quantity)** дейилади. Тизимга кирадиган ва бу тизимнинг асосий катталиклари орқали аниқланадиган катталик **ҳосилавий катталик (derived quantity)** дейилади.

Катталиклар тизими номида асосий деб қабул қилинган катталикларнинг символлари қўлланилади, масалан, механикавий катталиклар тизими, бунда асосий катталиклар сифатида йўл L, масса M ва вақт T қабул қилинган бўлиб, LMT тизими деб аталиши белгиланган. LMT тизимида механикавий катталикларнинг ҳосилалари: v илгариланма ҳаракат тезлиги (модули бўйича) $v = dl/dt$ тенгламаси билан аниқланади, бунда l — йўл, t — вақт. Ҳозир кучга эга бўлган халқаро бирликлар тизими (SI)га мос асосий қатталиклар тизими $LMTI\,NJ$ символлари билан белгиланади, булар мос ҳолда асосий катталиклар — L йўл, M масса, T вақт, I электр токининг кучи, температура, N модда миқдори ва J ёруғлик кучининг символларини ифодалайди.

Катталикнинг миқдор жиҳатдан ифодаланиши унинг **ўлчамлилигини** кўрсатади. **Катталикнинг ўлчамлилиги (dimension of a quantity)** — турли даражалардаги асосий катталиклар символларининг кўпайтмаларидан тузилган, ушбу катталикни мазкур катталиклар тизимида асосий деб қабул қилинган катталиклар билан боғлиқлигини акс эттирувчи ҳамда мутаносиблик коэффициенти 1 га тенг бўлган даражали бир ҳад шаклидаги ифода. Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот (ИСО)нинг ИСО 3170 стандартига мувофиқ катталикларнинг ўлчамлилигини dim (инг. *dimension* — ўлчам) белгиси билан белгиланади. LMT катталиклар тизимида X катталикнинг ўлчамлилиги $\dim X = L^l M^m T^t$ (2.3)

бўлади, бунда L, M, T асосий деб қабул қилинган (узунлик, масса, вақт) катталикларнинг символлари, l, m, t — ҳисобланаётган X катталикни аниқлашдаги асосий катталикларнинг даража кўрсаткичларидир.

Ҳосилавий катталикнинг ўлчамини аниқлашда қуйидаги қоидаларга риоя этиш керак:

— тенгламанинг иккала томонида ўлчамлилик бир хил бўлиши керак;

— ўлчам аниқлашда фақат кўпайтирув амалидан фойдаланилади;

— бир неча катталиклар кўпайтмасининг ўлчами улар ўлчамлари кўпайтмасига тенг, яъни

агар $Q = A \cdot B \cdot C$, унда $\dim Q = \dim A \cdot \dim B \cdot \dim C$;

— катталиклар нисбатининг ўлчами улар ўлчамлари нисбатига тенг, яъни,

агар $Q = A/B$, унда $\dim Q = \dim A/\dim B$;

— маълум даражага кўтарилган катталикнинг ўлчами унинг шу даражадаги ўлчамига тенг, яъни

агар $Q = A^n$, унда $\dim Q = \dim^n A$.

Катталикнинг ўлчов бирлиги (unit (of measurement) мавжуд бўлиб, у шартли равишда 1 га тенг қиймат берилган ва ўзи билан бир турли катталикларни миқдор жиҳатдан ифодалаш учун қўлланиладиган, белгиланган ўлчамли катталикдир.

Катталикнинг бирлиги каррали ёки улушли бўлиши мумкин. **Каррали бирлик** (multiple of a unit (of measurement) тизимли ёки тизимдан ташқари бирликдан бутун сон марта катта бўлган катталик бирлигидир. Масалан, узунлик бирлиги 1 km = 10^3 m, яъни метрга каррали; частота бирлиги 1 МГц (мегагерц) = 10^6 Hz, герцга каррали. Катталикнинг улушли бирлиги (sub-multiple of a unit (of measurement) тизимли ёки тизимдан ташқари бирликдан бутун сон марта кичик бўлган катталик бирлигидир. Мисол — узунлик бирлиги 1 nm (нанометр) = 10^{-9} m ва вақт бирлиги 1 μs = 10^{-6} s мос ҳолда метр ва секуднинг улушлари бўлади.

Катталик бирлиги қайта такрорланадиган ёки ўлчаш воситаси сақлайдиган, катталик бирлигининг миқдорий жиҳатдан аниқлилигини кўрсатувчи ўлчамга эгадир.

Катталикни ўлчаш (measurement) катталик бирлигини сақлайдиган техникавий воситани қўлланишга оид, ўлчанадиган катталик билан унинг бирлиги ўртасидаги нисбат-

ни (ошкор ёки ноошкор кўринишда) топиш ва бу катталик қийматини аниқлаш имконини берувчи операциялар мажмуидир. Энг олдий ҳолатда бўлинмали чизғични бирор деталга қўйиб, аслида унинг ўлчами чизғичда сақланган бирликка солиштирилади ва ҳисоблаб катталик қиймати (деталнинг узунлиги, баландлиги, қалинлиги ва бошқа параметрлари) аниқланади.

Маълум бир катталикни ўлчаш учун асос буладиган қийматларнинг тартиблаштирилган тўпламига катталикнинг шкаласи дейилади. Ўлчашлар назарияси катталиклар шкаласи беш турга бўлинади:

— номлар шкаласи;
— тартиб шкаласи;
— оралиқлар шкаласи;
— муносабатлар шкаласи;
— абсолют шкала.

Номлар шкаласида фақат хусусиятларнинг турли сифат кўринишлари эквивалентлиги муносабатлари келитирилади ва унда нул ҳамда ўлчаш бирлиги тушунчалари бўлмайди. Мисол сифатида рангларни ўлчаш учун хизмат қиладиган ранглар шкаласи (атласи)ни курсатиш мумкин.

Тартиб шкаласи хусусиятларни сон жиҳатдан катталашиши ёки кичиклашиши тартиби муносабатларини кўрсатади. Бундай шкалаларда нул ҳам, ўлчаш бирлиги ҳам бўлмайди, чунки улар учун пропорционаллик муносабатларини белгилаш, яъни неча марта катта ёки кичиклигини баҳолаш мумкин эмас. Масалан, жисмларнинг қаттиқлиги шкаласи (Бринелл, Роквелл бўйича), ёруғлик сезувчанлиги шкаласи, кислоталик сони, зилзила кучи (Рихтер шкаласи бўйича), атом электростанцияларида авариялар сони (МАГАТЭ шкаласи буйича) бунга мисол бўлади.

Оралиқлар (интерваллар) шкаласи тартиб шкаласидан хусусиятларнинг турли сифат кўринишлари ўртасида оралиқларнинг пропорционаллиги мавжудлиги билан фарқланади. Бундай шкалаларда ўлчанаётган катталикларнинг ўлчамлари қатъий аниқланган оралиқлар билан жойлашади, уларда шартли нуллар (репер) ва келишилган ўлчаш бирлиги бўлади. Масалан, халқаро температура шкаласи қийматлари Метрик Конвенция давлатлари орасида келишилган таянч нуқталар (реперлар) қаторидан иборат бўлиб, улар аниқ ўлчашлар асосида белгиланган ва температурани ўлчаш учун дастлабки асос бўлиб хизмат қилади.

Муносабатлар шкаласи эквивалентлик, тартиб ва пропорционалликнинг мантиқий муносабатлари хусусиятларининг сифат кўринишларини ёритишда қўлланилади. Бундай шкалаларда хусусиятларнинг сонли кўриниши ва келишилган ўлчаш бирлиги мавжуд бўлади. Мисол сифатида оғирлик ва термодинамик температура шкалаларини кўрсатиш мумкин.

Абсолют шкала муносабатлар шкалаларига ўхшаш бўлиб, уларда қўшимча ўлчаш бирлиги аниқланади. Бундай шкалалар нисбий катталиклар учун мутаносибдир. Абсолют шкалалар орасида қиймати 0 дан 1 гача диапазонда ўзгариши чегараланган шкалаларни кўрсатиш мумкин. Мисол сифатида фойдали иш коэффициенти хизмат қилади.

Катталик қийматини бир шкаладан иккинчи шкалага ўтказиш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$y = (x - x_1)(y_2 - y_1)/(x_2 - x_1), \qquad (1.4)$$

бунда, x ва y — биринчи ва иккинчи шкалалардаги нуқталар;

x_1, x_2, y_1, y_2 — шу шкалалардаги биринчи ва иккинчи таянч (репер) нуқталар.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1) Катталик тушунчасининг таърифини келтиринг.
2) Катталик қандай қийматлар билан баҳоланади?
3) Катталиклар тизими қандай ҳосил қилинади?
4) Тизимнинг асосий катталиги деганда қандай катталик назарда тутилади?
5) Тизимнинг ҳосилавий катталиги деганда қандай катталик назарда тутилади?
6) Катталикнинг ўлчамлилиги тушунчаси нимани англатади?
7) Катталикни ўлчаш тушунчаси нимани англатади?
8) Ўлчашлар назарияси бўйича катталиклар шкаласи неча турга бўлинади?

2.1.2 Катталиклар бирликлари тизими

Маълум бир принципларга мувофиқ катталикларнинг асосий ва ҳосилавий бирликларининг мажмуи тузилса, у **катталиклар бирликлари тизими (system of units)** дейилади. Масалан, халқаро SI системаси бунга мисол бўла олади. Тизим асосий ва ҳосилавий бирликлардан иборат бўлади.

Катталиклар бирликлари тизимининг асосий бирлиги (base unit (of measurement) — асосий катталикнинг берилган бир-

лар тизимидаги бирлигидир. *Масалан, халқаро бирликлар тизимининг асосий бирликлари метр (m), килограмм (kg), секунд (s), ампер (A), кельвин (K), моль (mol) ва кандела (cd).*

Катталиклар бирликлари тизимининг ҳосилавий бирлиги (derived unit (of measurement) — асосий бирликлар ёки асосий ва аниқланган ҳосилавий бирликлар билан боғловчи тенгламага мувофиқ ташкил топган, катталиклар тизимининг ҳосилавий катталик бирлигидир. Масалан, 1 m/s тезлик бирлиги — SI нинг асосий бирликлари метр ва секундлан ташкил топган.

Тизимнинг асосий бирликлари улчамлари амалиётда қўлланилиши қулайлиги талабидан келиб чиқиб танланади, ҳосилавий бирликлар ўлчамлари эса асосий бирликлар улчамлари ва иккала турдаги бирликларни боғловчи муносабатлар тенгламаларига боғлиқ равишда аниқланади. Агар асосий бирликлар орқали ҳосилавий бирликларни аниқлаш учун фойдаланиладиган (аниқлайдиган) тенгламалардаги пропорционаллик коэффициентлари бирга тенг бўлса, бундай катталиклар бирликлари ўз ичига олувчи тизим когерент ёки келишилган тизим дейилади. Бундай тизимлар фойдаланишга қулай ҳисобланади.

Тизимнинг асосий катталиклар бирликлари сифатида ҳозирдаги фан ва техника имкониятлари даражасида катталиклар бирлигини энг юқори даражада қайта тиклаш мумкин бўлганлари танланади.

Келишилган тизимда асосий бирликлар сони минимал, шу билан бирга керакли ҳосилавий бирликлар комплексини ҳосил қилишга етарли даражада бўлиши керак.

Амалиётда бир неча бирликлар тизими қўлланилади. Умумэътироф этилган ва кўп мамлакатларда қўлланиладиган тизим — халқаро ўлчамлар тизими (SI) ҳисобланади.

Халқаро бирликлар тизими (International System of Units: SI) ўлчовлар ва тарозилар буйича 1960 йилдаги Бош конференцияда қабул қилган ва тавсия этган бирликлар когерент тизимидир.

Халқаро бирликлар тизими (SI) асосий ва ҳосилавий бирликлардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонунида мамлакатда халқаро ўлчамлар тизими (SI)нинг физик ўлчам бирликларини белгиланган тартибда қўллашга йўл қўйилиши, физик ўлчам бирликларининг номи, бел-

лар тизимидаги бирлигидир. ***Масалан, халқаро бирликлар тизимининг асосий бирликлари метр (m), килограмм (kg), секунд (s), ампер (A), кельвин (K), моль (mol) ва канделла (cd).***

Катталиклар бирликлари тизимининг ҳосилавий бирлиги (derived unit (of measurement) — асосий бирликлар ёки асосий ва аниқланган ҳосилавий бирликлар билан боғловчи тенгламага мувофиқ ташкил топган, катталиклар тизимининг ҳосилавий катталик бирлигидир. Масалан, 1 m/s тезлик бирлиги — SI нинг асосий бирликлари метр ва секундлан ташкил топган.

Тизимнинг асосий бирликлари ўлчамлари амалиётда қўлланилиши қулайлиги талабидан келиб чиқиб танланади, ҳосилавий бирликлар ўлчамлари эса асосий бирликлар ўлчамлари ва иккала турдаги бирликларни боғловчи муносабатлар тенгламаларига боғлиқ равишда аниқланади. Агар асосий бирликлар орқали ҳосилавий бирликларни аниқлаш учун фойдаланиладиган (аниқлайдиган) тенгламалардаги пропорционаллик коэффициентлари бирга тенг бўлса, бундай катталиклар бирликлари ўз ичига олувчи тизим когерент ёки келишилган тизим дейилади. Бундай тизимлар фойдаланишга қулай ҳисобланади.

Тизимнинг асосий катталиклар бирликлари сифатида ҳозирдаги фан ва техника имкониятлари даражасида катталиклар бирлигини энг юқори даражада қайта тиклаш мумкин бўлганлари танланади.

Келишилган тизимда асосий бирликлар сони минимал, шу билан бирга керакли ҳосилавий бирликлар комплексини ҳосил қилишга етарли даражада бўлиши керак.

Амалиётда бир неча бирликлар тизими қўлланилади. Умумэътироф этилган ва кўп мамлакатларда қўлланиладиган тизим — халқаро ўлчамлар тизими (SI) ҳисобланади.

Халқаро бирликлар тизими (International System of Units: SI) ўлчовлар ва тарозилар бўйича 1960 йилдаги Бош конференцияда қабул қилган ва тавсия этган бирликлар когерент тизимидир.

Халқаро бирликлар тизими (SI) асосий ва ҳосилавий бирликлардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонунида мамлакатда халқаро ўлчамлар тизими (SI)нинг физик ўлчам бирликларини белгиланган тартибда қўллашга йўл қўйилиши, физик ўлчам бирликларининг номи, бел-

Муносабатлар шкаласи эквивалентлик, тартиб ва пропорционалликнинг мантиқий муносабатлари хусусиятларининг сифат кўринишларини ёритишда қўлланилади. Бундай шкалаларда хусусиятларнинг сонли кўриниши ва келишилган ўлчаш бирлиги мавжуд бўлади. Мисол сифатида оғирлик ва термодинамик температура шкалаларини кўрсатиш мумкин.

Абсолют шкала муносабатлар шкалаларига ўхшаш бўлиб, уларда қўшимча ўлчаш бирлиги аниқланади. Бундай шкалалар нисбий катталиклар учун мутаносибдир. Абсолют шкалалар орасида қиймати 0 дан 1 гача диапазонда ўзгариши чегараланган шкалаларни кўрсатиш мумкин. Мисол сифатида фойдали иш коэффициенти хизмат қилади.

Катталик қийматини бир шкаладан иккинчи шкалага ўтказиш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$y = (x - x_1)(y_2 - y_1)/(x_2 - x_1), \qquad (1.4)$$

бунда, x ва y — биринчи ва иккинчи шкалалардаги нуқталар;

x_1, x_2, y_1, y_2 — шу шкалалардаги биринчи ва иккинчи таянч (репер) нуқталар.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1) Катталик тушунчасининг таърифини келтиринг.

2) Катталик қандай қийматлар билан баҳоланади?

3) Катталиклар тизими қандай ҳосил қилинади?

4) Тизимнинг асосий катталиги деганда қандай катталик назарда тутилади?

5) Тизимнинг ҳосилавий катталиги деганда қандай катталик назарда тутилади?

6) Катталикнинг ўлчамлилиги тушунчаси нимани англатади?

7) Катталикни ўлчаш тушунчаси нимани англатади?

8) Ўлчашлар назарияси бўйича катталиклар шкаласи неча турга бўлинади?

2.1.2 Катталиклар бирликлари тизими

Маълум бир принципларга мувофиқ катталикларнинг асосий ва ҳосилавий бирликларининг мажмуи тузилса, у **катталиклар бирликлари тизими (system of units)** дейилади. Масалан, халқаро SI системаси бунга мисол бўла олади. Тизим асосий ва ҳосилавий бирликлардан иборат бўлади.

Катталиклар бирликлари тизимининг асосий бирлиги (base unit (of measurement) — асосий катталикнинг берилган бир-

лар тизимидаги бирлигидир. *Масалан, халқаро бирликлар тизимининг асосий бирликлари метр (m), килограмм (kg), секунд (s), ампер (A), кельвин (K), моль (mol) ва кандела (cd).*

Катталиклар бирликлари тизимининг ҳосилавий бирлиги (derived unit (of measurement) — асосий бирликлар ёки асосий ва аниқланган ҳосилавий бирликлар билан боғловчи тенгламага мувофиқ ташкил топган, катталиклар тизимининг ҳосилавий катталик бирлигидир. Масалан, 1 m/s тезлик бирлиги — SI нинг асосий бирликлари метр ва секунддан ташкил топган.

Тизимнинг асосий бирликлари ўлчамлари амалиётда қўлланилиши қулайлиги талабидан келиб чиқиб танланади, ҳосилавий бирликлар ўлчамлари эса асосий бирликлар ўлчамлари ва иккала турдаги бирликларни боғловчи муносабатлар тенгламаларига боғлиқ равишда аниқланади. Агар асосий бирликлар орқали ҳосилавий бирликларни аниқлаш учун фойдаланиладиган (аниқлайдиган) тенгламалардаги пропорционаллик коэффициентлари бирга тенг бўлса, бундай катталиклар бирликлари ўз ичига олувчи тизим когерент ёки келишилган тизим дейилади. Бундай тизимлар фойдаланишга қулай ҳисобланади.

Тизимнинг асосий катталиклар бирликлари сифатида ҳозирдаги фан ва техника имкониятлари даражасида катталиклар бирлигини энг юқори даражада қайта тиклаш мумкин бўлганлари танланади.

Келишилган тизимда асосий бирликлар сони минимал, шу билан бирга керакли ҳосилавий бирликлар комплексини ҳосил қилишга етарли даражада бўлиши керак.

Амалиётда бир неча бирликлар тизими қўлланилади. Умумэътироф этилган ва кўп мамлакатларда қўлланиладиган тизим — халқаро ўлчамлар тизими (SI) ҳисобланади.

Халқаро бирликлар тизими (International System of Units: SI) ўлчовлар ва тарозилар бўйича 1960 йилдаги Бош конференцияда қабул қилган ва тавсия этган бирликлар когерент тизимидир.

Халқаро бирликлар тизими (SI) асосий ва ҳосилавий бирликлардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонунида мамлакатда халқаро ўлчамлар тизими (SI)нинг физик ўлчам бирликларини белгиланган тартибда қўллашга йўл қўйилиши, физик ўлчам бирликларининг номи, бел-

гиси, уларни ёзиш ва қуллаш қоидалари «Ўзстандарт» агентлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгиланган. Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси халқаро ўлчамлар тизимига киритилмаган ўлчамларни қуллашга рухсат бериши мумкин.

Ўзбекистон давлат стандарти **O'z DSt 8.012:2005 «ЎР ЎДТ. Катталиклар бирликлари»**да Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган катталиклар бирликларини, жумладан физикавий катталиклар бирликларини, уларнинг номларини, халқаро белгиланишига мос белгиларини, таърифларини ва шу бирликларнинг қўлланиш қоидалари белгиланган.

SIнинг асосий бирликлари 1.1-жадвалда келтирилган.

1.1-жадвал

Халқаро бирликлар тизими (SI) бирликлари

Катталик		Бирлик		
Номи	Ўлчамлиги	Номи	Белгиси	Таърифи
Узунлик	*L*	метр	m	Метр бу ёруғлик 1/299792458 s вақт оралиғида вакуумда босиб ўтадиган масофа [XVII ҮТБК (1983 й.), 1-карор]
Масса	*M*	Килограмм	kg	Килограмм бу масса бирлиги бўлиб, халқаро килограмм-прототипининг массасига тенг [I ҮТБК (1889 й.) ва III ҮТБК (1901 й.)]
Вақт	*T*	секунд	s	Секунд бу цезий-133 атоми асосий ҳолатининг икки ўта нозик сатҳлари орасидаги бир-бирига ўтишига мувофиқ келадиган нурланишнинг 9 192 631 770 давридир [XIII ҮТБК (1967 й.)]
Электр токи (электр токининг кучи)	*I*	ампер	A	Ампер бу вакуумда бир-биридан 1 m оралиқда жойлашган, чексиз узун, ўта кичик думалоқ кундаланг кесимли икки параллел тўғри чизиқли ўтказгичлардан ток ўтганда ўтказгичнинг ҳар 1 m узунлигида $2 \cdot 10^{-7}$ N га тенг ўзаро таъсир кучини ҳосил қила оладиган ўзгармас ток кучи [ҮТХКн (1946 й.) 2 карор, IX ҮТБК (1948 й.) маъқулланган]
Термодинамик ҳарорат	θ	кельвин	K	Кельвин бу термодинамик ҳарорат бирлиги бўлиб, у сувнинг учланма нуктаси термодинамик ҳароратнинг 1/273,16 қисмига тенг [XIII ҮТБК (1967 й.) 4-карор]
Модда миқдори	*N*	моль	mol	Моль бу массаси 0,012 kg бўлган углерод-12да канча атом бўлса, ўз таркибига шунча элементларини олган тизимининг модда миқдоридир. Мольни татбиқ этишда элементлари гуруҳланган бўлиши лозим ва улар атом, молекула, ион, электрон ва бошқа заррачалар гуруҳларидан иборат бўлиши мумкин [XIV ҮТБК (1971 й.), 3-карор]
Ёруғлик кучи	*J*	кандела	cd	Кандела бу берилган йўналишда 540·1012 Hz частотали монохроматик нурланишни тарқатувчи ва шу йўналишда энергетик ёруғлик кучи 1/683 W/sr ни ташкил этувчи манбанинг ёруғлик кучидир. [XVI ҮТБК (1979 й.), 3-карор]

Кельвин температурасидан (белгиси T) ташқари $t = T - T_0$ ифода билан аниқланувчи Цельсий температураси (белгиси t) қўлланилади, бу ерда таърифи бўйича $T = 273{,}15$ K. Кельвин температураси кельвинлар билан, Цельсий температураси — Цельсий градуслари билан ифодаланади (халқаро ва ўзбекча белгиси °C). Ўлчови бўйича Цельсий градуси кельвинга тенг. Цельсий градуси бу «кельвин» номи ўрнига ишлатиладиган махсус ном.

Кельвин температураларининг айирмаси ёки оралиғи кельвинлар билан ифодаланади. Цельсий температураларининг айирмаси ёки оралиғи кельвинлар билан ҳам, Цельсий градуслари билан ҳам ифодалашга рухсат этилади.

Халқаро амалий температура белгисини 1990 йилги халқаро температура шкаласида ифодалаш учун, агар уни термодинамик температурадан фарқлаш лозим бўлса, унда термодинамик температура белгисига «90» индекси қўшиб ёзилади (масалан, T_{90} ёки t_{90}).

Халқаро бирликлар тизимининг когерент ҳосилавий бирликлари одатда катталикларни боғлайдиган сонли коэффициенти 1 га тенг бўлган оддий тенгламалар (аниқлайдиган тенгламалар) орқали тузилади. Ҳосилавий бирликларни ҳосил қилиш катталикларни боғлайдиган тенгламаларда катталиклар белгиларини SI бирликларининг белгилари билан алмаштириш орқали амалга оширилади. Мисол: тезлик бирлиги тўғри чизиқли ва бир текис ҳаракатланувчи моддий нуқтанинг тезлигини аниқловчи тенгламаси орқали топилади:

$$v = \frac{S}{t} \qquad (1.5)$$

бу ерда v — тезлик;

S — ўтилган йўлнинг узунлиги;

t — моддий нуқтанинг ҳаракатдаги вақти.

S ва t ўрнига уларнинг SI бирликлари қўйилса, қуйидаги тенглама чиқади:

$$[v] = [S]/[t] = 1 \text{ m/s}. \qquad (1.6)$$

Бинобарин, SI тизимида тезлик бирлиги секундига метр. У, 1 s вақтда нуқта 1 m масофага силжийдиган тўғри чизиқли ва бир текис ҳаракатланувчи моддий нуқтанинг тезлигига тенг.

Агар боғланиш тенгламаси 1 дан фарқ қилувчи сон коэффициентга эга бўлса, унда SI когерент ҳосила бирлигини ҳосил қилиш учун SI бирликларининг шундай сон қий-

матлари танланиб олинадики, уни унг қисмидаги коэффициентга кўпайтирилиши натижасида умумий сон қиймати бирга тенг бўлиши керак. Мисол: агар энергия бирлигини ҳосил қилиш учун

$$E = \frac{1}{2} m v^2 \qquad (1.7)$$

тенглама ишлатилса,

бу ерда E — кинетик энергияси;

m — моддий нуқта массаси;

v — моддий нуқтанинг ҳаракатланиш тезлиги.

У ҳолда SI тизимидаги когерент энергиясининг бирлигини ҳосил қилиш учун қуйидаги тенгламадан фойдаланилади:

$$[E] = (\tfrac{1}{2}).(2[m]\cdot[v]^2) = (\tfrac{1}{2}).(2\ \text{kg})(1\ \text{m/s})^2 = 1\ \text{kg}\cdot\text{m/s}^2\cdot\text{m} = 1\ \text{N}\cdot\text{m} = 1\ \text{J} \quad (1.8)$$

ёки

$$[E] = \tfrac{1}{2}.[m](\sqrt{2}\,[v])^2 = \tfrac{1}{2}\ (1\ \text{kg})(\sqrt{2}\ \text{m/s})^2 = 1\ \text{kg}\cdot\text{m/s}^2\cdot\text{m} = 1\ \text{N}\cdot\text{m} - 1\ \text{J} \quad (1.9)$$

Номлари ва белгилари асосий бирликлар номларидан ва белгиларидан ташкил топган SIнинг ҳосилавий бирликлар намуналари 1.2-жадвалда келтирилган.

1.2-жадвал

SIнинг ҳосилавий бирликлар намуналари

Номи	Ўлчамлиги	Номи	Белгиси
Майдон	L^2	метрнинг квадрати	m^2
хажм, сиғдирувчанлик	L^3	метрнинг кубы	m^3
Тезлик	LT^{-1}	секундига метр	m/s
Тезланиш	LT^{-2}	метр таксим секуднинг квадрати	m/s^2
Зичлик	$L^{-3}M$	килограмм таксим метрнинг кубы	kg/m^3
Тулкин сон	L^{-1}	метрнинг даражаси минус бир	m^{-1}
Солиштирма хажм	L^3M^{-1}	метрнинг кубы таксим килограмм	m^3/kg
Электр токининг зичлиги	$L^{-2}I$	ампер таксим метрнинг квадрати	A/m^2
Магнит майдоннинг кучланганлиги	$L^{-1}I$	ампер таксим метр	A/m
Компонентнинг моляр концентрацияси	$L^{-3}N$	моль таксим метрнинг кубы	mol/m^3
Равшанлик	$L^{-2}J$	кандела таксим метрнинг квадрати	cd/m^2

Шундай қилиб, SI тизимида энергия бирлиги жоуль бўлади (ньютон метрга тенг). Кўрсатилган мисолларда у массаси 2 kg ва ҳаракат тезлиги — 1 m/s ёки массаси 1 kg ва ҳаракат тезлиги $\sqrt{2}$ m/s ҳаракатланувчи жисмнинг кинетик энергиясига тенг.

Номлари ва белгилари махсус номли бирликлар номларидан ва белгиларидан ташкил топган SIнинг бошқа ҳосилавий бирликлар намуналари давлат стандарти O'z DSt 8.012:2005 «УР Ў;ДТ. Катталиклар бирликлари»да келтирилган.

Махсус номи бўлмаган ҳосилавий бирликларининг белгиси SI бирликларини махсус номли белгиларининг минимал сонига ва асосий бирликларнинг имкон қадар пастроқ даража кўрсаткичига эга бўлиши керак, мисол:

Тўғри:	Нотўғри:
A/kg;	C/(kg·s);
Ω·m;	V·m/A;
$m \cdot kg/(s^3 \cdot A^2)$.	

SI бирликлари билан бир қаторда тизимдан ташқари бирликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни муддати чекланмаган ҳолда қўлланишга йўл қўйилади.

Нисбий ва логарифмик бирликлари муддати чекланмаган ҳолда қўлланиши мумкин. Айрим нисбий ва логарифмик катталиклар ва уларнинг бирликлари 1.3-жадвалда келтирилган.

Амалиётда бирликларни тизимда берилганидан кўра бир неча баробар катта ёки кичик даражада қўллаш зарурати туғилади. Масалан, узоқ масофани метрда эмас, ундан минг баробар катта бўлган бирлик километрда ўлчаш қулай бўлади. Айрим ҳолларда, SI бирлиги метрдан 1000 баробар кичик бўлган бирлик миллиметрда ўлчаш мақсадга мувофиқ бўлади. SI тизимида қабул қилинган бирлик баробар даражада фарқланувчи бирликлар каррали ва улушли бирликлар дейилади.

SIнинг ўнли каррали ва улушли бирликларининг номлари ва белгиланиши 1.4-жадвалда келтирилган кўпайтувчи ва олд қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинади.

Бирликнинг номига ёки белгисига икки ёки ундан кўпроқ олд қўшимчаларни кетма-кет қўшишга йўл қўйилмайди. Масалан, бирлик номи микромикрофарад ўрнига пикофарад ёзилиши керак.

1.3-жадвал

Нисбий ва логарифмик катталиклар бирликлари

Катталикнинг номи	Бирлик		
	Номи	Белгиси	Киймати
1 Нисбий катталик (физикавий катталикнинг бошлангич катталик деб кабул килинган бир хил номли иккинчи физикавий катталикка ўлчамсиз нисбати): ФИК; нисбий чузилиши; нисбий зичлик; деформация; нисбий диэлектрик ва магнит синдирувчанликлари; магнитга мойиллиги; компонентнинг массавий улуши; компонентнинг моляр улуши ва бошкалар.	бирлик	1	1
	процент	%	$1 \cdot 10^{-2}$
	промилле	‰	$1 \cdot 10^{-3}$
	миллиондан бир улуши	ppm	$1 \cdot 10^{-6}$
	миллиарддан бир улуши	ppb	$1 \cdot 10^{-9}$

1.4-жадвал

Унли кўпайтувчи	Олд кўшимча	Олд кўшимча белгиси	Унли кўпайтувчи	Олд кўшимча	Олд кўшимча белгиси
10^{24}	иота	Y	10^{-1}	деци	d
10^{21}	зетта	Z	10^{-2}	санти	c
10^{18}	экса	E	10^{-3}	милли	m
10^{15}	пета	P	10^{-6}	микро	μ
10^{12}	тера	T	10^{-9}	нано	n
10^{9}	гига	G	10^{-12}	пико	p
10^{6}	мега	M	10^{-15}	фемто	f
10^{3}	кило	k	10^{-18}	атто	a
10^{2}	гекто	h	10^{-21}	зепто	z
10^{1}	дека	da	10^{-24}	иокто	y

Агар бирлик бирликлар кўпайтмаси ёки нисбати кўринишида тузилган бўлса, у холда олд кўшимчани ёки унинг белгисини кўпайтма ёки нисбатга кирувчи биринчи бирлик номига ёки белгисига кўшиб ёзиш лозим.

Тўғри:	Нотўғри:
килопаскаль-секунда тақсим метр (kPa·s/m).	паскаль-килосекунда тақсим метр (Pa·ks/m).

Даражага кўтарилган бирлик олинган каррали ва улушли бирликларнинг белгиларини шу даража кўрсаткичини маз-

кўп бирликлар олинган карра ёки улуш белгисига қушиб ёзиш лозим, шунда кўрсаткич каррали (ёки улушли) бирликнинг (сон қўшимча билан бирга) даражага кўтарилганлигини ифодалайди.

Мисоллар:

1. $5\ km^2 = 5(10^3\ m)^2 = 5 \cdot 10^6\ m^2$.
2. $250\ cm^3/s = 250(10^{-2}\ m)^3/s = 250 \cdot 10^{-6}\ m^3/s$.
3. $0{,}002\ cm^{-1} = 0{,}002(10^{-2}\ m)^{-1} = 0{,}002 \cdot 100\ m^{-1} = 0{,}2\ m^{-1}$.

Назорат саволлари:

1) Катталиклар бирликларининг тизими қандай ҳосил қилинади?
2) Катталиклар бирликлари тизимининг асосий бирлиги қандай ҳосил қилинади?
3) Катталиклар бирликлари тизимининг ҳосилавий бирлиги қандай ҳосил қилинади?
4) Халқаро бирликлар тизими SI қачон ва қандай тадбирда қабул қилган?
5) Қайси бирликлар Халқаро бирликлар тизими SIнинг асосий бирликлари ҳисобланади?
6) Қайси бирликлар Халқаро бирликлар тизими SIнинг ҳосилавий бирликлари ҳисобланади?
7) SIнинг ўнли каррали ва улушли бирликларининг номлари қандай?
8) Бирликнинг номига ёхуд белгисига икки ёки ундан кўпроқ сон қўшимчаларни кетма-кет қўшишга йўл қўйиладими?

2.1.3 Бирликлар белгиларини ёзиш қоидалари

Катталиклар қийматини ёзиш учун бирликларни ҳарфлар билан ёки махсус белгилар (...°, ...′, ...″) билан белгилаш лозим. Белгиланган бирликлар айрим белгилари юқоридаги жадвалларда келтирилган.

Бирликларнинг ҳарфли белгилари тўғри шрифт билан ёзилиши керак. Бирликлар белгиларида нуқта қисқартириш белгиси сифатида қўйилмайди.

Бирликларнинг белгилари катталикларнинг рақамли қийматларидан кейин шу сатрда (бошқа сатрга ўтказмасдан) жойлаштирилиши лозим. Агар бирлик белгиси олдидаги сонли қиймат, эгри чизиқли каср кўринишида бўлса, у қавсга олиниши керак.

Сонининг охирги рақами ва бирликнинг белгиси орасида бир ҳарфли очиқ жой қолдириш лозим.

Тўғри:	Нотўғри:
100 kW	100kW
80 %	80%
20 °C	20°C
(1/60) $^{s-1}$.	1/60/$^{s-1}$.

Истесно ҳолларида сатр устига кутарилиб қуйиладиган махсус белги ва сон ўртасида очиқ жой қолдирилмайди.

Тўғри:	Нотўғри:
20°.	20 °.

Катталикнинг сонли қийматида унли каср борлигида бирликнинг белгисини ҳамма рақамлардан кейин жойлаштириш лозим.

Тўғри:	Нотўғри:
423.06 m	423 m 0,6
5,758° ёки 5°45,48'	5°758 ёки 5°45',48
ёки 5°45'28,8".	ёки 5°45'28",8.

Катталикларнинг қийматлари чегаравий оғишлари билан кўрсатилганда сонли қийматлари чегаравий оғишлари билан қавс ичига олиниши лозим ва бирликнинг белгиси қавсдан кейин қўйилиши ёки бирликлар белгиси катталикнинг сонли қийматидан кейин ва унинг чегаравий оғишидан кейин қўйилиши керак.

Тўғри:	Нотўғри:
(100,0 + 0,1) kg	100,0 + 0,1 kg
50 g + 1 g.	50 + 1 g.

Бирликлар белгисини жадвалнинг устун сарлавҳаларида ва сатр номларида (ёнбошларида) қўлланилишига йўл қўйилади.

1-мисол

Номинал сарф, m^3/h	**Кўрсатувларнинг, юқори чегараси, m^3**	**Роликнинг охирги ўнг томонидаги бўлинмасининг қиймати, m^3, кўпи билан**
40 ва 60	100 000	0,002
100, 160, 250, 400, 600 ва 1 000	1 000 000	0,02
2 500, 4 000, 6 000 ва 10 000	10 000 000	0,2

2-мисол

Кўрсаткич номи	Тортиш қувватидаги қиймати, *kW*		
	18	25	37
Ташқи ўлчамлари, *mm*:			
узунлик	3 080	3 500	4 090
эни	1 430	1 685	2 395
баландлиги	2 190	2 745	2 770
Колея, *mm*	1 090	1 340	1 823
Орқа ось, *mm*	275	640	345

Бирликларнинг белгиларини формуладаги катталиклар белгиларига берилган изоҳларда қўллаш рухсат этилади. Бирликлар белгиларини катталиклар ўртасидаги ёки уларнинг сон қийматлари ўртасидаги боғланишни ифодаловчи ҳарфлар шаклида келтирилган формулалар билан бир сатрда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Тўғри:	Нотўғри:
$v = 3{,}6\ s/t$,	$v = 3{,}6\ s/t\ km/h$,
бу ерда v - тезлик, *km/h*;	бу ерда s - масофа, *m*;
s - масофа, m;	t - вақт, *s*.
t - вақт, *s*.	

Кўпайтмага кирувчи бирликларнинг ҳарфли белгиларини кўпайтма белгиларидек ўрта чизиғига қўйилган нуқталар билан ажратиш лозим. Бу мақсадда «х» белгисидан фойдаланиш мумкин эмас.

Тўғри:	Нотўғри:
N·m	Nm
A·m²	Am²
Pa·s.	Pas.

Машинкада ёзилган матн учун нуқтани кўтармасликка йўл қўйилади.

Кўпайтмага кирувчи бирликларнинг ҳарфли белгиларини, агар бу англашилмовчиликка олиб келмаса очиқ жойлаштириб ажратишга йўл қўйилади.

Бирликлар нисбатининг ҳарфли белгиларида бўлиш белгиси сифатида фақат битта қия ёки горизонтал чизиқ ишлатилиши лозим. Бирликлар белгисининг кўпайтмаси сифатида даражага (мусбат ва манфий) кўтарилган бирликлар белгисини қўлланилиши мумкин.

қийматлари шу катталикларнинг ҳар хил бирикмаларини бевосита ўлчашда олинадиган тенгламалар системасини ечиш орқали аниқланади.

Масалан, бир тўпламдаги тошлар оғирлигини шу тўпламдаги оғирлигининг қиймати маълум тош орқали ва тўпламнинг турли тошлари оғирлигини ўлчаш (солиштириш) натижалари бўйича аниқлаш жамулжам ўлчашга мисол бўлади.

Бевосита ўлчашни амалга ошириш учун **бевосита баҳолаш ва таққослаш усулларидан** фойдаланилади.

Бевосита баҳолаш усули амалиётдан кенг қўлланиладиган ва юқори малакани талаб этмайдиган усул бўлиб, унда катталикнинг қиймати бевосита ўлчов воситаси кўрсаткичи орқали аниқланади. Масалан, манометр орқали босимни ўлчаш, штангенциркуль орқали узунликни ўлчаш бу усулга мисол бўлади. Бу усулнинг камчилиги ўлчаш аниқлигининг юқори эмаслигидадир.

Таққослаш усули бевосита баҳолаш усулига кўра мураккаброқ, лекин аниқроқ усул ҳисобланади. Таққослаш усулида ўлчанаётган катталик тикланаётган ўлчов билан таққосланади.

Таққослаш усули бир неча кўринишларда амалга оширилади: дифференциал усул, ноль усули, ўрин алмаштириш ва тўғри келтириш усуллари.

Дифференциал усул — ўлчов билан таққослаш усули бўлиб, бунда ўлчаш асбобига ўлчанаётган ва қиймати маълум бўлган катталиклар орасидаги фарқ таъсир этади.

Дифференциал усул таққосланаётган катталиклар орасидаги фарқ катта бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Таққосланаётган катталиклар орасидаги фарқ кичиклашган сари, ўлчаш аниқлиги ортиб боради. Бу усулга мисол сифатида узунлик ўлчовини компараторда эталон ўлчови билан солиштиришни кўрсатиш мумкин.

Ноль усули — ўлчов билан таққослаш усули бўлиб, бунда таққослаш асбобида ўлчанаётган ва қиймати маълум бўлган катталиклар натижавий таъсирини нолга келтирилади.

Ноль усули дифференциал усулнинг чегаравий ҳолати ҳисобланади. Бунда таққослаш асбобининг хатолиги ўлчаш хатолигига таъсир этмайди. Бундай асбоб таққосланаётган катталиклар орасидаги тенгликни аниқ ўрнатиши учун мумкин бўлган энг юқори сезгирликка эга бўлиши керак. Бундай таққослаш асбобларини кўпинча нул-индикаторлар деб атайдилар.



1.11-расм. Ўлчаш усуллари табақаланиш схемаси

Ўрин алмаштириш усули — ўлчов билан таққослаш усули бўлиб, унда ўлчанаётган катталикни худди шундай шароитда бўлган тикланаётган катталик билан алмаштирилади. Масалан, ўлчанаётган объект ва оғирлиги маълум бўлган тошларни бир паллага кетма-кет қўйиш орқали аниқ тортиш ҳисобланган Борд усули бунга мисол бўлади. Борд усулида тизимли хатоси бўлган тарозига олдин тортилаётган объект қўйилади ва тарози кўрсаткичларида унинг оғирлиги белгиланади. Сўнгра тарозига шу кўрсаткични берувчи тош қўйилади. Тарозининг бир хил кўрсаткичда тортиши орқали аниқ ўлчашга ва тарозининг тизимли хатосининг ўлчаш натижасига таъсир этмаслигига эришилади.

Тўғри келтириш усули — ўлчов билан таққослаш усули бўлиб, унда ўлчанаётган ва тикланаётган катталиклар ўртасидаги фарқни шкаладаги белгиларни тўғри келишидан фойдаланиб ўлчанади.

Маълумки, штангенциркулда ўлчашлар асосий ўлчов шкаласи билан бирга нониусдаги қўшимча шкала орқали ҳам амалга оширилади. Бунда иккала шкаладаги белгилар (штрихлар)нинг бир-бирига тўғри келиши орқали якуний ўлчаш амалга оширилади. Бундай ўлчаш тўғри келтириш усулига мисол бўлади.

Назорат саволлари:

1) Ўлчаш тушунчаси нимани англатади?

2) Ўлчанаётган катталикнинг вақтга боғлиқлигига кўра ўлчашлар қандай турларга бўлинади?

3) Катталик қийматининг аниқлаш усулига кўра ўлчашларни қандай турларга ажратиш мумкин?

4) Қандай ўлчаш усули аниқроқ натижа берали — бевосита ўлчашми ёки билвосита ўлчашми?

5) Бевосита ўлчашни амалга ошириш учун қандай ўлчаш усуллардан фойдаланилади?

6) Таққослаш усули қандай турларга бўлинади?

2.2.2 Ўлчаш хатоликлари ва уларнинг синфланиши

Ўлчаш жараёнида қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

ўлчовнинг номинал қиймати (nominal value) — тайёрлашда ўлчовга ёки ўлчовлар гуруҳига берилган катталик қиймати. Мисол, номинал қиймати 1 Ω бўлган резистор, номинал қиймати 1 kg ли тош. Кўпинча номинал қиймати ўлчовнинг ўзида кўрсатилади;

ўлчовнинг ҳақиқий қиймати (conventional true value of an actual measure) — ўлчовни калибрлаш ёки қиёслаш асосида унга берилган катталик қиймати. Мисол, масса бирлигининг давлат эталони таркибига массасининг номинал қиймати 1 kg ли платинаиридийли тош киради, лекин бу тош массасининг ҳақиқий қиймати 1,00000087 kg бўлиб, у Халқаро ўлчовлар ва тарозилар шўъбасида сақланаётган килограммнинг халқаро эталони билан қиёслаш (мазкур ҳолда калибрлаш) натижасида олинган.

Ўлчаш воситасининг хатолиги (error (of indication) of a measuring instruments) — ўлчаш воситасининг кўрсатуви билан ўлчанаётган катталикнинг чин (ҳақиқий) қиймати ўртасидаги айирма. Ўлчов учун унинг номинал қиймати кўрсатув бўлади. Катталикнинг чин қиймати номаълум бўлгани учун амалда унинг ҳақиқий қийматидан фойдаланилади.

Ўлчаш хатолиги ўлчашнинг муҳим хусусияти бўлиб, ўлчаш натижаси катталикнинг чин қийматига яқинлашишининг миқдорий баҳоси ҳисобланади. Катталикнинг чин қийматига эришиш мумкин бўлмаганлиги сабабли, амалиётда хатоликни баҳолаш учун чин қиймат ўрнига унинг ҳақиқий қиймати қўлланилади.

Сонли белгиланишига кўра ўлчаш хатоликлари абсолют ва нисбий турларга бўлинади.

Абсолют хатолик Δx деб ўлчаш натижаси x билан ўлчанаётган катталикнинг ҳақиқий қиймати X_0 ўратасилаги фарққа айтилади:

$$\Delta x = x - X_{\sigma} \qquad (1.11)$$

Абсолют хатолик ўлчанаётган катталикнинг ўлчов бирлигида ифодаланади.

Нисбий хатолик δx абсолют хатоликнинг ўлчанаётган катталикнинг ҳақиқий қийматига нисбати сифатида аниқланади:

$$\delta x = \Delta x / X_0. \qquad (1.12)$$

Нисбий хатолик ўлчов бирликсиз, фоиз (%)да, промилле ($^0/_{00}$)да, миллиондан қисм (ppm)да, миллиардлан қисм (ppb)да ифодаланиши мумкин.

Масалан, нисбий хатоликни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\delta x = 5 \cdot 10^{-7}, \text{ ёки } \delta x = 0{,}00005\ \%, \text{ ёки } \delta x = 0{,}0005\ ‰.$$

Амалиётда кўпроқ нисбий хатоликни фоиз ҳисобида қуйидагича ёзилади:

$$\delta x = \frac{\Delta x}{x_0} 100. \qquad (1.13)$$

Ўлчаш хатоликлари турли сабабларга кўра келиб чиқиши мумкин. Шунга кўра ўлчаш хатоликлари мунтазам ва тасодифий бўлиши мумкин.

Мунатазам хатолик (bias error of measuring instrument) ўлчаш воситаси хатолигининг доимий деб қабул қилинадиган ёки қонуний ўзгарувчан ташкил этувчисидир. Мазкур ўлчаш воситасининг мунтазам хатолиги, одатда, ушбу хил ўлчаш воситаси бошқа нусхасининг мунтазам хатолигидан фарқланади, бунинг натижасида бир хил ўлчаш воситаларининг гуруҳ учун мунтазам хатоликни баъзан тасодифий хатолик деб қараш мумкин.

Тасодифий хатолик (repeatability error of a measuring instrument) ўлчаш воситаси хатолигининг тасодифий ўзгарадиган ташкил этувчисидир. Тасодифий хатоликни ўртача арифметик қиймати нолга тенг бўлган тасодифий катталик сифатида кўриш мумкин. Чекли сондаги ўлчашлар учун тасодифий хатоликнинг мумкин бўлган чегараларини ўлчашлар натижаларини махсус математик ҳисоблар орқали аниқлаш мумкин.

Мунатазам хатолик тажриба йўли билан аниқланиши мумкин. Ўзгариш характерига кўра мунатазам хатоликлар қуйидаги турларга бўлинади:

— *доимий хатолик* — узоқ муддат ўз қийматини сақловчи хатолик (масалан, тарози тошларидаги мунатазам хатолик);

— прогрессив хатолик — тухтовсиз бир хилда ўсиб ёки суниб борувчи хатолик (ўлчаш асбобларининг айрим ўлчашга боғлиқ қисмларининг емирилишидан келиб чиқувчи мунатазам хатолик);

— *даврий хатолик* — қиймати вақтнинг ёки ўлчаш асбоби курсаткичи узгаришининг даврий функцияси булган хатолик (доиравий шкалали ўлчаш ускуналарига хос хатолик, масалан, кичик чизиқли кучишларни ўлчаш учун ишлатиладиган соат типидаги индикатор);

— *мураккаб қонуният билан ўзгарувчи хатолик* — бир неча мунтазам хатоликларнинг биргаликдаги таъсиридан хосил буладиган хатолик.

Келиб чиқиш сабабларига кура ўлчашларда қуйидаги мунтазам хатоликлар булиши мумкин:

ускунавий, қўлланилаётган ўлчаш воситаларининг етарли даражада мукаммал эмаслигидан келиб чиқади;

услубий, ўлчашда қўлланилаётган ўлчаш услубиятларининг мукаммал эмаслигидан келиб чиқади;

субъектив, ўлчашларни амалга ошираётган ходимларнинг шахсий хусусиятлари (малакаси, тажрибаси, эътиборлиги, сезгирлиги, сезги органларининг даражаси) билан ва атроф-муҳит ўзгаришига боғлиқ ҳолда келиб чиқади.

Мунтазам хатоликларни бартараф этиш (хатоликка таъсир этувчи омилни бартараф этиш ёки шу омил таъсиридан изоляция қилиш) мумкин ва у икки босқичда амалга оширилади: ўлчашгача ва ўлчаш жараёнида.

Назорат саволлари:

1) Ўлчашнинг номинал қиймати деб қандай қиймат тушунилади?

2) Ўлчашнинг ҳақиқий қиймати деб қандай қиймат тушунилади?

3) Ўлчов воситасининг хатолиги деб қандай қиймат тушунилади?

4) Сонли белгиланишига кура ўлчаш хатоликлари қандай турларга булинади?

5) Абсолют хатолик қандай бирликда ифодаланади?

6) Нисбий хатолик қандай бирликда ифодаланади?

7) Ўлчаш хатоликлари келиб чиқиши сабабларига кура қандай турларга булинади?

8) Ўзгариш характерига кўра мунтазам хатоликлар қандай турларга бўлинади?

2.2.3 Ўлчашнинг сифат мезонлари

Ўлчаш сифати деганда керакли кўринишда ва белгиланган муддатларда, талаб этиладиган аниқлик кўрсаткичлари билан натижаларни олишни белгиловчи хусусиятлар мажмуаси тушунилади.

Ўлчаш натижаларини сифат жиҳатдан баҳолаш учун **тўғрилик, аниқлик, ишончлилик, яқинлик, қайта тикланиш** тушунчалари қўлланилади. Бу кўрсаткичлар **барқарорлик, турғунлик, самарадорлик** талаблари орқали баҳолаш билан аниқланишлари керак.

Ўлчаш тўғрилиги деганда мунтазам ўлчаш хатолиги нолга яқинлигини кўрсатувчи ўлчаш сифати тушунилади.

Ўлчаш аниқлиги (accuracy of a measuring instrument) бу ўлчаш воситаси хатолигининг нолга яқинлигини акс эттирувчи унинг сифат тавсифидир. Хатолик қанча кам бўлса, ўлчаш воситаси шунча аниқ бўлади деб ҳисобланади.

Ўлчаш натижалари **яқинлиги** тушунчаси бир хил шароитларда ўтказилган ўлчаш натижаларининг бир-бирига яқинлигини характерлайди. Бунда тасодифий хатоликнинг нолга яқинлиги тушунилади.

Қайта тикланиш тушунчаси орқали ўлчашнинг сифати тушинилиб, турли вақт, турли жойда, турли усуллар ва воситалар билан ўтказилган бир неча ўлчаш натижаларининг бир-бирига яқинлиги тушунилади.

Ўлчанаётган катталикнинг чин қиймати унинг ўртача қийматидан мунтазам хатолик Δc билан фарқланади, яъни

$$x = X - \Delta c. \qquad (1.14)$$

Агар мунтазам хатолик Δc ҳисобга олинмаса, унда $x = X$ бўлади. Бироқ ўлчашларнинг сони чегараланганлиги туфайли, x нинг аниқ қийматини топиш мумкин эмас. Фақат бу қийматни баҳолаш, маълум эҳтимоллик билан у ётадиган оралиқ чегарасини кўрсатиш мумкин.

Сонли ўқда нуқта билан кўрсатилган x нинг тақсимланиш қонуниятининг сонли кўрсаткич баҳоси нуқтали баҳо дейилади ва у тасодифий катталик бўлиб, кузатувлар сони n га боғлиқдир.

Баҳо барқарор дейилади, қачонки у эҳтимоллиги буйича баҳоланаётган катталикка яқинлашса, яъни $n \to \infty$ булганда, $\hat{X} \to x$ булади.

Баҳо турғун дейилади, қачонки унинг математик кутилиши баҳоланаётган катталикка тенг, яъни $x = \hat{X}$.

Баҳо самарадор дейилади, қачонки у энг кичик дисперсияга эга булса, яъни $\sigma_x^2 = \min$.

Юқорида саналган талабларни n кузатув натижаларининг ўртача арифметик қиймати x қаноатлантиради.

Шундай қилиб, алоҳида ўлчашнинг натижаси тасолифий катталикдир. Бунда ўлчаш аниқлиги ўлчаш натижасининг ўлчанаётган катталикнинг чин қийматига яқинлигидир. Агар мунтазам хатолик ҳисобга олинмаса, ўлчаш натижасининг аниқлиги 3σ дисперсия билан, яъни қийматнинг тарқоқлик даражаси билан характерланади. Маълумки, ўртача арифметик қийматнинг дисперсияси алоҳида натижа дисперсиясидан n марта кичикдир.

1.9-расмда ўлчаш натижаларининг зичлиги курсатилган булиб, унда штрихли майдон ўртача қиймат тақсимланиши эҳтимоллиги зичлигига тегишлидир.



1.9-расм. Алоҳида ва суммар ўлчаш натижаси тақсимланиши зичлиги

Ўлчаш тўғрилиги мунтазам хатонинг нолга яқинлиги билан аниқланади.

Ўлчаш ишончлилиги ўлчаш натижасига ишонч даражасига боғликдир ва ўлчанаётган катталикнинг чин қиймати ҳақиқий қийматнинг курсатилган чегараларида ётиши эҳтимоллиги билан характерланади. Ишончлилиги етарли булма-

ган ўлчаш натижалари аҳамиятсиз ҳисобланди. Масалан, ўлчаш схемаси датчиги юқори метрологик кўрсаткичларга эга бўлиши мумкин, лекин уни ўрнатишда, ташқи муҳит таъсирида, сигналларни қайд этиш ва қайта ишлашда ҳосил бўладиган хатоликлар таъсири катта миқдордаги якуний ўлчаш хатолигини келтириб чиқариши мумкин.

Яқинлик (такрорланувчанлик) ва қайта тикланиш кўрсаткичлари ўлчаш сифатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар синовлар сифатини баҳолашда кенг тарқалган ва синов аниқлигини ифодалайди.

Бир объектни бир хил усул билан икки марта синаш мутлақ бир хил натижа бермайди. Ҳаққоний ўлчов сифатида, ўлчаш услубиятига қатъий риоя қилиб олинган, икки ва ундан ортиқ натижаларнинг кутилаётган яқинлигини статистик асосланган баҳолаш хизмат қилади. Синашлар натижаларини келишилганлигини бундай статистик баҳолаш сифатида яқинлик ва қайта тикланишни олиш мумкин. Яқинлик бир лабораторияда ўтказилган синовларни баҳолаш орқали амалга оширилса, қайта тикланиш эса турли лабораторияларда олинган натижаларни баҳолаш орқали амалга оширилади.

Ишончли эҳтимоллик $P = 0,95$ бўлганда, яқинлик $r = 2,77\sigma_{сх}$ орқали, қайта тикланиш эса $R = 2,77\sigma_в$ орқали аниқланади. Бунда $\sigma_{сх}$ ва $\sigma_в$ мос равишда яқинлик ва қайта тикланиш бўлган шароитда синаш натижаларининг стандарт оғишларидир:

$$\sigma_{сх} = \sqrt{x_1 - X\ (x_2 - X)}, \quad \sigma_в = \sqrt{y_1 - Y\ (y_2 - Y)}, \quad (1.15)$$

бу ерда x_1 ва x_2 — яқинлик бўлган шароитда якка синов натижалари;

y_1 и y_2 — қайта тикланиш бўлган шароитда якка синов натижалари;

$X = (x_1 + x_2)/2$, $Y = (y_1 + y_2)/2$ — ўртача қиймат.

Алоҳида стандартларда r ва R қийматлари берилади.

Яқинлик шартлари сифатида ўлчашларнинг холис натижаларини бир хил объектлар учун бир хил усулларда, битта лабораторияда, битта ходим томонидан, битта ускунада, қисқа муддатда олиш тушунилади.

Яқинлик ва қайта тикланишни ўлчаш ўзгарувчанлиги сифатида кўриш мумкин. Яқинлик, бу белгиланган шароит-

ларда (ускуналар, эталон, усуллар, оператор, атроф-муҳит ва бошқаларда) тизимнинг ичидаги ўзгарувчанликдир. Қайта тикланиш, бу битта объектнинг бир хил кўрсаткичларини ўлчашда, бир хил (ёки турли) ўлчаш воситаларини турли операторлар томонидан қўлланилишида ўлчашларнинг ўртача натижалари ўзгарувчанлигидир.

Ўлчашлар натижалари ўзгарувчанлигини ўрганишнинг бир неча усуллари бор:

1) **Қуламлар усули** — ўлчаш натижалари ўзгарувчанлигини тез баҳолаш орқали ўлчаш асбобини модификацияланган ўрганиш бўлиб, ўлчаш тизимини умумий баҳолаш имконини беради, яқинлик ва қайта тикланишни ўзгарувчанлигини алоҳида ажратмайди, одатда ўлчашлар натижалари дисперсияси ўзгармаганлигини тез баҳолашда қўлланилади. Бу усул билан ўлчашлар сонининг сонига қараб (80-90) % аниқлик натижасига эришиш мумкин.

2) **Ўртача қиймат ва кўламлар усули** ўлчаш тизимида ҳам яқинлик, ҳам қайта тикланишнинг ўзгарувчанлигини алоҳида ажратиб баҳолаш имконини берадиган усулдир.

3) **Дисперсион таҳлил** (ANOVA — *analysis of variance*) ўлчаш тизимларини ўрганишда ўлчашлар хатолигини ва маълумотларнинг турли сабаблардан ўзгарувчанлиги таҳлили учун қўлланиладиган стандарт статистик усулдир. Бу усулни қўллашда ўлчаш натижалари дисперсиясини туртта тоифага бўлиш мумкин:

— деталлар ўртасидаги фарққа боғлиқ ўзгарувчанлик;

— операторлар малакасига боғлиқ ўзгарувчанлик;

— операторлар ўртасидаги фарққа боғлиқ ўзгарувчанлик;

— операторлар ва деталлар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ ўзгарувчанлик.

Дисперсион таҳлил усули бошқа усулларга нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

— ҳар қандай тажрибавий ускунани ўрганиш имконияти мавжудлиги;

— дисперсияларни аниқроқ баҳолаш имконияти;

— тажриба маълумотларини тўлиқроқ ишлатиш.

Афзалликлар билан бирга, усулнинг ҳисоблаш мураккаблиги билан боғлиқ камчилиги ҳам бор — фойдаланувчилардан уни ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилишда статистика усуллари бўйича маълум даражала билимга эга бўлиши талаб қилинади.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1) Ўлчашнинг сифат мезонлари нимани англатади?

2) Ўлчаш натижаларини сифат жиҳатдан баҳолаш учун қандай тушунчалар қўлланилади?

3) Ўлчаш натижаларини сифат жиҳатдан баҳолаш қўлланиладиган тушунчаларнинг таърифларини келтиринг.

4) Ўлчаш натижаларини баҳолашда қўлланиладиган яқинлик, қайта тикланиш тушунчаларнинг асосий фарқини кўрсатинг.

5) Ўлчаш натижалари ўзгарувчанлигини ўрганишнинг қандай усуллари бор?

6) Ўлчаш натижаларини сифат жиҳатдан баҳолаш орқали нимага эришилади?

2.2.4 Ўлчаш воситалари ва уларнинг турлари

Ўлчашни амалга ошириш учун, албатта, меъёрланган метрологик характеристикага эга техник восита бўлиши керак бўлади. Расмий таърифга кўра, **ўлчаш воситаси** (measuring instrument) — метрологик тавсифлари меъёрланган (МТМ), ўлчами (белгиланган хатолик чегараси) маълум вақт оралиғида ўзгармас деб қабул қилинадиган, катталикнинг ўлчов бирлигини қайта тиклайдиган ва (ёки) сақлайдиган, ўлчашлар учун мўлжалланган техник восита.

Келтирилган таъриф ўлчаш воситасининг моҳиятини очиб беради. Ўлчаш воситасининг моҳияти, биринчидан, катталикнинг ўлчов бирлигини сақлаши (ёки қайта тиклаши), иккинчидан, сақланадиган бирлик ўлчамининг ўзгармаслигидан иборат. Бу муҳим омиллар ўлчашларни бажариш имкониятини таъминлайди (ўлчов бирлиги билан таққослайди), яъни техник воситани ўлчаш воситасига айлантиради. Агар ўлчашлар жараёнида бирлик ўлчами нормада белгиланган ортиқ ўзгарадиган бўлса, талаб этилган аниқликдаги натижани бундай ўлчаш воситаси билан олиб бўлмайди. Демак, техник восита бирликнинг ўлчамини вақт оралиғида етарли даражада ўзгаришсиз сақлай олгандагина ўлчаш учун ишлатилиши мумкин.

Бажарадиган вазифасига кўра ўлчаш воситалари ўлчов, ўлчаш ўзгартиргичлари, ўлчаш асбоблари, ўлчаш ускуналари ва ўлчаш тизимларига бўлинади.

Ўлчов (measure, actual) бу қийматлари белгиланган бирликларда ифодаланган ва зарур аниқликда маълум бўлган

бир ёки бир нечта берилган ўлчамларнинг катталигини қайта тиклаш ва (ёки) сақлаш учун мўлжалланган ўлчаш воситасидир. Ўлчовларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

бир қийматли ўлчов — ўлчамнинг катталигини қайта тиклайдиган ўлчов (масалан, 1 kg тароз тоши);

кўп қийматли ўлчов — турли ўлчамлардаги катталикни қайта тиклайдиган ўлчов (масалан, узунликнинг штрихли ўлчови).

Модда ва материаллар таркиби ва хусусиятлари стандарт намуналари ҳам ўлчовлар гоифасига киради. Улар модда (материал) таркибини ёки хоссасини тавсифловчи, бир ёки бундан ортиқ катталикларнинг қийматлари белгиланган модда (материал) намунаси куринишидаги, белгиланган тартибда тасдиқланган ўлчаш воситаси (ўлчов)дир. Стандарт намуналар метрологик вазифасига кура бир қийматли ўлчов вазифасини бажаради. Булар ишчи эталонлар сифатида қўлланилиши мумкин. Стандарт намунага мисол қилиб углеродли пўлатнинг таркибининг стандарт намунасини курсатиш мумкин.

Ўлчаш ўзгартиргичи узатиш, кейинчалик ўзгартириш, ишлов бериш ва (ёки) сақлаш учун қулай, лекин кузатувчи бевосита идрок эта олмайдиган шаклдаги ўлчаш маълумоти сигналини ҳосил қилиш учун мўлжалланган ўлчаш воситасидир. Ўлчаш ўзгаргкичи ёки бирор ўлчаш асбобининг (ўлчаш тизимидаги ўлчаш ускунасининг) таркибига киради ёки бирор ўлчаш воситаси билан биргаликда қўлланилади.

Ўлчаш асбоби кузатувчи бевосита қабул қила оладиган шаклдаги ўлчаш маълумоти сигналини ҳосил қилишга мўлжалланган ўлчаш воситасидир. Ўлчанадиган катталикнинг қийматларини индикациялаш даражаси буйича ўлчаш асбоблари курсатувчи ва қайд қилувчи хилларга ажралади. Ўлчаш асбоблари ишлаш усулига қараб, интегралловчи ва жамловчи хилларга ажралади. Шунингдек, бевосита ўлчаш асбоблари ва қиёслаш асбоблари, узлуксиз ўлчаш ва рақамли ўлчаш асбоблари, узиёзар ва босма ўлчаш асбоблари бор.

Ўлчаш воситасида ўлчаш ахбороти сигналини ўзгартириш кетма кетлигини курсатувчи таркибий схема тури буйича ўлчаш асбоблари бевосита ва таққословчи ўлчаш асбобларига булинади. Ўлчаш маълумотининг сигналини бир йуналишда, яъни тескари боғланишни қўлламасдан бир ёки бир неча марта ўзгартириш кузда тутилган ўлчаш асбоби *бевосита ўлчаш асбоби* дейилади. Бевосита ўлчаш асбобининг таркибий схема 1.10-расмда берилган.



X ва *Y* — ўлчаш асбобининг кириш ва чиқиш катталиклари;
$П_1, П_2, ... П_n$ — ўлчаш ахборотининг алохида ўзгартиргичлари:

1.10-расм. Бевосита ўлчаш асбобининг таркибий схема

Келтирилган 1.10-расмдаги ўлчаш асбобининг таркибий схемаси учун қуйидаги муносабатларни келтириш мумкин:

$$\delta_{\Sigma} = \delta_1 + \delta_2 + ... \delta_n,$$

$$S_{\Sigma} = S_1 S_2 ... S_n, \qquad (1.16)$$

бунда, δ_{Σ} ва S_{Σ} — бутун асбоб хатолиги ва сезгирлиги;

$\delta_1, \delta_2, ... \delta_n$ - $П_1, П_2, ... П_n$ — ўзгартиргичлар хатолиги;

$S_1, S_2, ... S_n$ - $П_1, П_2, ... П_n$ — ўзгартиргичлар сезгирлиги.

Бевосита ўлчаш асбоблари тезкорлиги, юқори сезгирлиги, ишлатилишида оддийлиги билан характерланади, бироқ уларнинг аниқлиги чегараланган.

Ўлчанадиган катталикнинг қиймати маълум бўлган катталик билан бевосита қиёслаш учун мўлжалланган ўлчаш асбоби таққословчи ўлчаш асбоби дейилади. Қуйида (1.11-расм) таққословчи ўлчаш асбобининг таркибий схема келтирилган.



1.11-расм. Таққословчи ўлчаш асбобининг таркибий схемаси

Бундай асбобларда чиқиш катталиги Y тескари алоқасининг махсус узгартиргичи ёрдамида кириш катталиги X билан бир тоифада булган $X_{\text{қ}}$ катталикка айлантирилади. Таққословчи улчаш асбобининг таркибий схемаси ёпиқ схема ҳисобланади ва бундай асбоб учун қуйидаги муносабатни келтириш мумкин:

$$S_{\Sigma} = \frac{Sпр}{1 + Sпр\,Sобр} \quad \text{ёки} \quad S_{\Sigma} = \frac{1}{\frac{1}{Sпр} + Sобр}. \qquad (1.17)$$

бунда, Sпр ва Sобр — мос равишда тугри ва тескари узгартиргич занжирлари сезгирлиги (узгартириш коэффициенти).

Агар $S_{пр} \gg 1$ булса, унда $\frac{1}{Sпр} \approx 0$ булади. Унда $S_{\Sigma} \cong \frac{1}{Sобр}$.

Таққослаш асбоблари курсаткичлари ва умумий хатолиги купроқ тескари узгартиргич курсаткичлари ва хатолиги билан аниқланади. Тескари манфий алоқа мавжудлиги асбобнинг аниқлигини оширади, бироқ унинг тезкорлигининг умумий сезгирлигини пасайтиради. Таққословчи асбобга мисол қилиб, тенг елкали тарози, электр улчаш потенциометри, фотометрли фотометрик курси, чизиқли улчовлар компараторини курсатиш мумкин.

Асбоб курсаткичи ва улчанаётган катталик ўртасидаги боғланиш буйича улчаш асбобларини *аналог* ва *рақамли* асбобларга булиш мумкин.

Аналог (узлуксиз) ўлчаш асбоби курсаткичлари ўлчанадиган катталик узгаришларининг узлуксиз функциясидан иборат булган улчаш асбобидир ва улар юқори тезликка эга булиши билан бирга, уларнинг аниқлиги ҳисоб олиш хатолиги билан [одатда, (0,005-0,1) % кам булмаган даражада] чегараланади.

Курсаткичлари рақамлар шаклида булган, улчаш маълумотининг дискрет сигналларини автоматик тарзда ҳосил қилувчи улчаш асбоби **рақамли ўлчаш асбоби** дейилади. Бундай асбоблар чиқишдаги ўлчаш маълумотини электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида таҳлил қилишга қулайлиги билан афзалдир. Бироқ бундай асбобларда уларнинг узига хос дискрет хатоликлар келиб чиқиши мумкин.

Шу билан бирга, улчаш маълумотининг берилишига кура *курсатувчи* ва *руйхатга олувчи* асбоблар, улчашнинг вактга боғлиқлигига кўра *жамловчи* ва *интегралловчи* асбоблар, жойида қўлланилишига кўра *стационар* ва *қузғалувчи* асбоблар бўлади.

Ўлчаш ускунаси (measuring installation) бир ёки бир нечта катталикларни ўлчашга мўлжалланган, бир жойда ўрнатилган ўлчовлар, ўлчаш асбоблари, ўлчаш ўзгартгичлари ва бошқа қурилмаларнинг ўзаро функционал бирлаштирилган мажмуидир. Қиёслаш учун қўлланиладиган ўлчаш ускунаси қиёслаш ускунаси деб аталади. Эталон таркибига кирган ўлчаш ускунаси эталон ускуна дейилади.

Ўлчаш тизими (measuring system) назорат қилинадиган объектга хос бир ёки бир нечта катталикларни ўлчаш ва турли мақсадларда ўлчаш сигналларини ҳосил қилиш учун ушбу объектнинг турли нуқталарида жойлаштирилиб, ўзаро алоқа каналлари билан боғланган, функционал бирлаштирилган ўлчовлар, ўлчаш асбоблари, ўлчаш ўзгарткичлари, ЭҲМ ва бошқа техник воситалар мажмуидир.

Ўлчаш техникаси воситалари — ўлчашлар учун махсус мўлжалланган техник воситаларнинг қамрови. Ўлчаш техникаси воситаларига ўлчаш воситалари ва уларнинг мажмуи (ўлчаш тизимлари, ўлчаш ускуналари), ўлчаш жиҳозлари ҳамда ўлчаш қурилмалари киради.

Қўлланилиш доирасига кўра ўлчаш воситалари қуйидагича синфланиши мумкин.

Ишчи ўлчаш воситаси (ordinary measuring instrument) — ўлчов бирлигининг ўлчамини бошқа ўлчаш воситаларига узатиш билан боғлиқ бўлмаган ўлчашлар учун мўлжалланган ўлчаш воситаси.

Асосий ўлчаш воситаси — ўлчаш вазифасига мувофиқ қийматлари олиниши зарур бўлган катталикни ўлчаш воситаси.

Ёрдамчи ўлчаш воситаси (auxiliary (measuring) instrument) — ўлчаш натижаларини талаб этилган аниқликда олиш учун асосий ўлчаш воситасига ёки ўлчаш объектига таъсирини ҳисобга олиш зарур бўлган катталикни ўлчаш воситаси. Мисол, газнинг ҳажмий сарфини ўлчаш жараёнида шу газнинг температурасини ўлчаш термометри.

Таққослаш воситаси — бир турдаги ўлчовларни ёки ўлчаш асбобларининг кўрсаткичларини бир-бири билан таққослаш имконини берадиган техник восита ёки махсус яратиладиган муҳит. Баъзан техник воситалар таққослаш вазифасини таъминловчи ўлчаш воситаси билан жиҳозланади. Бир палласига эталон тош, бошқа палласига эса текшириладиган тош қўйиладиган пишангли (ричагли) тарози уларни таққослаш воситаси бўлади.

Қонунлаштирилган ўлчаш воситаси (legal measuring

instrument) — ваколатланган идора томонидан яроқли деб топилган ва ишлатишга рухсат берилган ўлчаш воситаси. Серияли ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишчи ўлчаш воситаси турини тасдиқлаш йўли билан қонунлаштирилади, ноёб ишчи ўлчаш воситалари, ўлчаш ва қиёслаш ускуналари, ўлчаш тизимлари, уларнинг турлари эса метрологик хизматлар томонидан ўтказиладиган метрологик аттестациялаш йўли билан қонунлаштирилади.

Ўлчаш воситаси кўрсатувчи қурилмасининг рақамлар билан белгиланган тартибли қатор белгилардан иборат бўлган қисмини **ўлчаш воситасининг шкаласи** (scale) дейилади.

Ўлчаш воситаларининг хили ва тури бўлади.

Ўлчаш воситасининг хили (pattern of a measuring instrument) — бир хил вазифани бажарувчи, бир принципда ишлашга асосланган, бир хил тузилган ва бир техник ҳужжат бўйича тайёрланган ўлчаш воситаларининг мажмуи. Бир хилдаги ўлчаш воситалари турли модификацияда бўлиши (масалан, ўлчаш кўлами бўйича фарқланиши) мумкин.

Ўлчаш воситасининг тури — ушбу катталикни ўлчашга мўлжалланган ўлчаш воситаларининг мажмуи. Ўлчаш воситаларининг хилига уларнинг бир нечта тури кириши мумкин. Масалан, амперметрлар ва волтметрлар (умуман) мос ҳолда электр токи кучини ва кучланишини ўлчаш воситаларининг тури бўлади.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1) Ўлчаш воситаси нима ва у қандай мақсадларда қўлланилади?

2) Ўлчов тушунчаси нимани англатади?

3) Ўлчаш асбоби нима ва у қандай мақсадларда қўлланилади?

4) Ўлчаш асбоблари қандай турларга бўлинади?

5) Ўлчов воситасининг таърифини келтиринг.

6) Ўлчов тизимининг таърифини келтиринг.

7) Қўлланилиш доирасига кўра ўлчов воситалари қандай синфланади?

2.2.5 Ўлчаш воситасининг метрологик тавсифи

Ўлчаш воситасининг ўлчаш натижасига ва унинг хатолигига таъсир этадиган хоссаларидан бирининг тавсифи **ўлчаш воситасининг метрологик тавсифи** дейилади. Ўлчаш воситa-

ларининг ҳар бир хили учун ўзининг метрологик тавсифи белгиланилади. Меъёрий (норматив) ҳужжатлар томонидан белгиланган метрологик тавсифлари меъёрланган метрологик тавсифлар, тажриба йўли билан аниқланадигани эса, ҳақиқий метрологик тавсифлар дейилади.

Ўлчаш воситасининг метрологик тавсифи меъёрланган бўлиши, яъни ўлчаш воситасининг метрологик тавсифи номинал қийматлари ва уларнинг ҳақиқий қийматларини номинал қийматлардан оғиши чегаралари ўрнатилиши керак. Ўлчаш воситасининг метрологик тавсифини меъёрлашда ўлчаш воситасининг ҳам тури, ҳам шу турдаги ҳар бир намунасининг метрологик хусусиятлари баҳоланиши таъминланиши керак.

Шу билан бирга, меъёрланадиган метрологик тавсифлар ўлчаш воситасининг барча метрологик хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотни бериши лозим ва уларни текшириб бориш учун техник жиҳатдан имконият мавжуд бўлиши керак.

Ўлчаш воситасининг меъёрланадиган метрологик тавсифлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

ўлчаш натижасини (ўзгартириш киритмасдан) аниқлаш учун мўлжалланган тавсифлар;

ўлчаш воситасининг хатолиги тавсифлари;

ўлчаш воситасининг сезгирлиги тавсифлари;

ўлчаш воситасининг динамик тавсифлари;

ўлчаш воситасининг ўлчаш объекти ва унинг чиқиш қисмига уланган қандайдир қисмлари билан ўзаро муносабатлари тавсифлари.

Санаб ўтилганлардан маълум бир ўлчаш воситаси учун ўлчаш хатолигини баҳолаш мақсадида етарли бўлган тавсифлар танлаб олинади ва улар ўлчаш воситасининг меъёрий ҳужжатига киритилади.

Биринчи гуруҳдаги метрологик тавсифлари маълум турдаги ўлчаш воситасининг номинал тавсифлари сифатида меъёрланади. Масалан, температура термодинамик ўзгартгичининг стандарт даражалаш кўрсаткичи, тарози тошининг номинал қиймати бунга мисол бўлади.

Иккинчи гуруҳ метрологик тавсифлари меъёрланади:

а) ўлчаш воситасининг мунтазам хатолиги тавсифи учун:

- бир турдаги ўлчаш воситасининг рухсат этилган мунтазам хатолигининг чегарасини ўрнатиш орқали;

- бир турдаги ўлчаш воситасининг рухсат этилган мунта-

зам хатолигининг чегараси, математик эҳтимоллиги ва ўрта квадрат оғиши чегараларини ўрнатиш орқали;

б) ўлчаш воситасининг тасодифий хатолиги тавсифи учун:

— бир турдаги ўлчаш воситасининг рухсат этилган ўрта арифметик оғишини ўрнатиш орқали;

— тасодифий хатоликнинг рухсат этилган ўрта квадрат оғишини ва номинал меъёрланган автокорреляция функциясини ёки тасодифий хатолик спектрал зичлиги номинал функцияси чегарасини, бу функцияларнинг номиналга нисбатан рухсат этилган оғишлари чегараларини ўрнатиш орқали;

в) ўлчаш воситасининг тасодифий хатолиги тавсифи учун гистерисдан бир турдаги ўлчаш воситасининг чиқиш сигналининг рухсат этилган вариацияси чегарасини ўрнатиш орқали.

Учинчи гуруҳ метрологик тавсифлари меъёрланади:

— таъсирнинг номинал функцияси ва ундан рухсат этилган оғишни ўрнатиш орқали;

— таъсирнинг юқори ва пастки чегара функцияларини ўрнатиш орқали;

— метрологик тавсифлар рухсат этилган ўзгариши чегараларини ўрнатиш орқали.

Ўлчаш воситалари хатолигининг рухсат этилган ўзгаришлари чегараларини рухсат этилган қўшимча хатоликлар чегаралари дейилади ва улар одатда рухсат этилган асосий хатолик чегараси улуши сифатида кўрсатилади.

Тўртинчи гуруҳ метрологик тавсифлари номинал, тўлиқ ва қисман динамик тавсифларни сон ёки функция ва рухсат этилган оғишлар чегараларини ўрнатиш орқали меъёрланади. Тажриба йўли билан керакли аниқликда ва оддий усул билан аниқланадиган динамик тавсифларни меъёрлаш учун қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисоблаади.

Бешинчи гуруҳ метрологик тавсифлари номинал тавсифлар ва улардан рухсат этилган оғишлар чегаралари ёки тавсифлар чегараларини ўрнатиш орқали меъёрланади.

Метрологик тавсифлар ишчи ва нормал шароитларда қўллаш учун меъёрланади. Агар қўшимча хатоликлар жуда кичик қийматда бўлса, унда тавсифлар фақат ишчи шароитлар учун меъёрланади.

Ўлчаш воситалари учун қиёслаш схемалари (қиёслаш схемалари) қўлланилади. Қиёслаш схемаси бирлик ўлчамини эталондан ишчи воситаларига (бирлик ўлчамларини узатиш

ўлчаш воситаларнинг бирини бирига бўйсунишини белгиловчи меъёрий ҳужжатдир.

Халқаро, давлатлараро, миллий қиёслаш схемалари фарқ қилади.

— **халқаро қиёслаш схемаси** — бирлик ўлчамини халқаро эталондан узатишда қатнашувчи ўлчаш воситаларининг бирини бирига бўйсинувчи белгиловчи қиёслаш схемаси;

— **давлатлараро қиёслаш схемаси** — давлатлараро меъёрий ҳужжати кўринишида тасдиқланган ва ҳамдўстлик давлатлари келишувига биноан давлатлараро бирламчи эталон сифатида тан олинган эталондан бирлик ўлчамини узатишда қатнашаётган ўлчаш воситаларини бирини бирига бўйсунишини белгиловчи қиёслаш схемаси;

— **миллий қиёслаш схемаси** — миллий меъёрий ҳужжат кўринишида тасдиқланган ва ушбу давлатнинг дастлабки эталони сифатида тасдиқланган эталондан бирлик ўлчамини узатишда қатнашаётган ўлчаш воситаларини бирини бирига бўйсунишини белгиловчи қиёслаш схемаси.

Назорат саволлари:

1) Ўлчаш воситасининг метрологик тавсифи ўлчаш воситаларининг қандай хоссаларини англатади?
2) Ўлчаш воситасининг меъёрланадиган метрологик тавсифлари бўйича қандай гуруҳларга бўлинади?
3) Ўлчаш воситасининг хатолиги метрологик тавсифлари қандай меъёрланади?
4) Ўлчаш воситалари учун қиёслаш схемалари қандай мақсадда қўлланилади?
5) Ўлчаш воситалари учун қиёслаш схемалари қандай турларга бўлинади?
6) Ўлчаш воситалари учун қиёслаш схемалари деганда нимани тушунасиз?
7) Халқаро қиёслаш схемаси деганда нимани тушунасиз?
8) Миллий қиёслаш схемаси деганда нимани тушунасиз?

2.2.6 Ўлчаш воситалари аниқлигининг синфланиши

Бир турга мансуб бўлган, яъни бир катталикни ўлчашга мўлжалланган турли ўлчаш воситалари аниқлик бўйича ўзаро таққослаш учун **аниқлик класси** тушунчаси қўлланилади.

Ўлчаш воситасининг **аниқлик класси** (accuracy class) маз-

кур хил ўлчаш воситаларининг умумлаштирилган тавсифи бўлиб, уларнинг одатда, асосий ва қўшимча жоиз хатоликларнинг чегаралари, шунингдек аниқликка таъсир этувчи бошқа тавсифлар билан ифодаланадиган аниқлик даражасини акс эттиради.

Аниқлик класси бир хил ўлчаш воситасининг хатолиги қайси чегарада жойлашганлигини билишга имкон беради, лекин бу воситаларнинг ҳар бири билан бажариладиган ўлчашларнинг аниқлигини бевосита кўрсата олмайди. Бу ҳолат ўлчаш воситаларини ўлчашларнинг белгиланган аниқлигига қараб танлашда муҳимдир.

Муайян хил ўлчаш воситасининг аниқлик класси техник талаблар стандартларида ёки бошқа техник ҳужжатда кўрсатилади.

Битта катталикни бир неча оралиқда ўлчайдиган ёки турли катталикларни ўлчаш учун мўлжалланган ўлчаш воситасига ҳар бир оралиқ ёки ҳар бир ўлчанаётган катталик учун турли аниқлик класслари берилиши мумкин. Масалан, кўп оралиқли электр ўлчаш амперметрлари учун ҳар бир оралиққа алоҳида аниқлик класслари ёки вольтметр учун иккита аниқлик класси — биттаси вольтметр учун, биттаси омметр учун берилиши мумкин.

Ўлчаш натижалари билан қўшимча ишлаш учун ўрнатилган ҳисоблаш қисмлари бўлган рақамли ўлчаш воситаларининг аниқлик класслари маълумотларни қайта ишлаш тартибини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланади.

Ўлчаш воситалари ўрнатилган аниқлик класси учун белгиланган метрологик тавсифлар талабларини ҳам ишлаб чиқариш жараёнида, ҳам фойдаланиш жараёнида қаноатлантириши керак.

Аниқлик классларининг белгилари бевосита ўлчаш воситасига тамғаланади ва уларнинг техник ҳужжатларида кўрсатилади. Аниқлик классларининг белгилари ўлчаш воситасининг асосий ва қўшимча рухсат этилган хатоликлари чегаралари кўрсатувчи шакли билан аниқланади ва у ўлчаш воситасининг конструкцияси, ишлаш принципи ва шароити вазифасига боғлиқ ҳолда танланади.

Ўлчаш воситасининг асосий ва қўшимча рухсат этилган хатоликлари чегаралари **абсолют, келтирилган ва нисбий хатоликлар** кўринишида берилади.

Рухсат этилган **абсолют асосий хатолик** (ўлчанаётган катталик бирлигида ёки ўлчаш асбоби шкаласи оралиғида

асосий хатолик чегаралари қуйидаги ибора орқали аниқланади

$$\Delta = \pm a \qquad (1.18)$$

ёки

$$\Delta = \pm (a + ax) \qquad (1.19)$$

бунда, Δ — рухсат этилган абсолют асосий хатолик чегараси;

x — ўлчаш воситасининг кириши (чиқиши)да ўлчанаётган катталикнинг қиймати ёки ўлчаш асбоби шкаласи бўлимлар сони;

a, a — x га боғлиқ бўлмаган мусбат сонлар.

Ўлчаш оралиғи бўйича доимий бўлган абсолют хатоликни ўлчаш асбобларининг рухсат этилган асосий хатоликлари чегаралари (1.18) ибора орқали, ўлчаш оралиғи бўйича бир хилда (монотонно) ўзгарувчи абсолют хатоликни ўлчаш асбобларининг рухсат этилган хатоликлари чегаралари (1.19) ибора орқали белгиланади.

Ўлчаш натижалари хатоликларини ўлчанаётган катталик бирлигида қабул қилинган соҳаларда қўлланиладиган ўлчаш асбоблари учун ҳам рухсат этилган хатолик чегараси абсолют хатолик кўринишида белгиланади. Масалан, оғирлик ўлчовининг рухсат этилган хатолик чегараси абсолют хатолик кўринишида белгиланади, чунки оғирлик ўлчаш натижалари хатолиги шу катталик бирлигида қабул қилинган.

Рухсат этилган асосий абсолют хатоликлари чегаралари (1.18) ва (1.192) ибора билан белгиланганда, аниқлик классларига рим рақамлари (I, II, III...) ёки лотин алифбоси ҳарфлари (A, B, C ...) билан белгиланган аниқлик класслари тартиб рақами берилади. Бунда кичик сонлар ёки алфавит олдинги ҳарфлари билан белгиланган аниқлик классларига рухсат этилган хатоликнинг кичик чегаралари мос келади.

Келтирилган рухсат этилган асосий хатолик чегаралари (фоизда) қуйидаги формула ёрдамида белгиланади:

$$\gamma = 100 \frac{\Delta}{x_N} = \pm p, \qquad (1.20)$$

бунда, Δ — (1.18) ибора орқали аниқланадиган рухсат этилган абсолют асосий хатолик чегараси;

X_N — Δ билан бир бирликда булган меъёрлаш киймати;

p — қуйидаги қатордан танлаб олинадиган мусбат сон: (1; 1,5; 2; 2,5; 4; 5; 6) 10^n; (n= 1, 0; -1, -2; ва шу кабилар).

Бир хил ўлчовлар, ўлчаш оралиғи буйича доимий булган абсолют хатоликни ўлчаш асбобларининг (манометрлар, электромеханик электр ўлчаш асбоблари) рухсат этилган асосий хатоликлари чегаралари (1.20) ибора орқали белгиланади.

Меъёрлаш қиймати X_N ни бир турдаги ўлчаш воситаси учун ўзгармас қийматларга (масалан, ўлчашнинг юқори чегараси) тенг деб олинади. Масалан, (-10 -0 +10) mA оралиқда доимий электр токини ўлчайдиган миллиамперметр учун меъёрлаш қиймати сифатида X_N = 20 mA қабул қилинган. Бундай ҳолларда аниқлик класси сон жиҳатдан келтирилган рухсат этилган асосий хатолик чегарасига тенг. Масалан, агар γ =+1,5 % булса, аниқлик класси 1,5 этиб белгиланади.

Рухсат этилган нисбий асосий хатолик чегаралари (фоизда) қуйидаги формула билан белгиланади:

$$\delta = 100 \frac{\Delta}{x} = \pm a \qquad (1.21)$$

бунда, Δ — (1.18) ибора орқали белгиланган ёки қуйидаги формула билан белгиланади:

$$\delta = 100 \frac{\Delta}{x} = \pm [c + d (\left| \frac{X_k}{x} \right| - 1)] \qquad (1.22)$$

бунда, Δ — (1.19) ибора орқали белгиланган;

X_k — ўлчаш чегараларининг каттаси;

q — танланган мусбат сон;

c, d — қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланадиган мусбат сонлар:

$$c = 100 (b + \frac{a}{|X_k|}), \qquad d = 100 \frac{a}{|X_k|}. \qquad (1.23)$$

q, c, d қийматлари ҳам p қиймати танланадиган қатордан олинади.

Ўлчаш оралиғи буйича тахминан доимий булган нисбий асосий хатоликни ўлчаш асбобларининг (сув ва электр энергияси ҳисоблагичлари) рухсат этилган нисбий хатоликлари чегаралари (1.21) ибора орқали белгиланади. Хатоликларни

чегараларининг бундай кўринишига аниқлик классини белгиланишининг махсус тури тўғри келади. Масалан, агар $\delta = \pm 0{,}5$ % бўлса, унда аниқлик (0.5) класси белгиланади.

Узлуксиз оралиқ бўйича сезиларли ўзгарувчи нисбий асосий хатоликни ўлчаш асбобларининг (рақамли асбоблар) рухсат этилган нисбий хатоликлари чегаралари (1.22) ибора орқали белгиланади. Масалан, $c = 0{,}1$ %, $d = 0{,}05$ % бўлса, унда аниқлик класси 0.1/0,05 белгиланади.

Аниқ ўлчаш воситаларининг аниқлик классларини белгиловчи меъёрий ҳужжатларда хатоликлар рухсат этилган чегараларини ва бошқа метрологик тавсифларни белгилаш усуллари келтирилиши керак.

Хатоликларининг рухсат этилган чегаралари икки сондан ортиқ бўлмаган қийматлар билан белгиланиши керак ва бундай чегараларни ҳисоблашдаги яхлитлаш хатолиги 5%дан кўп фарқланиши керак.

Назорат саволлари:

1) Аниқлик класси тушунчаси қандай мақсадда қўлланилади?

2) Ўлчаш воситаларининг аниқлик классларини қандай ҳужжатларда келтирилади?

3) Ўлчаш воситасининг асосий ва қўшимча рухсат этилган хатоликлари чегаралари қандай кўринишларда берилади?

4) Рухсат этилган абсолют асосий хатолик чегаралари қандай ибора орқали аниқланади?

5) Келтирилган рухсат этилган асосий хатолик чегаралари қандай формула ёрдамида белгиланади?

6) Ўлчаш оралиғи бўйича сезиларли ўзгарувчи нисбий асосий хатоликни ўлчаш асбобларининг (рақамли асбоблар) рухсат этилган нисбий хатоликлари чегаралари қандай ибора орқали белгиланади?

7) Аниқ ўлчаш воситаларининг аниқлик классларини белгиловчи меъёрий ҳужжатларда нималар келтирилиши керак?

8) Хатоликларининг рухсат этилган чегаралари қандай қийматлар билан белгиланиши керак?

3-боб. Катталик бирликларини ҳосил қилиш, қайта тиклаш ва уларнинг ўлчамларини узатиш.

3.1 Физик катталик бирлигининг эталони

Ўлчашлар бирлилигини таъминлашнинг муҳим омилларига катталиклар бирликларини ҳосил қилиш, сақлаш, қайта тиклаш ва уларнинг ўлчамларини узатиш тизимининг мавжудлиги ва самарали натижа беришидир. Бундай тизим халқаро, ҳудудий ва миллий даражада фаолият кўрсатиши мумкин. Катталиклар бирликларини сақлаш, қайта тиклаш ва узатиш вазифасини **физик катталик бирлигининг эталони (эталон)** бажаради. Қабул қилинган таърифга кўра эталон **[O'z DSt 8.014:2002]** — бирлик ўлчамини қиёслаш схемаси бўйича пастда турувчи ўлчаш воситаларига узатиш мақсадида бирликни қайта тиклаш ва ёки сақлаш учун мўлжалланган ҳамда белгиланган тартибда эталон сифатида тасдиқловчи ўлчаш воситаси ёки ўлчаш воситалари мажмуидир.

Бирликни сақлаш — мазкур ўлчаш воситасига хос бирлик ўлчамини вақт мобайнида ўзгармаслигини таъминловчи операциялар мажмуидир.

Физик катталикнинг бирлигини қайта тиклаш (бирликни қайта тиклаш) — миллий бирламчи эталон ёрдамида физик катталик бирлигини моддийлаштириш бўйича операциялар тўпламидир.

Бирликнинг ўлчамини узатиш — метрологик тобе бўлган ўлчаш воситаси сақлаётган бирлик ўлчамини, эталон қайта тиклайдиган ёки у сақлайдиган бирликнинг ўлчамига солиштириш чоғида амалга ошириладиган келтиришдир.

Эталонлар қадимда ҳам қўлланилган. Масалан, қадимги Мисрда узунликнинг эталони сифатида фиравннинг бармоғидан тирсагигача масофа олинган. Фиравн вафотидан сўнг унинг «муқаддас» тирсаги «илоҳий белги» сифатида сақланган.

1875 йилда Халқаро метрик тизим бўйича «метр» узунлиги эталони сифатида ер шари меридианининг тўртдан бир қисми (қутбдан Париж орқали экваторгача масофа)нинг ўн миллиондан бир қисми олинган (1.12-расм).

1.12-расм. Халқаро метрик тизимнинг дастлабки «метр» узунлиги эталони

1.13-расм. Халқаро килограмм эталони



1.14-расм. АҚШда яратилган атом соат

катда ҳамда миллий эталон сифатида қўлланилади ва МДҲ давлатлари томонидан ҳам қўлланилади.

Эталонлар аниқлик даражаси, ҳуқуқий даражасига кўра синфларга бўлинади.

Аниқлик даражаси ва метрологик кетма-кетликка асосан эталонлар бирламчи, иккиламчи ва ишчи эталон турларига бўлинади.

Бирламчи эталон — бирликни, худди ўша бирликнинг бошқа эталонларига нисбатан энг юкори аниқликда қайта тиклашни таъминлайдиган эталон.

Иккиламчи эталон — бирлик ўлчамини ушбу бирликнинг бирламчи эталонидан олувчи эталон.

Бирлик ўлчамини иккиламчи эталондан (айрим ҳолларда тўғридан-тўғри бирламчи эталондан) ишчи ўлчаш воситаларига узатиш учун мўлжалланган эталон **ишчи эталон** дейилади.



1.15-расм. Россиядаги кучнинг бирламчи давлат эталони

Иккиламчи эталонлар **таққослаш эталонлари, эталон-нусха, эталон-гувох** кўринишида бўлиши мумкин.

Таққослаш эталонлари — у ёки бу сабабларга кўра бир-бири билан бевосита солиштириб бўлмайдиган эталонларни солиштириш учун қўлланиладиган иккиламчи эталонлар.

Эталон-нусха — физик катталиклар бирликларининг ўлчамларини ишчи эталонларга узатиш учун мўлжалланган иккиламчи эталон.

Эталон-гувоҳ — давлат эталонининг сақланганлигини текшириш учун қамда у йўқолган ёки ишдан чиққан ҳолда уни алмаштириш учун мўлжалланган иккиламчи эталон.

Эталонларнинг аниқлик даражаси буйича синфланиши 1.16-расмда келтирилган.



1.16-расм. Эталонларнинг аниқлик даражаси буйича синфланиши

Ҳудудий статуси (даражаси)га кўра эталонлар қуйидагича синфланади (1.17-расм):

халқаро эталон — ушбу бирликнинг бошқа эталондари билан қайта тикланадиган ва сақланадиган бирликлар ўлчамларини келиши учун халқаро битим буйича халқаро асос сифатида қабул қилинган эталон;

давлатлараро эталон — МДҲ давлатлари учун асос қилиб олинган эталон;

асос қилиб олинган эталон — мазкур ҳудуд ёки мазкур тармоқда мавжуд эталонларнинг энг юқори метрологик хусусиятларига эга бўлган, ундан метрологик тобе ўлчаш воситалари бирлик ўлчами олинадиган ва белгиланган тартибда расмий тасдиқланган эталон;

давлат эталони — давлат ҳудудида ваколатланган давлат ҳокимиятининг қарори билан ушбу катталикнинг барча бошқа эталонлари билан қайта тикланаётган бирликлар ўлчамларининг қийматлари учун асос бўлиб хизмат қиладиган эталон;

миллий эталон — мамлакат учун бошланғич эталон сифатида хизмат қилиши расмий қарор билан тан олинган эталон;

бошланғич эталон — ушбу ҳудудда ёки мазкур ташкилотда мавжуд булган эталонлардан энг юқори метрологик хоссаларга эга булган, метрологик тобе бўлган ўлчаш воситалари бирлик ўлчамини оладиган, белгиланган тартибда расмий тасдиқланган эталон.

1.17-расм. Ҳуқуқий даражада эталонларнинг синфланиши

Назорат саволлари:

1) Катталиклар бирликларини сақлаш, қайта тиклаш ва узатиш қандай амалга оширилади?

2) Физик катталик бирлигининг эталони деб қандай воситага айтилади?

3) Бирликни сақлаш нимани англатади ва қандай амалга оширилади?

4) Катталиклар бирликларини қайта тиклаш нимани англатади ва қандай амалга оширилади?

5) Катталиклар бирликларини узатиш нимани англатади ва қандай амалга оширилади?

6) Аниқлик даражаси ва метрологик кетма-кетликка асосан эталонлар қандай турларга булинади?

7) Иккиламчи эталонлар қандай куринишларда булиши мумкин?

8) Ҳуқуқий статусига кура эталонлар қандай синфланади?

3.1.1 Эталонларни яратиш, сақлаш, қўллаш ва солиштириш

Эталонлар, туғрироғи уларнинг метрологик хусусиятлари доимий назоратда булиши керак. Мақсад эталоннинг паспорт курсаткичлари доимийлигини тасдиқлаш ва ўлчаш

ва сақлаётган бирликни қайта тиклаш ва сақлаш ҳамда ўлчашлар аниқлигини ошириш йўлларини топишдан иборат.

Ўлчашлар бирлилигини таъминлашда катталикнинг бирлигини сақлаш, қайта тиклаш, узатиш белгиланган талаблар асосида бажарилиши муҳим.

Белгиланган талабларга кўра:

физик катталикнинг бирлигини қайта тиклаш (бирлигини қайта тиклаш) — миллий бирламчи эталон ёрдамида физик катталик бирлигини моддийлаштириш бўйича операциялар тўплами;

бирликнинг ўлчамини узатиш — метрологик тобе бўлган ўлчаш воситаси сақлаётган бирлик ўлчамини, эталон қайта тиклайдиган ёки у сақлайдиган бирликнинг ўлчамига солиштириш чоғида амалга ошириладиган келтириш;

бирликни сақлаш — мазкур ўлчаш воситасига хос бирлик ўлчамини вақт мобайнида ўзгармаслигини таъминловчи операциялар мажмуи.

Эталоннинг метрологик тавсифларини белгиланган чегараларда сақлаб туриш учун зарур бўлган операциялар мажмуига **эталонни сақлаш** дейилади. Эталонни сақлаш кундалик метрологик фаолият бўлиб, бу ишни амалга ошириш билан юқори метрологик малакага эга мансабдор шахс — **эталонни сақловчи олим** шуғулланади. Эталонлар ихтисослаштирилган махсус муассасаларда, одатда тегишли (халқаро, ҳудудий, миллий) ташкилотларнинг эталон марказларида сақланади.

Иқтисодий глобаллашув ва халқаро ҳамжамиятда мамлакатлар ўртасида иқтисодий, савдо ва технологик муносабатларнинг чуқурлашуви ўлчашлар бирлилигини таъминлаш ишларини кенг — халқаро, ҳудудий, давлатлараро доираларда олиб борилишини талаб этади. Хусусан, турли давлатлар миллий эталонлари сақлаётган катталик бирликлари ўлчамларини ўзаро мувофиқлигини доимий ва мажбурий сақлаб туриш буйича талабларни бажариш учун эталонларни солиштириш керак бўлади.

Эталонларни солиштириш — катталик ёки унинг ҳосиласини қайта тиклаш натижасида олинган катталик ўлчамлари ўртасидаги муносабатларни ўрнатувчи эталонлар устидан бажариладиган операциялар мажмуаси.

Мамлакатнинг физик катталик ўлчамини сақлаш, қайта тиклаш ва узатиш учун хизмат қиладиган миллий (давлат) эталонлари солиштириб борилиши керак. Бу ишлар миллий

(давлат) эталонларни ўрганиш ва улар сақлаётган бирликлар ўлчамини аниқлаш буйича ишларнинг мажбурий таркибий қисми ҳисобланади ва мамлакат доирасида эталон сақловчи миллий муассаса томонидан халқаро ва ҳудудий ташкилотлар тавсиясига кўра амалга оширилади.

Одатда, бир даражадаги эталонлар солиштирилади. Эталонларни солиштириш олиб юриладиган таққослаш эталонлари ёрдамида ёки келишувга кўра таққослашнинг бошқа воситаси ёрдамида амалга оширилади.

Солиштириш таққослаш эталонига боғлиқ равишда *доиравий, радиал ёки аралаш,* қатнашаётган мамлакатлар сонига кўра *икки томонлама* ва *кўп томонлама*, ўтказилиш даражасига кўра *халқаро* ва *ҳудудий* бўлиши мумкин.

Халқаро солиштириш Ўлчовлар ва оғирлик халқаро қўмитаси (ЎОХК)нинг маслаҳат қўмиталари ёки ҳудудий ташкилотлар назоратида амалга оширилади ва бундай назорат солиштиришга ҳуқуқий куч беради ва эталонлар эквивалентлигини таъминлайди.

Эталонлар эквивалентлиги деганда вазифаси ва муҳимлигига кўра амалий мақсадларда қўллашда эталонларнинг тенглиги тушунилади. Икки эталоннинг эквивалентлиги, улар қайта тиклайдиган бирлик қийматларининг бир-бирига тўғри келишини билдиради.

Ўлчовлар ва оғирлик халқаро қўмитасининг маслаҳат қўмиталари ёки ҳудудий ташкилотлар назоратида амалга оширилган, тегишли тартибда баҳоланган ва тан олинган солиштириш натижалари миллий эталонларнинг ўзаро тан олиниши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Миллий эталонларнинг мувофиқлик даражасини белгилаш, миллий метрологик идоралар томонидан бериладиган калибрлаш ва ўлчашлар сертификатларини ўзаро тан олишни таъминлаш, халқаро савдо-сотиқ ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларида 1999 йил октябрда Париж шаҳрида Халқаро ўлчов ва тарозилар қўмитаси (ХЎТҚ) ва ХЎТБ раҳнамолигида Метрик конвенцияни имзолаган 38 давлатнинг миллий эталонларни сақловчи миллий муассасалари раҳбарлари **«Миллий эталонларни, Миллий метрологик идоралар томонидан бериладиган калибрлаш ва ўлчашлар сертификатларини ўзаро тан олиш тўғрисида Келишув»**ни имзоладилар.

Келишувнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

— миллий эталонларнинг эквивалентлиги даражасини ўрнатиш;

— миллий метрологик муассасалар томонидан берилган калибрлаш ва ўлчашлар сертификатларини ўзаро тан олиш;

— давлат идораларини халқаро савдо-сотиқ, илмий-техник ҳамкорлик ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга боғлиқ кенг доирадаги келишувларнинг ишончли техник базаси билан таъминлаш.

Эталонларни солиштириш даврийлиги эталонлар қайта тиклайдиган катталиклар қийматлари стабиллиги, эталонлар аниқлиги, бирликларни қайта тиклаш принциплари ва бошқа техник ҳамда иқтисодий омилларга боғлиқ равишда ўрнатилади. Масалан, оғирлик ва узунлик бирликлари эталонларини 15-25 йилда бир марта, электр ва ёруғлик эталонларини 3-5 йилда бир марта солиштирилади. Оғирлик бирлигининг Францияда сақланадиган халқаро прототипи 25 йилда бир марта иккиламчи эталон-нусха билан солиштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонунига асосан физик ўлчамларнинг бирликлари эталонлар воситасида сақланади ва қайта тайёрланади. Эталонлар давлат метрология текшируви ва назоратининг объектлари ҳисобланиб, уларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаш тартибини «Ўзстандарт» агентлиги белгилайди.

Ўзбекистон давлат метрологик хизмати учун бошланғич бўлган бирламчи ва иккиламчи эталонларни, шунингдек, ишчи эталонларни Ўзбекистон Республикасининг Миллий эталонлар маркази (ЎзР МЭМ) сақлайди ва қўллайди.

Ўзбекистон давлат метрологик хизматининг бошланғич эталонларига буйсунадиган ишчи эталонларни ЎзР МЭМ, «Ўзстандарт» агентлигининг Синов ва сертификатлаштириш ҳудудий марказлари (ССМ)нинг лабораторияларида ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда ушбу фаолият турига аккредитланган юридик шахсларнинг метрологик хизматларида сақлаш ва қўллашга рухсат этилади.

Бирламчи, иккиламчи ва ишчи эталонларни сақлаш ва қўллаш бўйича ишларига умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикасининг метрология бўйича миллий идораси — «Ўзстандарт» агентлиги амалга оширади.

Бирламчи, иккиламчи ва ишчи эталонларни яратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси-

нинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир эталонни қабул қилиш «Ўзстандарт» агентлиги билан тайинланган ва зарур бўлганда манфаатдор маҳкамалар, ташкилотлар билан келишилган давлат комиссияси томонидан берилади.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган эталонлар давлат рўйхатига ва ҳисобга олиниши керак.

Ўзбекистоннинг давлат ва миллий бошланғич эталонлари, шунингдек, давлат эталонларига бўйсунадиган «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган иккиламчи эталонлар Ўзбекистон Республикаси эталонларининг Давлат реестрида рўйхатга олиниши керак ва рўйхатга олиш, реестрни юритиш ва сақлаш ЎзР МЭМга юклатилган. Эталонлар, уларни тасдиқлаш ҳақидаги «Ўзстандарт» агентлиги қарори асосида рўйхатга олинади.

Рўйхатга олишда эталонларга белгилашлар берилади. Эталоннинг белгиланиши эталон индексидан, эталонларни ҳар бир тоифаси (давлат, миллий бошланғич, иккиламчи, бирбирига бўйсунадиган) учун белгиланадиган рўйхатга олиш тартиб рақамидан ва тартиб рақамидан икки нуқта билан ажратилган тасдиқлаш йилидан ташкил топади.

Турли тоифадаги эталонларни рўйхатга олиш белгиланишларини Ўзбекистонда қуйидаги индекслари белгиланган:

— **Ўзбекистон давлат эталони — O‘z DEt** (O‘zbekiston davlat etaloni);

Мисол — O‘z DEt 2:2002;

— **Ўзбекистон миллий бошланғич эталони** — O‘z MBEt (O‘zbekiston milliy boshlang‘ich etaloni);

Мисол — O‘z MBEt 4:2002;

— **Ўзбекистон давлат эталонига бўйсунган иккиламчи эталон — Ik Et** (Ikkilamchi etalon);

Мисол — IkEt 1:2002

Ўзбекистон давлат ва миллий бошланғич эталонлари ҳақидаги расмий ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тарқатилади.

Эталонларни сақлаш ва қўллаш «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган сақлаш ва қўллаш қоидалари ва миллий (халқаро, давлатлараро) қиёслаш схемаларига (эталонни, тоифаси ва турига боғлиқ ҳолда) мувофиқ бажарилади.

1.18-расм. Ўзбекистон Миллий эталонлар маркази

«ЎзМЭМ»да ҳозирда 9та миллий бошланғич эталонлари сақланади:

узунлик бирлиги миллий бошланғич эталони;

масса бирлиги миллий бошланғич эталони;

ҳажм бирлиги миллий бошланғич эталони;

вақт ва частота бирлиги миллий бошланғич эталони;

ўзгарувчан ток кучланиши бирлиги миллий бошланғич эталони;

индуктивлик бирлиги миллий бошланғич эталони;

электр сиғими бирлиги миллий бошланғич эталони;

сув сарфи ва миқдори бирлиги миллий бошланғич эталони;

газларнинг ҳаводаги улуши бирлиги миллий бошланғич эталони.

1.19-расм. «ЎзМЭМ»даги узунлик бирлиги миллий бошланғич эталони

1.20-расм. «ЎзМЭМ»даги масса бирлиги миллий бошланғич эталони

1.21-расм. «ЎзМЭМ»даги вақт ва частота бирлиги миллий бошланғич эталони

«Ўзстандарт» Агентлиги аъзо бўлган ҳудудий ташкилотлар (КООМЕТ, Давлатлараро кенгаш доирасида эталонларни солиштириш жараёнида қатнашади. Қуйидаги расмларда айрим солиштирув жараёнлари буйича лавҳалар келтирилган.

Суюқлик сарфи буйича эталонларни солиштириш





КООМЕТ доирасида эталонларни солиштиришда Ўзбекистон билан бирга Германия, Белоруссия, Украина, Россия, Словакия ва Литва эталонлар миллий муассасалари қатнашган.

1.22-расм. «ЎзМЭМ»даги суюқлик миллий эталонларни солиштириш жараёни

Масса эталонларни солиштириш





Ўз МЭМ миллий масса эталонларини Германия Физика-техник институти билан солиштириш буйича тадбирда иштирок этган Германия.

1.23-расм. «ЎзМЭМ»даги масса милиий эталонларни солиштириш жараёни

Назорат саволлари:

1) Физик катталикнинг бирлигини қайта тиклаш қандай амалга оширилади?

2) Эталонни сақлаш кундалик метрологик фаолияти қандай усуллар шахс томонидан амалга оширилади?

3) Эталонларни солиштириш тушунчаси нимани англатади?

4) Солиштириш таққослаш эталонига боғлиқ равишда қандай бўлиши мумкин?

5) Эталонларни солиштиришда қатнашаётган мамлакатлар сонига кўра, ўтказилиш даражасига кўра қандай бўлиши мумкин?

6) Ўзбекистонда турли тоифадаги эталонларни рўйхатга олиш белгиланишларининг индекслари қандай белгиланган?

7) «ЎзМЭМ»да ҳозирда нечта ва қандай миллий бошланғич эталонлар сақланади?

8) Ўзбекистон миллий бошланғич эталонлар қандай доирада солиштирилади?

3.1.2 Ўзбекистон Республикасида эталонларни сақлашнинг асосий қоидалари

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 8.014:2002 «ЎзР ҲТ. Физик катталиклар бирликларининг эталонлари. Ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш ва қўллаш тартиби»да давлат метрологик хизмати идораларида сақланадиган ва қўлланиладиган физик катталиклар эталонларига тааллуқли ва уларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш ва қўллаш тартиби белгиланган.

Белгиланган тартибга кўра Ўзбекистон Республикасида қонунлаштирилган бирликлар ва катталиклар шкалалари (бирликлар) қўлланилиши, қайта тикланиши мумкин.

Мамлакатда бирламчи ва иккиламчи эталонлар ўлчашлар бирлигини таъминлаш мақсадида катталиклар бирликларини марказлаштирган қайта тиклаш, уларни сақлаш ва уларнинг ўлчамларини талаб этилган аниқликда узатиш мақсадида яратилади.

Эталон таркибига ўлчаш воситалари киритилиб, улар ёрдамида:

– бирликни қайта тиклаш ва (ёки) сақлаш;

– қайта тикланаётган ва сақланаётган бирликнинг ўлчаш характеристикаларини текшириш ва унинг ўлчамини ўзгармаслигини таъминлаш;

— бирлик ўлчамини қиёслаш схемаси бўйича бир-бирига буйсунган ўлчаш воситаларига узатиш амалга оширилади.

Эталон таркибига, шунингдек, бошқа, унинг учун махсус яратилган техник воситалар, шу ҳисобда ўлчаш натижаларини автоматик қайд қилиш ва уларга ишлов бериш қурилмалари киритилиши мумкин.

Бирламчи эталонни мавжудлигида бирлик ўлчамини мазкур бирламчи эталондан олаётган худди шу бирликнинг иккиламчи эталонни яратиш мажбурий ҳисобланади.

Бу ҳолда иккиламчи эталонлар бирламчи эталонларнинг сақланувчанлигини таъминлаш мақсадида ва бирламчи эталонлар билан қайта тикланаётган бирликлар ўлчамларининг қийматларини аниқлаш мақсадида ўтказилаётган эталонларни халқаро солиштирилишини ташкил этиш учун яратилади.

Иккиламчи эталонлар ҳам бирламчи эталонлар сифатида халқаро ёки давлатлараро эталонлар қўлланиладиган ўлчаш соҳаларида ўлчашлар бирлилигини таъминлаш мақсадида яратилади.

Ўзбекистонда бошланғич бўлган бирламчи ва иккиламчи эталонларни, шунингдек, ишчи эталонларни Ўзбекистон Республикасининг Миллий эталонлар маркази (ЎзР МЭМ)да сақланади ва марказ орқали қўлланилади.

Ишчи эталонлар ЎзР МЭМ, «Ўзстандарт» агентлиги синов ва сертификатлаштириш ҳудудий марказларининг лабораторияларида ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда ушбу фаолият турига аккредитланган юридик шахсларнинг метрологик хизматларида сақлаш ва қўллаш ҳам мумкин.

Бирлик ўлчамни халқаро эталонлардан олувчи бирламчи эталонлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат метрологик хизмати учун дастлабки бўлган иккиламчи эталонлар Ўзбекистон давлат эталонлари сифатида расмий тасдиқланади.

Иккиламчи ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат метрологик хизмати учун бошланғич бўлган ишчи эталонлар (давлатлараро қиёслаш схемаси бўйича) Ўзбекистоннинг миллий дастлабки эталонлари сифатида расмий тасдиқланади.

Ўзбекистоннинг давлат ва миллий бошланғич эталонларини, шунингдек, Ўзбекистон давлат эталонларига буйсунадиган, ЎзР МЭМда сақланаётган ва қўлланилаётган

эталонларини тасдиқлашни «Ўзстандарт» агентлиги амалга оширади.

Ишчи эталонларни тасдиқлаш ва рўйхатга олишни «Ўзстандарт» агентлиги билан келишилган ва эталонни сақловчи ташкилот томонидан тасдиқланган тартибда, кейинчалик эталонларни тасдиқлаш ва рўйхатга олиш материалларини тасдиқлаш учун ЎзР МЭМга тақдим этиш билан эталонни сақловчи ташкилот амалга оширади.

Давлат метрологик хизматининг бошланғич эталонлари бўлган ва Ўзбекистон давлат ёки миллий дастлабки эталонлари сифатида тасдиқланган иккиламчи ва ишчи эталонлари халқаро эталонлар ёки бошқа давлатларнинг халқаро эталонларга бўйсунадиган эталонларидан бирлик ўлчамини олади.

Кўрсатилган эталонлар халқаро келишувлар асосида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда мажбурий даврий халқаро солиштиришдан ўтказилади.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон Республикасида эталонларни сақлашнинг асосий қоидалари қайси меъёрий ҳужжатда белгиланган?

2) Мамлакатда бирламчи ва иккиламчи эталонлар нима мақсадда яратилади?

3) Бирламчи ва иккиламчи эталонлар Ўзбекистонда қандай даражадаги эталонлар сифатида расмий тасдиқланади?

4) Ўзбекистоннинг давлат ва миллий бошланғич эталонларини тасдиқлашни қайси идора амалга оширади?

5) Иккиламчи ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат метрологик хизмати учун бошланғич бўлган ишчи эталонлар қандай эталонлар сифатида расмий тасдиқланади?

6) Ишчи эталонларни тасдиқлаш ва рўйхатга олишни қандай ташкилот амалга оширади?

7) Давлат метрологик хизматининг бошланғич эталонлари қандай эталонлардан бирлик ўлчамини олади?

3.1.3 Эталонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда бирламчи, иккиламчи ва ишчи эталонлар яратилади ва бу бўйича ишларни амалга оширишни мувофиқлаштириш «Ўзстандарт» агентлиги томонидан амалга оширилади.

Эталонлар уларни яратишнинг илмий ва техник-иқтисодий асосланишини, метрологик ва техник тавсифларига, таркибига, эталон тузилмасига, уни сақлаш ва қуллаш шароитларига қуйиладиган талабларни уз ичига олган техник топшириққа мувофиқ ишлаб чиқилади. Ўзбекистоннинг давлат ёки миллий бошланғич эталонлари сифатида тасдиқлаш мулжалланган бирламчи, иккиламчи ва ишчи эталонларни яратиш учун техник топшириқ ЎзР МЭМ бошчилигида эталонларни яратишнинг тасдиқланган режалари асосида Давлат метрологик хизматининг булинмалари ишлаб чиқади. Эталонларни яратиш учун техник топшириқни эталонни сақловчи ташкилот ишлаб чиқади. Техник топшириқ эталоннинг вазифаси ва уни қуллаш доирасини уз ичига олиши керак.

Эталонни яратиш учун техник топшириқ ЎзР МЭМ томонидан «Ўзстандарт» агентлиги, СМСИТИ қошидаги Ўзбекистон Республикаси метрологик хизматининг бош Маркази (ЎзР МХБМ) ва бошқа манфаатдор давлат ва хўжалик бошқарув идоралари билан келишилган булиши керак.

Ўзбекистоннинг давлат ёки миллий бошланғич эталонлари сифатида тасдиқланиши мулжалланган эталонлар учун техник топшириқ «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланади.

Янгидан яратилган эталонлар махсус тузилган комиссия томонидан метрологик аттестатциядан утказилади. ЎзР МЭМда сақланадиган ва қулланиладиган бирламчи, иккиламчи ва ишчи эталонларни метрологик аттестациялаш буйича комиссия «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тузилади. Комиссияга «Ўзстандарт» агентлиги, эталонни ишлаб чиқувчи ташкилот, ЎзР МЭМ вакиллари эталонни аттестациялаш жараёнида ушбу эталон солиштирилган бошқа мамлакатлар эталонларини сақловчи ташкилотлар вакиллари, ЎзР МХБМ вакили ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

Ҳар бир эталонни қабул қилиш буйича хулоса «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тайинланган ва манфаатдор идоралар, ташкилотлар билан келишилган давлат комиссияси томонидан берилади.

Эталонни сақловчи ташкилот (ЎзР МЭМ) эталонни тасдиқлашга тақдим этиш учун керак булган, ЎзР МЭМ илмий кенгаш томонидан куриб чиқилган ва маъқулланган ҳуж-

ҳужжатлар тўпламини тайёрлайди ва давлат комиссиясига топширади. Кўрсатилган ҳужжатлар тўплами билан бир вақтда давлат комиссиясига эталонни яратиш учун келишилган ва тасдиқланган техник топшириқ берилади.

Эталонни тасдиқлаш учун давлат комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тўплами тақдим этилиши керак:

— маъруза;

— эталонни яратиш бўйича илмий-техникавий ҳисобот;

— эталон паспорти;

— эталонни сақлаш ва қўллаш қоидалари;

— эталонлар Давлат реестрига киритиш учун маълумотлар;

— эталонни сақловчи олимни тайинлаш ҳақидаги тақдимнома (Ўзбекистонни давлат эталони ёки Ўзбекистонни миллий бошланғич эталони сифатида тасдиқланаётган эталонлар учун);

— эталонни тасдиқлаш мумкинлиги ҳақидаги ЎзР МЭМ илмий кенгашининг қарори.

Эталонни тасдиқлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тузилиши, мазмуни, баён этилиши ва расмийлаштирилиши

Эталонни тасдиқлаш учун тақдим этиладиган маъруза эталонни қисқача баёнини ва уни тадқиқотлари натижаларини ўз ичига олиши керак. Маърузани ЎзР МЭМ раҳбари ва эталонни аттестациядан ўтказган комиссия раҳбари имзолайдилар.

Эталон паспортида унинг номи, таркиби, метрологик тавсифлари, яратилган жойи ва вақти, сақланиш жойи ва шароитлари, эталонни сақлаш ва қўллаш учун жавобгар бўлган лаборатория (бўлим)нинг номи тўғрисида маълумотлар келтирилади. Эталон паспортига варақ илова қилиниб, унга эталонни кейинги тадқиқотларининг натижалари ва уни бошқа эталонлар билан солиштириш натижалари киритилади.

Ўзбекистон давлат эталонлари ва миллий бошланғич эталонларини сақлаш ва қўллаш қоидалари «Ўзстандарт» агентлиги буйруғи билан тасдиқланади. Бўйсунадиган иккиламчи эталонларни сақлаш ва қўллаш қоидалари ЎзР МЭМ раҳбари томонидан тасдиқланади.

Эталонларни Давлат реестрига киритиш учун у тўғрисидаги маълумотлар расмийлаштирилади.

Эталонни сақловчи олимни тайинлаш тўғрисидаги тақдимнома ЎзР МЭМнинг тақдимномаси асосида «Ўзстан-

дарт» агентлиги томонидан тасдиқланган «Эталонларни сақловчи-олим тўғрисидаги низом»га мувофиқ тайинланади.

Эталонни қабул қилиш бўйича комиссия эталонни ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўпламини кўриб чиқади. Комиссиянинг эталонни тасдиқлаш ҳақидаги хулосаси тузилади ва «Ўзстандарт» агентлигига тақдим этилади.

Эталонларни давлат эталонлари ёки миллий бошланғич эталонлари сифатида тасдиқлашга тақдим этганда, ЎзР МЭМ бир йўла «Ўзстандарт» агентлигига эталон ва миллий қиёслаш схемасининг меъёрий ҳужжати лойиҳасини ҳамда (зарурат бўлганда) меъёрий ҳужжатни (давлат стандарти ёки раҳбарий ҳужжати кўринишида) жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасининг лойиҳасини тақдим этади.

«Ўзстандарт» агентлиги белгиланган тартибда ҳужжатлар тўпламини ва эталонни қабул қилиш ҳақидаги давлат комиссияси хулосасини кўриб чиқади ҳамда эталонни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилади. Қарор ижобий бўлган ҳолда:

— белгиланган шаклдаги далолатнома расмийлаштирилади;

— эталонни тасдиқлаш ҳақида сертификат берилади;

— «Ўзстандарт» агентлиги қарори билан давлат меъёрий ҳужжати тасдиқланади;

— «Ўзстандарт» агентлиги буйруғи билан эталонни сақлаш ва қўллаш қоидалари тасдиқланади (Ўзбекистон давлат ёки миллий бошланғич эталони учун);

— «Ўзстандарт» агентлиги буйруғи билан эталонни сақловчи олим (Ўзбекистон давлат ёки миллий бошланғич эталони учун) тасдиқланади;

— «Ўзстандарт» агентлиги буруғи билан (зарурат бўлса) эталон ва миллий қиёслаш схемасининг меъёрий ҳужжатини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланади.

Ўзбекистоннинг давлат ва миллий бошланғич эталонлари, шунингдек, давлат эталонларига бўйсунадиган «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган иккиламчи эталонлар Ўзбекистон Республикаси эталонларининг Давлат реестрида рўйхатга олиниши керак. Ўзбекистон Республикаси эталонларининг Давлат реестрини ЎзР МЭМ юритади, унга эталонларни рўйхатга олиш, реестрни юритиш ва сақлаш юклатилган.

Эталонлар, уларни тасдиқлаш ҳақидаги «Ўзстандарт» агентлиги қарори асосида рўйхатга олинади.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистонда эталонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби қайси идора томонидан белгиланади?

2) Эталонлар Ўзбекистонда қандай техник ҳужжатга мувофиқ ишлаб чиқилади?

3) Янгидан яратилган эталонлар қандай орган томонидан метрологик аттестациядан ўтказилади?

4) Эталонни тасдиқлаш учун давлат комиссиясига қандай ҳужжатлар тўплами тақдим этилиши керак?

5) Ўзбекистоннинг давлат ва миллий бошланғич эталонлари қайси идора томонидан Ўзбекистон Республикаси эталонларининг Давлат реестрида рўйхатга олиниши керак?

6) Эталонни тасдиқлаш ҳақида қарорни қайси идора қабул қилади?

3.1.4 Эталонларни сақлаш ва қўллаш тартиби

Эталонларни сақлаш ва қўллаш «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган сақлаш ва қўллаш қоидалари ва миллий (халқаро, давлатлараро) қиёслаш схемаларига (эталоннинг тоифаси ва турига боғлиқ ҳолда) мувофиқ бажарилади.

Эталонни солиштириш, аттестациялаш ва тадқиқот қилиш натижалари эталонлар билан ишлаш бўйича журналларда қайд қилинади ва эталон паспортига киритилади. Эталонлар билан ишлаш журналлари тегишли эталонлар билан бирга сақланади.

Ўзбекистон давлат ва миллий бошланғич эталонларини ўлчовлар ва тарозилар халқаро бюросининг эталонлари ва бошқа мамлакатларнинг миллий метрологик институтларининг эталонлари билан солиштириш ҳақидаги гувоҳномалар (сертификатлар) тегишли эталонлар билан бирга ЎзР МЭМда сақланади.

Бошқа мамлакатларнинг эталонларини ЎзР МЭМ эталонлари билан солиштирилганда метрологик тавсифлари, солиштириш усуллари ва шароитлари кўрсатилган ҳолда гувоҳномалар расмийлаштирилади.

Эталонни сақлаш ва қўллаш қоидаларига риоя қилиш бўйича жавобгарлик ЎзР МЭМ раҳбари ва эталонни сақловчи ходимга юклатилади.

Эталон билан боғлиқ алоҳида воқеалар эталон билан

ишлаш журналида қайд қилиниши керак. Бунда воқеани сабаби ва характери курсатилган бўлиши ва эталонни сақланувчанлигини сақлаб туриш учун лозим бўлган чора-тадбирлар кўрсатилган бўлиши керак.

Эталонларни сақлаш ва қуллаш қоидалари ва улардан фойдаланиш доираси «Ўзстандарт» агентлиги билан келишиб олиниши керак.

Эталонларни қоидаларга ва эталонлардан фойдаланиш доирасига риоя қилиниши учун жавобгарлик эталонларни сақловчи ташкилот рахбарига юклатилади.

Назорат саволлари:

1) Эталонларни сақлаш ва қуллаш қандай ҳужжатга мувофиқ бажарилади?

2) Ўзбекистон давлат ва миллий бошланғич эталонларини бошқа эталонлар билан солиштириш ҳақидаги гувоҳномалар (сертификатлар) қайси муассасада сақланади?

3) Эталонларни сақлаш буйича қандай ҳужжат юритилади?

4) Эталонларни қоидаларга ва эталонлардан фойдаланиш доирасига риоя қилиниши учун жавобгарлик қайси ташкилотга юклатилади?

5) Эталон билан бўлиб ўтган алоҳида воқеалар қайси ҳужжатда қайд қилиниши керак?

6) Эталон билан ишлаш журналида нималар қайд қилиниши керак?

7) Эталонларни сақлаш ва қуллаш қоидалари ва улардан фойдаланиш доираси қайси идора билан келишиб олиниши керак?

8) Эталонларни қоидаларига ва эталонлардан фойдаланиш доирасига риоя қилиниши учун жавобгарлик кимга юклатилади?

4-боб. Ўлчашлар ноаниқлиги ва уни баҳолаш усуллари

Метрологияда кўп йиллар давомида ўлчаш жараёнида ўлчанаётган катталикнинг «чин» ва «ҳақиқий» қийматлари тўғрисида гапирилган, ўлчаш натижаси бўйича эса «хатолик» тушунчаси билан иш олиб борилган. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан мутахассислар томонидан **«ноаниқлик»**, тўғрироғи **«ўлчашлар ноаниқлиги»** тушунчаси киритилган. Халқаро ўлчовлар ва тарозилар қўмитаси 1981 йилда омма-

[illegible] сифат кўрсаткич сифатида «*ўлчашлар ноаниқлиги*[illegible] таърифи таклиф этди [13].

[illegible] давлат стандарти O'z DSt 8.010.1:2002да келтирилган таърифга кўра, **ўлчашларнинг ноаниқлиги** ўлчаш натижаси билан боғлиқ ва ўлчанадиган катталикка асосли равишда берилиши мумкин бўлган қийматларнинг тарқоқлигини тавсифловчи параметрдир. Ушбу таъриф 1993 йилда «Метрологиядаги асосий ва умумий атамалар» халқаро луғатидан олинган. ИСО ташкилоти томонидан киритилган [illegible] йилда ўлчашлар ноаниқлигини белгилаш бўйича Раҳбарият ишлаб чиқилган.

Стандарт (меъёрий) оғиш (ёки унга каррали сон) ёки [illegible] ишончли даражага эга бўлган оралиқнинг ярми параметр бўлиши мумкин. Ноаниқлик (асосан) кўп ташкил этувчилардан иборат бўлади. Бу ташкил этувчилардан [illegible] ўлчаш натижаларининг статистик тақсимланган [illegible] экспериментал стандарт оғишлар билан баҳоланиши мумкин. Стандарт оғишлар билан баҳоланиши мумкин [illegible] бошқа ташкил этувчилар ҳам тажриба ёки бошқа [illegible] маълумотларига асосланади.

Ноаниқлик тушунчасига тегишли айрим муҳим атамалар [illegible] келтирилган:

стандарт ноаниқлик — ўртача квадратик оғиш (ЎКО) кўринишида ифодаланган, ўлчаш натижасининг ноаниқлиги;

суммар стандарт ноаниқлик — аъзоларининг йиғиндиси [illegible] квадрат илдизига тенг бошқа катталиклар қатори [illegible] қийматларидан олинадиган ўлчаш натижасининг стандарт [illegible] ноаниқлиги;

кенгайтирилган ноаниқлик — ўлчанаётган катталикка тегишли қийматлар тақсимланишининг катта қисми жойлашган ўлчаш натижалари атрофидаги оралиқни аниқловчи [illegible];

қамров коэффициенти *(k)* — стандарт ноаниқликни олиш учун суммар стандарт ноаниқликка кўпайтма сифатида [illegible] сонли коэффициент, у 2 дан 3 гача оралиқда ўзгаради.

Ўлчашлар ноаниқлиги икки сабабга кўра келиб чиқиши мумкин [13]:

- ўлчаш жараёнини кўп маротаба қайтарганда, ўлчаш натижаси [illegible], бу табиат қонунидир;
- керакли маълумотларнинг йўқлиги ёки уларнинг етарли [illegible].

Ноаниқликни баҳолашнинг икки усули мавжуд:

A — улчаш жараёнини кўп маротаба қайтарганда олинадиган улчашдан кейинги (апостериор — улчашдан кейинги) маълумотни ишлатиш. ***A* тури бўйича (ноаниқликни) баҳолаш** — кузатувлар қаторини статистик таҳлил йули билан ноаниқликни баҳолаш усули;

B — керакли маълумот бўлмаганда ҳолатни математик моделлаштириш, ***B* тури бўйича (ноаниқликни) баҳолаш** — кузатувлар қаторини статик таҳлили йўлидан бошқа усул билан ноаниқликни баҳолаш усули.

Ноаниқлик улчашлар натижалари ва турли ҳолатлар учун сифат жиҳатдан умумий, ҳар бир аниқ ҳолат учун миқдор жиҳатдан индивидуал хусусият ҳисобланади. Ноаниқлик ҳуқуқий асосга эга бўлган улчовда белгиланиши керак. Ноаниқликни миқдорий баҳоловчи иккала усулни қуйида кўриб чиқамиз.

***A* усул.** Улчаш жараёнини ҳар сафар қайтаришдан кейин олинадиган ўлчашлар натижаси кўринишидаги апостериор маълумотни мавжудлиги, гистограмма (1.24-расм) қуриш ва улчашлар натижалари эҳтимоллиги тақсимланиши қонуниятини ўрнатиш имконини беради.



1.24-расм. Гистограмма кўринишидаги тажриба маълумотлари массивини кўрсатиш

Ноаниқликнинг ўлчови сифатида қуйидаги энтропияни кўрсатиш мумкин:

$$H = \int_{-\infty}^{\infty} P(Q)\log[P(Q)]\mathrm{d}Q. \qquad (1.21)$$

Бунда $P(Q)$ — ўлчаш натижаси Q нинг эҳтимоллик зичлиги. Амалиётда энтропия ўрнига кўпинча ўрта квадратик



1.25-расм. Эҳтимоллиги текис тақсимланиш қонуниятининг кўринишидаги ҳолатий модел

$$u_Q = \frac{Q_2 - Q_1}{2\sqrt{3}}. \qquad (1.22)$$

ниқлик» ёки «*A* туридаги стандарт ноаниқлик баҳолаш» ва «*B* туридаги стандарт ноаниқлик баҳолаш» тушунчалари қўлланилади.

Мисол. Бир давлатдаги корхонанинг ишлаб чиқариш ривожи ўтган асрнинг 80-йиллари биринчи ярмига, иккинчи корхонанинг ишлаб чиқариш ривожи ўтган асрнинг биринчи ярмига тўғри келган. Ноаниқлик тўғрисидаги маълумотларни таққослаб, шу воқеаларнинг қайси йилларга тўғри келганини аниқланг.

Биринчи ҳолатда ноаниқлик тенг

$$u_Q = \frac{1985-1981}{2\sqrt{3}} = 1{,}2 \text{ йил},$$

иккинчи ҳолатда эса ноаниқлик тенг

$$u_Q = \frac{1950-1900}{2\sqrt{3}} = 14{,}5 \text{ йил}.$$

Биринчи корхона тўғрисидаги маълумотлар ноаниқлиги иккинчи корхона тўғрисидаги маълумотлар ноаниқлигига қараганда анча камдир.

Ўлчанаётган катталик қиймати тўғрисида аниқ маълумотнинг йўқлиги ўлчаш натижаси ноаниқлигининг моҳиятини англатади.

Ўлчашлар ноаниқлигининг турли манбалари мавжуддир, хусусан:

— ўлчанаётган катталикнинг тўлиқ аниқланмаслиги;

— ўлчанаётган катталикни аниқлашнинг мукаммал эмаслиги;

— ўлчанган намуна ўлчанаётган катталикни тўлиқ ифода этмаслиги;

— ўлчашга таъсир этувчи атроф-муҳитдан буладиган таъсир ҳақида етарли билимга эга бўлмаслик ёки атроф-муҳит шароитларини ўлчашнинг мукаммал эмаслиги;

— аналог ўлчаш воситалари кўрсаткичларини олишда операторнинг субъектив мунтазам хатолиги;

— ўлчаш воситаларининг ўлчаш қобилияти ёки сезгирлик чегараси;

— ўлчашда ишлатиладиган эталон ёки модда ва материаллар стандарт намуналаридан олинадиган қийматларнинг ноаниқлиги;

— ташқи манбалардан олинган ва ҳисоблашда ишлатиладиган константа ва бошқа кўрсаткичлар қийматларининг ноаниқлиги;

Агар ўлчаш натижаси боғлиқ барча катталиклар ўзгарса, уларнинг ноаниқлигини статистик усулларда баҳолаш мумкин.

Ўлчаш натижаси ноаниқлиги, одатда, ўлчашнинг математик модели ва ноаниқликни тақсимланиш қонуниятидан фойдаланиб баҳоланади. Математик моделнинг тўлиқ бўлмаслигини инобатга олган ҳолда, юқорида қайд этилган катталикларнинг қийматлари амалиётдан олинган кузатув маълумотларига асосланган бўлиши кераклиги талаб этилади. Зарур ҳолларда математик модел қайта кўрилиши ва унга аниқлик киритилиши керак.

Ўлчаш тизимининг, унда тажриба орқали ва кузатилаётган стандарт чекланишлар орқали баҳоланаётган катталикларнинг кузатилаётган ўзгарувчанлигининг тўғри ишлаётганлигини аниқлаш учун кузатилаётган стандарт чекланишларни башорат қилинган чекланишга солиштириш лозим. Бунда башорат қилинган чекланишни, чиқиш катталикларининг тажрибавий кузатилаётган ўзгарувчанлигига сезиларли таъсир этувчи ноаниқликнинг ташкил этувчиларининг йиғиндиси орқали аниқланади.

Одатда ўлчаш воситалари эталонлар билан таққосланади ва кўп ҳолларда эталон ҳамда таққослаш жараёни билан боғлиқ ноаниқликлар қиёслашнинг талаб этиладиган аниқлигига нисбатан жуда кичкина қийматни ташкил этади. Бундай ҳолларда ноаниқликнинг қиймати кичик эканлигини инобатга олиб, ўлчашни қиёсланаётган ускунанинг хатолигини аниқлаш сифатида қараш мумкин.

Ўлчаш натижасида аниқланаётган катталикнинг қийматини баҳолаш, айрим ҳолларда SI тизими бирлигида эмас, балки эталон бирлигида кўрсатилади. Бунда ўлчаш натижасига тааллуқли ноаниқликнинг қиймати SI тизимининг тегишли бирликлари қийматидан анчагина кичик бўлиши мумкин.

Ўлчаш жараёнида йўл қўйилган кўпол хатоликлар ўлчаш натижасига сезиларли миқдордаги номаълум хатоликни қўшиши мумкин.

Ноаниқликни баҳолашнинг сифати ва аниқлиги ўлчанаётган катталикни ва ўлчашни мукаммал билишга, уни амалга оширадиган мутахассислар малакасига боғлиқдир.

Ўлчаш натижаси ноаниқлигини баҳолаш ва кўрсатишда қуйидаги амаллар кетма-кетлигига риоя қилинади:

1) Ўлчанаётган катталикни Y ва кириш катталиги X_i ўртасида математик боғлиқлик белгиланади:

$$Y = f(X_1, X_2, \ldots X_n), \qquad (1.23)$$

Функция $f(X)$ таркибига ўлчаш натижаси ноаниқлигининг ташкил этувчисига сезиларли таъсир этувчи ҳар қандай қўшимча ва коэффициентлар киритилиши керак.

2) Кириш катталиги X_i нинг баҳоланган қиймати сифатида ёки кузатувлар қаторининг статистик таҳлили асосида ва бошқа воситалар ёрдамида x_i аниқланади.

3) Ҳар бир кириш баҳоланиши x_i нинг стандарт ноаниқлиги $u(x_i)$ баҳоланади. Кузатувлар қаторининг статистик таҳлили асосида аниқланган кириш баҳоланиши учун стандарт ноаниқлик *A* тури бўйича баҳоланади. Бошқа воситалар ёрдамида аниқланган кириш баҳоланиши учун стандарт ноаниқлик *B* тури бўйича баҳоланади.

4) Бирор кириш катталигининг қиймати **корреляция** (катталикларнинг бири бошқа катталиклар ўзгаришига ўзининг математик кутилмасининг ўзгариши билан жавоб беришидан иборат бўлган тасодифий катталиклар орасидаги боғланиш) олинган бўлса, уларнинг **ковариацияси** (маълум миқдордаги тасодифий катталикларнинг тегишли математик кутилмалардан оғиш кўпайтмасининг математик кутилмаси) баҳоланади.

5) 2-босқичда олинган кириш катталиги X_i учун баҳолаш x_i ни қўллаб функционал боғлиқлик $f(X)$ дан ўлчанаётган катталикни Y нинг баҳоланиши y ҳисобланади.

6) Кириш баҳоланиши билан боғлиқ стандарт ноаниқлик ва ковариациялардан ўлчаш натижаси y нинг суммар стандарт ноаниқлиги $u_c(y)$ аниқланади. Агар ўлчаш жараёни бир вақтда биттадан кўп кириш катталигини аниқлаш имконини берса, унда уларнинг ковариацияси ҳисобланади.

7) $(y - U)$ дан $(y + U)$ гача оралиқни таъминлаш мақсадида кенгайтирилган ноаниқлик U ни бериш талаб этилса ва бу оралиқда ўлчанаётган катталик Y га тегишли қийматлар тақсимотининг катта қисми ётса, суммар стандарт ноаниқлиги $u_c(y)$ ни 2 дан 3 гача оралиқда бўлган жамлаш коэффициенти k га кўпайтирилади ва қуйидаги муносабат олинади:

$$U = k\, u_c(y). \qquad (1.24)$$

Коэффициент k интервал учун талаб этиладиган ишонч эҳтимолига асосида танланади.

Ўлчаш натижаси y ни унинг суммар ноаниқлиги $u_c(y)$ ёки кенгайтирилган ноаниқлик U билан биргаликда расмийлаштирилади ва y ва $u_c(y)$ ёки U қандай олинганлиги кўрсатилади.

Назорат саволлари

1) Ўлчашларнинг ноаниқлиги тушунчаси нимани англатади?

2) Ўлчашларнинг ноаниқлиги тушунчаси халқаро даражада расман қачон киритилган?

3) Ўлчашлар ноаниқлиги неча турга бўлинади?

4) Ўлчашлар ноаниқлиги қандай сабабларга кўра келиб чиқиши мумкин?

5) Ўлчашлар ноаниқлигини баҳолашнинг неча усули мавжуд?

6) Ўлчашлар ноаниқлигининг қандай келиб чиқиш манбалари мавжуд?

7) Ўлчаш натижаси ноаниқлигини баҳолаш ва кўрсатишда қандай амаллар кетма-кетлигига риоя қилинади?

II қисм. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

I-боб. Ўзбекистонда стандартлаштириш ишларининг ташкил этилиши

1.1 Стандартлаштириш тарихи

Стандартлаштириш ишлари ўз моҳиятига кўра узоқ тарихга эгадир. Инсоният ривожланишининг ҳар бир даври меъёрлаш (стандартлаштириш) фаолияти билан бирга борган. Инсон тафаккури, қобилияти даражасига қараб, стандартлаштиришнинг даражаси ҳам белгиланган.

Ёзув вужудга бўлмаган даврда инсон ўзи эҳтиёжига зарур бўлган нарсалар — озиқ-овқат, кийим-бош, яшаш жойи каби нарсалардан фойдаланишда ҳаёт тажрибасидан келиб чиқади ҳолда меъёрлар қўлланган. Дастлаб бу меъёрлар ғояси ёки бевосита чизмалар орқали қўлланилган. Жамоат муносабатлари ташкил этилиши, талаблар пайдо бўлиши билан иқтисодий-ижтимоий соҳаларда талаб ва меъёрлар ишлатилган. Кейинчалик ёзув-хат муносабатлари пайдо бўлиши билан бу талаб ва меъёрлар ҳужжатлаштирилган ва ҳамма нарсо ва фойдаланишга татбиқ этилган.

Шундай қилиб, инсоният авлоди ҳаётининг тажрибаси асосида кўпчилик учун мақбул бўлган, узоқ муддатга мўлжалланган, маълум бир фойда ва самарага эга бўлган қоидалар, белгилар ва меъёрлар яратилиб, уларни ҳужжатлаштирилган ва амалиётга татбиқ этилган ва шу орқали стандартлаштиришнинг асослар яратилган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, стандартлаштириш инсоният эришган ютуқларини сақлайди ва мустаҳкамлайди.

Археологик изланишлардан қадимги тарихда инсонлар томонидан олиб борилган стандартлаштириш фаолиятига оид маълумотларни олиш мумкин [2]. Масалан, қадимда Японияда ёғоч ва қурилиш материаллари стандарт ўлчамларда фойдаланишга тайёр ҳолда сотилган. Стандарт ўлчам сифатида баланд бўйли японияликни бўйи баравар ўлчам — 6 фут хизмат қилган ва ҳозирда ҳам уй ўлчамини айтганда, японияликлар тўрт татамилик хона ёки йигирма татами уй деб айтадилар.

Эрамиздан уч минг йил аввал қурилган Миср фиръавнла-

рининг хилхонаси (пирамидалари) бир-бирига стандарт улчамдаги тош блоклардан ясалган. Қадимги Греция давлати қурилишида фақат стандарт ўлчамдаги қурилиш материаллари (ғиштлар, устунлар, йўлка плиткалари) ишлатилган. Қадимги Римда сув таъминоти ва канализация тизимида стандарт ўлчамдаги қувурлардан фойдаланилган.

Россия давлатида Иван Грозний ва Петр I даврларида кемалар қуриш ва тўплар ясашда стандартлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Эрамизнинг IX асрларидан бошлаб Ўрта Осиёда иқтисодий ва маданий ривожланиш натижасида хашаматли қуркам бинолар, гузар боғлар ва суғориш иншоотлари барпо этилган (2.1-расм).

Ҳозирда сақланиб қолган обидаларга эътибор берилса, бу ишларни амалга оширишда стандартлаштиришнинг аҳамияти қанчалик катта бўлганлигини кўриш мумкин. Ўша даврдаги бино ва иншоотларда стандарт ўлчамдаги тўртбурчак юзали пиширилган ғиштлар ишлатилган бўлиб, бундай ғиштлар намунасини якин йилларда Тошкент шаҳрида қайта қуриш жараёнида эски бинолар (уй, ҳаммом, мадрасалар) дан чиққанини қайд этиш мумкин.

Ўзбекистонда стандартлаштириш архитектура ва қурилишда кўп қўлланилган. Бунда стандарт ўлчамдаги ғиштлар билан бирга стандарт улчам ва рангдаги безатиш плиткалари фойдаланилган. Бу нарсаларни Самарқанддаги Гури Амир мақбараси, Улуғбек мадрасаси ва Бибихоним масжидида, Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва Тошҳовли саройида, Бухородаги Минораи Калонда, Тошкентдаги Кукалдош мадрасасида кўриш мумкин.

Стандартлаштириш (меъёрлаштириш)нинг улчашлар соҳасида ҳам аҳамияти каттадир. Инсоннинг барча эҳтиёжлари (озиқ-овқат, кийим-бош, уй-жой ва бошқалар)ни қондиришда ўлчаш меъёрлари муҳим роль ўйнаган. Айниқса, савдо-сотиқ муносабатларида стандартлаштириш меъёрларининг бўлиши бу фаолиятга қулайлик ва афзаллик берган. Ўлчамлар дастлаб кичик доирада (қабила, шаҳар) бўлган бўлса, кейинчалик мамлакат, маълум келишувлар натижасида мамлакатлараро ва халқаро даражага чиққан.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО)нинг 1946 йилда ташкил этилиши билан стандартлаштиришнинг халқаро даражадаги янги босқичига эришилди.



Расм 2.1. Стандартлаштиришнинг ривожланиш тарихи

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш ишлари қайси даврдан бошланган?

2) Қадимги Японияда стандартлаштиришнинг қайси соҳада қўлланилган?

3) Миср тарихидан стандартлаштиришга тааллуқли нималарни биласиз?

4) Ўзбекистонда стандартлаштиришга тааллуқли нималарни биласиз?

5) Қадимда Ўзбекистонда қандай ўлчовлар қўлланилган?

6) Стандартлаштириш тарихидан сизга нималар маълум?

1.2 Ўзбекистонда стандартлаштиришнинг ташкил этилиши

Жамиятнинг барча соҳаларидаги ишларни тартибга солишнинг ўта муҳим воситаларидан бири, аҳоли ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлашда стандартлаштириш муҳим соҳасидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг халқаро ва миллий тажриба асосида стандартлаштиришни бошқаришнинг миллий моделини яратиш зарурияти туғилди. Бу вазифани бажариш учун биринчи навбатда стандартлаштиришнинг ташкилий асослари яратилди, кейинги босқичда ҳуқуқий асосларини яратиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш соҳасида биринчи ҳуқуқий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 93-сонли қарори билан Ўзбекистон стандартлаштириш миллий идораси ташкил этилди. Миллий идора — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат маркази («Ўздавстандарт») олдига қисқа муддатларда халқ хўжалиги тармоқларида стандартлаштириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган ва бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлган стандартлаштириш Давлат тизимини яратиш вазифаси қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлиги муносабати билан, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш республика миллий тизимларини ташкил этиш зарурияти дан келиб чиққан ҳолда ҳамда МДҲ давлатлари

ғидасида хўжалик, савдо, илмий-техникавий ва бошқа муносабатларни сақлаш, дунёнинг барча давлатлари билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликдаги тўсиқларни бартараф этиш» мақсадида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш вазифаси белгиланган.

«Ўзстандарт» таркибига қуйидаги идоралар киритилди:

а) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳасидаги тадқиқотлар ва мутахассислар тайёрлаш институти (ЎзГМТИ) — Ўрта Осиёда ягона стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимлари соҳаларида илмий изланишлар олиб борадиган муассаса;

б) Ўзбекистон «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг ҳудудий филиаллари;

в) Тошкент «Стандартлар» магазини;

г) Қорақалпоғистон, вилоятлар, Қўқон ва Чирчиқ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий марказлари (СМСХМ). Кейинчалик Олмалиқ, Бекобод ва Тошкент шаҳар СМСХМлари ташкил этилди (2.2-расм).

Мустақилликнинг биринчи йилларида (1992—1995 йиллар) илгари мавжуд бўлган тизим принциплари ва қисман бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлган Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими (Ўз СДТ)нинг бир неча асосий меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Ўз СДТнинг ташкил этилиши маҳаллий маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини кўтаришга қаратилган.

Стандартлаштириш ишларини ташкил этишнинг қонуний асосларини яратиш мақсадида 1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Қонунда стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари, стандартлаштириш Давлат тизимининг фаолияти, стандартлаштириш ишларини ўтказиш талаблари, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг тоифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар, хўжалик фаолияти субъектлари томонидан стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ўтказиш тартиби, давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғри-



2.2-расм. Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими

сида»ги қонунига кура, Ўзбекистонда миллий даражада стандартлаштириш тизими жорий қилинди ва унга асосан маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларга қўйиладиган мажбурий ва тавсиявий талаблар стандартлаштириш буйича МҲларда ўрнатилиши кўрсатилди (2.3-расм).



2.3-расм. Стандартлаштириш тизими моҳияти

«Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши ва стандартлаштириш ишларини янада ривожлантириш муносабати билан 1994 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 410-сонли қарори қабул қилинди.

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадини амалга ошириш-да, Ўз СДТ таркибида ИСО/МЭК 51 «Стандартларни тайёрлашда хавфсизлик масалаларини баён этишга умумий талаблар» халқаро ҳужжатига асосланган РХ Ўз 51-010 (2009 йилдан — O'z RH 51-010) раҳбарий ҳужжати ишлаб чиқилди.

1992 йилдан бошлаб, мамалакатда бозор муносабатларини ривожланиб бориши билан, Ўз СДТ доимо ривожлантирилиб ва такомиллаштирилиб борилди. Стандартлаштириш ишларини ташкил этишни таъминловчи тизимнинг дастлабки асос бўлувчи МҲлари (O'z RH 51-012-93*, O'z RH 51-013:1993,

O'z RH 51-023:2004, O'z RH 51-040-95*) ишлаб чиқилди ва улар доимий равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, эскирганларини бекор қилиш орқали такомиллаштириб борилди.

Ўз СДТда белгиланган талаблар асосида янги Тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари (ТСТ) ишлаб чиқилди. 1992 йил охирига турта ТСТлари, олиб борилган мақсадли ишлар натижасида 01.01.2012 ҳолатига ТСТлари (Ўз СТ, Ўз КХЯТ, Ўз ТИИА ККЯТ, Ўз МИЙТ, Хизматлар, Ўз ТТСТ) асос бўлувчи МҲлари сони 70 тага етди (2.4-расм).



2.4-расм. ТСТ меъёрий базасининг ривожланиши

1998 йилда мамалакат иқтисодий ривожланишидаги янги босқичларни инобатга олиб, миллий стандартлаштириш тизимини халқаро талабларга уйғунлаштириш мақсадида 1998 йилда Ўз СДТнинг асосий қоидаларини ўз ичига олувчи давлат стандарти O'z DSt 1.0 нинг янги таҳрири ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 410-сонли қарорига кўра, «Ўзбекистон Республикаси стандарти» номи ўрнига «Ўзбекистон давлат стандарти» номланиши киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш буйича миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун



2.3-расм. Стандартлаштириш тизими моҳияти

«Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши ва стандартлаштириш ишларини янада ривожлантириш муносабати билан 1994 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 410-сонли қарори қабул қилинди.

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадини амалга ошириш мақсадида, Ўз СДТ таркибида ИСО/МЭК 51 «Стандартларни тайёрлашда хавфсизлик масалаларини баён этишга умумий талаблар» халқаро ҳужжатига асосланган РХ Ўз 51-010 (2009 йилдан — O'z RH 51-010) раҳбарий ҳужжати ишлаб чиқилди.

1992 йилдан бошлаб, мамлакатда бозор муносабатларини ривожланиб бориши билан, Ўз СДТ доимо ривожлантирилиб ва такомиллаштирилиб борилди. Стандартлаштириш ишларини ташкил этишни таъминловчи тизимнинг дастлабки асос тузувчи МҲлари (O'z RH 51-012-93*, O'z RH 51-013:1993,

O‘z RH 51-023:2004, O‘z RH 51-040-95*) ишлаб чиқилди ва улар доимий равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, эскирганларини бекор қилиш орқали такомиллаштириб борилди.

Ўз СДТда белгиланган талаблар асосида янги Тармоклараро стандартлаштириш тизимлари (ТСТ) ишлаб чиқилди. 1992 йил охирига тўртта ТСТлари, олиб борилган мақсадли ишлар натижасида 01.01.2012 ҳолатига ТСТлари (Ўз СТ, Ўз КХЯТ, Ўз ТИИА ККЯТ, Ўз МИЙТ, Хизматлар, Ўз ТТСТ) асос бўлувчи МҲлари сони 70 тага етди (2.4-расм).



2.4-расм. ТСТ меъёрий базасининг ривожланиши

1998 йилда мамалакат иқтисодий ривожланишидаги янги босқичларни инобатга олиб, миллий стандартлаштириш тизимини халқаро талабларга уйғунлаштириш мақсадида 1998 йилда Ўз СДТнинг асосий қоидаларини ўз ичига олувчи давлат стандарти O‘z DSt 1.0 нинг янги таҳрири ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги конуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 410-сонли қарорига кўра, «Ўзбекистон Республикаси стандарти» номи ўрнига «Ўзбекистон давлат стандарти» номланиши киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш буйича миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун

давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисидаги 3-сонли қарорига кўра, Ўзбекистон давлат стандартларининг янги, юқори даражадаги — Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиш даражаси киритилди: «Ўзбекистон таълим тизимида давлат стандартлари Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ишлаб чиқилади, келишилади, тасдиқланади ва рўйхатга олинади».

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунини актуаллаштириш мақсадида унга 2000—2013 йилларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Халқаро талабларга мувофиқликни таъминлаш мақсадида қонунга қуйидаги қўшимча киритилди: «Стандартлар халқаро савдо-сотиқ учун ортиқча тўсқинликларни вужудга келтирмаслиги лозим».

Инсон ва унинг ҳаёт маҳсулотларига тегишли МҲни ишлаб чиқишнинг соддалаштирилган тартиби — шу турдаги маҳсулотларга талабларни белгиловчи МҲлар асосида намуналарининг техникавий чизмасини ишлаб чиқиш тартиби жорий этилди.

Мустақиллик йилларида ЎзСДТнинг стандартлаштириш ишларини ташкил этишга етарли шароит яратувчи ташкилий ва меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган.

Асосий ТС ларининг илмий, услубий ва ўқув маркази сифатида Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (СМСИТИ) белгиланган.

Ўзбекистоннинг иқтисодиёти тармоқларида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш ва олиб боришни таъминлаш мақсадида 2016 йил 1 декабрь ҳолатига кўра 31 та техникавий қўмита ва 18 та стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар ташкил этилди. Ҳар йили манфаатдор томонлар таклифига кўра, МҲни ишлаб чиқиш бўйича дастурлар тузилади ва тасдиқланади.

Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, унинг замонавий халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек халқаро стандартларни фойдаланиш асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 342-сонли қарори қабул қилинди. Қарор билан

«Ўздавстандарт» маркази Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)га айлантирилди. Ушбу қарор билан стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимлари янада такомиллаштирилди ва «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятига алоқадор барча тизимларнинг иши янги, халқаро даражада ташкил этилди.

«Ўзстандарт» агентлиги стандартлаштириш буйича миллий идора сифатида халқаро, регионал ташкилотлар ва миллий идоралар билан бевосита алоқалар олиб боради. Шу муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Ўзбекистонда халқаро, регионал ва ривожланган давлатлар МҲларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. 2013 йил 1 июнь ҳолатига O'z DSt ISO/IEC 21 қоидалари асосида Ўзбекистонда 50 та асос булувчи ИСО ва ИСО/МЭК халқаро ҳужжатлари ҳамда 2 та Европа стандарти жорий этилган.

Ўзбекистонда қўлланилаётган МҲларнинг асосий қисмини давлатлараро МҲ (ГОСТ) ташкил этганлиги сабабли мамлакатимиз МДҲ давлатлари билан 1992 йил 3 мартдаги «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида»ги келишув асосида стандартлаштириш буйича ишларни олиб боради. Ушбу Келишув МДҲ давлатлари ўртасида ягона сиёсатни олиб бориш, халқаро ташкилотлар ишида биргаликда қатнашиш билан бирга, маҳаллий — Ўзбекистон маҳсулотларини МДҲ ҳудудида рақобатбардошлигини таъминлайди.

Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, унинг замонавий халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек халқаро стандартлардан фойдаланиш асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш» агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 373-сонли қарори қабул қилинди.

2009 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунга 2013 йилда ўзгартириш киритилди. Унга кўра,

«Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими» тушунчасидан «давлат» сўзи чиқарилиб, «Ўзбекистон стандартлаштириш тизими»га айлантирилди ва тизимнинг янги модели ишлаб чиқилди (2.4-расм).



2.4-расм. Ўзбекистон стандартлаштириш тизими

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг стандартлаштиришни бошқариш бўйича қандай зарурият туғилди?

2) Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш соҳасида қайси биринчи ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади?

3) Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг қандай идорага стандартлаштириш ишларини ташкил этиш юкланган?

4) Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизимини ташкил этишдан нима мақсад кўзланган?

5) Стандартлаштириш ишларини ташкил этишнинг қонуний асосларини яратиш мақсадида қандай ҳужжат қабул қилинди?

6) Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими тузилмасига нималар киради?

7) Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизимининг моҳияти нимадан иборат?

8) Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизимининг ишларини самарали ташкил этишга нималар керак?

9) Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими моделининг моҳияти нимадан иборат?

2-боб. Ўзбекистон стандартлаштириш тизими

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни 2-моддасида «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади» деб белгиланган. «Ўзстандарт» агентлиги ушбу Қонунга мувофиқ, стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилайди.

«Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунининг дастлабки (1993 йилги) таҳрири ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги 93-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш Давлат тизимининг асосий принциплари» талаблари асосида ҳамда ўзига берилган ваколат доирасида Ўзбекистон стандартлаштириш тизимининг тартиб-қоидаларини ишлаб чиққан.

Ўзбекистон стандартлаштириш тизими (Ўз СТ) тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари (ТСТ) ичида асосий, ташкил этувчи ўринни эгаллайди ва ТСТ доирасида Ўз СТга 1-гуруҳ рақами берилган.

Ўз СТ — республикада стандартлаштириш тизимини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва олиб бориш бўйича МҲ комплексидан иборатдир. Ўз СТга кирувчи ҳужжатлар ташкилий-услубий ва умумтехник МҲга бўлинади.

Ташкилий-услубий МҲда қуйидагилар ўрнатилади:

— стандартлаштиришнинг мақсадлари, вазифалари ва стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этишнинг умумий қоидалари;

— стандартлаштириш бўйича атамалар ва таърифлар;

— стандартлаштириш объектлари ва субъектлари, уларга ўрнатилган талаблар;

— турли тоифадаги МҲ ва техник (конструкторлик, технологик ва бошқа) ҳужжатларга бўлган талаблар ва уларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш, татбиқ этиш ва қўллаш тартиблари;

— маҳсулотларга қўйиладиган мажбурий ва ихтиёрий талабларни белгилаш;

— МҲ Давлат фондини ташкил этиш, юритиш, МҲ билан таъминлаш;

— стандартлаштириш бўйича халқаро, регионал, давлатлараро муносабатларни олиб бориш.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўз СТга кирувчи 38 та асос бўлувчи ташкилий-услубий МҲлар ишлаб чиқилган.

Умумтехник МҲда қуйидагилар ўрнатилади:

— иқтисодиёт тармоқларига тегишли атамалар ва таърифлар;

— турли стандартлаштириш объектлари учун шартли белгилар;

— турли тоифадаги ҳужжатларни тузилишига, баён этилишига, расмийлаштирилишига ва мазмунига талаблар;

— ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган умумтехник категориялар, талаблар ва меъёрлар ва бошқалар.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунида нималар келтирилган?

2) Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш Давлат тизимининг асосий принциплари қандай ҳуқуқий ҳужжатда келтирилган?

3) Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари ичида қайси гуруҳга келтирилган?

4) Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизимига кирувчи ҳужжатлар қандай МҲга бўлинади?

5) Ташкилий-услубий меъёрий ҳужжатларда нималар ўрнатилади?

6) Умумтехник меъёрий ҳужжатларда нималар ўрнатилади?

2.1 Ўзбекистон стандартлаштириш тизимининг асосий қоидалари

Ўз СТнинг асосий қоидалари Ўзбекистон давлат стандарти Oz DSt 1.0:1998*да белгиланган бўлиб, унда:

— стандартлаштиришнинг мақсадлари, вазифалари, асосий принциплари;

— стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш;

— стандартлаштириш объектлари;

— стандартлаштириш бўйича МҲ тоифалари, уларни қўллаш тартиби, МҲ билан таъминлаш тартиби;

— стандартлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорлик кўрсатилган.

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунида (1-модда) белгиланган ва улар қуйидагилардан иборат:

— маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (маҳсулотлар) аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;

— маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бирбирига мос келишини таъминлашдан;

— фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини оширишдан;

— барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан;

— ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан;

[illegible] va texnogen falokatlar xamda boshqa favqulodda [illegible] xavf-xatarini xisobga olgan xolda [illegible] obyektlarining xavfsizligini taʼminlash-[illegible]

[illegible]larini ishlab chiqarilaëtgan maxsulot nomenklaturasi xamda sifati tuʻgrisida tuʻliq va ishonchli axborot bilan taʼminlashdan;

[illegible]ni va safarbarlik tayëʻrligini taʼminlash;

[illegible]larining yagona birlikda bulishini taʼminlash[illegible]

Konunda belgilangan maqsadlarga kuʻra, standartlashtirishning vazifalari quyidagilardan iboratdir:

[illegible]lar va davlat manfaati uchun maxsulotlar sifati va nomenklaturasiga optimal talablarni ʻrnatish;

[illegible], davlat va eksport extiëʻji uchun ishlab chiqariladigan maxsulotlarga tegishli talablarni ʻrnatadigan MX [illegible] ishlab chiqish, xamda ularni tuʻgʻri ishlatilishi ustidan nazorat olib borish;

MXni xalqaro, davlatlararo, regional va rivojlangan [illegible] standartlari bilan uʻygʻunlashtirish;

[illegible]ro xamkorlikni kuchaytirgan xolda, xalqaro, davlatlararo, regional va rivojlangan davlatlar standartlarini qoʻllashni kengaytirish;

maxsulotlarga MXni fan-texnika yutuqlarini inobatga olgan xolda ishlab chiqish;

maxsulotlar sinovlari, sertifikatlashtirilishi, sifatini baholash va nazoratini meʻyëʻriy taʼminlash.

Standartlashtirish maʻlum printsiplarga asoslanganligi, bunda:

[illegible]monii, iqtisodiy, texnik zaruratdan kelib chiqqan xolda MXni ishlab chiqishning maqsadga muvofiqligi;

[illegible] bogʻliq obyektlarni komplekс standartlashtirish va bunda ishlab chiqilgan MXdagi obyektlarga bulgan talablarni bir-birga bogʻliqligini taʼminlash;

MXni fan, texnika yutuqlari va amaldagi qonunchilik talablariga muvofiqligini taʼminlash;

[illegible] turdagi MXni uzaro bogʻliqligi va mosligi, [illegible] obyektlarga MX qaytarilishi bulmasligi;

standartlashtirish buyicha MX xaqida axborotlar, [illegible] va rejalarning oshkoraligi;

— МҲни консенсус асосида қабул қилиниши;
— МҲни сертификатлаштириш мақсадларига яроқлилиги;
— стандартлаштириш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни кенг қўллаш.

Ўз СТ доирасида халқаро, минтақавий (регионал), давлатлараро, давлат, ташкилотлар (корхона) даражасида стандартлаштириш ишлари олиб борилади ва тегишли тоифадаги МҲ ишлаб чиқилади (2.5-расм).



2.5-расм. ЎзСТ таш килий тузилмаси

Ўзстандарт агентлиги, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталар ва ишчи ташкилотлар, ташкилотлар ва корхоналар стандартлаштириш бўйича бўлимлари республикада стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этади.

Стандартлаштириш бўйича ишлар бир йиллик ва кўп йиллик режалар асосида амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон стандарглаштириш давлат тизими асосий қоидалари қайси ҳужжатда келтирилган?

2) Ўзбекистон стандарглаштириш давлат тизими асосий қоидаларида нималар белгиланган?

3) Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари қандай ҳужжатда белгиланган?

4) Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари нималардан иборат?

5) Стандартлаштириш принциплари нималарга асосланган?

6) Стандартлаштириш бўйича ишлар Ўзбекистонда қандай режалар асосида амалга оширилади?

2.1.1 Стандартлаштириш объектлари

Стандартлаштирилаётган маҳсулотлар (стандартлаштириш объектларининг қайси даражада (тоифада) кўрилаётганлигига кўра тегишли талаблар белгиланади.

Стандартлаштириш объекти (O'z DSt 1.10:1998) — стандартлаштириши лозим бўлган объект, географик, сиёсий ёки иқтисодий аломатларни ҳисобга олиб, стандартлаштириш фаолиятига қатнашиш тури стандартлаштириш даражалари.

Халқаро стандартлаштиришда барча мамлакатларнинг тегишли (ваколатли, аксарият ҳолларда миллий даражада) идоралари эркин ҳолда иштирок этиши мумкин бўлган стандартлаштириш ишлари олиб борилади. Халқаро стандартлаштириш тегишли соҳаларда масъул бўлган халқаро ташкилотлар томонидан олиб борилади (масалан, ИСО, МЭК ва бошқалар). Ушбу китобнинг 4.1 параграфида халқаро стандартлаштириш бўйича батафсил маълумот берилган.

Минтақавий стандартлаштиришда дунёнинг фақат бир қисми (географик, сиёсий ва иқтисодий минтақасига қарашли

ли мамлакатларнинг тегишли идоралари эркин ҳолда иштирок этишлари мумкин бўлган стандартлаштириш ишлари олиб борилади (СЕН, МГС ва бошқалар). Китобнинг II қисми 4.2-параграфида минтақавий стандартлаштириш буйича батафсил маълумот берилган.

Давлатлараро стандартлаштириш давлатлараро манфаатга эга булган объектларни стандартлаштириш мақсадида олиб борилиб, унинг қонун-қоидаларини тан олган ва шу даражадаги келишувга қушилган давлатлар учун очиқдир. МДҲ доирасида «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида келишув» ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида 1992 йилда имзоланган бўлиб, у ИСО томонидан «Евро Осиё регионал стандартлаштириш ташкилоти» сифатида тан олинган. Давлатлараро стандартлаштириш объектлари ГОСТ 1.0 ҳужжатида белгиланган. Мазкур китобнинг 4.2.1-параграфида давлатлараро стандартлаштириш буйича батафсил маълумот берилган.

Давлат (миллий) стандартлаштириш муайян бир мамлакат доирасида ўтказиладиган стандартлаштириш бўлиб, Ўзбекистонда давлат даражасида стандартлаштириш объектлари O'z DSt 1.0 :1998*да кўрсатилган.

Давлат стандартлаштириш объектлари этиб қуйидагилар кўрсатилган:

а) ташкилий-услубий ва умумтехник меъёрлар ва талаблар доирасида:

— стандартлаштириш буйича ишларни ташкил этиш ва олиб бориш;

— турли соҳалардаги атамалар ва таърифлар;

— маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ишлатишда ягона техник тил, информацион технологияларнинг дастурий ва техник воситалари, техник ҳужжатлар;

— техник-иқтисодий ва ижтимоий классификациялаш ва кодлаш;

— техник хавфсизлик, атроф-муҳит ҳимояси, меҳнат гигиенаси, эргономика, техник эстетика талаблари;

— катталиклар ва бирликлар тизими;

— умуммашиносозликда қўлланиладиган буюмлар конструкцияси;

— маҳсулотлар сифатини таъминлаш ва текшириш тизимлари ва усуллари;

— ўлчашлар бирлилигини таъминлаш;

— физик константалар ҳамда модда ва материаллар хусусияти тўғрисидаги маълумотлар;

б) маҳсулотларга бўлган мажбурий талаблар, умумтехнологик меъёрлар ва қоидалар;

в) халқаро маҳсулотлар;

г) турли тармоқларнинг объектлари;

д) давлат ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник дастурлари объектлари.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунига 2013 йилда ўзгартириш киритилгунга қадар Ўзбекистон стандартлаштириш тизимида тармоқ ва маъмурий-ҳудудий даражада стандартлаштириш олиб борилиши белгиланган эди. Бунда тармоқ стандартлаштириш объектлари этиб тармоқда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги меъёрлар ва қоидалар, маҳсулотлар ва уларнинг сифатини таъминлаш, маъмурий-ҳудудий стандартлаштириш объектлари сифатида эса, ҳудудни ташкил этиш соҳасидаги меъёрлар ва қоидалар, айнан ҳудудга оид маҳсулотлар ва уларнинг сифатини таъминлаш белгиланган. Илгари тармоқ ва маъмурий-ҳудудий даражада кўрилган стандартлаштириш объектларини ҳозирда давлат ва ташкилот даражасидаги стандартлаштириш объектлари сифатида кўриш мумкин.

Ташкилотларда стандартлаштириш объектлари давлат стандарти O‘z DSt 1.28 :2013да белгиланган бўлиб, улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

— маҳсулотлар (хизматлар, хизматлар ва жараёнлар);

— синовлар, ўлчашлар ва (ёки) таҳлиллар ўтказиш усуллари;

— ташкилотда ишлаб чиқарилаётган ва янги яратилаётган маҳсулотлар.

Стандартлаштириш бўйича МҲ тоифасига кўра қуйидагилар киритилади ва белгиланади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси (таълим соҳасида), давлат бошқарув идоралари ва Давлатлараро кенгаш томонидан тасдиқланадиган давлат даражасидаги МҲ:

— давлатлараро стандарт — ГОСТ;

— Ўзбекистон давлат стандарти — O‘z DSt;

умумдавлат классификатори — O‘z DT;

меъёрлар ва қоидалар;

рақобатбардош ҳужжатлар;

— тавсиялар;

г) ташкилотлар раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган ташкилот даражасидаги МҲ:

— ташкилот стандарти — Т s.

Ташкилотлар стандартларида киритилган талаблар стандартлаштириш объектларига тегишли техник регламентлар ва Ўзбекистон давлат стандартлари талабларига қарама-қарши бўлмаслиги керак.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш объекти нима?

2) Стандартлаштириш объектига таъриф қайси ҳужжатда келтирилган?

3) Стандартлаштириш ишлари қандай даражаларда олиб борилади?

4) Давлат стандартлаштириш объектлари этиб нималар кўрсатилган?

5) Ташкилий-услубий ва умумтехник меъёрлар ва талаблар доирасида нималар амалга оширилади?

6) Ташкилотларда стандартлаштириш объектлари этиб нималар кўрсатилган?

7) Ўзбекистон Республикасида давлат даражасидаги тасдиқланадиган МҲ қандай?

8) Ташкилотлар раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган МҲ қандай?

2.1.2. Маҳсулот сифати ва сифатни бошқариш асослари

Инсоният тараққиётининг барча босқичларида «сифат» тушунчасига алоҳида ёндашув билан қаралган, унга турли таърифлар берилган, аммо моҳиятан айнан бир нарсани — белгиланган эҳтиёжни қондиришни тушунилган.

Қадимги мутафаккир Аристотел сифатни инсон фаолиятининг турли жабҳаларида эришиладиган натижаларининг сифатлари мажмуаси (халқаси) кўринишида тасаввур қилган (2.6-расм).

Америкалик саноатчи Генри Форд сифатга шундай баҳо беради: «Сифат — ҳеч ким қарамаганда ҳам ҳар нарсани яхши қилишдир».

Ўзбекистон Республикаси «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунига кўра, стандартлаштиришнинг асосий мақсадларидан бири — фан ва техника тараққиёти даражасига,



2.6-расм. Аристотел сифат ҳалқаси

Ўзбекистон давлат стандарти РСТ Ўз 622-94 «Маҳсулот сифати. Асосий атамалар ва таърифлар»да белгиланганига кўра, **маҳсулот сифати** — маҳсулотни вазифасидан келиб чиқувчи, унинг маълум истеъмол талабларини қониқтиришга яроқлилигини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуасидир. **Маҳсулот сифатининг кўрсаткичи** — маҳсулотни яратиш, фойдаланиш ва истеъмол қилишнинг маълум шартларига тааллуқли унинг сифатига тегишли бир ёки бир неча хусусиятларини миқдорий характеристикасидир.

Маҳсулот истеъмолга яроқли бўлиши учун унга бир неча талаблар қўйилади:

маҳсулотнинг ишлашга лаёқатлиги — ўрнатилган мақсадга мувофиқ белгиланган вазифаларни бажариш қобилиятини кўрсатувчи маҳсулотнинг мураккаб хусусияти;

маҳсулот ишончлилиги ва пухталиги — ўрнатилган муҳит ва шароитларда қўллаш, техник хизмат кўрсатиш, сақлаш ва ташиш билан боғлиқ бўлган функционал яроқлиликни характерловчи маҳсулотнинг мураккаб хусусияти;

маҳсулотнинг технологиклиги — ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва таъмирлашда ресурсларни оптимал харажатига эришишга таркиби ва тузилмасининг мослигини характерловчи маҳсулотнинг мураккаб хусусияти;

маҳсулотнинг хавфсизлилиги — инсонга зарарли таъсир миқдорини характерловчи маҳсулотнинг мураккаб хусусияти.

Шу билан бирга маҳсулотга эргономиклик, эстетиклик, экологиклик талаблари қўйилади.

Агар бир кўрсаткич маҳсулотнинг бир неча хусусиятини характерласа, уни **маҳсулот сифатининг комплекс кўрсаткичи** дейилади.

Бирор-бир кўрсаткич бўйича маҳсулотнинг сифатини баҳолаш мумкин бўлса, бундай кўрсаткич **маҳсулот сифатини белгиловчи кўрсаткич** бўлади.

Маҳсулот сифатини таққослаб баҳолашда «маҳсулот сифат кўрсаткичининг асос бўлувчи қиймати» тушунчаси қўлланилади. Баҳоланаётган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи қийматининг маҳсулот сифатини белгиловчи кўрсаткич қийматига нисбати **маҳсулот сифат кўрсаткичининг нисбий қийматини кўрсатади.** Агар маҳсулот сифати кўрсаткичи МҲда ўрнатилган бўлса, унда у **маҳсулот сифат кўрсаткичининг қатъий белгиланган қиймати** ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг маълум бир чегарада (энг катта ва энг кичик қийматлар чегарасида) ўзгаришига йўл қўйилади ва у **маҳсулот сифат кўрсаткичининг чегаравий қиймати** бўлади.

Агар белгиланган харажатлар доирасида маҳсулотдан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилишдан энг юқори самарага эришилса, бунда **маҳсулот сифат кўрсаткичининг оптимал қийматига** эришилган бўлади.

Баҳоланаётган маҳсулотнинг сифати кўрсаткичи қийматини тегишли кўрсаткичнинг белгиловчи қиймати билан солиштириш орқали **маҳсулотнинг сифат даражаси** аниқланади.

Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи қиймати бир неча усулларда аниқланади:

маҳсулот сифат кўрсаткичини аниқлашнинг ўлчаш усули — техник воситалар ёрдамида ўлчашни амалга ошириш;

маҳсулот сифат курсткичини аниқлашнинг статистик усули — математик статистика усулларини қўллаш орқали ўлчашни амалга ошириш;

маҳсулот сифат кўрсаткичини аниқлашнинг ҳисоблаш усули — кўрсаткичларнинг ўзаро назарий ва эмперик боғла-

ишлари орқали сифат кўрсаткичи қийматларини аниқлаш;

маҳсулот сифат кўрсаткичини аниқлашнинг сезги аъзолари орқали (органолептик) амалга ошириладиган усули — сезги органлари (ҳид билиш, кўриш, сезиш) қабул қилган маълумотлари таҳлили асосида сифат кўрсатгичи қийматларини баҳолаш;

маҳсулот сифат кўрсаткичини аниқлашнинг эксперт усули — эксперт қарори асосида сифат кўрсаткичи қийматларини баҳолаш;

маҳсулот сифати кўрсаткичини аниқлашнинг социологик усули — мавжуд ва мумкин бўлган истеъмолчилар фикрларини йиғиш ва таҳлил қилиш асосида сифат кўрсаткичи қийматларини баҳолаш.

Баҳоланаётган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини танлаш, уларни белгиловчи кўрсатгичлар билан таққослаш орқали маҳсулот сифатининг даражаси баҳоланади. **Маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш** учун бир неча усуллардан фойдаланилади:

маҳсулот сифатини баҳолашнинг дифференциал усули — алоҳида сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш орқали маҳсулот сифатини баҳолаш усули;

маҳсулот сифатини баҳолашнинг комплекс усули — маҳсулот сифатининг комплекс кўрсаткичларидан фойдаланиш орқали маҳсулот сифатини баҳолаш усули;

маҳсулот сифатини баҳолашнинг аралаш усули — алоҳида ва комплекс сифат кўрсаткичлардан бир вақтда фойдаланиш орқали маҳсулот сифатини баҳолаш усули;

маҳсулот сифатини баҳолашнинг статистик усули — математик статистика усулларидан фойдаланиш орқали маҳсулот сифатини баҳолаш усули.

Агар маҳсулотга ўрнатилган талабларнинг барчаси қаноатлантирилса, уни **яроқли маҳсулот** деб аталади. Маҳсулотга ўрнатилган талабларнинг номувофиқлиги орқали **нуқсон** келиб чиқади. Нуқсон мавжудлиги сабабли маҳсулотни истеъмолчига бериб бўлмаса, бундай **маҳсулот яроқсиз** дейилади.

Маҳсулот сифатини керакли даражада белгилаш, таъминлаш ва ушлаб туриш мақсадларида уни яратиш ва истеъмол қилишда амалга ошириладиган ҳаракатлар орқали **маҳсулот сифатини бошқариш** мумкин.

Маҳсулот сифатини бошқаришда моддий-техник ва ахборот воситалари ёрдамида ўзаро муносабатда бўлувчи

бошқарув идоралари ва объектлари мажмуаси **маҳсулот сифатини бошқариш тизими** дейилади.

Маҳсулот сифати кўрсаткичининг эҳтимолий қийматларини аниқлаш орқали **маҳсулот сифатини олдиндан айтиб бериш** (башорат қилиш), маҳсулотни талаб этилган сифат кўрсаткичлари билан ишлаб чиқишга асосли топшириқларни белгилаш орқали **маҳсулот сифатини режалаштириш,** маҳсулот хусусиятларини миқдорий ва сифат жиҳатдан текшириш орқали эса **маҳсулот сифатини назорат қилиш** мумкин. Маҳсулот сифати устидан назоратни махсус ваколатли идоралар амалга оширади.

Ҳар қандай корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири маҳсулотнинг сифатини таъминлашдир. Сифатни таъминлаш нафақат корхона даражасидаги, балки умумдавлат даражасидаги масала ҳисобланади.

Маҳсулотнинг сифатини таъминлаш учун унинг бутун **ҳаёт цикли (сифат ҳалқаси)ни** кўриб чиқиш керак. **«Сифат ҳалқаси»** — турли босқичларда сифатга таъсир этувчи ўзаро боғлиқ фаолият турларининг ғоявий мажмуасидир. Сифат халқасига маҳсулот ҳаёт циклининг ҳамма босқичлари киради ва у бозорни ўрганиш (маркетинг)дан бошлаб токи маҳсулотни йўқ қилиш (утилизация)гача бўлган жараёнларни ўз ичига олади (2.7-расм).

Маҳсулот (хизмат)нинг тури, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа омилларга кўра, ҳаёт циклининг босқичлари янада майда босқичларга бўлиниши ёки, аксинча айрим босқичлар бирлаштирилиши мумкин. Энг муҳими цикл ичида босқичлар ўртасида боғлиқлик бўлиши, доимо сақланиб қолиши керак.



2.7-расм. Маҳсулотнинг ҳаёт цикли (сифат ҳалқаси)

Маҳсулотнинг юқори сифатини доимий таъминлаш учун уни бошқариш талаб этилади. Халқаро амалиётда маҳсулот сифатини бошқаришнинг кўплаб тизимлари қўлланилади. Янги тарихдаги маҳсулот сифатини бошқаришнинг биринчи тизимини яратувчиси америкалик мутахассис Ф.У.Тейлор ҳисобланади. Бу тизимда сифатнинг юқори ва пастки чегаралари, ўзгариш чегараси тушунчалари киритилган, маҳсулотнинг сифатига таъсир этиш кўринишлари ва усуллари асосланган. Тизимнинг асосий моҳияти — маъмурият билан ишчиларнинг ҳамкорлигидир.

Сифатни таъминлаш бўйича Япон олими Каору Исикава қуйидаги фикрларни билдирган:

— сифатни комплекс бошқариш масалаларига эътибор қаратинг;

— фирманинг сифатни комплекс бошқариш соҳасида мақсад ва вазифаларини аниқланг;

— сифат соҳасида сиёсатни аниқлашда сифат муаммолари ва уни бошқариш бўйича маълумот йиғиш ўта муҳим вазифа ҳисобланади;

— фирманинг сиёсат «сифат энг аввало» мақсадини ёритиши керак;

— сифатни таъминлаш корхона раҳбариятининг бевосита сифатни бошқаришда иштирокисиз мумкин эмас;

— сифатни бошқариш корхонадаги барча ходимлар фикрини ўзгартиришни талаб этади;

— сифатни таъминлаш учун олий раҳбарият масъулиятини аниқ белгиланг;

— фирма стабил СМТ эга бўлиши керак;

— сифатни таъминлаш сифатни бошқаришнинг ажралмас қисмидир;

— «ишлаб чиқариш жараёнининг кейинги босқичи — маҳсулотинг истеъмолчиси» шиори — бу ишлаб чиқариш жараёнининг нормал фаолияти мажбурий шартидир;

— истеъмолчи талабларининг қаноатланганлиги СБТнинг асосий вазифаси;

— новаторлик қидируви ва ташаббуси — раҳбариятнинг етакчи хусусиятидир.

Сифатни бошқаришнинг халқаро даражада тан олинган тизимлари сифатида халқаро стандартларда келтирилган ИСО 9000, ИСО 14000 ва бошқа тизимларни кўрсатиш мумкин.

Сифат менеджменти тизими (СМТ) — бу корхона мутлақ ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини якуний мақсад

булган сифатни мўлжаллаб бошқаришдир. СМТ — бу бошқарув тизими бўлиб, у сифат соҳасида сиёсатни ва мақсадларни доимий шакллантириш ва бу мақсадларга эришиш учун корхонада яратилади. СМТ корхона маҳсулоти ёки хизмати сифатини кўтаришни таъминлаши ва бу билан истеъмолчилар талабини қондириши керак.

Сифат менеджменти — маҳсулот сифати назорати ва яроқсизликни аниқлашдан кўпроқ нарсадир. Унга корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизмат сифатини режалаштириш, таъминлаш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва яхшилаш бўйича барча фаолият киради (2.8-расм).

Сифатни режалаштириш — сифат менеджментининг бир қисми бўлиб, у сифат соҳасида сиёсатни ва мақсадни белгилашга қаратилган, сифат соҳасида мақсадларга эришиш учун маҳсулот ҳаёт циклининг керакли ташкилий жараёнларини ва тегишли ресурсларни аниқлайди.



2.8-расм. Сифат менеджменти тузилмаси

Сифатни бошқариш — сифат талабларини бажаришга қаратилган сифат менеджментининг бир қисми.

Сифатни таъминлаш — сифат талабларини бажаришга ишонч яратишга йўналтирилган сифат менеджментининг бир қисми.

Сифатни яхшилаш — сифат талабларини бажариш имкониятларини кўтаришга йўналтирилган сифат менеджментининг бир қисми.

Назорат саволлари:

1) Маҳсулот сифати тушунчаси нимани англатади?
2) Аристотелнинг сифат ҳалқаси нималарни ўз ичига олади?

3) Маҳсулот сифатининг кўрсаткичи тушунчаси нимани англатади?

4) Маҳсулот истеъмолга яроқли бўлиши учун унга қандай талаблар қўйилади?

5) Қандай кўрсаткич маҳсулот сифатини белгиловчи кўрсаткич дейилади?

6) Маҳсулот сифатига тегишли қандай кўрсаткичларни биласиз?

7) Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичининг қиймати қандай усулларда аниқланади?

8) Маҳсулотнинг сифати даражасини баҳолашда қандай усуллардан фойдаланилади?

9) Яроқли маҳсулот деб қандай маҳсулотни тушунасиз?

10) Яроқсиз маҳсулот деб қандай маҳсулотни тушунасиз?

11) Нуқсонли маҳсулот деб қандай маҳсулотни тушунасиз?

12) Маҳсулот сифатини бошқариш нимани англатади?

13) Маҳсулот сифатини бошқариш тизими нима?

14) Сифат ҳалқаси нимани англатади?

15) Маҳсулот (хизмат)нинг ҳаёт цикли қандай босқичлардан иборат?

16) Сифат менеджменти тизими нима?

17) Сифат менеджменти тузилмаси нималарни ўз ичига олади?

2.2 МҲнинг даражаси ва турини аниқлаш

Стандартлаштириш амалиётида МҲнинг турли (халқаро, регионал ва миллий) даражаси мавжуддир. МҲнинг даражаси стандартлаштириш даражаси орқали аниқланади.

Давлат стандарти O'z DSt ISO/IEC 2:2007 да **«стандартлаштириш даражаси** — географик, сиёсий ёки иқтисодий ҳудудни ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш бўйича фаолиятда иштирок этиш шакли» эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, стандартлаштиришнинг халқаро, давлатлараро, регионал, давлат, ташкилот даражалари фаолият кўрсатади.

МҲ даражасига таъриф O'z DSt 1.15:1999да берилган бўлиб, унда **«МҲ даражаси** — стандартлаштиришнинг аниқ даражасидаги фаолият натижасида қабул қилинган МҲ» деб кўрсатилган. Ушбу ҳужжатда МҲнинг даражаси ва турини аниқлаш, белгилаш тартиби берилган.

МҲнинг даражасини ушбу ҳужжатни ишлаб чиқаришга масъул ташкилот (гуруҳ) аниқлайди. O'z DSt 1.15:1999 да белгиланган тартибга кўра, ушбу ташкилот МҲ даражасини маҳсулотга тегишли бўлган тармоқда стандартлаштиришга масъул бўлган стандартлаштириш бўйича ТҚ ёки — таянч ташкилот билан йиллик режа ишлаб чиқиш жараёнида келишилиши керак. МҲнинг айнан бир даражаси танланганлиги ҳужжат лойиҳасига илова қилинадиган тушунтириш хатида келтирилади.

Маълум бир иқтисодиёт тармоғига масъул бўлган давлат ва ҳўжалик бошқарув идоралари соҳа бўйича тармоқ стандартлаштириш режаларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлаш жараёнида МҲнинг даражаси тўғри белгиланганлигини назорат қилиб борадилар.

«Ўзстандарт» агентлиги, давлат ва ҳўжалик бошқарув идоралари, стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталар ва таянч ташкилотлар, ташкилотлар ва корхоналар стандартлаштириш бўйича бўлимлари томонидан берилган таклифлар асосида ишлаб чиқилган давлат стандартлаштириш дастури кўриб чиқилиш ва тасдиқланиш жараёнида, МҲнинг даражасини белгиланиши назорат қилинади.

МҲнинг даражаси унинг қайси доирада қўлланилиши ва стандартлаштириш объектининг қандай (давлат, ташкилот) даражасига мансублигидан келиб чиқиб аниқланади.

Маҳсулотларга барча (давлат, ташкилот) даражадаги МҲ ишлаб чиқилиши мумкин:

Ўзбекистон давлат стандартлари;

ташкилот стандартлари.

Ўзбекистон давлат стандартларининг қўлланилиш доираси белгиланган бўлиб, улар:

катта ҳажмда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун;

тармоқлараро маҳсулотлар учун;

бир турдаги маҳсулотлар гуруҳига тегишли асосий эксплуатация ва техник характеристикалар учун;

маҳсулотлар (ёки уларнинг гуруҳи)нинг инсон ҳаёти, соғлиги ва мулкига ҳамда атроф-муҳитга хавфсизлиги талабларини белгиласа;

маҳсулотлар техник ва информацион мослилиги ва уларнинг ўзаро алмашувчанлиги талаблари белгиланса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида маҳсулотларга тегишли бошқа мажбурий талаблар белгиланган ҳолларда қўлланилади.

Ташкилот стандартлари ишлаб чиқариладиган ва янгидан ўзлаштирилган маҳсулотга, агарда шу маҳсулот учун бошқа даражадаги МҲ (давлат ёки давлатлараро стандарт) мавжуд бўлмаса ёки мавжуд бўлган юқори даражадаги МҲ талабларини тегишли маҳсулот учун аниқлаштириш ёки кўрсаткичларини кўтариш зарурияти бўлган ҳолда, албатта, мавжуд ҳужжатга ҳавола берилиб ишлаб чиқилади.

Ташкилот стандартлари маҳсулот истеъмолчилари томонидан ҳам қўлланилиши мумкин, агарда маҳсулот юк хатида бу маҳсулотнинг МҲга ҳавола берилган бўлса.

Бир маҳсулотга тегишли турли даражадаги МҲ бир-бирини тўлдириши, ўзаро қарама-қарши бўлмаслиги амалдаги стандартлаштириш қоидалари (O'zDSt 1.0:1998*, O'z DSt 1.15:1999)да белгиланган.

Давлат, ташкилот стандартлари турларга бўлинади.

МҲ турига O'z DSt 1.15:1999 да берилган таърифга кўра, **МҲ тури** — МҲ қўлланиши доирасидан келиб чиққан ҳолда ўзини намоён қилувчи аниқловчи характеристикадир.

Стандартлаштириш объектининг хусусияти (спецификацияси) ва унга белгиланадиган талабларнинг моҳиятига кўра МҲнинг тури белгиланади:

— асос бўлувчи;
— маҳсулотга;
— жараёнга;
— хизматлар, ўлчашлар, таҳлиллар услубларига.

O'z DSt 1.10да келтирилган таърифга кўра, **асос бўлувчи стандарт** — таъсир этиш доираси кенг бўлган ва маълум соҳага тегишли умумий қоидаларни ўз таркибига олган стандартдир. Асос бўлувчи стандартлар стандартлаштириш бўйича атама ва таърифларни, тартиб ва қоидаларни ўз ичига олади ва улар МҲ турли даражасида бўлиши мумкин.

Бир турдаги маҳсулотларга тегишли МҲ турида қуйидагилар берилади:

умумий техник талаблар;
умумий техник шартлар (аниқ маҳсулотга);
хизматлар услублари.

Бир турдаги маҳсулотларга МҲда алоҳида талаблар қўйилиши мумкин:

классификациялаш;
асосий параметрлар ва ўлчамлар;
комплектлик талаблари;
атроф муҳитни ҳимоя қилиш талаблари;

типлар;
сортамент;
маркалар;
намуналарни қабул қилиш ва танлаб олиш қоидалари;
тамғалаш;
ўраш;
ташиш (транспортировка) тартиблари;
сақлаш тартиблари;
фойдаланиш, таъмирлаш ва йўқ қилиш тартиблари.

Юқорида келтирилган талаблар алоҳида ёки биргаликда бир МҲда берилиши мумкин. Масалан:

типлар, асосий параметрлар ва ўлчамлар;
тамғалаш, ўраш, ташиш, сақлаш;
намуналарни қабул қилиш ва танлаб олиш қоидалари.

Айрим ҳолларда бир стандартни бир неча стандартларга бўлиш мумкин. Масалан, атамалар ва таърифлар.

Бир гурдаги маҳсулотларга умумий техник талаблар (шартлар) стандарти мавжуд бўлган ҳолда, аниқ маҳсулотга техник шартлар стандартини ишлаб чиқиш мумкин.

Ўзбекистон давлат стандарти Oz DSt 1.10да МҲ турларига тегишли қуйидаги атамалар келтирилган:

«Атамалар ва таърифлар стандарти — одатда, таърифлари, баъзи ҳолларда эса изоҳлар, расмлар, мисоллар ва ҳ.к. берилган атамаларга тегишли стандарт»;

«Синаш усуллари стандарти — синаш усулларини белгиловчи, баъзан синашларга, масалан, намуна олиш, статистик усуллардан фойдаланиш ва синовларни ўтказиш тартибига тегишли бошқа қоидалар билан тўлатилган стандарт»;

«Маҳсулот стандарти — маҳсулот ёки маҳсулотлар гуруҳининг ўз вазифасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида улар қониқтириши лозим бўлган талабларни белгиловчи стандарт»;

«Жараён стандарти — жараённинг ўз вазифасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жараённи қондириши лозим бўлган талабларни белгиловчи стандарт»;

«Хизмат стандарти — хизматнинг ўз вазифасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида хизматни қондириши лозим бўлган талабларни белгиловчи стандарт».

МҲни Ўзбекистонда амалда бўлган қонунчилик талабларига мослигига экспертиза қилиш ва давлат рўйхатига олиш жараёнида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тақдим этилган ҳужжатнинг даражаси ва тури тўғрилиги назорат қилиб борилади.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш даражаси нима?
2) Меъёрий ҳужжат даражаси нимани англатади?
3) МҲнинг даражасини ким аниқлайди?
4) Меъёрий ҳужжат тури нима?
5) Меъёрий ҳужжатларнинг қандай турлари бор?
6) Бир турдаги маҳсулотларга тегишли МҲ турида нималар берилади?
7) Бир турдаги маҳсулотларга МҲда қандай талаблар қўйилиши мумкин?
8) Бир турдаги маҳсулотларга умумий техник талаблар (шартлар) стандарти мавжуд бўлган ҳолда, аниқ маҳсулотга нисбатан ишлаб чиқилади?

4.3 МҲни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасида «давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва нашр этадилар» деб кўрсатилган. Шу билан бирга, МҲни стандартлаштириш бўйича ТҚ ва тенч ташкилотлар, корхоналар ва истеъмолчилар ишлаб чиқариш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасида халқаро, давлатлараро, регионал, давлат, ташкилот стандартларидан иборат МҲ даражалари мавжуддир. Халқаро, давлатлараро, регионал стандартларининг ишлаб чиқилиши, келишилиши, тасдиқланиши, рўйхатга олиниши ва Ўзбекистонда қўлланилиши тартиблари ушбу китобнинг бошқа бобларида келтирилган. Ушбу параграфда давлат, ташкилот стандартларининг ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартибларини кўриб чиқамиз. Ҳар бир даражадаги МҲни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиблари Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 11 ноябрда 1422-сон билан давлат рўйхатидан ўтган «Стандартлаштириш бўйича МҲ тавсияларини тайёрлаш ва «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом»да ва Ўз СтТ тўғрисида алоҳида асос бўлувчи МҲда белгиланган.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.1да давлат стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатга олиш тартиблари кўрсатилган. Ушбу ҳужжатга

кура, давлат стандартлари стандартлаштириш буйича ТҚ ва ғаянч ташкилотлар, давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, корхона ва ташкилотлар, истеъмолчилар томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин.

Давлат стандартларини ишлаб чиқиш, асосан, гуртта босқичда амалга оширилади:

1-босқич — стандартни ишлаб чиқиш буйича топшириқни ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши;

2-босқич — стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун тарқатиш;

3-босқич — таклифларни кўриб чиқиш, стандартнинг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашга киритиш;

4-босқич — стандартни тасдиқлаш ва давлат руйхатидан ўтказиш.

Шароитга қараб, юқорида кўрсатилган босқичлар бирлаштирилиши мумкин.

Давлат стандартларида умумиқтисодий аҳамиятга эга талаблар кўрсатилиши керак. Хусусан, маҳсулотларнинг асосий истеъмол кўрсаткичлари, инсон ҳаёти, соғлиғи, мулки ва атроф-муҳит хавфсизлиги, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси, узаро алмашувчанлик ва мослилик талаблари, маҳсулот сифати назорати услублари, маҳсулотни ўраш, ёрлиқлаш, ташиш, сақлашга талаблар ва бошқалар кўрсатилиши керак.

Давлат стандартларида мажбурий талаблар билан бирга, анъанавий технологиялардан кура илғор бўлган, истиқболга мулжалланган, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга қаратилган талаблар ҳам киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунига биноан, узлуксиз таълим тизимидаги давлат стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат стандартларини ишлаб чиқишнинг барча жараёнлари Oz DSt 1.1да батафсил кўрсатилган.

Ишлаб чиқилган давлат стандартлари «Ўзстандарт» агентлиги ва бошқа ваколатли давлат бошқарув идоралари томонидан қонунчилик талабларига мослиги бўйича экспертизадан ўтказилади ва ижобий хулоса бўлганда, белгиланган тартибда давлат руйхатидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунида белгиланганига кўра, маҳсулотларни

МҲни ишлаб чиқиш ва сотиш тақиқланади. Шунга кўра, техник регламентлар ишлаб чиқилмаган ва жорий этилмаган маҳсулотлар учун стандартларда белгиланган инсон ҳаёти, соғлиғи, мулки ва атроф-муҳит хавфсизлиги, техник ҳамда ахборот хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясига, ўзаро алмашувчанлик ва мослилик талаблари, маҳсулот сифатини назорати услублари, маҳсулотни ўраш, ташиш, сақлашга талаблар барча манфаатдор шахслар учун бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Демак, техник регламентлар мавжуд бўлмаган ҳолларда стандартлар ҳам мажбурий ҳужжатлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар учун техник регламентлар жорий этилиши билан шу стандартлаштириш объектларига тегишли илгари амалда бўлган стандартлаштириш бўйича МҲни қўллаш ихтиёрий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунида «истеъмолчиларга реализация қилинаётган маҳсулотга доир стандартлар ва уларга киритилган ўзгартишлар «Ўзстандарт» Агентлиги органларида ҳақ олмасдан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим»лиги белгиланган.

Қонунчиликка кўра, стандартлаштириш бўйича МҲ сифатида белгиланган техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотлар умумдавлат классификаторларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш тартиби давлат стандарти O'z DSt 6.01.2:2007да келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида белгиланган тартибга кўра, стандартлар «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан экспертизадан ўтказилиб, ижобий хулоса бўлганда, давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Тармоқлараро хусусиятга эга бўлган ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзда тутувчи стандартлар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилишлари керак. Стандартларнинг титул варағида рўйхатга олган идоранинг номи, давлат рўйхати санаси ва рақами кўрсатилади. Давлат рўйхатидан ўтказилган стандартларнинг нусхаси «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги МҲлар Давлат фондига топширилади.

Ташкилот стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш тартиби O'z DSt 1.28:2013да белгиланган.

Одатда, ташкилот стандартлари республика ҳудудида маҳсулот ишлаб чиқараётган ёки хизмат кўрсатаётган корхона томонидан ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, стандартлар ташкилот топшириғига кўра стандартлаштириш бўйича ТҚлар ва таянч ташкилотлар томонидан ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. Маҳсулотлар ва хизматларга ташкилот стандартларидан ташқари бошқа ташкилий-техник ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқарилиши ва тасдиқланиши мумкин.

Ташкилот стандартлари маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан тасдиқланади. Бунда МҲга амал қилиш муддати белгиланиши мумкин, агарда маҳсулот чегараланган ҳажмда ёки муддатда ишлаб чиқарилиши режалаштрилган бўлса, ёки МҲ муддати белгиланмаган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида Ўз СТ доирасида белгиланган тартибга биноан ташкилот стандартлари Ts индекси билан белгиланади. Масалан:

Ts 00000667 — 345-2009,

бунда,

00000667 — корхона ва ташкилотлар умумдавлат классификатори (ОКПО) бўйича 8-разрядли ташкилот коди;

345 — стандартни қайд этилиш рақами;

2009 — стандарт тасдиқланган йил.

Маълум бир турдаги (ноозиқ-овқат маданий-маиший ва хўжалик) маҳсулотлари учун стандартларга қўшимча эталон намуналар техникавий баёнлари ишлаб чиқилади. Бу ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва руйхатга олиш тартиби давлат стандарти O‘z DSt 1.17:1999да белгиланган ва унда қуйидаги таърифлар берилган:

— техникавий баён — умумий техник талаблар ёки умумий техник шартлар киритилган МҲларга қўшимча ва улар билан бирга қўлланиладиган ноозиқ-овқат маҳсулоти намуна-эталонига техникавий ҳужжат;

— намуна-эталон — маҳсулотни ташқи кўриниши, формаси, конструкциясини уни қабул қилиш ва етказиб беришда солиштиришга мўлжалланган ва белгиланган тартибда тасдиқланган маҳсулот намунаси.

Техникавий баёнлар ташкилот, стандартлаштириш бўйича ТҚлар ва таянч ташкилотлар томонидан ҳам ишлаб чиқилиши мумкин ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Улар давлат руйхатидан ўтказилмайди ва ташкилотнинг ўзида сақланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида «стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ҳам кириши» белгиланган.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.8:2009 да Ўз СТ доирасида тавсияномаларга бўлган умумий талаблар белгиланган. Тавсияномалар «Т» индекси билан, давлат аҳамиятига эга ҳолларда эса — «O'z T» индекси билан белгиланади.

Маҳсулотга стандарт билан бирга давлат стандарти O'z DSt 1064:2005*да белгиланган тартибда каталог варағи ҳам ишлаб чиқилади ва «Ўзстандарт» Агентлиги ҳузуридаги Ахборот-маълумот марказига тошширилади. Каталог варағлари 2.1 иловада берилган кўринишда тўлғазилади.

Халқаро, регионал, миллий стандартлаштириш амалиётида тасдиқланган МҲни даврий равишда қайта кўриб чиқиш, зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш ёки мутлақо бекор қилиш тартиблари белгиланган.

Ўз СТда МҲ режали тартибда 5 йилда бир марта қайта кўриб чиқиш амалиёти қабул қилинган. Стандартлаштириш бўйича МҲ (стандарт)ларни текшириш, қайта кўриб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш ва бекор қилиш тартиби давлат стандарти O'z DSt 1.5:1993*да белгиланган.

МҲ режали ёки заруратга кўра қайта кўриб чиқилади. Бунда, МҲга киритилган кўрсатгичлар номенклатураси ва уларнинг қийматлари, меъёрлар, қоидалар, тавсифлар, атамалар ва таърифлар, белгилашлар, услублар, физик катталиклар, маҳсулотларнинг сифати, аҳоли ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳитга хавфсизлиги, маҳсулотлар мослиги ўзаро алмашувчанлиги, ҳамда ёрлиқланиши ва синов услублари таҳлили ўтказилади.

МҲлар қуйидаги талабларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади:

— Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчилик, Ўз СТ ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мослиги;

— халқаро ва миллий фан ва техника ютуқларига мослиги;

— асосий истеъмолчи ёки буюртмачи ташкилотнинг талабларига мослиги;

— экспорт талабларига мослиги;

— халқаро, давлатлараро, регионал, давлат, ривожланган давлатлар стандартлари талабларига мослиги;

2.1-жадвал

Маҳсулот каталог варағи

Код ХСМБ	01	Қайд рақами	02

ОКП коди	11	
МХ бўйича маҳсулот номи	12	
МХ бўйича маҳсулот белгиланиши	13	
МХ белгиланиши	14	
МХ номи	15	
Ишлаб чиқарувчи корхона ОКПО коди	16	
Ишлаб чиқарувчи корхона номи	17	
Ишлаб чиқарувчи корхона манзили (индекс, шаҳар, кўча, уй)	18	
Телефон	19	
Телекс	20	
Телетайп	21	
Телефакс	22	
Маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошлаш санаси	23	
Маҳсулот донасининг нархи, сўмда	24	
Гигиеник сертификати (мавжуд бўлса)	25	
Мувофиқлик сертификати рақами (мавжуд бўлса)	26	

30. Маҳсулотнинг асосий кўрсаткичлари.

Тартиб №	Кўрсаткич номи	Ўлчаш бирлиги	Миқдори (диапазон)

— миллий сертификатлаштириш ва синашлар тизимлари талабларига мослиги.

Қайта кўриб чиқилган МХ бекор қилинади ва ўрнига янгиси ишлаб чиқилади, қайси ҳужжат асосида ишлаб чиқилганлиги кўрсатилиб, расмий белгиланишида тасдиқланган йили ўзгартирилади.

O'z DSt 1.5:1993*да кўрсатилган ҳолларда ва МҲни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш тўхтатилган ёки маҳсулот учун янги МҲ ишлаб чиқилган ҳолда, илгари амалда бўлган МҲ давлат стандарти O'z DSt 1.5:1993*да кўрсатилган тартибда бекор қилинади.

МҲ бекор қилингандан сўнг амал қилиш муддати тугашидан 3 ой олдин бу ҳақда расмий эълон қилинади.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунида стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва нашр этиш кимга юклатилган?

2) Давлат стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатига олиш тартиблари қандай ҳужжатда кўрсатилган?

3) Давлат стандартларини ишлаб чиқиш неча босқичда амалга оширилади?

4) Давлат стандартларини ишлаб чиқиш биринчи босқичида нима амалга оширилади?

5) Давлат стандартларини ишлаб чиқиш иккинчи босқичида нима амалга оширилади?

6) Давлат стандартларини ишлаб чиқиш учинчи босқичида нима амалга оширилади?

7) Давлат стандартларини ишлаб чиқиш тўртинчи босқичида нима амалга оширилади?

8) Ишлаб чиқилган давлат стандартлари ким томонидан қонунчилик талабларига мослиги бўйича экспертизадан ўтказилади?

9) Маҳсулотга стандарт билан бирга O'z DSt 1064:2005*да белгиланган тартибга кўра яна қандай ҳужжат ишлаб чиқилади?

10) Меъёрий ҳужжатлар қандай ҳолларда қайта кўриб чиқилади?

2.4 Меъёрий ҳужжатларни тузилишига, баён этилишига, расмийлаштирилишига ва таркибига талаблар

Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларга бўлган МҲни тузилишига, баён этилишига, расмийлаштирилишига ва таркибига талаблар амалда бўлган

қонунчилик, Уз СТ ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

МҲни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиблари Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 11 ноябрда 1422-сон билан давлат рўйхатидан ўтган «Стандартлаштириш буйича МҲ тоифаларини тайёрлаш ва «Узстандарт» агентлигида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низоми»да аниқ кўрсатилган. Бу ҳужжат ҳуқуқий кучга эга булиб, стандартлаштириш ишларига алоқадор бўлган барча томонлар учун мажбурийдир.

«Стандартлаштириш буйича МҲ тоифаларини тайёрлаш ва «Узстандарт» агентлигида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низоми»нинг 1-параграфида МҲ таркиби қуйидаги элементлардан иборат булиши кераклиги белгиланган:

титул варақ;
сўз боши;
мундарижа;
кириш сўзи;
номи;
қуллаш доираси;
меъёрий ҳаволалар;
атама ва таърифлар;
белгилаш ва қисқартмалар;
асосий меъёрий ҳолатлар;
иловалар;
библиография;
библиографик маълумотлар.

МҲнинг «мундарижа», «сўз боши», «меъёрий ҳаволалар», «атама ва таърифлар», «белгилаш ва қисқартмалар», «иловалар», «библиография» элементлари заруратга қараб қўлланилиши мумкин.

Титул варақда МҲнинг белгиси, номи ва нашрга боғлиқ маълумотлар берилади.

Кириш сўзида МҲга тегишли умумий маълумотлар келтирилади.

Мундарижа одатда стандарт 10 варақдан кўп булганда келтирилади.

«Сўз боши» элементида МХнинг ишлаб чиқилиш сабаби, унинг соҳадаги ўрни ва бошқа маълумотлар келтирилиб, талаблар киритилмайди.

МҲнинг номи қисқа ва стандартлаштириш объектини аниқ ифода этиши керак.

«Мебель. Умумий техник талаблар» ёки «Пишлоқ. Патрицаларни аниқлаш услублари».

Агар стандарт МҲлар комплексига кирса, қуйидагича белгиланиши мумкин:

Конструкторлик ҳужжатлари ягона тизими

ЭЛЕКТРИК СХЕМАЛАР

Атамалар ва таърифлар

«Объектнинг соҳаси» элементи МҲни қайси стандартлаштириш объектига тааллуқлигини кўрсатади. Мисол:

Ушбу стандарт персонал ЭҲМларни сертификатлаштиришга ҳужжатлар ишлаш учун ишлатилади

Агар МҲ матнида бошқа ҳужжатларга ҳаволалар бўлса, «Нормали ҳаволалар» элементида шу ҳужжатлар рўйхати берилади. Рўйхат даражаси юқори бўлган ҳужжатдан бошланиб, кейинги даражага қараб давом эттирилади.

«Атама ва таърифлар» бўлимида МҲда ишлатилган атама ва таърифларга ушбу ҳужжатда аниқ тушунтиришлар, бошқа атама ва таърифлар бўйича стандартларга ҳавола этилган ҳолда берилиши керак.

МҲда кўплаб қайтариладиган мураккаб сўзлар ёки сўзлар бирикмаси (масалан, ташкилотлар номи) қисқартма ҳосил қилиш шартли белгилар орқали «Белгилаш ва қисқартмалар» элементида келтирилади. Масалан:

БМТ — Бирлашган миллатлар ташкилоти.

МҲнинг матни аниқ ва равон ёзилган, бир хилда тушиниладиган маълумотда, мантиқий кетма-кетликда ва тегишли соҳа кўлами учун моҳиятан етарли даражада бўлиши керак.

МҲда объектни услублар билан текширилиши мумкин бўлган талаблар, шу услубларни ичига олган инструкциялар, стандартлаштириш объектига ва унга алоқадор объектлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Ҳужжатнинг матни бўлимлар, кичик бўлимлар, банд ва кичик бандларга бўлиниши мумкин ва улар араб рақамлари билан белгиланилади. Бўлимлар ва кичик бўлимлар унинг сарлавҳаси келиб чиққан ҳолда номланиши керак. МҲда матн билан бирга жадваллар, расмлар, схемалар, диаграммалар берилиши мумкин.

МҲнинг асосий матнини тўлдирувчи маълумотлар (жадваллар, илмалар ва х.к.) «Иловалар»да берилади.

МҲда бошқа ҳужжатларга ҳаволалар берилган тақдирда «Библиография» элементида булар ҳақида маълумот бери-

Масалан:

қонунчилик, Уз СТ ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

МҲни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиблари Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 11 ноябрда 1422-сон билан давлат рўйхатидан ўтган «Стандартлаштириш бўйича МҲ тоифаларини тайёрлаш ва «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низоми»да аниқ кўрсатилган. Бу ҳужжат ҳуқуқий кучга эга бўлиб, стандартлаштириш ишларига алоқадор бўлган барча томонлар учун мажбурийдир.

«Стандартлаштириш бўйича МҲ тоифаларини тайёрлаш ва «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низоми»нинг 1-параграфида МҲ таркиби қуйидаги элементлардан иборат бўлиши кераклиги белгиланган:

титул варақ;
сўз боши;
мундарижа;
кириш сўзи;
номи;
қўллаш доираси;
меъёрий ҳаволалар;
атама ва таърифлар;
белгилаш ва қисқартмалар;
асосий меъёрий ҳолатлар;
иловалар;
библиография;
библиографик маълумотлар.

МҲнинг «мундарижа», «сўз боши», «меъёрий ҳаволалар», «атама ва таърифлар», «белгилаш ва қисқартмалар», «иловалар», «библиография» элементлари заруратга қараб қўлланилиши мумкин.

Титул варақда МҲнинг белгиси, номи ва нашрга боғлиқ маълумотлар берилади.

Кириш сўзида МҲга тегишли умумий маълумотлар келтирилади.

Мундарижа одатда стандарт 10 варақдан кўп бўлганда келтирилади.

«Сўз боши» элементида МХнинг ишлаб чиқилиш сабаби, унинг соҳадаги ўрни ва бошқа маълумотлар келтирилиб, талаблар киритилмайди.

МҲнинг номи қисқа ва стандартлаштириш объектини аниқ ифода этиши керак.

Масалан, «Мебель. Умумий техник талаблар» ёки «Пишлоқ. Нотекис қатламларни аниқлаш услублари».

Агар стандарт МҲлар комплексига кирса, қуйидагича белгиланиши мумкин:

Конструкторлик ҳужжатлари ягона тизими

АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

Атамалар ва таърифлар

«Қўлланиш соҳаси» элементи МҲни қайси стандартлаштириш объектига тааллуқлигини кўрсатади. Мисол:

Ушбу стандарт персонал ЭҲМларни сертификатлаштириш синовларида қўллаш учун ишлатилади

Агар МҲ матнида бошқа ҳужжатларга ҳаволалар бўлса, «Норматив ҳаволалар» элементида шу ҳужжатлар рўйхати берилади. Рўйхат даражаси юқори бўлган ҳужжатдан бошланиб, кейинги даражага қараб давом эттирилади.

«Атама ва таърифлар» бўлимида МҲда ишлатилган атама ва таърифларга ушбу ҳужжатда аниқ тушунтиришлар, бошқа атама ва таърифлар бўйича стандартларга ҳавола этилган ҳолда берилиши керак.

МҲда кўплаб қайтариладиган мураккаб сўзлар ёки сўзлар бирикмаси (масалан, ташкилотлар номи) қисқартма ҳосил қилувчи белгилар орқали «Белгилаш ва қисқартмалар» элементида келтирилади. Масалан:

БМТ — Бирлашган миллатлар ташкилоти.

МҲнинг матни аниқ ва равон ёзилган, бир хилда тушинилувчи маълумотда, мантиқий кетма-кетликда ва тегишли сўзлар қўллаш учун моҳияган етарли даражада бўлиши керак.

МҲда объектни услублар билан текширилиши мумкин бўлган талаблар, шу услубларни ичига олган инструкциялар, стандартлаштириш объектига ва унга алоқадор объектлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Ҳужжатнинг матни бўлимлар, кичик бўлимлар, банд ва кичик бандларга бўлиниши мумкин ва улар араб рақамлари билан белгиланади. Бўлимлар ва кичик бўлимлар унинг сонларидан келиб чиққан ҳолда номланиши керак. МҲда матн билан бирга жадваллар, расмлар, схемалар, диаграммалар берилиши мумкин.

МҲнинг асосий матнини тўлдирувчи маълумотлар (жадваллар, расмлар ва х.к.) «Иловалар»да берилади.

МҲда бошқа ҳужжатларга ҳаволалар берилган тақдирда «Библиография» элементида булар ҳақида маълумот бери-

Библиография

[1] Oz DSt 1.5:1993* Уз СДТ. Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни текшириш, қайта кўриш, ўзгартириш, ва бекор қилиш тартиби.

«Библиографик маълумотлар»да Универсал ўнлик классификация (УДК) индекси, стандарт тааллуқли бўлган гуруҳ коди (ОК ЎзР бўйича), муҳим сўзлар берилади.

Масалан,

1 Кондитер маҳсулотлари стандартининг библиографик маълумотларида:

«УДК 664.667:006.354 ОКС 67.060

Муҳим сўзлар: кондитер маҳсулотлари, классификация, органолептик ва микробиологик кўрсатгичлар, хом-ашёга талаблар, ўраш, ёрлиқлаш, қабул қилиш, таҳлил услублари.

МҲлар давлат тилида, зарурат бўлганда, рус тилида ҳам баён этилади. Уларнинг даражасига қараб белгиланиши ушбу китобнинг 2.2-параграфида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида МҲлар мазмунига мажбурий талаблар белгиланган:

«Маҳсулотнинг атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатдан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиши ва ўзаро алмашинувчанлигини, уларни назорат қилиш усуллари бирлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа талаблар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектлари риоя этиш учун мажбурийдир.

Стандартларда маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномасига киритилган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.»

«Стандартлаштириш бўйича МҲлар тоифаларини тайёрлаш ва «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низоми»да маҳсулотларнинг МҲлари қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши кўрсатилган:

классификация;
техникавий талаблар;
хавфсизлик талаблари;
атроф-муҳим ҳимояси талаблари;
қабул қилиш тартиблари;

синов) услублари;

техник хизмат, таъмирлаш, йўқ қилиш

кафолати.

конструкциясига, формасига, ишлаш қобилия-

шу қатори талаблар МҲнинг «техникавий талаблар»

келтирилади.

талаблари» бўлимига бевосита қуйидаги та-

киритилиши мумкин:

хавфсизлиги талаблари;

хавфсизлиги талаблари;

хавфсизлиги талаблари;

хавфсизлиги талаблари;

ва ускуналарни ишлатишда хавфсизлик талаблари;

сигнализацияси қурилмаларига талаблар;

талаблари буйича белгилаш;

ишлаб чиқаришнинг зарарли факторлари характеристика-

(шовқин, вибрация ва х.к.з.) ва уларни бартараф этиш

талаблари;

саноат озодалиги талаблари;

ёнғин-портлаш хавфсизлиги талаблари;

хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни йўқ қилиш буйича

талаблар ва бошқалар.

Материаллар (моддалар) хавфсизлиги талаблари белги-

ланганда, кўрсаткичларнинг хавфлилик даражаси, хавфни

бартараф этиш (камайтириш) чоралари каби омиллар кўрса-

тилиши керак.

Буюмлар ва хизматларга МҲда бошқа қўшимча маълу-

мотлар келтирилиши мумкин.

«Қабул қилиш тартиблари» бўлимида ишлаб чиқарилган

тайёр маҳсулотни корхонада қабул қилиниши тартиблари

берилади.

«Назорат (синов) услублари» бўлимида МҲда маҳсулотга

белгиланган кўрсаткичларни мувофиқлигини аниқлаш ус-

уллари кўрсатилади.

МҲнинг «Тамғалаш» бўлимида тамға маълумотларини бе-

риш усули (бевосита маҳсулотда, ёрлиқда, ўраш идиши

устида ва х.к.), уни бериш услуби (босма, ўйма кўри-

ва х.к.), тамғалаги маълумот берилиши керак.

Маълумот ёрлигида берилиши керак бўлган мажбурий

талаблар умумий тарзда — Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда, озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли ҳолларда — Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунда ҳамда батафсил ҳолда 1422-сонли Низомда белгиланган.

маҳсулот ёрлиғида қуйидаги маълумотлар берилиши керак:

маҳсулот номи;

ишлаб чиқарувчи номи ва манзили;

маҳсулотнинг асосий (функционал) вазифаси ва қўлланиш доираси;

маҳсулотнинг асосий истеъмол хусусияти ва характеристикаси;

маҳсулотни сақлаш, ташиш, самарали ишлатиш (эксплуатация), таъмирлаш, қайта тиклаш, йўқ қилиш қоидалари;

сертификатлаштириш бўйича маълумот;

маҳсулотнинг оғирлиги, асосий ўлчамлари, ҳажми ва сони;

таркиби (комплектность);

ишлаб чиқарувчи товар белгиси;

ишлаб чиқарилган сана;

яроқлилик муддати;

маҳсулотга МҲ тўғрисида маълумот.

«Стандартлаштириш бўйича МҲлар тоифаларини тайёрлаш ва «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низоми»да кўрсатилганига кўра, алоҳида даражадаги МҲларни тузилишига, баён этилишига, расмийлаштирилишига ва таркибига талаблар Ўз СТнинг асос бўлувчи МҲларида белгиланган.

O'z DSt 1.6:2003*да стандартлаштириш бўйича МҲларни тузилишига, баён этилишига, расмийлаштирилишига ва таркибига асосий талаблар ўрнатилган.

O'z DSt ISO/IEC 51:2007(Guide ISO/IEC 51:1999, IDT) да хавфсизлик аспектларини стандартларга киритиш бўйича қўлланма берилган. Ушбу стандарт маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлар ишлатилишида ҳосил бўладиган рискни камайтиришга йўналтирилган ва инсон соғлиги, ҳаёти ва мулки ҳамда атроф-муҳит хавфсизлигига тегишли барча ҳолларда қўлланилиши мумкин. Бунда маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларнинг тўлиқ ҳаёт доираси кўрилади.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt ISO/IEC 2:2007да берилган айрим атамаларни қуйида келтирамиз:

хавфсизлик (safety): зарар етказиш имконияти билан боғлиқ бўлган йўл қўйиб бўлмайдиган рискнинг йўқлиги;

риск (risk): зарар етказиш эҳтимоли ва зарарнинг оғирлиги мутаносиблиги;

зарар (harm): инсон соғлигига жисмоний зарар етказиш, мулкка ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиш;

хавф (hazard): зарар келиб чиқишининг потенциал манбаи.

Маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлар учун мутлоқ хавфсизликка эришиб бўлмайди, балки у маълум даражада, талабни қаноатлантирадиган даражада бўлиши етарлидир.

Мумкин бўлган даражадаги рискга эришиш учун қуйидаги процедура қўлланилади (2.9-расм):

а) Маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлардан фойдаланиш эҳтимоли бор гуруҳлар аниқланади;

б) фойдаланишнинг мўлжалланган ва мумкин бўлган нотўғри ҳолатлари аниқланади;

в) Маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлардан фойдаланиш барча босқичи ва барча шароитларида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф аниқланади;

г) фойдаланувчиларнинг ҳар бир гуруҳ учун келиб чиқадиган маълум хавфнинг риски аниқланади;

д) рискнинг мумкин бўлган даражада эканлиги ҳақида қарор қабул қилинади;

е) агар риск мумкин бўлган даражада бўлмаса, уни камайтириш чоралари кўрилади.

Рискни қуйидаги усулларда камайтириш мумкин:

хавфсиз конструкцияларни ишлаб чиқиш;

ҳимоя қурилмаларини қўллаш;

фойдаланувчиларни огоҳлантириш.

Стандартларда хавфсизлик аспектларини қўллаш учун қуйидаги ёндашувга амал қилиниши керак:

— кенг доирада фойдаланиладиган маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларга тааллуқли бўлган асосий хавфсизлик аспектларига асосланган, фундаментал концепциялар, принциплар ва талабларни ўз ичига олган асос бўлувчи стандартларни ишлаб чиқиш;

— алоҳида гуруҳларга тегишли маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларга тааллуқли бўлган хавфсизлик аспектларини ўз ичига олган гуруҳ стандартларни ишлаб чиқиш;

— маълум бир маҳсулот, хизмат ва жараёнга тааллуқли бўлган хавфсизлик аспектларини ўз ичига олган стандартларни ишлаб чиқиш.



2.9-расм. Рискни баҳолаш ва камайтириш итератив жараёни

Маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларга тааллуқли бўлган хавфсизлик аспектларини ўз ичига олган стандартларни ишлаб чиқиш, хавфсизлик аспектлари бўйича тегишли ахборотларни фойдаланувчига етказиш йўллари O'z DSt ISO/IEC 51:2007да батафсил келтирилган.

O'z RH 51-010-96* да МҲларда маҳсулотга қўйиладиган талабларни белгилаш тартиби келтирилган. Ушбу муддатда МҲнинг таркиби, маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлар ҳамда синов услубларига талабларни шакллантириш ва баён этиш қоидалари берилган.

Мажбурий талаблар — Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ва бажарилиши мажбурий бўлган талаблар.

Маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларга тааллуқли МҲларда стандартлаштириш объектини идентификация қилиш

[illegible] техник ҳолатини баҳолашга, объект ҳаёт циклининг барча босқичларида уни назорат қилиш услубларини ва воситаларини белгилаш, намуналар танлаш, ёрлиқлаш, ташиш, сақлаш, ташиш, йўқ қилишга тегишли зарур ва етарли талаблар келтирилиши керак.

Ҳужжатда мажбурий талаблар билан бирга, тавсиявий ва истеъмолга мўлжалланган кўрсатгичлар келтирилиши мумкин.

Мажбурий бўлмаган талаблар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида истеъмол талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон давлат стандарти РСТ Уз 622-94да қуйидаги атамалар берилган:

- «**Маҳсулот сифати** — маҳсулотни ишлатилиш соҳасига мувофиқ белгиланган истеъмол талабларини қондиришга қаратилганлиги ўзида мужассамлаштирган хусусиятларининг мажмуаси»;
- «**Маҳсулот сифатининг кўрсаткичи** — маҳсулотни яратиш ва фойдаланиш шароитларида унинг сифатига боғлиқ бир ёки бир неча хусусиятларининг миқдорий характеристикаси»;

Маҳсулотнинг сифати кўрсатгичлари гуруҳига қуйидаги талаблар киради (Уз РҲ 51-010-96):

- маҳсулотнинг асосий (функционал) вазифаси ва қўллаш доираси;
- ишончлилик (надежность) кўрсатгичлари;
- технологиклик (технологичность) кўрсатгичлари;
- эстетик кўрсатгичлар;
- ресурсларни сақлаш кўрсатгичлари ва бошқалар.

Маҳсулотнинг асосий (функционал) вазифаси ва қўллаш доирасига тегишли талабларга қуйидагилар киради:

- классификациялаш кўрсатгичлари;
- функционал ва техникавий самарадорлик кўрсатгичлари;
- конструктив кўрсатгичлар;
- тузилиш ва структура кўрсатгичлари.

Классификациялаш кўрсатгичлари маҳсулотнинг айнан қайси классификацион гуруҳга (электр двигателнинг қуввати, экскаватор ковшининг ҳажми ва ҳ.к.) тегишли эканлигини кўрсатади.

Функционал ва техникавий самарадорлик кўрсатгичлари маҳсулотни фойдаланишдан келиб чиқадиган афзалликларни (маҳсулотнинг ишлаш унумдорлиги, ўлчаш воситаларининг метрологик характеристикалари, озиқ-овқат маҳсулотларининг калорийлиги ва ҳ.к.) кўрсатади.

Конструктив курсатгичларга маҳсулотнинг оптимал конструктив ҳолда булиши, урнатиш ва фойдаланишга қулайлиги, узаро алмашувчанлиги талаблари (габарит ўлчамлар, фойдаланиш имкониятлари кенглиги ва ҳ.к.) киради.

Ишончлилик курсатгичлари — бу белгиланган вақт ва режимда маҳсулотнинг барча функционал параметрлари курсаткичларини (таъмирга мойиллиги, узоқ муддатда хизмат курсатиши, хизмат вақтида гухтовсиз ишлаш қобилияти ва яхши сақланилиши) объект ҳаёт циклининг барча босқичларида (фойдаланиш, ёрлиқлаш, ураш, сақлаш, ташиш) белгиланган миқдорлар доирасида сақланиб қолиниши курсатади.

Технологиклик курсатгичларига маҳсулотни ишлаб чиқаришда материал ҳаражатлар, меҳнат воситалари ва вақтни тежамли тақсимлаш каби курсатгичлар киради.

Эстетика курсатгичларига маҳсулотни ташқи куриниши ёқимли, замонавий дизайнда ва қулай формада булиши, барча қисмларини бир-бирига мослиги каби курсаткичлар киради.

Ресурсларни сақлаш курсатгичлари маҳсулотга кетадиган материаллар, ёқилғи ва энергия сарфини техник такомиллаштириш ҳисобига тежашни билдиради. Бундай тежаш, албатта маҳсулот ҳаёт циклининг барча босқичларида олиб борилиши керак.

Назорат саволлари:

1) МҲларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва руйхатга олиш тартиблари қайси ҳужжатда келтирилган?

2) МҲлар таркиби қандай элементлардан иборат булиши кераклиги белгиланган?

3) МҲлар қайси тилда ҳам баён этилади?

4) Маҳсулот ёрлиғида берилиши керак булган мажбурий талаблар қандай ҳужжатларда белгиланган?

5) Хавфсизлик талаблари нимани англатади?

6) Мумкин бўлган даражадаги рискга эришиш учун қандай процедура қулланилади?

7) Маҳсулот сифати нимани англатади?

8) Маҳсулот сифатининг курсаткичи нимани англатади?

9) Маҳсулотнинг сифати курсаткичлари гуруҳига қандай талаблар киради?

10) Маҳсулотнинг асосий (функционал) вазифаси ва қулланиш доирасига тегишли талабларга нималар киради?

2.5 Меъёрий ҳужжатлар экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги Низом»да стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назоратининг асосий вазифаларидан бири «стандартлар ва ўлчаш воситаларининг илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш» эканлиги белгиланган.

Ишлаб чиқиладиган ва сотиладиган маҳсулотлар, кўрсатиладиган хизматлар ва жараёнларга тегишли, давлат рўйхатидан ўтказиладиган МҲлар ва уларнинг лойиҳалари, МҲларга ўзгартиришлар ва уларнинг лойиҳалари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши керак.

Экспертиза — фан, техника, маданият ва бошқа соҳаларда махсус билимларга эга бўлган мутахассислар томонидан маълум бир масалаларни ҳал этиш мақсадида ўрганишлар ўтказишдир.

МҲлар экспертизаси МҲни амалдаги ҳуқуқий ва тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг меъёрий ҳужжатларига талабларига мослигини текширишдир.

МҲларнинг экспертизасини ўтказиш зарурлиги, тартиби талаблар ва экспертиза ўтказадиган ваколатли идоралар тўғрисидаги маълумотлар тегишли ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган.

МҲлар ишлаб чиқилиб давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар бир неча маротаба экспертизадан ўтказилади. Масалан, МҲга манфаатдор идоралар томонидан лойиҳа кўринишида, стандартлаштириш бўйича ТКлар ва таянч ташкилотлар томонидан лойиҳа кўринишида, ваколатли давлат бошқарув идоралари томонидан тасдиқланиб, давлат рўйхатига олиш пайтида ва шу каби ҳолларда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги Низом»да «стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати идоралари стандартларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатига олишда экспертизадан ўтказадилар» деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1994 йил 11 ноябрда 1422-сон билан давлат рўйхатидан

«Стандартлаштириш буйича МҲлар тоифаларини танёрлаш ва «Ўзстандарт» агентлигида руйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом»да стандартлаштириш буйича МҲларни экспертизадан ўтказиш тартиби белгиланган.

МҲлар (уларга ўзгартиришлар) тасдиқланган кундан 30 кунгача бўлган муддатда ваколатли идораларга экспертизадан ўтказишга берилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 11 ноябрда 1422-сонли Низомда экспертиза ўтказишнинг қуринишлари белгиланган:

— нормалаш текшируви;
— илмий-техник даражани баҳолаш;
— мажбурий талабларга мувофиқлик;
— очиқ нашрга мумкинлигини текшириш;
— техникавий экспертиза;
— метрологик экспертиза;
— терминологик экспертиза;
— нашрий муҳаррирлик.

Нормалаш текширувида қуйидагиларга эътибор берилади:

— ҳаволаларнинг тўғри ва ҳаққоний қилинганлиги;
— зарур ахборот белгилари (кодлар, қисқартмалар, символлар ва ҳ.к.) буйича ёзувларни тўғрилиги;
— керакли имзоларни мавжудлиги;
— ҳужжатни тузилиши ва расмийлаштирилишининг тўғрилиги.

МҲнинг илмий-техник даражани баҳолаш учун O'z DSt 2.116:1996*га мувофиқ тузилган техник даража ва сифат картаси ёрдамида маҳсулот сифатини таққослаб баҳоланади. Стандартлаштириш бўйича МҲларни илмий-техник даражасини бахолаш услуби раҳбарий ҳужжат O'z RH 51-077-1998*да берилган.

МҲга киритилган мажбурий талаблар амалдаги қонунчилик талаблари, Ўзбекистонда қабул қилинган халқаро келишувлар, давлатлараро ва давлат стандартлари мажбурий талабларига мувофиқлиги кўриб чиқилади.

Техник экспертизада қуйидаги ҳолатлар кўриб чиқилади:

— МҲнинг номини мазмунига тўғри танланганлиги, стандартлаштириш объектининг МҲ даражасига мувофиқлиги;
— МҲнинг мазмуни ва баён этилиши тўғрилиги;
— МҲнинг кўрсатгичлари давлатлараро ва давлат стандартлари кўрсатгичларидан паст эмаслиги;
— МҲни амалдаги бошқа ҳужжатлар билан бир хил бўлмаслиги.

Метрологик экспертизада МҲнинг метрологик соҳага тегишли амалдаги қонунчилик ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш Давлат тизими талабларига мослиги текширилади.

Терминологик экспертиза жараёнида Ўзбекистонда амалда бўлган халқаро ва давлатлараро келишувлар, турли даражадаги стандартларда қабул қилинган атама ва таърифларга МҲда қабул қилинган атамаларнинг мослиги таҳлил қилинади.

Нашрий муҳаррирлик умумий талаблар асосида бадиий ва техникавий муҳаррирлик ҳисобланади.

Экспертлик хулосасига кўра, МҲ кейинги босқичга чиқарилиши, давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки қўшимча ишлашга қайтарилиши мумкин.

Экспертиза якуни билан барча тоифадаги МҲлар «Ўзстандарт» Агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилади.

ЎзСтТнинг асос бўлувчи ҳужжати O'z DSt 1.21:2015*да стандартлаштириш бўйича МҲларни экспертиза қилиш тартиби келтирилган.

Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий тизими доирасида ҳужжатларни экспертиза қилиш тартиби O'z RH 51-024-2004*да берилган.

Ўзбекистон ўлчашлар бирлилигини таъминлаш давлат тизими доирасида меъёрий ва техникавий ҳужжатларни метрологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби O'z RH 51-106:2001да берилган.

Назорат саволлари:

1) Стандартлар ва ўлчаш воситаларининг илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш қайси ҳужжатда белгиланган?

2) Меъёрий ҳужжатлар экспертизаси нимани англатади?

3) Меъёрий ҳужжатлар экспертизаси ким томонидан амалга оширилади?

4) Меъёрий ҳужжатларнинг экспертизасини ўтказиш зарурлиги, тартиби, талаблар ва экспертиза ўтказадиган ваколатли идоралар тўғрисидаги маълумотлар қайси ҳужжатларда белгиланган?

5) Меъёрий ҳужжатлар экспертизасини ўтказишнинг қандай кўринишлари белгиланган?

6) Техник экспертизада қандай ҳолатлар кўриб чиқилади?

2.6 Меъёрий ҳужжатлар илмий-техникавий даражасини баҳолаш

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасида стандартлаштириш буйича МҲларга қуйидаги талаблар белгиланган:

«Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим. Улар халқаро савдосотиқ учун ортиқча тусқинликларни вужудга келтирмаслиги лозим.»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги Низом»да стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назоратининг асосий вазифалари «ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишга ёрдам бериш, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, меҳнат самарадорлигини устириш, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини ошириш»дан иборатлиги қайд этилган.

Юқорида қайд этилганлардан ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, стандартлаштириш буйича меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий даражасини баҳолаш процедурасини аҳамиятини алохида қайд этиш жоиз булади.

Рахбарий ҳужжат O'z RH 51-077 — 1998*да курсатилганидек, меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш уларнинг халқаро, регионал, давлатлараро ва ривожланган давлатлар стандартлари талабларига мувофиқлигини аниқлашга қаратилган. Раҳбарий ҳужжатда бу жараёнга қуйидагича таъриф берилган:

«меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий даражасини баҳолаш — таққослаб баҳолаш асосида МҲнинг талабларини миллий ва чет давлатлар замонавий илмий-техникавий ютуқларига мувофиқлик даражасини аниқлаш».

МҲлар ва уларнинг лойиҳалари, МҲларга ўзгартиришлар ва уларнинг лойиҳалари илмий-техникавий даражани баҳолашнинг объекти ҳисобланади.

Меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш уч босқичда олиб борилади:

— меъёрий ҳужжатларни баҳолашни ўтказишни ташкил этиш;

— меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш;

— меъёрий ҳужжатларни баҳолаш натижасини расмийлаштириш.

Меъёрий ҳужжатлар даражаси уларни ишлаб чиқарувчилар, давлат бошқарув идоралари ва бошқа манфаатдор субъектлар томонидан ҳужжатни ишлаб чиқиш, O'z DSt 1.5 талабларига мувофиқ текшириш жараёнида ва ўзгартиришлар киритиш жараёнларида баҳоланади.

Меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш экспертизадан фарқ қилиб, баҳолаш маҳсулот техник даражаси ва сифати картаси (O'z DSt 2.116:1996*га мувофиқ) ҳамда МҲни таққослаш жадвали ёрдамида амалга оширилади.

МҲларда белгиланадиган кўрсаткичлар амалдаги қонунчилик, маҳсулотга тегишли давлатлараро ва давлат стандартлари талабларига мос бўлиши билан бирга, халқаро, регионал ва ривожланган мамлакатлар стандартларига асосланган истиқболли талабларни ҳам ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Кўрсаткичларнинг маҳсулотга қўйиладиган вазифаси, унинг ишлатилиш шароити, кўрсаткичларнинг таркиби, хусусан, сифат кўрсатгичларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини баҳолашда, албатта солиштириладиган аналоглар тўғри танланишининг аҳамияти катта. Аналог сифатида биринчи навбатда, халқаро, регионал, давлатлараро ва ривожланган мамлакатлар стандартлари ҳамда халқаро ва чет давлатлар каталоглари, проспектлари, брендли маҳсулотлар техникавий паспортлари, фан-техника ютуқлари натижалари кўрилади.

МҲга киритилган ҳар бир асосий кўрсаткичнинг нисбий қиймати дифференциал услубда аниқланади:

$$K_i = \frac{Ki}{Kia}, \qquad (2.1)$$

ёки

$$K_i = \frac{Kia}{Ki}, \qquad (2.2)$$

Бунда, k — ҳар бир асосий кўрсаткичнинг нисбий қиймати;

K_i — баҳоланаётган МҲдаги i-чи кўрсатгичнинг абсолют қиймати;

K_{ai} — аналог МҲдаги i-чи кўрсатгичнинг абсолют қиймати.

Агар k_i миқлори ўсиши билан МҲдаги сифат кўрсаткичларининг (масалан, пухталик, ишлаш самараси, қувват ва ҳ.к.) яхшиланаши кузатилса, кўрсатгичнинг нисбий қиймати (2.1) формула билан аниқланади. Аксинча, k_i миқдори камайган ҳолда МҲдаги сифат кўрсатгичларининг (масалан, материаллар ва ёқилғи сарфи, зарарли қўшимчалар миқдори ва ҳ.к.) яхшиланаши кузатилса, ушбу нисбий кўрсаткичлар формула (2.2) орқали аниқланади. Кўрсаткичларининг қийматини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, баҳолаш «яхши», «ёмон», «бир хил» сўзлари орқали амалга оширилади.

Маҳсулотнинг МҲдаги сифат кўрсатгичларини аналогдаги кўрсатгичлар билан солиштириш натижасида қуйидаги ҳолатлар кўрилиши мумкин:

а) МҲнинг барча тақкосланаётган нисбий кўрсаткичлари аналог барча кўрсаткичларидан юқори ёки уларга тенг;

б) МҲнинг барча тақкосланаётган нисбий кўрсаткичлари аналог барча кўрсаткичларидан паст;

в) МҲнинг тақкосланаётган айрим нисбий кўрсаткичлари аналог айрим кўрсаткичларидан юқори ёки уларга тенг, айримлари мувофиқ эмас.

Охирги ҳолатда баҳолаш комплекс кўрсаткич миқдори бўйича амалга оширилади:

$$\text{Кнту} = \frac{\sum_{i=1}^{n} Ki}{n}, \qquad (2.3)$$

бунда: K_{HTi} — баҳоланаётган меъёрий ҳужжатнинг илмий-техникавий даражасига оид комплекс кўрсаткич;

n — баҳоланиб тақкосланадиган кўрсаткичлар сони.

Комплекс кўрсатгич миқдори 1,03дан юқори бўлса, демак баҳоланаётган меъёрий ҳужжатни илмий-техникавий даражасини аналогдан юқори, агар комплекс кўрсаткич миқдори 1,03дан кам бўлса, унда баҳоланаётган меъёрий ҳужжатни илмий-техникавий даражасини аналогдан паст ҳисобланади. Комплекс кўрсаткич миқдори 1,03га тенг бўлган ҳолда, тақкосланаётган ҳужжатларнинг даражаси тенг деб қабул қилинади.

2.2-жадвалда МҲни таққослаш жадвалининг кўриниши берилган.

2.2-жадвал

Меъёрий ҳужжатларни таққослаш

(МҲнинг белгиланиши ва номи)

Курсаткичнинг номи	Ўлчов бирлиги	Курсаткичнинг қиймати	
		Баҳоланаётган меъёрий ҳужжатнинг белгиланиши	Аналог меъёрий ҳужжатнинг белгиланиши

Стандартлаштириш хизмати бошлиғи_____
имзо, сана
_____
Ф.И.Ш
Ижрочи

_____ _____
имзо, сана, Ф.И.Ш. сана

Меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш натижаси сифатида, унинг даражаси ҳақида маълумотлар, баҳолаш бўйича хулосалар, ҳужжатга киритилган курсаткичлар айнан зарурлиги бўйича фикрлар ва аналоглар ҳақида маълумотлар киритилган «Меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш баённомаси» орқали расмийлаштирилади.

O'z DSt 1.5да «Меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш баённомаси»нинг намунавий формаси келтирилган.

Қуйида меъёрий ҳужжатнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш натижасига мисол келтирилган (жадвал 2.3).

Мисол:

TSh 26-12-819-91 «Компрессор станциялари ПР 12/07»нинг илмий-техникавий даражаси ҳақида хулоса

Техникавий шартларнинг даражаси солиштириш жадвали асосида амалга оширилди.

Баҳолаш учун маҳсулотнинг вазифаси, пухталиги, ресурсларни тежаш ва эргономик курсатгичлари танланди.

Аналог сифатида ТУ 26-12-520-89 (Россия) и С-121Д

1.3-жадвал

Техникавий шартлар TSh 26-12-819-91ни таққослаш жадвали. «Компрессор станциялари ПР 12/07»

Кўрсаткичнинг номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичнинг қиймати			Кўрсаткичнинг нисбий қиймати	
		TSh 26-12-819-91 ПР 12/07, з-д «Компрессор»	ТУ 26-12-520–89 ПВ 10/07, Россия	С-121Д «Дешал» проспекти Германия	ПВ — 10/07га қиёслаганда	С-121Дга қиёслаганда
1	2	3	4	5	6	7
1. Иш унумдорлиги, бошланғичга мослагандаги шарти	$м^3/с$ ($м^3/мин$)	0,2-0,01 (12-0,6)	0,187-0,013 (11,2-0,78)	0,192-0,0095 (11,5-0,575)	1,08	1,04
2. Якуний босим, номинал	МПа ($кГс/см^2$)	0,8 (8,0)	0,8 (8,0)	0,8 (8,0)	1,0	1,0
3. Истеъмол қуввати	кВт	79,2	73,92	872,45	0,93	0,91
4. Бирлик қуввати	$кВт/м^3мин$	6,6	6,6	6,3	1,0	1,05
5. Станция массаси	кг	2700	3030	2100	1,12	0,77
6. Капитал таъмиргача белгиланган ресурс	ч	14000	20000	25000	0,7	0,56
7. Белгиланган ишончлилик	ч	750	7500	750	1,5	1,0
8. Иш жойидаги ўртача товуш даражаси	дБА	80	80	77	1,0	1,04
9. Типи	Роторли пластинкали	Винтли мой тулдирувчи	Винтли мой тулдирувчи			

«Дешад» (Германия) МҲлари асосида ишлаб чиқариладиган ПВ 10/07 компрессор станциялари олинган. Аналоглар ҳозирда амалда бўлган халқаро ҳамда истеъмолчилар талабларига мос келади.

Техникавий шартларнинг даражаси дифференциал услубда сифатнинг комплекс кўрсатгичини аниқлаш орқали ҳисобланган.

Маҳсулот нисбий сифат кўрсаткичлари мажмуасининг таҳлили TSh 26-12-819-91га мувофиқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг даражаси Россия аналогидан юқори. Германия аналоги С-121Д «Дешад»дан паст.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунида стандартлаштириш буйича МҲларга қандай талаблар белгиланган?

2) Стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назоратининг асосий вазифалари сифатида нималар белгиланган?

3) Меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш нимани англатади?

4) Меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш қандай босқичларда олиб борилади?

5) Меъёрий ҳужжатларга киритилган ҳар бир асосий кўрсаткичнинг нисбий қиймати қандай услубда аниқланади?

6) Маҳсулотни МҲдаги сифат кўрсатгичларини аналогдаги кўрсатгичлар билан солиштириш натижасида қандай ҳолатлар кўрилиши мумкин?

7) Комплекс кўрсаткич миқдорига кўра баҳоланаётган меъёрий ҳужжатнинг илмий-техникавий даражасини қандай баҳолаш мумкин?

2.7 Меъёрий ҳужжатларнинг давлат фонди

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни 2-моддасида «Ўзстандарт» агентлиги органларида рўйхатдан ўтган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар давлат ахборот жамғармасини ташкил этади», 3-моддасида «Стандартларни тасдиқлаган органлар стандартларга доир тармоқ ахборот жамғармаларини ҳосил қилади ва юритади», 11-моддасида «стандартлар фондини, техник-иқтисодий ахборотлар классификаторларини, халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандарт-

лаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларини шакллантириш ҳамда юритиш давлат йули билан молиявий таъминлаш орқали амалга оширилиши белгиланган.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзстандарт» Агентлигининг Низомида «белгиланган ваколатлар доирасида халқаро, давлатлараро ва миллий МҲлар буйича ягона ахборот базасини ташкил этиши» курсатилган.

«Ўзстандарт» Агентлиги томонидан Ўз СТ доирасида стандартлаштириш буйича МҲлар давлат фонди (МҲДФ)ни жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва юритиш тартиби O'z RH 51-023:2004да белгиланган.

МҲДФ хўжалик юритувчи субъектлари томонидан уз фаолиятида халқаро, давлатлараро, регионал, чет эл ва давлат стандартларини, техник-иқтисодий ва социал ахборотлар классификаторларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни кенг қуллашни таъминлаш учун яратилади.

МҲДФ ни яратиш ва республикала фаолият юритишини давлат ва хўжалик бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича халқаро, регионал, давлатлараро ва чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликда «Ўзстандарт» Агентлигининг стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш ва информацион технологиялар бошқармаси ҳамда Ахборот-маълумот маркази амалга оширади.

МҲДФ қоғоз ва электрон шаклдаги меъёрий ҳужжатлар мажмуасидан иборат:

— Ўзбекистон давлат стандартлари (O'z DSt) фонди;

— давлатлараро стандартлар (ГОСТ) фонди;

— халқаро ташкилотлар стандартлари (ИСО, МЭК ва б.) фонди;

— регионал ташкилотлар стандартлари (МАС, ЕН, СЕВ ва б.) фонди;

— чет эл мамлакатларининг (DIN, ANSI, BSI ва б.) ҳамда МДҲ давлатларининг (ГОСТ Р ва б.) миллий стандартларининг фонди;

— Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган меъёрий ҳужжатлар фонди.

Ҳозирда МҲДФнинг республиканинг барча ҳудудларида филиаллари ташкил этилган булиб, унда МҲлар қоғоз ва электрон шаклларда сақланади.

Фондни жамлаш қуйидаги босқичлардан иборат:

— Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда расман тасдиқланган барча меъёрий ҳужжатларнинг (ва улардаги ўзгартишларнинг) келиб тушиши ва ҳисобга олиниши;

— давлатлараро стандартларнинг (ва улардаги ўзгартиришларнинг) келиб тушиши ва ҳисобга олиниши;

— халқаро ва регионал ташкилотларнинг бу халқаро ташкилотлар билан тегишли келишувларга мувофиқ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича ҳужжатларнинг (ва улардаги ўзгартишларнинг) келиб тушиши ва ҳисобга олиниши;

— стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича МДҲ мамлакатларидан расмий олинган ҳужжатлар ҳамда давлатлараро расмий тузилган келишувлар шартларига мувофиқ илғор чет мамлакатлар меъёрий ҳужжатларининг келиб тушиши ва ҳисобга олиши;

— стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича халқаро ташкилот ёки давлатнинг расмий ишончли ҳужжат мақомига эга булган меъёрий ҳужжатларини олиш.

МҲДФни жамлаш ва жамлашни нихоясига етказиш учун зарур булган библиографик манбаларга қуйидагилар киради:

— давлат ва хўжалик бошқарув идоралари манбалари;

— хўжалик юритувчи субъектлар манбалари;

— МҲД аъзолари билан давлатлар, халқаро ташкилотлар, чет давлатлар миллий ташкилотлари билан тузилган битимлар (келишувлар);

— МҲД давлатларининг ҳар йилги курсаткич — каталоглари;

— ИСО, МЭК ва б. халқаро ва регионал ташкилотларнинг ҳар йилги курсаткич каталоглари;

— DIN, ASTM, ANSI ва бошқа чет эл миллий стандартларининг ҳар йилги курсаткич каталоглари.

МҲДФ га тушадиган барча меъёрий ҳужжатлар «Ўзстандарт» Агентлигида қуйидаги мазмундаги махсус қайд қилиш китобида ҳисобга олиниши керак:

№ т.б.	Тушган вақти	Белгиси ва номи	Нусхалар сони	Тушган манба
1	2	3	4	5

Ҳар бир тушган ҳужжатга инвентар номери қуйилади. Биринчи нусхага «Назорат нусхаси» деган муҳр, бошқа нус-

халарга эса инвентар номери ва нусха номерлари қўйилади. Титул варағининг орқасига ҳужжатнинг ҳар бир нусхаси учун ҳимоя муҳри қўйилади.

Ўзбекистон меъёрий ҳужжатларини, давлатлараро, халқаро, регионал стандартларни ва хорижий давлатларнинг миллий стандартларини ўз ичига олувчи МҲДФ янгиларининг вужудга келиши, амалдагиларнинг талаблари ва характеристикаларига ўзгартиришлар киритилиши ва ҳужжатларнинг бекор қилиниши натижасида доимо ўзгаради.

МҲДФ ни долзарблаштириш фондни ҳужжатлар билан тўлдириш ва ҳужжатлар матнига қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

Фондни тўлдириш фақат расмий нашр қилинган меъёрий ҳужжатлар ёки уларнинг ишончли нусхалари билан амалга оширилади. Мазкур талабни бажариш учун жавобгарлик «Ўзстандарт» Агентлигига юклатилган.

Давлат ва давлатлараро стандартларга ўзгартишлар киритиш O'z DSt 1.5 нинг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзгартирилган, янги тасдиқланган ва бекор қилинган меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумот тегишли ахборотлар кўрсатгичларидан — «Ўзстандарт» Агентлигининг расмий нашрларида бериб борилади.

МҲДФдаги мавжуд МҲларнинг қоғоз ва электрон шакллари махсус хоналарда ваколатли шахслар назорати остида сақланади. Фонддан бекор қилиниши ёки алмаштирилиши сабабли чиқарилаётган МҲнинг бир нусхаси «Архив нусхаси» штампи билан «Ўзстандарт» Агентлигининг Ахборот-маълумот маркази архивида сақланади, қолган нусхалар йўқ қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунида «стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр этишни уларни тасдиқлаган органлар амалга оширишлари» кўрсатилган. Бу талаб муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ахборот манбаларининг бир хиллилигини таъминлайди.

Назорат саволлари:

1) Қандай ҳужжатлар давлат ахборот жамғармасини ташкил этади?

2) Халқаро, давлатлараро ва миллий МҲлар бўйича ягона ахборот базасини ташкил этиш кимга юклатилган?

Стандартлаштириш бўйича МҲлар давлат фондини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва юритиш тартиби қайси ҳужжатда белгиланган?

МҲлар давлат фондини жамлаш қандай босқичлардан иборат?

МҲДФни жамлаш ва жамлашни нихоясига етказиш учун зарур бўлган библиографик манбаларга нималар киради?

МҲДФдаги мавжуд МҲларнинг қандай шакллари сақланади?

2.8 Ахборот алмашинуви тизими

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида «Стандартларни тасдиқлаган органлар стандартларга доир тармоқ ахборот жамғармаларини ҳосил қилади ва юритади ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги халқаро шартномалар, техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий ахборот давлат классификаторлари, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар билан таъминлайди» деб кўрсатилган.

Халқаро савдо ташкилотининг савдодаги техникавий тусиқлар (ҲСТ СТТ) Келишувига кўра, ҳар бир давлат ўзида маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларга тегишли МҲлар бўйича тегишли маълумотларни манфаатдор томонларга етказиб беришга масъул Ахборот марказига эга бўлиши кўрсатилган.

ИСО ва бошқа халқаро ҳамда регионал ташкилотлар қошида Ахборот марказлари фаолият кўрсатади ва стандартлаштириш буйича миллий идоралар билан доимий алоқада иш олиб боради.

2008—2010 йилларда Европа Иттифоқининг гранти асосида халқаро экспертлар иштирокида ўтказилган «Ўзстандарт» агентлигини институционал ривожлантириш лойиҳаси» доирасида, «Ахборот-маълумот маркази» давлат корхонаси қошида халқаро, регионал, миллий ва маҳаллий ташкилотлар билан ахборот алмашувини олиб борувчи Ахборот маркази ташкил этилган.

Халқаро, регионал, чет давлатлар миллий идоралари билан ахборот алмашувини олиб бориш «Ўзстандарт» агентлиги орқали факат Ахборот-маълумот марказига юклатилган. Маҳаллий манфаатдорлар учун ахборот хизматини кўрса-

риш мурожаатга кура, Ахборот-маълумот маркази ва «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларига юклатилган.

МҲлар ва улар тўғрисидаги маълумотлар ваколатли махсус идоралар (асосан, стандартлаштириш буйича миллий идоралар) томонидан каталогларда расман бериб борилади.

Халқаро талаблар асосида қабул қилинган давлат стандарти O'z DSt ISO 7220:2000да Ўзбекистон Республикасида стандартлар каталогларини ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш буйича талаблар белгиланган. Шунга кура, каталог келтирилган нашрлар учун ҳамма библиографик ахборотларни ўз ичига олиши керак.

Каталогда келтирилган нашрларда махсус нашрлар учун хаволалар билан бирга қуйидаги ахборот келтирилиши керак:

— стандартга хавола рақами;
— номи ва кичик сарлавҳаси;
— стандартга жавобгар ташкилот (нашриётчи бўлмаса);
— нашр;
— бошқа идентификатлаштириш рақамлари (масалан, серия рақами);
— нашр этиш манзили ва нашриётчи (агар стандартни ва каталогни нашр этувчи ҳар хил шахс бўлса);
— нашр этиш санаси;
— стандартдаги босма хатолари ва (ёки) тузатишлари руйхати;
— ахборот элтувчининг тури (қоғозда бўлмаса);
— тили (агар миллий бўлмаса);
— ҳажми (босма табоғи ёки бетлари сони);
— нархи ёки бадали (қўллаш мумкин бўлганда).

Юкорида курсатилган ахборотлар қуйидаги ахборот билан тўлдирилиши мумкин:

— бошқа тиллардаги ёки асл нусхалардаги параллел сарлавҳалар;
— ҳужжатнинг қонуний мақоми;
— бошқа стандартлар билан уйғунлаштирилиши (масалан, миллий стандартни ИСО стандарти билан уйғунлаштирилиши);
— стандартни тасдиқ этиш ёки бекор қилиш (масалан, охирги тасдиқ этиш санаси);
— ўриндош нашрларга хаволалар;
— таржималар;
— материаллар тавсифи: бетлар сони, формати ва бошқалар;
— таснифлар.

Каталог шундай тузилиши керакки, унинг бўлимлари ушбу фойдаланувчилар ва каталог мақсадига қулай шаклда жойлашиши керак.

Каталогнинг асосий қисми каталогда келтирилган нашрлар ҳақидаги ҳамма ахборотларни ўз ичига олиши керак. Нашрга тегишли бошқа қисмлари асосий қисмига индекс шаклида киритилиши керак.

Каталог тузилмасига киритилиши лозим бўлган элементлар:

— титул варағи;
— мундарижа;
— қўллаш бўйича қўлланма;
— схемали предмет курсаткичи;
— мавзу бўйича нашрлар рўйхати;
— рақамлаш индекси;
— алфавитли индекс;
— бошқалар.

Каталогнинг номи ва унга тегишли бошқа ахборотлар, шунингдек санаси ёки амал қилиш муддати титул варағида келтирилиши керак.

Каталог даврий ва заруратга кўра актуаллаштириб борилиши керак. Каталогни актуаллаштириш мазкур каталогга киритилган ҳамма нашрларга тааллуқли бўлиши керак.

Каталогни тайёрлашда нималарга эътибор бериш керак?

Ҳар қандай каталогни тузиш ва уни мазмуни қўйилган мақсадга ва аудиторияга мувофиқ бўлиши лозим. Халқаро каталог асосида каталогни тузишдан олдин нашр этувчи, каталогнинг турини аниқлаши талаб этилади.

Бунинг учун қуйидаги элементларни инобатга олган ҳолда каталог режаси тайёрланади:

— каталог соҳаси;
— асосий аудитория;
— киритилганларга мезонлар;
— таркиби;
— тузилиши;
— библиография;
— индекслар;
— ўлчами;
— чоп этилиши (формати, частотаси ва б.);
— нисбий каталоглар;
— кенгайтириш имкониятлари.

Давлат стандарти O'z DSt ISO 7220:2000да стандартлар каталогларини ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш бўйича аниқ кўрсатмалар мисоллар билан келтирилган.

МҲДФдаги ҳужжатларни манфаатдор томонлар (юридик ва жисмоний шахслар)га етказиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

— ҳужжатларни нашр этиш;

— каталоглар, кўрсатгичлар, руйхатлар, реестрлар ва бошқа ахборот материалларини нашр этиш;

— турли тематик проспектларни нашр этиш;

— янги МҲлар кўргазмаларини ташкил этиш.

«Ахборот-маълумот маркази» ДК тадбиркорларни МҲлар (уларга узгартиришлар) расмий (руйхатдан утказилган) нусхалари билан таъминлаш билан бирга МҲларга тегишли (амал қилиш муддати, бекор қилиниши ва алмаштирилиши ҳақида) бошқа маълумотлар, халқаро, регионал, чет давлатлар стандартларининг таржималари борлигини аниқлаш ёки уларни рус ва давлат тилига таржима қилиш ҳамда МҲДФнинг маълумотлар базаси билан ишлаш каби хизматларни кўрсатади.

Назорат саволлари:

1) Қандай органлар стандартларга доир тармоқ ахборот жамғармаларини ҳосил қилади ва юритади?

2) Халқаро ҳамда регионал ташкилотлар қошида Ахборот марказлари стандартлаштириш буйича миллий идоралар билан қандай иш олиб боради?

3) Каталог нима учун юритилади?

4) Каталогда қандай ахборот келтирилиши керак?

5) Каталог тузилмасига киритилиши лозим булган қандай элементларни биласиз?

6) МҲДФдаги ҳужжатларни манфаатдор томонларга етказиш қандай усулларда амалга оширилади?

2.9 Меъёрий ҳужжатларни жорий этиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги Низом»да стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назоратининг асосий вазифаларидан бири «стандартлар ва метрологик

ўз вақтида талбиқ этиш ва уларга қатъий риоя
эканлиги белгиланган.
1.14:1999*да чет истеъмолчиларга реализация
маҳсулотлар, жараёнлар, хизматларга стандарт-
бўйича МҲларни Ўз СТ доирасида жорий этиш
берилган ва стандарт давлат ҳамда хўжалик бошқа-
идоралари, талбиркорлик субъектлари учун мўлжал-
Белгиланган мавзуга ойдинлик киритиш учун қуйи-
терминларни (O'z DSt 1.14:1999*) келтирамиз:

МҲни жорий этиш — МҲга риоя қилишни таъминлаш-
ташкилий-техникавий тадбирларни амалга

МҲга риоя қилиш – МҲнинг қўлланиш доирасига му-
унда белгиланган талабларни бажариш;

МҲни жорий этиш санаси — МҲ юридик мақомга ва
талаблари эса мажбурий кучга эга бўладиган сана».

МҲнинг жорий этилиш жараёни унинг расмий кучга ки-
кунида тугалланиши керак. Шу кундан бошлаб
ушбу ҳужжат талабларига мувофиқ равишда ишлаб
(сотилиши) керак, акс ҳолда МҲ амал қил-
ҳисобланади. МҲнинг ўз вақтида ва тўлиқ жорий
ва риоя қилинишини соҳага масъул тегишли давлат
идоралари, стандартлаштириш бўйича ТҚ ва
ташкилотлари назорат қилади.

МҲ жорий этилишини буйруқ, хизмат хати, қарор ва
ташкилий-бошқарув ҳужжатлар билан ёки техник
(конструкторлик, технологик, лойиҳали, дас-
таъмирлаш-фойдаланиш) мувофиқ ўзгартишларни
билан расмийлаштириш мумкин. Бунда, икки да-
ташкилий-техникавий тадбирлар режалари ишлаб

а) МҲни ишлаб чиққан ташкилотнинг (манфаатдор то-
билан келишилган ҳолда) асосий тадбирлари режаси;

б) ҳар бир манфаатдор корхона томонидан ишлаб чи-
тадбирлари режаси.

МҲ жорий этилиши бўйича ташкилий-техникавий тадбир-
режаларига ташкилий масалалар билан бирга, бу ишлар-
амалга ошириш билан боғлиқ бўлган моддий-техни-
ва иқтисодий масалалар ҳам киритилиши мумкин:

МҲни жорий этилиши сабабли бошқа амалдаги МҲлар-
қайта кўриш, бекор қилиш ва янги ҳужжатларни ишлаб

маҳсулот ишлаб чиқаришни моддий-техникавий таъминлаш ва ташкилий тайёрлаш;

технологик жараёнларни, иш режимларини такомиллаштириш, автоматлаштириш ва электроника тизимларини жорий этиш;

маҳсулотни тажриба намунасини тайёрлаш, янги маҳсулот синовлари ва ишлаб чиқарилишини амалга ошириш;

ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш;

корхона ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

бошқа зарур тадбирлар.

Қуйида МҲни жорий этиш баённомасининг намунавий кўриниши келтирилган.

Намуна:

Меъёрий ҳужжатни жорий этиш баённомаси

Тасдиқлайман:

_____

(имзо, Ф.И.Ш., лавозими, сана)

_____(тузилган жойи)____ МҲни «___» _____да жорий этиш бўйича

-сонли баённома

Комиссия иши учун асос (буйруқ, фармойиш)_____

Қуйидаги таркибдаги комиссия томонидан тузилган:

Раис _____

(вазифаси, ф.и.ш.)

Комиссия аъзолари

1._____

(вазифаси, ф.и.ш.)

2._____

(вазифаси, ф.и.ш.)

Комиссия аниқлади:

Ишлаб чиқилган____МҲ____МҲнинг талабларига тўлиқ жавоб беради.

_____МҲда____соҳа талаблари тўлиқ бажарилмоқда

_____(маҳсулот номи ва белгиланиши)_____МҲ талабларига мос келади.

_____МҲни «___»_____дан жорий этилган ҳисоблансин.

Комиссия раиси (имзо, ф.и.ш.)_____

Комиссия аъзолари _____

Режада ҳар бир тадбирнинг ижроси буйича зарур бўлган молиявий таъминот, ижрочилар ва муддатлар кўрсатилиши керак.

Ўзаро боғлиқ стандартлаштириш объектларига тегишли ҳар бир ҳолда жорий этиладиган бир неча МҲларга битта умумий тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши мумкин.

МҲни жорий этишнинг тугалланилиши тегишли комиссия томонидан тасдиқланган баённома билан расмийлаштирилади.

МҲни жорий этаётган корхона (ташкилот) ушбу жараён натижасини олиб боради ва бу ҳақда тегишли давлат ва ҳўжалик органлари, стандартлаштириш буйича ТҚ ва таянч ташкилотларига ҳисобот бериб боради.

Назорат саволлари:

1) Меъёрий ҳужжатларни жорий этиш нимани англатади?
2) Меъёрий ҳужжатга риоя қилиш нимани англатади?
3) Меъёрий ҳужжатларни жорий этиш санаси нимани англатади?
4) МҲни жорий этилиш жараёни қайси кундан тугалланиши керак?
5) МҲ жорий этилиши буйича ташкилий-техникавий тадбирлар режаларига нималар киритилади?
6) МҲнинг ўз вақтида ва тўлиқ жорий этилиши ва риоя қилинишини кимлари назорат қилади?

2.10 Комплекс стандартлаштириш

Ҳар бир маҳсулот (жараён, хизмат) ўз ҳаёт даври давомида бир неча босқичлардан (режалаштириш, меъёрлаштириш, ишлаб чиқиш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш, йўқ қилиш) ўтади. Маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш учун юқорида қайд этилган ҳар бир босқич стандартлаштирилиши зарур. Стандартлаштириш объектининг ҳаёт даври самарали эканлигини таъминлаш учун, албатта, стандартлаштириш комплекс тарзда, барча элементларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаган ҳолда олиб борилиши керак.

Комплекс стандартлаштириш O'z DSt 1.10:1998 да келтирилишича — аниқ бир муаммонинг энг мақбул ечимини топиш мақсадида, аниқ бир мақсадга йўналтирилган ва режа асосида белгилашни ҳамда объектга таъсир этувчи ўзаро боғлиқ талаблар тизимларини умуман комплекс стан-

дартлаштириш объектига ва унинг ташкил этувчи асосий қисмларига, худли шундай бошқа материал ва номатериал омилларига татбиқ этишни амалга оширишга қаратилган стандартлаштириш жараёнидир. Комплекс стандартлаштириш (КС) барча ўзаро алоқада булган факторларни тизимлаштириш ва бир-бирига боғлашга ҳамда маҳсулот сифатининг оптимал даражасини таъминлашга қаратилган тадбир булиб, бу мақсадлар КС дастурларини ишлаб чикиш ва амалга киритиш орқали амалга оширилади.

КСда нафақат стандартлаштириш объектининг ўзаро боғлиқ элементлари кўрсатгичларини мувофиқлаштирилишини, балки стандартларнинг жорий этилиш вақти ва кетма-кетлигини келишилган ҳолда олиб боришни таъминлайди. Шу билан бирга, КС орқали ўзаро боғлиқ иқтисодиёт тармоқлари ўртасида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмолга беришда келишилган фаолият кўрсатишга, бир-бирини ишини қайтармасликка, бу билан эса ресурсларни тежашга, фан-техника ютуқларини ва замонавий технологияларни самарали тарзда амалиётга жорий этишга, истемолчи талабини етарли даражада қондиришга эришилади.

КС дастурлари ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш буйича методик кўрсатмалар O'z RH 51-079:1999да келтирилган.

Комплекс стандартлаштириш уч йўналишдаги объектларни уз ичига олган дастурлар асосида амал оширилиши мумкин:

1) материаллар ва буюмлар (хом-ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, деталлар ва шу кабилар);

2) маҳсулот сифати, хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган номатериал омиллар (ҳисоблаш, лойиҳалаш, назорат усуллари, сифатни таъминлаш тизимлари);

3) технологик жараённинг барча босқичларидаги омиллар (технологик ускуналар, жараён ва бу жараёнда назорат тизими).

КСнинг самарадорлиги бир неча муҳим талабларни бажарилиши билан таъминланади:

— **тизимлилик** — КСда иштирок этадиган барча объектларни яратилиш ва фойдаланиш жараёнларида ўзаро боғлиқлигини таъминлашга қаратилган талабларни ўрнатиш;

— **комплекслилик ва оптимал чегаралаш** — комплекслилик таъминлаш билан бирга фақат КС объектининг сифатига бевосита таъсир этувчи омилларни стандартлаштириш;

— **истиқболлилик** — КС объектининг жаҳон фан ва тех-

ника тараққиётининг ҳозирги даражаси ва тенденцияларига мослигини инобатга олиш;

— **амалдаги МҲлар билан боғлиқлиги** — мавжуд МҲларнинг КС объекти билан узвийлигини таъминлаш;

— **амалга ошириш** — КС дастурига киритилган МҲларнинг уз вақтида жорий этилишини таъминлаш.

КС дастурлари, асосан, маҳсулотларнинг муҳим турлари, тармоқлараро аҳамиятга эга маҳсулотлар учун ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. КС дастурлари давлат ва тармоқ йиллик стандартлаштириш режалари (дастурлари)га киритилади. КС дастурлари бўлимлардан иборат бўлиб, 2.10-расмда КС объектларининг шартли чизмаси умумий кўринишда берилган.

Мисол тарикасида «Буғдой» КС дастурини кўриб чиқамиз.

Буғдойни етиштириш, йиғиб олиш, ташиш, тозалаш, сақлаш, қайта ишлаш жараёнларини ўз ичига олган КС дастури масъул идоралар (илмий муассасалар, давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, «Ўзстандарт» Агентлиги, стандартлаштириш бўйича ГҚ ва таянч ташкилотлар) томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади.

Буғдойни КС дастури ижросидан асосий манфаатдор тармоқларни шартли уч гуруҳга бўлиш мумкин:

— буғдойни етиштирувчи тармоқлар;

— буғдойни ва ундан олинадиган маҳсулотларни истеъмол қилувчи тармоқлар;

— олдинги икки тармоқлар учун ишлаб чиқариш-техникавий базани яратувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар.

Биринчи гуруҳ тармоқларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга алоқадор давлат ва хўжалик бошқарув идоралари киради. Қишлоқ ва сув хўжалиги, дон маҳсулотлари, фермер хўжаликлари, тайёрлов корхоналари бўйича тармоқлар шулар жумласидан.

Иккинчи гуруҳ тармоқларига буғдойни қайта ишлаш, ун ва ун чиқиндилари ишлаб чиқиш, ем тайёрлаш, нон, макарон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари бўйича тармоқлар шулар жумласидан.

Учинчи гуруҳга дон ва дон маҳсулотлари ускуналарини ишлаб чиқарувчи, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва техникаси, қишлоқ хўжалигининг авиацияси, қишлоқ хўжалигининг кимёвий ҳимояси, барча турдаги



2.10-расм. Комплекс стандартлаштириш объектлари шартли чизмаси

транспорт корхоналари, электротехника ва асбобсозлик корхоналари буйича тармоқлар киради.

КС дастурини амалга ошириш даврида айрим амалдаги МҲлар қайта кўриб чиқилади, бекор қилинади, уларга ўзгартиришлар киритилади. Шу билан бирга, бу даврда аниқ стандартлаштириш объектларига умумий техникавий талаблар, техникавий талаблар, синовлар ва назорат услублари стандартлари ишлаб чиқилади.

КС дастурини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, назорат қилиш, амалга ошириш ишлари бунга масъул ва манфаатдорлар идоралар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади. КС дастурини доирасида стандартлаштириш субъектларининг ўзаро боғлиқлик шартли чизмаси 2.11-расмда кўрсатилган.



2.11-расм. Комплекс стандартлаштириш дастури субъектларининг ўзаро боғлиқлиги шартли чизмаси

Назорат саволлари:

1) Комплекс стандартлаштириш нимани англатади?

2) Комплекс стандартлаштириш нима мақсадда амалга оширилади?

3) Комплекс стандартлаштириш орқали нимага эришилади?

4) Комплекс стандартлаштириш неча ва қандай йўналишдаги объектларни ўз ичига олган дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин?

5) Комплекс стандартлаштиришнинг самарадорлиги қандай талабларнинг бажарилиши билан таъминланади?

6) Комплекс стандартлаштириш дастурлари қандай бўлимлардан иборат?

7) Комплекс стандартлаштириш дастури субъектларининг қандай боғлиқлиги бор?

2.11 Олдиндан стандартлаштириш

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасида Ўзбекистон Республикаси-

нинг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қила олиш имконини таъминлаш учун асосли ҳолларда стандартларда истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талаблар белгилаб қўйилиши (олдиндан стандартлаштириш) мумкинлиги кўрсатилган. Қонунда, давлат томонидан истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талабларни ўз ичига олган стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган хўжалик фаолияти субъектлари иқтисодий қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишининг кафолатланиши белгилаб қўйилган.

Олдиндан стандартлаштириш — мустақил ишлатиладиган тугал тайёр буюмлар (машиналар, асбоблар, автоматлаштириш воситалари, халқ истеъмоли моллари)нинг, шунингдек, улар билан биргаликда фойдаланиладиган тугал тайёр буюмлар мажмуи (тизими)нинг техника-иқтисодий тавсифларига ўзининг сифати ва даражаси билан жиддий таъсир кўрсатадиган хомашё, материаллар, деталлар, қисмлар, йиғма, бирликлар, асбоблар ва намунавий технологик жараёнларга бўлган талабларни олдиндан стандартлаштиришни англатади.

Стандартлаштириш мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умумий ва кўп марта фойдаланиладиган қоидаларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган фаолият эканлигини ҳисобга олсак [O'z DSt 1.10:1998], ***олдиндан стандартлаштириш*** — бу стандартлаштириш объектларига тегишли бўлган амалдаги талаблардан юқори (истиқболга мўлжалланган) талабларни ўз ичига олган илгарилама стандартлар ишлаб чиқишга йўналтирилган фаолиятдир.

ЎзСТ доирасида ишлаб чиқилган Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.16 да илгарилама стандартларни ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланган. Ушбу ҳужжатда қуйидаги таърифлар келтирилган:

илгарилама стандарт — бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи техникавий даражаси ва сифати асосий кўрсатгичларига бўлган талабларни белгиловчи «Умумий техникавий талаблар» (O'z DSt UTT) кўринишидаги давлат стандарти;

янги маҳсулот — ҳозирда ишлаб чиқилаётган маҳсулотдан

техникавий даражаси ва сифати билан характерланган, унинг техникавий-иқтисодий кўрсатгичлари ва бозор техника ривожланиши истиқболи билан замонавий талабларга жавоб берадиган маҳсулот;

янги маҳсулот — маҳсулотнинг белгиланган конструктив-технологик ечимлари ва аниқ функционал кўрсаткичлари билан характерловчи моделлари;

бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи — умумий асосий хусусиятларга, умумий функционал вазифаларга эга булган маҳсулотлар жамламаси;

маҳсулот техникавий даражаси ва сифати босқичи (поғонаси) — илгарилама стандартда белгиланган бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи ёки аниқ маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифати асосий кўрсатгичлари миқдорининг жамламаси.

Бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи (ишлаб чиқариш-технологик усуллар, халқ истеъмоли моллари, жамлаш (комплектловчи) буюмлари, материаллар)га илгарилама стандартларни ишлаб чиқиш, бу энг юқори даражадаги халқаро талабларга ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва истеъмолчилар талабларига мос равишда маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқаришга қаратилган жараёндир. Бу жараёнда,

биринчидан, истеъмолчи (буюртмачи)ларнинг маҳсулотнинг тури, техникавий даражаси ва сифатига бўлган илмий-техникавий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган талабларини қондиришга;

иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулотларга стандартлар ишлаб чиқишда илмий-текшириш ишлари натижалари, фан-техника ютуқларини тўлиқ қўллашга;

учинчидан, бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи техникавий даражаси ва сифатининг асосий кўрсатгичларини белгилаш орқали, янги маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқишда керакли (мўлжалдаги) сифат даражасига эришилади.

Илгарилама стандартлар (O‘z DSt UTT), одатда, бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи асосий кўрсатгичларини ўрганиш бўйича ўтказилаётган илмий-тадқиқот ишларини олиб борилиш асосида ишлаб чиқилади ва уларда техникавий даража ва сифатнинг уч босқичи ўрнатилади:

1-босқичда асосий истеъмолчининг талаблари асосида янгари ишлаб чиқилган маҳсулотга талаблар белгиланади;

2-босқичда юқори халқаро даража талабларида яратилаётган (модернизация қилинаётган) маҳсулотга талаблар белгиланади;

3-босқичда энг юқори даражадаги халқаро талаблар асосида истиқболли янги маҳсулот яратишга мулжалланган талаблар белгиланади.

Илгарилама стандартларга киритилаётган маҳсулотларни техникавий даражаси ва сифатининг асосий кўрсатгичлар соҳадаги етакчи ташкилотлар (хусусан, илмий-тадқиқот муассасалари, стандартлаштириш буйича ТҚ ва таянч ташкилотлар) томонидан белгиланади ва халқаро амалиётдаги ривожланиш анъаналарига (масалан, ИСО, МЭК ва бошқалар стандартларига) мос булиши керак. Юқорида кўрсатилган техникавий даража ва сифатнинг навбатдаги босқичи амалга оширилганда, куйи босқич бекор қилиниши керак.

Маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлар, уларнинг техникавий даражаси ва сифатини кўрсатувчи алоҳида параметрлари, сифат кўрсатгичлари ва буюмлари (материали, хомашёси ва бошқалар), ишлаб чиқариш воситалари ва услублари, назорат ва синовлар услублари ҳамда бошқалар илгарилама стандартларнинг объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат стандарти сифатида қабул қилинган халқаро, регионал МҲлар илгарилама стандарт сифатида қабул қилиниши мумкин.

Назорат саволлари:

1) Олдиндан стандартлаштириш нимани англатади?

2) Олдиндан стандартлаштириш қандай фаолиятни ўз ичига олади?

3) Илгарилама стандарт нимани англатади?

4) Маҳсулот техникавий даражаси ва сифати босқичи (поғонаси) нимани англатади?

5) Илгарилама стандартлар (O'z DSt UTT) қандай жараёнда ишлаб чиқилади ва уларда қандай босқичлар ўрнатилади?

6) Илгарилама стандартларга киритилаётган маҳсулотларни техникавий даражаси ва сифатининг асосий кўрсатгичлар ким томонидан белгиланади?

2.12 Стандартлаштиришни режалаштириш

Стандартлаштириш [O'z DSt 1.10:1998], бу мавжуд ёки булажак масалаларга нисбатан умумий ва кўп марта фойдаланиладиган қоидаларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган фаолиятдир. Шу билан бирга, маҳсулот, жараён ва хизматлар-

нинг белгиланган функционал вазифасига мос келиши ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликка кўмаклашиши стандартлаштириш фаолиятининг муҳим натижаси бўлиши керак.

Халқаро, регионал, давлатлараро стандартлаштириш идоралари стандартлаштириш ишларини узларининг ваколатлари доирасида ишлаб чиқилган ва тасдикланган режа ёки дастурлар асосида амалга оширади.

Стандартлаштириш буйича энг нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланувчи ИСОнинг асосий фаолияти халқаро стандартларни ишлаб чиқишдан иборат. Стандартларни ИСОнинг техникавий қўмиталари ишлаб чиқади. Ҳар йили бир маротаба ўтказиладиган ИСОнинг Бош ассамблеясида ташкилотнинг фаолиятига тегишли асосий ҳужжатлар, шу жумладан, стандартлаштириш буйича дастурлар (режалар) қабул қилинади. Стандартлаштириш буйича дастурлар ташкилотга аъзо давлатлар томонидан берилган таклифларга асосан тузилади. Халқаро стандартлар ҳар бир маҳсулот учун ишлаб чиқарилавермайди, балки, аксарият ҳолларда уларнинг бир турлаги гуруҳи учун ишлаб чиқилади. Шунда ҳам, агар таклиф этилаётган стандарт кейинчалик халқаро савдони ривожлантиришга омил бўлса, маълум бир йўналиш ёки соҳада инсон ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилса, бундай стандартни ишлаб чиқиш стандартлаштириш дастурига киритилади. Стандартлаштириш дастурига бевосита МҲни ишлаб чиқиш билан бирга, стандартлаштириш объектига таалуқли соҳада илмий-тадқиқот ишларини, таҳлилий ва статистик ўрганишларни олиб бориш кабилар ҳам киритилиши мумкин. ИСОнинг стандартлаштириш буйича дастурлар ижроси ҳақида маълумотлар Ҳисоботлар, Ахборотномаларда ҳамда ИСОнинг ҳар ойлик ахборот бюллетени (ISO Bulletin)да чоп этиб борилади.

Стандартлаштириш буйича бошқа халкаро ташкилотлар (МЭК, МСЭ, Қонунлаштирувчи метрология буйича халқаро ташкилот ва бошқалар)да ҳам стандартлаштириш буйича ишлар белгиланган тартибда (шу ташкилот доирасида аъзолар таклифи асосида) ишлаб чиқилган, тасдиқланган дастурлар (режалар) асосида олиб борилади.

Минтақавий даражадаги (масалан, ЕИ, Лотин Америкаси ва бошқалар) стандартлаштириш бўйича ишлар шу минтақага масъул ташкилотнинг тегишли стандартлаштириш Дастурига асосан олиб борилади.

ЕИ доирасида стандартлаштириш буйича ишлар Европа

стандартлаштириш ташкилоти (СЕН)га юклатилган булиб, стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш буйича дастурлар миллий идоралар томонидан берилган таклифлар асосида тайёрланади ва ташкилотнинг Бош ассамблеясида тасдиқланади. Бунда дастурларга регион учун долзарб булган йуналишдаги стандартларни ишлаб чиқиш, халқаро стандартларни ЕИ ҳудудида жорий этиш, бошқа регионал ташкилотлар билан ҳамкорлик буйича масалалар киритилади.

«Стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қуллашга доир ҳаққоний амалиёт Кодекси» (ҲСТ СТТ)да стандартлаштириш буйича (миллий) идоралар камида олти ойда бир марта ишлаб чиқилаётган ва тасдиқланган стандартлар (миллий даражада) буйича ишлар (стандартлаштириш) дастурини чоп этиб бориши кераклиги кўрсатилган. «Ўзстандарт» агентлиги ЕИнинг Ўзбекистонда олиб борган лойиҳаси доирасида 2009 йилда ушбу Кодексни қабул қилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Конуни 11-моддасида «республика бюджети маблағларидан тулиқ ёки қисман таъминланадиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини норматив жиҳатдан таъминлаш бўлимлари назарда тутилиши лозимлиги белгиланган. Бу уз навбатида, мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш давлат дастурлари доирасида республика иқтисодиёт тармоқларини меъёрий базасини таъминлашга қаратилган республика, унинг доирасида эса тармоқ ва бошқа даражадаги стандартлаштириш дастурлари ишлаб чикилишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида миллий доирада стандартлаштириш давлатлараро, давлат, тармоқ, маъмурий-ҳудудий, корхона даражаларда фаолият кўрсатади. Шу боис, стандартлаштириш дастурлари ҳам турли даражада ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши мумкин.

Стандартлаштириш дастурлари қуйидагилар асосида тузилади:

— МДҲнинг Давлатлараро кенгаши қарори;

— Ўзбекистоннинг халқаро, давлатлараро келишувлари;

— Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари;

— мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Давлат дастурлари:

— Давлат илмий-техникавий дастурлари;

— стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш бўйича концепциялар;

— давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари тармоқ дастурлари;

— ишлаб чиқарувчиларни янги маҳсулотни яратиш режалари;

— истеъмолчилар таклифлари.

Ўз СТ [O'z DSt 1.10:1998]да қабул қилинган таърифга кўра, **стандартлаштириш дастури** — стандартлаштириш билан шуғулланувчи идораларнинг стандартлаштириш бўйича асосий ишлари номи баён қилинган иш режасидир.

Давлатлараро стандартлаштириш ишлари 1992 йил 13 мартда имзоланган стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсат тўғрисидаги Келишувни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқиладиган дастурлар асосида олиб борилади. Бунда Давлатлараро дастурга амалдаги давлатлараро стандартлар (ГОСТ) фондини такомиллаштириш, айрим МҲларни қайта кўриш, ўзгартириш, миллий идоралар таклифлари асосида янги МҲларни ишлаб чиқиш, халқаро стандартларни давлатлараро стандартлар сифатида қабул қилиш топшириқлари киритилади.

Одатда, МДҲ доирасида бир неча йиллик Давлатлараро стандартлаштириш дастурлари ишлаб чиқилади ва Кенгашнинг миллий идоралар раҳбарлари иштирокида йилда икки марта ўтказиладиган йиғилишларида тасдиқланади. Дастурлар Кенгашнинг тегишли ишчи комиссиялари, стандартлар бюроси томонидан назорат қилиб, Кенгаш йиғилишларида ҳисоботлар бериб борилади.

Давлатлараро МҲларни ишлаб чиқиш РМГ — 01 тавсияномага асосан Давлатлараро стандартлаштириш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Ана шу давлатлар таклифлари асосида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида 1992 йилдан бери бир неча дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Масалан, 2000-2005 йилларга мўлжалланган ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва ҳимояси соҳасида стандартларни ишлаб чиқиш бўйича давлатлараро дастур ишлаб чиқилган ва амалга оширилган.

Ўз СТ доирасида қабул қилинган раҳбарий ҳужжат O'z RH 51 040-95* да стандартлаштириш бўйича давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши тартиби келтирилган.

Стандартлаштириш буйича давлат дастури давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, стандартлаштириш буйича ТҚ ва таянч ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларни стандартлаштириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилади ва унга қуйидагилар киритилади:

— янги МҲларни ишлаб чиқиш;

— мавжуд МҲлар фондини такомиллаштириш;

— халқаро, регионал МҲларни O'z DSt ISO/IEC 21:2001га қуллаш;

— давлатлараро стандартларни O'z DSt 1.7 га мувофик қуллаш;

— комплекс стандартлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

— илгарилама стандартларни ишлаб чиқиш;

— ихтиёрий стандартларни ишлаб чиқиш;

— стандартлаштириш буйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш.

Стандартлаштириш буйича давлат дастури бир неча йилга (одатда, уч йилга) ишлаб чиқилади ва унга кирган ҳужжатлар бир ёки бир неча йилда ишлаб чиқилиши мумкин.

Стандартлаштириш буйича дастурлар МҲнинг даражасига мувофиқ равишда қуйидан юқорига қараб ишлаб борилади.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Давлат дастурлари, давлатлараро стандартлаштириш дастури, тармоқни ривожлантириш дастурлари, янги маҳсулотларни яратиш ва ўзлаштириш режаларига, Давлат илмий-техникавий дастурлари натижаларига асосан, давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, стандартлаштириш буйича ТҚ ва таянч ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг таклифлари асосида тармоқлар стандартлаштириш буйича дастурлари ишлаб чиқилади. Тармоқлар стандартлаштириш буйича дастурлари келишиш ва Стандартлаштириш буйича давлат дастурига киритиш учун «Ўзстандарт» Агентлигига тақдим этилади.

Тармоқлар стандартлаштириш буйича дастурлари 2.3-жадвал кўринишида тайёрланади ва тармоқ раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

«Ўзстандарт» Агентлиги берилган барча таклифларни умумлаштирган ва мувофиқлаштирган ҳолда, Стандартлаштириш буйича давлат дастурини тайёрлайди ва режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 1 декабригача уни тасдиқлайди. Тасдиқланган Стандартлаштириш буйича давлат дастури тегишли томонларга (давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, стандартлаштириш буйича ТҚ ва таянч ташки-

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг янги меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалдагиларини қайта кўриш ва уларга ўзгартиришларни киритишнинг 20 йилга мўлжалланган _____ буйича ДАСТУР

(ташкилот номи)

Классификатор бўйича гуруҳи	МҲнинг номи ва шартли белгиланиши	Ишлаб чиқаришга асос	Қайта кўриш ва ўзгартириш киритишда кўриладиган асосий курсаткичлар, талаблар, меъёрлар	Тайёрлаш муддати (ой)	МҲни ишлаб чиқарилишига масъул давлат ва хўжалик бошқарув идоралари

_____(раҳбар имзоси. Ф.И.Ш.)

2.4-жадвал

«Ўзстандарт» агентлигининг
«__»____йилдаги ___-сонли
қарори билан тасдиқланган

20__ — 20__ йилларга мўлжаллаган Ўзбекистон стандартлаштириш буйича давлат дастури

Ўзбекистон МХнинг номи	Иш тури (ишлаб чиқиш, қайта кўриш ва ўзгартириш киритиш)	Асос	Ижрочилар
1	2	3	4

Бажариш муддати (ой, йил)			илмий-техникавий экспертиза буйича эксперт-ташкилот
Биринчи таҳрир	Охирги таҳрир	МХни тасдиққа бериш (қабул қилиш)	
5	6	7	8

лотлар, хўжалик юритувчи субъектлар) ижро учун жўнатилади ва «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан назорати олиб борилади.

Стандартлаштириш бўйича давлат дастури 2.4-жадвал кўринишида тузилади ва тасдиқланади.

Дастур иккита катта қисмдан иборат ҳолда тузилади:

1-қисм — Тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари, умумтехникавий стандартлар комплексларини ривожлантириш ва такомиллаштириш (Ўз СТ, Ўз СМТ, МЯТ, Ўз КХТ ва бошқалар);

2-қисм — иқтисодиёт тармоқларида (озиқ-овқат, машинасозлик, ёқилғи-энергетика, енгил саноати ва бошқалар) маҳсулотлар ва хизматларни стандартлаштириш.

Хўжалик бирлашмалари ва корхоналар ўзлари белгилаган тартибда стандартлаштириш бўйича дастурларини ишлаб чиқадилар. Бу дастурлар Давлат ва тармоқлар дастурларига ҳамоханг бўлиши, уларга қарама-қаршилиги бўлмаслиги керак.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштиришни режалаштириш нимани англатади?

2) ТСОда стандартлаштириш бўйича дастурлар нимага асосан тузилади?

3) Халқаро амалиётда стандартлаштириш бўйича дастурлар қандай даврийликда чоп этилади?

4) Стандартлаштириш дастури нима?

5) Ўзбекистонда стандартлаштириш дастурлари нималар асосида тузилади?

6) Стандартлаштириш бўйича давлат дастурига нималар киритилади?

7) Стандартлаштириш бўйича тузиладиган дастур неча қисмдан иборат бўлади?

2.13 Ўзаро алмашиниш ва бир-бирига мослик

Савдонинг глобаллашуви, маҳаллий (айнан бир давлатда ишлаб чиқарилган) маҳсулотларнинг регионал, бошқа давлатлар бозорларига чиқарилиши ва кенг истеъмолда бўлиши, стандартлаштириш соҳасида муҳим курсатгич ҳисобланган «ўзаро алмашиниш» ва «мослилик»нинг аҳамиятини янада кўтаради.

O'z DSt ISO/IEC 2:2007да **«ўзаро алмашиниш:** бир буюм, жараён ёки хизматнинг худди ўша талабларни бажариш мақсадида бошқа буюм, жараён ёки хизмат ўрнига фойда-

ланиш учун яроқлилиги» деб кўрсатилган. Бунда, ўзаро алмашинишнинг функционал аспекти «функционал ўзаро алмашиниш», ўлчамли аспект эса — «ўлчамли (геометрик) ўзаро алмашиниш» деб аталади.

Ўзаро алмашинишга талаблар икки гуруҳга бўлинади:

барча саноат маҳсулотларига тегишли ўзаро алмашинишнинг умумий меъёрлари;

бир турдаги маҳсулотлар гуруҳига ёки айнан бир маҳсулотга тегишли ўзаро алмашинишнинг аниқ меъёрлари.

Ўзаро алмашинишнинг умумий меъёрларига мақбул сонлар ва нормал чизиқли ўлчамлар қатори, конструктив элементлар ва параметрлар, деталларнинг бир-бирига уланиш турлари, резбалар ва ҳ.к. киради.

Ўзаро алмашинишнинг аниқ меъёрларига маҳсулотнинг геометрик ва функционал ўзаро алмашиниши талаблари кирали. Масалан, параметрик қаторлар, базавий конструкциялар, буюмнинг бир хиллаштирилган эҳтиёт қисмлари, маркалар ва ҳ.к.

Бир-бирига мослик талаблари.

Ўзбекистон давлат стандарти O‘z DSt ISO/IEC 2:2007да қуйидаги атама берилган:

бир-бирига мослик — маҳсулот, жараёнлар ёки хизматларнинг белгиланган талабларини бажариш учун берилган шароитларда биргаликдаги, аммо номақбул ўзаро муносабатларни келтириб чиқармайдиган фойдаланишга яроқлилиги демакдир.

Маҳсулот турига қараб [O‘z DSt 1.10:1998] функционал, геометрик, ўлчамли, биологик, электромагнит, электрик, чиламлилик, программали, технологик, диагностик, ташкилий, информацион, эргономик ва бошқа талаблар буйича бир-бирига мослик талаблари қаторига киритилиши мумкин.

Бир-бирига мослик талаблари туркумини белгилаганда, тизимли ёндошув орқали курилаётган объектларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олиш керак, масалан:

Инсон — техника;

Буюм — эҳтиёт қисмлар;

Техникавий тизим — эҳтиёт қисмлар;

Маҳсулот — материал(хомашё);

Техника — атроф-муҳит;

Маҳсулот — тара, ўрама;

Техника — энергия ва ёқилғи-мойлаш материаллари;

Маҳсулот — жараёнлар;

Хисоблаш машинаси — дастур маҳсулоти.

Масалан, «Инсон — техника» тизимидаги бир-бирига мослик талабларида инсонга тегишли кўрсаткичларнинг маҳсулот конструкциясига мувофиқлик талаблари инобатга олиниши керак. Масалан:

инсон танасининг ўлчамлари, кўриниши ва тананинг алоҳида қисмларига;

инсоннинг физиологик (кўриш, эшитиш, кучи ва ҳ.к.) кўрсаткичларига;

инсоннинг руҳий (ахборот қабул қилиш қобилияти, чарчаш ва ҳ.к) кўрсаткичларига мослиги.

«Буюм — эҳтиёт қисмлар» тизимида бир-бирига мослик талабларига агрегатлаштириш (масалан, машина ва осма ускуналарни геометрик булакларга ажралиши) талаблари киради.

«Маҳсулот — жараёнлар» тизимида бир-бирига мослик талабларига, масалан, технологик жараёнлар имкониятини маҳсулот сифатини керакли даражасига мувофиқлигини таъминлаш, техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларига имконият мавжудлиги каби талабларни киритиш мумкин.

Назорат саволлари:

1) Ўзаро алмашиниш нимани англатади?

2) Ўзаро алмашинишга оид талаблар неча гуруҳга бўлинади?

3) Ўзаро алмашинишнинг аниқ меъёрларига ўзаро алмашинишнинг қандай талаблари киради?

4) Бир-бирига мослик нимани англатади?

5) Бир-бирига мослик талаблари туркумини белгилаганда нималарни инобатга олиш керак?

6) «Маҳсулот — жараёнлар» тизимида бир-бирига мослик талабларига қандай талабларни киритиш мумкин?

2.14 Хизматларни стандартлаштириш

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (2-модда)да стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари бири, маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги кўрсатилган.

Ҳозир халқаро бозорда хизматларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Умумий меҳнат билан банд аҳолининг 70% дан зиёди хизматлар доирасида фаолият кўрсатаётганини инобатга олсак, юқорида қайд этилган хавфсизлик талабларининг инсонлар учун нақадар аҳамиятли эканлигини тушунамиз. Хизмат доираси кенгайиши билан бу салмоқ янада ошиб бормоқда.

Дунё бозорида хизматларнинг салмоғи ва аҳамияти катталиги сабабли, Халқаро савдо ташкилоти (ҲСТ) томонидан махсус ҳужжат — хизматлар соҳасида савдо буйича Бош келишув қабул қилинган.

Ҳозирда хизматлар нафақат ички бозорда, балки давлатларнинг экспорт салохиятида, халқаро, минтақавий ва давлатлараро савдо муносабатларида ҳам катта ўринни эгалламоқда. Масалан, сайёҳлик, транспорт, молия, соғлиқни сақлаш, таълим, реклама ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатиш халқаро аҳамиятга эга булган фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикасида хизматларни тартибга солишга қаратилган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунида туристик хизматга булган талаблар белгиланган. Бунда, туристик хизмат кўрсатувчи субъектларга, хизматнинг сифати ва хавфсизлигига талаблар белгиланган. Ушбу Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда хизматларни сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган меъёрларни тегишли идора ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилиши, яъни хизматларни стандартлаштириш кераклиги белгиланган. Кўрсатиладиган хизматлар биринчи навбатда хавфсиз (ёки хавфлилик даражаси меъёрлаштирилган) бўлиши керак. Хизматларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган асосий талаблар, биринчи навбатда, қонунлар ва қонуности ҳужжатларда белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида хизматларнинг сифати ва хавфсизлигига умумий талаблар белгиланган. Қонуннинг 12-моддасида «кўрсатилаётган хизматни инсон ҳаёти ва саломатлигига ҳамда атроф-муҳитга хавфсиз бўлиши керак»лиги кўрсатилган. Ушбу Қонуннинг 6-моддасида хизмат кўрсатувчи истеъмолчига хизмат тўғрисида керакли ва ишончли маълумотларни ўз вақтида етказиб бериши кераклиги, бу маълумотлар ичида, биринчи навбатда, ушбу хизмат мувофиқ

бўлган МХнинг номи албатта кўрсатилиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистонда амалда бўлган бошқа қонунлар билан узуксиз таълим соҳасида, тиббиётда, телекоммуникация ва юқада ҳамда бошқа соҳаларда кўрсатилаётган хизматлар стандартлаштирилиши кераклиги кўрсатилган.

1998 йилда «Ўзстандарт» Агентлигининг СМСИТИда Тарқоқлараро стандартлаштириш тизимлари (ТСТ)нинг ҳолати таҳлили ўтказилди. Таҳлил натижасида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ТСТ доирасида хизматларнинг илмий асосланган стандартлаштириш бўйича умумташкилий меъёрий базаси (тизими) мавжуд эмаслиги маълум бўлди. 1999—2001 йилларда СМСИТИда хизматларни стандартлаштириш ни ташкил этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилди. Ушбу изланишлар асосида учта асосбўлувчи стандартлар (O'z DSt 995, O'z DSt 996, O'z DSt 1008) ишлаб чиқилди.

O'z DSt 995да хизматларни ташкил этишнинг асосий қоидалари белгиланган. Хизматларни стандартлаштиришдан мақсад уларнинг аниқ меъёрларини белгилаган ҳолда юқори сифатини ва самарадорлигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир. Хизматлар соҳасини стандартлаштиришнинг асосий вазифалари эса, хизматларнинг сифати ва хавфсизлигига бўлган талабларни, уларни ҳаҳолаш ва текширишнинг услублари, технологик жараёнларга бўлган талабларни белгилаш ҳисобланади.

O'z DSt 996да хизматлар соҳасидаги асосий атама ва тушунчалар белгиланган. Қуйида стандартда келтирилган бир неча атамаларни келтирамиз:

хизмат — ижрочи ва истеъмолчининг бевосита муносабати ҳамда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ижрочи фаолиятининг натижалари;

хизматнинг тури — Ўзбекистон хизматлар классификаторига мувофиқ умумий технологик белгилар билан тавсифланувчи бир турдаги хизматлар мажмуаси;

хизматни тақдим этиш — ижрочининг хизматни таъминлаш учун зарур бўлган фаолияти;

хизматнинг сифати — буюртмачининг маълум эҳтиёжларини қондириш қобилиятини ифодаловчи хизматнинг тавсифлари мажмуи;

хизматга стандарт [O'z DSt ISO/IEC 2:2007] — хизматнинг вазифасига мувофиқлигини таъминлаш учун хизмат жавоб бериши лозим бўлган талабларни белгиловчи стандарт.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1008 да хизматларнинг сифатини баҳолаш усулиятининг асосий қоидалари келтирилган.

Халқаро стандартга асосланган давлат стандарти O'z DSt ISO 9004-2:1999да хизматлар буйича сифатни маъмурий бошқаришнинг раҳбарий кўрсатмалари берилган.

Хизматнинг сифати кўрсатгичлари рўйхати (номенклатураси)ни аниқлашда қуйидаги омилларни назарда тутиш керак:

— хизматларнинг мақсади ва улардан фойдаланишнинг шароитлари;

— истеъмолчининг талабларини таҳлили;

— хизматлар сифатини бошқариш вазифалари;

— хизматларни тавсифловчи хусусиятлар таркиби ва структураси;

— хизматлар сифати кўрсаткичларига булган асосий талаблар.

Хизматнинг сифати кўрсатгичлари рўйхатини аниқлаш объектнинг тури (гуруҳи)ни, кўрсатгичларни қуллаш мақсадини, гуруҳга тегишли барча кўрсатгичларни, керакли кўрсаткичларни танлаб олиш услубини аниқланишини талаб этади. Яъни, стандартлаштириш объектининг сифати кўрсаткичлари рўйхатини аниқлаш учун дастлабки маълумотларни тўплаш (аниқлаш) керак булади.

Хизматнинг тури ёки қайси гуруҳга мансублиги мавжуд тармоқ ёки тармоқлараро ҳужжатлар асосида аниқланади. Масалан, алоқа ва ахборотлаштириш Давлат қумитасининг тармоқ ҳужжатлари (хизматлар сифатини баҳолаш услубияти)га асосланиб алоқа, ахборот технологиялар асосидаги хизматларнинг тури ва гурихини аниқлаш мумкин. Шунга ўхшаш, меҳмонхона хизмати, соғлиқни сақлаш, техник хизмат, таъмирлаш, молия, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларидаги хизматларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тармоқлараро ҳужжат сифатида «Хизматларнинг умумдавлат классификатори» қўлланилади.

Стандартлаштириш объекти сифати кўрсаткичларининг дастлабки рўйхатини аниқлашда асосий бўлган, объектнинг мақсадидан келиб чиқадиган ва уни бевосита характерловчи кўрсаткичлар олиниши керак. Керакли кўрсаткичларни аниқлаш учун объектга тегишли стандартлар ва услубиятлардан фойдаланилади.

Хизматнинг сифати кўрсаткичлари рўйхати 2.5-жадвалга асосан аниқланади.

2.5-жадвал

Хизматнинг сифати кўрсаткичлари рўйхати

Умумлашган кўрсаткич	Биринчи даражадаги комплекс кўрсаткич	Иккинчи даражадаги комплекс кўрсаткич
Хизматнинг умумлашган кўрсаткичи	Функционал	Қўлланилиш мақсади Ишончлилик Эргономиклик Экологиклик Хавфсизлик
	Эстетик	Кўриниши ва формаси Колористик ечими Структураси ва ташқи безалиши Модага мослиги
	Ижтимоий аҳамияти	Оригиналлиги Обрулилиги

Стандартлаштириш объектининг сифати кўрсатгичларини рўйхатини белгилашда аввалambор, аниқлаш керак булади:

— баҳоланадиган объектнинг тури (гуруҳи);

— объектнинг сифати кўрсатгичларининг қўлланиш мақсади;

— объектнинг сифати кўрсатгичларининг қўлланиш даражаси (тармоқ, корхона);

— объектнинг танланилаётган сифат кўрсатгичларига қўйиладиган вазифаси;

— объектнинг сифати кўрсаткичларининг дастлабки рўйхати.

Сифат кўрсатгичлари қўлланиш даражасига кўра, умумлашган (тармоқ ва бирлашмаларда) ёки комплекс (корхона ёки булинма) булиши мумкин.

Мисол:

2.6-жадвал

Таъмирланган телевизорнинг сифати кўрсаткичлари рўйхати

Биринчи даражадаги комплекс кўрсаткич	Иккинчи даражадаги комплекс кўрсаткич	Алоҳида кўрсаткич
Функционал	Қўлланилиш мақсади	Кўрсатиш ёриқлиги ва уни бошкариш

Эстетик	Эргономик	Курсатиш аниқлиги Контрастлик ва уни бошқариш Тасвирни чаплашмаслиги Рангни берилиши Товуш баландлиги ва уни бошқариш
	Ишончлилик Хавфсизлик	Товуш тембри ва уни бошқариш
	Колористик ечим	Бошқариш органларидан фойдаланишда буюртмачининг куч ишлатиш даражаси Бошқариш юмшоқлиги Бошқариш ишончлилиги Электр хавфсизлиги Ёнғин хавфсизлиги Ташқи кўриниши ва материаллар узаро мослилиги

2.5-жадвалда келтирилган биринчи даражадаги ҳар бир комплекс курсаткичнинг қиймати хизматнинг кўрсаткичилан қаноатланган буюртмачилар сони орқали аниқланади:

$$K_i = \frac{m_i}{M_i} \qquad (2.4),$$

бунда, K_i — функционал кўрсаткичнинг қиймати (эстетик, ижтимоий);

m_i — хизматнинг кўрсаткичдан қаноатланган буюртмачилар сони;

M_i — i- хизмат буюртмачиларининг умумий сони.

2.6-жадвалда сифат кўрсаткичларини баҳолаш телевизорни таъмирлаш хизмати мисолида келтирилган.

Хизматнинг сифатини баҳолашни ижтимоий услубда амалга ошириш мумкин. Буюртмачининг хизмат сифатидан қаноатланганлигини ижтимоий услубда баҳолашни амалга ошириш орқали хизматнинг сифатини ва ижтимоий кўрсаткичларнинг умумлашган қийматини аниқлаш мумкин. Бу услубни қўллашда инсон омили, сифатни баҳолашга сарфланадиган вақт ва маблағнинг баҳолашга таъсирини имкон даражасида камайтиришга эришиш керак бўлади. Баҳолаш буюртмачи томонидан хизмат кўрсатилаётган хонани мах-

сус қурилмалар ёрдамида кузатиш орқали амалга оширилади. Бунда белгиланган маълум вақт давомида мурожаат қилган барча буюртмачилар фикри урганилади ва барча қониқмаган буюртмачилар сони аниқланади. Ўтказилган суров ҳаққоний бўлиши учун керакли тайёргарлик чоралари кўрилиши керак, масалан, тегишли мурожаат орқали.

Хизмат сифатининг умумлашган кўрсаткичи қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_{ij} = \frac{N_{ij} - n_{ij}}{N_{ij}} \qquad (2.5),$$

бунда: N_{ij} — i - хизматнинг, j- корхонада белгиланган вақтдаги буюртмачилар сони;

n_{ij} — i- хизматнинг сифатидан қониқмаган буютмачилар сони.

Хизматларни стандартлаштиришда халқаро, регионал ва ушбу хизмат ривожланган давлатларнинг стандартларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти МҲларидан фойдаланиш хизматнинг халқаро талаблар асосида ташкил этилишини таъминлайди.

Назорат саволлари:

1) Хизматларни стандартлаштириш нимани англатади?

2) Хизматларни сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган асосий талаблар қайси ҳужжатларда белгиланган?

3) Хизматлар соҳасидаги асосий атама ва тушунчалар қайси ҳужжатда белгиланган?

4) Хизматга стандарт нималарни ўз ичига олади?

5) Хизматнинг сифати кўрсаткичлари руйхатини аниқлашда қандай омилларни назарда тутиш керак?

6) Стандартлаштириш объектининг сифати кўрсаткичлари руйхатини белгилашда нималарни аниқлаш керак?

7) Хизмат сифатининг умумлашган кўрсаткичи қандай формула орқали аниқланади?

3-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1 Давлат бошқарув идоралари

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунида Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини олиб боришнинг ташкилий-техникавий тартибларини регламентлаштирувчи стандартлаштириш тизими фаолият курсатиши белгиланган.

«Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш Давлат тизимининг асосий принциплари» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 93-сонли «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Конунининг 2-моддасида республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш давлат бошқарув идораларига топширилган, хусусан:

— халқ хўжалиги тармоқларида — «Ўзстандарт» агентлиги;

— қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан, лойиҳалаш ва конструкциялашда — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси;

— табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси;

— тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар, тиббий техника буюмлари, дори воситалари соҳасида, шунингдек, мамлакат саноати ишлаб чиқараётган, шу жумладан, импорт бўйича етказиб берилаётган маҳсулотлардаги инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

— мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш, мудофаа аҳамиятига молик маҳсулотлар соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги амалга оширади;

— давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар, нашр этадилар.

Юқорида қайд этилган вазифаларни Ўзбекистонда амал-

га ошириш учун давлат бошқарув идоралари стандартлаштириш тизими қоидаларига риоя қилишлари керак.

«Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунда стандартларни тасдиқлаган органлар стандартларга доир тармоқ ахборот жамғармаларини ҳосил қилишлари ва юритишлари ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек, стандартлаштириш соҳасидаги халқаро шартномалар, техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий ахборот давлат классификаторлари, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар билан таъминлашлари, стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр этишни уларни тасдиқлаган органлар амалга оширишлари белгиланган.

Қонунга мувофиқ, «Ўзстандарт» агентлигига стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилаш юклатилган.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш учун «Ўзстандарт» Агентлиги давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқаларни жалб этиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат ва хўжалик бошқарув идоралари стандартлаштириш ишларини ташкил этишда ўз ваколат доираларида иштирок этадилар. Шу мақсадда улар иқтисодиёт тармоқларида тегишли тарзда стандартлаштириш буйича ТҚлар, таянч ташкилотлар ва хизматларни ташкил этадилар.

Давлат ва хўжалик бошқарув идоралари стандартлаштириш ишларини бир йиллик ва кўп йиллик дастурлар асосида ташкил этадилар.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш «Ўзстандарт» агентлиги тизимида Стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш, информацион технологияларни жорий этиш бошқармасига юклатилган. Ушбу бошқармага МҲлар Давлат фондини шакллантириш, ахборот алмашувини таъминлаш, МҲларни давлат рўйхатидан ўтказиш, стандартлаштириш ишларига манфаатдор ва алоқадор субъектларнинг узаро муносабатда булишини таъминлаш каби вазифалар юклатилган.

Тармоқларга масъул барча давлат ва хўжалик бошқарув идоралари қошида стандартлаштириш ишларига жавобгар тузилмалар фаолият кўрсатиши керак.

«Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги стандартлаштириш ишларини бажаришни ўз ваколатлари доирасида бошқа ташкилотларга топширишга ҳақлидир.

Назорат саволлари:

1) Қонунчиликда республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш қайси идораларга топширилган?

2) «Ўзстандарт» Агентлигига қайси соҳаларда стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш топширилган?

3) Қандай органлар стандартларга доир тармоқ ахборот жамгармаларини ҳосил қилишлари ва юритишлари ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни таъминлашлари керак?

4) Давлат ва хўжалик бошқарув идоралари стандартлаштириш ишларини қандай дастурлар асосида ташкил этадилар?

5) Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш «Ўзстандарт» агентлиги тизимида қайси тузилмага юклатилган?

6) МҲлар Давлат фондини шакллантириш, ахборот алмашувини таъминлаш, МҲларни давлат руйхатидан ўтказиш кимга юклатилган?

3.2 Стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталар

Бир турдаги маҳсулотларга ва тармоқлараро аҳамиятга эга маҳсулотларга меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан асосан стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталар (ТҚ) шуғулланади. Бундай амалиёт кўпчилик халқаро ва регионал ташкилотларда қўлланилади. ИСОнинг қошида 200 техникавий қумита, 2000 қуйи қумита ва ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатади. Халқаро электротехника комиссияси (МЭК)да 100 ТҚ, 1000 дан зиёд қуйи қўмиталар ва ишчи гуруҳлар мавжуддир. Халқаро ташкилотларда ТҚ ишини соҳа (аниқ маҳсулот ишлаб чиқариш) бўйича етакчи ҳисоблан-

ган аъзо давлат томонидан олиб борилади ва бошқа манфаатдор аъзо давлатлар қумита ишида турли статусда иштирок этишлари мумкин. Халқаро ТҚлар томонидан йилига кўплаб меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Масалан, ИСОнинг ТҚлари томонидан йилига 500 дан зиёд стандартлар, раҳбарий ҳужжатлар, қоидалар ва меъёрлар ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилади.

Регионал стандартлаштириш ташкилотларида ҳам стандартлаштириш буйича техникавий қумиталар фаолияти йулга қўйилган бўлиб, аниқ бир регион талабларидан келиб чиққан ҳолда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган регионал ташкилот, стандартлаштириш, метрология и сертификатлаштириш буйича Давлатлараро кенгаши (Давлатлараро кенгаш) томонидан ҳам стандартлаштириш буйича техникавий қумиталар ташкил этилган. 01.01.2013 йил ҳолатига Давлатлараро кенгашда 500 ТҚ фаолият кўрсатади, шундан иккита — ипак ва пахта буйича ТҚ иши Ўзбекистон томонидан олиб борилади.

Ҳозиргача «Ипак» ТҚ томонидан 69 та, «Пахта» ТҚ томонидан эса 7 та давлатлараро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Ушбу МҲлар асосан Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудида давлатлараро ҳужжат сифатида қўлланилади. Бу ҳолат эса, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларини регионал (МДҲ) даражада жорий этилишини таъминлайди.

Давлатлараро кенгаш доирасида ТҚ фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш тегишли давлатлараро меъёрий ҳужжат билан амалга оширилади.

Халқаро ва регионал (давлатлараро) техникавий қумиталарнинг фаолияти давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларда техникавий тўсиқ (барьер)ларни бартараф этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли қарорида «Ўзстандарт» Агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб, бир турдаги маҳсулотларга тегишли бўлган стандартларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар тузилмалари ишини ташкил этишга ёрдам бериш, уларга илмий-услубий раҳбарлик қилиш ва фаолиятларини назорат қилиб бориш белгиланган. Шу билан бирга, «Ўзстандарт» Агентлигига стандартларни ишлаб чиқариш

учун манфаатдор томонлар билан биргаликда стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталарни ташкил этиш тўғрисидаги ва шу мақсадни амалга ошириш учун тегишли вазирлик ва хўжалик бошқаруви идораларидан ТҚларни ташкил этишни талаб қилиш ҳуқуқи берилган.

«Ўзстандарт» Агентлиги стандартлаштириш бўйича миллий орган сифатида ва қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларига мувофиқ, республикада давлат ва хўжалик бошқарув идораларининг, хўжалик фаолияти кўрсатувчи субъектлар ва жамоат бирлашмаларининг ҳамда ТҚларнинг стандартлаштириш бўйича ишларини мувофиқлаштиради.

Мувофиқлаштириш эса республикада стандартлаштириш бўйича давлат дастурини тузишда, анъанавий чораклик ТҚлар билан ишчи йиғилишларда, республика семинарларида, конференцияларда ишида амалга оширилади. Шу билан бирга, ТҚлар иши стандартлаштириш, метрология и сертификатлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш йиғилиши ва «Ўзстандарт» агентлиги раҳбариятининг кенгайтирилган йиғилишларида этишиб борилади.

Стандартлаштириш субъектларининг фаолиятига бўлган асосий талаблар стандартлаштириш тизимининг асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларида белгиланган.

O'z RH 51-013:1993 «ЎзСТ. Стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталар бўйича умумлашган Низом» талабларига кўра, стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталар тегишли соҳаларда стандартлаштириш бўйича МҲларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларни экспертизасини, келишувини ва тасдиқланишини таъминлаш мақсадида ташкил этилади. O'z RH 51-013:1993 да стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталарга бўлган умумий талаблар, уларнинг асосий вазифалари, структураси ва таркиби белгиланган.

Белгиланган талабларга кўра, ТҚ маълум турдаги маҳсулотлар (хизматлар), технологиялар, бошқа стандартлаштириш объектларига ихтисослашган, давлат ва маҳсулот истеъмолчиси манфаатларини ҳимоясида республика, тармоқ, давлатлараро, халқаро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришда энг юқори илмий-техникавий потенциалга эга бўлган, манфаатдор томонларнинг ваколатли мутахассисларидан иборат бўлган тузилмадир.

ТҚга асосий манфаатдор томонлар — маҳсулотларнинг асосий истеъмолчилари, маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи-

лар, жамоат ташкилотлари ҳамда давлат назорати идоралари (вакиллари) киритилади. Асосий истеъмолчининг, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ва Даварҳитектқурилиш қўмитаси вакилларининг ТҚ аъзолигига киритилиши (ваколати доирасида) мажбурий ҳисобланади.

ТҚ раиси аъзо бўлган асосий манфаатдор ташкилотлар вакилларидан сайланади. ТҚ раиси уринбосари икки кишидан иборат бўлиб, бири асосий истеъмолчидан ва иккинчиси эса «Ўзстандарт» агентлиги (ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Даварҳитектқурилиш қўмитаси) вакилларидан тайинланади. ТҚ котибияти қайси ташкилот базасида тузилган бўлса, шу ташкилот томонидан юритилади.

ТҚ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартлаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб боради. ТҚлар:

— давлатлараро, давлат, ташкилот стандартларини ишлаб чиқади, уларни қайта кўриб чиқади ва ўзгартиришлар киритади;

— стандартлаштириш бўйича халқаро ва регионал ташкилотлар ТҚларининг ишида қатнашади;

— давлатлараро, давлат, тармоқ стандартлаштириш дастурларига таклифлар ишлаб чиқади;

— стандартлаштириш бўйича халқаро, давлатлараро ва регионал ташкилотларда Ўзбекистон манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган таклифларни тайёрлайди;

— барча тоифадаги МҲларни илмий-техникавий экспертизасини ўтказади.

Белгиланган тартибга кўра, ТҚнинг илмий-техникавий экспертизаси натижасида берган ижобий хулосаси «Ўзстандарт» агентлиги ва ваколатли давлат идоралари томонидан МҲни тўғридан-тўғри тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишга асос бўлиши мумкин.

«Ўзстандарт» агентлиги берган ваколатга кўра, миллий ТҚлар халқаро, давлатлараро ва регионал ташкилотларнинг ТҚлари билан бевосита иш олиб бориши ва уларнинг ишида қатнашиши мумкин. Бу эса тегишли даражада ишлаб чиқарилаётган МҲ лойиҳасига Ўзбекистоннинг тегишли тармоғи манфаатидан келиб чиқувчи таклифларни киритиш имкониятини беради.

ТҚ таъсисчи идора, «Ўзстандарт» Агентлиги (ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давархитектқурилиш қўмитаси)нинг қўшма буйруғи билан ташкил этилади.

O'z RH 51-013:1993 га кўра, ТҚ кенг ваколатга эга булиб, унинг фаолияти барча даражадаги (халқаро, давлатлараро, регионал, давлат ва тармоқ даражасидаги) стандартлаштириш ишларини ўз ичига олиши мумкин.

ТҚ ичида, керак ҳолларда, тор соҳаларда қуйи қўмиталар ва ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин. Масалан, информацион технологиялар соҳасида ТҚ билан бирга қуйи қумита ҳам ташкил этилган.

ТҚ фаолиятини такомиллаштириш ва унинг ваколатини оширишга қаратилган O'z RH 51-013:1993 га киритилган 2-сонли ўзгартиришга кўра, ТҚ томонидан қабул қилинган баённома қарори, ТҚ барча аъзолари томонидан МҲни келишилган деб қабул қилишга асос булади.

Ҳозирда Ўзбекистонда қуйидаги стандартлаштириш буйича ТҚ фаолият кўрсатиб келмоқда:

— «Пахта» ТҚ;
— «Пилла маҳсулотлари» ТҚ;
— «Ёғ ва озиқ-овқат маҳсулотлари» ТҚ;
— «Ўзбекнефтегазмаҳсулот» ТҚ;
— «Дон маҳсулотлари» ТҚ;
— «Ўзвинхолдинг» ТҚ;
— «Алоқа ва информатика» ТҚ;
— «Навуруғназорат» ТҚ;
— «Ўзавтосаноат» ТҚ;
— «Гушт ва сут» ТҚ;
— «Давархитектқурилиш» ТҚ;
— «Кимёсаноат» ТҚ;
— «Енгилсаноат маҳсулотлари» ТҚ;
— «Ўзбекчармпойабзал» ТҚ;
— «Ўзбекистон Республикасини хавфсизлиги ва мудофааси доирасида» ТҚ;
— «Физкультура ва спорт» ТҚ;
— «Автомобиль ва дарё транспортини стандартлаштириш» ТҚ;
— «Узлуксиз таълим тизими стандартлари» ТҚ;
— «Туризм соҳасида» ТҚ;
— «Энергетика соҳасида» ТҚ;
— «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида» ТҚ.

Республика буйича барча даражадаги МҲларнинг 14-16 % ТҚлар томонидан ишлаб чиқарилади.

Стандартлаштириш буйича техникавий қумиталар фаолиятининг назорати O'z RH 51-146:2006 га мувофиқ амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш буйича техникавий қумиталар нима билан шуғулланади?

2) ИСОнинг қошида техникавий қумита, қуйи қумита ва ишчи гуруҳлар фаолият курсатади?

3) Халқаро ташкилотларда ТҚ иши ким томонидан олиб борилади?

4) Ўзбекистонда ТҚларнинг стандартлаштириш буйича ишларини ким мувофиқлаштиради?

5) Стандартлаштириш буйича техникавий қумиталар буйича умумлашган Низом қайси ҳужжатда келтирилган?

6) Стандартлаштириш буйича техникавий қумиталар қандай ваколатларга эга?

7) Ҳозирда Ўзбекистонда қандай стандартлаштириш буйича ТҚлар фаолият курсатиб келмоқда?

3.3 Стандартлаштириш таянч ташкилотлари

Ўз СТ қоидалари O'zDSt 1.0:1998* га кура, турли тармоқлардаги ташкилотларда стандартлаштириш ишларини режалаштириш ва мувофиқлаштириш учун бошқарув идоралари томонидан стандартлаштириш таянч ташкилотлари тайинланади.

Стандартлаштириш таянч ташкилот (СТТ)ларини тайинлаш тартибига ва уларни Ўз СТ доирасида ишларни ташкил этишга бўлган талаблар раҳбарий ҳужжат ЎЗ РХ 51-012 да белгиланган.

СТТлар Ўзбекистон Республикасининг давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, хўжалик бирлашмалари томонидан тизимларидаги бир турдаги маҳсулотлар буйича бош ташкилотлар ичидан тайинланади. Уларга тармоқда узига бириктирилган маҳсулот тури буйича стандартлаштириш ишларида илмий-техникавий ва ташкилий-услубий раҳбарликни ва соҳада ягона техник сиёсатни олиб бориш юклатилади.

Белгиланган тартиботга кура, стандартлаштириш таянч

ташкилотлари «Ўзстандарт» Агентлигида рўйхатдан утиш-лари керак.

Маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларни стандартлаштириш бўйича ишларни бевосита амалга ошириш учун илмий-текширув, конструкторлик-технологик бўлимлар, бюро ва лабораториялар ташкил этилиши мумкин.

СТТ учун стандартлаштириш бўйича ишлар асосий фаолият ҳисобланади ва бу ишлар ташкилотнинг тематик режаси асосида амалга оширилади.

СТТ ўз фаолиятини амалдаги барча тоифадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан белгиланган тартибда фойдаланиш асосида ташкил этади. Хусусан, давлат аҳамиятига эга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаган тармоқ ҳужжатларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

СТТлар бир турдаги маҳсулотга ихтисослашганлиги ва бир тармоқда бир неча СТТ бўлиши мумкинлиги сабабли, бир-бирларининг ишларини қайтармасликлари учун улар тизим доирасида ўзаро алоқада бўлишлари керак.

Ҳар бир СТТнинг «Ўзстандарт» Агентлиги билан келишилган ўз Низомига эга бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўз СТ ҳужжатлари О'z RH 51-012-93* да СТТнинг ўзига бириктирилган соҳа (маҳсулотлар гуруҳи) бўйича асосий вазифалари ва функциялари белгиланган:

— СТТга бириктирилган ташкилотлар ва корхоналарнинг стандартлаштириш бўйича ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ягона техник сиёсатни таъминлаш;

— комплекс тарзда стандартлаштиришни ривожлантиришни асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

— МҲлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва келишиш, уларни татбиқ қилиш ва қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар ва тадбирлар тайёрлаш;

— МҲларга киритилаётган талабларни амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига ва замонавий илмий-техник ютуқларга мослигини таъминлаш;

— стандартлаштиришнинг назарияси ва амалиёти соҳаларида илмий-услубий ишларни олиб бориш, янги маҳсулотларда талабларнинг оптимал даражада бўлишини таъминлаш;

— маҳсулотлар МҲларидаги кўрсаткич ва меъёрларни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мослигини доимий текшириб бориш;

— стандартлаштириш ва сетрификатлаштириш бўйича

режа ва тадбирларни ишлаб чиқишда корхона ва ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сонли қарорига биноан, давлат бошқарув идоралари давлат бюджетидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилаётган давлат дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида маҳсулот сифатини меъёрий таъминлаш масаласини кўзда тутишлари керак.

Юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун СТТларга кенг доирадаги ҳуқуқлар (масалан, стандартлаштириш масалаларида халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабат) берилган.

Шу билан бирга, СТТ зарур ҳолларда стандартлаштириш бўйича маълумотларни корхона ва ташкилотлардан талаб қилиб олиш ва МҲларни илмий-техник экспертизаси натижалари бўйича юқори ташкилотларга таклифлар бериш ҳуқуқларига эгадир.

СТТ белгиланган тартибда соҳа бўйича стандартлаштириш бўйича МҲлар фондини ташкил этади ҳамда стандартлаштириш масалаларида бириктирилган корхона ва ташкилотлар ишларини назорат қилади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган 17 та СТТ фаолият кўрсатади. Масалан. «Пахтасаноатилм», «ЎзнефтегазЛИТИ», «Кинап» СТТлар шулар қаторидадир.

. Стандартлаштириш таянч ташкилотлари фаолиятининг назорати ҳам O'z RH 51-146:2006 га мувофиқ амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш таянч ташкилотлари нима мақсадда ташкил этилади?

2) Стандартлаштириш таянч ташкилотларини тайинлаш тартибига ва уларни ишларини ташкил этишга бўлган талаблар қайси ҳужжатда белгиланган?

3) Қайси ҳужжатда СТТнинг ўзига бириктирилган соҳа бўйича асосий вазифалари ва функциялари белгиланган?

4) СТТнинг ўзига бириктирилган соҳа бўйича асосий вазифалари ва функциялари нималардан иборат?

5) Юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун СТТларга қандай ҳуқуқлар берилган?

6) Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган нечта СТТ фаолият кўрсатади?

3.4 Корхона ва ташкилотлардаги стандартлаштириш хизматлари

Стандартлаштириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда амалдаги қонунчилик талабларини бажариш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ўз қошида стандартлаштириш бўйича бўлинмалар (хизматлар) ташкил этадилар. Ушбу хизматлар хўжалик юритувчи субъектлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда, стандартлаштириш бўйича ишлар устидан ташкилий-методик ва илмий-техник раҳбарликни амалга оширадилар, корхонада стандартлаштириш буйича илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларини бажаради, ваколати доирасидаги масалалар буйича бошқа бўлинмаларнинг ишларини мувофиқлаштиради ва улар билан ҳамкорлик қилади.

Стандартлаштириш буйича хизматларни ташкил этишни мувофиқлаштиришга қаратилган Ўз СТ доирасида раҳбарий ҳужжат РД Уз 51-051-96* ишлаб чиқилган бўлиб, унда умумий талаблар билан бирга, бу тузилмаларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Стандартлаштириш буйича хизматлар асосан корхоналарда унинг катталигига кўра бўлим, бюро, гуруҳ сифатида ташкил этилса, инженер-техник ходимлар кам бўлган кичик корхоналарда эса бу хизматнинг вазифаси одатда бирон-бир масъул ходимга юклатилади.

Стандартлаштириш ишлари асосан технологик (ишлаб чиқариш) жараён билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, стандартлаштириш бўйича хизматларни корхонанинг бош муҳандиси ёки шу вазифани ижро этувчи раҳбарга буйсундирилиши тавсия этилади.

Стандартлаштириш бўйича хизматлар ўз фаолияти давомида биринчи навбатда Ўзбекистонда амалда бўлган турли тоифадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилишлари зарурдир.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ, стандартлаштириш буйича ишларни талаб даражасида ташкил этиш ва олиб бориш буйича масъулият корхона раҳбари ва стандартлаштириш бўйича хизмат бошлиғи зиммасига юклатилган.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан стандартлаштириш бўйича хизматлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

— корхонада МҲлар тизимини ташкил этиш буйича комплекс ишларни амалга ошириш;

— бошқа бўлинмалар билан ҳамкорликда кўп йиллик ва бир йиллик стандартлаштириш режалари (дастурлари)ни лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва раҳбариятга киритиш;

— маҳсулотлар сифати ва техник даражасини оширишга қаратилган илмий-техник дастурларга таклифлар тайёрлашда, маҳсулотлар сифатига истиқболли талабларни ўз ичига олувчи МҲларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

— МҲлар лойиҳаларини муҳокамасини ташкил этиш;

— корхонанинг иқтисод бўлими билан биргаликда стандартлаштиришнинг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

— корхонада ўтказилаётган давлат назорати идоралари текширувларида иштирок этиш;

— корхонада рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш буйича олиб борилаётган илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш буйича ишларда дунё бозори ва амалдаги қонунчилик талаблари (хавфсизлик, ресурсларни тежаш, ўзаро алмашувчанлик ва ҳ.к.)ни бажаришни таъминлаш;

— МҲларни жорий қилиш ва уларни талабларига риоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-услубий тадбирларни амалга ошириш;

— турли тоифадаги (хусусан, халқаро, регионал, ривожланган давлатлар) стандартларини қўллашни ташкил этиш;

— корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни (мажбурий ёки ихтиёрий тарзда) сертификатлаштиришини ташкил этиш.

Албатта юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун стандартлаштириш бўйича хизматлар етарли даражадаги ваколатга эга бўлишлари керак. Бу ваколатлар корхона раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланиши керак.

Ўз СТ [O'zDSt 1.0:1998*] талабларига кура, корхоналарда стандартлаштириш буйича олиб борилаётган ишлар асосий фаолият турига киради.

Корхоналарда стандартлаштириш буйича хизматлар фаолиятининг самараси нафақат амалдаги қонунчилик талабларини бажарилишини таъминлайди, балки ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида «стандартларга муво-

фуқаролик белгиси билан тамғаланган, хусусан, анъанавий технологиялар имкониятларидан юқори бўлган, истиқболда талабларни ўз ичига олган стандартларга мувофиқ бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган корхоналарни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватланиши ва уларнинг хўжалик фаолияти рағбатлантирилиши» белгиланган.

Ҳозирда кўпчилик ривожланган давлатларда маҳсулот сифатини бошқаришни халқаро талабларидан келиб чиқиб ҳолда, корхоналарда сифатни бошқариш бўлимлари (ёки стандартлаштириш бўйича хизматлар) билан бир қаторда, катта ваколатларга эга бўлган корхона раҳбарининг сифат бўйича ўринбосари лавозимлари ҳам киритилмоқда.

Ўзбекистонда деярли барча йирик корхоналарда стандартлаштириш бўйича хизматлар фаолият кўрсатади, бу тузилмалар фаолиятининг назорати бош муҳандисга ёки раҳбар ўринбосарига буйруқ билан юклатилади. Бироқ бундай масъулиятни барча корхоналарда ҳам кузатиш мумкин эмас. Айниқса, кичик ва хусусий корхоналарда нафақат сифатни таъминлашга масъул бўлган махсус бўлинманинг мавжуд эмаслигини, балки бу вазифалар бирон-бир масъул ходимга юклатилмаганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бу каби фактларни стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш бўйича давлат назорати жараёнида кўплаб аниқлаш мумкин. Бу каби масъулиятсизлик эса ўз навбатида маҳсулотнинг сифати, хавфсизлигини ҳамда унинг рақобатбардошлигини таъминланмаслигига, қолаверса, амалдаги қонунчилик талабларини бузилишига ва оқибат натижада корхонага нисбатан жиддий чоралар кўрилишига олиб келади.

Ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини сақлашга интилувчи раҳбарлар корхонани истиқболини ва иқтисодий манфаатини ўйлаб, нафақат стандартлаштириш бўйича хизматларни ташкил этишни ўйлайдилар, балки уларни малакали мутахассислар ва керакли моддий-техник база билан ҳам таъминлайдилар.

Назорат саволлари:

1) Хўжалик юритувчи субъектлар ўз қошида стандартлаштириш бўйича бўлинмалар (хизматлар) нима мақсадда ташкил этилади?

2) Қайси ҳужжатда стандартлаштириш бўйича бўлинмаларга умумий талаблар, уларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари белгиланган?

3) Стандартлаштириш бўйича хизматлари зиммасига қандай вазифалар юклатилган?

4) Қайси ҳужжатда корхоналарда стандартлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар асосий фаолият турига кириши кўрсатиган?

5) Корхоналарда стандартлаштириш бўйича хизматлар фаолиятининг самараси нималарни таъминлайди?

6) Корхоналарда стандартлаштириш бўйича хизматлар фаолиятининг назорати кимга юклатилади?

3.5 Стандартлаштириш соҳасида экспертлар

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигига қатъий талаблар қўйилган бўлиб, улар маҳсулотлар МҲларида кўрсатилган бўлиши керак. Шу билан бирга, МҲсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш тақиқланиши кўрсатилган. Конунчиликда Ўзбекистонда стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, олиб бориш ва мувофиқлаштириш «Ўзстандарт» агентлиги, бошқа давлат ва ҳўжалик бошқарув идоралари зиммасига юклатилган. Ушбу идоралар нафақат стандартлаштириш бўйича умумташкилий ишлар билан, балки бевосита МҲлар ишлаб чиқиш, МҲлар фондини тузиш ва олиб бориш, МҲларни экспертизасини ўтказиш, халқаро МҲларни жорий этиш каби ишларни ҳам олиб борадилар.

Стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталар ва таянч ташкилотлари ҳам ўз навбатида бу каби фаолиятлар билан шуғулланадилар. Ўз маҳсулотлари (ишлаб чиқарилаётган, сотилаётган маҳсулотлари) учун тадбиркорлик субъектлари ҳам МҲлар ишлаб чиқадилар ва жорий этадилар.

Ўзбекистон Республикасида МҲ давлат фондида 40000 дан зиёд ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳар йили республикада ўртача янги 500 дан зиёд МҲлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини ҳисобга олинса, стандартлаштириш ишларини олиб бориш учун кўплаб мутахассислар керак бўлиши талаб этилади.

Стандартлаштириш ишларини малакали ва амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида бажариш учун етарли билим ва малакага эга бўлган, махсус ўқув курсларида таълим олган, стандартлаштириш соҳасида амалий таж-

рибга эга бўлган, ваколатли идора томонидан баҳоланган (аттестацияланган, сертификатланган) мутахассислар бўлиши талаб этилади. Бу тоифадаги мутахассислар стандартлаштириш бўйича экспертлар деб юритилади.

Ўзбекистонда 2005 йилгача стандартлаштириш бўйича экспертлар институти мавжуд бўлмаган. Бундай институтнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш доирасида ва айрим МДҲ мамлакатларида киритилишини, республикамизда ҳам бу тоифа мутахассисларга эҳтиёжни ҳисобга олиб, Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.26: 2006 ишлаб чиқилган. Бу МҲда стандартлаштириш бўйича экспертларнинг малакаси ва аттестатланишига қўйиладиган умумий талаблари, аттестациялашнинг малакавий мезонлари ва процедураси белгиланган.

Ушбу ҳужжат Молдова Республикасининг стандартлаштириш бўйича миллий тизимида «стандартлаштириш бўйича эксперт» тоифасини жорий этиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ва ПМГ «Квалификационные критерии и процедура аттестации экспертов в области стандартизации» давлатлараро стандарти қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

Бу ҳужжат қабул қилингунга қадар, Ўзбекистонда стандартлаштириш ишлари билан шуғулланувчи мутахассисларга нисбатан ягона ва ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланган аниқ меъёрий ҳужжат мавжуд бўлмаган. Бу йўналишда фаолият кўрсатувчи мутахассисларга талаблар ҳар бир корхона ва муассасанинг ўз талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. СМСИТИ қошидаги малака ошириш Марказида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш мавзусидаги бир неча ўқув курслари фаолият кўрсатса-да, улар умуммажбурий кучга эга бўлмаган. Стандартлаштириш ишлари билан давлат ва хўжалик бошқарув идораларида, корхоналарда шуғулланувчи мутахассислар умумий талаблар асосида тизимли аттестация ёки сертификатлаштиришдан ўтмасдан, фақат тармоқ ёки корхона даражасида белгиланган талаблар асосида аттестациядан ўтказилган.

Мазкур O'z DSt 1.26:2006* стандартда қуйидаги атамалар мос таърифлари билан қўлланилган:

— **компетентлилик:** ўз билим ва маҳоратини қўлланиши ифодаланган қобилияти.

— **эксперт** (стандартлаштириш соҳасида): стандартлаштириш соҳасида амалий ишларда илм ва билимларга эга бўлган,

компетентлилиги мувофиқ аттестат билан тасдиқланган шахс.

Давлат стандартида белгиланганлиги бўйича, эксперт фаолият йўналишидан қатъи назар, мазкур ҳужжат билан регламентланган талабларга жавоб берувчи зарур компетентлиликка эга бўлган ва «Ўзстандарт» Агентлигининг экспертларни аттестатлаш бўйича комиссияси томонидан белгиланган тартибда аттестатланган мутахассис бўлиши мумкин.

Экспертларнинг асосий функциялари қилиб қуйидагилар белгиланган:

— барча даражадаги меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

— амалдаги меъёрий ҳужжатларни текширишни амалга ошириш;

— лойиҳалар ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар (ўзгартиришлар)нинг илмий-техникавий экспертизасини амалга ошириш;

— меъёрий ҳужжатлар (ўзгартиришлар) лойиҳаларининг меъёрий текширувини ўтказиш;

— стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталар (миллий, давлатлараро, халқаро) ва таянч ташкилотлар ва ҳ.к. ишида қатнашиш.

Давлат стандартида экспертликка номзодларни ўқитиш СМСИТИда ёки бошқа ташкилотларда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган дастурлар бўйича ўтказилиши белгиланган.

Ўқитиш ўз ичига қуйидаги босқичларни олиши керак:

— «Стандартлаштириш асослари» мутахассислиги бўйича таянч маълумотни олиш;

— «Меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий экспертизаси» мутахассислиги бўйича ҳар 5 йил даврийлиги билан малакани ошириш.

Экспертликка номзодлар маълумоти ва тажрибаси бўйича қуйидагиларга эга бўлиши лозим:

а) тугалланган олий маълумот;

б) «Стандартлаштириш асослари» мутахассислиги бўйича таянч маълумот;

в) «Меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий экспертизаси» мутахассислиги бўйича маълумот;

г) мутахассислик бўйича камида ўн йил амалий иш стажи, улардан камида беш йили стандартлаштириш соҳасида;

д) қуйидаги соҳаларда иш тажрибаси:

— барча даражадаги амалдаги МҲни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни амалга ошириш;

— халқаро, минтақавий ва хорижий МҲ ни қабул қилиш бўйича ишларни олиб бориш, шунингдек стандартлаштириш бўйича миллий МҲни халқаро, минтақавий ва давлатлараро стандартлар билан уйғунлаштириш;

— стандартлаштириш буйича МҲ лойиҳаларининг экспертизасини амалга ошириш.

Экспертликка номзод қуйидагиларни билиши зарур:

— стандартлаштириш соҳасидаги қонунчиликни;

— Ўз СТ асос бўлувчи ҳужжатларини;

— стандартлаштиришнинг халқаро ва Европа методологияси ва тажрибасини;

— стандартлаштиришнинг давлатлараро тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

— Ўз ЎДТ, Ўз СМТ ва стандартлаштиришнинг бошқа тармоқлараро тизимлари асосларини.

Малакавий билимлар билан бирга экспертга шахсий сифатлар буйича ҳам қуйидаги талаблар қўйилади:

— объективлик, масъуллик, принципиаллилик, хайрихоҳлик, мулоқотга қобилиятлилик, хушмуомалалик, вазминлик;

— ўз нуқтаи назарини таҳлил қилиш, мантиқий асослаш, қатъий ва далиллар билан ҳимоя қилиш қобилияти;

— ўз фикрини аниқ ва эркин, оғзаки ва ёзма баён қилиш қобилияти;

— эксперт мажбуриятларини бажариш жараёнида юзага келадиган муаммоларни объектив ва мустақил ҳал этиш қобилияти.

Uz DSt 1.26: 2006га асосан экспертларни «Ўзстандарт» агентлиги буйруғи билан тузилган махсус комиссияси икки босқичда аттестатни амалга оширади:

— эксперт бўлишни хоҳловчи шахсларни бошланғич баҳолаш;

— экспертларни даврий баҳолаш.

Давлат стандартида аттестатлаш процедураси ва экспертдан талаб қилинадиган ҳужжатлар бўйича маълумотлар батафсил баён қилинган.

Аттестациядан муваффақиятли ўтган мутахассисларга беш йил муддатга компетентлилик аттестати берилади ва улар ҳақидаги ахборот давлат реестрига киритилади.

Ушбу ҳужжатда стандартлаштириш буйича эксперт бўлган

шахснинг кейинчалик ўз малакасини тасдиқлаб бориш процедуралари ҳам аниқ курсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича экспертларни малакасини ва компетентлилигини баҳолашда амалдаги аттестациялаш тизими ўрнига халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган сертификатлаштириш тизимини жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун халқаро ҳужжатларда белгиланган қоидалар ва талаблар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонунида персонални мувофиқлигини баҳолаш талабларини инобатга олиш мумкин.

Назорат саволлари:

1) Қандай тоифадаги мутахассислар стандартлаштириш бўйича экспертлар деб юритилади?

2) Қайси ҳужжатда стандартлаштириш бўйича экспертларнинг малакаси ва аттестацияланишига қўйиладиган умумий талаблари, аттестациялашнинг малакавий мезонлари ва процедураси белгиланган?

3) Компетентлилик нимани англатади?

4) Ким эксперт ҳисобланади?

5) Экспертларнинг асосий функцияларига нималар киради?

6) Экспертликка номзодлар маълумоти ва тажрибаси бўйича нималарга эга бўлиши лозим?

7) Малакавий билимлар билан бирга экспертга шахсий сифатлар бўйича қандай талаблар қўйилади?

8) Экспертларни махсус Комиссияси неча босқичда аттестатлашни амалга оширади?

9) Аттестатлашдан ўтган мутахассисларга қандай муддатга компетентлилик аттестати берилади?

4-боб. Халқаро, регионал ва миллий стандартлаштириш

Халқаро амалиётда стандартлаштиришнинг турли даражадаги кўринишлари мавжуддир. Мувофиқ равишда халқаро, регионал, давлатлараро, миллий, тармоқ, маҳаллий ҳудуд, корхона даражасида стандартлаштириш тизимлари фаолият кўрсатиши мумкин. Давлатнинг ривожланиш даражасига мувофиқ равишда унда юқорида қайд этилган тизимларнинг барчаси ёки бир нечаси амал қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004

йил 5 августдаги 373-сонли қарорида юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, «Ўзстандарт» агенлигининг функцияларидан бири қилиб, «халқаро ва давлатлараро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш» белгиланган.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.0да стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

– Ўз СТ қоидаларини халқаро, давлатлараро, регионал ва бошқа давлатларнинг илгор миллий стандартлаштириш тизимлари билан уйғунлаштириш;

– Ўзбекистон стандартлаштириш бўйича МҲ Давлат фондини халқаро, давлатлараро, регионал ва бошқа давлатларнинг миллий стандартларни қўллаш асосида такомиллаштириш;

– МҲни халқаро, давлатлараро, регионал ва бошқа давлатларнинг миллий стандартлари билан уйғунлаштириш;

– иккитомонлама ва кўптомонлама ҳамкорлик асосида яратилаётган янги рақобатбардош маҳсулотлар ва технологияларга тегишли бўлган маҳаллий стандартлар асосида халқаро, давлатлараро, регионал стандартларни ишлаб чиқиш;

– чет давлатлар билан Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлигини меъёрий таъминотини яхшилаш;

– халқаро, давлатлараро, регионал стандартларни ишлаб чиқишда Ўзбекистоннинг манфаатини ҳимоя қилиш.

Стандартлаштириш бўйича бир неча халқаро ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро ҳамкорлик қилишади ва фаолиятларини мувофиқлаштириб борадилар. Нуфузли стандартлаштириш бўйича ташкилотлар қаторига Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО), Халқаро электротехник комиссия (МЭК), Халқаро электроалоқа иттифоқи (МСЭ) киради. Бу каби ташкилотлар бошқа йўналишлар (сиёсий, иқтисодий, савдо) да фаолият кўрсатувчи халқаро идоралар, масалан, Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ), Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ) билан ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик олиб борадилар. Хусусан, ХСТ давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ва бир хил даражадаги савдо муносабатларини ташкил этиш учун халқаро стандартларнинг миллий даражада қўлланилишини қўллаб-қувватлайди. Бу масалага бўлган муносабат ХСТнинг савдодаги техник тўсиқлар бўйича Келишувида баён этилган.

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар узига аъзо давлатлар тасдиқлаган режа ёки ҳамкор ташкилот буюртмасига кура МҲлар ишлаб чиқади. Уларнинг фаолияти аъзо давлатлар бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Стандартлаштириш ишлари регионал ташкилотлар доирасида ҳам ташкил этилган. Бундай ташкилотлар мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий, савдо иттифоқлари доирасида ҳамда давлатларнинг географик жойлашувидан келиб чиқиб ташкил этилган. Самарали фаолият курсатиб келаётган ва халқаро нуфузга эга регионал идоралари сифатида Европа стандартлаштириш ташкилоти (СЕН)ни, МДҲ мамлакатлари давлатлараро кенгаши, Панамерика давлатлари стандартлаштириш ташкилоти курсатиш мумкин. Регионал стандартлаштириш ташкилотлари аъзо давлатлар манфаатлари доирасида МҲлар ишлаб чиқади ва жорий этади. Улар халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Регионал МҲлар халқаро ҳужжат сифатида қабул қилиниши ва қўлланилиши мумкин. Айрим ҳолларда бир регионал ташкилот ҳужжати бошқа бир регионал ташкилот доирасида ҳам қабул қилиниши ва қўлланилиши мумкин. Масалан, юзлаб европа стандартлари ёки евронормалар (ЕН) МДҲ мамлакатлари давлатлараро кенгаши МҲ (ГОСТ) сифатида қабул қилинган.

Стандартлаштириш ишлари давлатлараро иттифоқлар доирасида ҳам олиб борилади. Масалан, Россия, Белорусия ва Қозоқистон давлатлари Божхона иттифоқи томонидан давлатлараро стандартлаштириш ишлари олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли қарорида «Ўзстандарт» Агенлигига «стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш аккредитация бўйича халқаро ва давлатлараро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг вакиллигиги таъминлаш» ҳуқуқи белгиланган.

Стандартлаштириш соҳасида ваколатли бўлган халқаро ва ҳудудий ташкилотлар меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиб, уларни миллий идораларга ўз мамлакатларида қўллаш учун тавсия этадилар. Турли ҳужжатларни ишлаб чиқишдан олдин, халқаро ташкилотлар аъзолари булган мамлакатлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар белгиланган мавзу бўйича тадқиқот ишларини ўтказадилар. Стандартлаштириш, ўлчашлар бирлилигини таъминлаш, мувофиқликни баҳолаш соҳаларида халқаро стандартлар ва

раҳбарий ҳужжатлари Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО), Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти (ОИМЛ), Европа стандартлаштириш ташкилоти (СЕН), МДҲ давлатлари стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Давлатлараро кенгаши (МГС) нинг Техник қўмиталари (ТҚ) қошидаги Ишчи гуруҳлар томонидан илмий-тадқиқот натижаларига асосан ишлаб чиқилади. Халқаро ташкилотлар меъёрий ҳужжат (МҲ)ларида тадқиқот йўналишидаги умумий қоида ва меъёрлар ўрнатилади. Халқаро ва ҳудудий ташкилотлар меъёрий-услубий ҳужжатларини миллий даражада қўллашда мамлакат иқтисодиёти хусусиятларини инобатга олиш зарур ҳисобланади.

Миллий стандартлаштириш идоралари (тизимлари) мамлакат ҳукумати томонидан ташкил этилади. Айрим давлатларда (масалан, МДҲ давлатларида) стандартлаштириш буйича миллий идоралари махсус ваколатли давлат бошқарув идоралари сифатида ташкил этилган булса, айрим давлатларда эса бу ваколат ихтисослашган бирон бир маҳаллий ташкилот (корхона)га юклатилган. Масалан, аксарият ривожланган Европа давлатларида миллий идора ваколати хусусий мулк шаклидаги нуфузли ва имконияти етарли булган муассасалар (ташкилотлар)га берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига кура, Ўзбекистонда миллий тизим доирасидаги (давлат, ташкилот) МҲи билан бирга, халқаро, регионал, давлатлараро ва бошқа давлатлар миллий МҲи ҳам қўлланилиши белгиланган.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш буйича ишлар қандай даражаларда олиб борилади?

2) Халқаро, давлатлараро, регионал стандартлаштириш даражалари бир биридан нима билан фарқланади?

3) Стандартлаштириш бўйича халқаро ва давлатлараро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистонда қайси идорага юклатилган?

4) Стандартлаштириш буйича қандай халқаро ташкилотлар мавжуд?

5) Стандартлаштириш бўйича қандай регионал ташкилотлар мавжуд?

6) Миллий стандартлаштириш идоралари (тизимлари) мамлакатда ким томонидан ташкил этилади?

4.1 Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар
4.1.1 Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО)

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) 1946 йилда БМТнинг стандартларни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ташкил этилган ва шу йили унинг Низоми қабул қилинган. Низомда ИСОнинг мақоми, таркиби, қуйи идоралари вазифалари ва иш услублари белгиланган.

ИСОнинг биринчи Бош ассамблеяси 1946 йил 14 октябрда бўлиб ўтган бўлсада, у ўз фаолиятини 1947 йил 23 февралда 15 давлатнинг стандартлаштириш бўйича идоралари томонидан Низом ратификация қилингандан сўнг расман бошлади (2.12-расм). Шу сана ИСОнинг расмий ташкил этилган куни ҳисобланади.

2.12-расм. ИСОнинг биринчи ташкилий йиғилиши иштирокчилари

ИСО Низомида «Ташкилотнинг мақсади, дунё миқёсида халқаро товар-айирбошлашни ва ўзаро ёрдамни ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш, ҳамда интеллектуал, илмий, техник ва иқтисодий фаолият соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш» эканлиги кўрсатилган.

2.13-расм. ИСОнинг Женевадаги биринчи офиси

ИСО Президент, Бош котиб ва техник бюро ҳамда аъзо давлатлар томонидан сайланадиган Кенгаш томонидан доимий бошқарилади. Техник бюро Кенгашнинг ишчи идораси ҳисобланиб, ИСОнинг ТҚлари фаолиятини, турли даражадаги йиғилишларини ташкил этади (2.14-расм).

ИСОнинг асосий вазифаси бўлган халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ишларини унинг ТҚлари амалга оширади. Ҳозирда 200га яқин ТҚлар, 2000 дан зиёд қуйи ТҚлар ва ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатади.

ИСОнинг ТҚлари стандартлар, раҳбарий ҳужжатлар, қоидалар ишлаб чиқади ва улар аъзо давлатлар учун ихтиёрий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон давлат стадарти O'z DSt ISO/IEC 21 да халқаро стандартлар (хусусан, ИСО стандартлари)ни Ўзбекистонда миллий стандарт сифатида қўллаш тартиби белгиланган.

Халқаро стандартларни маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қўлланилиши рақобатбардошликни таъминлашини ҳисобга олиб, ИСОга аъзо давлатлар ТҚлар фаолиятида фаол иштирок этиш орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилишга ва халқаро МҲларни ўзларида жорий этишга ҳаракат қиладилар.

ИСОнинг МҲлари аъзо давлатлар манфаати ва таклиф-



2.14-расм. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот тузилмаси

лари асосида ишлаб чиқилади ва овозга қўйиш орқали қабул қилинади.

Халқаро стандартлар, асосан, маҳсулотларни инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга хавфсизлиги, ўзаро алмашувчанлик ва техник мослилиги талабларини ва синов усулларини ўз ичига олади.

Маҳсулотларнинг бевосита сифатига алоқадор кўрсаткичлар аксарият ҳолларда корхона (ташкилот)лар МҲида белгиланади ва ИСОнинг фақат 20%га яқин МҲида бевосита маҳсулотларга техник талаблар белгиланган.

ИСОга аъзо давлатлар ТҚлар ишида ўз мутахассисларини киритган ҳолда, актив («Р») аъзо ёки кузатувчи («О») аъзо сифатида иштирок этиши мумкин.

ИСОда МҲни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ўртача 4-5 йилни ташкил этади. ИСО раҳбарияти томонидан бу муддатни қисқартириш устида иш олиб борилмоқда. Масалан, информацион-коммуникацион технологиялар имкониятидан кенг фойдаланиш ҳисобига МҲ лойиҳаларини келишув жараёнини қисқартириш эришилмоқда.

ИСО йилда бир марта халқаро стандартлар Каталоги (ISO

МҲлар библиографик кўрсаткичини, амалга оширилган ишлар Ҳисоботини ва икки йилда бир марта Устав дастурини нашр этади.

ИСО бошқа фаолияти тўғрисидаги ахборотлар ойлик Бюллетен (ISO Bulletin)да бериб борилади.

«Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш соҳасида миллий идораси сифатида 1994 йилдан бошлаб ИСОнинг ҳақиқий аъзоси ҳисобланади. «Ўзстандарт» агентлиги ИСОнинг барча тадбирларида қатнашиш, ишлаб чиқариладиган стандартлар ва қабул қилинадиган турли ҳужжатлар (дастурлар, режалар ва х.к.) бўйича ахборот бериш, ИСО нинг барча органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир. «Ўзстандарт» Агентлиги 2004 йилдан ИСО ишида фаоллигини кучайтирди. Натижада, Ўзбекистон ИСОнинг 6та ТҚсига аъзо бўлишига эришилди. Олиб борилган ишларнинг самараси натижасида 2010 йилда агентлик ИСОнинг энг нуфузли қўмитаси — Ривожланаётган давлатлар бўйича қўмита (ДЕВКО)нинг бошқарув органига аъзо этиб, 2012 йилда эса қайта сайланди.

ИСОнинг бошқарув аппарати Женева шаҳрида жойлашган. 2012 йил 1 январ ҳолатига 169 давлат ИСОнинг ҳақиқий аъзо, 28 давлат эса кузатувчи ҳисобланади.

Ҳар йили бир марта (одатда сентябр ойида) ИСОнинг Бош ассамблеяси аъзо давлат ҳудуди ёки Женева шаҳрида ўтказилади. Бош ассамблея ташкилотнинг энг юқори органи бўлиб, унда раҳбарият ва бошқарув органларининг ҳисоботи эшитилади, янги режа ва дастурлар қабул қилинади, молиявий масалалар ҳал этилади, ИСОнинг раҳбарлари, унинг Кенгаши аъзолари аъзо давлатлар томонидан сайланади.

ИСОнинг ТҚлари томонидан ҳозирга қадар 15000га яқин МҲлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда ҳозирда 2000дан зиёд ИСО стандартлари ва қўлланмалари жорий этилган.

1.15-расм. ИСОнинг савдо маркаси ва логотипи

2002—2012 йилларда ISO/CASCO «Мувофиқликни баҳолаш» ТҚ томонидан тадқиқотлар натижасида мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги асос бўлувчи ИСО 17000 сериядаги стандартлар, ISO/TC 37 «Атамалар (принциплар ва мувофиқлаштириш)» ТҚ томонидан ISO/IEC Guide 2 «Стандартлаштириш ва ўзаро боғлиқ фаолият турлари. Умумий луғат», ISO/IEC Guide 21-1,2 «Ҳудудий ва миллий даражада халқаро стандартлар ва бошқа халқаро ҳужжатларни қабул қилиш» раҳбарий ҳужжатлари, ISO/TC 135 «Путур етказмайдиган текширув услублари» ТҚ томонидан эса путур етказмайдиган текширув соҳасидаги стандартлар, хусусан, ISO 9712 «Путур етказмайдиган текширув. Персонал малакаси ва аттестацияси». ОИМЛ ишчи гуруҳи томонидан метрология соҳасидаги МОЗМ МД-3 «Ўлчаш воситаларининг қонуний талабларга мувофиқлиги», МОЗМ МД-19 «Ўлчаш воситаларини синаш ва турини тасдиқлаш» халқаро ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

ИСОнинг 35-Бош ассамблеяси (Дели, 2011 й.)да «ИСОнинг 2011-2015 йилларга стратегик режаси. Глобал муаммоларни ечиш» қабул қилинган бўлиб, унда атроф-муҳит ҳимояси, соғлиқни сақлаш, ахборотлаштиришни ривожлантириш, ривожланаётган давлатлар билан ишларни фаоллаштириш каби масалаларни ҳал этиш назарда тутилган. Режага кўра, ISO/TC 37 техник қўмитаси томонидан атамашунослик соҳасидаги стандартлар (хусусан, ISO/NP 1087 «Terminology work — Vocabulary — Theory and application)», ISO/TC 176 томонидан — ИСО 9000 сериясидаги стандартлар янги таҳрирда (хусусан, ISO/FDIS «Quality management systems — Fundamentals and vocabulary»), ISO/TC 135 томонидан путур етказмайдиган текширув услубларини ривожлантириш бўйича стандартлар (хусусан, ISO/FDIS «Non-destructive testing — Magnetic particle testing — Part 1: General principles») ишлаб чиқилмоқда.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) қачон ва ким томонидан ташкил этилган?

2) ИСОнинг биринчи Бош ассамблеяси қачон бўлиб ўтган?

3) ИСОнинг расмий ташкил этилган куни қайси сана ҳисобланади?

4) ИСО Низомида ташкилотнинг қандай асосий мақсади белгиланган?

5) ИСО кимлар томонидан доимий бошқарилади?

6) ИСОнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш ишларини ким амалга оширади?

7) Ҳозирда ИСОнинг неча ТҚлар, қуйи ТҚлар ва ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатади?

8) «Ўзстандарт» Агентлиги Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш соҳасида миллий идораси сифатида қачондан бошлаб ИСОнинг ҳақиқий аъзоси ҳисобланади?

9) ИСОнинг бошқарув аппарати қаерда жойлашган?

10) Ҳозирда неча давлат ИСОнинг ҳақиқий аъзоси ҳисобланади ва улар қандай ваколатларга эга?

4.1.2 Халқаро электротехник комиссия

Халқаро электротехник комиссияси (МЭК) стандартлаштириш буйича халқаро ташкилотлар орасида биринчилар қаторида ташкил этилганлардандир. XIX-асрнинг иккинчи ярмида электротехника саноатининг ривожланиши бу йўналишда халқаро даражада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш кераклигини кўрсатди. Шу мақсадда биринчи маротаба 1881 йили электр соҳаси буйича Халқаро конгресс бўлиб ўтди. Кейинчалик 1904 йилда бўлиб ўтган Халқаро конгрессда электротехника соҳасида стандартлаштириш ишларини олиб бориш учун махсус идора тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1906 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда 13та давлат вакиллари томонидан қабул қилинган қарорга кўра Халқаро электротехник комиссия (МЭК) ташкил этилди.

1946 йилда ИСО ташкил этилгандан сўнг, МЭК у билан биргаликда ҳамкорликни йўлга қуйди. Бу ҳамкорлик икки ташкилот ишини мувофиқлаштиришга омил бўлди ва ҳозирда ҳам ўз самарасини бериб келмоқда. ИСО ва МЭК томонидан биргаликда қўлланмалар (Guides) ишлаб чиқилади ва улар халқаро стандартлаштиришнинг энг долзарб масалаларига бағишланади.

МЭКга аъзо бўлиш учун давлатларнинг стандартлаштириш буйича миллий идоралари ёки бошқа бирор ихтисослашган идора (ташкилот) киритилиши мумкин. Ҳозирда МЭКга 41 та давлат аъзо бўлиб, республика номидан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги киритилган. МЭК-

нинг бошқарув аппарати Женева шаҳрида жойлашган, унда инглиз, француз ва рус тиллари расмий тил ҳисобланади.

МЭКнинг энг юқори бошқарув идораси аъзолар томонидан сайланадиган Кенгаш ҳисобланади. Президент, вице-президент, бош котиб ва ғазначи ҳам сайланади. Кенгаш ҳар йили бир марта аъзо давлатлар ҳудудида ўтказилади ва ташкилотнинг фаолиятига тегишли барча масалаларни кўриб чиқади.

МЭКнинг ТҚлари ишларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, янги ишларни аниқлаш, МЭК стандартларини қўллаш билан боғлиқ масалаларни хал этиш ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш учун Кенгаш қошида ҳаракатлар Қўмитаси ташкил этилган (2.16-расм).



2.16-расм. МЭК ташкилий тузилмаси

Бевосита МҲларни ТҚлар, қуйи қўмиталар ва ишчи гуруҳлар амалга оширади. Ҳозирда МЭК қошида 80дан ортиқ ТҚ мавжуд бўлиб, улар умум-техникавий ва аниқ маҳсулотларга тегишли стандартларни ишлаб чиқади. Стандартлар тасдиқланган дастурларга мувофиқ ишлаб чиқилади. Ҳозирда 2000 дан зиёд электротехника, электроника, радиоалоқа соҳасидаги МЭКнинг халқаро стандартлари ишлаб чиқил-

...бўлиб, улар кўп давлатларда тўғридан-тўғри қўлланилади.

...халқаро ташкилотлар (хусусан ИСО ва МЭК)нинг ҳамкорлиги уларнинг ишида бир бирини қайтармаслик (параллелизм)ни олдини олади ва вақт ҳамда молиявий ресурсларни тежаш имкониятини беради. Шунга кўра, электротехника, электроника, радиоалоқа, асбобсозлик соҳаларида халқаро миқёсда стандартлаштириш ишларини фақат МЭК олиб боради.

...МЭК фаолиятини молиялаштириш аъзолик бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

...МЭК стандартлари Ўзбекистонда ҳам қўлланилади. Масалан, 211та МЭК стандартлари давлатлараро стандарт ГОСТ сифатида қабул қилинган бўлиб, улар Ўзбекистон ҳудудида ...

...ISO/МЭК қўлланмалари Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида жорий этилган. Масалан, O'z DSt ISO/IEC ... 2001 «Ўз СТ. Халқаро ва регионал стандартларни Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида қабул қилиш (ISO/IEC ... 1999, IDT)», O'z DSt ISO/IEC 2: 2007 «Ўз СТ. Стандартлаштириш ва фаолиятнинг ўхшаш турлари. Умумий луғат ва бошқа ҳужжатлар давлат стандартлари сифатида ...

...МЭК техник соҳадаги маҳсулотларни стандартлаштириш билан бирга, уларни бевосита сертификатлаштириш ишларини ҳам ташкиллаштиради.

Назорат саволлари:

1) Халқаро электротехник комиссияси қачон ташкил ...?

2) Халқаро электротехник комиссияси нима мақсадда ... этилган?

3) ИСО ва МЭК биргаликда қандай ҳамкорликни йўлга ...?

4) МЭКга қандай даражада қандай аъзо бўлиш мумкин?

5) МЭКнинг бошқарув аппарати қайси шаҳарда жойлаш...?

6) МЭКнинг ТҚлар, қуйи қўмиталар ва ишчи гуруҳлари ...ларини амалга оширади?

7) МЭК фаолиятида Ўзбекистон қандай иштирок этади?

8) МЭК стандартлари Ўзбекистонда ҳам қўлланилади...

4.1.3 Халқаро электралоқа иттифоқи

Халқаро электралоқа иттифоқи (МСЭ, инг. *International Telecommunication Union, ITU*) — телекоммуникация ва алоқа соҳасида тавсияларни белгиловчи ва радиочастоталардан халқаро даражада фойдаланиш масалаларини бошқарувчи (фойдаланиш йўналиши ва мамлакатлар бўйича радиочастоталарни тақсимловчи) халқаро ташкилотдир.

1865 йилда Париж шаҳрида манфаатдор давлатлар томонидан Халқаро телеграф иттифоқи тузилган ва 1932 йилда унинг асосида Халқаро электро-алоқа иттифоқи (МСЭ) ташкил этилди.

МСЭга 193 мамлакат ва 700дан зиёд тармоқлар бўйича илмий, саноат бирлашмалари, давлат ва хусусий алоқа операторлари, радиоахборот компаниялари, регионал ва халқаро ташкилотлар аъзодир. МСЭ томонидан ишлаб чиқиладиган МҲлар (Тавсиялар, инг. *Recommendations*) мажбурий бўлмаган ҳужжатлар бўлишига қарамай, кенг миқёсда қўлланилади ва алоқа тармоқларининг ўзаро муносабатларини енгиллаштиради, провайдерларга бутун дунё бўйича хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

МСЭнинг асосий мақсади ҳар бир инсонга қулай ва арзон ахборот ва алоқа имкониятидан эга бўлиш имкониятини яратиш билан, аҳоли ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли омил бўлишдан иборатдир. Бу мақсадга эришиш учун бутун дунёда электралоқа хизматини кўрсатиш инфратузилмасини яратишга қаратилган стандартларни ишлаб чиқиш керак бўлади. МСЭнинг яна бир мақсади алоқанинг барча турларидан регионал даражада фойдаланишда халқаро ҳамкорликни таъминлаш ва кенгайтиришдан иборатдир.

МСЭ штаб-квартираси Женева шаҳрида жойлашган. Унинг раҳбарий идораси — тўрт йилда бир марта чақириладиган ва 46 аъзодан иборат МСЭ Кенгашини сайлайдиган Ваколатли конференция ҳисобланади (2.17-расм).

Ваколатли конференцияда МСЭ аъзолари томонидан ташкилот ҳар бир сектори фаолиятининг асосий йўналишлари аниқланади, ишчи гуруҳлар тузилади ва тўрт йиллик иш режалари тасдиқланади. МСЭ Кенгаши ҳар йили йиғилиб туради. МСЭнинг ҳозирги тузилмаси 1992 йилда аниқланган ва МСЭ қошида учта сектор тузилган:

ITU-T (МСЭ-Т) — электроалоқани стандартлаштириш сектори;

2.17-расм. МСЭ ташкилий тузилмаси

ITU-R (МСЭ-Р) — радиоалоқа сектори;

ITU-D (МСЭ-Д) — электралоқани ривожлантириш сектори.

Радиоалоқа сектори радиотизимлар ички параметрларини тавсифлаш ва радиочастота спектрларидан фойдаланиш ва геостационар орбита масалалари билан шуғулланади.

Электралоқани стандартлаштириш сектори радиоалоқа тизимлари доирадаги масалалари билан шуғулланади. Сектор беш синфдаги ташкилотлар томонидан ташкил этилган:

A синф: алоқа бўйича миллий вазирлик ва идоралар;

B синф: алоқа билан шуғулланувчи йирик хусусий корпорациялар;

C синф: алоқа ускуналари билан шуғулланувчи илмий текширишлар ва алоқа ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар;

D синф: халқаро ташкилотлар (хусусан, ISO);

E синф: сектор фаолиятидан манфаатдор бошқа ташкилотлар.

Барча секторлар тадқиқот комиссияларидан иборат.

МСЭ томонидан ишлаб чиқилган МҲлар дунёнинг кўплаб ташкилотлари, фирмалари, халқаро, регионал, миллий стандартлаштириш идоралари ва истеъмолчилар томонидан қўлланилади.

Назорат саволлари

1) Халқаро электралоқа иттифоқи қачон ташкил этилган?

2) Халқаро электралоқа иттифоқи нима мақсадда ташкил этилган?

3) Халқаро электралоқа иттифоқига қандай ташкилотлар аъзо?

4) Халқаро электралоқа иттифоқи штаб-квартираси қайси шаҳарда жойлашган?

5) Қайси идора Халқаро электралоқа иттифоқининг раҳбар идораси ҳисобланади?

6) Халқаро электралоқа иттифоқи қошида қандай секторлар тузилган?

7) МСЭ томонидан ишлаб чиқилган МҲ кимлар томонидан қўлланилади?

4.2 Регионал стандартлаштириш ташкилотлари

4.2.1 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича Давлатлараро кенгаш

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳукуматлари раҳбарлари 1992 йил 3 мартда Минск шаҳрида имзолаган «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида келишилган сиёсатни олиб бориш буйича Келишув»га кўра, миллий идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларида техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича Давлатлараро кенгаш (Давлатлараро кенгаш) ташкил этилди. Узбекистон Ҳукумати томонидан ҳам ушбу Келишув имзоланган ва унга кўра «Узстандарт» агентлиги Давлатлараро кенгаш аъзоси бўлиб, унинг йиғилишларида агентлик раҳбарияти ҳал қилув овози билан қатнашади.

Бу ўз навбатида, МДҲ аъзолари миллий идораларининг имкониятларини бирлаштириш, мавжуд МҲлардан биргаликда фойдаланиш ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида ягона техник сиёсатни амалга ошириш имкониятини яратди.

Давлатлараро кенгашга МДҲ ҳудудида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида мувофиқлаштирувчи идора сифатида:

ягона меъёрий база бўлган давлатлараро стандартлар, классификаторлар ва бошқа МҲни қуллаш ва ривожлантириш;

ягона эталон базасини ва улчовлар бирлилигини таъминлаш тизимини шакллантириш, хусусан, давлатлараро вақт ва частота хизматини, модда ва материаллар хусусиятининг стандарт маълумот базасини шакллантириш;

маҳсулотлар ва хизматларни синови ва сертификатлаштириш натижаларини узаро тан олинишини таъминлаш юклатилган.

Давлатлараро кенгашнинг техник сиёсати МДҲ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича миллий идоралари, шу билан бирга, давлатлараро ТҚлар ва илмий-техник комиссиялар томонидан яратилади.

Давлатлараро кенгашнинг вазифаларини амалга ошириш учун аъзо давлатларнинг ваколатли вакиллари (асосан, миллий идора раҳбарлари)дан иборат Кенгаш ва унинг ишчи органи ҳисобланган стандартлар буйича Бюроси, 200дан зиёд давлатлараро ТҚлар, илмий-техник комиссиялар ва ишчи гуруҳлар фаолият курсатади (2.18-расм).



2.18-расм. Давлатлараро Кенгаш тузилмаси

Стандартлар буйича Бюро Келишувга мувофиқ Минск шаҳрида жойлашган.

Давлатлараро кенгашнинг аъзолари (миллий идоралар раҳбарлари) бир йилда икки маротаба йиғилиш утказиб, кенгаш ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қиладилар. Кенгашга навбати билан МДҲ миллий идоралари раҳбарлари бир йиллик муддатга раислик қиладилар. Йиғилишларда МДҲ Ижроия қумитасидан, халқаро, регионая ва бошқа миллий идоралардан ҳамда бошка манфаатдор томонлардан вакиллар қатнашади.

Давлатлараро кенгаши ва унинг ишчи органлари фаолиятининг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат:

стандартлаштириш бўйича давлатлараро МҲни ишлаб чиқиш;

давлатлараро, халқаро, регионал, бошқа давлатлар МҲи фондини шакллантириш, сақлаш, олиб бориш ва МҲ билан аъзо давлатларни таъминлаш;

эталон базасини олиб бориш ва ривожлантириш;

вақт ва частота давлатлараро хизматини олиб бориш;

ўлчов воситалари, стандарт намуналар ва модда ва материаллар хусусиятлари стандарт маълумотлари ахборот фондини олиб бориш;

давлат метрологик контроли доирасидаги фаолиятнинг натижаларини ўзаро тан олиш бўйича тегишли қоидалар ва тартибларни ишлаб чиқиш;

аккредитацияланган лабораториялар сертификатлаштириш идораларини, ҳамда маҳсулотлар ва сифат тизимларига берилган сертификатларни тан олиниши бўйича тегишли қоидалар ва тартибларни ишлаб чиқиш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Давлатлараро кенгаши фаолияти йўналишига тегишли бўлган масалаларда миллий идоралар ва ҳукуматлар томонидан қабул қилинадиган келишувлар ташкилот фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Ҳукумат раҳбарлари даражасида 6та ва миллий идоралар раҳбарлари даражасида 6та ҳукуматлараро келишувлар қабул қилинган.

МДҲ мамлакатларида техник қонунчиликни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида, Давлатлараро кенгаш томонидан «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тўғрисида»ги модел қонунлар ишлаб чиқилган.

Аъзо давлатлар таклифлари асосида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида бир ва бир неча йиллик дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Масалан, 2000—2005 йилларга мўлжалланган ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва ҳимояси соҳасида стандартларни ишлаб чиқиш бўйича давлатлараро дастур ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Бундай дастурларни ишлаб чиқаришдан мақсад нафақат МДҲ мамлакатлари ҳудудида мослиликни таъминлаш, балки ишлаб чиқарилаётган давлатлараро МҲларни

халқаро МҲ билан мослаштириш. 1995 йилдан бери ишлаб чиқарилаётган ва жорий этилаётган давлатлараро стандарт (ГОСТ)лар асосан халқаро (регионал) стандартлар (ИСО, МЭК, евро стандартлари)га асослангандир. Шунга кўра, ҳозирда мавжуд ГОСТларнинг 40%дан зиёди халқаро даражада уйғунлаштирилган стандартлар ҳисобланади.

Давлатлараро кенгаш халқаро (ИСО, МЭК) ва регионал (СЕН) стандартлаштириш ташкилотлари томонидан стандартлаштириш бўйича регионал ташкилот сифатида тан олинган. ИСОда қабул қилинган қоидаларга кўра, Давлатлараро кенгашга «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Евроосиё ташкилоти (EASC)» номи берилган. Халқаро ташкилотлар билан Давлатлараро кенгаш ўртасида ўзаро ҳамкорлик келишувлари имзоланган. Бу келишувлар халқаро стандартларни давлатлараро стандартлар сифатида қабул қилиш ҳуқуқини беради.

Ҳозирда давлатлараро стандартлар фондида 20000га яқин МҲ мавжуд ва уларнинг 40% 1992 йилдан сўнг ишлаб чиқилган.

Давлатлараро кенгаш доирасида стандартлаштириш ишларини олиб бориш нафақат МДҲ мамлакатлари ҳудудида, балки халқаро даражада савдодаги техник тусиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

1992 йилда Давлатлараро кенгашнинг йиғилиши Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ва бир неча ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон кенгашнинг икки ТҚсини олиб боради. Булар, пахта ва ипак хомашёси маҳсулотлари бўйича ТҚлардир. Ўзбекистон ҳудудида деярли барча давлатлараро МҲ амал қилади.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш қачон ташкил этилган?

2) Давлатлараро кенгаш ким томонидан ташкил этилган?

3) Давлатлараро кенгаш нима мақсадда ташкил этилган?

4) Давлатлараро кенгашга қайси идоралар аъзо ҳисобланади?

5) Давлатлараро кенгашга стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича қандай вазифалар юклатилган?

6) Давлатлараро кенгаш ва унинг ишчи органлари фаолиятининг асосий йўналиши нималардан иборат?

7) Ҳукумат раҳбарлари даражасида ва миллий идоралар раҳбарлари даражасида нечта ҳукуматлараро келишувлар қабул қилинган?

8) Давлатлараро кенгаш томонидан қандай ҳужжатлар ишлаб чиқилади?

9) Ҳозирда Давлатлараро кенгаш томонидан қанча ҳужжатлар ишлаб чиқилган?

10) Ҳозирда давлатлараро стандартларнинг халқаро талабларга уйғунлаштирилганлик даражаси қандай?

4.2.2 Европа иттифоқи доирасида стандартлаштириш

Европа иттифоки Кенгашининг 1985 йил 7 майдаги «Техник мослаштириш ва сертификатлаштириш соҳаларида янги ёндошув тўғрисидаги қарори»да стандартлаштириш масалаларига оид принциплар белгиланди. Бунда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар европа директиваларининг умумий талабларига жавоб бериши кераклиги, миллий стандартлар олдида халқаро ва европа стандартларининг афзаллиги курсатиб ўтилган.

Европа иттифоқи (ЕИ) доирасида стандартлаштириш ишларини олиб бориш Европа стандартлаштириш қумитаси (СЕН) ва Европа электротехникада стандартлаштириш буйича қумитаси (СЕНЭЛЕК)га юклатилган.

ЕИда Янги ва Глобал ёндашувлар буйича директивалар қабул қилиниши билан, икки даражали техник жиҳатдан тартибга солиш тизими амал қилмоқда.

ЕИ давлатларида техник жиҳатдан тартибга солиш шу давлатлар учун ягона бозорни ташкил этиш асосий мақсадига хизмат қилади. Маҳсулотларга талаблар ЕИ Келишувининг соғлиқни ва атроф муҳитни ҳимояси ва хавфсизлигига тегишли 13-моддасига асосланган. Миллий стандартлаштириш тизимлари томонидан ягона бозорни ташкил этишда тусиқлар булиши мумкинлиги учун, ЕИ бу тусиқларни бартараф этишга қаратилган, барча мамлакатлар учун янги ягона қоидаларни ишлаб чиқди.

ЕИда директивалар қонунлар вазифасини бажаради ва тўғридан тўғри таъсир этадиган ва бажарилиши мажбурий ҳужжатлар ҳисобланади. Директивалар Европа Парламентида қабул қилингандан кейин аъзо давлатлар томонидан миллий қонунчиликка жорий этилиши керак. Техник стандартлар

ва меъёрлар соҳасидаги ЕИнинг асос бўлувчи директиваси сифатида, Европа Парламенти томонидан 1998 йил 22 июнда қабул қилинган, стандартлаштиришга Янги ёндашув тўғрисидаги 98/34/ЕС директива ҳисобланади. 98/34/ЕС директива маҳсулотни стандартлаштиришга Янги ёндашувни ва маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқлашни аниқлашга глобал ёндашувни белгилади.

Ушбу директивага кўра, ЕИнинг бирор-бир давлатида ишлаб чиқилган ва реклама қилинган маҳсулот ЕИ доирасида эркин ҳаракатлана олиши керак.

Янги ёндашув асосида қурилиш маҳсулотлари бўйича қабул қилинган Европа директивасининг ишлаш схемаси 2.19-расмда келтирилган.

Янги ёндашувнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

— МҲлар (талаблари)ни ўзаро уйғунлаштириш (бирхиллаштириш) маҳсулотларга фақат муҳим талабларни белгилаш билан чегараланиши керак ва бундай маҳсулотларгина ЕИ бозорига киритилиши мумкин;

— муҳим талабларга мос маҳсулотларнинг техник спецификацияси (хусусиятлари), уйғунлаштирилган (бирхиллаштирилган) европа стандартлари билан аниқланади;

— уйғунлаштирилган стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган маҳсулотлар бошқа стандартлар асосида ишлаб чиқилган маҳсулотларга нисбатан афзал ҳисобланади;

— уйғунлаштирилган ёки бошқа стандартларни қўллаш ихтиёрий ҳисобланади ва ишлаб чиқарувчи бошқа стандартларни қўллаган тақдирда, уларнинг муҳим талабларга мослигини махсус комиссияда исботлаши керак.

Миллий стандартлар ва меъёрлардаги фарқдан келиб чиқадиган тафовутлар натижасида пайдо бўладиган савдодаги тўсиқлар бартараф этилиши керак. Маҳсулотлар инсонлар саломатлиги, хавфсизлик, истеъмолчилар ҳуқуқини ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш каби талабларга мувофиқ бўлиши ва тегишли ёрлиқларга эга бўлиши керак.

Маҳсулотлар техник спецификацияси уйғунлаштирилган (бирхиллаштирилган) стандартлар кўринишида баён этилиб, уларда маҳсулотнинг номи, вазифаси, сифат даражаси, техник характеристикалари, хавфсизлиги, ўлчамлари, атамалар, символлар, синов усуллари, ўраш ва ёрлиқлашга талаблар, мувофиқликни тасдиқлаш процедуралари каби характеристикалар келтирилади. Миллий стандартлаштириш

2.19-расм. Қурилиш маҳсулотлари бўйича Европа директиваси ишлаш схемаси



2.20-расм. ЕИда техник жиҳатдан тартибга солиш тизими

тизимлари доирасида ишлаб чиқилган стандартларда уйғунлаштирилган ҳолда Европа стандартларига ҳавола этилиши ҳамда улар «ЕИ расмий журнали»да чоп этилган бўлиши керак.

Европа стандартлаштириш қўмитаси

1961 йилда ташкил этилган Европа стандартлаштириш қўмитаси (CEH)га Европа иттифоқига аъзо 28 давлатнинг стандартлаштириш бўйича миллий идоралари киради. Булар Австрия (ON), Бельгия (IBN/BIN), Буюк Британия (BSI), Венгрия (MZSH), Германия (DIN), Греция (ELOT), Дания (DS), Ирландия (NSAI), Исландия (STRI), Испания

Европа миллий идоралар, масалан, Албания (DPS), Болгария (BDS), Хорватия (HZN), Македония (ISRM).

Ҳамкор-миллий стандартлаштириш идоралари — сиёсий ёки географик сабабларга кура СЕНга аъзо бўла олмайдиган, ИСОнинг аъзоси булган миллий стандартлаштириш идоралари (PSB). Бундай статусни олиш учун даъвогар маълум талабларни бажариши керак. Энг муҳим талаб, узи аъзо булган СЕН қўмитаси ишлаб чиққан Европа стандартларини миллий стандартлар сифатида қабул қилиш ва Европа стандартига қарама-қарши булган тегишли миллий стандартларини бекор қилишдир. Ҳамкорлар СЕН фаолиятида ва Бош Ассамблеяси ишида, ТҚлар йиғилишларида иштирок этишлари мумкин, Европа стандартлари (EN) ва уларнинг лойиҳаларини олишлари мумкин. Ҳамкорлар қаторига Миср, Россия, Сербия ва Черногория, Украина, Тунис киради. Бундай статус ЕИ аъзо бўлмаган давлатларнинг СЕН қошидаги ТҚ лар ишида кузатувчи сифатида иштирок этиш имконини беради.

СЕН режаларида ҳамкорликни Осиё давлатлари орасида ҳам кенгайтириш хоҳиши борлиги 2004 йилда расман маълум қилинган.

СЕН томонидан бир неча тоифадаги МҲлар ишлаб чиқилиши мумкин.

Европа стандарти (EN) — СЕН/ТК томонидан консенсус асосида ишлаб чиқилган МҲ бўлиб, СЕН аъзоси булган давлатларда миллий стандарт сифатида қабул қилиниши керак. Европа стандартларига асос қилиб ИСО халқаро стандартлари ва миллий (масалан, Германия (DIN), Франция (AFNOR) стандартлари олинади.

Европа стандартлари Фонди 15000 дан зиёд МҲларни ўз ичига олади ва уларни ишлаб чиқишда 60 мингдан зиёд экспертлар қатнашади.

СЕН томонидан яна қуйидаги тоифадаги МҲлар ишлаб чиқилиши мумкин:

— **CEN/TS, Техник шартлар** (*Technical Specification*) — дастлабки Европа стандартлари ҳисобланади ва кейинчалик Европа стандарт сифатида қабул қилиниши мумкин;

— **CEN/TR, Техник ҳисобот** (*Technical Report*) — бирор-бир меъёрий талабларни ўз ичига олмайди ва ахборот алмашиш мақсадида нашр этилади;

— **CWA, СЕН экспертлари Келишуви** (*Workshop Agreement*) — МҲ ҳисобланмайди.

Европа стандартлари ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади ва талабга жавоб бермайдиган МҲлар бекор қилинади (масалан, 2004 йилда 225та EN бекор қилинган). Европа стандартларини ишлаб чиқиш ўртача вақти 3 йил бўлиб, тез актуаллиги йўқоладиган (масалан, ахборот технологиялари соҳасида) ишлаб чиқиш муддатлари қисқартирилади. Зарур ҳолларда, аксинча, МҲни ишлаб чиқиш муддати чўздирилиши мумкин.

Европа стандартлари саноат вакиллари, халқаро, Европа ва миллий стандартлаштириш идоралари Европа комиссияси таклифига кўра ишлаб чиқилиши мумкин. Таклиф СЕНнинг тегишли ТҚга киритилади ва ижобий қарор бўлган ҳолда, ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳ тузилади. МҲ лойиҳаси таклифлар учун СЕНнинг барча аъзоларига жўнатилади, ҳужжатни қабул қилишда эса фақат ҳақиқий аъзолар овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

2004 йилда қабул қилинган тартибга кўра турли аъзо давлатлар ҳар хил овозга эга: максимал овозга Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Польша, Нидерландия давлатлари, минимал овозга эса Кипр, Эстония, Латвия, Словения, Люксембург, Исландия ва Мальта давлатлари эгадир. Қабул қилинган стандарт барча аъзо давлатлар томонидан, хусусан, қарши бўлганлар томонидан ҳам миллий стандарт сифатида қабул қилиниши мажбурийдир.

Жорий ишларни бош котиб бошчилигида Марказий котибият амалга оширади (2.21-расм).

Стандартларни саноат корхоналари ва ҳамкорлар томонидан ишлатилиши ихтиёрий ҳисобланади. Агарда ушбу стандартга ЕИ директивасида ҳавола берилган бўлса, бу МҲ барча учун мажбурий ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар EN стандарти талабларини бажармасликлари мумкин, лекин ЕИ директиваси талабларини бажаришга мажбурдирлар.

СЕН барча халқаро ва регионал ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. СЕН ва ИСО ўртасида ўзаро техник ҳамкорлик тўғрисида Вена шартномаси 1991 йилда имзоланган бўлиб, унга кўра томонлар ўзаро ахборот алмашиши ва стандартларни бигаликда ишлаб чиқишга ҳаракат қилиши керак. Биргаликда ишлаб чиқилган МҲга иккала ташкилот белгиси (ISO/EN) берилади. Ҳозирда 30% Европа стандартлари халқаро стандартларга тўлиқ мос (идентификация қилинган) ҳисобланади.



2.21-расм. СЕН ташкилий тузилмаси

келишувига мувофиқ умумтехникавий йўналишларда ҳамда тармоқлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади. Бунда, республикамизда Европа стандартлари тўғридан-тўғри давлат стандартлари кўринишида ёки ENларга мослаштирилган ГОСТлар орқали ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, ҳозирда амалдаги ГОСТларнинг 200 дан зиёди ENлар асосида ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда кимё саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик тармоқларида Европа стандартлари Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида қабул қилинган.

Электротехникада Европа стандартлаштириш бўйича қўмита (СЕНЭЛЕК).

СЕНЭЛЕК нотижорат ташкилоти бўлиб, у 1973 йилда икки ташкилот — Европа эркин савдо ассоциацияси аъзо давлатлари электротехника стандартларини мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси ва ЕИ аъзо давлатлари электротехника стандартларини мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси қўшилиши натижасида ташкил топган. СЕНЭЛЕК таркибига 31 та электротехника бўйича Европа миллий қўмиталари ва 11 та қўшни давлатлар электротехника бўйича миллий қўмиталари киради, унга 5000 эксперт хизмат кўрсатади.

Унинг структураси СЕН структурасига ўхшаш бўлиб, асосий мақсадлари электротехника ва электрон маҳсулотларига ихтиёрий стандартлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

СЕН ва СЕНЭЛЕК ўз фаолиятларида мувофиқлаштириш асосида доимий ҳамкорликда иш олиб борадилар.

СЕНЭЛЕК стандартлари расман қабул қилингандан сўнг, аъзолар томонидан бирор-бир ўзгартириш ва қўшимчаларсиз миллий стандарт сифатида қабул қилиниши керак.

СЕНЭЛЕКнинг асосий органи стандартлаштириш бўйича миллий идоралар ва давлат идоралар томонидан сайланадиган Бош Ассамблея бўлиб, у ўз навбатида 5 кишидан иборат Маъмурий Кенгашни сайлайди.

СЕНЭЛЕКнинг стандартлаштириш бўйича асосий объектлари қуйидагилар:

— 50 дан 1000 вольтгача номинал кучланишли ва 75—1500 вольт доимий токли саноат ва маиший ускуналар;

— медицина электр ускуналари;

— электромагнит мослиги, хусусан радиобузишлар;

— портлаш хавфи бор атмосферада ишлатиш учун ускуналари (портлашдан ҳимояланган ускуналар);

— улчаш воситаларининг метрологик таъминоти, хусусан электрон воситалар, заруратга кўра айрим электр ускуналари.

СЕНЭЛЕК стандартлари халкаро стандартлар асосида ишлаб чиқилиши мумкин. СЕНЭЛЕК стандартлари барча аъзо давлатлар томонидан миллий стандартлар сифатида қабул қилинади.

СЕНЭЛЕК стандартлари уч кўринишда бўлиши мумкин: Европа стандарти (EN), уйғунлаштириш буйича ҳужжат (МҲ) ва дастлабки стандарт (ENV).

Евронорма СЕНЭЛЕК (EN) — бу техник текстга эга ва миллий МҲ сифатида аъзо давлатлар томонидан қабул қилинадиган Европа стандарти. СЕНЭЛЕК стандарти (EN)га ўзгартириш киритиш тақиқланади ва улар уч расмий тилда чоп этилади: инглиз, француз, немис. Евронормаларни рақамлаш 50001 дан бошланади. Миллий даражада EN маҳаллий тилда моҳияти ўзгартирилмасдан чоп этилиши мумкин ва бунда маҳаллий хусусиятлар алоҳида ахборот иловаси сифатида кўрсатилади.

Назорат саволлари:

1) Европа иттифоқи даражасида стандартлаштириш масалаларига оид принциплар қачон белгиланди?

2) Европа иттифоқи доирасида стандартлаштириш ишларини олиб бориш қайси идораларга юклатилган?

3) Янги ва глобал ёндашувлар буйича директивалар нима мақсадда қабул қилинган?

4) Янги ёндашувнинг асосий принциплари нималардан иборат?

5) Евродирективалар, евронормалар ва миллий стандартлар ўртасида қандай муносабатлар йўлга қўйилган?

6) Европа стандартлаштириш қўмитаси қачон ташкил этилган?

7) Европа стандартлаштириш қўмитаси нима мақсадда ташкил этилган?

8) Европа стандартлаштириш қўмитасига кимлар аъзо?

9) Европа стандартлаштириш қўмитаси қандай тузилмага эга?

10) Европа стандартлаштириш қўмитасининг стандартлаштириш буйича фаолияти нимадан иборат?

11) Электротехникада Европа стандартлаштириш буйича қумитаси қачон ва нима мақсадда ташкил этилган?

12) Электротехникада Европа стандартлаштириш буйича қумитаси қандай тузилмага эга?

13) СЕНЭЛЕКнинг стандартлаштириш бўйича асосий объектлари нималар?

14) СЕНЭЛЕК стандартлари қандай куринишда бўлиши мумкин?

4.3 Миллий стандартлаштириш тизимлари

Халқаро, регионал стандартлаштиришнинг асоси, албатта, миллий стандартлаштиришдир. Барча даражалаги стандартлаштириш, аввалambор, аниқ бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга қаратилган.

ИСОга 169 та давлатларнинг стандартлаштириш буйича миллий идоралари аъзо булиб, 26 та миллий идоралар кузатувчи статусига эгадир.

Дунёда мавжуд стандартлаштириш буйича миллий тизимларни солиштирилса, айнан бир хил тизимни топиш қийин булади. Чунки давлатлар бир-биридан ривожланиш тарихи ва даражаси билан, анъаналари ва географик жойлашуви, амалдаги қонунчилиги ва мавжуд тармоқларнинг мамлакат иқтисодидаги аҳамияти ва урни билан фарқ қилади. Бу параметрлар эса мамлакатдаги стандартлаштириш тизимининг ҳолати ва даражасига бевосита таъсир курсатади.

Қуйида айрим стандартлаштириш буйича миллий тизимлар ва уларни бошқарувчи идораларининг таҳлилини куриб чиқамиз. Бунда тузилиши ва моҳияти жиҳатидан фарқланувчи ва маълум бир ҳудудга характерли булган тизимларга тухталиб утамиз.

МДҲ мамлакатларида стандартлаштириш тизимлари тузилиши ва моҳияти билан умумий ухшашликка эга. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси мисолида бу региондаги стандартлаштириш ишларининг олиб борилиши ҳолатини куриб чиқамиз.

Қозоғистон Республикасида стандартлаштиришнинг ҳуқуқий асоси булиб «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонуности ҳужжатлари ҳисобланади. Қонунчиликда стандартлаштириш буйича миллий идора этиб Қозоғистон Республикаси индустрия ва Савдо вазирлиги қошидаги **стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Қўмитаси** (КАЗМЕМСТ) тайинланган.

ҚАЗМЕМСТнинг стандартлаштириш соҳасидаги асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

— давлат идоралари, жисмоний ва юридик шахслар фаолиятини мувофиқлаштириш орқали илмий-техник изланишлар асосида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни таъминлаш;

— халқаро илмий-техник ҳамкорликни амалга ошириш, халқаро ва регионал ташкилотларда Қозоғистон Республикасининг вакили бўлиш;

— стандартлаштириш бўйича илмий-техник кенгаш ишини ташкил этади, Қозоғистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган стандартлар ва бошқа МҲларни тасдиқлайди;

— давлат, давлатлараро, халқаро стандартларни, техник регламентларни, техник шартларни Қозоғистон Республикаси қонунчилиги, давлат стандартлаштириш тизимлари талабларига мувофиқлигига экспертиза қилиш;

— давлат тилига МҲлар таржимасини экспертиза қилиш ва тасдиқлаш;

— Қозоғистон Республикаси ҳудудида қўлланиш режалаштирилаётган стандартлар ҳисобини юритиш;

— қонунлар ва бошқа МҲлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

— стандартлаштириш бўйича МҲлар, маҳсулотлар каталоги варақларини, техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва давлат тилига таржима қилишда ҳўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш.

ҚАЗМЕМСТ стандартлаштириш соҳасида ИСО, Давлатлараро кенгаш, МЭК, Худудлараро стандартлаштириш ташкилоти (МАС), Божхона иттифоқи каби халқаро ва регионал ташкилотларига аъзодир.

Амалдаги қонунчиликка кўра, Қозоғистон Республикасида қуйидаги тоифадаги стандартлаштириш бўйича МҲлар амал қилади:

— Қозоғистон Республикасининг давлат стандартлари;

— техник-иқтисодий маълумотларнинг давлат классификаторлари;

— давлатлараро МҲлар;

— белгиланган тартибда қўлланилаётган халқаро, регионал, миллий стандартлаштириш бўйича МҲлар;

— илмий-техник, муҳандислик жамиятлари ва бошқа жамоат бирлашмалари стандартлари;

— тавсиялар;

— фирмалар стандартлари;
— техник шартлар;
— тармоқ стандартлари.

Мавжуд стандартларнинг 25% дан зиёди халқаро стандартларга мослаштирилган.

Қонунчилик республика маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларига халқаро, ривожланган давлатлар стандартларини тўғридан-тўғри қўллаш ҳуқуқини берган.

Халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда Қозоғистонда ҳам стандартлаштириш буйича МҲларни ишлаб чиқиш ТҚлар томонидан амалга оширилади. Ҳозирда иқтисодиётнинг турли тармоқлари (хусусан, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, нефт ва кумир саноати)да ташкил этилган 40 дан зиёд ТҚлар фаолият кўрсатади.

Қозоғистон Республикаси ИСОнинг 6 та ТКси ишида қатнашади.

2005 йилда Қозоғистон Республикасида «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. Ушбу Қонун ХСТнинг «Савдодаги техник тусиқлар буйича Келишуви» талабларига мувофиқ техник жиҳатдан тартибга солиш тизимига ўтиш имконини беради. Қонунда стандартлар ихтиёрий МҲлар эканлиги қайд этилган.

Қозоғистон ва Ўзбекистонда амалда булган стандартлаштириш тизимларини моҳиятан солиштирсак, уларда умумий ўхшашликни кўриш мумкин. Масалан, стандартлаштириш буйича миллий идораларнинг мақоми, вазифалари, структураси айнан ўхшашдир. Тизимлардаги фарқ сифатида, Ўзбекистонда халқаро, регионал, бошқа давлат стандартларини тадбиркорлар тўғридан-тўғри қўллаши мумкин эмас, балки уларни Ўзбекистон миллий МҲлари кўринишида расмийлаштириб қўллаши мумкин. Яна бир фарқ иккала давлатда қўлланиладиган МҲлар тоифасидадир. Ўзбекистонда илмий-техник, муҳандислик жамиятлари ва бошқа жамоат бирлашмалари стандартлари тоифаси мавжуд булмаслиги билан бирга, қонунчиликда ташкилотлар стандартлари ишлатилиши белгиланган.

Европа иттифоқи давлатларида умумрегионал талаблар асосида фаолият кўрсатадиган миллий стандартлаштириш тизимлари мавжуддир. ЕИда олиб борилаётган стандартлаштириш ишларининг халқаро стандартлаштиришдаги аҳамияти каттадир. Чунки кўплаб ENлар ва Европа давлатлари (хусусан, Буюк Британия) стандартлари халқаро стандартлар сифатида қабул қилинади.

Буюк Британияда стандартлаштириш буйича миллий идора этиб **Британия стандартлаштириш институти** (BSI) тайинланган.

BSI 1901 йилда ташкил этилган бўлиб, унга саноатни стандартлар билан таъминлаш, уни ташқи бозорга самарали чиқишига керакли хизматларни кўрсатиш асосий вазифа этиб белгиланган.

BSI дастлаб темир йўл соҳасидаги стандартлаштириш буйича ишларни амалга оширишга ихтисослашган бўлса, ҳозирда кўплаб тармоқларга стандартлаштириш буйича хизмат кўрсатувчи йирик ташкилотга айланган. Унинг мамлакат ичида ва ташқарисида кўплаб филиаллари бўлиб, улар саноатга бевосита жойида хизмат кўрсатадилар. Масалан, BSIнинг 112 давлатда 164 та офислари фаолият кўрсатади.

БСИнинг олий қонуний органи — бир йилда бир маротаба чақириладиган, фаолият буйича ҳисобот эшиталиган, Президент ва унинг ўринбосарларини сайлайдиган ҳамда молиявий ревизорларни тайинлайдиган Бош конференциядир.

БСИ олий ижро органи — Бош конференцияга ҳисобот берувчи, институт ишига раҳбарлик қилувчи, уз қарамогидаги Молия қумитаси орқали институт фаолиятини назорат қилувчи Бошқарув кенгашидир.

БСИ таркибига жамоалар ва хусусий шахслар киради.

Миллий стандартларни БСИ ишчи органлари бўлган 3500 га яқин техник қумиталар ишлаб чиқади. Бу фаолиятни стандартлаштириш буйича тармоқ кенгашларига буйинсинувчи техник қумиталар бошқариб боради.

БСИ стандартлаштиришдан ташқари сифатни бошқариш ва сертификатлаштириш буйича ишларни ҳам бошқаради.

BSI қошида кенг номдаги серияли маҳсулотларни синаш буйича синов лаборатория мавжуддир. BSI миллий стандартларга мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фирмалар тўғрисида «Маҳсулотлар ишлаб чиқувчи ва сотувчи фирмалар реестри» маълумотномасини чоп этади.

BSI умумбритания стандартларини ишлаб чиқариш билан бирга, алоҳида фирмалар учун умумевропа бозорига мўлжалланган ривожланишнинг истиқболли режаларини тузиш билан ҳам шуғулланади.

BSI томонидан турли тармоқларга оид 20000 дан зиёд стандартлар ишлаб чиқарилган.

Стандартлаштириш буйича ахборот билан таъминлаш ва

уни тарқатиш билан «Standardline» автоматлаштирилган тизими орқали марказий маълумот хизмати шуғулланади. Ушбу тизим орқали стандартларга тааллуқли ахборот алмашинуви олиб борилади ва бу тизим 50та миллий ахборот тизимлари билан боғланган.

2007 йилда BSI ва «Ўзстандарт» агентлиги раҳбарлари имзолаган ўзаро ҳамкорлик бўйича баённомага кўра, «Ўзстандарт» агентлигига Британия стандартларидан маълумот базаси сифатида ҳамда керак ҳолларда Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

АҚШ стандартлаштириш бўйича Миллий идораси **Америка миллий стандартлар ва технологиялар институти** (NIST) ҳисобланади. 1928 йилда Америка техник стандартлаштириш қўмитаси Америка стандартлаштириш бўйича ассоциация (ASA)га, кейинчалик АҚШ стандартлаштириш бўйича ташкилоти (USASI)га, кейинроқ Америка миллий стандартлаштириш институти (ANSI)га, ҳозирда — NISTга айлантирилган.

NIST — нодавлат-нотижорат ташкилот бўлиб, иқтисодиётнинг хусусий секторларида ихтиёрий стандартлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, стандартларни ишлаб чиқувчи ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилиш, стандартларга миллий стандартлар статусини бериш бўйича қарорлар қабул қилиш билан шуғулланади.

NIST ўзи стандартларни ишлаб чиқмайди, лекин у АҚШда миллий стандартларни тасдиқловчи ягона ташкилот ҳисобланади. NISTнинг асосий вазифаси — умумдавлат аҳамиятига эга бўлган (энергоресурсларни тежаш, атроф-муҳит ҳимояси, инсон ҳаёти ва ишлаб чиқариш шароитларини хавфсизлигини таъминлаш) масалаларини ҳал этишдир.

Институт ёқилғини ишлаб чиқиш ва ташиш, электроэнергия таъминоти, ядровий, қуёш ва бошқа энергия турларини қуллаш каби мақсадли дастурларни ишлаб чиқади. Тайёр маҳсулотларга стандартларни ишлаб чиқишга кам эътибор берилади, чунки бу соҳада корхоналар томонидан ташкилотлар МҲлари ишлаб чиқилади.

Миллий (федерал) стандартларда бажарилиши мажбурий бўлган, асосан хавфсизлик аспектлари бўйича талаблар берилади. АҚШда мажбурий статусдаги федерал стандартлар билан бирга давлат бошқарув идоралари (Савдо вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, атроф-муҳитни ҳимояси бўйича Феде-

рат агентлик, озиқ-овқат ва медикаментлар хавфсизлиги бўйича Федерал бошқарма ва бошқалар) томонидан тасдиқланадиган техник регламентлар ҳам амал қилади. NIST давлат бошқарув идоралари билан МҲларни ишлаб чиқиш, бу жараённи назорат қилишда доимий ҳамкорликни амалга оширади.

Федерал стандартларни NIST томонидан аккредитланган нуфузли (Америка синовлар ва материаллар бўйича жамияти (ASTM), Америка сифатни назорат қилиш жамияти (ASQC), Америка инженер-механиклар жамияти (ASME) ва бошқа) ташкилотлар ишлаб чиқадилар. Бу ташкилотлар федерал стандартлар билан бирга ихтиёрий стандартларни ҳам ишлаб чиқадилар. АҚШда ихтиёрий стандартларни ҳам ишлаб чиқиш билан 400 дан зиёд ташкилотлар ва фирмалар шуғулланадилар. АҚШда 35 мингдан зиёд ихтиёрий стандартлар мавжуддир.

Ҳозирда 1200 фирма, 250 та ишлаб чиқариш ва савдо компаниялари, илмий техник ва инженерлик жамиятлари NISTнинг аъзоси ҳисобланади. Институт фаолияти хўжалик ҳисобидан (37 %) ҳамда аъзолик бадалларидан (63 %) тушган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

NIST директорлар Кенгаши томонидан бошқарилади. Унинг функциялари: бир йил муддатга президентни, учта вице-президентларни, ижрочи вице-президентни, ижроия қўмитасини сайлашдан иборатдир. Ижроия қўмита институт директорлар Кенгаши йиғилишлари орасида бошқаради ва бюджет ижросини назорат қилади. Директорлар Кенгаши институт ишини режалаштиради, стандартлаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади.

Директорлар Кенгашига аъзо ташкилотлар Кенгаши, аъзо компаниялар Кенгаши ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича Кенгаш бўйсунади. Ушбу Кенгашлар билан бирга, NIST таркибида директорлар Кенгаши қошида институт фаолиятининг турли йўналишларини мувофиқлаштирувчи қўмиталар ва кўплаб ишчи гуруҳлар мавжуддир. Хусусан, АҚШнинг ИСО ва МЭК халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиши бўйича Миллий қўмитаси шу ташкилотларда ишларнинг самарадорлиги учун жавоб беради.

АҚШда ишлаб чиқарилаётган стандартлар халқаро ва бошқа давлатлар миллий стандартлари сифатида кўплаб қўлланилади. Хусусан, Ўзбекистонда АҚШ стандартлари автомобилсозлик саноатида миллий стандарт сифатида жорий этилиб, қўлланилиб келинмоқда.

АҚШнинг барча тармоқларида стандартлаштиришнинг ўрни каттадир. АҚШ стандартлаштириш тизими доирасида уч гоифадаги стандартларни кўрсатиш мумкин:

— давлат идоралари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан расман тан олинадиган миллий стандартлар;

— илмий-техник жамиятларнинг тармоқ стандартлари (масалан, давлат хариди учун федерал стандартлар, харбий стандартлар);

— илмий-техник жамиятларнинг стандартлари асосида ишлаб чиқилган фирмалар стандартлари ва техник шартлари.

АҚШда амалда бўлган стандартларнинг аксарияти мажбурий эмас, бироқ мажбурий стандартлар талаблари бузилган ҳолда қонунчиликда жазо чоралари белгиланган.

Ўзбекистонда бошқа давлатлар миллий стандартларини қўллаш тартиби давлат стандарти O'z DSt 1.7 да белгиланган.

Назорат саволлари:

1) Халқаро, регионал стандартлаштиришда миллий стандартлаштиришнинг ўрни қандай?

2) Нима сабабдан миллий стандартлаштириш тизимлари бир-биридан фарқ қилади?

3) МДҲ мамлакатларида миллий стандартлаштириш тизимлари тузилиши ва моҳияти билан қандай ўхшашликка эга?

4) Миллий стандартлаштириш тизимларига қандай вазифалар юклатилади?

5) Европа иттифоқи давлатларида фаолият кўрсатадиган қандай миллий стандартлаштириш тизимлари мавжуд?

6) Евронормалар ва Европа давлатлари миллий стандартлари ўртасида қандай боғлиқлик бор?

7) АҚШ стандартлаштириш бўйича Миллий идораси қандай муассаса?

8) Америка миллий стандартлар ва технологиялар институти қачон ташкил этилган ва унинг мақоми қандай?

9) Америка миллий стандартлар ва технологиялар институтига қандай вазифалар юклатилган?

10) АҚШ стандартлаштириш тизими доирасида қандай гоифадаги стандартларни қўлланилиши мумкин?

4.4 Халқаро, регионал, давлатлараро ва бошқа давлатлар миллий стандартларини Ўзбекистонда қўллаш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида қуйидагилар қайд этилган:

«Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қоидалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини «Ўзстандарт» агентлиги ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли қарорида «Ўзстандарт» агентлигига «стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, халқаро стандартларни, хусусан сифатни бошқариш тизимлари бўйича, қўллаш асосида маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш» вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.0 да стандартлаштиришнинг асосий вазифалари қаторида қуйидагилар белгиланган:

— стандартлар талабларини халқаро, давлатлараро, регионал ва саноати ривожланган давлатларнинг миллий стандартлари билан уйғунлаштиришни таъминлаш;

— халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро тажрибани қўллаш, халқаро, давлатлараро, регионал стандартлаштиришда иштирокни фаоллаштириш;

— халқаро, давлатлараро, регионал ва чет давлатлар стандартларини қўллаш амалиётини кенгайтириш.

Ўзбекистон миллий МҲларини халқаро, давлатлараро, регионал ва чет давлатлар стандартларини билан уйғунлаштиришнинг энг самарали йўли, албатта, уларни тўғридан-тўғри қабул қилишдир. Халқаро, регионал ва ривожланган давлатлар стандартларини миллий стандартлар сифатида қўллаш мамлакатнинг дунё бозоридаги имкониятларини кенгайтиради, экспорт потенциалини оширади.

Халқаро стандартларни ҳар қандай давлатда тўғридан-тўғри қўллаш маълум талабларни қўяди. Бунинг учун иқтисодиёт тармоқлари халқаро талаблар даражасида ишлашга тайёр бўлиши, соҳаларда илғор технологиялар жорий этилиши, маҳсулотларга нисбатан халқаро даражадаги хавфсизлик меъёрлари бажарилиши имконияти бўлиши керак.

Халқаро, регионал стандартларни миллий стандартлар сифатида қўллаш учун мамлакат ёки унинг ваколатли идораси шу ташкилотларга аъзо бўлиши керак.

АҚШнинг барча тармоқларида стандартлаштиришнинг урни каттадир. АҚШ стандартлаштириш тизими доирасида уч тоифадаги стандартларни кўрсатиш мумкин:

— давлат идоралари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан расман тан олинадиган миллий стандартлар;

— илмий-техник жамиятларнинг тармоқ стандартлари (масалан, давлат хариди учун федерал стандартлар, харбий стандартлар);

— илмий-техник жамиятларнинг стандартлари асосида ишлаб чиқилган фирмалар стандартлари ва техник шартлари.

АҚШда амалда бўлган стандартларнинг аксарияти мажбурий эмас, бироқ мажбурий стандартлар талаблари бузилган ҳолда қонунчиликда жазо чоралари белгиланган.

Ўзбекистонда бошқа давлатлар миллий стандартларини қўллаш тартиби давлат стандарти O'z DSt 1.7 да белгиланган.

Назорат саволлари:

1) Халқаро, регионал стандартлаштиришда миллий стандартлаштиришнинг ўрни қандай?

2) Нима сабабдан миллий стандартлаштириш тизимлари бир-биридан фарқ қилади?

3) МДҲ мамлакатларида миллий стандартлаштириш тизимлари тузилиши ва моҳияти билан қандай ўхшашликка эга?

4) Миллий стандартлаштириш тизимларига қандай вазифалар юклатилади?

5) Европа иттифоқи давлатларида фаолият кўрсатадиган қандай миллий стандартлаштириш тизимлари мавжуд?

6) Евронормалар ва Европа давлатлари миллий стандартлари ўртасида қандай боғлиқлик бор?

7) АҚШ стандартлаштириш буйича Миллий идораси қандай муассаса?

8) Америка миллий стандартлар ва технологиялар институти қачон ташкил этилган ва унинг мақоми қандай?

9) Америка миллий стандартлар ва технологиялар институтига қандай вазифалар юклатилган?

10) АҚШ стандартлаштириш тизими доирасида қандай тоифадаги стандартларни қўлланилиши мумкин?

4.4 Халқаро, регионал, давлатлараро ва бошқа давлатлар миллий стандартларини Ўзбекистонда қўллаш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида қуйидагилар қайд этилган:

«Халқаро (давлатлараро, мингақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қоидалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини «Ўзстандарт» агентлиги ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли қарорида «Ўзстандарт» агентлигига «стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, халқаро стандартларни, хусусан сифатни бошқариш тизимлари бўйича, қўллаш асосида маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш» вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.0 да стандартлаштиришнинг асосий вазифалари қаторида қуйидагилар белгиланган:

— стандартлар талабларини халқаро, давлатлараро, регионал ва саноати ривожланган давлатларнинг миллий стандартлари билан уйғунлаштиришни таъминлаш;

— халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро тажрибани қўллаш, халқаро, давлатлараро, регионал стандартлаштиришда иштирокни фаоллаштириш;

— халқаро, давлатлараро, регионал ва чет давлатлар стандартларини қўллаш амалиётини кенгайтириш.

Ўзбекистон миллий МҲларини халқаро, давлатлараро, регионал ва чет давлатлар стандартларини билан уйғунлаштиришнинг энг самарали йўли, албатта, уларни тўғридан-тўғри қабул қилишдир. Халқаро, регионал ва ривожланган давлатлар стандартларини миллий стандартлар сифатида қўллаш мамлакатнинг дунё бозоридаги имкониятларини кенгайтиради, экспорт потенциалини оширади.

Халқаро стандартларни ҳар қандай давлатда тўғридан-тўғри қўллаш маълум талабларни қўяди. Бунинг учун иқтисодиёт тармоқлари халқаро талаблар даражасида ишлашга тайёр бўлиши, соҳаларда илғор технологиялар жорий этилиши, маҳсулотларга нисбатан халқаро даражадаги хавфсизлик меъёрлари бажарилиши имконияти бўлиши керак.

Халқаро, регионал стандартларни миллий стандартлар сифатида қўллаш учун мамлакат ёки унинг ваколатли идораси шу ташкилотларга аъзо бўлиши керак.

Халқаро стандартларни қўллашнинг амалиётда бир неча кўринишлари учрайди. O'z DSt ISO/IEC 2:2007 давлат стандартида бу ҳақда қуйидаги атамалар берилган:

— **МҲнинг қўлланилиши** — бирор-бир МҲни ишлаб чиқаришда, савдода ва бошқа ҳолларда қўлланиши;

— **Халқаро стандартни тўғридан-тўғри қўллаш** — халқаро стандартни бошқа МҲда қўлланганлигидан қатъи назар қўллаш;

— **Халқаро стандартни билвосита қўллаш** — халқаро стандартни бошқа МҲ орқали қўллаш;

— **Халқаро стандартни (миллий МҲда) қабул қилиш** — халқаро стандартга асосланган миллий МҲни киритилиши ёки халқаро стандарт миллий МҲ билан бир хил мақомга эга эканлигини, барча номувофиқликларни кўрсатган ҳолда тасдиқлаш.

Халқаро ва регионал стандартларни Ўзбекистонда қўллаш тартиби Ўз СТ доирасида амал қилувчи O'z DSt ISO/IEC 21:2001 давлат стандартида белгиланган. Ушбу стандарт ИСО/МЭК 21:1999 «Принятие международных стандартов в качестве региональных и национальных стандартов» халқаро қўлланмаси асосида ва унинг матнига айнан бир хил бўлган ҳолда, бироқ давлат стандартининг номини ИСО/МЭК қўлланмасини номидан фарқлаган ҳолда ишлаб чиқилган.

Мазкур давлат стандартида қуйидагилар назарда тутилган:

— миллий стандартлар ва мувофиқ халқаро ҳамда минтақавий стандартлар соҳасидаги мувофиқлик даражасини аниқлаш;

— ХСни миллий стандартлар сифатида қабул қилиш;

— ҳар қандай четга чиқишларни тезда тан олинишини таъминловчи техник четга чиқишларни кўрсатиш;

— ХС айнан бир хил қабул қилишда миллий стандартларни номерлаш;

— миллий стандарт ва ХС орасидаги мувофиқлик даражасини кўрсатиш.

O'z DSt ISO/IEC 21да ХСни учта мувофиқлик даражаси бўйича таснифлаш моделини қўллаш белгиланган:

— айнан ўхшаш стандарт;

— модификатлаштирилган стандарт;

— ноэквивалент стандарт.

Айнан ўхшаш (IDT) стандартлар.

Миллий стандарт ХСга қуйидаги шартларда айнан ўхшаш ҳисобланади:

а) миллий стандарт техник мазмуни, тузилиши ва баён қилиниши (ёки айнан ўхшаш таржима ҳисобланади) бўйича айнан ўхшаш бўлади;

б) миллий стандарт қуйидаги озгина тахририй узгартишларга эга бўлишига қарамай техник мазмуни бўйича айнан ўхшаш бўлади:

— ўнли белгини кўрсаткичи сифатида нуқтани вергулга алмаштириш;

— ҳар қандай босма хатоларни (масалан, орфографик хатоларни) ёки бетларни рақамлашдаги ўзгаришларни тўғрилаш;

— куп тилдаги ХСдан бир ёки бир нечта тиллардаги матнни чиқариб ташлаш;

— ХСга киритилган ҳар кандай техник босма хатоларни еки тузатишларни киритиш:

— амалдаги миллий стандартлар билан мувофиқлигини таъминлаш учун номини ўзгартириш;

— «ушбу ХС» жумласини «ушбу миллий стандарт»га алмаштириш;

— ҳар қандай миллий ахборот материалини киритиш;

— ХСдан дастлабки ахборотли материалларни чиқариб ташлаш;

— сўзлар ёки жумлаларни ўзгартириш;

— агарда ХС қабул қилувчи мамлакатда бошқа ўлчаш тизими амал қилса миқдорий бирликларнинг қайта ҳисобланган қийматларини ахборот мақсадида киритиш.

Халқаро стандартларни айнан ўхшаш қилиб қабул қилишда миллий стандартларни қуйидагича усулларда номерланади:

а) миллий ҳарфлар халқаро маълумот берадиган номерлан (ҳарфлар ва номер) оралиқ ёки қулай белгилаш билан масалан, дефис билан ажрати-лиши мумкин. Масалан, ISO/IEC 21:1999 қўлланмаси Ўзбекистонда айнан ўхшаш (IDT) моделда қабул қилинган. Унга миллий (давлат) стандарти сифатида O'z DSt ISO/IEC 21:2001 номери берилган.

Бундай белгилаш кўпинча тушунарли сабабларга кура «бир чизиқли номерлаш» деб аталади, яъни миллий стандартнинг номери бўлиб ISO/IEC 21 ҳисобланади. Ушбу усулдан фойдаланиш бирданига ХСни бир маъноли идентификатлаштиришни таъминлайди.

б) «икки чизиқли иккиланган номерлаш»

Масалан, O'z DSt ISO 9000:2009 ёки O'z T 51- 160:2008

ISO 9000:2005, IDT (ISO/IEC 28:2004)

Икки чизиқли иккиланган номерлаш асосидаги маълумот берадиган номерлар маълумот берадиган номернинг иккала ташкил этувчисини ажратиш учун қия чизиқдан фойдаланиб бир чизиқда келтириш мумкин.

Мисол. O'z DSt №:йил/ ИСО №:йил

Агарда миллий стандарт алоҳида қисмларда нашр қилиб, улардан айримлари ХСга айнан ўхшаш бўлса, бу усул айниқса самарали бўлади. Номерлашнинг бир чизиқли ва икки чизиқли иккиланган усуллари фақат ХСни айнан ўхшаш қабул қилишда қўлланилади.

Модификатлаштирилган стандарт (MOD).

Миллий стандарт ХСга нисбатан қуйидаги шартларда модификатлаштирилади. Техник четга чиқишларга, уларни аниқ идентификатлаштирилиши ва тушунтирилиши шарти билан йўл қўйилади. Миллий стандарт ХС тузилишини ҳам эттирали. Тузилишдаги ўзгартишлар бу икки стандартларни мазмунини ва тузилишини оддий таққослаш имконияти қолган ҳолати учунгина мумкин.

Маълум шароитларда бир нечта ХСни битта миллий стандарт доирасида қабул қилиш ҳам маъқул ҳисобланади. Модификатлаштирилган стандартлар, шунингдек, эквивалентли мувофиқлик усулиятида йўл қўйиладиган ўзгартиришларни ўз ичига олиши мумкин.

Транспарентлик ва кузатувчанлик мақсадида миллий стандартда битта ХСни қабул қилиш тавсия этилади. Айрим ҳолларда битта миллий стандартда бир нечта ХС қабул қилиниши мумкин.

Модификатлаштирилган стандартларни ишлаб чиқишда қуйидаги холлар бўлиши мумкин:

а) «Миллий стандарт мазмуни ҳажми бўйича кичик».

Миллий стандарт ХС таклиф этадиган муқобилликларнинг фақат бир қисмини қўллайди, қатъийроқ бўлмаган талабларни белгилайди ва ш.ў.

б) «Миллий стандартнинг мазмуни ҳажми бўйича катта».

Миллий стандарт қўшимча жиҳатларни ёки турларни ўз ичига олади, қатъийроқ талабларни белгилайди, қўшимча синовларни ўтказишни ўз ичига олади ва ш.ў.

в) «Миллий стандарт ХСни бир қисмини ўзгартиради».

Мазмуннинг бир қисми айнан ўхшаш бўлади, аммо миллий стандарт ва ХС бир мунча ҳар хил талабларни белгилайди.

г) «Миллий стандарт муқобил танловини назарда тутади».

Миллий стандарт энг мақом ҳолатини назарда тутади ва у ХС мақомига муқобил сифатида фойдаланилиши мумкин. Ўзгартирилган қабул қилишда миллий стандартни номерлашда фақат миллий маълумот берадиган номерни қўллашга йул қўйилади. Масалан, O'z DSt №:йил. Номи. (ISO №: йил, MOD).

Ноэквивалент стандарт (NEQ).

Ўзгартиришларни аниқ идентификатлаштирилиши бўлмаганда миллий стандарт техник мазмуни ва тузилиши бўйича ХСга ноэквивалент ҳисобланади. Агарда, стандартга халқаро стандартларнинг кичик қисми киритилса, у ҳам ноэквивалентдир. Мувофиқликнинг бундай даражаси ХСни қабул қилишни назарда тутмайди.

Ноэквивалент тоифада миллий стандартни номерлашда ҳам фақат миллий маълумот берадиган номерни қўллашга йул қўйилади. Масалан, O'z DSt №:йил. Номи. (IEC №: йил, NEQ).

Халқаро ва регионал стандартларни Ўзбекистонда Ўз СТ сифатида қўллаш тартиби батафсил тарзда O'z DSt ISO/IEC 21:2001 давлат стандартида кўрсатиб ўтилган.

Халқаро ва регионал стандартларни миллий стандартлар сифатида қўлланилиши барча халқаро ташкилотлар, хусусан, ВТО томонидан қўллаб-қувватланади, Бироқ, халқаро стандартларни миллий стандарт сифатида қўллаш мамлакатнинг миллий хавфсизлигига, аҳоли ҳаёти, соғлиғи ва мулки хавфсизлигига, атроф-муҳит хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолларда, халқаро стандартни қўлланмаслиги асосли ҳисобланади.

Ҳозирда халқаро стандартларни миллий стандарт сифатида қўллаш тартиби ИСО/МЭКнинг икки қисмдан иборат ISO/IEC 21-1:2005 ва ISO/IEC 21-2:2005 янги таҳрирдаги қўлланмасида келтирилган.

Ўзбекистонда амалда бўлган ва қўлланилаётган МҲларни миқдори (20000дан зиёд) давлатлараро стандартлар (ГОСТ)-дир. Бу тоифа МҲларни республикада қўлланиш тартиби O'z DSt 1.7:1998*да белгиланган.

O'z DSt 1.7:1998*га кўра, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари талабларига жавоб берадиган ва Ўзбекистон Республикаси овоз берган давлатлараро стандартлар республикада қўлланилиши мумкин. Давлатлараро кенгаш аъзоси сифатида «Ўзстандарт» агентлиги (қурилиш соҳасида — Госкомархитектқурилиш қўмитаси) республика тармоқлари,

ТҚлар ва бошқа манфаатдор томонлар фикрларини инобатга олиб, давлатлараро стандартни қуллаш тўғрисидаги қарорни қабул қилади.

Давлатлараро стандартлар Ўзбекистонда давлат стандарти куринишига узгартирилмасдан, тўғридан-тўғри бевосита қўлланилади.

«Ўзстандарт» агентлигининг давлатлараро стандартни қуллаш тўғрисидаги қарори Давлатлараро кенгашдан руйхатга олинган МҲ нусхаси келгандан сўнг, олти ойдан кечиктирмасдан қабул қилинади ва бу қарор билан давлатлараро ҳужжатга қарама-қарши булган давлат стандарти бекор қилинади.

Давлатлараро стандартлар давлат ва рус тилларида нашр этилиши керак. Ўзбекистон Республикасида амалга киритилган давлатлараро стандартлар тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан давлат стандартлар учун белгиланган тартибга асосан нашр этилиши белгиланган.

O'z DSt 1.7:1998*да давлатлараро стандартларни қуллашни қуйидаги ҳолларда «Ўзстандарт» агентлиги қарори билан тўхтатиш мумкин:

— ушбу стандарт тегишли булган маҳсулотнинг республикада ишлаб чиқилиши тўхтатилган ҳолда;

— ушбу стандартнинг талаблари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига қарама-қарши булиб қолганда;

— ушбу стандартнинг талаблари республика иқтисодиёти манфаатлари ва миллий хавфсизлик талабларига жавоб бермай қолган ҳолда;

— бошқа ҳолларда.

Давлатлараро стандартни амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарор «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда, давлатлараро стандартлар маълум муддатга ҳам тўхтатилиши мумкин.

Бошқа тоифадаги давлатлараро МҲлар ҳам давлатлараро стандартлар каби қабул қилинади.

Миллий стандартлар ва бошқа давлатлар МҲларини Ўзбекистонда қўллаш тартиби O'z DSt 1.7:1998*да белгиланган.

Чет давлатлар фирмалари маҳсулотлари Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва мустақил сотишга мўлжалланган булса, бундай ҳолда ишлаб чиқарувчи корхона тегишли МҲни бирор-бир тоифада (давлат, ташкилот (корхона) стандарти куринишида) ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқлаши ва давлат руйхатига киритиши керак бўлади.

Тегишли МҲ маҳсулот ишлаб чиқарилгунга қадар ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан утказилиши керак.

Фақат экспортга мўлжалланган маҳсулотларни чет давлатлар МҲлари асосида ишлаб чиқишга рухсат берилади. Лекин шу туркумдаги маҳсулотларга тегишли республикада амалда булган МҲларнинг мажбурий талаблари албатта бажарилиши керак.

Чет давлатлар МҲлари асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар МҲни «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан утказишлари керак.

«Ўзстандарт» Агентлигининг Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган O'z T 51-052-96*да стандартлаштириш буйича миллий МҲлар талаблари халқаро ва чет давлат стандартлари билан уйғунлаштирилганлигини баҳолаш услубияти келтирилган.

Назорат саволлари:

1) Қандай ҳужжатда халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари Ўзбекистон Республикасида қўллаш мумкинлиги курсатилган?

2) Ўзбекистонда халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари қўллаш тартибини ким белгилайди?

3) Халқаро, регионал стандартларни миллий стандартлар сифатида қўллаш учун мамлакат ёки унинг ваколатли идорасига қандай талаб қўйилади?

4) Қайси ҳужжатда халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари Ўзбекистон Республикасида қўллаш тартиби берилган?

5) Халқаро стандартни тўғридан-тўғри қўллаш нимани англатади?

6) Халқаро стандартни билвосита қўллаш нимани англатади?

7) O'z DSt ISO/IEC 21:2001 давлат стандартида қандай талаблар белгиланган?

8) O'z DSt ISO/IEC 21да халқаро стандартни мувофиқлик даражаси буйича таснифлаш буйича қандай моделларини қўллаш белгиланган?

9) Айнан ўхшаш (IDT) стандартлар нима?

10) Модификатлаштирилган стандарт (MOD) нима?

11) Ноэквивалент стандарт (NEQ) нима?

12) Давлатлараро стандартларни қўллаш тартиби қайси ҳужжатда берилган?

5-боб. ТАРМОҚЛАРАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТИЗИМЛАРИ

5.1 Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг ҳолати

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, маҳсулот яратилиши жараёнидан бошлаб кейинги ҳар бир ҳаёт жараёни (ишлаб чиқарилиши, фойдаланилиши, ташилиши, сақланиши, йўқ қилиниши)ни стандартлаштирилиши талаб этилади. Стандартлаштириш фаолияти натижасида тармоқ ва тармоқлараро даражадаги МҲлар комплекси ишлаб чиқилади. МҲлар комплекси эса иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари (соҳалари)га тегишли бўлганлиги сабабли, тармоқлараро стандартлаштириш тизимларини ташкил этади.

Тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари (ТСТ), бу алоҳида гуруҳлар (синфлар)га бирлашган тармоқлараро ташкилий-услубий ва умумтехникавий асос бўлувчи МҲларнинг мажмуаси (комплекси)дир. Ҳар бир тизим маҳсулотлар (хизматлар, жараёнлар)нинг тўлиқ ҳаёт жараёнини қамровчи кўплаб МҲларни ўз ичига олади. ТСТнинг мавжудлиги стандартлаштириш ишлари билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолиятини ягона тартиб-қоидалар асосида олиб борилишини, фан-техника ютуқлари ва янги технологияларни самарали жорий этиб борилишини таъминлайди.

СМСИТИ томонидан 1999—2001 йилларда мавжуд ТСТнинг ҳолати бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида «2001—2010 йилларда Ўзбекистонда ТСТни шакллантириш ва қўллаш Концепцияси» ишлаб чиқилди. Ушбу Концепцияда ТСТнинг шу вақтдаги ҳолати таҳлили билан бирга, тизимларнинг истиқболи бўйича тавсиялар берилган. Ўзбекистон ҳудудида қўлланиши учун мулжалланган ТСТ нинг умумий таркиби тармоқлараро доирада қўлланиладиган миллий ва давлатлараро (МДҲ бўйича) тизимларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати O‘z RH 51-110:2001 да тармоқлараро стандартлаштириш тизимларини маҳсулотлар

(хизматлар)ни ишлаб чиқиш, сақлаш, транспортда ташиш, ишлатиш ва таъмирлаш чоғида танлаш ва қўллаш бўйича асосий талаблар белгиланган.

Амалиётда тармоқлараро стандартлаштириш тизимларига тегишли [O'z RH 51-110:2001] қуйидаги таърифлар қўлланилади:

— **Тармоқлараро даражада қўлланиладиган стандартлаштириш тизими** — умумий жараёнлар, процедуралар, ресурслар билан таъминланиш имкониятлари қўлланишнинг функционал бирлиги билан бирлаштирилган илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг турли хил тармоқларидан иборат тизим иштирокчиларининг (буюртмачи, ишлаб чиқувчи, ишлаб чиқарувчи, таъминловчи ва ҳ.к.) ташкилий тузилмаси ва тармоқлараро стандартлаштириш объектларида белгиланган талабларни уларни ўзаро алоқа доирасида бажариш усуллари мажмуи;

— **Тармоқлараро стандартлаштириш объектлари** — ТСТнинг меъёрий ҳужжатлари томонидан белгиланган умумийтехник, ташкилий-усулий ва техник қоидаларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, муомалада бўлиш (сақлаш ва транспортда ташиш), ишлатиш (истеъмол қилиш), таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, ластурли таъминот, ахборот ва ҳ.к.

Ҳозирги даврдаги миллий даражада олиб бориладиган тармоқлараро тизимларга Ўз СТ, Ўз СМТ, ЎзТТСДТ, Ўз ЎДТ, Уз АТ, Ўз МЯТ (миллий ва давлатлараро МҲлар асосида) мансубдирлар. КХТ (ЕСКД), ХБТ (УСД), ТИИА ТКТ (ЕСКК ТЭСИ Уз), (ССБТ)ларига кирувчи стандартларнинг бир қисми (асосий қоидалар) миллий стандартлар даражасида қайта ишлаб чиқилган, қолган қисми эса давлатлараро даражаларда олиб борилади.

Жадвал 2.7 да Ўзбекистонда тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг белгиланиши ва ҳолати бўйича маълумот келтирилган.

Ҳар бир стандартлаштириш тизими, турли тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан унинг мақсадли вазифасининг функционаллигини ва стандартлаштириш объектларининг таркибини ҳисобга олиб бажарилиши зарур бўлган умумтехник қоидалар, меъёрлар, талаблар ва усулий йўлланмаларни белгиловчи ўзаро боғлиқ бўлган МҲлар мажмуидан иборатдир. Бир тизим доирасида ишлаб чиқилаётган миллий ва давлатлараро даражалардаги МҲларнинг ўзаро мослилиги таъминланиши керак.

9) Айнан ўхшаш (IDT) стандартлар нима?
10) Модификатлаштирилган стандарт (MOD) нима?
11) Ноэквивалент стандарт (NEQ) нима?
12) Давлатлараро стандартларни қуллаш тартиби қайси ҳужжатда берилган?

5-боб. ТАРМОҚЛАРАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТИЗИМЛАРИ

5.1 Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг ҳолати

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, маҳсулот яратилиши жараёнидан бошлаб кейинги ҳар бир ҳаёт жараёни (ишлаб чиқарилиши, фойдаланилиши, ташилиши, сақланиши, йўқ қилиниши)ни стандартлаштирилиши талаб этилади. Стандартлаштириш фаолияти натижасида тармоқ ва тармоқлараро даражадаги МҲлар комплекси ишлаб чиқилади. МҲлар комплекси эса иқтисодиётнинг куплаб тармоқлари (соҳаларига тегишли булганлиги сабабли, тармоқлараро стандартлаштириш тизимларини ташкил этади.

Тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари (ТСТ), бу алоҳида гуруҳлар (синфлар)га бирлашган тармоқлараро ташкилий-услубий ва умумтехникавий асос бўлувчи МҲларнинг мажмуаси (комплекси)дир. Ҳар бир тизим маҳсулотлар (хизматлар, жараёнлар)нинг тўлиқ ҳаёт жараёнини қамровчи куплаб МҲларни ўз ичига олади. ТСТнинг мавжудлиги стандартлаштириш ишлари билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолиятини ягона тартиб-қоидалар асосида олиб борилишини, фан-техника ютуқлари ва янги технологияларни самарали жорий этиб борилишини таъминлайди.

СМСИТИ томонидан 1999—2001 йилларда мавжул ТСТнинг ҳолати буйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида «2001—2010 йилларда Ўзбекистонда ТСТни шакллантириш ва қўллаш Концепцияси» ишлаб чиқилди. Ушбу Концепцияда ТСТнинг шу вақтдаги ҳолати таҳлили билан бирга, тизимларнинг истиқболи буйича тавсиялар берилган. Ўзбекистон ҳудудида қўлланиши учун мўлжалланган ТСТ нинг умумий таркиби тармоқлараро доирада қўлланиладиган миллий ва давлатлараро (МДҲ буйича) тизимларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати O'z RH 51-110:2001 да тармоқлараро стандартлаштириш тизимларини маҳсулотлар

маҳсулотларни ишлаб чиқиш, сақлаш, транспортда ташиш, ишлатиш ва таъмирлаш чоғида танлаш ва қўллаш бўйича умумий талаблар белгиланган.

Ҳозирда тармоқлараро стандартлаштириш тизимларига тегишли [ЎЗ RH 51-110:2001] қуйидаги таърифлар қўлланилади:

— **Тармоқлараро даражада қўлланиладиган стандартлаштириш тизими** — умумий жараёнлар, процедуралар, ресурслар билан таъминланиш имкониятлари қўлланишнинг функционал бирлиги билан бирлаштирилган илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг турли хил тармоқларидан иборат тизим иштирокчиларининг (буюртмачи, ишлаб чиқувчи, ишлаб бажарувчи, таъминловчи ва ҳ.к.) ташкилий тузилмаси ва тармоқлараро стандартлаштириш объектларида белгиланган талабларни уларни ўзаро алоқа доирасида бажариш усуллари мажмуи;

— **Тармоқлараро стандартлаштириш объектлари** — ТСТнинг меъёрий ҳужжатлари томонидан белгиланган умумийтехник, ташкилий-усулий ва техник қоидаларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, муомалада бўлиш (сақлаш ва транспортда ташиш), ишлатиш (истеъмол қилиш), таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, моддий таъминот, ахборот ва ҳ.к.

Ҳозирги даврдаги миллий даражада олиб бориладиган тармоқлараро тизимларга Ўз СТ, Ўз СМТ, ЎзТТСДТ, Ўз ЎДТ, Ўз АТ, Ўз МЯТ (миллий ва давлатлараро МҲлар асосида) мансубдирлар. КХТ (ЕСКД), ХБТ (УСД), ТИИА ТЖТ (ЕСКК ТЭСИ Уз), (ССБТ)ларига кирувчи стандартларнинг бир қисми (асосий қоидалар) миллий стандартлар кўринишида қайта ишлаб чиқилган, қолган қисми эса давлатлараро даражаларда олиб борилади.

Жадвал 2.7 да Ўзбекистонда тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг белгиланиши ва ҳолати бўйича маълумот келтирилган.

Ҳар бир стандартлаштириш тизими, турли тармоқларнинг ўзаро киритувчи субъектлар томонидан унинг мақсадли вазифасининг функционаллигини ва стандартлаштириш объектларининг таркибини ҳисобга олиб бажарилиши зарур бўлган умумтехник қоидалар, меъёрлар, талаблар ва услубий йўлланмаларни белгиловчи ўзаро боғлиқ бўлган МҲлар мажмуидан иборатдир. Бир тизим доирасида ишлаб чиқилаётган миллий ва давлатлараро даражалардаги МҲларнинг ўзаро мослилиги таъминланиши керак.

2.7-жадвал

Тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари

Тизим классы	Тизим стандартининг шартли белгиланишига мисол	Тизимнинг номланиши ва белгиланиши* (кирилл/лотин имлосида)
1	2	3
1	O'z DSt 1.10	Ўзбекистон стандартлаштириш тизими — ЎзСТ/O'z St I
2	ГОСТ 2.503	Конструкторлик ҳужжатларнинг ягона тизими — КҲТ/КНТ (Единая система конструкторской документации — ЕСКД)
3	ГОСТ 3.1001	Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими — ТҲТ/ТНТ (Единая система технологической документации — ЕСТД)
4	ГОСТ 4.3	Маҳсулот сифати кўрсаткичларининг тизими — МСКТ/ MSKT (Система показателей качества продукции — СПКП)
5	O'z DSt 5.0	Ўзбекистон сертификатлаштиришнинг миллий тизими — Ўз СМТ/O'zSMT
6	ГОСТ 6.38	Ҳужжатларнинг бирхиллаштириш тизими — ҲБТ/НВТ (Унифицированные системы документации. Система экономиической, учетной, статической, товаросопроводительной, потребительской, транспортной, банковской, организационно-распорядительной и других видов документации — УСД)
	O'z DSt 6.01.1	Техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими — Ўз ТИИА ТКТ/O'zTKT

7	ГОСТ 7.0	Нашриёт, кутубхона ва ахборот ишлари буйича стандартлар тизими — НКАТ/NKAT (Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу — СИБИД)
8	O'z DSt 8.001	Ўзбекистон улчашлар бирлилигини таъминлаш давлат тизими — Уз ЎДТ /O'zO'DT
9	ГОСТ 9.008	Маҳсулотни ва материалларни эскиришдан ва емирилишдан ҳимоялаш ягона тизими — ММХТ/ММНТ (Единая система защиты от коррозии и старения материалов и изделий — ЕСЗКС)
10		Захира**
11		Захира**
12	O'z DSt 12.0.001 (ГОСТ 12.0.001)	Меҳнат хавфсизлиги, саноат санитарияси ва гигиенаси, меҳнатни илмий ташкил қилиш стандартлари тизими — МХСТ/ MHSiT (Система стандартов научной организации труда, промышленной санитарии-гигиены и безопасности труда — ССБТ)
13	ГОСТ 13.0.001	Репрография, микрография, копирография
14	ГОСТ 14.306	Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими — ИТТТ/ITTT (Единая система технолог. подготовки производства — ЕСТПП)
15	O'z DSt 15.000	Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш тизими — Ўз МЯТ/O'zMyaT

16	O'z DSt 16.1	Ўзбекистон аккредитлаш тизими — Ўз АТ/O'zAT
17	ГОСТ 17.01.001	Табиатни ҳимоя қилиш соҳасидаги ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш бўйича стандартлар тизими (Система стандартов в области охраны природы и улучшения использования природных ресурсов — ССОП)
18		Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш тизими — ЎзТТСДТ/O'zTTSDT
19	ГОСТ 19.001	Программалаш ҳужжатларининг ягона тизими — ПҲТ/РНТ (Единая система программной документации — ЕСПД)
20	O'z DSt 20.000	Ўзбекистон маҳсулотни синаш тизими — Ўз МСТ /O'zMST
21	ГОСТ 21.001	Қурилиш учун лойиҳа ҳужжатлари ягона тизими КЛҲТ/QLHT (Система проектной документации для строительства — СПДС)
22		Захира**
23	ГОСТ 23.101	Буюмларни емирилишга чидамлилигини таъминлаш (Обеспечение износостойкости изделий)
24	ГОСТ 24.301	Автоматлаштирилган бошқариш тизимларининг техникавий ҳужжатлари тизими (Система технической документации на АСУ)
25	ГОСТ 25.012	Мустаҳкамликка ҳисоблаш ва синаш (Расчеты и испытания на прочность)
26		Резерв**
27	ГОСТ 27.001	Техника пухталиги — ТП/ТР (Надежность в технике — НТ)

28		Захира**
29		Захира**
30	ГОСТ 30.001	Эргономика ва техникавий эстетика стандартлари тизими (Система стандартов эргономики и технической эстетики — ССЭТЭ)
31		Захира**
32		Захира**
33		Захира**
34	ГОСТ 34.003	Информацион технологиялар (Информационные технологии)
Ўзбекистон давлат стандарти	Ўz DSt ISO 9000 Ўz DSt 995	Сифатни бошқариш тизимлари Ўзбекистон хизматлар тизими

* — давлатлараро ларажаларда олиб борилаётган ТСТнинг номи ва белгиланиши рус тилида ҳам берилган ва кейинги натижа шу қисқартмалар берилган;

** — захира синфларда илгари бошқа тизимлар бўлган.

Халқаролараро даражада янги стандартлаштириш тизимларини яратишни (узлуксиз таълим олиш тизими, фавқулодда вазиятларда хавфсизлик стандартлари тизими, хизматлар кўрсатиш доирасида стандартлаштириш ва ҳ.к.) Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар ва қонуности ҳужжатлар) асосида бажарилиши ва уларни ТСТ умумий таркибига киритиш «Ўзстандарт» Агентлиги қарори асосида амалга оширилиши керак.

Бошқа тизимлар давлатлараро МҲ (ГОСТ, РХ, қоида ва ш.қ.лар билан олиб борилади.

ТСТ синфлари бўйича йўналтирилган классларга киритилган умум-техникавий стандартлар таркиби қуйидаги асосий йўналишларда умумлашган талабларни (ҳамма хўжалик юритувчи субъектларда дифференциал қўлланишга мансуб) жадвал 2.8 га мувофиқ белгиланади.

ТСТ талабларининг асосий қўлланиш доираси қуйидагиларни ўз ичига олади:

Илмий-тадқиқот ишлари, техник-конструкторлик иш-

ларини утказишда ва маҳсулотни (хизматларни) ишлаб чиқишда фойдаланиладиган ахборотларнинг ҳамма турлари;

— Илмий тадқиқот ишлари, техник-конструкторлик ишларини ўтказиш жараёнлари;

— маҳсулотнинг ишлаб чиқиш жараёнлари;

— маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнлари;

— маҳсулотнинг муомалада бўлиш (сақлаш ва транспортда ташиш) процедуралари;

— маҳсулотни ишлатиш (истеъмол қилиш) ва хизматлардан фойдаланиш жараёнлари;

— маҳсулотга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш жараёнлари;

— таъминлаш тизимлари (Ўз СТ, УСД, Ўз ЎДТ, ЕСКД, ССБТ ва бошқалар).

ТСТ қўллашдан қуйидаги мақсадларга эришилади:

— илм-фан ва ишлаб чиқариш доирасида техник снёсатни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнларида бирхиллиликни таъминлаш;

— атамада бирхиллиликка эришиш;

— ички ва ташқи бозорда истеъмолчи эҳтиёжини таъминлаш учун янги рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш ва узлашгириш муддатларини қисқартириш;

— маҳсулотнинг (кўрсатилаётган хизматлар) техник даражасини ва сифатини ўсишини таъминлаш;

— хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш қувватларини самарали ишлатиш бўйича илмий-техникавий потенциалини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш доирасида стандартлаштириш, метрология ва сифатни бошқариш масалаларини ечиш билан шуғулланаётган мутахассисларнинг малакасини ошириб бориш;

— корхона (ташкилот), бирлашма, акционерлик жамияти, холдинг компаниялари ва Ўзбекистонда хўжалик юритувчи бошқа тузилмалар даражаларида ижтимоий ва иқтисодий техник масалаларни ечиш.

Тармоқ ёки тармоқлараро даражада тизимларни ТСТ асосий таркибидан танлаш ва ишлатиш процедураси қуйидаги умумлашган операцияларни ўз ичига олади:

— ТСТга кирувчи ва ҳар бир тизим учун алоҳида асосий қоидаларни белгиловчи ҳамма умумтехник стандартларнинг принципиал талаблари билан танишиш;

— ушбу талабларни узининг корхонасига (ташкилотга), бутун тармоқнинг стандартлаштириш объектларига талаби

2.8-жадвал

ТСТ стандартларининг класслар буйича умумлаштирилиши

ТСТ стандартларининг асосий талаблари	стандартлаштириш тизимлари
1	2
Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, техник жихатдан тартибга солиш, улчашлар бирлигини таъминлаш ва атроф-мухитни мухофаза қилиш буйича ишларни ташкил қилиш	Ўз СТ, Ўз СМТ, ЎзТТСДТ Ўз ЁДТ, Ўз АК. ССОП
Меъёрий, техникавий (конструкторлик ва технологик); ташкилий-бошқарув, хисобга олиш, руйхатга олиш, статистик, товар-илова ва бошқа бирхиллаштирилган ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва қўллаш	ЕСКД. ЕСТД, УСД, ЕСЗКС, ЕС ТПП, Ўз МЯТ, ЕС ПД, СПДС
Техниканинг пухталилигини таъминлаш ва унинг ишлатиш ресурсини ошириш	НТ
Техника хавфсизлиги ва атроф-мухитни мухофаза қилиш бўйича белгиланган қоидаларга риоя қилиш-ни (ишлаб чиқариш ва ишлатишда) хисобга олган ҳолда маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ишлатиш ва таъмирлаш	Ўз МЯТ, ССБТ. ССОП
Маҳсулотда ва ишлаб чиқаришда эргономика, техник эстетика масалаларини ҳамда ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш (ИТТ) масалаларини ечиш	ЕС ТПП
Маҳсулотни «ҳаётий цикли» босқичларида ахборотли технологияларни қўлланилиши муаммоларини таъминлаш	СИБИТ, 13-класс стандартлари, Ўз МЯТ, 24-класс стандартлари, 34-класс стандартлари

қан ёки янги маҳсулотни яратиш муаммоларини комплекс ечишни функционал масалалари билан бирлаштирилган бир гуруҳ тармоқлар учун солиштириш таҳлилини ўтказиш;

— танлаб олинган тизимлар талабларини бажарилиши билан боғлиқ бўлган талбирлар таркибини аниқлаш;

— танлаб олинган ва қўлланилаётган тизимлар бўйича МҲлар талабларини реализация қилиш;

— қўлланилаётган тизимлар бўйича талабларнинг бажарилишини ва тўлалигига риоя қилишини текшириш.

Тизимни бекор қилинишини, янгиларини яратиш ва амалдагиларини такомиллаштириш ёки уларни миллий даражага утказишни мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор давлат ва тармоқ стандартлаштириш дастурлари асосида «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан тизимга масъул субъектлар (давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, стандартлаштириш бўйича ТҚ ва таянч ташкилотлар) билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Кейинги параграфларда ҳар бир тизим ҳолати бўйича маълумот берилади. Дарсликнинг бошқа параграфларида Уз СТ, Ўз СМТ, Уз УДТ, Ўз АК, ЎзГТСДТ, хизматлар тизимлари бўйича батафсил маълумот берилгани сабабли, қуйида илгари кўрилмаган бошқа тизимларга тўхталамиз.

Назорат саволлари:

1) Тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари нимани англатади?

2) Тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари нима мақсадда ишлаб чиқилади?

3) Қайси ҳужжатда тармоқлараро стандартлаштириш тизимларини танлаш ва қўллаш бўйича асосий талаблар белгиланган?

4) Ўзбекистонда тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг белгиланиши ва ҳолати бўйича қандай маълумотга эгасиз?

5) Тармоқлараро даражада қўлланиладиган стандартлаштириш тизими нимани англатади?

6) Тармоқлараро стандартлаштириш объектларига нималар киради?

7) Ҳозирги даврдаги миллий даражада олиб бориладиган тармоқлараро тизимларга қандай тизимлар киради?

8) Қайси тизимлар давлатлараро МҲ лар билан олиб борилади?

9) ТСТ талабларининг асосий қўлланиш доираси нималарни ўз ичига олади?

10) ТСТ қўллашдан қандай мақсадларга эришилади?

11) Тармоқ ёки тармоқлараро даражада тизимларни ТСТ асосий таркибидан танлаш ва ишлатиш процедураси қандай умумлашган операцияларни ўз ичига олади?

12) ТСТ стандартларининг қандай асосий талабларини биласиз?

5.2 Конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими

Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 2-синфида Конструкторлик ҳужжатларнинг ягона тизими (КХТ) урин олган бўлиб, бу миллий ва давлатлараро МҲлар билан олиб борилади.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 2.001:2003*да Конструкторлик ҳужжатларнинг ягона тизими (Ўз КХТ)нинг таркибидаги МҲларни мақсадли ишлатилиши, ишлатилиш соҳаси, гуруҳларга бўлиниши ва белгиланишининг асосий қоидалари белгиланган ва ундаги талаблар конструкторлик ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўлланилиши мажбурийдир.

Ўз КҲТ, бу Ўзбекистоннинг корхоналари ва хўжалик юритувчи субъектлари томонидан конструкторлик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, қўллашда ташкилий ва техникавий бирликни таъминлашга қаратилган асосий тартиблар, қоидалар ва талабларни белгиловчи, узаро боғлиқ асос бўлувчи, умумтехникавий ва ташкилий-услубий стандартлар мажмуидир.

Ўз КҲТ стандартлари орқали:

— хўжалик юритувчи субъектлари орасида конструкторлик ҳужжатларини қайта расмийлаштирмасдан ўзаро алмашишга;

— ҳужжатлар тайёрлашда дубликатлашга йўл қўймасликга;

— саноат маҳсулотлари конструкторлик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда бирхиллиликни таъминлашга;

— лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари қўринишини ва чизмалик тасвирларини соддалаштириш ва бу орқали иш ҳажмини камайишига;

— техникавий ҳужжатлардаги ахборот билан ишлашда механизациялаш ва автоматлаштиришга;

— ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш шароитларини яхшилашга;

— маҳсулотдан фойдаланиш шароитларини яхшилашга;

— лойиҳа-конструкторлик ишлари муддати ва харажатларини камайтиришга;

— юриб турган ишлаб чиқаришни тезда қайта қуришда харажатларнинг оператив тайёрланишига эришиш мумкин.

Ўз КҲТда:

— стандартлаштириш объекти сифати,

— конструкторлик ҳужжатларининг барча турлари,

— ҳисоблаш-регистрациялаш ҳужжатлари ва конструкторлик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш буйича ҳужжатлари.

КҲТнинг талабларига жавоб берадиган бошқа меъёрий техникавий, технологик ҳужжатлар ҳамда илмий-техникавий ва ўқув адабиёти курилиши мумкин.

Ўз КҲТнинг МҲлари номланишида албатта ушбу тизимга тегишлилиги, яъни «Ўзбекистон конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими» сарлавҳаси кўрсатилиши керак. Тизимга кирувчи МҲларнинг таркиби «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан аниқланади ва улар 10та синфий гуруҳга бўлинади (2.9-жадвал):

2.9-жадвал

Ўз КҲТнинг синфий гуруҳлар таркиби

Гуруҳ шифри	Стандартлар гуруҳи номи
0	Асосий қоидалар
1	Умумий қоидалар
2	конструкторлик ҳужжатларида буюмларни гуруҳлаш ва белгилаш
3	Чизмаларни бажаришнинг умумий қоидалари
4	Машиносозлик ва асбобсозлик чизмаларини бажаришнинг қоидалари
5	конструкторлик ҳужжатларининг айланиш қоидалари (ҳисоби, сақлаш, дубллаштириш, ўзгартишлар киритиш)
6	Фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатларини бажариш қоидалари
7	Чизмаларни бажариш қоидалари
8	Кемасозлик ҳужжатларини бажариш қоидалари
9	Бошқа стандартлар

Агар ишлаб чиқилган стандартда тизимнинг бир неча гуруҳи талаблари киритилган бўлса, тартиб рақами бўйича биринчи гуруҳга киритилади.

Ўз КҲТнинг МҲлари қуйидаги мисолда кўрсатилган тартибда белгиланади:



Ўз КҲТнинг МҲлари ҳақида ахборот O‘z DSt 1.4 га мувофиқ «Ўзстандарт» Агентлиги кўрсаткичларида берилиб боради.

Ўз КҲТда бир неча стандартлар (O‘z DSt 2.003, O‘z DSt 3.114, O‘z T 51—115) ишлаб чиқилган бўлиб, уларда саноат корхоналари, буюмлар, ҳужжатларга тегишли атама ва таърифлар, техникавий шартлар, ҳужжатларни топшириш тартиби берилган. Тизим доирасида 200га яқин давлатлараро стандартлар ишлаб чиқилган ва Ўзбекистонда миллий МҲ сифатида қўлланилади.

Давлатлараро стандарт ГОСТ 2.001—2013 да КҲТга кирувчи давлатлараро стандартларнинг вазифаси, белгиланиши, синфланиши ва қўлланилиши бўйича асосий қоидалар, ГОСТ 2.101-68 да конструкторлик ҳужжатларини тайёрлашда буюмлар турларини ва уларнинг тузилмасини белгилаш кўрсатилган. ГОСТ 2.102-68 да буюмга конструкторлик ҳужжатларининг турлари ва комплектлилиги белгиланган.

Буюм — корхонада ишлаб чиқарилишга мўлжалланган ҳар қандай предмет ёки предметлар тўпламидир. Вазифасига кўра, буюмлар асосий (ташқи буюртмачига бериш учун) ва ёрдамчи (ички эҳтиёж учун) ишлаб чиқариш буюмларига бўлинади.

ГОСТ 2.101-68 да буюмлар тўрт турга бўлинган:

деталь — йиғиш ишларисиз бир ном ва бир тур материал

маркасидан тайёрланган буюм (қуйма филофо, сим ураси);

йиғиладиган буюм — йиғиш операциялари (пайвандлаш, елимлаш ва ҳ.к.) билан ишлаб чиқариш корхонасида таркибий қисмлари бириктириладиган буюм;

комплекс — ишлаб чиқариш корхонасида таркибий қисмлари бириктирилмаган, бироқ ўзаро боғлиқ вазифаларни бажаришга мўлжалланган икки ва ундан ортиқ буюмлар;

комплект — ишлаб чиқариш корхонасида таркибий қисмлари бириктирилмаган, ёрдамчи характердаги умумий вазифаларни бажаришга мўлжалланган икки ва ундан ортиқ буюмлар

комплект — два и более изделия, не соединенных на предприятии — изготовителе сборочными.

ГОСТ 2.102-2013 га кўра конструкторлик ҳужжатлари графикли (чизмалар, схемалар) ва текстли (спецификациялар, техник шартлар, тушунтириш хатлари ва ш.ў.) ҳужжатлар кўринишида бўлади ва улар алоҳида ёки бирлашган буюмнинг таркиби ҳамда тузилмаси, буюмни яратиш, тайёрлаш, текшириш, қабул қилиш, фойдаланиш ва таъмирлашда керакли маълумотларни ўз ичига олади.

Қуйида Ўзбекистонда қабул қилинган айрим давлатлараро стандартлар рўйхати келтирилган:

ГОСТ 2.001—2013 КҲЯТ. Умумий қоидалар;

ГОСТ 2.051—2013 КҲЯТ. Электрон ҳужжатлар. Умумий қоидалар;

ГОСТ 2.051—2013 КҲЯТ. Буюмнинг электрон модели. Умумий қоидалар;

ГОСТ 2.101—68 КҲЯТ. Буюмлар турлари;

ГОСТ 2.102—2013 КҲЯТ. Конструкторлик ҳужжатлари турлари ва комплектлилиги;

ГОСТ 2.103—68 КҲЯТ. Ишлаб чиқариш босқичлари;

ГОСТ 2.104—2006 КҲЯТ. Асосий ёзувлар.

Назорат саволлари:

1) Конструкторлик ҳужжатларнинг ягона тизими нима учун керак?

2) Конструкторлик ҳужжатларнинг ягона тизимий қандай МҲлар билан олиб борилади?

3) Ўз КҲТ стандартлари орқали нималарга эришиш мумкин?

4) Ўз КҲТда нималар кўрилиши мумкин?

5) ЎзР ҚҲТга кирувчи МҲларнинг таркиби ким томонидан аниқланади?

6) ЎзР ҚҲТнинг синфий гуруҳлар таркиби қандай?

7) ЎзР ҚҲТ доирасида қандай давлатлараро стандартлар ишлаб чиқилган?

8) Назоратига кўра буюмлар қандай буюмларга бўлинади?

3.3 Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими

Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими (ТҲТ) Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 3-синфига киритилган. ТҲТ машинасозлик ва асбобсозликда ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган ўзаро боғлиқ технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва муомалада бўлиши тартибини белгиловчи МҲлар комплексидан иборатдир.

Технологик ҳужжатлар ишлаб чиқаришда илмий техник тараққиёт ютуқларини жорий этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини оширишда ижобий ўрин тутади, керакли маълумотни етказиш ва технологик жараённи тўғри ташкил этиш омили бўлиб хизмат қилади.

ТҲТ стандартлари қуйидаги мақсадларга мўлжалланган:

- ҳужжатлари лойиҳаларини қўллаш усулларидан қатъий назар ишлаб чиқариш мослигини таъминловчи ягона бирхиллаштирилган машина учун мўлжалланган ҳужжатларни белгилаш;
- инженер-техник, молия-иқтисод ва ташкилий масалаларни ечиш учун технологик ҳужжатларнинг ягона ахборот базасини яратиш;
- детал лаштириш, технологик жараённинг даражасига боғлиқ алоҳида, типли ва гуруҳли технологик жараёнларни ҳужжатларини расмийлаштириш буйича ягона талаблар ва қоидаларни ўрнатиш;
- бошқа корхоналарга технологик ҳужжатларни минимал қайта расмийлаштириш орқали беришда қулай шароит яратиш;
- ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасида бажариладиган инженер-техник ишларни меҳнат сарфини камайтириш буйича шароитларни яратиш;
- ахборот-техник ва ташкилий-услубий стандартлари тизимлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш.

ТҲТда давлатлараро стандартлар миллий МҲ сифатида қабул қилинган ва тизим доимо актуаллаштириб борилади.

ТҲТнинг МҲлари 10 та синфий гуруҳга бўлинади ва гуруҳлар номланиши 2.10-жадвалда берилган.

2.10-жадвал

ТҲТ синфий гуруҳлар таркиби

Гуруҳ шифри	Стандартлар гуруҳи номи
0	Асосий қоидалар
1	Ҳужжатларнинг тури ва ишлаб чиқилиш босқичлари; асосий ёзувлар; Ҳужжатларга умумий талаблар; умумий қўлланишдаги ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари; таянч ва қисқичларнинг шартли белгиланиши; ҳужжатларни жамланиши; атамалар ва таърифлар
2	Ҳужжатларни автоматлаштирилган қидирув тизимини комплектлаш, сақлаш ва қўллашда барча технологик ҳужжатларни белгилашнинг ягона тизими
3	Буюмларни эҳтиёт қисмлари ва деталларини қўллашнинг ҳисоб усули, технологик қурилмалар қўлланилишининг ҳисоби
4	Ҳар хил иш турларига технологик ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари
5	Текширув (ўлчашлар, синовлар, таҳлил)га технологик ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари
6	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологик ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари
7	Совуқ штамповка, қирқиш, слесарлик ва слесарлик-йиғиш ишларида операцияларни қайд этиш тартиб ва қоидалари
8	захира
9	Меъёрий ва маълумот тизимини ташкил этиш бўйича тартиб ва қоидалари

Қуйида Ўзбекистонда қабул қилинган айрим давлатлараро стандартлар рўйхати келтирилган:

ГОСТ 3.1001—81 ТҲЯТ. Умумий қоидалар (ЕСТД. Общие положения);

ГОСТ 3.1102—81 ТҲЯТ. Ҳужжатларни ишлаб чиқиш босқичлари ва уларнинг турлари (ЕСТД. Стадии разработки и виды документов);

ГОСТ 3.1103—82 ТҲЯТ. Асосий ёзувлар (ЕСТД. Основные надписи);

ГОСТ 3.1105—84 ТҲЯТ. Умумий қўлланиладиган ҳужжатлар турлари ва уларни расмийлаштириш қоидалари (ЕСТД. Формы и правила оформления документов общего назначения);

ГОСТ 3.1109—82 ТҲЯТ. Атамалар ва асосий тушунчаларни аниқлаш (ЕСТД. Термины и определения основных понятий);

ГОСТ 3.1116—79 ТҲЯТ. Нормоконтроль (ЕСТД. Нормоконтроль).

Назорат саволлари:

1) Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими нима?

2) Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими қайси соҳада кўпроқ хизмат қилади?

3) ТҲЯТ стандартлари қандай мақсадларга мўлжалланган?

4) ТҲЯТда давлатлараро стандартларнинг ўрни қандай?

5) Ўзбекистонда қабул қилинган қандай давлатлараро стандартларни биласиз?

6) ТҲЯТ синфий гуруҳлар таркиби қандай?

5.4 Маҳсулот сифати кўрсаткичларининг тизими

Маҳсулот сифати кўрсаткичларининг тизими (МСКТ) давлатлараро стандартлаштириш тизимларининг 4-синфига киритилган. МСКТ бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи ва аниқ маҳсулотлар турининг сифат кўрсаткичлари рўйхатини, сифат критерийлари ва кўрсаткичларини қўллаш соҳасини белгиловчи стандартлар мажмуидир. Ушбу тизимга 300 га яқин давлатлараро стандартлар киради. Бу стандартлар машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатлари, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги тармоқларида тегишли умумий қоидалар ва меъёрлар, атамалар ва таърифларни, сифат кўрсаткичлари номенклатураси ва синов услубларини белгилайди.

Маҳсулот сифатининг кўрсаткичи [РСТ Уз 622] — маълум бир шароитда яратилган, ишлатиладиган маҳсулотнинг сифатини белгиловчи бир ёки бир неча хусусиятларини миқдорий характеристикасидир.

МСКТ қоидалари,

янги маҳсулот ишлаб чиқишда.

истиқболга мўлжалланган «Умумий техникавий талаблар» давлат стандартини ишлаб чиқишда.

бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи ва аниқ маҳсулотлар турига тегишли МҲларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишда,

янги маҳсулотнинг оптимал вариантини танлашда ягона критерийлар ва сифат кўрсаткичлари рўйхатини белгилаш мақсадларида қўлланилади.

МСКТнинг МҲларида маҳсулотлар турининг рўйхати, сифат кўрсаткичлари рўйхатини ва уларни қўллаш кўрсатмалари, тегишли атамалар ва таърифлар берилиши керак.

Қуйида Ўзбекистонда қабул қилинган МСКТ айрим давлатлараро стандартлар рўйхати келтирилган:

ГОСТ 4.25—83 МСКТ. Нефть маҳсулотлар. Суюқ ёқилғилар. Кўрсаткичлар номенклатураси;

ГОСТ 4.87—83 МСКТ. Геологик қидирув бурамаларини ўрнатиш. Бурама насослар. Кўрсаткичлар номенклатураси;

ГОСТ 4.25—83 МСКТ. Пахтали ва аралаш тўқималар. Кўрсаткичлар номенклатураси;

ГОСТ 4.68—81 МСКТ. Табиий сортланган жун. Кўрсаткичлар номенклатураси;

ГОСТ 4.25—83 МСКТ. Суюқликлар анализаторлари. Кўрсатгичлар номенклатураси;

ГОСТ 4.377—88 МСКТ. Бир кавшли экскаваторлар. Кўрсаткичлар номенклатураси.

Қуйидаги жадвалда тўқимачилик-галантерея буюмлари учун ўрнатилган кўрсаткичлар номенклатураси келтирилган.

ГОСТ 4.13—89 МСКТ. «Маиший тўқимачилик-галантерея буюмлари. Кўрсаткичлар номенклатураси» стандартида ленталар, тесьмалар, боғлагичлар, бахрома буюмлари, гардинтюль буюмлари, тўқилган буюмлар, тикилган рельефли буюмлар, алохида буюмлар учун кўрсаткичлар номенклатураси белгиланган.

2.11-жадвал

Сифат кўрсаткичи номи	Кўрсатилаётган хусусият номи
1. Сифат кўрсаткичи	
1.1. Функционал кўрсаткич	
1.1.1. Узиш юки (ГОСТ 16218.5), Н	Узилишгача мустаҳкамлик
1.1.2. Чўзилишдаги узилиш деформацияси (ГОСТ 16218.5), %	Чўзилувчанлик
1.1.3. Эгилишдаги каттиклик (ОСТ 17-604), г	Эгилиш
1.1.4. Ҳўлашдан кейинги чизикли ўлчамлар ўзгариши (ГОСТ 18081, ГОСТ 17729), %	Ўлчамлар сакланиши
1.1.5. Нам иссик таъсирдан кейинги чизикли ўлчамлар ўзгариши, (ОСТ 17-790), %	Ўлчамлар сакланиши
1.1.6. Чўзилиш чегараси (ГОСТ 16218.9), %	Чўзилувчанлик
1.1.7. Колдик чўзилиш (ГОСТ 16218.9), %	Юк олингандан кейин узунлик ўзгариши
1.1.8. Аппретнинг миқдорий улуши (ГОСТ 25617), %	Ташки устуворлик (ташки кўриниш)
1.1.9. Капиллярлик, см/ч	Капиллярлик кучлари таъсирида намликни ютиш ва ўтказиш хусусияти
1.1.10. Буёк устуворлиги (ГОСТ 9733.0 – ГОСТ 9733.27), балл	Физик-кимёвий таъсирида буёкни сақлаш хусусияти
1.1.11. Тўкима боғлагични мустаҳкамлиги:	Лента бирлашмаси мустаҳкамлиги
ўзунаги буйича силжишга, кПа	
эни буйича силжишга, кПа	
узилишга, кПа	
ажралишга, Н/см	
1.1.12. **Чизикли ўлчамлар** (ГОСТ 16218.1, ГОСТ 3811):	
буйи, мм, см	
эни, мм, см	
диаметри, мм	
қалинлиги, мм	
1.1.13. **Чизикли зичлиги** (ГОСТ 16218.2), г/м	Масса
1.1.14. **Юза зичлиги (масса)** (ГОСТ 3811), г/м	Масса
1.2. Таркиб ва тузилма кўрсаткичлари	
1.2.1. Хом ашё ва материал тури	Хом ашё таркиби
1.2.2. Хом ашё зичлиги (ГОСТ 6611.1), текс	Ип, тўкима калинлиги
2. ЭСТЕТИК КЎРСАТКИЧЛАР	Тўлгизувчанлик. Буюм ташки кўриниши

— маҳсулотни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш доирасида ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришга кўмаклашиш;

— таснифлаш бўйича халқаро (минтақавий) таснифлагичлар, давлатлараро таснифлагичлар ёки халқаро (минтақавий) стандартлар билан уйғунлашишни таъминлаш.

Қўлланиш доирасига боғлиқ ҳолда таснифлагичлар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

— халқаро таснифлагичлар;

— давлатлараро (минтақавий) таснифлагичлар;

— Ўзбекистон Республикасининг умумдавлат таснифлагичлари;

— тармоқ таснифлагичлари;

— корхона таснифлагичлари.

Халқаро ва давлатлараро (минтақавий) таснифлагичлар халқаро ва давлатлараро (минтақавий) даражаларда турли фаолият соҳаларидаги маълумотлар таққосланишини таъминлаш учун мўлжалланган. Бу таснифлагичларни ишлаб чиқиш, юритиш ва жорий этиш тартиби халқаро ва давлатлараро (минтақавий) ҳужжатлар билан белгиланади.

Умумдавлат таснифлагичлари қуйидагиларни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади:

— иқтисодий фаолиятнинг (тармоқлараро қўллашнинг) турли соҳаларидаги ва турли даражаларидаги маълумотларни таққослаш;

— давлат ахборот тизимлари ва ресурсларининг мослашувчанлиги ва ўзаро боғланиши;

— халқаро ва минтақавий таснифлагичлар билан уйғунлашуви;

— амалдаги умумдавлат таснифлагичлари билан ахборот алоқаси.

Тармоқ таснифлагичлари хўжалик бошқарув идоралари ва хўжалик фаолияти субъектларини ўзаро фаолиятини ахборот билан таъминлаш учун мўлжалланган ва одатда, хўжалик бошқарув идораларига зарур бўлган таснифлаш объектлари ва (ёки) белгилари анча юқори тоифали таснифлагичларда мавжуд булмаганда ишлаб чиқилади. Тармоқ таснифлагичларини ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш, юритиш ва қўллаш тартибини хўжалик бошқарув идоралари белгилайди.

Корхоналар таснифлагичлари корхоналарда ахборотли ўзаро боғлиқликни таъминлаш учун мўлжалланган ва одат-

да, корхоналарга зарур булган таснифлаш объектлари ва (еки) белгилари анча юқори тоифали таснифлагичларда мавжуд булмаганда ишлаб чиқилади. Корхоналар таснифлагичларини ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш, юритиш ва қуллаш тартибини корхоналар белгилайди.

Барча тоифалардаги таснифлагичларни ишлаб чиқишни ташкил этишда қуйидаги принципларга риоя қилиш лозим:

— таснифлагичларни ишлаб чиқишнинг ижтимоий ва иқтисодий мақсадга мувофиқлиги;

— халқаро ва давлатлараро таснифлагичлар билан уйғунлашуви.

Таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби O'z DSt 6.01.2 буйича амалга оширилади.

Умумдавлат таснифлагичлари «Узстандарт» агентлигида давлат руйхатига олиниши лозим. Тармоқ таснифлагичлари ва корхоналар таснифлагичлари давлат руйхатига олиниши лозим эмас.

Узбекистон Республикаси умумдавлат таснифлагичининг белгиланиши (O'z DT) индекси, буш жой билан ажратилган уч хонали руйхатга олиш рақами ва икки нуқта билан ажратилган таснифлагични тасдиқлаш йилининг туртта рақамидан ташкил топади.

Мисол — O'z DT 002:2006

Хужалик бошқарув идорасининг тармоқ таснифлагичларининг белгиланиши (ТТ) индекси, буш жой билан ажратилган Давлат бошқарув идораларининг белгилаш тизими (ДБИБТ) буйича хужалик бошқарув идорасининг турт хонали коди, нуқта билан ажратилган руйхат рақами ва икки нуқта билан ажратилган таснифлагични тасдиқлаш (қайта нашр қилиниш) йилининг туртта рақамидан ташкил топади.

Мисол — ТТ 0675.01:2005

Корхоналар таснифлагичларининг белгиланиш тизими қуйидагича: корхоналар таснифлагичининг индекси (КТ), корхоналар ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи (КТУТ) буйича корхоналарнинг буш жой билан ажратилган саккиз хонали коди, нуқта билан ажратилган руйхат рақами ҳамда икки нуқтадан кейин таснифлагични тасдиқлаш йилининг туртта рақами.

Мисол — КТ 12456748.04:2005

УзТИИА ТКЯТнинг ташкилий тузилмасига қуйидагилар киради:

— «Ўзстандарт» Агентлиги;

— таснифлагичлар бириктирилган бошқарув идоралари;

— таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритишга масъул ташкилотлар (корхоналар);

— ТИИА ТКЯТ ахборотидан фойдаланувчилар — бошқариш идоралари, ташкилотлар.

ТИИА ТКЯТ ташкилий тузилмаси ва унинг элементларини ўзаро алоқаси 2.22-расмда келтирилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра ТИИА ТКЯТ соҳасида «Ўзстандарт» агентлиги қуйидагиларни амалга оширади:

— техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлаш буйича умумий бошқарув ва ишларни координатлаш;

— Ўзбекистон Республикаси умумдавлат таснифлагичлари ва уларга ўзгартишларни давлат руйхатига олиш;

— техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлаш масалалари буйича халқаро ва давлатлараро меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни ташкил этиш;

— техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлаш соҳасида халқаро ва давлатлараро ҳамкорлик;

— Ўзбекистон Республикаси умумдавлат таснифлагичларини илмий-техникавий экспертиза қилиш, тасдиқлаш ва уларга ўзгартишларни амалга киритиш;

— берилган ваколатлар чегарасида халқаро, давлатлараро ва миллий меъёрий ҳужжатлар буйича маълумотлар ягона ахборот базасини яратиш.

Таснифлагичлар бириктирилган вазирликлар (маҳкамалар) қуйидагиларни амалга оширади:

— вазирликка (маҳкамага) бириктирилган таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритишга ташкилий-усулий қўлланма ишлаб чиқиш;

— таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритишга масъул маҳкама остида иш юритадиган ташкилотларни аниқлаш ва улар ҳақидаги маълумотларни «Ўзстандарт» агентлигига тақдим этиш;

— таснифлагичларни юритишга масъул маҳкама остида иш юритадиган ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларни тасдиқлаш.

Техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлаш усулларини танлаш ҳар бир аниқ ҳолда таснифлагични ишлаб чиқувчи томонидан амалга оширилади.

Таснифлагичлар ахборотининг ўзига хос хусусиятлари ва



2.22-расм. ЎзТИИА ТКЯТнинг ташкилий тузилмаси

қўлланиш доирасига боғлиқ ҳолда уларда таснифлаш ва кодлаш асосий усулларининг турли бирикмаларини қўллаш мумкин.

Халқаро (минтақавий) ва давлатлараро таснифлагичлар Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган халқаро шартномалар асосида қўлланилади.

Кўрсатилган таснифлагичларни қўллаш тартиби халқаро ва давлатлараро ҳужжатларнинг муайян қоидаларига (меъгрларига) мувофиқ ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланади.

Халқаро (минтақавий) ва давлатлараро таснифлагичлар Ўзбекистон Республикасининг умумдавлат таснифлагичларида уларни қайта расмийлаштириш йўли билан қўлланилади.

ТИИА ТКЯТда қўлланилаётган халқаро (минтақавий) ва давлатлараро таснифлагичлар давлат ички қоидалари ва процедураларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кучга кирган халқаро шартномалар асосида «Ўзстандарт» агентлигининг қарори билан амалга киритилади.

Бошқарув идораларининг таснифлагичлари бошқарув идоралари томонидан ўрнатилган тартибда қўлланилади.

Корхоналар таснифлагичлари корхоналар томонидан ўрнатилган тартибда қўлланилади.

Таснифлаш доирасидаги халкаро ҳамкорликнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

— умумдавлат таснифлагичларининг таснифлаш бўйича халқаро (минтақавий) таснифлагичлар, давлатлараро таснифлагичлар ёки халқаро (минтақавий) стандартлар билан уйғунлашиши;

— Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигининг меъёрий таъминланишини яхшилаш.

Таснифлаш доирасидаги халқаро ҳамкорлик халкаро ва минтақавий ташкилотлар тизими бўйича, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг иштирокидан келиб чиқувчи мажбуриятлар, ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, шартномалар ҳамда баённомалар базасида бошқа мамлакатларнинг мувофиқ идоралари билан икки томонлама ва кўп томонлама асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ТИИА ТКЯТнинг меъёрий базасини ташкил этиш ва уни актуаллаштириб бориш «Ўзстандарт» агентлигининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси умумдавлат таснифлагичи O'z DT 002:2006* да стандартларнинг умумдавлат таснифлагичи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилаётган маҳсулотларни сертификатлаштиришга тайёрлаш ва штрихли кодлашни жорий этиш тўғрисида»ги 188-сонли қарори билан маҳсулотларни штрихли кодлашни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. Қарорга асосан СМСИТИ (илгари ЎзТМИ) қошида Штрихли кодлаш маркази ташкил этилди ва маҳсулотлар-

ни штрихли кодлашни амалга ошириш учун зарур бўлган МҲлар (O'z DSt 6.17.01, O'z DSt 6.17.02, O'z DSt 6.17.03, O'z DSt 6.17.04) ишлаб чиқилди.

Республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташқи бозорда рақобатбардошлигини янада ошириш, халқаро товарларни рақамлаш тизими бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчини идентификация қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишда автоматлаштирилган ҳисоб тизими олиб боришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилаётган маҳсулотларни штрихли кодлашни жорий этиш тўғрисида»ги 438-сонли қарори қабул қилинган. Қарор билан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилаётган маҳсулотларни штрихли кодлаш тўғрисидаги Низом тасдиқланган ва «Ўзстандарт» Агентлигига Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилаётган маҳсулотларни штрихли кодлаш тизимини жорий этиш бўйича ягона сиёсатни олиб бориш юклатилган.

Давлат стандарти O'z DSt 6.17.01 да маҳсулотларни штрихли кодлаш тизимининг асосий қоидалари, кодлаш объектлари, EAN штрихли символи кўринишида объектларни кодлашнинг умумий принциплари берилган.

Давлат стандарти O'z DSt 6.17.02 да маҳсулотларни штрихли кодлаш тизими доирасида қабул қилинган атамалар ва таърифлар келтирилган.

Давлат стандарти O'z DSt 6.17.03 да:

EAN штрихли кодлаш халқаро тизими талаблари асосида маҳсулотларни штрихли кодлашни амалга ошираётган корхоналарни рўйхатга олиш,

корхоналарга EAN кодларини бериш,

ҳар бир маҳсулот тури учун EAN кодини тайёрлаш,

штрихли кодларни оригинал-макетини тайёрлаш ва уларни сифатини текшириш,

EAN кодларини қайта қуриш ва бекор қилиш тартиблари белгиланган.

Халқаро стандарт ИСО/МЭК 15420 асосида ишлаб чиқилган O'z DSt 6.17.04да штрихли кодлашнинг EAN символларини спецификацияси берилган.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 6.17.05 да маҳсулотлар ва уларни урамида штрихли кодлаш символларини ва кўриб уқиладиган EAN белгиларини жойлаштириш бўйи-

ча асосий талаблар келтирилган. Унда истеъмол моллари ва транспорт тарасида штрихли кодлаш символларини жойлаштиришга мисоллар берилган. Масалан, транпорт тарасида штрихли кодлаш символларини жойлаштиришда бу кодни уқиш имконияти қолдирилиши керак.

Штрихли код — махсус электрон қурилма ердамида уқиладиган турли қалинлик ва оралиқда ёнма-ён жойлашган штрихлар жамламасидан иборат код.

Ўзбекистонда қўлланиладиган EAN-13 штрихли кодлаш символи 13 сондан иборатдир. Мисол тариқасида **4780010200411** кодини кўриб чиқамиз. Бунда,

478 — Ўзбекистон Республикаси коди,

001020 — корхона номери,

041 — товар коди,

1 — текширув сони.

Штрихли кодлар товар айланмасининг барча жараёни (ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш)да қўлланилади. Штрихли кодлар маҳсулотларнинг аниқ ҳисобини юритиш имкониятини беради, чунки штрихли кодлаш электрон ускуналарда ахборот технологиялари (программалар) ёрдамида олиб борилади. Штрихли кодлашнинг аниқлик даражаси 0,00000001ни ташкил этади. Шу сабабли, штрихли кодлаш орқали аниқлик ва тезкорликка эришилади. Масалан, савдо билан шуғулланувчи супермаркетда омборхонада сақланаётган юзлаб номдаги маҳсулотларнинг ҳисобини қўлда олиб бориш катта вақтни талаб этади. Бир маҳсулотга бўлган эҳтиёжни билиш учун ҳисобчи кун давомида савдо залидаги маҳсулот сони, кассадан ўтган шу маҳсулот сони ва омборхонадаги қолдиқ билан солиштириб бориши керак. Бу эса кўп вақтни талаб этади. Штрихли кодлаш электрон ҳисоблаш орқали олиб борилгани сабабли, ҳар бир маҳсулот бўйича тўлиқ маълумотни компьютер орқали бир неча секундда билиб олиш мумкин.

Амалиётда турли штрихли кодлаш символлари ишлатилади. Шулардан энг кўп ишлатиладигани қуйидагилардир:

EAN-13, EAN-8;

Код 128;

Код 39;

ITF-14.

Юқоридаги кодлардан энг оммавийлари EAN-13, EAN-8 булиб, Ўзбекистонда ҳам асосан шулар қўлланилади. Бунда EANнинг маъноси European Article Number сўзлари қис-

қартмаси булиб, 13 ва 8 сонлари коллардаги сонлар ҳисобини билдиради.

Назорат саволлари:

1) Техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва коллашнинг ягона тизими қандай мақсадга хизмат қилади?

2) Таснифлаш нимани англатади?

3) Коллаш нимани англатади?

4) Таснифлагичлар қандай асосий вазифаларни ҳал қилиш учун мулжалланган?

5) Қўлланиш доирасига боғлиқ ҳолда таснифлагичлар қандай тоифаларга булинади?

6) Умумдавлат таснифлагичлари нималарни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади?

7) Барча тоифалардаги таснифлагичларни ишлаб чиқишни ташкил этишда қандай принципларга риоя қилиш лозим?

8) Амалдаги қонунчиликка кура ТИИА ТКЯТ соҳасида «Ўзстандарт» Агентлиги нималарни амалга оширади?

9) Таснифлагичлар бириктирилган вазирликлар (маҳкамалар) нималарни амалга оширади?

10) Таснифлаш доирасидаги халкаро ҳамкорликнинг асосий вазифалари нималар ҳисобланади?

11) Маҳсулотларни штрихли кодлаш нима мақсадда хизмат қилади?

12) Ўзбекистонда қўлланиладиган штрихли коллаш тизими қандай ва у неча символдан иборатдир?

5.6 Нашриёт, кутубхона ва ахборот ишлари стандартлар тизими

Нашриёт, кутубхона ва ахборот ишлари буйича стандартлар тизими (НКАТ) Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 7-синфига киритилган. Тизим библиографик ёзувлар (записи), баёнлар ва уларни тузиш қоидалари, чоп этилаётган материалларни нашрий тайёрланиши, ахборот нашрларининг таркиби ва тайёрланишига бўлган талабларни белгиловчи (140 дан зиёд давлатлараро) стандартлар комплексидан иборатдир. Масалан, библиографик баёнларда ҳужжатнинг белгиланган тартибдаги қоидалар асосида берилган библиографик маълумотлари келтирилади. Библиографик баёнлар (описания) библиографик ёзувларнинг асо-

сий қисми ҳисобланади. Библиографик ёзув таркибига сарлавҳа, атамалар, аннотация, ҳужжатни сақланиш шифри, хизмат доирасидаги маълумотлар ва бошқалар киритилиши мумкин.

Қуйида Ўзбекистонда қабул қилинган НКАТ айрим давлатлараро стандартлар рўйхати келтирилган:

ГОСТ 7.55—99 НКАТ. Асосий қоидалар;

ГОСТ 7.28—2002 НКАТ. Ахборот алмашинуви учун лотин алифбоси символлари кенгайтирилган йиғими;

ГОСТ 7.0—99 НКАТ. Ахборот-библиотека фаолияти, библиография. Атамалар ва таърифлар;

ГОСТ 7.84—2002 НКАТ. Нашрлар. Муқовалар ва чоклар. Умумий талаблар ва расмийлаштириш қоидалари.

ГОСТ 7.55—99 стандарти НКАТнинг асос бўлувчи ҳужжати ҳисобланади ва унда тизимнинг асосий қоидалари келтирилган.

НКАТнинг мақсади ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, қидириш ва тарқатиш ягона меъёрлари, қоидалари ва талабларни ўрнатишдир. Тизим орқали илмий-техник ахборот ва ҳужжатлар Келишуви иштирокчилари бўлган аъзо давлатлар иқтисодиётини ахборот билан таъминлаш бўйича илмий-техник ахборот идоралари, кутубхоналар, нашриётлар ва нашр ташкилотлари ҳамкорлиги,

илмий-техник ахборотлар тўлалиги ва таққосланиши.

давлат ҳужжатлар фондини сақлаш ва ундан самарали фойдаланиш,

илмий-техник ахборотлар, кутубхоналар ва нашриётлар ишлари соҳасида халқаро меъёрлари ва қоидаларни жорий этиш таъминланади.

НКАТ тўрт бўлимдан иборат:

илмий-техник ахборот;

кутубхона иши ва библиографик фаолият;

муҳаррир-нашриёт иши.

НКАТнинг асосий объектлари:

атамалар ва таърифлар;

ҳужжатли ахборот манбалари;

ахборот-кутубхона ва муҳаррир-нашриёт технологияси;

илмий-техник ахборот идоралари, кутубхоналар, нашриётлар ва нашр ташкилотлари фаолиятининг ташкилий асослари.

НКАТ тизимини умумтехник ва ташкилий-услубий давлатлараро стандартлари ташкил этади.

Назорат саволлари:

1) Нашриёт, кутубхона ва ахборот ишлари буйича стандартлар тизими нимага хизмат қилади?

2) Нашриёт, кутубхона ва ахборот ишлари буйича стандартлар тизими қандай МХлардан иборат?

3) Узбекистонда қабул қилинган НКАТ қандай давлатлараро стандартларни биласиз?

4) Нашриёт, кутубхона ва ахборот ишлари буйича стандартлар тизими орқали нима таъминланади?

5) НКАТ неча булимдан иборат?

6) НКАТнинг асосий объектлари нималар?

7) НКАТ тизимини қандай стандартлар ташкил этади?

5.7 Маҳсулотни ва материалларни эскиришдан ва емирилишдан ҳимоялаш ягона тизими

Маҳсулотни ва материалларни эскиришдан ва емирилишдан ҳимоялаш ягона тизими (ММҲЯТ) Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 9-синфига киритилган. ММҲТ маҳсулот ҳаёт давринининг барча боскичларида материаллар ва буюмларни эскириш, емирилиш ва биожароҳатдан асраш буйича талаблар, қоидалар, меъёрлар ва услубларни белгиловчи (120 дан зиёд давлатлараро) стандартлар комплексидан иборатдир.

ММҲТ таркибига ташкилий-услубий ва умумтехникавий стандартлар, техникавий талаблар стандартлари, қабул қилиш қоидалари, текширув усуллари ва технологик жараёнларни турлари буйича стандартлар киради. ММҲТ жадвал 2.12 да берилган синфий гуруҳларга бўлинади.

ММҲТ стандартлари орқали қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

— буюмларнинг чидамлилигини ошириш;

— буюмларни консервация қилмасдан сақланиш муддатини узайтириш;

— бирхиллаштириш ҳамда қўлланиладиган ҳимоялаш ва синаш воситалари ва усулларининг номенклатурасини қисқартириш;

— материаллар ва буюмларни ҳимоялаш буйича чора-тадбирларга тегишли харажатларни қисқартириш;

— материаллар ва буюмларни ҳимоялаш воситалари ва усулларини қўллаш технологиялари сифатини кўтариш ва такомиллаштириш.

2.12-жадвал

ММҲТ синфий гуруҳлар таркиби

Гуруҳ шифри	Стандартлар гуруҳи номи
0	-
1	ташкилий-услубий қоидалар
2	Конструкциявий металл материаллар танлашнинг умумий талаблари
3	металл ва нометалл ноорганик қоплама
4	органик коплама
5	емирилишга қарши вақтинчалик ҳимоялаш
6	Электркимёвий ҳимоялаш
7	Полимер материалларни қаришдан ҳимоялаш
8	материаллар ва буюмларни биожароҳатдан ҳимоялаш
9	Емирилиш ва материалларни ҳимоялаш

Ўзбекистонда ММҲТга тегишли қуйидаги йўналишлардаги давлат стандартлари ишлаб чиқилган:

– Асосий тартиблар;

– Техникавий объектларга биологик омилларнинг таъсири. Атамалар ва таърифлар;

– материаллар ва буюмларни емирилишга қарши вақтинчалик ҳимоялаш. Атамалар ва таърифлар;

– синкдан иссиқ қопламалар. Умумий талаблар ва текширув усуллари;

– ҳимоялаш қопламалари. Иссиқга чидамлиликни аниқлаш усули;

– металл ноорганик қопламалар. Белгиланиши.

Қуйида Ўзбекистонда қабул қилинган ММҲТ айрим давлатлараро стандартлар рўйхати келтирилган:

ЮСТ 9.901.1—89 (ИСО 7539—1-87) ММҲТ. Металлар ва қоришмалар. Зангдан ёрилишга синаш усулларига умумий талаблар;

ЮСТ 9.911—89 ММҲТ. Ҳавога чидамли пулат. Тезлаштирилган занглаш бўйича синовлар;

ЮСТ 9.915—2010 ММҲТ. Металлар, қоришмалар, қопламалар, буюмлар. Водородли мўртлиликка синаш усуллари.

Назорат саволлари:

1) Маҳсулотни ва материалларни эскиришдан ва емирилишдан ҳимоялаш ягона тизими нимага хизмат қилади?

2) ММҲТ стандартлари орқали қандай вазифалар ҳал этилади?

3) ММҲТ таркибига қандай стандартлар киради?

4) ММҲТ синфий гуруҳлар таркиби қандай?

5) Ўзбекистонда ММҲТга тегишли қандай йўналишлардаги давлат стандартлари ишлаб чиқилган?

6) Ўзбекистонда қабул қилинган ММҲТ қандай давлатлараро стандартларини биласиз?

5.8 Меҳнат хавфсизлиги, саноат санитарияси ва гигиенаси, меҳнатни илмий ташкил қилиш стандартлари тизими

Меҳнат хавфсизлиги, саноат санитарияси ва гигиенаси, меҳнатни илмий ташкил қилиш стандартлари тизими (МҲСТ) Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 12-синфига киритилган бўлиб, миллий ва давлатлараро даражаларда олиб борилади. Тизимга меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлашга, ходимлар ҳаёти ва соғлиғини сақлашга қаратилган талаблар, меъёрлар ва ташкилий-техникавий, метрологик, санитар-гигиеник йўналишдаги қоидалар бўйича стандартлар киради. МҲСТ доирасида 400 га яқин давлатлараро стандартлар ва Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 12.0.001 ишлаб чиқилган.

МҲСТ стандартлари 2.13-жадвалда келтирилган синфий гуруҳларга бўлинади.

МҲСТ 0,1,2,3,4 гуруҳларининг стандартлари давлатлараро (ГОСТ) ва давлат (O'z DSt) стандартлари ҳисобланади. Зарур ҳолларда 0,2,3,4 гуруҳларининг стандартлари тармоқ стандартлари (TSt) сифатида олиб борилиши мумкин. 5-гуруҳ стандартларини олиб бориш Ўзархитект-қурилиш қўмитаси ваколатига киради. Барча даражадаги МҲСТ стандартлари ўзаро уйғунлаштирилиши керак.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 12.0.001 да меҳнат хавфсизлиги, меҳнатни илмий ташкил қилиш, саноат санитарияси ва гигиенаси стандартлари тизимининг асосий қоидалари белгиланган.

МҲСТ 0-чи гуруҳи стандартларида қуйидаги талаблар белгиланади:

2.13-жадвал

МҲСТ синфий гуруҳлар таркиби

Гуруҳ шифри	Стандартлар гуруҳи номи
0	ташкилий-услубий стандартлар
1	Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари бўйича талаблар ва меъёрлар стандартлари
2	ишлаб чиқариш ускуналари хавфсизлигига талаблар стандартлари
3	ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлигига талаблар стандартлари
4	Ходимларни ҳимоялаш воситаларига талаблар стандартлари
5	Бинолар ва иншоотларни хавфсизлигига талаблар стандартлари

— МҲСТнинг умумий ташкилий-услубий асослари ва асосий талаблари;

— Меҳнат хавфсизлиги соҳасида метрологик таъминот;

— Меҳнат шароити хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этишнинг умумий талаблари;

— Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини синфлаш;

— Меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги атамалар ва асосий тушунчалар таърифлари.

МҲСТ 1-гуруҳи стандартларида қуйидаги талаблар белгиланади:

— Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари турлари бўйича меҳнат хавфсизлиги талаблари ва меъёрлари, шу омиллар таъсиридан ходимларни ҳимоялаш усуллари;

— Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг меъёрлашган параметрлари;

— Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг меъёрлашган параметрларини текшириш усуллари.

МҲСТ 2-гуруҳи стандартларида қуйидаги талаблар белгиланади:

— автомат ва яримавтомат ҳолатларда ишловчи ишлаб чиқариш ускуналари ва уларнинг гуруҳларига меҳнат хавфсизлиги умумтехникавий талаблари;

— ишлаб чиқариш ускуналари, саноат чиқиндилари ва

материалларини йўқ қилиш (утилизация)да меҳнат хавфсизлиги умумтехникавий талаблари, ушбу хавфсизлик талабларини текшириш усуллари ва баҳолашни бажариш.

МҲСТ 3-чи гуруҳи стандартларида қуйидаги талаблар белгиланади:

— ишлаб чиқариш жараёнлари ва уларнинг турларига меҳнат хавфсизлиги умумтехникавий талаблари, ушбу хавфсизлик талабларини текшириш усуллари ва баҳолашни бажариш.

4-чи гуруҳ стандартларида қуйидаги талаблар белгиланади:

— ходимларни якка ва жамоавий ҳимоялаш воситаларини синфлари ва турларига талаблар;

— ходимларни якка ва жамоавий ҳимоялаш воситаларини ҳимоялаш ва гигиеник хусусиятларини баҳолаш ва текшириш усуллари;

— ходимларни якка ҳимоялаш воситаларини ёрлиқлашга талаблар;

— хавфсизлик сигнал ранглари ва белгиларига талаблар;

— фавқулодда вазиятларда ходимларни эвакуация қилишда ишлатиладиган мўлжаллаш — белгилар тизимига талаблар.

МҲСТ 5-чи гуруҳи стандартларида қуйидаги талаблар белгиланади:

— бинолар ва иншоотларда ишловчи ходимларни хавфсизлигига умумий талаблар;

— бинолар ва иншоотларда қурилиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш пайтида хавфсизлигига умумий талаблар;

— бинолар ва иншоотларга хавфсизлик талабларини текшириш усуллари.

МҲСТ стандартлари қуйидаги мисолда кўрсатилгани бўйича белгиланади:

O'z DSt 12.1.001:2004,

бунда, *O'z DSt* — Ўзбекистон давлат стандарти белгиси,

12 - ТСТда МҲСТнинг синф рақами,

1- тизимнинг гуруҳи,

001-стандартнинг гуруҳдаги тартиб рақами,

2004-стандартни тасдикланган йили.

МҲСТ стандартлари қуйидаги стандартлаштириш объектларини ўз ичига олади:

МҲСТнинг умумий ташкилий-услубий асослар ва асосий талаблар;

1) Меҳнат хавфсизлиги соҳасида метрологик таъминот;

2) Меҳнат шароити хавфсизлиги буйича ишларни ташкил этиш буйича умумий талаблар;

3) Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини синфлаш;

4) Меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги атамалар ва асосий тушунчалар таърифлари;

5) Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари турлари буйича меҳнат хавфсизлиги талаблари ва меъёрлари, шу омиллар таъсиридан ходимларни ҳимоялаш усуллари;

6) Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг меъёрлашган параметрлари;

7) Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг меъёрлашган параметрларини текшириш усуллари;

8) автомат ва яримавтомат ҳолатларда ишловчи ишлаб чиқариш ускуналари ва уларнинг гуруҳларига меҳнат хавфсизлиги умумтехникавий талаблари;

9) ишлаб чиқариш жараёнлари ва уларнинг турларига меҳнат хавфсизлиги умумтехникавий талаблари, ушбу хавфсизлик талабларини текшириш усуллари ва баҳолашни бажариш;

10) ходимларни ҳимоялаш воситаларини синфлаш;

11) ходимларни якка ва жамоавий ҳимоялаш воситаларини синфлари ва турларига талаблар;

12) ходимларни якка ва жамоавий ҳимоялаш воситаларини ҳимоялаш ва гигиеник хусусиятларини баҳолаш ва текшириш усуллари;

13) ходимларни якка ҳимоялаш воситаларини ёрлиқлашга талаблар;

14) хавфсизлик сигнал ранглари ва белгиларига талаблар,

15) фавкулодда вазиятларда ходимларни эвакуация қилишда ишлатиладиган мўлжаллаш-белгилар тизимига талаблар;

16) соҳага тегишли бошқа объектлар.

Амалдаги қонунчиликка кўра, МҲСТ стандартлари Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан келишилиши керак.

Назорат саволлари:

1) Меҳнат хавфсизлиги, саноат санитарияси ва гигиенаси, меҳнатни илмий ташкил қилиш стандартлари тизими нимага хизмат қилади?

2) МҲСТ синфий гуруҳлар таркиби қандай?

3) МҲСТ гуруҳларининг стандартлари қандай стандартлар ҳисобланади?

4) МҲСТ 0- ва 1-гуруҳи стандартларида қандай талаблар белгиланади?

5) МҲСТ 2- ва 3-гуруҳи стандартларида қандай талаблар белгиланади?

6) МҲСТ 4- ва 5-гуруҳи стандартларида қандай талаблар белгиланади?

7) МҲСТ стандартлари қайси идоралар билан келишилиши керак?

8) МҲСТ стандартлари қандай стандартлаштириш объектларини ўз ичига олади?

5.9 Репрография, микрография, копирография

Репрография, микрография, копирография тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 13-синфига киритилган ва давлатлараро даражадаги стандартлар билан олиб борилади. Давлатлараро стандарт ГОСТ 13.1.001—85 «Репрография. Микрография. Асосий қоидалар»да «Репрография» стандартлари тизимига кирувчи, «Микрография» тизимининг вазифалари, татбиқ этилиш соҳаси, синфий гуруҳлар таркиби ва стандартларининг белгиланиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Давлатлараро стандарт ГОСТ 13.0.002—84 «Репрография. Атамалар ва таърифлар»да репрография, микрография, копирография тегишли атамалар ва таърифлар, репрография турлари ва воситалари ҳақида маълумотлар, ГОСТ 13.2.001—90 «Репрография. Копирография. Электрофотографик нусха кўчириш аппаратлари. Умумий техник талаблар»да электрофотографик нусха кўчириш аппаратларига умумий талаблар ўрнатилган.

Луғатга кўра **репрография** (лотинча re-producere — қайта ишлаш, яратиш) — нурга сезгир ёки бошқа қабул қилувчи материалда тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳужжатли ахборотдан нусха олиш.

Репрографик усуллар ҳар қандай тасвирдан ҳақиқий нусхага кўриниши, формаси ва моҳияти бўйича тўлиқ мувофиқ бўлган нусхасини олиш имкониятини беради. Ҳужжатни кўпайтириш воситасини нусханинг талаб қилинаётган сифати, сонига қараб танланади.

ГОСТ 13.0.002—84 га кура,

репрография — нурланишга асосланган физик-кимёвий хусусиятларни узгартирадиган материални қуллашга асосланган ва босмахона усулларини қулламасдан нусха олиш мақсадида ҳақиқий кўринишдан нусха олишни уз ичига олувчи усуллар, жараёнлар ва воситалар мажмуасини қамровчи фан ва техника соҳаси,

микрография — микроформаларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш усулларини уз ичига олувчи репрография йўналиши,

копирография — микроформаларни қулламасдан ташқи кўриш учун мулжалланган нусхаларни тайёрлаш усулларини уз ичига олувчи репрография йўналиши.

Репрографияга фотографиялаш, нурли нусхалаш, микрофильмлаш, термонусхалаш, электрофотографиялаш ва бошқалар кирали.

Қуйида Ўзбекистонда қабул қилинган репрография, микрография, копирография тегишли айрим давлатлараро стандартлар рўйхати келтирилган:

ГОСТ 13.1.001—85 Репрография. Микрография. Асосий қоидалар;

ГОСТ 13.0.002—84 Репрография. Атамалар ва таърифлар;

ГОСТ 13.2.001—90 Репрография. Копирография. Электрофотографик нусха кучириш аппаратлари. Умумий техник талаблар;

ГОСТ 13.0.003—2000 Репрография. Микрография. Оригиналларнинг репрографик нусхалари. Турлар. Шартли белгиланишлар;

ГОСТ 13.1.004—83 Репрография. Микрография. Аппаратлар. Шартли белгиланишлар.

Назорат саволлари:

1) Репрография, микрография, копирография нимага хизмат қилади?
2) Репрография нимани англатади?
3) Микрография нимани англатади?
4) Копирография нимани англатади?
5) Репрографияга қандай йўналишлар кирали?
6) Ўзбекистонда қабул қилинган репрография, микрография, копирография тегишли қандай давлатлараро стандартларни биласиз?

5.10 Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими (ИТТТ) тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 14-синфига киритилган ва давлатлараро даражадаги стандартлар билан олиб борилади. Тизим ишлаб чиқаришни илғор технологиялар асосида тайёрлаш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш тизими бўйича, стандарт технологик ускуна ва қурилмалар бўйича, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари бўйича, инженер-техникавий ва бошқарув ишлари бўйича стандартлар мажмуасидан иборатдир.

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш деганда, технологияни ишлаб чиқиш, керакли технологик қурилмалар ва ускуналарни тайёрлаш, янги ускуналарни ўрнатиш ва узлаштириш, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини йўлга қўйиш билан боғлиқ ишлар тўлиқ мажмуаси тушунилади.

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими (ИТТТ) ишлаб чиқариш самараси ва маҳсулот сифатини ошириш асоси булиб, у орқали замонавий фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этишга эришилади.

ИТТТнинг моҳияти унинг меъёрий ҳужжатларида берилган ва ушбу ҳужжатларни жорий этиш орқали янги маҳсулотларни яратиш, узлаштириш ва ишлаб чиқиш жараёнларини бир неча баробар қисқартириш ва осонлаштиришга, ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларини, бирхиллаштирилган технологик жараёнларни ва электрон бошқарув воситаларини қўллашга эришилади.

ИТТТ орқали,

ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг усуллари ва воситаларини танлаш ва қўллашда тизимли ёндашувга,

ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг барча босқичларида қисқа муддат ва кам харажатлар билан юқори техникавий сифат ва даражада маҳсулотни ишлаб чиқаришни узлаштиришга,

конструкция ва буюмларнинг технологиклигини таъминлаш;

технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;

технологик жиҳозлаш воситаларини лойиҳалаш, уларни жорий этиш;

ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш жараёнларини бошқариш.

ГОСТ 13.0.002—84 га кўра,

репрография — нурланишга асосланган физик-кимёвий хусусиятларни ўзгартирадиган материални қўллашга асосланган ва босмахона усулларини қўлламасдан нусха олиш мақсадида ҳақиқий кўринишдан нусха олишни ўз ичига олувчи усуллар, жараёнлар ва воситалар мажмуасини қамровчи фан ва техника соҳаси,

микрография — микроформаларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш усулларини ўз ичига олувчи репрография йўналиши,

копирография — микроформаларни қўлламасдан ташқи кўриш учун мўлжалланган нусхаларни тайёрлаш усулларини ўз ичига олувчи репрография йўналиши.

Репрографияга фотографиялаш, нурли нусхалаш, микрофильмлаш, термонусхалаш, электрофотографиялаш ва бошқалар киради.

Қуйида Ўзбекистонда қабул қилинган репрография, микрография, копирография тегишли айрим давлатлараро стандартлар рўйхати келтирилган:

ГОСТ 13.1.001—85 Репрография. Микрография. Асосий қоидалар;

ГОСТ 13.0.002—84 Репрография. Атамалар ва таърифлар;

ГОСТ 13.2.001—90 Репрография. Копирография. Электрофотографик нусха кўчириш аппаратлари. Умумий техник талаблар;

ГОСТ 13.0.003—2000 Репрография. Микрография. Оригиналларнинг репрографик нусхалари. Турлар. Шартли белгиланишлар;

ГОСТ 13.1.004—83 Репрография. Микрография. Аппаратлар. Шартли белгиланишлар.

Назорат саволлари:

1) Репрография, микрография, копирография нимага хизмат қилади?
2) Репрография нимани англатади?
3) Микрография нимани англатади?
4) Копирография нимани англатади?
5) Репрографияга қандай йўналишлар киради?
6) Ўзбекистонда қабул қилинган репрография, микрография, копирография тегишли қандай давлатлараро стандартларни биласиз?

8.10 Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими (ИТТТ) тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 14-синфига киритилган ва давлатлараро даражадаги стандартлар билан олиб борилади. Тизим ишлаб чиқаришни илғор технологиялар асосида тайёрлаш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш тизими буйича, стандарт технологик ускуна ва қурилмалар буйича, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари буйича, инженер-техникавий ва бошқарув ишлари буйича стандартлар мажмуасидан иборатдир.

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш деганда, технологияни ишлаб чиқиш, керакли технологик қурилмалар ва ускуналарни тайёрлаш, янги ускуналарни ўрнатиш ва ўзлаштириш, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини йўлга қўйиш билан боғлиқ ишлар тўлиқ мажмуаси тушунилади.

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими (ИТТТ) ишлаб чиқариш самараси ва маҳсулот сифатини ошириш асоси бўлиб, у орқали замонавий фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этишга эришилади.

ИТТТнинг моҳияти унинг меъёрий ҳужжатларида берилган ва ушбу ҳужжатларни жорий этиш орқали янги маҳсулотларни яратиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш жараёнларини бир неча баробар қисқартириш ва осонлаштиришга, ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларини, бирхиллаштирилган технологик жараёнларни ва электрон бошқарув воситаларини қўллашга эришилади.

ИТТТ орқали,

ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг усуллари ва воситаларини танлаш ва қўллашда тизимли ёндашувга,

ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг барча босқичларида қисқа муддат ва кам харажатлар билан юқори техникавий сифат ва даражада маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга,

конструкция ва буюмларнинг технологиклигини таъминлаш;

технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;

технологик жиҳозлаш воситаларини лойиҳалаш, уларни қорий этиш;

ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш жараёнларини бошқариш.

ИТТТ стандартларини бешта синфий гуруҳларга бўлиш мумкин:

— тизимнинг асосий қоидалари;

— ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш қоидалари;

— ишлаб чиқариш объектлари конструкцияларини технологиклигини таъминлаш қоидалари;

— технологик жараёнлар ва технологик таъминлаш воситаларини қўллашни ишлаб чиқиш қоидалари;

— механизациялаш техник воситалари ва инженер-техник ишларни автоматлаштиришни қўллаш қоидалари;

— ишлаб чиқаришни юқори даражадаги технологиялар асосида доимий такомиллаштириб боришга эришилади.

ИТТТ стандартлари технологик лойиҳалашда қўлланиладиган маълумотларни ягона расмий кўринишга келтириш имконини беради. Бир гуруҳ стандартлар механизациялаш техник воситалари ва инженер-техник ишларни автоматлаштиришни қўллаш қоидаларини ва ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни автоматлаштириш асосий қоидаларини белгилайди. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг меъёрий, техникавий ва услубий асосини яратишда бошқа ТСТ, хусусан, Конструкторлик ҳужжатларнинг ягона тизими (КҲТ), Технологик ҳужжатларнинг

2.14-жадвал

ИТТТ синфий гуруҳлари таркиби

Гуруҳ шифри	Стандартлар гуруҳи номи
0	
1	ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш жараёнини бошқаришни қоидалари ва ташкил этиш
2	Буюмлар конструкцияларини технологиклигини таъминлаш қоидалари
3	технологик жараёнлар ва технологик жиҳозлаш воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш қоидалари
4	Инженер-техникавий ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш техникавий воситаларини қўллаш қоидалари
5	Бошқа стандартлар

ягона тизими (ТҲТ), Техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими (Ўз ТИИА ТКТ), Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими (Ўз МЯТ) талабларидан фойдаланилади.

ИТТТ стандартлари 2.14-жадвалда келтирилган синфий гуруҳларга бўлинади.

Назорат саволлари:

1) Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими нимага хизмат қилади?

2) Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш нимани англатади?

3) Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими орқали нимага эришилади?

4) ИТТТ стандартларини нечта синфий гуруҳларга бўлиш мумкин?

5) Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг меъёрий, техникавий ва услубий асосини яратишда қайси бошқа тизимлардан фойдаланилади?

5.11 Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими

Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 15-синфига Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими (Ўз МЯТ) киритилган. Тизим маҳсулотнинг ҳаёт даври (илмий-тадқиқот ишлари, яратиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, сақлаш, ташиш, таъмирлаш) да бажариладиган ишларнинг технологик ва ташкилий бирлигини таъминлашга қаратилган умумий қоидалар, талаблар ва кўрсатмаларни белгиловчи, асос бўлувчи ташкилий-услубий ва умумтехникавий стандартлар мажмуидир. Ҳозирда тизим доирасида 150 дан зиёд давлатлараро даражадаги стандартлар (ГОСТ) ва 7 та «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ишлаб чиқилган асос бўлувчи МҲлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими асосий қоидалари давлат стандарти O'zDSt 15.000да белгиланган. Стандартда қуйидаги таърифлар берилган:

Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модул принципи —

ИТТТ стандартларини бешта синфий гуруҳларга бўлиш мумкин:

— тизимнинг асосий қоидалари;

— ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш қоидалари;

— ишлаб чиқариш объектлари конструкцияларини технологиклигини таъминлаш қоидалари;

— технологик жараёнлар ва технологик таъминлаш воситаларини қўллашни ишлаб чиқиш қоидалари;

— механизациялаш техник воситалари ва инженер-техник ишларни автоматлаштиришни қўллаш қоидалари;

— ишлаб чиқаришни юқори даражадаги технологиялар асосида доимий такомиллаштириб боришга эришилади.

ИТТТ стандартлари технологик лойиҳалашда қўлланиладиган маълумотларни ягона расмий кўринишга келтириш имконини беради. Бир гуруҳ стандартлар механизациялаш техник воситалари ва инженер-техник ишларни автоматлаштиришни қўллаш қоидаларини ва ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни автоматлаштириш асосий қоидаларини белгилайди. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг меъёрий, техникавий ва услубий асосини яратишда бошқа ТСТ, хусусан, Конструкторлик ҳужжатларнинг ягона тизими (КҲТ), Технологик ҳужжатларнинг

2.14-жадвал

ИТТТ синфий гуруҳлари таркиби

Гуруҳ шифри	Стандартлар гуруҳи номи
0	
1	ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш жараёнини бошқаришни қоидалари ва ташкил этиш
2	Буюмлар конструкцияларини технологиклигини таъминлаш қоидалари
3	технологик жараёнлар ва технологик жиҳозлаш воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш қоидалари
4	Инженер-техникавий ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш техникавий воситаларини қўллаш қоидалари
5	Бошқа стандартлар

ягона тизими (ТҲТ), Техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими (Ўз ТИИА ТКТ), Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими (Ўз МЯТ) талабларидан фойдаланилади.

ИТТ стандартлари 2.14-жадвалда келтирилган синфий гуруҳларга бўлинади.

Назорат саволлари:

1) Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими нимага хизмат қилади?

2) Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш нимани англатади?

3) Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими орқали нимага эришилади?

4) ИТТ стандартларини нечта синфий гуруҳларга бўлиш мумкин?

5) Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг меъёрий, техникавий ва услубий асосини яратишда қайси бошқа тизимлардан фойдаланилади?

5.11 Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими

Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 15-синфига Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими (Ўз МЯТ) киритилган. Тизим маҳсулотнинг ҳаёт даври (илмий-тадқиқот ишлари, яратиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, сақлаш, ташиш, таъмирлаш) да бажариладиган ишларнинг технологик ва ташкилий бирлигини таъминлашга қаратилган умумий қоидалар, талаблар ва кўрсатмаларни белгиловчи, асос бўлувчи ташкилий-услубий ва умумтехникавий стандартлар мажмуидир. Ҳозирда тизим доирасида 150 дан зиёд давлатлараро даражадаги стандартлар (ГОСТ) ва 7 та «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ишлаб чиқилган асос бўлувчи МҲлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими асосий қоидалари давлат стандарти O'zDSt 15.000да белгиланган. Стандартда қуйидаги таърифлар берилган:

Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модул принципи —

тизимнинг барча иштирокчилари (буюртмачи, яратувчи, ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи) нинг аниқ ишлари ҳажмини мавжуд стандартлаштириш усулларидан фойдаланиб, маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичлари (илмий-тадқиқот ишлари, яратиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, таъмирлаш)да амалга ошириладиган ишларни ташкил этишнинг ташкилий-техникавий элементларини шакллантиришни белгиловчи услуб;

Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модели — тизим доирасида амалга ошириладиган ишларни ташкил этишда модулларнинг маълум тартибдаги қўшилиши ва Ўз МЯТ иштирокчилари ўзаро муносабатлари қоидаларини регламентлаш;

Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модули — маълум мақсадли йўналишда, ҳажмда, доирада белгиланган вазифаларни характерловчи аниқ (типовой) ташкилий-техникавий элементларнинг тизимли-тартиблаштирилган тўплами. Модул унга кирувчи вазифаларни режалаштириш, ташкил этиш, таъминлаш ва бажаришнинг ягона тартибини белгилайди.

Ўз МЯТнинг асосий мақсади — бозор муносабатларига ўтиш шароитида ва истеъмолчилар талабларини тўлиқ қондириш мақсадида, маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичларида юқори техникавий даража, сифат, рақобатбардошликни таъминлашнинг ташкилий-услубий асосларини шакллантиришдир.

Ўз МЯТда қуйидаги йўналишларни тартибловчи курсатмалар белгиланган:

— маҳсулотни яратиш (замонавийлаштириш, такомиллаштириш) имкониятлари ва мақсадга мувофиқлигини асослаш;

— янги технологияларни қўллаш орқали илмий-техникавий прогресснинг замонавий ютуқларига жавоб берувчи юқори техникавий даража ва сифатли маҳсулотни яратиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш;

— маҳсулотни яратиш, ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва таъмирлашга ҳамда фойдаланишга харажатлар ва муддатларни қисқартириш;

— стандартлаштирилаётган маҳсулотни миқдор ва сифат курсаткичларини таркибини асослаш;

— тайёрланаётган (таъмирланаётган) маҳсулотнинг сифати курсаткичларини стабиллигини таъминлаш;

— Ўз МЯТ иштирокчиларининг маҳсулотни яратиш, иш-

лаб чиқариш ва фойдаланиш сифатига масъулиятни ошириш;

— эскирган (рақобатбардош бўлмаган) маҳсулотни ўз вақтида янгилаш;

— маҳсулот сифатини таъминлаш ва ишлаб чиқариш шароитларини стабиллаштириш бўйича халқаро стандартлар, андозалар, қоидалар билан уйғунлашган кўрсатмалар ва керакли процедураларни шакллантириш;

— ишлаб чиқаришнинг барча даражаларидаги иштирокчиларнинг тайёрлигини ташкилий, техникавий, иқтисодий имкониятларини таъминлаш.

Маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичларида ишларни олиб боришни таъминлаш бўйича асосий қоидалар ва кўрсатмалар Ўз МЯТнинг стандартлаштириш объектлари ҳисобланади.

Ўз МЯТ доирасидаги ишлар Ўз СТда белгиланган талаблар асосида ва бошқа ТСТ билан боғлиқликда олиб борилади. Тизимнинг МҲлари номида **«Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими»** сўзлари стандартлаштириш объектларини номи ва объектни характерловчи сўзлар берилиши керак.

Ўз МЯТни шакллантиришда маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичларида бажариладиган ўзаро боғлиқ барча ишларни мақсадли ва комплексли қамраш принципидан фойдаланилади.

Ўз МЯТда ишларни ташкил этишда модул принципини қўллаш орқали бозор шароитига ўтиш даврида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатларини ташкилий-техникавий таъминлашга эришилади. Бунда:

— ишлаб чиқаришда қабул қилинган ташкилий-техникавий кўрсатмаларга нисбатан тегишли МҲларнинг устуворлигини, МҲларга нисбатан ҳуқуқий ҳужжатларнинг устуворлигини таъминлаш;

— Ўз МЯТда маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичларида бошқарувнинг турли формаларини қўллаш орқали тизим иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш;

— рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқаришга эришиш;

— маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришда истеъмолчилар манфаатлари устуворлиги назарда тутилади.

Тизимга кирувчи МҲларнинг таркиби 10 та синфий гуруҳга бўлинади (2.15-жадвал).

Тизимнинг 0 — гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

тизимнинг барча иштирокчилари (буюртмачи, яратувчи, ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи) нинг аниқ ишлари ҳажмини мавжуд стандартлаштириш усулларидан фойдаланиб, маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичлари (илмий-тадқиқот ишлари, яратиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, таъмирлаш)да амалга ошириладиган ишларни ташкил этишнинг ташкилий-техникавий элементларини шакллантиришни белгиловчи услуб;

Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модели — тизим доирасида амалга ошириладиган ишларни ташкил этишда модулларнинг маълум тартибдаги қўшилиши ва Ўз МЯТ иштирокчилари ўзаро муносабатлари қоидаларини регламентлаш;

Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модули — маълум мақсадли йўналишда, ҳажмда, доирада белгиланган вазифаларни характерловчи аниқ (типовой) ташкилий-техникавий элементларнинг тизимли-тартиблаштирилган туплами. Модул унга кирувчи вазифаларни режалаштириш, ташкил этиш, таъминлаш ва бажаришнинг ягона тартибини белгилайди.

Ўз МЯТнинг асосий мақсади — бозор муносабатларига ўтиш шароитида ва истеъмолчилар талабларини тўлиқ кондириш мақсадида, маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичларида юқори техникавий даража, сифат, рақобатбардошликни таъминлашнинг ташкилий-услубий асосларини шакллантиришдир.

Ўз МЯТда қуйидаги йўналишларни тартибловчи кўрсатмалар белгиланган:

— маҳсулотни яратиш (замонавийлаштириш, такомиллаштириш) имкониятлари ва мақсадга мувофиқлигини асослаш;

— янги технологияларни қўллаш орқали илмий-техникавий прогресснинг замонавий ютуқларига жавоб берувчи юқори техникавий даража ва сифатли маҳсулотни яратиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш;

— маҳсулотни яратиш, ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва таъмирлашга ҳамда фойдаланишга харажатлар ва муддатларни қисқартириш;

— стандартлаштирилаётган маҳсулотни миқдор ва сифат кўрсаткичларини таркибини асослаш;

— тайёрланаётган (таъмирланаётган) маҳсулотнинг сифати кўрсаткичларини стабиллигини таъминлаш;

— Ўз МЯТ иштирокчиларининг маҳсулотни яратиш, иш-

даб чиқариш ва фойдаланиш сифатига масъулиятни ошириш;

— эскирган (рақобатбардош бўлмаган) маҳсулотни уз вақтида янгилаш;

— маҳсулот сифатини таъминлаш ва ишлаб чиқариш шароитларини стабиллаштириш буйича халқаро стандартлар, меъёрлар, қоидалар билан уйғунлашган кўрсатмалар ва керакли процедураларни шакллантириш;

— ишлаб чиқаришнинг барча даражаларидаги иштирокчиларнинг тайёрлигини ташкилий, техникавий, иқтисодий имкониятларини таъминлаш.

Маҳсулотни ҳаёт даврининг барча босқичларида ишларни олиб боришни таъминлаш буйича асосий қоидалар ва кўрсатмалар Уз МЯТнинг стандартлаштириш объектлари ҳисобланади.

Уз МЯТ доирасидаги ишлар Ўз СТда белгиланган талаблар асосида ва бошқа ТСТ билан боғлиқликда олиб борилади. Тизимнинг МҲлари номида **«Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими»** сўзлари, стандартлаштириш объектларини номи ва объектни характерловчи сўзлар берилиши керак.

Уз МЯТни шакллантиришда маҳсулотни ҳаёт даврининг барча босқичларида бажариладиган ўзаро боғлиқ барча ишларни мақсадли ва комплексли қамраш принципидан фойдаланилади.

Уз МЯТда ишларни ташкил этишда модул принципини қўллаш орқали бозор шароитига ўтиш даврида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатларини ташкилий-техникавий таъминлашга эришилади. Бунда:

— ишлаб чиқаришда қабул қилинган ташкилий-техникавий кўрсатмаларга нисбатан тегишли МҲларнинг устуворлигини, МҲларга нисбатан ҳуқуқий ҳужжатларнинг устуворлигини таъминлаш;

— Ўз МЯТда маҳсулотни ҳаёт даврининг барча босқичларида бошқарувнинг турли формаларини қўллаш орқали тизим иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш;

— рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқаришга эришиш;

— маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришда истеъмолчилар манфаатлари устуворлиги назарда тутилади.

Тизимга кирувчи МҲларнинг таркиби 10 та синфий гуруҳга бўлинади (2.15-жадвал).

Тизимнинг 0 — гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— Ўз МЯТ стандартларини шакллантириш, тузиш ва синфлаш тизимни ташкил этувчи принциплар буйича умумий курсатмалар;

— маҳсулот сифатини таъминлаш;

— маҳсулотни ҳаёт лавринининг барча босқичлари;

— маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичлари буйича ишларни ташкил этиш модуллари ва моделлари.

Ўз МЯТнинг 1-гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— тадқиқотлар ва аванлойиҳани бажаришга талаблар; уларни бажариш ва қабул қилиб олиш қоидалари, ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш тартиблари;

— тадқиқотлар ва аванлойиҳа натижаларини жорий этиш тартиби.

Ўз МЯТнинг 2- гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— буюмларни яратиш (такомиллаштириш) буйича тажриба-конструкторлик ишлари (ТКИ) ва кирувчи материалларни яратиш буйича тажриба-технологик ишлари (ТТИ)-ни бажаришга техникавий топшириқ (ТТ)ни тузишга, маз-

2.15-жадвал

Ўз МЯТнинг синфий гуруҳлар таркиби

Гуруҳ шифри	Стандартлар гуруҳи номи
0	Умумий қоидалар
1	Тадқиқотлар, аванлойиҳа
2	Тажриба-конструкторлик ишлари, тажриба-технологик ишлар
3	Маҳсулотни ишлаб чиқариш
4	Маҳсулотни етказиб бериш (муомилага)
5	Фойдаланиш (қуллаш, сақлаш)
6	таъмирлаш
7	Саноат корхоналарида фойдаланиш ва таъмирлашни таъминлаш
8	Маҳсулотни ишлаб чиқариш
9	Бошқа стандартлар

мунига, баён этилишига, келиши тартибига ва қабул қилинишига талаблар:

— ТКИ ва ТТИ бажаришга ва қабул қилиб олишга талаблар;

— ТКИ ва ТТИ босқичларида ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келиши ва қабул қилиш тартиби;

— ТКИ ва ТТИ бўйича ишларни жорий этиш тартиби;

— ТКИ ва ТТИни амалга оширишни таъминловчи ишларни бажаришга талаблар.

Ўз МЯТнинг 3-гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (тайёрлаш, ўзлаштириш ва чиқариш) тартибига талаблар;

— ягона ва серияли маҳсулотларни ишлаб чиқишга талаблар; нуқсонли маҳсулотни ва ишлатилмаётган ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиш;

— МҲ, конструкторлик ва технологик ҳужжатлар талабларини ва ишлаб чиқувчи ва ишлаб чиқарувчи кафолатли мажбуриятлари бажаришни таъминлаш;

— маҳсулотни ва ишлаб чиқариш шароитларини сертификатлаштириш талаблари:

— маҳсулотни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш жараёнларида авторлик назоратини олиб бориш тартиби.

Ўз МЯТнинг 4-гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва маҳсулот билан таъминлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажаришни таъминлаш тартиби;

— маҳсулотни сотувга тайёрлаш бўйича талаблар;

— маҳсулотни сотувга тайёрлашда унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар.

Ўз МЯТнинг 5-гуруҳ стандартларида маҳсулотдан фойдаланиш талаблари белгиланади.

Ўз МЯТнинг 6-гуруҳ стандартларида маҳсулотни таъмирлашни ташкил этиш билан боғлиқ ишлар бўйича талаблар белгиланади.

Ўз МЯТнинг 7-гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— маҳсулотга эътирозлар бўйича ишлаш тартиби;

— маҳсулотга тегишли маълумотлар тақдим этиш тартиби;

— маҳсулотдан фойдаланиш жараёнида техникавий назоратни олиб бориш бўйича ишларни ташкил этиш тартиби;

— Ўз МЯТ стандартларини шакллантириш, тузиш ва синфлаш тизимни ташкил этувчи принциплар бўйича умумий курсатмалар;

— маҳсулот сифатини таъминлаш;

— маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичлари;

— маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичлари бўйича ишларни ташкил этиш модуллари ва моделлари.

Ўз МЯТнинг 1-гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— тадқиқотлар ва аванлойиҳани бажаришга талаблар; уларни бажариш ва қабул қилиб олиш қоидалари, ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш тартиблари;

— тадқиқотлар ва аванлойиҳа натижаларини жорий этиш тартиби.

Ўз МЯТнинг 2- гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— буюмларни яратиш (такомиллаштириш) бўйича тажриба-конструкторлик ишлари (ТКИ) ва кирувчи материалларни яратиш бўйича тажриба-технологик ишлари (ТТИ)-ни бажаришга техникавий топшириқ (ТТ)ни тузишга, маз-

2.15-жадвал

Ўз МЯТнинг синфий гуруҳлар таркиби

Гуруҳ шифри	Стандартлар гуруҳи номи
0	Умумий қоидалар
1	Тадқиқотлар, аванлойиҳа
2	Тажриба-конструкторлик ишлари, тажриба-технологик ишлар
3	Маҳсулотни ишлаб чиқариш
4	Маҳсулотни етказиб бериш (муомилага)
5	Фойдаланиш (қуллаш, сақлаш)
6	таъмирлаш
7	Саноат корхоналарида фойдаланиш ва таъмирлашни таъминлаш
8	Маҳсулотни ишлаб чиқариш
9	Бошқа стандартлар

мунига, баён этилишига, келиши тартибига ва қабул қилинишига талаблар:

— ТКИ ва ТТИ бажаришга ва қабул қилиб олишга талаблар;

— ТКИ ва ТТИ босқичларида ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келиши ва қабул қилиш тартиби;

— ТКИ ва ТТИ бўйича ишларни жорий этиш тартиби,

— ТКИ ва ТТИни амалга оширишни таъминловчи ишларни бажаришга талаблар.

Ўз МЯТнинг 3-гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (тайёрлаш, ўзлаштириш ва чиқариш) тартибига талаблар;

— ягона ва серияли маҳсулотларни ишлаб чиқишга талаблар; нуқсонли маҳсулотни ва ишлатилмаётган ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиш;

— МҲ, конструкторлик ва технологик ҳужжатлар талабларини ва ишлаб чиқувчи ва ишлаб чиқарувчи кафолатли мажбуриятлари бажаришни таъминлаш;

— маҳсулотни ва ишлаб чиқариш шароитларини сертификатлаштириш талаблари;

— маҳсулотни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш жараёнларида авторлик назоратини олиб бориш тартиби.

Ўз МЯТнинг 4-гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва маҳсулот билан таъминлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажаришни таъминлаш тартиби;

— маҳсулотни сотувга тайёрлаш бўйича талаблар;

— маҳсулотни сотувга тайёрлашда унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар.

Ўз МЯТнинг 5-гуруҳ стандартларида маҳсулотдан фойдаланиш талаблари белгиланади.

Ўз МЯТнинг 6-гуруҳ стандартларида маҳсулотни таъмирлашни ташкил этиш билан боғлиқ ишлар бўйича талаблар белгиланади.

Ўз МЯТнинг 7-гуруҳ стандартларида қуйидагилар белгиланади:

— маҳсулотга эътирозлар бўйича ишлаш тартиби;

— маҳсулотга тегишли маълумотлар тақдим этиш тартиби;

— маҳсулотдан фойдаланиш жараёнида техникавий назоратни олиб бориш бўйича ишларни ташкил этиш тартиби;

— маҳсулотни фойдаланишдан чиқариш ва йўқ қилиш буйича ишларни ташкил этиш тартиби.

Ўз МЯТнинг 8-гуруҳ стандартларида маҳсулотни ишлаб чиқаришдан чиқариш (олиш) буйича талаблар белгиланади.

Ўз МЯТнинг 9-гуруҳида тизимга тегишли бошқа стандартлар киритилиши мумкин.

Тизимга кирувчи стандартлар қуйидаги мисолда кўрсатилган тартибда белгиланади:

O'zDSt 15.000:2001,

бунда, **O'zDSt** — Ўзбекистон давлат стандарти индекси

15 — Ўз МЯТнинг ТСТдаги синфи

0 — стандартнинг Ўз МЯТдаги синфий шифри

00 — стандартнинг гуруҳдаги тартиб рақами

2001 — стандартнинг тасдиқланган йили.

Ўз МЯТнинг доирасида Ўзбекистоннинг қуйидаги МҲлари ишлаб чиқилган:

РСТ Уз 15.001:1993* Ўз МЯТ. Ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар;

O'zDSt 15.002:2000 Ўз МЯТ. Асосий атамалар ва таърифлар;

O'zDSt 15.003:2002 Ўз МЯТ. Озиқ-овқат маҳсулотлари;

O'zDSt 15.009:1994* Ўз МЯТ. Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари;

O'zDSt 15.601:2002 Ўз МЯТ. Техник хизмат кўрсатиш ва техникани таъмирлаш. Асосий кўрсатмалар;

O'z RH 51—126:2003 Ўз МЯТ. Модулларни қўллаш буйича услубий кўрсатмалар.

Давлат стандарти O'zDSt 15.002:2000 да маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, фойдаланишда Ўз МЯТдоирасида қўлланиладиган атамалар ва асосий тушунчалар таърифлари берилган. Бу атама ва таърифлар барча тоифадаги МҲларда, илмий техникавий, ўқув ва маълумотнома адабиётларида, конструкторлик ва технологик лойиҳалар ишлаб чиқишда, илмий тадқиқот ишларида қўлланилади. Ҳар бир тушунчага битта стандартлаштирилган атама белгиланган. Атамалар ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги эквивалентлари билан берилган.

O'zDSt 15.002:2000ни тузишда O'zDSt ISO/IEC 2, Ўзбекистоннинг атама ва таърифлар стандартлари (хусусан, O'zDSt 5.5, РСТ 621, РСТ 622), давлатлараро стандартлар (хусусан, ГОСТ 3.1109—82, ГОСТ 14.004—83) фойдаланилган. Бунда атама ва таърифлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган ҳолда жадвал кўринишида берилган:

Умумий тушунчалар
Маҳсулот
Маҳсулотлар намуналари ва уларнинг йиғмаси
Маҳсулотни ҳаёт цикли босқичлари ва ишларнинг тури
Ишларнинг иштирокчилари
Ҳужжатлар тури ва уларнинг йиғмаси.

РСТ Уз 15.001:1993*да ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадга мўлжалланган янги (такомиллаштирилган) маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий кўрсатмалари келтирилган. Ушбу стандарт орқали маҳсулотни яратиш ва ўзлаштиришда буюртмачи, ишлаб чиқувчи ва ишлаб чиқарувчи муносабатларининг меъёрлари белгиланган.

O'zDSt 15.003:2002 янги, шунингдек, илгари ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тартибини белгилайди.

O'zDSt 15.009:1994*да ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари (маданий-маиший ва хўжалик моллари)ни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий кўрсатмалари келтирилган.

Давлат стандарти O'zDSt 15.601:2002да техник хизмат кўрсатиш ва техникани таъмирлашдаги Ўз МЯТнинг асосий кўрсатмалари берилган.

Маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичлари (илмий-тадқиқот ишлари, яратиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, таъмирлаш)да яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишда (Ўз МЯТда ишларни ташкил этишда) модулларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар раҳбарий ҳужжат O'z RH 51-126:2003 да келтирилган.

Назорат саволлари:

1) Маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими нимага хизмат қилади?

2) Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модул принципи нимани англатади?

3) Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модели нимани англатади?

4) Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модули нимани англатади?

5) Ўз МЯТда қандай йўналишларни тартибловчи кўрсатмалар белгиланган?

6) Ўз МЯТда ишларни ташкил этишда модул принципини қўллаш орқали нималар назарда тутилган?

— маҳсулотни фойдаланишдан чиқариш ва йўқ қилиш буйича ишларни ташкил этиш тартиби.

Ўз МЯТнинг 8-гуруҳ стандартларида маҳсулотни ишлаб чиқаришдан чиқариш (олиш) буйича талаблар белгиланади.

Ўз МЯТнинг 9-гуруҳида тизимга тегишли бошқа стандартлар киритилиши мумкин.

Тизимга кирувчи стандартлар қуйидаги мисолда кўрсатилган тартибда белгиланади:

O'zDSt 15.000:2001,

бунда, **O'zDSt** — Ўзбекистон давлат стандарти индекси

15 — Ўз МЯТнинг ТСТдаги синфи

0 — стандартнинг Ўз МЯТдаги синфий шифри

00 — стандартнинг гуруҳдаги тартиб рақами

2001 — стандартнинг тасдиқланган йили.

Ўз МЯТнинг доирасида Ўзбекистоннинг қуйидаги МҲлари ишлаб чиқилган:

РСТ Уз 15.001:1993* Ўз МЯТ. Ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар;

O'zDSt 15.002:2000 Ўз МЯТ. Асосий атамалар ва таърифлар;

O'zDSt 15.003:2002 Ўз МЯТ. Озиқ-овқат маҳсулотлари;

O'zDSt 15.009:1994* Ўз МЯТ. Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари;

O'zDSt 15.601:2002 Ўз МЯТ. Техник хизмат кўрсатиш ва техникани таъмирлаш. Асосий кўрсатмалар;

O'z RH 51—126:2003 Ўз МЯТ. Модулларни қўллаш буйича услубий кўрсатмалар.

Давлат стандарти O'zDSt 15.002:2000 да маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, фойдаланишда Ўз МЯТдоирасида қўлланиладиган атамалар ва асосий тушунчалар таърифлари берилган. Бу атама ва таърифлар барча тоифадаги МҲларда, илмий техникавий, ўқув ва маълумотнома адабиётларида, конструкторлик ва технологик лойиҳалар ишлаб чиқишда, илмий тадқиқот ишларида қўлланилади. Ҳар бир тушунчага битта стандартлаштирилган атама белгиланган. Атамалар ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги эквивалентлари билан берилган.

O'zDSt 15.002:2000ни тузишда O'zDSt ISO/IEC 2, Ўзбекистоннинг атама ва таърифлар стандартлари (хусусан, O'zDSt 5.5, РСТ 621, РСТ 622), давлатлараро стандартлар (хусусан, ГОСТ 3.1109—82, ГОСТ 14.004—83) фойдаланилган. Бунда атама ва таърифлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган ҳолда жадвал кўринишида берилган:

Умумий тушунчалар
Маҳсулот
Маҳсулотлар намуналари ва уларнинг йиғмаси
Маҳсулотни ҳаёт цикли босқичлари ва ишларнинг тури
Ишларнинг иштирокчилари
Ҳужжатлар тури ва уларнинг йиғмаси.

РСТ Уз 15.001:1993*да ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадга мўлжалланган янги (такомиллаштирилган) маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий кўрсатмалари келтирилган. Ушбу стандарт орқали маҳсулотни яратиш ва ўзлаштиришда буюртмачи, ишлаб чиқувчи ва ишлаб чиқарувчи муносабатларининг меъёрлари белгиланган.

O'zDSt 15.003:2002 янги, шунингдек, илгари ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тартибини белгилайди.

O'zDSt 15.009:1994*да ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари (маданий-маиший ва хўжалик моллари)ни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий кўрсатмалари келтирилган.

Давлат стандарти O'zDSt 15.601:2002да техник хизмат кўрсатиш ва техникани таъмирлашдаги Ўз МЯТнинг асосий кўрсатмалари берилган.

Маҳсулотни ҳаёт давринининг барча босқичлари (илмий-тадқиқот ишлари, яратиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, таъмирлаш)да яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишда (Ўз МЯТда ишларни ташкил этишда) модулларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар раҳбарий ҳужжат O'z RH 51-126:2003 да келтирилган.

Назорат саволлари:

1) Маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими нимага хизмат қилади?

2) Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модул принципи нимани англатади?

3) Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модели нимани англатади?

4) Ўз МЯТда ишларни ташкил этишнинг модули нимани англатади?

5) Ўз МЯТда қандай йўналишларни тартибловчи кўрсатмалар белгиланган?

6) Ўз МЯТда ишларни ташкил этишда модул принципини қўллаш орқали нималар назарда тутилган?

7) Ўз МЯТнинг синфий гуруҳлар таркиби қандай?

8) Ўз МЯТнинг гуруҳлари стандартларида қандай талаблар белгиланади?

9) Ўз МЯТнинг доирасида қандай МҲлари ишлаб чиқилган?

10) Ўз МЯТнинг асосий қоидалари қайси МҲда келтирилган?

5.12 Ўзбекистон маҳсулотни синаш тизими

Ўзбекистон маҳсулотни синаш тизими (Ўз МСТ) Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 20-синфига бириктирилган.

Давлат стандарти O'zDSt 20.000:2002да Ўзбекистонда маҳсулотни ҳаёт циклининг барча босқичлари (илмий-тадқиқот ишлари, яратиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, таъмирлаш)да маҳсулотни синаш тизимининг асосий талаблари белгиланган. Унда қуйидаги таърифлар келтирилган:

синов — белгиланган тартибда маҳсулот, хизмат ва жараёнларнинг бир ёки бир неча характеристикаларини аниқлаш буйича техникавий операция;

маҳсулотни синаш тизими — МҲларда белгиланган қоидалар буйича ўзаро алоқада булган синов воситалари, ижрочилар ва синовлар объектларининг жамламаси.

Маҳсулотни синашдан асосий мақсад — маҳсулотнинг сифати тўғрисидаги объектив ва ишончли маълумотни олиш ва уни МҲнинг талабларига мувофиқлигини аниқлашдир.

Маҳсулотни ҳаёт циклининг барча босқичларида тегишли вазифалар белгиланган:

илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларида — маҳсулотни яратишда қабул қилинган маҳсулот кўрсаткичларини тўғри танланганлигини баҳолаш;

маҳсулотни ишлаб чиқаришда — ишлаб чиқарилган маҳсулотларни МҲларининг талабларига мувофиқлик даражасини баҳолаш;

маҳсулотдан фойдаланишда — маҳсулот сифатининг кўрсаткичлари фойдаланишнинг ҳақиқий шароитларида текшириш.

Маҳсулотни синашнинг қуйидаги турлари мавжуд:

тадқиқот синовлари;

тажриба намуналарининг дастлабки синовлари;

қабул қилиш синовлари;

квалификация синовлари;
қабул қилиш-топшириш синовлари;
даврий синовлар;
типли синовлар;
сертификатлаштириш синовлари;
давлат назорати синовлари;
сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекцион текширув синовлари.

Синовлар мақсадига қараб, белгиланган тартибда аттестацияланган ёки аккредитланган синов лабораторияларида ўтказилиши керак.

Ўз МСТнинг меъёрий-услубий асоси бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

Ўз МСТнинг ташкилий-услубий ва меъёрий-техникавий асослари бўлган стандартлар мажмуи;

Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими (Ўз МЯТ)нинг стандартлари;

Ўз СТнинг асос бўлувчи стандартлари;

Ўзбекистон ўлчашлар бирлилигини таъминлаш давлат тизими (Ўз ЎДТ) нинг стандартлари;

маҳсулот ва уни синаш усулларига талабларни ўз ичига олувчи МҲлар;

синаш воситаларига талабларни ва синовларни ўтказиш тартибларини белгиловчи МҲлар.

Ўз МСТнинг ташкилий тузилмасини қуйидагилар ташкил этади:

«Ўзстандарт» агентлиги — Ўз МСТни ташкил этиш ва тизимда ягона сиёсатни олиб борилишига масъул давлат бошқарув идораси сифатида;

СМСИТИ — Ўз МСТнинг услубий маркази ва тизимнинг асос бўлувчи стандартларини ишлаб чиқувчи сифатида;

стандартлаштириш бўйича ТҚлар — маҳсулотга ва уни синаш усулларига МҲларни ишлаб чиқувчи сифатида;

синов лаборатория — синовларни ўтказиш;

синовларни буюртмачилари — маҳсулот намунасини синовга ажратиш ва синашдан манфаатдор сифатида.

Тизимга кирувчи МҲларнинг таркиби 10 та синфий гуруҳга бўлинади (2.16-жадвал).

Ўз МСТнинг асос бўлувчи МҲлари бошқа МҲларни ишлаб чиқишга асос бўлиши мумкин, хусусан:

аниқ маҳсулотлар турини синаш усуллари;

синов ускуналари алоҳида турларини аттестация қилишнинг техникавий шартлари ва усуллари;

2.16-жадвал

Уз МСТнинг синфий гуруҳлар таркиби

Гуруҳ шифри	Стандартлар гуруҳи номи
0	Умумий қоидалар
1	атама ва таърифлар
2	Путур етказмайдиган текширув
3	Путур етказувчи текширув
4	Техникавий текширув
5	Маҳсулот синашни амалга ошириш қоидалари
6	Синашларни бирлилигини таъминлаш
7	Синашларни натижаларини ишлаб чиқишни математик таъминлаш
8	Синов лабораториялари персоналига талаблар
9	Бошқа стандартлар

Ўз МСТнинг МҲларига тегишли ва қушимча ҳолда тармоқларда ишлаб чиқилган МҲлар;

Сифатни бошқариш тизимларида синашларни натижаларини қуллаш усуллари.

Ўз МСТнинг 20-гуруҳига кирувчи стандартлар СМСИТИ томонидан 2000 йилдан Давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида ишлаб чиқилган. Ҳозиргача Ўз МСТнинг 7 та асос булувчи МҲлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон давлат стандартлари O'zDSt 20.201 да путур етказмайдиган текширувни ташкил этиш ва олиб бориш тартиби, O'zDSt 20.202 да путур етказмайдиган текширувни утказадиган лабораторияларга талаблар, O'z DSt 20.203:2007 да персонални тайёрлаш ва сертификатлаштиришга умумий талаблар, O'z DSt 20.204:2002*да путур етказмайдиган текширув буйича уқув ва имтиҳон марказларига талаблар келтирилган.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон маҳсулотни синаш тизими нима мақсадга хизмат қилади?

2) Ўзбекистон маҳсулотни синаш тизими тармоқлараро

стандартлаштириш тизимларининг қайси синфига бириктирилган?

3) Маҳсулотни синаш тизими нимани англатади?

4) Маҳсулотни ҳаёт циклининг барча босқичларига тегишли қандай вазифалар белгиланган?

5) Маҳсулотни синашнинг қандай турлари мавжуд?

6) Синовлар қандай лабораторияларда утказилиши керак?

7) Ўз МСТнинг меъёрий-услубий асоси булиб қандай ҳужжатлар хизмат қилади?

8) Ўз МСТнинг ташкилий тузилмасини қайси субъектлар ташкил этади?

9) Ўз МСТнинг синфий гуруҳлар таркиби қандай?

10) Ўз МСТнинг асос булувчи МҲлари қандай МҲларни ишлаб чиқишга асос бўлиши мумкин?

5.13 Стандартлаштириш ва экология

Инсон фаолиятининг барча йуналишлари каби экология, атроф-муҳит ҳимояси соҳасида ҳам стандартлаштириш масалаларининг ҳал этилиши талаб этилади.

Экология (грекча — яшаш жойи, турар жой) — турли даражадаги организмдан юқори тизимларни ташкил этилиши ва фаолиятини ўрганувчи биологик фан: жонзотлар туркуми ва турлари, экотизимлар, биомуҳитлар. Экологияни организмларнинг ўзаро ва ташқи муҳит билан, инсон ва биомуҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларини аниқловчи фан сифатида ҳам кўрилади. Экология табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳит ҳимояси буйича ҳар қандай тадбирларнинг илмий асоси сифатида хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt ISO/IEC 2:2007 да келтирилганига кўра **атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** — маҳсулот, жараёнлар ва хизматларнинг салбий таъсиридан атроф-муҳитни муҳофаза қилишдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида» Қонунида стандартлаштиришнинг асосий мақсадларидан бири сифатида, атроф-муҳит учун хавфсизлиги масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги белгиланган. Ушбу Қонунга кўра табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштириш ишла-

рини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикасида табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари «Табиат муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонунда белгиланган бўлиб, Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида» Қонунида экспертиза қилиниши керак бўлган объектлар белгиланган: табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик ва бошқа фаолиятларни тартибга солувчи меъёрий, техник ва услубий ҳужжатлар; янги техникани, технологияни, материалларни, модлаларни, маҳсулотлар ва бошқаларни яратиш бўйича ҳужжатлар.

Атроф-муҳитнинг мақбул ҳолатини таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларида барқарор ривожланишнинг экологик асосларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сонли «2013–2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида» қарори қабул қилинган. Карор билан «2013—2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури ва уни амалга ошириш талбирлари» тасдиқланган.

Ҳаракатлар дастурида Ўзбекистон Республикасида кўп қиррали иқтисодиёт ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари, умуман олганда, барқарор ривожланиш тамойиллари бўлиб, улар доирасида биринчи даражадаги муҳим вазифа ижтимоий ва бошқа соҳаларда сиёсат билан яқин интеграцияда изчил амалга ошириладиган макроиқтисодий режалаштиришнинг табиат муҳофазаси сиёсати билан мақбул уйғунлиги, республиканинг экологик сиёсати табиатнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилишдан экологик тизимларни умумий муҳофазасига ўтишни амалга оширишга инсон яшаш муҳитининг мақбул курсаткичларини кафолатлашга ва ўзаро алоқани иқтисодиёт тармоқларини

«яшил иқтисодиёт» тамойилларига асосан ривожлантириш механизмлари билан уйгунлаштиришга йўналтирилганлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар миллий дастурида (АММҲМД, 1998 й.) асосий вазифа-устувор экологик муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш воситаларини танлаш ва тегишли ташкилий ва махсус ўзгаришлар амалга оширилишини назарда тутувчи, мамлакатнинг барқарор ривожланиш йўлига ўтишига шарт-шароитлар яратиш учун республиканинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида умумий стратегияни шакллантиришдан иборатдир.

2013--2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури АММҲМД асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни экологик жиҳатдан биргаликда олиб бориш борасидаги табиатни муҳофаза қилиш талбирларини амалга оширишга ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва мамлакатни барқарор ривожлантириш мақсадларига эришишга қаратилган.

Дастур атроф-муҳит ҳолатининг кафолатланган сифатли даражасига эришиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатдан фойдаланиш бошқарувини такомиллаштириш ва самарали иқтисодий усулларини татбиқ қилиш, атроф-муҳит устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик илм-фанни олға суришга ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълимни жорий қилишга, экологик билимларни кенг тарғиб қилишга, шунингдек экологик маданиятни оширишга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қарорда қайд этилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарурлиги белгиланган:

табиий ресурслардан, шу жумладан сув, ер, минерал-хомашё ва биологик ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш;

— ишлаб чиқаришда экологик тоза технологияларни жорий этиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳисобига ҳаво муҳити, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини босқичма-босқич камайтириш;

— атроф табиий муҳитни мунтазам баҳолаш ва унинг

ижтимоий-экологик ҳолати прогнозини тузиш учун атроф табиий муҳит мониторинги механизмини такомиллаштириш;

— экологик офат минтақасида — Оролбуйи ва мамлакатнинг бошқа экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларидаги экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

— аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги канализация тармоқлари тизимлари ва тозалаш иншоотларини яхшилаш;

— атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида илмий-техника салоҳиятни ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш;

— муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш;

— атроф табиий муҳит муҳофазаси, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим, шунингдек экологик билимларни тарғиб қилиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий асосни такомиллаштириш;

— экологик муаммоларни ҳал этишда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш.

Дастурни амалга оширишнинг бешта асосий йўналишлари белгиланган:

— аҳоли ва давлат учун яшаш муҳити ва экологик хавфсизлик даражасининг кафолатланган ва қулай шарт-шароитларини яратиш;

— иқтисодиёт тармоқларини экологизациялаштириш, технологик жараёнларни ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш;

— атроф-муҳитнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш;

— атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш. Бу эса қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишни назарда тутади:

— атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базаларни ривожлантириш;

— табиатдан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаларини такомиллаштиришни ва экологик назоратни амалга ошириш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

— экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларига таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

— аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик муаммоларни ҳал этишга жамиятнинг турли қатламларини жалб этиш, экологик билимларни тарғиб қилиш;

— табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш ва табиий муҳитни трансчегаравий ифлосланишининг олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt ИСО/МЭК 51:2001да хавфсизлик аспектларини стандартларга киритиш бўйича тавсиялар келтирилган.

Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати Ўз РҲ 51—010-96 да меъёрий ҳужжатларда маҳсулотларга талабларни шакллантириш бўйича келтирилган бўлиб, унга кўра атроф-муҳит ҳимоясини таъминлашга қаратилган талаблар, атроф-муҳитга кимёвий, физик, механик ва биологик таъсирдан мумкин бўлган бузилишлар ва йўл қўйиб бўлмайдиган зарарларни олдини олиш чоралари мажмуасига талабларни ўз ичига олади. Бу талаблар маҳсулот ҳаётининг барча босқичларида атроф-муҳитга кимёвий, жисмоний, механик ва биологик таъсирларни рухсат этилган қийматгача камайтириш қаратилгандир.

Ҳимоя қилинишни керак бўлган атроф-муҳит объектларига физик (ҳаво, сув, тупроқ, ерости бойликлари, ионосфера) биологик (ўсимлик ва хайвонот дунёси), техник иншоотлар, машина ва механизмлар, буюмлар, радиотўлқинлар) киради.

Атроф-муҳит ҳимоясини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар мажмуасини яратиш ва уларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади. Бу соҳада стандартлаштириш бўйича ишлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидаги ташкилотлар ва корхоналар, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ва таянч ташкилотлар, бошқа манфаатдор идоралар ва корхоналар таклифига кўра тузиладиган ва қўмита томонидан тасдиқланадиган йиллик режага асосан ташкил этилади. Ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳужжатлар фан ва техника ютуқларини, амалдаги қонунчилик талабларини ва халқаро меъёрий ҳужжатлар талабларини инобатга олиши керак. Атроф-муҳит ҳимоясини таъминлашга қаратилган талабларни ўз ичига олган меъёрий ҳужжат-

лар давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, корхоналар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Атроф-муҳит тушунчаси ўз ичига ҳаво, сув, флора, фауна, инсон ва у билан боғлиқ муносабатларни олганлиги сабабли, ҳар бир ташкилот ва корхона фаолияти доирасига тегишли атроф-муҳитни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиши ва уларни талаб даражасида сақлаб туриши керак. Ўзида атроф-муҳитни бошқариш тизимлари мавжуд бўлмаган ташкилот ва корхоналар қуйидаги йўналишларда атроф-муҳитни ҳимояси бўйича ўзидаги ҳолатни таҳлилини ўтказишлари керак:

— ҳуқуқий ва регламентлар талаблари;

— муҳим экологик ҳолатларни идентификация қилиш;

— атроф-муҳитни бошқаришнинг амалдаги барча усуллари ва процедураларини ўрганиш;

— масалага тегишли барча мавжуд маълумотларни ўрганиш ва баҳолаш.

Ташкилот ва корхоналар атроф-муҳитни ҳимояси тартибларини ишлаб чиқиш ва сақлашда номувофиқликлар келиб чиқишининг қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олишлари керак:

— номувофиқликлар келиб чиқиши сабабларини идентификация қилиш;

— керакли корректировка қилиш ҳаракатларини идентификация қилиш ва бажариш;

— номувофиқликлар — қайтарилиши олдини олиш учун керакли текшириш чораларини бажариш ёки такомиллаштириш;

— корректировка қилиш ҳаракатлари натижасида барча ўзгаришларни ёзма қайд этиш.

Масалан, автотранпорт корхонасида фойдаланилаётган сувни тозалаш бўйича чоралар амалга оширилиши, корхона технологик жараёнида сувдан фойдаланишнинг айланма тизими жорий этилиши керак, бунда сувни тозалаш технологияси ёритилиши керак, ишлатилган ёғ ва сувни йиғиш шахобчалари ўрнатилиши керак, ишлатилган ва қайта ишланган сувни табиий сув манбаларига туширишнинг шартлари ишлаб чиқилган, сувнинг тозаланиш даражаси назорати усуллари аниқланган бўлиши керак. Шу билан бирга, корхонада автомобилларнинг токсиклик ва тутун чиқариш ҳолатини диагностика қилиш шахобчасини яратиш ва уни керакли асбоблар билан таъминлаш масаласи

ҳал этилиши керак. Транспорт корхонасидаги автомобилларнинг токсиклик, шовқин ва тутун чиқаришини камайтириш буйича ҳамда бошқа атроф-муҳитни ҳимоясига тегишли чоралар ишлаб чиқилиши керак.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш борасида давлатлараро стандартлар ҳам мавжуддир. Давлатлараро стандарт ГОСТ 17.0.0.01—76 «Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш соҳасида стандартлар тизими. Асосий қоидалар»да Табиатни ҳимоя қилиш соҳасидаги ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш буйича стандартлар тизимининг асос бўлувчи қоидалари белгиланган.

Корхоналарда экологик бошқаришнинг самарали тизимини яратишда ёрдам кўрсатиш мақсадида, **ИСОнинг ИСО / ТК 207 техник қўмитаси томонидан ИСО 14000 (ISO 14000) серияли халқаро стандартлари гуруҳи ишлаб чиқилган.**

ИСО 14001 стандарти миллий қонунчилик ҳужжатларини инобатга олиб экологик бошқаришнинг тизимини ишлаб чиқиш имконини берувчи талабларни ўз ичига олади. Ушбу халқаро стандарт Ўзбекистонда давлат стандарти сифатида қабул қилинган.

Назорат саволлари:

1) Экология сўзининг моҳияти нимадан иборат?

2) Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг моҳияти нимадан иборат?

3) Ўзбекистон Республикасида табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари қайси ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган?

4) Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш қайси идорага юклатилган?

5) Қонунчилик талабларига кўра қандай ҳужжатлар экологик экспертиза қилиниши керак?

6) Ўзбекистон Республикасида 2013—2017 йилларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурининг моҳияти нимадан иборат ва у нималарни ўз ичига олади?

7) Атроф-муҳит ҳимоясини таъминлашга қаратилган талаблар нималарни ўз ичига олади?

8) Ҳимоя қилиниши керак бўлган атроф-муҳит объектларига нималар киради?

9) Атроф-муҳитни бошқариш тизимлари нима мақсадда ишлаб чиқилади?

10) Атроф-муҳитни бошқариш тизимлари қандай халқаро стандартлар асосида ташкил этилади?

6-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

Мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг ҳозирги босқичида стандартлаштириш фаолиятининг роли ва аҳамияти ўсиб бориши билан бу фаолиятга бўлган эътибор кучайиб, унинг самарадорлигини ва иқтисодиётдаги салмоғини кўтаришга ҳаракат янада ортиб бормоқда [1].

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон стандартлаштириш тизими (ЎзСТ)да белгиланган стандартлаштиришнинг асосий мақсад ва вазифаларига мувофиқ, ушбу фаолият иқтисодиёт ривожининг қуйидаги муҳим масалаларини ечишга йўналтирилган:

— маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;

— маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлаш;

— фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини ошириш;

— барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;

— ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

— табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш;

— истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаш;

— мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлаш;

— улчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш.

Юқорида қайд этилган мақсаллардан келиб чиққан ҳолда, стандартлаштиришни самарадорлигининг асосий йуналишлари кўрсатиш мумкин:

— илмий-техникавий прогрессни жалаллаштириш,

— ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат (хусусан, инженер ва бошқарув персонали) самарадорлигини ошириш;

— маҳсулот сифатини ошириш ва уни оптимал даражада бўлишини таъминлаш;

— экспортни кенгайтириш учун зарур шароитни таъминлаш;

— иқтисодиётни бошқариш тизимларини такомиллаштириш;

— маҳсулотни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш соҳаларида ихтисослаштиришни ривожлантириш;

— барча турдаги ресурсларни тежаш;

— аҳоли соғлиғини ҳимоялашни ва ходимлар меҳнатини хавфсизлигини таъминлаш;

— атроф-муҳитни ҳимояси;

— халқаро иқгисодий, техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш.

Иқтисодий тежашнинг манбалари маҳсулотни ҳаёт циклининг барча босқичларида бўлиши мумкин:

— маҳсулотни яратиш (лойиҳалаштириш) босқичида — стандартлаштирилган техникавий ҳужжатларни кўп марталаб ишлатиш, стандарт шартли графикли кўринишни қўллаш, ҳисоблашнинг стандарт усулларини қўллаш ҳисобига маҳсулотни яратиш (лойиҳалаштириш)даги меҳнат сарфини камайтириш;

— лойиҳалар сонини камайтириш, ишлаб чиқилаётган техникавий ҳужжатларни сонини қисқартириш;

— маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичида — номенклатурани қисқартириш, бирхиллаштириш, ишлаб чиқаришни сериялилигини ошириш;

— материал ресурсларни харажати меъёрларини камайтириш;

— ускуналарни қайта созлашда меҳнат сарфини камайтириш;

— сотиб олинадиган стандартлаштирилган эҳтиёт қисмлар ва комплектлаш буюмларига харажатларни камайтириш;

— ишлаб чиқариш жараёнларида меҳнат сарфини камайтириш;

— буюмлар танламасини камайтириш ва синашларни арзонлаштириш;

— яроқсиз маҳсулотни камайтириш;

— ёрлиқлаш ва ўрашга харажатларни камайтириш;

— ускуналардан фойдаланишни яхшилаш;

— ишлаб чиқариш циклини вақтини қисқартириш;
— меҳнат хавфсизлигини ошириш;
— маҳсулотдан фойдаланиш босқичида — эксплуатация жараёнида ортиқча харажатларни қисқартириш (хомашё, материаллар, ёқилғи, инструментлар ва бошқалар харажатини камайтириш);
— эҳтиёт қисмлар, инструментлар ва мосламаларни камайтириш;
— таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишда меҳнат сарфини камайтириш;
— фойдаланилаётган ускуналарни самарадорлигини ошириш;
— маҳсулотни хусусиятларини яхшилаш;
— ташиш ва сақлашда маҳсулотни яхши сақланишини таъминлаш;
— транпорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш;
— омборхонадан фойдаланишни яхшилаш;
— эксплуатация жараёнида меҳнат хавфсизлигини ошириш;
— ташқи савдо соҳасида — экспорт маҳсулоти ҳажмини купайтириш;
— юқори сифатли экспорт маҳсулотининг нархини кутариш;
— импорт маҳсулотининг ҳажмини камайтириш.

Стандартлаштиришни самарадорлигини аниқлаш янги техника буйича чора-тадбирларни амалга оширишда иқтисодий эффектни аниқлашнинг умумий формулалари орқали аниқланади. Ҳисоблашда 4 та асосий кўрсаткич қўлланилади:

1. Капитал қўйилмалар. Йиллик капитал қўйилмалар ҳажмининг узгариши ΔK қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta K = K_2 - K_1 \qquad (2.6)$$

бунда: K_2 — чора-тадбирлар амалга оширилган кейинги йиллик капитал қўйилмалар ҳажми, сўм;

K_1 — чора-тадбирлар амалга оширилишигача йиллик капитал қўйилмалар ҳажми, сўм.

2 Таннарх. Таннарх йиллик ҳажмини узгариши С қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta C = C_1 - C_2 \qquad (2.7)$$

бунда: C_1 — чора-тадбирлар амалга оширилишигача йиллик таннарх ҳажми, сўм;

C_2 — чора-тадбирлар амалга оширилгандан кейинги йиллик таннарх ҳажми, сўм.

3 Капитал қўйилмаларни қоплаш муддати. Капитал қўйилмаларни қоплаш муддатини йилларда қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$T_{қ} = \frac{\Delta K}{\Delta C} = \frac{K_2 - K_1}{C_1 - C_2}. \qquad (2.8)$$

4 Капитал қўйилмаларни иқтисодий самарадорлиги коэффициенти. Хисобланадиган коэффициент $Е_р$, қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$E_p = \frac{\Delta C}{\Delta K} = \frac{1}{T_{қ}}, \qquad (2.9)$$

норматив коэффициент $Е_н$ =0,15 — доимий катталик.

Агарда $E_p \geq E_н$ бўлса, чора-тадбирлар иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Чора-тадбирлар амалга оширилишигача ва оширилгандан кейинги келтирилган харажатларни таққослаш *иқтисодий самарадорликни аниқлашни асосий принципидир ва қуйидаги формула орқали аниқланади:*

$$Э_с = З_1 - З_2 \qquad (2.10)$$

бунда: $Э_с$ — йиллик иқтисодий самара (эффект), сўм;

$З_1$ — чора-тадбирлар амалга оширилишигача келтирилган йиллик харажатлар, сўм;

$З_2$— чора-тадбирлар амалга оширилгандан кейинги келтирилган йиллик харажатлар, сўм.

Келтирилган йиллик харажатлар ҳажми З сумда қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$З = С + E_н K, \qquad (2.11)$$

бунда, $E_н K$ — норматив фойда, яъни ҳар сўм капитал қўйилмалар йилига 15 тийин фойда келтириши керак.

Келтирилган харажатлар қийматларини (2.10) формулага қўйиб, йиллик иқтисодий самара (эффект)ни оламиз:

$$Э_с = (C_1 + E_н K_1) - (C_2 + E_н K_2). \qquad (2.12)$$

Амалда кўпроқ бир мунча ўзгартирилган формула, улушли кўрсаткичлар орқали аниқланади:

$$Э_2 = [(c_1 + \mathcal{E}_н \kappa_1) - (c_2 + \mathcal{E}_н \kappa_2)] \cdot A_2. \qquad (2.13)$$

Бунда, A_2 — маҳсулот (хизмат) турига тегишли ўлчаш бирлигида ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми. «1» сони билан белгиланган индекслар чора-тадбирлар амалга оширилишигача қийматларни, «2» сони билан эса — чора-тадбирлар амалга оширилгандан кейинги қийматларни билдиради.

Солиштирма капитал қўйилмалар қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\kappa = \frac{K_{ОФ}}{A}, \qquad (2.14)$$

бунда, $K_{ОФ}$ — асосий ишлаб чиқариш фондларини ўртача йиллик нархи, сўм.

Улушли капитал қўйилмалар кўп номенклатурали ишлаб чиқаришда қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\kappa = \frac{K_{ОФ}}{C} \cdot c, \qquad (2.15)$$

бунда c — маҳсулотнинг ҳар бир номи бирлигини таннархи, сўм.

Янги техника бўйича чора-талбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш МҲни ишлаб чиқиш билан бирга бир неча йилга чўзилиши мумкин: ИТИ 1-2 йилга чўзилади, кейин ТКИ, ишлар натижаси 1-2 йилда татбиқ этилади. Натижада, харажатлар ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш даврида амалга оширилади. Бунда капитал қўйилмалар ҳажми ҳар йилда ҳар хил бўлади. Йиллик иқтисодий самараси (эффекти), одатда, аниқ бир йил (ҳисоб йили)га ҳисобланади. Ҳисоб йилига турли вақтдаги харажатларни келтириш коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$\alpha_t = (1 + \mathcal{E})^t, \qquad (2.16)$$

бунда: $\mathcal{E}$ — келтириш нормативи 0,1га тенг — доимий катталик;

t — харажатларни белгиловчи йиллар сони

$$t = T_{HT} - n, \qquad (2.17)$$

бунда: T_{HT} — янги техникани яратиш ва ўзлаштиришнинг умумий вақти, йилда;

n — яратиш ва ўзлаштириш йили.

Ҳисоб йилининг бошланишигача харажатлар ва олинган натижаларни α_t га купайтирилади, кейин эса ҳисоб йили бошланишини шу коэффициентга қуйидаги формулалар орқали бўлинади:

$$K_{\Sigma} = \sum K_n \alpha_t \qquad (2.18)$$

ёки

$$K_{\Sigma} = \sum K_n \frac{1}{\alpha_t}, \qquad (2.19)$$

бунда K_{Σ} — вақт омилини ҳисобга олиб янги техникани яратиш ва ўзлаштириш даврига суммар капитал қўйилмалар, сўм;

K_n — n йилнинг капитал қўйилмалари ҳажми, сўм.

$\alpha_t = (1+\varepsilon)^t$ формула орқали ҳисобланган вақт омили буйича келтириш коэффициентлари махсус жадвалда келтирилади. 2.17-жадвалда T_{HT} 1—10 йиллар учун α_tнинг қиймати бир қисми келтирилади:

Стандартлаштириш янги техника яратиш ишларининг бир қисми эканлигини инобатга олиш керак. Шунинг учун стандартлаштириш иқтисодий самараси (эффекти) унинг умумий иқтисодий самарадаги улуши буйича аниқланади.

2.17-жадвал

Келтириш коэффициентлари қиймати

$T_{нт}$	α_t	$\frac{1}{\alpha_t}$	$T_{нт}$	α_t	$\frac{1}{\alpha_t}$
1	1,1000	0,9091	6	1,7716	0,5645
2	1,2100	0,8264	7	1,9487	0,5132
3	1,3310	0,7513	8	2,1436	0,4665
4	1,4641	0,6830	9	2,3579	0,4241
5	1,6105	0,6209	10	2,5937	0,3855

Умумий иқтисодий самарада босқичнинг улушли иштироки коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$D_i = \frac{З_i \cdot R_i}{\sum_{i=1}^{n} З_i \cdot R_i}, \qquad (2.20)$$

бунда, $З_i$ — i чи босқичнинг харажатлари;

R_i — i босқич ишларининг салмоғи коэффициенти;

n — босқичлар сони.

Умумий харажатлар бўйича маълумот бўлмаганда, маош фондини ишлатиш мумкин.

Стандартлаштиришга (бирор босқичга) тўғри келадиган иқтисодий самара (эффект), $Э_{СТ}$ қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Э_{СТ} = D_i Э_{\Sigma}, \qquad (2.21)$$

бунда, $Э_{\Sigma}$ — янги техника бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдан олинган умумий иқтисодий эффект.

Ишлар салмоғи коэффициентлари 2.18-жадвалда келтирилган.

2.18-жадвал

Ишлар салмоғи коэффициентлари

Ишлар номи	R_i
Илмий-тадкикот ва тажриба-конструкторлик ишлари	5
Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чикиш	4
Меъёрий ҳужжатларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар	1

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштиришнинг асосий мақсад ва вазифалари иқтисодиёт ривожининг қандай муҳим масалаларини ечишга йўналтирилган?

2) Стандартлаштиришни самарадорлигининг қандай асосий йўналишларини курсатиш мумкин?

3) Иқтисодий тежашнинг манбалари маҳсулотни ҳаёт цикли-нинг қандай босқичларида бўлиши мумкин?

4) Стандартлаштиришни самарадорлиги қандай формулалари орқали аниқланади?

5) Стандартлаштиришни самарадорлигини аниқлашда қанлай асосий курсаткич кулланилади?

6) Иқтисодий самарадорлик қанлай формула орқали аниқланади?

7) Стандартлаштиришга тўғри келадиган иқтисодий самара қандай формула орқали аниқланади?

7-боб. Стандартлаштиришнинг илмий асослари

7.1.Стандартлаштириш назарияси умумий асослари

Жамиятда истеъмол моллари (курсатилаётган хизматларнинг) номенклатураси ошиб бориши билан уларнинг сифати ва хавфсизлигига булган талаблар ҳам кучайиб бормоқда. Маҳсулотлар (хизматлар) стандартлаштириш объектлари ҳисобланиб, бажарадиган вазифасига кура куплаб хусусиятларга эга ва бошқа объектлар билан ўзаро мураккаб муносабатларда булади. Биргаликда стандартлаштириш объектларининг ўзаро муносабатлари ҳам стандартлаштириш объектлари ҳисобланади.

Объектлар ўзаро муносабатлари мураккаблиги ҳамда аксарият ҳолларда объектларнинг ўзи тизимлардан иборат бўлганлиги учун, стандартлаштириш масалаларини ечишда математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилади[1].

Стандартлаштириш ўзининг ҳар бир ривожланиш босқичида тарихан эришилган ютуқлар ва тўпланган тажрибаларга асосланиб фаолият кўрсатади ва бу тажрибадан зарурятга қараб фойдаланади. Стандартлаштириш назарияси ва методологиясида қуйидаги йўналишларнинг аҳамияти каттадир:

стандартлаштириш муаммоларини ҳал этишда тизимли таҳлил;

стандартлар талабларини оптималлаштириш усуллари;

стандартлаштириш объектлари параметрларини оптималлаштиришда башорат (прогноз қилиш) усуллари;

мақбул сонлар ва ўлчамлар;

стандартлаштириш асосида сифатни бошқариш;

квалиметриянинг илмий асослари;

сифат назоратининг статистик усуллари;
унификация ва агрегатлаш;
комплекс стандартлаштириш;
илгариловчи стандартлаштириш;
тармоқлараро стандартлаштириш.

Стандартлаштириш объекти — (маҳсулотлар, хизматлар, жараёнлар) бу стандартлаштириши лозим бўлган объектдир.

Қуйида мавзуга доир айрим атамаларни келтирамиз:

модел — объектнинг тузилишини белгиловчи ва ишлашини кўрсатувчи қурилма;

моделлаштириш — мавжуд тизимларнинг характеристикаларини аниқлаш ва мақбуллаш, уларнинг тузилмасини такомиллаштириш мақсадларида уларнинг моделларини қуриш ва ўрганиш, шу моделлар асосида объектни ўрганиш фаолияти;

методология — фан соҳаларида қўлланиладиган усуллар мажмуаси;

услубият — бирор-бир операцияни амалга ошириш учун зарур бўлган умуллар мажмуаси;

усул — назарий тадқиқотлар ва амалий фаолиятдаги ҳаракатлар тўплами;

математик модел — математик аппаратлар ёрдамида объектни ўрганиш;

тизимли таҳлил — техник кўринишдаги мураккаб муаммолар бўйича қарорларни тайёрлаш ва асослаш учун ишлатиладиган методологик воситалар мажмуаси;

тизимли ёндашув — тизимли таҳлилнинг кўриниши.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш масалаларини ечишда нима учун математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилади?
2) Стандартлаштириш назарияси ва методологиясида қандай йўналишларнинг аҳамияти каттадир?
3) Модел деганда нимани тушунасиз?
4) Моделлаштириш нимани англатади?
5) Услубият ва усулнинг фарқи нимада?
6) Математик модел нима?
7) Тизимли таҳлил нима?
8) Тизимли ёндашув нимани англатади?

7.2. Стандартлаштириш муаммоларини ҳал этишда тизимли таҳлил

Тизимли таҳлил уч тоифадаги ишларга бўлинади:

— умумий принциплар аниқланади, техник қуринишдаги мураккаб муаммолар буйича асосланган қарорлар тайёрланади. Масалан, илмий-тадқиқотлар натижасида янги тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари яратилди: Хизматлар, аккредитлаш, синашлар, сифат тизимини бошқариш ва бошқалар;

— амалдаги ва яратилаётган тизимларнинг таҳлили ўтказилади, натижаси буйича услубий, меъёрий ва техник ҳужжатлар комплекси ишлаб чиқилади;

— мураккаб комплекслар таҳлили ва оптималлаштирилиши амалга оширилади.

— тизимли таҳлил ўзаро бир-бирига боғланган кўплаб стандартлаштириш объектларидан иборат бўлган тизимларни ўрганиш ва бу тизимларнинг мақсадлари, вазифаларини, ҳаракат йўналишларини аниқлаш мақсадида қўлланилади.

Тизимли таҳлилнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

— тизим мақсадларини аниқлашга йўналтирилганлик;

— тизимнинг барча мавжуд ички ва ташқи алоқалари аниқлаш ва ўрганиш, тизимда мавқеи жиҳатидан энг мақбул қарорни танлаш;

— ечим вариантларини қидириш ва уларнинг ичидан энг яхшисини танлаш;

— самара ва харажатларни таққослаш асосида оптимал қарорларни топиш;

— тизимлардаги жараёнларнинг динамик ҳолатини, уларнинг ишлаши ва ривожланишини ўрганиш;

— тасодифан таъсир этувчи факторларни инобатга олиш.

Тизимли таҳлил қуйидаги стандарт элементлардан иборатдир:

— мақсад;

— белгиланган мақсадларга эришиш йўллари;

— керакли ресурсларни аниқлаш ва уларни тақсимлаш;

— модел;

— критерийлар.

Тизимли таҳлил қуйидаги босқичларда амалга оширилади (2.23-расм):

— вазифани қўйиш (мақсадлар, ҳал этилиши керак ма-



2.23-расм. Стандартлаштириш муаммоларини ечишда тизимли таҳлил босқичлари

салалар, тизим фаолияти шароитларини таҳлили, тизим фаолияти шароитларининг чегараларини аниқлаш);

— тизим структурасини ўрганиш, муаммони ечиш учун керакли маълумотларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

— алоқаларни ўрнатиш;

— масалани ечишни таъминловчи дастурларни ишлаб чиқиш;

— моделни тузиш; таққослаш (идентификация қилиш);

— самарадорликни аниқлаш критерийларини танлаш;

— ечимнинг турли вариантларини таққослаш;

— меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга техник топшириқни ишлаб чиқиш (заруратга кўра);

— қабул қилинган қарорларни (экспериментлар орқали) тасдиқлаш;

— масаланинг оптимал ечимини якуний танлаш;

— қабул қилинган қарорни амалга ошириш (МҲни тасдиқлаш).

Стандартлаштириш объектлари параметрларини оптимал-

лаштириш (СОПО) — барча мумкин бўлган вариантлар ичидан таққослаб баҳолаш орқали энг яхши (оптимал) вариантни танлашдир.

Стандартлаштириш объектлари параметрларини оптималлаштириш (СОПО)да материал ва меҳнат харажатларини инобатга олиб стандартлаштиришнинг иқтисодий, техник ва ижтимоий самараларини оптимал тақсимланиши аниқланади, ҳамда иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, илмий-техник ва ишлаб чиқариш имкониятлари келишилади.

Бунда қуйидагилар аниқланади:

самаранинг оптималлаштирилаётган параметрлардан, стандартнинг жорий этилиш ва амал қилиш вақтидан боғлиқлиги;

барча турдаги харажатларнинг ўзаро боғлиқлиги;

илмий техник тараққиётнинг маълум даражасида илмий-техник имкониятларни инобатга олган ҳолда стандартлаштириш объектларини ишлаб чиқиш ва қўллаш мақсадлари. СОПОда илмий техник башорат, мақбул сонлар ва ўлчамлар қўлланилади.

Назорат саволлари:

1) Тизимли таҳлил неча тоифадаги ишларга бўлинади?

2) Тизимли таҳлилнинг асосий принциплари нималардан иборат?

3) Тизимли таҳлил қандай стандарт элементлардан иборат?

4) Стандартлаштириш муаммоларини ечишда тизимли таҳлилнинг қандай босқичлари мавжуд?

5) Стандартлаштириш объектлари параметрларини оптималлаштириш нимани англатади?

6) Стандартлаштириш объектлари параметрларини оптималлаштиришда нималар аниқланади?

7.3 Стандартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш ва бошқа турдош соҳаларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш қонунчилик ҳужжатларига асосан ваколатлари доирасида давлат ва хўжалик бошқарув идораларига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил

5 августдаги «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 373-сонли қарори билан «Ўзстандарт» агентлигига:

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш борасида халқаро ва давлатлараро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш борасида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича асосий йўналишларни, концепцияларни, истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотини тарқатишни, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш борасида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳалардаги илмий-техник тараққиботини амалга ошириш вазифалари юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 93-сонли қарори билан, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш соҳасидаги Ўзбекистон тадқиқотлар ва мутахассислар тайёрлаш институти (Ўз ТМТИ) ташкил этилган.

Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, унинг замонавий халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек халқаро стандартлардан фойдаланиш асосида мамлакатимизда ишлаб

чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 342-сонли қарори қабул қилинди. Қарор билан Ўз ГМТИ Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти (СМСИТИ)га айлантирилди.

СМСИТИ қуйидаги муаммолар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боради:

— Стандартлаштириш тизими (Ўз СТ) ва Сертификатлаштириш миллий тизимини (Ўз СМТ) такомиллаштириш ва ривожлантириш;

— Ўзбекистон Республикасида метрологик таъминот асосларини улчашлар бирлилигини таъминлашнинг норматив базасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

— техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни гаснифлаш ва кодлаш ягона тизимини тадқиқ қилиш ва ривожлантириш;

— стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида атамалар ва таърифларни ишлаб чиқиш.

СМСИТИ Ўзбекистон Республикасининг Метрологик хизматлар бош маркази, Ўзбекистон Республикасининг Стандарт намуналар бош маркази ва Ўзбекистон Республикасининг Путур етказмасдан текшириш бош маркази функцияларини бажаради.

«Ўзстандарт» агентлигининг СМСИТИ қошидаги Малака ошириш маркази стандартлаштириш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш, метрология ва сифатни бошқариш буйича мутахассисларнинг малакасини оширади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки давр (1992 йилдан бошлаб, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларидаги СМСИТИ томонидан олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари давлат бюджетидан молиялаштириладиган Давлат илмий-техник дастурлари (ДИТД) доирасида амалга оширилиб боради.

Дастлабки олиб борилган тадқиқотлар «Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизимининг методологик асосларини ўрганиш ва уни яратиш» мавзусига бағишланган.

Бу тадқиқотлар бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистонда миллий стандартлаштириш тизимини яратиш мақса-

дида олиб борилган. Миллий тизим мамлакат ҳудудида маҳсулотлар, хизматлар, жараёнларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳит ва мулк хавфсизлигини таъминлаши, маҳаллий маҳсулотларнинг сифатини доимий оширилишини ва уларнинг ташқи бозорда рақобатбардош бўлишини таъминлаши ҳамда халқаро ва давлатлараро тизимлар талабларига уйғунлашган бўлиши керак. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун тадқиқотлар бажаришда қуйидаги вазифалар белгиланди:

— стандартлаштиришнинг умумий асосларини сақлаш;

— стандартлаштириш амалиётида давлатлараро тажрибадан фойдаланишни кенгайтириш;

— мамлакатни халқаро ва давлатлараро стандартлаштиришда иштирокини кучайтириш;

— стандартларда маҳсулотлар, хизматлар, жараёнларга қуйиладиган мажбурий ва тавсиявий талабларни аниқ белгиланишини таъминлаш;

— кенг номенклатурадаги истеъмол молларига ташкилотлар ва корхоналар томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган корхоналар стандартларини жорий этилишини таъминлаш;

— стандартларнинг миллий ва давлатлараро стандартлаштириш бўйича қўмиталар томонидан ишлаб чиқилишини таъминлаш;

— стандартлаштиришни маҳсулот сифатини бошқаришга таъсирини кучайтириш;

— миллий стандартларни халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқиш амалиётини кенгайтириш.

Тадқиқотлар махсули сифатида 1992 йилда Ўз СТнинг дастлабки тўртта стандартлари РСТ Уз 1.0—92 (Уз СТнинг асосий қоидалари), РСТ Уз 1.1—92 (Ўзбекистон давлат стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби), РСТ Уз 1.2—92 (техник шартларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби), РСТ Уз 1.3—92 (корхоналар стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби) ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

«Ўзстандарт» агентлиги ва СМСИТИ мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида» Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 1993 йилда қабул қилинди.

Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимларини халқаро стандартлар талаблари билан мувофиқлаштириш асосида такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида 1997—1999 йилларда СМСИТИ томонидан ДИТД 15.1-«Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш давлат тизимларини такомиллаштириш ва ривожлантириш» дастури амалга оширилиб, бунда илмий-техник адабиётларни ҳамда халқаро ва давлатлараро стандартларни ўрганиш асосида, бозор муносабатлари талабларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришни ривожлантиришнинг 2005 йилгача комплекс башорати ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, тадқиқотлар натижасида ЎзСТ асосий қоидалари ва атамалари ҳамда таърифлари буйича, Ўзбекистон давлат стандартларини, техник шартларни, корхоналар стандартларини, ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби буйича, МҲлар билан таъминлаш тартиби буйича, халқаро, давлатлараро, ҳудудий, миллий стандартларни ва бошқа давлатлар МҲларини қўллаш тартиби буйича давлат стандартлари, комплекс стандартлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш услубий қўлланмаси буйича, техник маслаҳат хизматлари тўғрисида низом буйича, маҳсулотлар каталог варағини тўлғизиш, тақдим этиш, рўйхатдан ўтказиш тартиби буйича раҳбарий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий гизимининг бир неча асос бўлувчи МҲлари ишлаб чиқилган.

2000-2002 йилларда ДИТД 3.6.4.3 — «ХСТнинг савдодаги техник тусиқлар буйича келишуви ва хизматлар савдосидаги техник тўсиқлар буйича бош келишуви талабларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» дастури амалга оширилган. Дастурни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистонда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини жорий этишга йуналтирилган «Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисида» Қонун лойиҳаси, хизматлар тизимининг асосий қоидалари ҳамда атамалари ва таърифлари буйича, маъмурий-ҳудудий стандартларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби буйича давлат стандартлари, «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий идораларининг истеъмолчилар жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатлари буйича раҳбарий ҳужжат ишлаб чиқилган.

1999—2005 йилларда ДИТД доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг конструкторлик ҳужжатлари, техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни сиғфлаш ва кодлаштириш, меҳнат хавфсизлиги стандартлари, маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш, аккредитлаш, маҳсулотларни синаш, сифат ва хизматлар буйича тармоқлараро тизимлар яратилди.

Ўзбекистонда маҳсулотлар, хизматлар, жараёнларга қўйиладиган мажбурий ва тавсиявий талабларни меъёрлаш тизимини халқаро амалиётдаги тизимларга уйғунлаштириш мақсадида, «Ўзстандарт» агентлиги мутахассислари томонидан 1999—2011 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» Қонуни, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини шакллантириш ва Ўзбекистон стандартлаштириш тизимини ўзгартириш Концепцияси ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, 1999—2012 йиллар давомида ўлчашлар бирлилигини таъминлаш, сертификатлаштириш тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, путур етказмайдиган текширув миллий тизими меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солишни назарий, ҳуқуқий, меъёрий, ташкилий асосларини яратиш соҳаларида ДИТД доирасида қуйидаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди:

ДИТД 15.2 — «Ўзбекистон Республикаси ўлчашлар бирлилиги ва метрологик таъминотнинг меъёрий асосларини ишлаб чиқиш» (1997—1999 йй.);

ДИТД 3.6.4.2 — «Путур етказмайдиган текширув миллий тизими меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш» (2000—2002 йй.);

ДИТД 3.6.4.4 — «Халқаро савдо ташкилоти фаолияти тўғрисидаги келишувларга мувофиқ сертификатлаштириш миллий тизимини такомиллаштириш» (2000—2002 йй.);

ДИТД 3.6.4.5 — «Ўлчашлар бирлилигини таъминлаш давлат тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш» (2000—2002 йй.);

ДИТД А-13—011 — «Миллий ўлчашлар ва синашлар тизимларини ҳуқуқий, меъёрий ва услубий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш» (2006-2008 йй.);

ИТД 15—029 — «Ўлчашлар бирлилигини таъминлаш ва синашлар миллий меъёрий асосларини ривожлантириш ва актуаллаштириш» (2009—2011 йй.).

Ҳозирда стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, ўлчашлар бирлилигини таъминлаш, мувофиқликни баҳолаш тизимларининг меъёрий ва ташкилий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Назорат саволлари:

1) Соҳаларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш қонунчиликка кўра қандай идораларга юклатилган?

2) Илмий-техник соҳада «Ўзстандарт» агентлигига қандай вазифалар юклатилган?

3) СМСИТИ қандай муаммолар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боради?

4) СМСИТИга қандай марказлар функцияларини бажариш юклатилган?

5) СМСИТИга тадқиқотлар бажаришда қандай вазифалар белгиланди?

6) Тадқиқотлар махсули сифатида дастлабки қандай ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди?

7.4 Стандартлаштириш объектлари параметрларини мақбуллаштириш

Қурилаётган стандартлаштириш объектлари (маҳсулотлар, хизматлар, жараёнлар)нинг параметрлари (кўрсаткичлари)ни мақбуллаштириш деганда шу объектларнинг узларини белгиланган талабларга мақбуллаштириш деб тушунилади.

Узбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.10:1998да белгиланганига кўра, стандартлаштириш объектларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) — бир турли стандартлаштириш объектлари олдиндан сараланган мажмуининг асосий мақбул параметрларини, шунингдек, бошқа барча сифат ва тежамкорлик кўрсаткичларининг қийматларини топишдан иборат бўлган, маълум соҳада энг мақбул даражали тартиблаштиришга ва мумкин бўлган энг юкори самарадорликка эришишга йўналтирилган фаолият.

Масаланинг моҳиятини очиш учун қуйида бир неча таърифлар ва тушунчаларни келтирамиз:

— **параметр** (кўрсаткич) — (юнонча parametron ўлчовловчи) қурилманинг, тизимнинг бирор-бир асосий хусусиятини ифодаловчи ўлчам;

— **стандартлаштириш объекти параметри** — объектнинг,

жараённинг, ҳодисанинг, тизимнинг, техник қурилманинг бирор-бир (физик, кимёвий, техник, эстетик ва бошқа) хусусияти (масалан, оғирлик, иссиқлик сиғими ва ҳ.к.)ни миқдор жиҳатидан ифодаловчи ҳамда объектга талаблар ва меъёрларни белгиловчи ўлчам;

— **математик модел** — объектнинг ҳақиқий моделини яратиш имконияти бўлмаган ҳолда, уни математик усуллар, тенгламалар ва формулалар ёрдамида ўрганиш.

Стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини назарий усуллар билан мақбуллаштириш одатда икки босқичда олиб борилади:

— мақбуллаштириш учун математик моделни ишлаб чиқиш;

— кўрсаткичларнинг ва уларнинг вақт давомида ўзгаришларини мақбул қийматларини математик модел ёрдамида аниқлаш.

Стандартлаштириш объекти кўрсаткичларини мақбуллаштириш математик модели (СОКММ) объектнинг ҳаёти фаолиятининг барча босқичларини инобатга олиши ва илмий асосланган ҳолда яратилиши керак. СОКММни яратишда ижтимоий, иқтисодий, техник мақсадларни кўзлаган ҳолда, объектнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш имкониятлари билан бирга инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга хавфсизлиги ва бошқа муҳим талаблар инобатга олиниши керак. Математик моделда белгиланган мақсадлар ва объект имкониятларининг чегаранишлари мақбуллаштириладиган кўрсаткичларнинг функцияси ҳисобланади.

Стандартлаштириш объектининг бир неча кўрсаткичларини (масалан, ҳажми, техник талаблари, нархи) ёки ўзаро боғлиқ объектларни кўрсаткичларини биргаликда мақбуллаштириш учун математик моделлар тизимини қуриш керак бўлади.

Стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини мақбуллаштириш давлат, тармоқлараро, тармоқ, ташкилотлар ва корхоналар даражасида олиб борилади ва бу фаолият халқаро стандартларни миллий даражада қўллаш орқали МҲлар илмий-техник даражасини кўтариш, объектнинг амалдаги кўрсаткичларини мақбул кўрсаткичларга яқинлаштириш орқали стандартлаштириш объектининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Мақбуллаштиришни таъминлашнинг муҳим шартлари бўлиб, стандартлаштиришнинг тизимлилиги, комплекслилиги, истиқболлилиги хизмат қилади.

Мақбуллаштириш ишларини амалга ошириш учун:

— стандартлаштириш объектининг асосий кўрсаткичини ўрнатиш;

— стандартлаштириш объектига тегишли ўзаро боғлиқ бошқа кўрсаткичларни ўрнатиш;

— объектни ишлаб чиқариш самарасини ҳисоблаш;

— объектни эксплутация қилиш ёки ундан фойдаланиш самарасини (хомашё, ёқилғи ва бошқа харажатларни инобатга олган ҳолда) ҳисоблаш;

— объектни яратиш, ишлаб чиқариш, эксплутация қилиш харажатларини ҳисоблаш керак.

Умумий ҳолда мақбуллаштириш объектини баҳолаш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилиши мумкин:

— объектнинг техник кўрсаткичларини (масалан, қуввати, айланиш сони, сиғими, аниқлиги ва ҳ.к.) баҳолаш;

— иқтисодий характеристикаларни (қиймати, объектнинг самараси, алоҳида харажатлар ва бошқалар) баҳолаш;

— ижтимоий, эргономик характеристикаларни баҳолаш.

Стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини мақбуллаштириш алгоритми қуйидаги процедураларни ўз ичига олади:

— объектнинг мавжуд кўрсаткичларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва кутилаётган кўрсаткичлари билан солиштириш, бу масалада мақбул қарорни қабул қилиш;

— математик моделнинг тузилиш схемасини яратиш;

— объектнинг танланган мақбуллаштириш критерийси бўйича математик моделини танлаш;

— ҳисоблаш дастурини тузиш ва дастурга киритиш маълумотларининг сон қийматларини ва объектнинг кутилаётган кўрсаткичларининг ҳисоб қийматларини олиш;

— метрологик аттестациядан ўтган ускуна ёки қурилмалардан экспериментал йўл билан дастурга киритиш маълумотларини олиш;

— ҳисоб натижаларини экспериментдан олинган маълумотлар билан солиштириш, заруратга қараб, дастур ва экспериментларни корректировка қилиш;

— таҳлил натижасига кўра объектнинг кўрсаткичларини мақбуллаштиришнинг математик моделини корректировка қилиш ва шакллантириш;

— МҲни шакллантириш ва тасдиқлаш.

Мақбуллаштиришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан математик моделлаштиришнинг услубининг танланиши ва

асосланишига боғлиқдир. Стандартлаштириш объектининг ва мақбуллаштириш талабларининг мураккаблигига (аниқлик, тўлиқлик, замонавийлик, объективлик ва бошқалар) кўра, динамик ёки чизиқли программалаш усуллари, эксперимент ни мақбул режалаштириш усуллари, регрессион тенгламалар ва бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин.

Стандартлаштириш объектини ўрганиш ишлари стандартлар лойиҳалари ишлаб чиқилишидан олдин амалга оширилиши керак. Мақбуллаштириш критерийлари (мақбуллаштириш асосий кўрсаткичи, мақбуллаштиришнинг бошқа турдош кўрсаткичлари, мақсад ва вазифаларни шакллантириш, мақбуллаштиришнинг чегара ва процедураларини ўрнатиш)ни танлаш ва асослаш билан боғлиқ бўлган мақбуллаштириш шароитлари тизимли ёндашувнинг ўзаро боғлиқ, комплекс масалаларини ечиш нуқтаи назаридан ҳал этилиши ва аниқлаштирилиши керак.

Мақбуллаштиришнинг математик моделларининг турларини танлаш ва қўллаш техник ечим ва иқтисодий асослашнинг моҳияти ҳисобланади. Объектга нисбатан белгиланган барча талабларнинг математик моделга тўғри ва етарли аниқликда киритилганлиги мақбуллаштириш жараёнининг самарали бўлишини таъминлайди. Бозор талабларини ўрганиш, мавжуд маълумотларни ҳамда халқаро, ҳудудий, ҳамкор давлатлар миллий стандартларини таҳлили натижалари асосида математик моделлаштиришнинг усули танланади ва стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини мақбуллаштиришни объектив натижаларига эришиш учун шароит яратилади.

Мақбуллаштиришнинг самарадорлигини юқори бўлишини таъминлаш учун математик моделда харажатлар ва олинадиган даромадларнинг ҳисобланишини назарда тутиш, сифат ва самарадорлик критерийларини тўғри танлаш, математик моделнинг тузилмаси ва схемасини асосли танлаш, ресурсларнинг чегараланиши асосли бўлиши, стандартлаштириш объектининг кўрсаткичларини истеъмолчилар талабларига асосан объектив танланишини таъминлаш керак.

Стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини мақбуллаштиришда математик моделлаштиришнинг назарий, назарий-эксперимент ал, тажриба-эксперимент ал усуллари қўлланилади[1].

Мақбуллаштиришнинг назарий усуллари қаторига, мақбуллаштириш кўрсаткичларининг мақбул қийматларини

ҳисоблаш учун барча муҳим факторларни инобатга олувчи ва керакли муносабатларни ёритувчи, мақсадларни шакллантириш ва ресурсларни чегаралаш билан боғлиқ миқдорий усуллар киради. Мақбуллаштиришнинг математик моделини шакллантириш стандартлаштириш объектининг истеъмол хусусиятларидан ва бозор муносабатларидан келиб чиқувчи мақсад ва вазифаларини математик усулларда изоҳлаш орқали амалга оширилади.

Стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини мақбуллаштиришнинг математик моделларининг таркиби ва тузилмаси скаляр ва вектор функциялар кўринишидаги беш гуруҳдаги муносабатлар билан аниқланади:

Кутилаётган самара Э = ($Э_1$,...$Э_i$) нинг мақбуллаштирилаётган кўрсаткичлар P_i (i=1,2,..., u) га, МҲнинг жорий этилиш вақти t_b ҳамда амал қилиш даври T_e га, жорий вақт t га боғлиқлиги:

$$Э_j = f_{эj}(P_1,..., P_u, t_b, T_e, t); \quad j= 1,2, ..., a. \qquad (2.22)$$

Стандартлаштириш объектини тадқиқот қилиш, яратиш, ишлаб чиқиш ва эксплуатация қилиш харажатлари З= ($З_1$,$З_2$,... $З_n$)нинг кўрилаётган кўрсаткичларга боғлиқлиги:

$$З_k = f_{зk}(P_1,..., P_u, t_b, T_e, t); \quad k= 1,2, ..., b. \qquad (2.23)$$

Стандартлаштириш объектини ишлаб чиқариш ва қўллаш мақсади Z = (Z_1,..., Z_c) нинг самаралар, харажатларга боғлиқлиги:

$$Z_l = f_{zl}(Э_1,..., Э_a; З_1,... З_b); \quad l= 1,2, ..., c. \qquad (2.24)$$

Илмий-техник тараққиётнинг маълум даражасида илмий-техник имкониятларни баён этувчи стандартлаштириш объектининг кўрсаткичлари E = (E_1,..., E_d) ўртасидаги боғлиқлиги:

$$E_m = f_{tm}(P_1,..., P_u; t); \quad m= 1,2, ..., d. \qquad (2.25)$$

Ишлаб чиқариш имкониятлари, хомашё, материаллар, ярим фабрикатлар, мутахассислар, молия воситалари билан таъминланганлик, хавфсизлик ва атроф-муҳит ҳимояси талабларини баён этувчи тенгсизлик кўринишидаги чекловлар H= (H_1,...,H_r)

$$H_n \le f_{H_n}(P_1, \ldots, P_a; t); \quad n = 1,2, \ldots, e. \qquad (2.26)$$

Юқорида келтирилган ифоралар асосида мақсадли функцияни қуйидаги куринишда бериш мумкин:

$$M = f_M(Э_1, \ldots, Э_a; З_1, \ldots З_b; t_b, T_c, t). \qquad (2.27)$$

Келтирилган (2.27) ифорадан кутилаётган натижанинг олиниши математик ифораларнинг, мақсад ва вазифаларнинг, сифат критерийларининг тўғри танланганлигига бевосита боғлиқдир.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш объектларининг курсаткичларини мақбуллаштириш деганда нима тушунилади?

2) Стандартлаштириш объекти параметри нимани англатади?

3) Стандартлаштириш объектлари курсаткичларини назарий усуллар билан мақбуллаштириш неча босқичда олиб борилади?

4) Стандартлаштириш объекти курсаткичларини мақбуллаштириш математик модели нима?

5) Стандартлаштириш объекти курсаткичларини мақбуллаштириш математик моделини яратишда нималар инобатга олиниши керак?

6) Мақбуллаштириш ишларини амалга ошириш учун нималарни қилиш керак?

7) Стандартлаштириш объектлари курсаткичларини мақбуллаштириш алгоритми қандай процедураларни ўз ичига олади?

8) Мақбуллаштиришнинг самарадорлиги нимага боғлиқ?

9) Стандартлаштириш объектлари курсаткичларини мақбуллаштиришнинг математик моделларининг таркиби ва тузилмаси қандай муносабатлар билан аниқланади?

7.5 Стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини мақбуллаштиришда башорат (прогноз) қилиш усуллари

Бозор муносабатлари шароитида «талаб ва таклиф» масалаларини бошқаришни такомиллаштириш учун истиқболда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни техник ва иқтисодий жиҳатдан асослаш буйича ишлар олиб борилади. Бу ишлар стандартлаштириш объектининг конструкторлик, технологик ва меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилаётган ва ишлаб

белгиланган вақтда амалга оширилади. Стандартлаштириш объектига белгиланган талабларни мақбуллаштириш учун башорат қилиш орқали унинг истиқболдаги ҳолати ўрганилади.

Стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини мақбуллаштиришда башорат (прогноз) қилиш қабул қилинаётган қарорни мақбуллаштириш мақсадида истиқболдаги ҳолатни аниқлаш учун амалга оширилади. Башорат қилиш кўплаб факторларни тадқиқот қилиш билан боғлиқ бўлган мураккаб илмий-техник масаладир.

Мақбуллаштириш усуллари ёрдамида башорат қилишда, стандартлаштириш объектининг башорат қилинаётган техник ва иқтисодий кўрсаткичларининг аниқлигига, техник ва лойиҳа ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиш даври узунлигига, объектни ишлаб чиқаришга қўйилиш вақтига эътибор қаратиш керак. Шу билан бирга, стандартлаштириш объекти кўрсаткичларининг ва критерийларининг, объектнинг тажриба намуналарини тайёрлаш ва синаш усулларининг тўғри ва асосли танланганига, ўраш ва ёрлиқлаш масалаларининг тўғри ҳал этилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Истиқболли объектларнинг башорати учун ишлатиладиган математик моделларни яратишда кўрсаткичлар ёки функционаллар сифатида самарадорлик, харажатлар, ишлаб чиқариш шароитлари, ресурсларнинг чегараланиши ва шу каби кўрсаткичларни қабул қилиш керак.

Башорат қилиш натижасида объект кўрсаткичларининг белгиланаётган қийматлари башорат усулларининг етарли такомиллашмаганлиги ва ноаниқликларнинг мавжудлиги туфайли нотўғри қабул қийматлардан оғишига олиб келади.

Бозор муносабатлари шароитида «талаб ва таклиф»ни башорат қилиш мақсадида стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини мақбуллаштириш учун математик моделлар ишлаб чиқишдан олдин маркетинг тадқиқотларини олиб бориш керак.

Стандартлаштиришнинг халқаро амалиётини ўрганиш натижасида стандартлаштириш назариясини такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиш мумкин:

— йирик тизимлар назариясининг асос бўлувчи қоидалари ва принципларини миллий стандартлаштириш тизимини ривожлантиришга, комплекс ва илгариловчи стандарт-

лаштириш, тармоқлараро стандартлаштириш тизимлар масалаларини ечишга татбиқ этиш;

— математик-статик ва эҳтимоллик усуллари, ишончлилик назарияси, моделлаштириш ва башорат қилиш усулларининг сифатини бошқариш, маҳсулотни синаш, ўраш, ёрлиқлаш ва ташиш масалаларини ечишда татбиқ этиш;

— иқтисодиётнинг муҳим муаммоларини ечиш билан боғлиқ бўлган, алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, жараёнларнинг стандартлари комплексининг тузилмаларини мақбуллаштириш усулларини яратиш;

— техник-иқтисодий мақбуллаштириш назариясини, маҳсулот сифатини шакллантириш жараёнларини мақбул бошқариш назариясини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

— стандартлаштиришни ривожлантириш йўналишларини аниқлаштиришда техник тараққиёт ва жамият эҳтиёжларини башорат қилиш мақсадлари учун, маркетинг тадқиқотларининг назарий ва фундаментал асосларини татбиқ этиш;

— оммавий хизмат кўрсатиш назарияси ва усулларини, чизиқли ва динамик программалаштириш усулларини қўллаш асосида стандартлар талаблари бажарилиши устидан олиб бориладиган давлат назоратини такомиллаштириш;

— мавжуд тажрибадан ва шаклланган маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда стандартларни ишлаб чиқишни автоматлаштириш;

— стандартлаштириш ва сифатни бошқариш соҳаларида ахборот технологияларини кенг қўллаш ишларини ривожлантириш.

Илмий асосланган ёндашув, тизимли таҳлил элементларини қўллаш ва маркетинг тадқиқотларини олиб бориш башорат қилиш масаларини ечишда муҳим омиллар бўлади.

Назорат саволлари:

1) Стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини мақбуллаштиришда башорат қилиш нимани англатади?

2) Стандартлаштириш объектлари кўрсаткичларини мақбуллаштиришда башорат қилиш нима мақсадда амалга оширилади?

3) Мақбуллаштириш усуллари ёрдамида башорат қилишда нималарга эътибор қаратиш керак?

4) Истиқболли объектларнинг башорати учун ишлатиладиган математик моделларни яратишда нималарни қабул қилиш керак?

5) Стандартлаштириш назариясини такомиллаштиришнинг қандай асосий йўналишларини кўрсатиш мумкин?

6) Башорат қилиш масаларини ечишда тизимли таҳлилнинг ўрни қандай?

7.6 Афзал сонлар ва ўлчамлар

Стандартлаштириш масалаларини ечишда иқтисодиёт тармоқларида ишлатиладиган машиналар, асбоблар ва шу каби буюмларнинг энг рационал турлари, типлари ва тип ўлчамларининг кўрсаткичлари (параметрлари) қаторларини ва ўлчамларини белгиловчи кўрсаткичли (параметрик) стандартларнинг аҳамияти каттадир.

Кўрсаткичлар қаторларини яратиш учун, аввалambor, стандартлаштирилаётган катталиклар (қувват, айланиш частотаси, ишлаб чиқариш ҳажми, юк кўтариш имконияти ва бошқалар) тизимида ягона қонуниятни белгилаб олиш керак.

Афзал сонлар тизими кўрсаткичли (параметрик) стандартлаштиришни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Моҳиятан кўрсаткичли стандартлаштириш объектнинг кўрсаткичлари ва ўлчамларининг қийматларини маълум математик қонуният асосида танлашдан ёки бошқача айтганда, кўрсаткичлар ва ўлчамларнинг маълум математик қонуниятга асосланган қийматларидан фойдаланишдан иборатдир. Бундай ёндашув ўз навбатида, маҳсулотлар кўрсаткичлари ва ўлчамларини тармоқ ва умумиқтисодиёт миқёсида бирхиллаштириш (унификациялаш)га эришиш имкониятини беради.

Бундай қаторлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

— ишлаб чиқариш ва фойдаланиш эҳтиёжларига мос рационал тақсимланиш тизимини ҳосил этиши;

— ҳам кичик, ҳам катта қийматлар йўналишлари бўйича чексиз бўлишлари;

— қаторнинг ихтиёрий сони ва бирлиги ўнкаррали қийматларини ҳам ўз ичига олиши;

— олдин ва эслаб қолишга қулай бўлишлари.

— қаторлар арифметик ёки геометрик прогрессия кўринишида танланиши мумкин.

Арифметик прогрессия — бу сонларнинг кетма-кетлик қатори бўлиб, у қуйидаги қонуниятга бўйсунади:

$$U_n = a + d(n-1). \qquad (2.28)$$

Бунда, $U_1 = a$ — прогрессиянинг биринчи сони

$U_2 = a + d$, $U_3 = a + 2d$ ва ҳ.к.

$d = U_n - U_{n-1} = \text{const}$ — (прогрессия қадами)

U_n ва U_{n-1} — қаторда ёнма-ён турган сонлар қийматлари

$n = 1, 2, 3, 4, \ldots$ — прогрессия сонларининг тартиб рақами.

Арифметик прогрессиянинг (2.28) формуладаги кўриниш графиги 2.24-расмда курсатилган.

Мисоллар:

1 — 2 — 3 — 4 — 5 — ...

10 — 20 — 30 — 40 — ...

Арифметик қаторлар камчиликка эга бўлганлиги, яъни кичик сонларнинг камлиги ҳамда йирик сонларнинг зичлиги (куплиги), туфайли бундай қаторлар стандартлаштиришда кам ишлатилади. Бундай ҳолат катта улчамларининг кичик улчамларга нисбатан кўп ишлатилишига олиб келиши мумкин.



2.24-расм. Арифметик прогрессиянинг графиги

Арифметик қаторларнинг бошқа кўриниши — поғонали арифметик қаторлардан кўпроқ фойдаланилади. Бундай қаторларда сонлар орасидаги фарқ (интервал) бутун қатор учун доимий бўлмай, балки унинг маълум бир қисми учун доимий булади. Бунда қаторнинг кичик сонлари (улчамлари) учун доимий кичик интервал, катта улчамлари учун

эса доимий катта интервал қабул қилинади. Поғонали арифметик қаторлар асосида айрим объектларнинг курсаткичлари учун стандартлар қабул қилинган (масалан, ГОСТ 8724 «1—600 мм диаметрлар учун метрик резьба. Диаметрлар ва қадамлар»).

Стандартлаштиришда кўпроқ геометрик прогрессияга асосланган қулай сонлар қаторларидан фойланилади. Геометрик прогрессияда арифметик прогрессиядан фарқли ўлароқ, сонлар орасидаги нотекис тақсимланиш ҳолати кузатилмайди.

Геометрик прогрессия — бу сонларнинг кетма-кетлик қатори бўлиб, у қуйидаги қонуниятга буйсунади:

$$U_n = a \cdot Q^{n-1}. \qquad (2.29)$$

Бунда:

a — прогрессия биринчи сони

Q — прогрессия асоси

n = 1, 2, 3,... прогрессиянинг тартиб рақами.

Геометрик прогрессиянинг (2.29) формуладаги кўриниш графиги 2.25-расмда кўрсатилган.



2.25-расм. Геометрик прогрессиянинг графиги

Мисол:

1, 2, 4, 8, 16, 32, 64,...

3, 9, 27, 81,...

Геометрик прогрессия қаторларида ихтиёрий сонлар орасидаги фарқ доимий қиймат бўлади. Шу билан бирга, геометрик прогрессия қаторлари қуйидаги афзалликларга эга:

а) икки ита ёнма-ён сонларнинг нисбати доимо узгармаслир

$$\frac{U^{n+1}}{U_n^n} = Q, \qquad (2.30)$$

масалан, 1,2,4,8, ... қатор учун $\frac{2}{1} = \frac{4}{2} = \frac{8}{4} = 2.$

б) прогрессиянинг ихтиёрий икки сонининг купайтмаси доимо қатордаги сонлардан биридир

$$U_n \cdot U_m = U_{n+m} \qquad (2.31)$$

масалан, $1 \cdot 2 = 2,\ 2 \cdot 4 = 8$ ва ҳ.к.

в) прогрессиянинг ихтиёрий сонининг бутун даражаси доимо қатордаги сонлардан биридир

$$2^2 = 4,\ 2^3 = 8,\ 2^4 = 16,\ \sqrt[3]{8} = 2.$$

Геометрик прогрессия афзалликлари билан бир неча камчиликларига ҳам эгадир. Масалан, прогрессия сонларнинг йиғиндиси ёки айирмаси қаторнинг сони эмас (8—2=6, 4+8=12 ва ҳ.к.), асоси 10 бўлмаган геометрик прогрессиянинг сонлари ўнлик тизимда бутун сонлар эмас ва уларни қўллаш учун яхлитлаш керак бўлади.

Стандартларда кўрсаткичлар қаторлари танлашни иқтисодий асослаш учун ўхшаш маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар (материаллар, хомашё ёқилғи материаллари, меҳнат фонди, устама харажатлар, маҳсулот эксплуатацияси)ни ўз ичига олувчи таҳлил ва тадқиқотларни амалга ошириш керак бўлади.

Маҳсулотларни оммавий ишлаб чиқаришда бирхиллаштириш натижасида маҳсулотнинг таннархи камайишига ва ишончлилигида унинг сифати кўтарилишига эришилади.

Кўрсаткичли ва ўлчамли қаторларни танловини иқтисодий асослаш учун қуйидаги икки усулдан фойдаланилади.

Ҳисоблашни маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик дастури таннарх бўйича амалга оширилади;

Ҳисоблашда таннархдан ташқари харажатларни қопланиши муддатини, маҳсулотнинг хизмати муддатини, эксплуатация харажатларини инобатга олиш.

Биринчи усулда ўлчамлар қаторини ташкил этувчи бир типдаги буюмлар таннархи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$c = м + c', \quad C = Bc, \qquad (2.32)$$

бу ерда, c — буюм таннархи,

$м$ — бир дона буюм материалининг қиймати

c' — бир дона буюмни тайёрлаш учун бошқа харажатлар

C — йиллик дастур ҳажмида буюмнинг таннархи,

B — йиллик дастур

Дастур ўзгартирилганда бир дона буюмни тайёрлаш учун бошқа харажатлар $c'_п$ шу буюмни ишлаб чиқариш бўйича олдари белгиланган дастурни мувофиқ бўлган бошқа харажатлар c' қиймати бўйича аниқланади:

$$c'_п = c' \cdot K_{ш}, \qquad (2.33)$$

бу ерда, $K_{ш} = 1/K^{z}_{ф}$ — бошқа харажатларнинг ўзгариш коэффициенти

$K_{ф} = B_ғ / B$ — дастурнинг ўзгариш коэффициенти

$B_ғ$ — ўзгаришдан кейинги йиллик дастур

$z = 0{,}2 \ldots 0{,}3$ — дастур шартларидан аниқланади.

Назорат саволлари:

1) Афзал сонлар ва ўлчамлар нимани англатади?

2) Курсаткичли стандартлаштириш нима?

3) Афзал сонлар қаторлари қандай талабларга жавоб бериши керак?

4) Қаторлар қандай кўринишда бўлиши мумкин?

5) Арифметик прогрессия нима?

6) Геометрик прогрессия нима?

7) Геометрик прогрессия арифметик прогрессия нисбатан қандай афзалликларга эга?

8) Кўрсаткичли ва ўлчамли қаторларни танловини иқтисодий асослаш учун қандай усуллардан фойдаланилади?

7.7 Квалиметриянинг илмий асослари

Квалиметрия (лотинча «qualis» — сифати бўйича қандай, ва юнонча «metreo» — ўлчайман) — сифатни бошқариш ва стандартлаштиришда қабул қилинадиган қарорларни асослаш учун ишлатиладиган сифатни баҳолашнинг миқдорий усулларини бирлаштирувчи илмий соҳа.

Квалиметриянинг ўлчашлар ва баҳолаш тўғрисидаги фан

эканлиги хақида биринчи марта Азгальдов Г.Г., Гличев А.В., Крапивенский З.Н., Кураченко Ю.П., Панов В.П., Федоров М.В., Шпекторов Д.М. томонидан «Стандарты и качество» (Россия) журналининг 1968 йил 1-сонида чоп этилган илмий мақолада баён этилган. 1971 йилда Гличев А.В. [7] Европа сифатни назорат қилиш ташкилотининг XV конференциясида «Сифатни миқдорий усуллар билан баҳолаш — квалиметриянинг вазифаси» мавзусида маъруза қилди. Конференцияда, хусусан, квалиметрия билан метрологиянинг муносабатлари кўриб чиқилди. Квалиметрия маҳсулотнинг физик ва бошқа хусусиятлари (эстетик, иқтисодий, эргономик, ижтимоий, истеъмол ва шу каби) муносабатларининг миқдорий ўлчамини аниқлайди, метрология эса — маҳсулотнинг турли физик хусусиятларининг миқдорий ўлчамини аниқлайди.

Квалиметриянинг амалий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— сифат кўрсаткичларининг сон қийматларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш, уларни ҳисоблаш учун дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш ва ушбу ҳисоблашларни аниқлигига талабларни белгилаш;

— турли маҳсулотларнинг стандартлаштирилишида сифат кўрсаткичларининг мақбул қийматларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

— танлашни асослаш ва маҳсулот сифатини кутаришни ва стандартлаштиришни башорат қилиш ва режалаштиришда маҳсулот сифати кўрсаткичларининг таркибини урнатиш;

— баҳолаш натижаларини таққослашни таъминлаш учун маҳсулот сифати даражасини баҳолашнинг ягона принципларини ва усулларини ишлаб чиқиш;

— маҳсулотларнинг алоҳида хусусиятларини баҳолашнинг ягона принципларини ва усулларини ишлаб чиқиш.

Квалиметрия сифатни таъминлаш соҳасидаги фаолиятда халқаро даражада тан олинган.

Қуйида маҳсулот сифатига ва сифатни миқдорий баҳолашга алоқадор айрим атамалар келтирилади:

— **сифат** — уз характеристикалари мажмуасининг талабларга мувофиқлик даражаси;

— **характеристика** — фарқлантирадиган хусусиятлар;

— **маҳсулотнинг хусусиятлари** — яратилиш ва фойдаланиш жараёнида кўринадиган маҳсулот сифатининг бошланғич характеристикалари;

— **маҳсулот сифати даражаси** — баҳоланилаётган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари қийматларини шу кўрсаткичларнинг базавий қийматлари билан солиштиришга асосланган маҳсулот сифатининг нисбий характеристикаси;

— **маҳсулот техник даражаси** — баҳоланилаётган маҳсулотнинг техник такомиллашганлиги кўрсаткичлари қийматларини шу кўрсаткичларнинг базавий қийматлари билан солиштиришга асосланган маҳсулот сифатининг нисбий характеристикаси;

— **техник такомиллашганлик** — маҳсулотни яратишда техник қарорни истеъмолчи манфаати учун тўғри қабул қилинганлигини аниқловчи маҳсулот хусусияти.

Техник такомиллашганлик кўрсаткичлари маҳсулот тоифасига боғлиқдир. Масалан, машинасозлик маҳсулотлари учун конструкция ва бошқарувнинг оддийлиги, энергосиғим, ишлаб чиқариш унумдорлиги кўрсаткичлари, тикувчилик маҳсулотлари учун эса буёқнинг мустаҳкамлиги ва битта буюмга сарфланадиган матонинг сарфи каби кўрсаткичлар муҳим ҳисобланади.

Маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш **дифференциал, комплекс ва аралаш** усулларда амалга оширилади.

Дифференциал усул — сифат кўрсаткичлари нисбий қийматларини аниқлаш йўли билан маҳсулотнинг кўрсаткичлари бирлик қийматларини шу кўрсаткичларнинг базавий бирлик қийматлари билан солиштиришга асосланган маҳсулот сифат даражасини баҳолаш усули бўлиб, қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$k_i = \frac{Ki}{Kia} \qquad (2.34)$$

ёки

$$k_i = \frac{Kia}{Ki}, \qquad (2.35)$$

бу ерда, k_i — ҳар бир кўрсаткичнинг нисбий қиймати

K_i — баҳоланилаётган маҳсулотнинг і-кўрсаткичининг абсолют қийматини

K_{ia} — аналог маҳсулот кўрсаткичининг базавий қиймати

i — 1, 2,..., n,

n — маҳсулотнинг баҳоланилаётган кўрсаткичлари сони.

Кўрсаткичнинг ошиши маҳсулот техник даражаси (тезлик, ишлаб чиқариш унуми, қувват ва бошқалар)ни оши-

шини билдирган ҳолда нисбий кўрсаткич (2.34) формула ёрдамида аниқланади. Материал ва энергосиғим, зарарли қўшимчалар миқдори ва шу каби кўрсаткичлар қўлланилганда, (2.35) формуладан фойдаланилади.

Ҳисоблашда қуйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин:

1) Кўрсаткичларнинг барча нисбий қийматлари бирдан катта ёки бирга тенг — баҳоланилаётган маҳсулотнинг техник даражаси базавийдан баланд ёки унга тенг;

2) Кўрсаткичларнинг барча нисбий қийматлари бирдан кичик — баҳоланилаётган маҳсулотнинг техник даражаси базавийдан паст;

3) Кўрсаткичларнинг айрим нисбий қийматлари бирдан катта ёки бирга тенг, айримлари бирдан кичик. Бу ҳолда комплекс баҳолаш усули қўлланилади.

Назорат саволлари:

1) Квалиметрия нимани англатади?

2) Квалиметриянинг амалий вазифалари нималардан иборат?

3) Маҳсулот сифатига ва сифатини миқдорий баҳолашга алоқадор қандай атамаларни биласиз?

4) Маҳсулотнинг хусусиятлари нималар?

5) Маҳсулот сифат даражаси нимани англатади?

6) Маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш қандай усулларда амалга оширилади?

7) Дифференциал усулнинг моҳияти нимадан иборат?

8) Сифат кўрсаткичларини ҳисоблашда қандай ҳолатлар бўлиши мумкин?

7.8 Сифат назоратининг статистик усуллари

Статистик назорат — математик статистика усулларини қўллашга асосланган назорат. Инженерлик амалиётида кўп ҳолларда маҳсулотнинг белгиланган кўрсаткичларининг аниқлигининг технологик жараён аниқлигига мувофиқлигини баҳолаш, ўлчашлар аниқлигини баҳолаш ва шу кабиларнинг зарурати пайдо бўлади. Маҳсулот сифатини яхшилаш ва белгиланган кўрсаткичларнинг стабиллигини таъминлаш маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини (материаллар ва хомашёдан бошлаб тайёр маҳсулотгача бўлган) ўз ичига олган статистик назорат усулларини қўллаш билан узвий боғлангандир. МҲлар талабларини

бажарилишини қатъий назорати кўп ҳолларда статистик назорат усуллари ёрдамида таъминланиши мумкин.

Нуқсон (дефект) — маҳсулотнинг алоҳида кўрсаткичининг белгиланган талабларга номувофиқлиги.

Яроқсиз (брак) — нуқсонлари мавжуд бўлганлиги сабабли истеъмолчига бериб бўлмайдиган маҳсулот.

Статистик назоратнинг асосий вазифаси, ишлаб чиқариш жараёнида нуқсонли (дефект) буюмлар сонининг меъёрий ва техник ҳужжатларда белгиланган сонидан ошишининг олдини олиш мақсадида, буюмлар тўпламини яроқсизликка чиқаришдан иборатдир. Кўрсаткичларнинг ҳақиқий қийматлари ва уларнинг хатоликлари гасодифий катталиклар ҳисобланади. Шу боис уларни таҳлил қилиш учун эҳтимоллик назарияси ва математик статистика усуллари қўлланилади. Маҳсулотни тайёрлашнинг аниқлиги кўрсаткичи сифатида одатда яроқсиз (брак) буюмларнинг улуши (бирлик улуш ёки фоиз ҳисобида) кўрилади. Масалан, 1000 дона буюмдан иборат гуруҳда 20 дона яроқсиз буюм бўлсин. Бунда яроқсиз буюмларнинг улуши q қуйидагича аниқланади:

$$q = 20/1000 = 0{,}002 = 2\ \%. \qquad (2.36)$$

Умумий ҳолда яроқсиз буюмларнинг улуши қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$q = D/N \qquad (2.37)$$

ёки

$$q = (D/N)\ 100\ \% \qquad (2.38)$$

бунда, N — гуруҳдаги буюмлар сони
D — гуруҳдаги нуқсонли буюмлар сони

Нуқсонли буюмларнинг улуши буйича турли корхоналардаги бир хил маҳсулотларни тайёрлаш сифатининг стабиллилигини таққослаш мумкин.

Маҳсулот сифати назоратининг статистик усуллари ичида сгтита кенг тарқалган қуйидаги усулларни кўрсатиш мумкин:

1) Парето диаграммаси *(Pareto Diagram);*

2) Исикаванинг сабаб-оқибат диаграммаси *(Cause and Effect Diagram);*

3) Контрол картаси *(Contrat Chait);*

4) Гистограмма *(Histogram);*
5) Тарқоқлик (сочилганлик) диаграммаси *(Scatter Diagram)*
6) Қаватлар тарқоқлиги (стратификацияси) усули *(Stratification)*
7) Назорат варақлари.

Биргаликда бу усуллар сифатни назорати ва таҳлили усулларининг самарали тизимини ташкил этадилар. Еттита усуллар турли кетма-кетликда, турли ҳолатларда қўлланилиши мумкин, уларни ягона тизим сифатида ҳам, таҳлилнинг алоҳида элементи сифатида ҳам қўллаш мумкин. Ҳар бир алоҳида ҳолда усулларнинг таркиби ва ишчи тузилмаси аниқланади. Сифат назоратининг еттита усул Япония фирмалари томонидан кенг қўлланилади.

Қуйида еттита сифатни назорати ва таҳлили усулларининг қисқача таърифини берамиз.

1. 1987 йилда италиялик иқтисодчи В. Парето афзалликларнинг тақсимланишининг нотекислигини кўрсатувчи формулани таклиф этган. Шу ғояни 1907 йилда америкалик иқтисодчи М. Лоренц диаграмма кўринишида кўрсатди. Иккала олим томонидан кўп ҳолларда дароматнинг катта улуши кам сонли одамларга тегишли эканлигини кўрсатдилар. Сифатни бошқариш буйича таниқли америкалик мутахассис Ж. Журан бу ёндашувни сифатни назорати соҳасига татбиқ қилди. Бундай ёндашув сифатга таъсир этувчи омилларни кам сонли муҳим аҳамиятга эга ва кўп сонли кам аҳамиятга эга омилларга ажратиш имкониятини берди. Маълум бўлдики, одатда, нуқсонларнинг кўпчилик сони ва улар билан боғлиқ йўқотишлар нисбатан кам сонли сабаблар туфайли пайдо бўлади. Ж. Журан бу ёндашувни Парето таҳлили деб атади.

Парето диаграммасини қуриш учун дастлабки маълумотлар жадвал кўринишида берилади, унинг биринчи графасида таҳлилий омиллар кўрсатилади, иккинчи графасида — кўрилаётган даврда таҳлил қилинаётган омиллар пайдо бўладиган ҳолларни сонини кўрсатувчи абсолют маълумотлар, учинчи графасида — омилларнинг турлари буйича суммар сони, тўртинчи графасида — уларнинг фоизли нисбати, бешинчи графасида — омиллар аниқланиши ҳолларининг йиғма (кумулятив) фоизи кўрсатилади.

Парето диаграммасини қуришда биринчи графа маълумотлари абцисса ўқига, иккинчи графа маълумотлари ордината ўқига қўйилади, қолганларини ордината ўқига қўйилади. Парето диаграммасининг асосий афзаллиги, у орқали

омилларни муҳим (кўп учрайдиган) ва кам аҳамиятли (кам учрайдиган) омилларга ажратиш мумкин. Парето диаграммаси орқали «80/20 қоидаси» номли қонуниятни кузатиш мумкин: «одатда аниқланган номувофиқликнинг 80% мумкин бўлган сабабларнинг 20% билан боғлиқ».

Парето диаграммаси орқали йўқотишлар қийматини турли объектларга боғлиқлигини яққол кўриш мумкин.

2. Сабаб-оқибат диаграммаси («Исикава диаграммаси») К. Исикава томонидан 1953 йилда таклиф этилган. Диаграмма таҳлил объектига таъсир этувчи омилларнинг график тарзда тасвирланишидир. Исикава диаграммасининг асосий афзаллиги, унда ўрганилаётган объектга таъсир этувчи омилларни аниқ кўрсатилиши билан бирга, шу омилларнинг сабаб-оқибат бўйича алоқалари ҳам кўрсатилади.

Исикава диаграммасини қуришда таҳлил объектини кўрсатувчи марказий горизонтал ўқга, таҳлил объектига таъсир этувчи асосий омиллар белгиловчи асосий бирламчи ўқлар қўйилади. Кейин ҳар бир бирламчи ўқга иккиламчи, ундан эса учинчи ўқлар ва ҳ.к., қачонки аниқ ҳолатда таҳлил объектига сезиларли таъсир этувчи омилларни белгиловчи барча ўқлар диаграммага қўйилмагунга қадар. Схемага қўйилган ҳар бир ўқ жойлашувига кўра, ё сабабни ё оқибатни англатади: олдинги ўқ кейинги ўқга нисбатан доимо сабаб бўлади, кейингиси эса — оқибат сифатида бўлади. Исикава томонидан таклиф этилган «беш М» қоидасига кўра, сабаб омиллари билан боғлиқ бўлган бешта *(materials, machines, methods, measuring, men — материаллар, машиналар, усуллар, ўлчашлар, одамлар)* мумкин бўлган сабаблар ва уларнинг натижалари мавжуддир.

3. Контрол карта усули 1924-йилда У. Шуҳарт томонидан таклиф этилган. У ингичка вертикал ва горизонтал чизиқлардан иборат сетка кўринишидаги бланкада (формулярда) қурилади. Картанинг вертикалида кузатилаётган кўрсаткичнинг (масалан, ўрта арифметик қиймат, медиана ва бошқалар) танланган статистик характеристикасини, горизонтал бўйича эса назорат танлови вақти ёки номери белгиланади. Контроль карта билан ишлаш шундан иборатки, бунда назорат қилинаётган кўрсаткичнинг қийматларини кузатиш натижасида бу кўрсаткичнинг бошқарилиш доирасида эканлиги аниқланади, шу асосда технологик жараён тўғри йўлга қўйилган ёки қўйилмаганлиги бўйича қарор қабул қилинади.

4. Гистограмма устун кўринишидаги график бўлиб, маълум бир вақт даври (хавта, ой, йил)да қайтарилиш частотаси буйича кўрсаткичнинг аниқ қиймати тақсимланишининг аниқ кўрсатиш учун ишлатилади.

Гистограмма қуйидаги кетма-кетликда чизилади:

а) дастлабки маълумотлар жадвали тузилади;

б) таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг ўзгариши баҳоланади;

в) ўзгариш кенглиги аниқланади;

г) бошланғич ҳисоб нуқтасининг биринчи интервали ўрнатилади;

д) интерваллариниг якуний сони танланади.

5. Тарқоқлик диаграммаси бир ўзгарувчи катталик (маҳсулот сифати кўрсаткичи, технологик жараён кўрсаткичи, шу кабилар)ни бошқа катталик билан боғлиқлигини аниқлаш учун қўлланилади.

6. Қаватлар тарқоқлиги **(стратификацияси) усули** маҳсулот характеристикаларини тарқоқлиги сабабларини аниқлаш учун қўлланилади. Усулнинг моҳияти — олинган характеристикаларини турли омилларга (дастлабки материаллар сифати, иш усуллари ва бошқалар) қараб бўлиниши ёки Бунда бирор-бир омилнинг буюм характеристикасига таъсири аниқланади ва шу орқали уларнинг мумкин бўлмаган тарқоқлигини бартараф этишнинг керакли чоралари кўрилади.

7. Контрол варақлар сифат ва миқдор буйича назоратда қўлланилади. Контроль варақ қоғоз бланкдан иборат бўлиб, унда назорат жараёнида олинган назорат кўрсаткичларининг номи ва уларнинг қийматлари кўрсатилади.

Назорат саволлари:

1) Статистик назоратнинг моҳияти нимадан иборат?

2) Нуқсоннинг моҳияти нимадан иборат?

3) Яроқсиз деганда нимани тушунасиз?

4) Статистик назоратнинг асосий вазифаси нимадан иборат?

5) Маҳсулот сифати назоратининг статистик усуллари ичида кенг тарқалган қандай усулларни биласиз?

6) Еттита сифатни назорати ва таҳлили усулларининг қисқача таърифини беринг.

7.9 Бирхиллаштириш ва агрегатлаш

Маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш масаласини ечишга буюмни бирхиллаштириш (унификация) ва стандартлаштиришнинг оптимал даражасини таъминлаш орқасида эришиш мумкин. Бу ўз навбатида, буюмни ишлаб чиқариш ва қайта тиклашда типли технологик жараёнлардан, ускуналар ва асбоблардан фойдаланиш имкониятини беради.

Бирхиллаштириш (унификация, хилма-хилликни бошқариш)[O'z DSt ISO/IEC 2:2007] — бу маҳсулот, жараёнлар ёки хизматларнинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган улчамлари ёки турларининг оптимал сонини танлаш.

Хилма-хилликни бошқариш кўпинча хилма-хилликни цензартириш билан боғлиқ бўлади.

Миллий амалиётда, одатда, «буюмлар, ҳужжатлар ва муомала воситалари (атамалар, белгиланишлар ва бошқалар) нинг техник тавсифномаларини бир хилликка келтириш» сифатида тушуниладиган «бирхиллаштириш» атамасидан фойдаланилади.

Бирхиллаштириш бир хил функционал вазифани бажарувчи объектларнинг камайтирилган ва мувофиқлаштирилган сони (номенклатураси)ни танлаш бўйича илмий-техник усулдир. Бирхиллаштирилган буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва деталлари фойдаланиш **кўрсаткичлари ва улашиш улчамлари бўйича тўлиқ** ўзаро алмашинувчанлик (бир буюм, жараён ёки хизматнинг худди ўша талабларни бажариш мақсадида бошқа буюм, жараён ёки хизмат ўрнига фойдаланиш учун яроқлилиги) ёки бир-бирига мослик (маҳсулот, жараёнлар ёки хизматларнинг белгиланган талабларни бажариш учун берилган шароитларда биргаликдаги, аммо номақбул ўзаро муносабатларни келтириб чиқармайдиган фойдаланишга яроқлилиги) хусусиятига эга бўлишлари керак. Бу билан юқори сифат кўрсаткичларига эга минимал, аммо етарли сондаги турлар, типлар ва типли ўлчамлар ўрнатилади.

Бирхиллаштириш ва стандартлаштиришнинг оптимал даражаси, илмий-тадқиқот ва тажриба-эксперимент ишларини олиб бориш, чизмаларни ишлаб чиқиш, технологик жараёнлар, қурилмалар ва нестандарт ускуналар тайёрлаш, машина, механизмларни ишлатиш, таъмирлаш

харажатларини камайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш, маҳсулот таннархини камайтириш ва ишлаб чиқариш вақтини қисқартириш имкониятини беради.

Бирхиллаштириш натижасида бир хил вазифалаги объектлар қўлланилиш самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлари асосида ўрнатилган белгиси бўйича ягона кўринишга келтирилади ва бу объектлар сони асосли тарзда қисқартирилади.

Бирхиллаштириш стандартлаштиришнинг кенг тарқалган ва самарали усули булиб, у қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

— буюмни яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш муддатларини қисқартириш ҳисобига илмий-техник тараққиёт темпини тезлаштириш;

— буюмнинг юқори сифатини ва уни эҳтиёт қисмларининг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш учун лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш жараёнларида шароитлар яратиш;

— буюмни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;

— мамлакат мудофааси талабларини таъминлаш.

Бирхиллаштириш қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

— бир хил бўлган ёки вазифасига кўра бир-бирига яқин бўлган, янгидан яратилаётган буюмлар гуруҳида илгари лойиҳалаштирилган, ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган бир хил эҳтиёт қисмлар (агрегатлар, деталлар)ни ишлатиш;

— конструкцияси бирхиллаштирилган буюмлар қаторини яратиш;

— янгидан яратилаётган ёки модификациялаштирилаётган буюмларни қўллаш учун бирхиллаштирилган таркибий қисмларни яратиш;

— қўлланишга рухсат этилган буюмлар ва материаллар нинг номлари сонини мақсадга мувофиқ минимум билан чегаралаш.

Бирхиллаштириш қуйидаги қисмларга бўлинади:

— **тармоқлараро** — икки ва ундан кўп корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган бир хил бўлган ёки вазифасига кўра бир-бирига яқин бўлган маҳсулот бўйича;

— **тармоқ** — бир тармоқ доирасида бирхиллаштирилган маҳсулот бўйича;

— **корхона** – бир корхона доирасида бирхиллаштирилган маҳсулот бўйича.

Бирхиллаштиришнинг объектлари қуйидагилардир:

— **деталлар**, агар улар ўзаро боғлиқ бўлса ва бир вазифани бажарса;

— **агрегатлар,** агар улар камфарқ қилувчи ишчи кўрсаткичлари, ташқи ўлчамлари ва эксплуатация кўрсаткичлари (ишлаб чиқариш унуми, қуввати, шу кабилар) билан бир-бирига яқин ишларни бажарса;

— **машиналар,** агар улар бир хил вазифадаги кам сонли агрегатлар ва қисмлардан тузилган бўлса ва моҳияти жиҳатидан бир хил вазифани бажарса, яъни ўхшаш конструктив схемаларга эга ва бунда ишчи кўрсаткичлари, ташқи ўлчамлари ва ишлаш шароитлари бўйича кам фарқ қиладилар.

Технология.

Бирхиллаштиришда қуйидаги таърифлар қўлланилади:

— ***буюмларни бирхиллаштириш*** — кўринишларининг мақбул сонини урнатиш асосида буюмларни ягона кўринишга келтириш;

— ***бирхиллаштириш даражаси*** — маҳсулотни бирхиллаштирилган таркибий қисмлар билан тўлдириш;

маҳсулотлар маълум гуруҳининг бирхиллаштирилган таркибий қисми — маълум гуруҳ ёки мажмуага тегишли икки ёки ундан кўп маҳсулотларнинг бир-бирини алмаштирувчи таркибий қисмлари;

стандартлаштириш даражаси — маҳсулотни стандарт таркибий қисмлар билан тулғизилганлиги.

Стандарт таркибий қисм деганда, конструкторлик ҳужжатлари спецификациясида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга тегишли давлат ва ташкилот стандартига ҳаволалар бўлган ҳолатдаги буюмлар тушунилади.

Маҳсулотлар ёки уларнинг таркибий қисмларининг бирхиллаштирилиш ва стандартлаштириш даражаси **қўлланилиш коэффициенти** $K_{қўл}$, **қайтарилиш коэффициенти** $K_{қай}$, **ўзаро бирхиллаштириш коэффициенти** $K_{ўз.б}$ ёрдамида аниқланади.

Қўлланилиш коэффициенти $K_{қўл}$ маҳсулотни таркибий қисмлари типли ўлчамлари сонини таркибий қисмларнинг типли ўлчамларининг умумий сонига нисбати сифатида (фоиз ҳисобида) аниқланади ва яратилаётган маҳсулотда таркибий қисмларнинг конструктив ўхшашлик даражасини билдиради:

$$K_{қўл} = \frac{n - no}{n} 100\ \% \qquad (2.39)$$

бу ерда, n — маҳсулотни таркибий қисмлари типли ўлчамлари умумий сони.

n_o — маҳсулотда таркибий қисмлари оригинал (шу маҳсулот учун биринчи марта ишлаб чиқилган) типли ўлчамлари сони.

Қўлланилиш коэффициенти $K_{қўл}$ типли ўлчамлар сони орқали ҳам, таркибий қисмлар сони, қиймати, массаси ва меҳнат сарфи бўйича ҳам ҳисобланиши мумкин.

Қайтарилиш коэффициенти $K_{қай}$ маҳсулотни қайтариладиган таркибий қисмларининг таркибий қисмларининг умумий сонига нисбати (фоиз ҳисобида) аниқланади ва маҳсулот ичида бирхиллаштириш даражасини ҳамда маҳсулот ичида таркибий қисмларининг ўзаро алмашувчанлигини билдиради:

$$K_{қай} = \frac{N - n}{N - 1} 100\ \% \qquad (2.40)$$

бу ерда, N — маҳсулотни таркибий қисмларининг умумий сони.

Ўзаро бирхиллаштириш коэффициенти $K_{ўзб}$ маҳсулотни бирхиллаштириш ҳисобига қисқартирилган таркибий қисмлар типли ўлчамлари сонининг биргаликда тайёрланаётган ва эксплуатация қилинаётган маҳсулотлар гуруҳи таркибий қисмларининг типли ўлчамларини максимал даражада қисқартирилган сонига нисбати (фоиз ҳисобида) билан ҳисобланади:

$$K_{ўзб} = \frac{\sum_{i=1}^{H} ni - Q}{\sum_{i=1}^{H} ni - nmax} 100\ \% \qquad (2.41)$$

бу ерда, H — кўрилаётган объектлар (маҳсулотлар) умумий сони

n_i — i — объект (маҳсулот)нинг таркибий қисмлар типли ўлчамлари сони

n_{max} — битта объект (маҳсулот)нинг таркибий қисмлар типли ўлчамлари максимал сони

$Q = \sum_{j=1}^{m} qj$ — кўрилаётган H объектлар (маҳсулотлар) таркибий қисмлар типли ўлчамлари умумий сони

q_j — j номли таркибий қисмнинг типли ўлчамлари сони

m — қурилаётган объектлар (маҳсулотлар) таркибий қисмлари типли ўлчамлари умумий сони.

Агар ишлаб чиқариш техник-иқтисодий курсаткичлари сифатида улуцли капитал харажатлар олинса, унда бирхиллаштирилиш ва стандартлаштириш мақбул даражаси 67% булади, агар бирхиллаштирилиш ва стандартлаштириш даражаси ва самарадорлик олинса, унда мақбул даража 65% булади. Бу даража максимал иқтисодни беради.

Агрегатлаш — машиналар, ускуналар, асбоблар ва бошқа буюмларни бирхиллаштирилган, кўп марта қўлланиладиган, маҳсулотда турли сонда ва турли комбинацияда ўрнатиладиган стандарт агрегатлар (автоном қисмлар) дан яратиш принципидир.

Маҳсулотни конструктив тугалланган агрегатларга булиб тапланиши машиналарни яратишнинг янги, агрегатлаш усулини ривожлантириш учун асос булган. Машиналар конструкцияларининг таҳлили, ундаги кўплаб агрегатлар, таркибий қисмларнинг ўрнатилиши ҳар хил булишига қарамай, турли машиналарда вазифаларни бир хил ва бир-бирига яқин қийматларда амалга ошираётганлигини курсатди.

Бирхиллаштириш ва агрегатлашни жорий этиш, асосланмаган оригинал ва қиммат турувчи машиналар, ускуналар ва асбобларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришдан, уларни текширилган оптимал бирхиллаштирилган (стандарт) агрегатлар асосида яратишга ўтиш имконини беради.

Бунда оптимал фойдаланиш курсаткичларига, маҳсулотни сифатли тайёрлашга эришилади, илгари фойдаланилган ва иш жараёнида текширилган агрегатлардан фойдаланиш хисобига маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш муддатлари қисқаради. Натижада маҳсулотни ўзлаштириш харажатлари қисқаради.

Назорат саволлари:

1) Бирхиллаштириш нимани англатади?
2) Бирхиллаштириш қандай имкониятларни беради?
3) Бирхиллаштириш қандай мақсадларда амалга оширилади?
4) Бирхиллаштириш қандай асосий йуналишларда олиб борилади?
5) Бирхиллаштириш қандай қисмларга булинади?
6) Бирхиллаштиришнинг объектлари нималар?
7) Бирхиллаштириш даражаси нима?

$$K_{қўл} = \frac{n - n_o}{n} 100\ \% \qquad (2.39)$$

бу ерда, n — маҳсулотни таркибий қисмлари типли ўлчамлари умумий сони.

n_o — маҳсулотда таркибий қисмлари оригинал (шу маҳсулот учун биринчи марта ишлаб чиқилган) типли ўлчамлари сони.

Қўлланилиш коэффициенти $K_{қўл}$ типли ўлчамлар сони орқали ҳам, таркибий қисмлар сони, қиймати, массаси ва меҳнат сарфи буйича ҳам ҳисобланиши мумкин.

Қайтарилиш коэффициенти $K_{қай}$ маҳсулотни қайтариладиган таркибий қисмларининг таркибий қисмларининг умумий сонига нисбати (фоиз ҳисобида) аниқланади ва маҳсулот ичида бирхиллаштириш даражасини ҳамда маҳсулот ичида таркибий қисмларининг ўзаро алмашувчанлигини билдиради:

$$K_{қай} = \frac{N - n}{N - 1} 100\ \% \qquad (2.40)$$

бу ерда, N — маҳсулотни таркибий қисмларининг умумий сони.

Ўзаро бирхиллаштириш коэффициенти $K_{ўз}$ маҳсулотни бирхиллаштириш ҳисобига қисқартирилган таркибий қисмлар типли ўлчамлари сонининг биргаликда тайёрланаётган ва эксплуатация қилинаётган маҳсулотлар гуруҳи таркибий қисмларининг типли ўлчамларини максимал даражада қисқартирилган сонига нисбати (фоиз ҳисобида) билан ҳисобланади:

$$K_{ўзб} = \frac{\sum_{i=1}^{H} ni - Q}{\sum_{i=1}^{H} ni - nmax} 100\ \% \qquad (2.41)$$

бу ерда, H — кўрилаётган объектлар (маҳсулотлар) умумий сони

n_i — i — объект (маҳсулот)нинг таркибий қисмлар типли ўлчамлари сони

n_{max} — битта объект (маҳсулот)нинг таркибий қисмлар типли ўлчамлари максимал сони

$Q = \sum_{j=1}^{m} qj$ — кўрилаётган H объектлар (маҳсулотлар) таркибий қисмлар типли ўлчамлари умумий сони

q_j — j номли таркибий қисмнинг типли ўлчамлари сони

m — қурилаётган объектлар (маҳсулотлар) таркибий қисмлари типли ўлчамлари умумий сони.

Агар ишлаб чиқариш техник-иқтисодий курсаткичлари сифатида улушли капитал харажатлар олинса, унда бирхиллаштирилиш ва стандартлаштириш мақбул даражаси 67% бўлади, агар бирхиллаштирилиш ва стандартлаштириш даражаси ва самарадорлик олинса, унда мақбул даража 65% бўлади. Бу даража максимал иктисодни беради.

Агрегатлаш — машиналар, ускуналар, асбоблар ва бошқа буюмларни бирхиллаштирилган, кўп марта қўлланиладиган, маҳсулотда турли сонда ва турли комбинацияда ўрнатиладиган стандарт агрегатлар (автоном қисмлар) дан яратиш принципидир.

Маҳсулотни конструктив тугалланган агрегатларга бўлиб ташланиши машиналарни яратишнинг янги, агрегатлаш усулини ривожлантириш учун асос бўлган. Машиналар конструкцияларининг таҳлили, ундаги кўплаб агрегатлар, таркибий қисмларнинг ўрнатилиши ҳар хил бўлишига қарамай, турли машиналарда вазифаларни бир хил ва бир-бирига яқин қийматларда амалга ошираётганлигини кўрсатди.

Бирхиллаштириш ва агрегатлашни жорий этиш, асосланмаган оригинал ва қиммат турувчи машиналар, ускуналар ва асбобларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришдан, уларни текширилган оптимал бирхиллаштирилган (стандарт) агрегатлар асосида яратишга ўтиш имконини беради.

Бунда оптимал фойдаланиш курсаткичларига, маҳсулотни сифатли тайёрлашга эришилади, илгари фойдаланилган ва иш жараёнида текширилган агрегатлардан фойдаланиш хисобига маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш муддатлари қисқаради. Натижада маҳсулотни ўзлаштириш харажатлари қисқаради.

Назорат саволлари:

1) Бирхиллаштириш нимани англатади?
2) Бирхиллаштириш қандай имкониятларни беради?
3) Бирхиллаштириш қандай мақсадларда амалга оширилади?
4) Бирхиллаштириш қандай асосий йўналишларда олиб борилади?
5) Бирхиллаштириш қандай қисмларга бўлинади?
6) Бирхиллаштиришнинг объектлари нималар?
7) Бирхиллаштириш даражаси нима?

8) Маҳсулотлар бирхиллаштирилиш даражаси қандай коэффициентлар ёрдамида аниқланади?

9) Агрегатлаш нимани англатади?

10) Бирхиллаштириш ва агрегатлашни жорий этиш қандай имкониятни беради?

7.10 Моделлаштириш усуллари

Илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши янги маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлар турларини яратишни жадаллаштиришга омил буладиган физик, математик, имитацион ва бошқа моделларни яратиш ва жорий этиш имконини беради.

Моделлаштириш — реал фаолият кўрсатаётган стандартлаштириш объектларининг характеристикаларини белгилаш, аниқлаш ва мақбуллаштириш мақсадида моделларни қуриш ва ўрганиш орқали объектни ўрганиш (тадқиқот қилиш).

Моделлаштириш асосий турларга қуйидаги белгилари бўйича синфланади:

— характери бўйича моделлаштирилаётган объектлар;

— жорий этилаётган соҳага кўра;

— моделларнинг батафсиллик даражасига кўра;

— моделлаштириш воситаларига кўра ва бошқалар.

Материал ва ғоявий моделлаштириш усуллари маълумдир.

Материал моделлаштиришда стандартлаштириш объектларининг тадқиқоти моделларнинг ўрганилаётган кўрсаткичлар реал (материал) кўринишда бўлганда амалга оширилади.

Моделлаштиришнинг мақсади ва тадқиқотнинг объектига боғлиқ ҳолда, моделлаштиришнинг қуйидаги усулларини кўриш мумкин:

— **физик моделлаштириш** — жараёнлар динамикасини ўрганиш ва тиклаш учун моделлар тузиш орқали тадқиқот объектининг физик моҳиятидаги ўхшашликни, жараёнлардаги умумийликни моделларда кўрсатиш;

— **фазовий** (макетли, геометрик) моделлаштириш — стандартлаштириш объектларининг фазовий хусусиятларини кўрсатиш ва яратиш мақсадида амалга оширилади, бунда тадқиқотлар орқали объектнинг типли ўлчамлари мақбул кўрсаткичлари ўрнатилади;

— **аналогли моделлаштириш** — турли физик моҳиятга эга объектларни математик аналоглар ёрдамида ёритиш (масалан, механик харакатлар (тебранишлар)ни электрик тизим-

лар дифференциал тенгламалари ёрдамида ўрганиш ва тадқиқот қилиш.

Қайд этилган моделлаштириш усулларидан кўриниб турибдики, аниқ стандартлаштириш объекти билан боғлиқ материал моделлаштириш, техник, иқтисодий ва бошқа ресурслар чегараланган ҳолда, маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларнинг сифатини таъминловчи энг мақбул курсаткичларни белгилаш имкониятини берувчи эксперимент усул ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1) Моделлаштириш нимани англатади?
2) Моделлаштириш асосий турларга қандай белгилари бўйича синфланади?
3) Қандай моделлаштириш усуллари маълум?
4) Физик моделлаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?
5) Фазовий моделлаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?
6) Аналогли моделлаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?

8-боб. Стандартлаштириш асосида сифатни бошқариш

8.1 Сифатни бошқариш тизимларининг ривожланиш босқичлари

Сифатни бошқариш тизимларининг жорий этилиш ва қўлланилиш тарихини узоқ ўтмишдан келтириш мумкин. Бироқ ҳужжатлаштирилган ва амалиётда кенг қўлланилган, моҳияти ва қўлланилиш самараси ҳозирда маълум бўлган тизимларни яқин ўтмиш, ўтган асрнинг бошидан излаш керак бўлади.

Америкалик таниқли мутахассис, Америка сифатни бошқариш бўйича жамияти президенти Ж. Ҳаррингтон [9] сифат бўйича мутахассислар ва уларнинг иқтисодиёт тараққиётига қўшган хиссаларини шундай баҳолаган: «Американинг 40-йиллари қаҳрамони сифатида ҳарбийларни кўрсатиш мумкин, 60-йилларда барча учун космонавт бўлиш ғурур ҳисобланган, 80-йилларнинг қаҳрамони деб сифат соҳасидаги мутахассисларни айтиш мумкин, чунки уларнинг Америка келажагига қўшган ҳиссаси, бошқа буюк шахслар ҳиссасидан кўпроқ бўлиши мумкин».



2.26-расм. Сифатни таъминлаш усуллари эволюцияси

XX асрнинг бошидан бошлаб сифат назорати самарали тизимини яратиш устида кўплаб мутахассислар ва олимлар талқиқотлар олиб борганлар. Шу даврни сифатни доимий ва самарали назоратини олиб бориш тизимлари яратилишининг босқичлари сифатида қайд этиш мумкин (2.26-расм).

XX асрнинг бошида сифатнинг назорати бевосита маҳсулотнинг сифати кўрсаткичларининг назоратини амалга ошириш орқали амалга оширилган.

Истеъмолдаги маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлигига биринчи навбатда ишлаб чиқарувчи жавобгардир. Ишлаб чиқарувчи турли даврларда ўз масъулиятига турлича ёндашган. Бозорда рақобатнинг кучайиши ва техник тараққиет натижасида ишлаб чиқарувчининг сифатни таъминлашга масъулияти ошиши билан бирга, маҳсулот эгаси томонидан эълон қилинган сифат кўрсаткичларининг назоратини амалга ошириш имконияти ҳам ошиб борган.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг кенгайиши, бир турдаги маҳсулотларнинг кўплаб (катта ҳажмда) ишлаб чиқарилиши, катта ҳажмдаги гуруҳларда яроқсиз маҳсулотларнинг миқдори ортишига олиб келган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ичида яроқсиз маҳсулотларнинг бўлиши, ишлаб чиқариш харажатларининг ва таннархнинг ортишига, айниқса бундай буюмларнинг савдога чиқарилиши истеъмолчининг ишлаб чиқарувчига ишончининг йўқолишига олиб келади. Бундай ҳолатни олдини олиш учун, ишлаб чиқарувчи томонидан ҳар бир маҳсулотнинг ёки гуруҳдан бир нечта маҳсулотни танлаб олиш орқали назоратни ўтказиш тартиби (тизими) йўлга қўйилиши керак бўлади. Айнан шундай ёндашув билан оммавий тарзда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати назоратининг дастлабки босқичи амалиётга киритилди.

Маҳсулот сифатининг назорати тизимини амалиётга киритишда америкалик автомобилсозлар Генри Мартин Леланд («Кадиллак» фирмаси асосчиси) ва Генри Форд («Форд» фирмаси асосчиси) катта хисса қўшганлар. Г. Леланд автомобиль ишлаб чиқаришда «ўтадиган» (яроқли) ва «ўтмайдиган» (яроқсиз) тушунчасини қўллаган. 1908 йилнинг март ойида Британия автомотоклуби эксперглари тасодифий тарзда Англияга экспорт қилинган «Кадиллак» автомобилларидан 3 тасини танлаб олиб, уларни мутлақ сочиб ташладилар. Барча деталларни бир жойга тўплаб, уларнинг айримларини алоҳида келтирилган эҳтиёт қисмлар тўпламидан тасодифий танлов асосида олинган деталлар билан алмаштирганлар. Кейин оддий ускуналар билан қуролланган механиклар машиналарни қайтадан йиғиб, махсус автодромда синовдан ўтказдилар. Синов натижасига кўра «Кадиллак» фирмаси автомобилларининг тулиқ яроклилиги тасдиқлангандан сўнг, Британия автомото-клуби «Кадиллак» фирмасига диплом ва «Стандартлаштириш учун» ёзуви билан кумуш кубок тақдим этдилар. Шу воқеадан кейин «Кадиллак» фирмасининг герби туширилган тахтачада «Standart of the world» — дунё стандарти мавзусидаги ёзув пайдо бўлган.

Форд ўз корхонасидаги йиғув цехида дастлабки кириш назорати ўрнига, ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмларнинг чиқиш (қабул қилиш) назоратини йўлга қўйган. Бу билан йиғувга фақат сифатли (яроқли) маҳсулотларни келиши таъминланган ва бу жараённи назорат қилиб бориш махсус ташкил этилган, ишлаб чиқариш бўлинмаларидан холис бўлган техник назорат бўлими томонидан амалга оширилган.

Бу йўналишда Г.Форднинг ҳамкори, америкалик олим ва муҳандис Ф.У. Тейлор тадқиқотлар олиб борган. Айнан Ф.У. Тейлор ва Г. Форд ҳамкорлигидаги фаолият натижасида «Форд—Тейлор ишлаб чиқариш тизими» номини олган машиналар ёрдамида ишлаб чиқаришни ташкил этиш концепцияси яратилди.

Ф.У. Тейлор ташкилотда сифатли ва самарали ишни ташкил этиш, меҳнатни илмий асосда меъёрлаш ғоясига, хизматчилар ва бошқарувчилар ўртасида масъулиятни тақсимланиши ғоясига асосланган тизимли ёндашувни ўз ичига олган илмий бошқарув концепциясини таклиф этди. У ташкилотни бошқаришнинг поғонали тузилмасининг асосий тамойилларини ишлаб чиқган.

Ф.У. Тейлор ва Г. Форд томонидан жорий этилган ишлаб

чиқаришни бошқариш тизими утган асрнинг 70-йилларигача амалиётда қўлланилган.

Ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатининг назорати тизимининг асосий ғояси қуйидагидан иборат бўлган: «Истеъмолчи фақат яроқли (стандарт) маҳсулотни харид қилиши керак. Асосий хатти-ҳаракат истеъмолчига яроқсиз маҳсулот етиб боришини олдини олишга қаратилиши керак». Бу ғоянинг амалиётга жорий этилиши натижасида 20-йилларга келиб, юқори технологиядаги соҳаларда назоратчиларнинг сони ишлаб чиқариш хизматчиларига нисбатан 40% га қадар кўтарилди.

XX асрнинг 20-йилларидан маҳсулот сифатининг назорати тизимидан сифатни бошқариш тизимига ўтиш жараёни бошланди. Бу йўналишда дастлаб тадқиқот олиб борган мутахассислар каторига АҚШлаги фирманинг ходими доктор Уолтер Шуҳартни киритиш мумкин.

Сифатни бошқариш босқичи доктор У.Шуҳартнинг назорат карталарига асосланган статистик усулидан бошланган. Шуҳартнинг статистик усули бўйича, асосий масала яроқсиз маҳсулотни истеъмолга чиқишдан олдин аниқлаш ва ажратиб олишдан иборат эмас, балки технологик жараёндан яроқли маҳсулотларни чиқишини кўпайтиришдан иборатдир.

Сифатни бошқариш амалиётининг муҳим ютуқларидан бири сифат бўйича аудиторлик хизматларининг яратилишидир. Агар техник назорат бўлимлари яроқсиз маҳсулотларни қидириш билан шуғулланган бўлса, аудиторлик хизматлари маҳсулотлар гуруҳидаги кичик гуруҳларни назорат қилиш орқали, ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш тизимининг ишга лаёқатлигини текширади.

Сифатни бошқариш босқичида сифатни таъминлаш концепцияси қуйидаги ғояга асосланган: «Асосий мақсад — истеъмолчи фақат яроқли, стандартларга мос маҳсулотни олиши керак. Яроқсиз маҳсулотларни ажратиш сифатни таъминлашнинг муҳим усулларидан бири бўлиб қолади. Бироқ асосий эътибор яроқли маҳсулотни чиқарилиш фоизини кўтаришни таъминлаш учун ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришга қаратилиши керак».

Сифатни таъминлаш концепциясини амалиётга жорий этилиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини қатта ҳажмдаги юқори сифатли маҳсулотлар ҳисобига кўтариш имконини яратди. Бундай ёндашув ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнининг яроқли маҳсулотни чиқарилишига таъсир этишини,

умумий технологик жараённи эса корхона фаолиятининг, меҳнатни ташкил этишнинг, бошқаришнинг мажмуаси сифатида кўриш кераклини кўрсатди.

XX асрнинг 50-йилларида сифат менежменти тизимини жорий этиш жараёни бошланди. Бу жараённи бошланишини америкалик олим доктор Эдвардс Демингнинг 1950 йилда Япония саноатчилари олдида чиқиши билан боғлиқлиги қайд этилади. Доктор Э. Деминг япон корхоналарининг кўплаб бошқарувчилари билан учрашди ва 12 та маърузалар билан чиқди. Сифат менежменти тизими ғоясини илгари сурган олимлар Деминг, Журан и Каори Ишикава бўлиб, бу ғоянинг илгари сурилиши Японияни дунёда энг ривожланган мамлакатлар қаторига киришига сабаб бўлди.

Сифат менежменти тизимининг ривожланишига Филипп Кросби, Арманд Фейгенбаум, Валтер Мессинг катта ҳисса қўшганлар.

Филипп Кросби (Crosby, Philip B.) 1964 йилда «Дефектлар 0» дастурини таклиф этган, узоқ йиллар Америка сифатни бошқариш жамияти (ASQS) президенти бўлган. Ҳозирда Philip Crosby Associates. Inc. консалтинг фирмаси раҳбари сифатида кўплаб корхоналарга маслаҳат хизматини кўрсатади.

Каори Ишикава (Ishikawa, Kaori) «сифат доираси»ни ўйлаб топган, «сабаб-оқибат» диаграммаси (Ишикава диаграммаси)ни таклиф этган, корхонанинг барча аъзолари иштирок этишини назарда тутувчи сифатни бошқариш концепциясини ишлаб чиққан. 50-йилларнинг бошидан Япония иқтисодини тиклаш дастурида фаол иштирок этган. «Тойота» фирмасида жорий этилган ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги концепциясини ишлаб чиқувчилардан бўлган.

Арманд Фейгенбаум (Feigenbaum Armand V.) сифатни умумий бошқариш ва параллел (бир вақтдаги) инжинирнинг принципларини ишлаб чиққан. У кўп йил General Electric фирмасида ишлаган, ҳозирда сифат менежменти соҳасида дунёдаги кўплаб йирик компанияларга маслаҳат хизмати кўрсатувчи шахсий General Systems Company, Ltd фирмасининг раҳбари ҳисобланади.

Жозеф Журан (Juran, Joseph M.) «сифат триадаси» принципини ишлаб чиққан, сифат соҳасида дунёдаги етакчи маслаҳатчилардан ҳисобланади.

Валтер Месинг (Masing Walter) корхона сифатни бошқариш тизимининг асосий ҳужжати бўлган «сифат бўйича маълумотнома»ни таклиф этган.



2.27-расм. Бошқариш тизимларининг ривожланиши

Айнан сифат менежментини жорий этиш босқичида ташкилотнинг ҳозирги замонавий қиёфаси яратилди. Бошқаришнинг янги кўриниши жорий этилиши натижасида сифатни ошириш билан бир вақтда ишлаб чиқариш харажатларини оширишга эришилди. Дунёнинг турли мамлакатларининг истеъмолчилари кам харажат билан сифатли маҳсулотни харид қилиш имкониятига эга бўлдилар.

XX асрнинг 60-йилларида сифатни режалаштириш босқичи амалиётга жорий этила бошланди. Бу босқич сифат менежменти тизимини ривожлантириш билан, истеъмолчилар қониқишини янада тўлиқ қондиришга қаратилган.

Сифатни режалаштириш босқичи қуйидаги ғояларга асосланади:

— яроқсиз маҳсулотлар асосан, маҳсулотни яратиш даврида дойиҳа ишларида етарли сифат бўлмаганлиги сабабли келиб чиқади;

— маҳсулотни яратиш буйича ишларда бевосита маҳсулотнинг тажриба намунасини синашдан маҳсулот хусусиятларини ва ишлаб чиқариш жараёнларини математик моделлаштиришга ўтиш ва бу орқали конструкторлик ва технологик яроқсизликни ишлаб чиқариш жараёнигача аниқлаш ва бартараф этиш;

— «яроқсизлик 0» концепцияси ўрнини «истеъмолчининг қониқиши» концепциясини қабул қилиш;

— доимий пасайиб борувчи паст нарх ҳисобига юқори сифатга эришиш.

Сифатни режалаштиришнинг асосий ғояси Генити Тагути, доктор Мицуно асарларида, ҳамда «Тойота» ва «Мицубиси» компанияларининг илмий ишланмаларида берилган. Г. Тагути сифатни йўқотиш функциясини таклиф этган, саноат экспериментларини режалаштириш услубини ишлаб чиққан.

Ҳозирда истеъмолчи томонидан янги талаб, маҳсулот билан бирга ишлаб чиқариш жараёни ҳам атроф-муҳит (экология) учун хавфсиз бўлиши керак талаби қўйилмоқда. Сифатни назорат қилиш тизимларининг жорий этилиш ва қўлланилиш тарихини польшалик олим профессор К.Лисецки томонидан келтирилган [1,2] графикда кўриш мумкин. Ушбу графикда асосан АҚШ, Европа давлатлари ва Японияда қўлланилган тизимлар берилган бўлиб, утган асрда МДҲ давлатлари ҳудудида қўлланилган ва жорий этилган сифатни бошқариш тизимлари ҳақида маълумот берилмаган. Келтирилган 8.1 расмда муаллиф томонидан К.Лисец-

ки графигининг кенгайтирилган куриниши берилган. Бунда, дастлабки сифатни бошқариш тизими сифатида 1903 йилда Ф.Тейлор ва К.Адамски томонидан эълон қилинган «Бошқаришнинг илмий асослари»дан бошланиб, ҳозирги даврда кенг қўлланилаётган ИСО стандартларига асосланган тизимлар келтирилган.

Назорат саволлари:

1) Сифатни бошқариш тизимларининг жорий этилиш ва қўлланилиш тарихидан нималарни биласиз?

2) Америкалик мутахассис Ж. Харрингтон сифат бўйича мутахассисларга қандай баҳо берган?

3) Сифатни таъминлаш усуллари эволюцияси қандай босқичлардан иборат?

4) Маҳсулот сифатининг назорати тизимини амалиётга киритишда америкалик автомобилсоз Генри Форднинг қандай ҳиссаси бор?

5) Маҳсулот сифатининг назорати тизимини амалиётга киритишда Ф. У. Тейлорнинг қандай ҳиссаси бор?

6) Маҳсулот сифатининг назорати амалиётга киритишда доктор У.Шуҳартнинг қандай ҳиссаси бор?

7) Каори Ишикава маҳсулот сифатининг назорати бўйича қандай тизимни таклиф этган?

8) Маҳсулот сифатининг назорати масаласида Жозеф Жураннинг қандай ҳиссаси бор?

9) Маҳсулот сифатининг назорати масаласида қандай тизимларни биласиз?

10) Сифатни режалаштириш қандай ғояларга асосланади?

8.2. Маҳсулот сифатининг назорати

Америкалик мухандис Фредерик Уинслоу Тейлор (1856—1915) илмий бошқариш мактабининг асосчиси бўлиб, у меҳнатни ва бошқарувни ташкил этиш тизимини таклиф этди. Тейлор номи билан аталадиган тизим, меҳнатдан интенсив фойдаланиш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган усуллар ва тадбирлар мажмуасини ташкил этади. Ф.Тейлор ўз тизимининг мақсади тадбиркорлар учун максимал фойда олишни таъминлашга қаратилганини эълон қилиб, раф этган. Тизим муаллифи замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш қаратилган, моҳиятан прогрессив бир неча ғоялар ва тартибларни таклиф этади.

Дастлаб Ф.Тейлор уз тизимини «топшириқлар воситасида бошқариш» деб атаган. «Илмий бошқариш» тушунчасини биринчи булиб Луис Брандвайс 1910 йилда таклиф этган.

Ф.Тейлор бошқаришни, ижтимоий фаолиятнинг барча турларига қўлланилиши мумкин булган бир қатор принциплардан иборат алоҳида функция деб ҳисоблаган.

Ф.Тейлорнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1. Меҳнат фаолиятининг ҳар бир турини илмий ўрганиш;
2. Ишчи ва менежерларни илмий критерийлар асосида танлаш, машқ қилдириш ва ўқитиш;
3. Маъмуриятни ишчилар билан ҳамкорлиги;
4. Мажбуриятларни тенг ва ҳаққоний тақсимланиши.

Тейлорнинг таъкидлашича, иш талабларини қаноатлантириш хусусиятига эга одамларни танлаш, кейин уларни янги йўналишда ишлаш учун тайёрлаш ва ўқитиш раҳбарият мажбуриятига киради. Хизматчиларнинг тайёрлаш иш самарадорлигини оширишнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Тейлорнинг фикрича, меҳнатни ихтисослаштириши ҳам раҳбарлик, ҳам ижрочилик даражасида бирдек муҳимдир. Ихтисослаштиришни режа булимидаги ҳар томонлама тайёрланган ва шу йўналишдаги ишларни бажариш имкониятига эга мутахассислар бажариши керак.

Ф.Тейлор хақ тўлашнинг дифференциал тизимини яратиш ва унга кўра ишчилар ишлари маҳсулига қараб хақ олишлари керак. Бу билан у иш хақининг ишбай тизимига алоҳида эътибор қаратган: белгилаган кундалик меъёрни бажараётган ишчилар меъёрни бажармаётган ишчига нисбатан кўпроқ иш хақи олиши керак. Ишчиларнинг асосий иш омили булиб, иш самарадорлигини ошириш ҳисобига кўпроқ иш хақи олиш имконияти булиши керак.

Ф.Тейлор дифференциал хақ тўлашнинг ролини қуйидагича кўрган:

1. Иш хақининг ишбай миқдори дифференциал тарзда белгилиниши ҳисобига ишчиларнинг иш самарадорлиги ошиши керак.
2. Тейлор гояси ни қўлланилиши меҳнат самарадорлигини сезиларли ошишини таъминлайди.

Тейлорнинг асосий ғояси — бошқарув маълум илмий нималарга асосланган тизимга айланиши ва махсус ишлаб чиқилган усуллар ва чора-тадбирларга асосан амалга оширилиши керак. Бунда нафақат ишлаб чиқариш техникасини мукаммаллаш ва стандартлаштириш керак, балки меҳнат ва уни

ташкил этиш, бошқариш ҳамда меъёрлаш ва стандартлаштириш керак. Тейлор уз ғоясида «инсон омили»га алоҳида эътибор қаратган.

Ф.Тейлор инсонни ишлаб чиқариш омили, ишчини эса корхона мақсадларига эришиш учун ёзилган «илмий асосланган кўрсатмалар»ни бажарувчи механик ижрочи сифатида кўради.

Ф.Тейлор тизими XX асрнинг биринчи ярмида техник жиҳатдан ривожланган давлатларда кенг доирада қўлланилган. Тизимда меҳнатни ташкил этишга замонавий ёндашув белгиланган булса-да, айрим тадқиқотчилар уни «чегараланганлиги», «инсон омили инобатга олинмаганлиги» учун танқид қилишган. Бошқарувни ташкил этиш муаммоларини ечишга муҳандислик нуқтаи назаридан ёндашувга «тор», «бир томонлама» деб эътироз билдирилган.

XX асрнинг 30-чи йилларида америкалик социолог Элтон Мэйо «ишлаб чиқариш муносабатлари социологияси» соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган. У 1933 йилда «индустриал цивилизацияда инсоний муносабатлар» китобини чоп этди ва унда меҳнат унумдорлигига эришиш учун тегишли руҳий муҳит ва ишчиларнинг яхши кайфияти булиши кераклигини қайд этди.

Ф.Тейлорнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасидаги ишини америкалик муҳандис ва саноатчи тадбиркор Генри Форд (1863—1947) давом эттирди. Г.Форд АҚШ автомобиль саноатининг асосчиларидан булиб, «фордизм» деб аталган ишлаб чиқаришда оммавий поток тизимини ташкил этишни жорий қилган. У ишлаб чиқаришда йиғиш линияларини қўллаб, юқори самарали оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Форд жорий этган меҳнат усулига кўра, ҳар бир ишчи йиғув конвейерда юқори малакани талаб этмайдиган битта оддий операцияни бажарган.

Г.Форд томонидан машинасозликда жорий этилган стандартлаштириш, бирхиллаштириш, типлаш, ўзаро алмашувчанлик меҳнат унумдорлигини юқори даражада кўтарилишига, меҳнат интенсивлигини кучайиши ҳисобига машиналар таннархининг сезиларли пасайишига олиб келди. У «аниқ ўз вақтида» тизимига хос доимий ҳаракатланувчи захиралар тизимини амалиётга киритди.

Г.Форд ижтимоий-меҳнат муносабатларига алоҳида аҳамият берган. Масалан, унинг фикрига кўра, маъмуриятнинг вазифаси барча бўлимларнинг битта умумий мақсад йўли

ишлаб ишлашини ташкил этишдан иборат, бир бўлим ишчиларининг ишидан хабардор бўлиши шарт эмас. Иш жараёнида ишчиларнинг ўзаро мулоқотига йўл қўйилмаслиги керак. Шу билан бирга, Г.Форд ишчилар тақдирига бефарқ бўлмаган. АҚШ саноатида биринчи бўлиб, энг катта ишчи хақини, $5лик хақни жорий этди. Бу ишчиларнинг сифатли ва унумли ишлашига омил бўлди. Ишчилар учун саккиз соатлик иш кунини жорий қилди.

Форд саноат ўз генералларига эга бўлиши керак деганди. У Тейлор каби ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишда кенг доирадаги илмий билимлардан катта масштабда фойдаланишнинг фаол тарафдори эди. АҚШда Форд гомогендан ўз корхоналари қошида биринчилар қаторида касбий ўқув юртларини ташкил этди. Форд жамиятга хизмат қилишни ўзининг вазифаси деб билган ва корхона маҳсулотни истеъмол учун ишлаб чиқиши керак, даромад кўриш кейинги ўринда бўлиши керак деган ғояни илгари сурган.

Форд менежмент ривожланишига катта ҳисса қўшди. У ишчиларни юқори даражада ихтисослаштиришга, технологик жараён операцияларни максимал даражада майдалашишга, бажарилаётган операцияларни кетма-кетлигига энг мувофиқ тарзда технологик ускуналарнинг ва ишчи ўринларининг жойлашишига асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимини яратди.

Форд философиясининг асосий талаблари: ҳар бир ишчига меҳнатига яраша юқори хақни тўлаш ва у ҳафтасига тўлиқ 40 соат ишлаши керак, барча машиналарнинг яхши ҳолати таъминланиши керак, одамларни ўзини ва атрофдагиларни ҳурмат қилишга ўргатиш керак.

Форд тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборатлир.

— стандарт маҳсулотларни конвейерда оммавий ишлаб чиқариш;

— ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги ва характерланувчанлиги;

— иш темпини юқори бўлиши;

— потокли ишлаб чиқариш асосида янги технология;

— аниқлик маҳсулот стандарти ва сифати;

— техник-технологик тизимларнинг аниқловчи роли;

— тизимнинг иқтисодий самараси;

— инсонга, унинг бўш томонларига боғланиб қолмаслик.

Форд ташкилий ва техник тараққиёт тимсоли бўлиб, у

оммавий истеъмол ва ижтимоий кафолатлар жамиятини ташкилотчиларидан ҳисобланади.

Макс Вебер (Max Weber, 1884—1920) — бюрократия назарияси асосчиси, гуманитар-ижтимоий йўналишда тадқиқотлар олиб борган немис олимидир[9]. Вебер биринчи бўлиб арзон ва оммавий маҳсулот олишнинг мақбул усули бўлган ташкилотга эътиборни қаратди. Ташкилот — ижтимоий гуруҳ кўриниши бўлиб, унга аъзо инсонларнинг ҳаракати ҳам ижтимоий кўринишга эгалир.

Макс Вебер ижтимоий ҳаракат турларига оид концепциялардан энг мукаммал ва асослиларидан бирини яратди.

Ташкилотни бошқаришда «ҳукмронлик» принципига асосланган тизимда Вебер тўғри маънода «бюрократия» тушунчасини қўллади. Унинг фикрича, бундай тизим бошқаришнинг энг самарали ташкилий кўриниши бўлиб, бунда ҳар бир иштирокчи (ишчи) ўз ўрнига эга ва юқори даражадаги аниқлик, тезкорлик ва минимал йўқотишлар билан фаолият кўрсатади. Вебер «идеал бюрократия»нинг бир қатор характеристикаларини таърифлади ва ташкилот доирасидаги муносабатларда мавжуд бўлган «рационал бюрократия» принципларига асос солди.

М.Вебер бюрократия назарияси тегишли ғояларини ўзининг «Хўжалик ва жамият» китобида келтирган.

Қуйида бюрократия тизимига тегишли айрим таърифларни келтирамиз:

Бюрократия (французча Bureaucracy — девонхона (канцелярия) + юнонча Kratos — ҳокимият) (М.Вебер таъбирига кўра) — идеал рационал ташкилотнинг тури;

Бюрократизм (Bureaucratism) — ҳокимият ва имтиёзларга эга амалдорлардан иборат махсус аппарат орқали бошқариш;

Бюрократлаштириш (Bureaucratization) — бошқарув аппаратининг жамият эҳтиёжларидан ажралиш жараёни;

Бюрократик аппарат (Bureaucratic apparatus) (М.Вебер таъбирига кўра) — мансабларни ихтисослаштирилиши ва поғоналаштирилишига, бажарилаётган вазифаларни шахсиятдан ажралганлигига, ҳаракатларни қоидалар асосида бошқарилишига асосланиб фаолият кўрсатувчи бюрократик ташкилот персонали;

Бюрократик раҳбар (Bureacratic leader) — шахсий хусусиятларига эмас, бюрократик поғонада эгаллаган лавозимига кўра мавқеи белгиланган раҳбар;

Бюрократия назарияси (Theories of bureaucracy) — бюрократик ташкилотнинг вазифалари ва ички тузилмасини таҳлил қилувчи, бюрократик жараёнларни жамият ички муҳитига хос бўлган «рационаллик» нуқтаи назаридан кўришга асосланган концепциялар мажмуаси.

М.Вебер маъмурий бошқарувнинг «идеал кўриниши» бўлган бюрократия тизимини яратди. Бюрократик бошқарувнинг самараси унинг юқори даражада ташкил этилганлиги ва рационаллигида, камчилиги эса ўзгариб борувчи ташқи муҳитга секин мослашишидир.

М.Вебернинг фикрича, бюрократик бошқарувни қуйидаги кўрсаткичлар билан характерлаш мумкин:

а) самарадорлик, ташкилот аъзолари ўртасида аниқ мажбуриятларнинг тақсимланиши, бу эса раҳбар лавозимларда юқори малакадаги мухассислардан фойдаланиш имкониятини беради;

б) ҳукмронликнинг қатъий юқоридан пастга тақсимланиши, бу эса юқори поғонадаги мансабдорларни ўзига тобе ходимлар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш имконини беради;

в) расман белгиланган ва қатъий ўрнатилган қоидалар тизимининг мавжудлиги, бу эса бошқарувда ягона талабларни ва хусусий ҳолларда қисқа муддатларда умумий кўрсатмаларни қўлланилишини таъминлайди;

г) маъмурий фаолиятнинг шахсиятга ва муносабатларнинг руҳий ҳолатга боғланмаганлиги, бу эса ташкилот аъзоларининг алоҳида шахс сифатида эмас, балки ягона тизимда фаолият кўрсатувчи мансабдорларнинг ўзаро муносабати сифатида муносабатларини таъминлайди.

М.Вебер бюрократиянинг самарасини эътироф этиш билан бирга, унинг шахсийликни сўндиришга олиб келишидан хавотир қилган.

Сифатни назорати бўйича дастлабки тадқиқотлар XX асрнинг 20-йилларида АҚШнинг саноат корхоналарида олиб борилган. «Белл телефон» компаниясининг лабораторияси ходими Уолтер Шуҳарт 1923 йилда барча нарсалар ўзгарувчанлик (вариабеллик) хусусиятига эга эканлигига эътибор қаратди. Унинг тадқиқотларига кўра, ҳар бир тизимнинг ўзгарувчанлиги ҳар хил бўлиши мумкин. Ўзгарувчанлик (вариабеллик) хусусиятига кўра, тизимларни ўзгарувчанлигига қараб бир-биридан фарқлаш мумкин. Э.Деминг тизим тўғрисида шундай таъриф келтирган: «тизим бу умумий

мақсадга ишловчи алоҳида элементлар, компонентлар, қуйи тизимлар мажмуасидан иборатдир».

У.Шуҳарт 1931 йилда сифат назоратининг иқтисодий аспектларини ёритувчи «Саноат маҳсулотларнини сифатининг иқтисодий назорати» китобини чоп этган.

Ўзгарувчанликни моҳиятини кўрсатиш учун, У. Шуҳарт график қуришни: горизонтал ўқда вақтни белгилаш, вертикал ўқда эса шу тобда долзарб бўлган (ўрганилаётган) кўрсаткични белгилашни таклиф этди.

У.Шуҳарт 1929 йилда назорат карталарини яратди ва уни жараённи барқарор ҳолатдан чиқиш вақтларини аниқлаш учун, келиб чиқиши мумкин бўлган нобарқарорликни аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Назорат карталарининг учта муҳим афзалликлари бор:

ҳисоб учун оддийлиги — махсус шундай ишлаб чиқарилганки, олий маълумотсиз ишчилар томонидан қўлланилиши мумкинлиги;

кўриб туриш мумкинлиги;

жараён нобарқарор ҳолатга ўтганда, аниқ критерийларга эгалиги, осон алгоритмлаштирилиши ва автоматик тарзда ҳисобланиши.

Назорат саволлари:

1) Америкалик муҳандис Ф.У. Тейлор қандай тизимни таклиф этган?

2) Ф.Тейлорнинг асосий принциплари нималардан иборат?

3) Ф.Тейлор дифференциал хақ тўлашнинг ролини қандай кўрган?

4) Г.Форд ишлаб чиқаришда қандай тизимни жорий қилган?

5) Форд тизимининг асосий пинциплари нималардан иборат?

6) Макс Вебер қандай концепцияни яратди?

7) Бюрократия назариясининг моҳияти нимадан иборат?

8) М.Вебернинг фикрича бюрократик бошқарувни қандай курсаткичлар билан характерлаш мумкин?

9) У.Шуҳарт сифат назоратининг қандай тизимини таклиф этган?

10) Назорат карталари нима ва уларнинг қандай муҳим афзалликлари бор?

8.1. Сифат менежменти тизимининг жорий этилиши

XX асрнинг 50-йилларидан маҳсулот сифатини таъминлашда сифатни бошқариш (менежменти) босқичи бошланган [91]. Бу босқичнинг асосчиларидан бири америкалик олим профессор Эдвардс Деминг эди. Э.Деминг ҳамюрти Ж.М.Журан билан бирга Япония иқтисодини тиклаш дастурини ишлаб чиқади. Дастурда «маҳсулот сифатининг асоси — меҳнат сифати ва барча даражаларда сифатли менежмент, яъни ишлаб чиқариш шундай ташкил этиш керакки, бунда ҳар бир хизматчи ўз ишидан баҳра олиши керак.» Дастурга кўра, фақат ишлаб чиқариш жараёнларинигина эмас, балки бутун ишини такомиллаштириш керак. Бунда корхонанинг юқори раҳбарияти сифат муаммоларини ечиш, барча босқичдаги хизматчиларни сифатни таъминлашнинг асосий тамойилларига ўқитиш, ходимларни юқори сифатли меҳнатга ҳаракат этишда бевосита қатнашиши керак.

Деминг Уильям Эдвардс (Deming William Edwards, 1900—1993) — сифатни мутлақ бошқариш (TQM)нинг асосчиси, бу концепциянинг энг таниқли ва обрўли тарафдорларидан. У ташкилот фаолияти кўрсаткичларини яхшилаш учун статистик усулларни қўллаш тўғрисидаги ғояни яратди.

Э.Деминг 1970 7йилларда «ўн турт банд» ғоясини баён этди. Унда қуйидаги фикрлар билдирилган:

1. Мақсаднинг доимийлигини таъминлаш — маҳсулотни ва хизмат кўрсатишни яхшилаш керак.

2. Янги философияни эгаллаш — янги иқтисодий давр учун менежерлар томонидан ўз масъулиятларини тушуниб етишлари ва ўзгаришлар йўлида ўзларига йўлбошчиликни олишлари керак.

3. Сифатни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган текширувлардан воз кечиш; сифатни маҳсулотнинг ажралмас хусусиятига айлантириш орқали, оммавий назоратдан воз кечиш керак.

4. Кераксиз нархларни ўрнатиш орқали корхонани моддий рағбатлантириш амалиётини тўхтатиш. Бунинг ўрнига сифатий харажатларни камайтиришга ва ишлаб чиқаришга сифатли буюмларни аниқ таъминотчилардан олинишига интилиш керак.

5. Сифатни яхшилаш. иш унумини кутариш ва харажатларни камайтириш учун ҳар бир жараённи яхшилаш керак.

6. Хизматчиларни малакавий ўқитишни ташкил этиш керак.

7. Йўлбошчилик (лидерлик) зарурияти тўғрисидаги тушунчани жорий этиш.

8. Қўрқувни йўқотиш, барча (ходимлар) корхона учун самарали ишлаши керак.

9. Бўлинмалар ўртасидаги тўсиқлар (деворлар)ни бузиш, тадқиқотлар олиб бориш, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари ўзаро боғлиқликда бўлиши керак ва шу орқали келажакдаги муаммоларни бартараф этиш керак.

10. Шиорлар, даъватлар ва назорат сонларидан воз кечиш.

11а. Цех даражасидаги меъёрлардан воз кечиш керак.

11б. Мақсадлар буйича бошқариш усулларидан воз кечиш керак.

12а. Ишчиларнинг ўз маҳорати билан ғурурланишига тўсқинлик қилувчи тўсиқларни бартараф этиш керак.

12б. Менеджерларнинг ва инженерларнинг ўз маҳорати билан ғурурланишига тўсқинлик қилувчи тўсиқларни бартараф этиш керак.

13. Ўқиш ва ўз маҳоратини оширишни қўллаб-қувватлаш керак.

14. Корхонанинг барча ходимларини ўзгартириш жараёнига жалб этиш керак.

Деминг фикрича, 14 принципларни амалга оширишда менежментнинг ўз ишига. жиддий ёндашаётганлигини ва инвесторларни ҳимоя қилиш ва иш жойларини сақлаш мақсадида эканлигини билдиради. Бу принципларни ҳам катта, ҳам кичик ҳамда турли соҳа корхоналарига татбиқ қилиш мумкин.

Э.Деминг ўз чиқишларида, олиб борган тадқиқотларида қуйидаги ғояни илгари сурган:

«Истеъмолчи ўзи ҳохлаган нарсани ва ҳохлаган қўринишда олиши керак. Корхона фақат истеъмолчи кутганини эмас, балки у кутганидан кўпроғини таклиф этиши, уни ўз таклифи билан хайрон қолдириши керак. Агар сизнинг истеъмолчингиз ҳайратда бўлмаса, демак сиз ҳали сифатга эришмагансиз».

Э.Деминг ўз ғоясида барча ходимларнинг ақлий қобилиятидан тўлиқ фойдаланиш ва корхонанинг ичида ва унинг ташқарисида ҳамкорликни таъминлаш асосида барча жараёнларни мақбуллаштириш учун шароитларни яратиш керак.

...ни илгари сурган. Бу ғоянинг асосий моҳияти корхо-...да ягона команда атрофида ишни ташкил этишдан ибо-...дир.

...Деминг ўз ғоялари ва таклифларини 1982 йилда чоп ...ган «Out of Crisis» (инқироздан ташқарида) китобида ...ган. У менежментга катта масъулият билан қараган, ...ча даражада унинг муҳимлигини эътироф этган. Америка ...ментини 80-йилларда ўзгартириш зарурлигини қайд ...қуйидаги фикрни билдирган:

«Менежментнинг келажакга режалаштиришни эплай ол-...лиги ва муаммоларни кўра билмаганлиги, меҳнатни ...ишига, материаллар ва машина вақтининг йўқолиши-...булар эса ишлаб чиқариш харажатларини ошишига ...истеъмолчи тулайдиган хақни ошишига олиб келди. Ис-...молчи ҳамма вақт ҳам бу харажатларни кутаришга тайёр ... Оқибатда эса бозорнинг йўқотилишига эришилади».

Бу масалани ҳал этиш учун менежмент қуйидагиларни ...га ошириши керак:

«Ҳар ким ўз имкониятига қараб ҳаракат қилиши керак, ...ни жавоб эмас. Олдин одамлар нима қилишлари керак-...ини билишлари керак. Чуқур ўзгаришлар керак бўлади. ...ришларда биринчи қадам — қандай ўзгариш қилишга ...шидир. Янгиликни ва янги ғояни билишга мойиллик, ...ларга ҳаракат қилаётган ҳар бир менежердан талаб ... Масалага енгил қаровчи ва тез натижани кутувчи ...ларни ёмон натижа кутади».

...Деминг фикрича:

«Катта ва кичик муаммоларни ечиш билан Америка саноа-...ни инқирозини тўхтатиб бўлмайди, компьютерларни, ...мосламаларни ва робот-техникасини қўллашни кен-...ириш ҳам ёрдам бермайди. Янги саноат ускуналарининг ...ий қўлланилишининг афзаллиги ҳам умидни оқла-... Ходимларни зудлик билан статистика усулларига ...ш ҳам, сифат тўгарагига аъзоларининг барчасини ...ан «ақлли» бўлиб қолиши ҳам саволга жавоб бўлмайди. ...ларнинг бари самара бериши мумкин, «касални» умри-...ишини мумкин. Улар инқирозни тўхтата олмайди. Фа-...менежментнинг ўзгариши ва ҳукуматни саноат билан ...ворлиги инқирозни тўхтатади».

...Деминг кўплаб компанияларда учрайдиган қуйидаги ...ликларни келтиради:

...ий мақсадларнинг йўқлиги;

бир зумлик фойданинг кетидан қувиш;
персонални аттестация қилиш тизими;
бошқарувчи ходимларни асоссиз алмаштирилиши;
компания фаолиятини баҳолаш учун фақат миқдорий критерийларни ишлатиш.

Э. Деминг 14 принципларни оширгандан кейин қилинадиган қуйидаги етти қаламдан иборат ҳаракатлар режасини таклиф этган:

1) раҳбарият барча 14 принципларга асосланиб, қайд этилган камчиликларга ва тўсиқларга қарши курашади, тузатишларни ва режалар йўналишларини келишади;

2) раҳбарият руҳини кўтариб, янги йўналишда ҳаракатга ўзини тайёрлайди;

3) раҳбарият ходимларга ўзгаришлар нима учун керак лигини тушунтиради;

4) компаниянинг ҳамма фаолияти босқичларга бўлинади, бунда ҳар бир кейинги босқич олдингисининг буюртмачиси бўлиши керак. Иш усулларининг доимий яхшиланиши ҳар бир босқичда амалга оширилади ва ҳар бир босқич сифат йўналишида ишлаши керак;

5) сифатни доимий яхшилашга ишлайдиган ташкилий тузилмани тезроқ қуриш керак. Ҳар бир босқичда яхшилашга ёрдам берувчи процедура сифатида Шуҳартнинг «Режалаштир — бажар — текшир — ҳаракат қил» (PLAN — PDCA) циклини қўллаш;

6) ҳар бир ходим ишнинг ҳар бир босқичида такомиллаштиришда қатнашиши мумкин;

7) сифат тизими қурилади.

Э. Демингнинг муҳим ютуқлари қаторига, тизимлар, ўзгарувчанлик (вариабеллик), психология ва ўрганиш назариясини ўз ичига олган «чуқур билимлар» назариясини киритиш мумкин. Чуқур билимлар барча жараёнларда ўзгарувчанликни, одамларни қобилиятини ва хулқ-атворини, хусусан, натижаларга эришишга, ишда тан олинишга интилишини инобатга олувчи сифат менежментига тизимли ёндашувни кўрсатади. Билимлар назариясининг тўхтовсиз яхшилаш концепциясини тушунишда аҳамияти каттадир. Янги билимлар янги ечимларни топиш имкониятини кенгайтиради, сифатни мақбул даражаси тўғрисидаги тушунчасини доимий ўзгартириб туради ва уни истеъмолчилар манфаати тарафига йўналтиради.

Э. Деминг иқтисодий муаммоларни сифатга тизимли ёнда-

Филипп Кросби сифат соҳасидаги таниқли мутахассислардан бўлиб, у ўзининг «Нуқсонлар 0» концепцияси билан машҳур бўлган. Бу концепцияни у АҚШнинг «Мартин Мариетта» корпорациясида 1960 йилларда ишлаб юрган пайтида таклиф этган.

1979 йилда Ф.Кросби бошқариш соҳасидаги ўзининг машҳур «Сифат бепул» китобини чоп этган. У томонидан яна «Лидерлик (1990), «Сифат тўғрисида гаплашамиз» (1989), «Тўлиқ сифатли ташкилот» (1988); «Воқеаларни бошқариш: Ишлар содир бўлишини таъминлаш маҳорати» (1986), «Сифат бизнеси сифат: Ғийбатсиз бошқариш маҳорати» (1984) ва «Ишдаги ўлни топиш маҳорати» (1972).

Ф. Кросбининг фикрича, сифат — бу талабларга мувофиқлиқдир. Сифат ўлчанадиган ва аниқ белгиланган кўрсаткичлар билан аниқланиши керак, чунки корхонага тахмин ёки жозибали фикрларга эмас, аниқ мақсадларга асосланган ҳолатни кўрсатиш керак. Унинг фикри бўйича сифат бор ёки йўқдир, турли даражадаги сифат деган нарса йўқдир. Ходимлар сифатни нотўғри ҳаракатлардан келиб чиқадиган ҳаракатларни доимий кузатиш орқали ўлчаши керак. Кросби буни номувофиқликнинг баҳоси деб атаган.

Ф.Кросби қуйидаги формулани таклиф этган: «Сифат баҳоси — мувофиқлик баҳоси + номувофиқлик баҳоси».

Унинг сифат масаласи буйича концепциясининг асосини олдиндан ҳаракат (профилактика) ташкил этган ва қуйидаги ғояларга асосланган:

1) биринчи ҳаракатдан вазифани тўғри бажариш;
2) Нуқсонларни нг бўлмаслиги ва нуқсонсиз кун;
3) сифатнинг тўғрлта абсолюти;
4) олдиндан ҳаракат (профилактика) жараени;
5) сифатни эмлаш;
6) олтита С.

Қуйида Кросби фикри буйича ушбу ғояларга қисқача тўхталиб ўтамиз:

Биринчи ҳаракатдан вазифани тўғри бажариш — сифат тўғрисидаги турлари (масалан, юқори, яхши, ёмон, паст) бўлмайди. Бирор нарсани режалаштирилаётган ва молиялаштирилаётганда, ниманидир амалга ошмай қолишига ёки талаб даражасида бажарилмаслигига қараб ишни бошлаш керак эмас. Сифатни бошқариш камчиликларни аниқлаш орқали эмас, уларни олдини олиш орқали амалга оширилиши керак. Лойиҳалаштирилаётган ҳар қандай маҳсулот сифатлидир. Менежерларнинг «хатолар бўлиши мумкин ва уларни тўғрилаш мумкин» деган нотўғри фикрини ўзгартириш керак.

Нуқсонларнинг бўлмаслиги ва нуқсонсиз кун — нуқсонларнинг бўлмаслиги олдиндан ҳаракат (профилактика)га асосланган бўлиб, бундай ёндашув талабларга номувофиқликка йул қўйилмаслигига ва ташкилотдаги ҳар бир ходимнинг талаблар ининг биринчи ҳаракатдан бажарилишига мойиллигига асосланади. Сифатни яхшилаш жараёнига ҳар бир ходимни жалб этиш учун, талабларга индивидуал мувофиқликка эришиш керак. Кросби концепциясига асосан нуқсонсиз кун ўрнатилиши керак ва бунда раҳбарият иштирок этган ходимлар ўзларини сифатни таъминлашга мойиллигини кўрсатишлари керак.

Сифатнинг тўғрлта абсолюти — сифатни яхшилаш тўғрисидаги абсолютдан бошланади:

Сифат — бу талабларга мувофиқлик. Ташкилот фаолияти учун керакли барча ҳаракатлар, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш, мижозлар билан ишлаш келишилган ва бажарилиши керак. Агар раҳбарият ходимлар томонидан ўз вазифаларининг тўғри ва биринчи ҳаракатдан бажарилишини хоҳласа, ходимларга вазифасини тўғри тушунтириш, уларни йўлга бошчилик орқали мақсадга эришишга

ёрдам кўрсатиш, уларни ўқитиш ва манфаатдорлик муҳитини яратиш керак.

Сифат тизими — бу профилактика. Сифатни ишлаб чиқарувчи тизим — профилактикадир. Ўқитиш, дисциплина, тўғрилик ва ишбошчилик профилактикага олиб боради. Раҳбарият хатоларни олдини олиш ишлари зарурлигини тушуниб етиши керак.

Иш унумдорлиги стандарти нуқсонлар йўқлигидадир. Хатолар жуда қимматга тушади, шунинг учун уларга беэътибор бўлмаслик керак. Ишбошчилар бошқаларга талабларга мувофиқ бўлишларида ўқишга маблағ ажратиш, вақт ажратиш ва бошқалар орқали ёрдам беришлари керак.

Сифатнинг ўлчови — номувофиқлик баҳосидир. Номувофиқлик самарадорликни башорат қилишда ва ташкилотнинг фаолиятида раҳбарият қуролидир.

Кросби фикрича, бу абсолютлар раҳбариятга сифатни яхшилаш, ва муҳими, анъанавий фикрлардан (сифат ошса, нарх ҳам ошади, тушунчасидан), сифат ва нарх бир-бири билан рақобат қилмайди, деган тушунчага ўтишида ёрдам беради. Унинг фикрича, сифат кўтарилиши билан нарх пасаяди, шунинг учун сифатнинг баҳоси йўқдир: «Сифат текин эмас, лекин у совға ҳам эмас».

Кросби концепцияси назорат ўтказиш ва хатоларни тўғрилашга эмас, уларни олдини олишга қаратилган. Унинг фикрича, профилактика хатолар содир этилиши мумкин жойларни аниқлаш мақсадида ўйлашга, режалаштиришга ва ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилишга ва бу орқали хатоларнинг яна пайдо бўлишини олдини олиш учун керакли чораларни қабул қилишга олиб келади. Муаммолар маҳсулотга талабларнинг йўқлиги ёки уларнинг нотўғри кўрилганлиги сабабли келиб чиқади. Профилактика маҳсулотларга талабларни белгилашдан, маҳсулотларни яратиш, маълумотларни тўплаш, маълумотларни талаблар билан таққослаш ва шу ишлар натижасида чоралар кўришдан бошланади. Бу ишлар доимий олиб борилиши керак.

Кросби сифат муаммоларини бартараф этишда бошқарувнинг учта ҳаракатидан — аниқлаш, ўқитиш ва жорий этишдан фойдаланиш кераклигини таъкидлаган.

Кросби ўқитишни кўп босқичли жараён сифатида кўриб, уни ҳар бир ташкилотда амалга оширилишини кўрсатди, бу жараённи «Олти С» деб атаган.

Биринчи босқич (биринчи С — comprehension — англаш),

сифат нималигини англашнинг муҳимлигига қаратилган. Англаш юқоридан бошланиб, барча ходимларга етиб бориши керак. Англашсиз сифатни яхшилашга эришиб бўлмайди.

Иккинчи босқич (иккинчи С — commitment — мақсадга садоқат), раҳбариятдан бошланади, раҳбарият сифат соҳасида сиёсатни ишлаб чиқади.

Учинчи босқич (учинчи С — competence — лаёқатлилик, компетентлилик), сифатни яхшилаш жараёнини жорий этиш учун уқитиш ва машқ қилдириш режасини ишлаб чиқиш.

Тўртинчи босқич (тўртинчи С — communication — коммуникация), корпоратив маданиятда барча ходимларнинг сифатнинг моҳиятини англашлари ва ютуқларга қандай эришилганлигининг тарихини чоп этиш ва бунга йўналтирилган барча ҳаракатларни ҳужжатлаштириш керак.

Бешинчи босқич (бешинчи С — correction — коррекция), профилактика ва иш унумдорлигига қаратилган.

Олтинчи босқич (олтинчи С — continuance — кетма-кетлик), жараён ташкилотнинг ҳаёт тарзига айланиши керак. Кетма-кетликнинг моҳияти шундан иборатки, иккинчи мартадан бошлаш арзон ҳам. тез ҳам бўлмайди, шунинг учун сифатни таъминлаш кундалик ишга айланиши керак.

Кросбининг асосий ғояси — сифатга нуқсонларни бартараф этиш ва талабларга мувофиқлик орқали эришилади. Талаблар келишилган бўлишлари, ходимлар эса унга қандай эришиш мумкинлигини билишлари керак. Олий мақсад — мижозлар манфаати учун нуқсонсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан ва хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Доктор Жозеф Журан (Joseph M. Juran, 1904 йилда туғилган) — Америкалик сифат соҳасидаги олим, Халқаро сифат академияси (ХСА) академиги. Унинг 1951 йилда АҚШда чоп этилган «Сифатни бошқариш бўйича маълумотнома» (Handbook for Quality Control) китобида биринчи бўлиб «сифатни бошқариш» тушунчаси берилган. 1964 йилда унинг «Корхонани бошқаришда инқилоб» номли таниқли китоби чоп этилган.

Ж.Журан биринчи бўлиб сифат назоратидан сифатни бош-

ларишга утишни асослаб берган. У томонидан сифатни бошқариш буйича тухтовсиз ривожланиб бораётган ишларни асосий босқичларни курсатган модел — машҳур «сифат спирали» (Журан спирали) ишлаб чиқилди. Бу модел (2.28-расм) асосида кейинчалик куплаб бошқа моделлар ишлаб чиқилган.

Ж Журан Миннесота штати университети қошидаги колледжда инженер-электротехник ихтисослиги буйича таълим олган. У коллежда уқиб юрган пайтларидан «Американ Телефоун энд Телеграф» (AT&T) корпорациясига қарашли «Уэстерн Электрик» компаниясида назоратчи булиб иш бошлаган. Бу фаолият унинг учун катта мактаб булиб, маҳсулотларнинг нуқсонларининг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилишга имкон яратди. Техник назоратчи сифатида олиб борган фаолияти ва таҳлиллари натижасида, Журан катта даражатлар талаб этувчи техник назоратнинг барча камчиликларини, шу билан бирга Тейлор тизимининг камчиликларини ўз кузи билан кўрди. Амалда булган сифат назорати тизимининг салбий оқибатлари сифатнинг зарарига ишлатилишга гувоҳ булди.



1 — бозорни ўрганиш;
2 — лойиҳавий топшириқни ишлаб чиқиш;
3 — илмий-тадқиқот тажриба-конструкторлик ишлари;
4 — техник шартларни тузиш;
5 — технология, ишлаб чиқаришни тайёрлаш;
6 — моддий техник таъминот;
7 — инструмент, мосламалар ва ўлчамайдиган воситаларни тайёрлаш;
8 — ишлаб чиқариш;
9 — ишлаб чиқариш жараёнини назорати;
10 — тайёр маҳсулот назорати;
11 — маҳсулотни синаш;
12 — сотиш;
13 — техник хизмат кўрсатиш;
14 — бозорни ўрганиш.

2.28-расм. Жураннинг сифат спирали

Ж.Журан 1929 йилда корхонанинг назорат натижаларини таҳлил қилиш ва сақлаш бўлинмасига раҳбар этиб тайинланди, бу ўз навбатида сифатни таъминлаш бўйича тадқиқотлар олиб боришга катта имкониятлар яратди. Ж.Журан тадқиқотлар олиб бориш билан бирга, АҚШ ва бошқа кўпгина мамлакатларда сифатни бошқариш соҳасидаги «Сифатга эришиш учун бошқарув», «Юқори раҳбарият ва сифат» ва «Сифатга эришиш мақсадида режалаштириш» мавзуларида маърузалар ўтказган.

Ж.Жураннинг «Сифат бўйича Журан маълумотномаси» (Juran's Quality Handbook) китоби сифат соҳасидаги барча мутахассислар ва менежерлар учун муҳим манба ҳисобланади.

Доктор Ж.Журан доктор Э.Деминг билан бирга Япония иқтисодида содир бўлган «муъжиза»нинг (Журан таъбири билан «сифатда инқилоб») муаллифларидан ҳисобланади.

Доктор Ж.Журанни 1954 йилда биринчи маротаба Японияга таклиф этишган. Уни Япония олимлари ва мухандислари иттифоқи (ЯОМИ) ижрочи директори Кенити Коянаги сифат масаласида менежерлар орасида маъруза ўқиши учун таклиф этган. Журан 12 та фирмадан қатнашган 410 та менежерлар учун махсус маърузалар ўқиди. У кейинчалик яна тўққиз марта Японияда маърузалар ўқиди. У 1966

йилда Японияда «Сифат тўгараклари» IV Конференциясида иштирок этиб, бу тўгарақларнинг ишлаб чиқариш муаммоларини ечишдаги урни ва уларда нафақат юқори босқич ходимлари, ҳатто оддий ишчилар ҳам иштирок этиши ва ўз мулоҳазаларини қилишлари мумкинлигига қизиқиш билан эътибор қаратди.

Сифат тўгараклари фақт XX асрнинг 80-йилларида АҚШда оммавийлаша бошлади.

Япония иқтисодини кўтаришдаги катта хизматлари учун доктор Ж.Журан мамлакатнинг олий даражадаги мукофотларига сазовор бўлган.

Доктор Ж.Журан сифатни ҳар йили яхшилаш концепцияси (Annual Quality Improvement — AQI)нинг муаллифидир. Олимнинг фикрича, **сифатни яхшилаш** — бу инсоннинг янги рекордларни ўрнатиш буйича интилишлари билан боғлиқ сифат соҳасидаги ишларининг эришилган натижаларидан кўтарилишдир. Менежмент ғоясида, узлуксиз яхшилаш деганда муқарарлик (стабиллик) сиёсати ўрнига ўзгаришлар сиёсати келиши назарда тутилади. AQI концепциясида асосий эътибор стратегик қарорларга, юқори рақобатбардошликка ва узоқ муддатли натижаларга қаратилиши керак.

AQIнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборатдир:

— корхона фаолиятининг барча даражаларида ва барча соҳаларида сифатни яхшилашни раҳбарият томонидан режалаштириш;

— сифатни бошқариш соҳасида хатоларга йўл қўймаслик ва уларни олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш;

— маъмурийтчиликдан (юқоридан буйруқбозлик) сифат соҳасидаги барча фаолияти билан режали бошқаришга ўтиш, бунда маъмурий фаолиятни такомиллаштириш.

AQI концепциясини корхонада жорий этиш учун қуйидаги комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак:

1) сифатни яхшилаш ҳар йиллик дастурини тузиш;

2) сифатни яхшилаш, уни ўлчаш ва баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш;

3) статистик усулларига ўқитиш ва уларни амалиётга жорий этиш;

4) маъмурий соҳада ишларни ташкил этишни такомиллаштириш.

Доктор Ж.Журан сифатни таъминлашга иқтисодий ёндошув асосларини кўрсатиб берган. Агар Журангача кўпчилик мутахассислар нархлар қўлланилишининг аниқ турларини кўрсатган бўлса, Журан ўзининг «Сифатни бошқариш бўйича Қўлланмотнома» китобида биринчи марта сифатни таъминлашга қаратилган харажатларни синфлаб, уларни тўртта асосий гуруҳларга ажратди:

— нуқсонларни олдини олишга харажатлар;
— сифатни баҳолашга харажатлар;
— ички хатоларга боғлиқ сарфлар;
— ташқи хатоларга боғлиқ сарфлар.

Доктор Ж.Жураннинг сифатни бошқариш соҳасига қўшган ҳиссаси беқиёс эканлигини соҳа бўйича барча олимлар ва мутахассислар эътироф этадилар. У ўзининг 100 йиллик юбилейига «Сифат архитектори» автобиографик китобини чоп этди.

Доктор Ж.Журан «Сифат назорати бўйича раҳбарий ҳужжат»нинг (1988 й.) бош муҳарриридир. У қуйидаги китобларнинг муаллифидир: «Журан сифат учун йўлбошчилик ҳақида» (1989), «Журан сифат учун режалаштириш ҳақида» (1988), «Саноат менежменти мисолида талқинотлар» (1955), «Назорат ва сифатни текшириш менежменти» (1945), «Бюрократия: энг яхши менежментга қаршилик» (1944).

Ж.Журан 1979 йилда АҚШда «Журан институти»ни ташкил этган ва шу институтда фаолият кўрсатмоқда.

Журан сифатни фойдаланишга яроқлилик, нуқсонлардан холислик, мижозларни қониқтириш деб таъкидлайди.

Журан ғояси қуйидагиларни ўз ичига олади:

Сифат тараққиёти спирали;

Ёриб ўтиш (прорыв) кетма-кетлиги;

«Лойиҳа кетидан лойиҳа» ёндашуви;

Журан учлиги;

Ҳаётий камчилик ва тривиал кўпчилик принципи.

Жураннинг фикрича, ҳар қандай ташкилот ўз маҳсулотларини ихтисослаштирилган бўлинмалар томонидан ихтисослашган ҳаракатлар асосида ишлаб чиқаради ва уларни сотади. Спирал маҳсулотларни бозорга чиқаришдан олдинги ҳаракатлар қилиш кераклигини кўрсатади. Сифат спирал таркибидаги барча бўлинмаларнинг биргаликдаги фаолияти натижасидир.

Сифатни яхшилаш концепцияси бутун ташкилот доирасида олиб борилиши керак. Бунда қуйидагилар амалга оширилиши керак:

1. Қўлланишга яроқли бўлган компания мақсадига жавоб берадиган фаолиятларни аниқлаш.
2. Турли бўлинмалар ва ташкилотларни спирал атрофида фаолиятини ташкил этиш.
3. Бундай фаолиятни амалга ошириш учун керакли имкониятлар ва воситаларни таъминлаш.
4. Маълум бўлимлар таркибида ишларни ташкил этиш.
5. Бу ишларни тўғри бажаришни таъминлаш.
6. Бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Журан гояси ёриб ўтиш орқали яхшилаш ва янгиликларга эришишга мўлжалланган. У ёриб ўтишни ишлаб чиқаришни янги, янада юқори босқичли йўналишига динамик, тезкор ҳаракат деб кўрсатади. Ёриб ўтиш сифат соҳасида пухтачиликка эришишга, жорий муаммоларнинг кўпроғини сечишга, ташкилот расмий имижини яхшилашга олиб келиши мумкин.

Жураннинг сифатни яхшилаш ғояси лойиҳа кетидан лойиҳани жорий этишни талаб этади.

Журан ғоясига кўра, сифатни бошқариш ҳар бири универсал бўлган, ўзаро боғлиқ учта жараёнлардан иборат: сифатни режалаштириш, сифатни назорати ва сифатни яхшилаш.

Журан фикрича, Парето диаграммаси (италиялик иқтисодчи Вильфред Парето таклиф этган принципга кўра, бир объектнинг салмоқли (катта) қисмини унга тегишли масалаларнинг кам қисмини ҳосил этади, масалан, жамиятдаги моддий бойликнинг асосий қисми кам сондаги одамларга тегишлидир) буйича сифатсизлик оқибатида қилинган харажатларнинг кўп қисми ҳаётий камчиликлар деб аталган кам сонли сабабларга боғлиқдир. Қолган нуқсонлар (тривиал кўпчилик ёки фойдали кўпчилик) ни вақтинчалик инобатга олмаслик мумкин, кўп учрайдиган нуқсонлар ҳамма вақт ҳам жиддий бўлавермайди. Дастлаб салмоғи катта нуқсонларга эътибор қаратиш керак ва уларни бартараф этиш устида ишлаш керак.

Кросби, Деминг ва Журан ташкилотда сифатга садоқат билан ёндашувга асосланган маданиятни яратишга менежмент масъуллигини таъкидлайдилар. Бундай ёндашув ташкилотда барча поғоналарда (юқоридан пастгача) бўлиши керак. Уларнинг фикрича, барча поғоналарда тухтовсиз

Доктор Ж.Журан сифатни таъминлашга иқтисодий ёндошув асосларини кўрсатиб берган. Агар Журангача кўпчилик мутахассислар нархлар қўлланилишининг аниқ турларини кўрсатган бўлса, Журан ўзининг «Сифатни бошқариш бўйича маълумотнома» китобида биринчи марта сифатни таъминлашга қаратилган харажатларни синфлаб, уларни тўртта асосий гуруҳларга ажратди:

— нуқсонларни олдини олишга харажатлар;
— сифатни баҳолашга харажатлар;
— ички хатоларга боғлиқ сарфлар;
— ташқи хатоларга боғлиқ сарфлар.

Доктор Ж.Жураннинг сифатни бошқариш соҳасига қўшган ҳиссаси беқиёс эканлигини соҳа бўйича барча олимлар ва мутахассислар эътироф этадилар. У ўзининг 100 йиллик юбилейига «Сифат архитектори» автобиографик китобини чоп этди.

Доктор Ж.Журан «Сифат назорати бўйича раҳбарий ҳужжат»нинг (1988 й.) бош муҳарриридир. У қуйидаги китобларнинг муаллифидир: «Журан сифат учун йўлбошчилик ҳақида» (1989), «Журан сифат учун режалаштириш ҳақида» (1988), «Саноат менежменти мисолида талқиқотлар» (1955), «Назорат ва сифатни текшириш менежменти» (1945), «Бюрократия: энг яхши менежментга қаршилик» (1944).

Ж.Журан 1979 йилда АҚШда «Журан институти»ни ташкил этган ва шу институтда фаолият кўрсатмоқда.

Журан сифатни фойдаланишга яроқлилик, нуқсонлардан холислик, мижозларни қониқтириш деб таъкидлайди.

Журан ғояси қуйидагиларни ўз ичига олади:

Сифат тараққиёти спирали;

Ёриб ўтиш (прорыв) кетма-кетлиги;

«Лойиҳа кетидан лойиҳа» ёндашуви;

Журан учлиги;

Ҳаётий камчилик ва тривиал кўпчилик принципи.

Жураннинг фикрича, ҳар қандай ташкилот ўз маҳсулотларини ихтисослаштирилган бўлинмалар томонидан ихтисослашган ҳаракатлар асосида ишлаб чиқаради ва уларни сотади. Спирал маҳсулотларни бозорга чиқаришдан олдин нима ҳаракатлар қилиш кераклигини кўрсатади. Сифат спирал таркибидаги барча бўлинмаларнинг биргаликдаги фаолияти натижасидир.

Сифатни яхшилаш концепцияси бутун ташкилот доирасида олиб борилиши керак. Бунда қуйидагилар амалга оширилиши керак:

1. Қўлланишга яроқли бўлган компания мақсадига жавоб берадиган фаолиятларни аниқлаш.
2. Турли бўлинмалар ва ташкилотларни спирал атрофида фаолиятини ташкил этиш.
3. Бундай фаолиятни амалга ошириш учун керакли имкониятлар ва воситаларни таъминлаш.
4. Маълум бўлимлар таркибида ишларни ташкил этиш.
5. Бу ишларни тўғри бажаришни таъминлаш.
6. Бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Журан гояси ёриб ўтиш орқали яхшилаш ва янгиликларга эришишга мўлжалланган. У ёриб ўтишни ишлаб чиқаришни янги, янада юқори босқичли йўналишига динамик, тезкор ҳаракат деб кўрсатади. Ёриб ўтиш сифат соҳасида пўлбошчиликка эришишга, жорий муаммоларнинг кўпротини сичишга, ташкилот расмий имижини яхшилашга олиб келиши мумкин.

Жураннинг сифатни яхшилаш гояси лойиҳа кетидан лойиҳани жорий этишни талаб этади.

Журан гоясига кўра, сифатни бошқариш ҳар бири универсал бўлган, ўзаро боғлиқ учта жараёнлардан иборат: сифатни режалаштириш, сифатни назорати ва сифатни яхшилаш.

Журан фикрича, Парето диаграммаси (италиялик иқтисодчи Вильфред Парето таклиф этган принципга кўра, бир объектнинг салмоқли (катта) қисмини унга тегишли масалаларнинг кам қисмини ҳосил этади, масалан, жамиятдаги моддий бойликнинг асосий қисми кам сондаги одамларга тегишлидир) бўйича сифатсизлик оқибатида қилинган харажатларнинг кўп қисми ҳаётий камчиликлар деб аталган кам сонли сабабларга боғлиқдир. Қолган нуқсонлар (тривиал кўпчилик ёки фойдали кўпчилик) ни вақтинчалик инобатга олмаслик мумкин, кўп учрайдиган нуқсонлар ҳамма вақт ҳам жиддий бўлавермайди. Дастлаб салмоғи катта нуқсонларга эътибор қаратиш керак ва уларни бартараф этиш устида ишлаш керак.

Кросби, Деминг ва Журан ташкилотда сифатга садоқат билан ёндашувга асосланган маданиятни яратишга менежмент масъуллигини таъкидлайдилар. Бундай ёндашув ташкилотда барча поғоналарда (юқоридан пастгача) бўлиши керак. Уларнинг фикрича, барча поғоналарда тухтовсиз

ўқитиш ва машқ қилдириш сифат тушунчасини барча томонидан қўлланилишига ва хизматчиларда билим ва тажрибани ортишига омил бўлади. Бутун ташкилот доирасида самарали боғланиш, бирлашиш ва ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти каттадир.

Кросби, Деминг ва Журан фикрича, сифат билан боғлиқ барча муаммоларнинг 85%ни раҳбариятнинг сиёсати ва ҳаракатларига тегишлидир. Шунинг учун раҳбариятнинг самарали ҳаракатлари сифатни яхшилашга эришишда зарур ҳисобланади. Мижоз манфаатларига йўналтирилган сифатга интилиш узоқ муддатли жараён бўлиб, унда зудлик билан натижага эришиб бўлмайди. Сифатни яхшилашга вақт ўтиши билан харажатларни камайиши орқали эришилади.

Кросби, Деминг ва Журан ғоялари менежмент ғоясига асосланган бўлиб, улар сифатни таъминлашга узоқ муддатли яхшилашга йўналтирилган узоқ муддатли режаларни қабул қилиш орқали эришиш мумкин. Бу ғоялар кўп йиллар давомида турли давлатлардаги турли ташкилотларда ҳаётга татбиқ этилган. Улар ходимнинг бажарган ишидан ғурурланишини, ўқитиш ва тегишли иш муҳитининг мавжудлигини, ҳамманинг биргаликда ҳамкорликда фаолият кўрсатишини муҳим омиллар деб ҳисоблайди.

Арманд Фейгенбаум (Armand Vallin Feigenbaum, 1922 йилда АҚШда туғилган) — америкалик машҳур олим, сифатни комплекс бошқариш (Total Quality Management – TQM) назариясининг муаллифи, Халқаро сифат академияси академиги, сифат бўйича Америка жамияти (ASQ) асосчилари ва фаолларидандир[10]. У 10 йилдан зиёд АҚШнинг General Electric компаниясида ишлаган, кейинчалик узининг сифат менежменти соҳасида маслаҳат хизмати кўрсатадиган General Systems Company, Ltd фирмасини тузган ва унинг президенти сифатида ишлаб келмоқда.

XX асрнинг 50-йилларида Фейгенбаум узининг сифатни комплекс бошқариш (TQM) концепциясини баён қилган [118]. Ушбу концепциянинг асосий моҳияти — техник, иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий чораларни жорий этишда маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари ва корхонанинг барча даражадаги бошқарув аппаратининг сифатни бошқаришга бевосита алоқадорлигидир.

Сифатни таъминлаш масаласи буйича Фейгенбаум қуйидаги фикрни билдирган: «Ҳозирда сифат муаммолари шунчалик мураккабки, уларни муваффаққиятли ечиш учун янги ташкилий тузилма тузилиши керак».

Сифатни комплекс бошқариш самарали бўлиши учун, уни лойиҳалаш ва амалга оширишни маҳсулотни яратишнинг дастлабки босқичларидан бошлаш керак. Тизимга бўлган талабларни корхона стандартларига жорий этиш керак. Сифат режалаштирилиши керак, уни таъминлашга харажатларнинг қатъий ҳисобини олиб бориш керак. Фейгенбаум фикрича, сифатни комплекс бошқариш раҳбариятнинг корхонани бошқаришдаги янги маданиятини жорий этишга қаратилган иш тартиби бўлиши керак.

А. Фейгенбаум сифатга ёндашувнинг тўртта «оғир гуноҳлари»ни кўрсатиб берди: биринчиси, даъватларга асосланган дастурларни қўллаб-қувватлаш, иккинчиси, фақат ишчиларга мўлжалланган, муҳандислар ўрнини инобатга олмайдиган дастурларни танлаш, учинчиси, сифатнинг доимий даражаси бўлмаслигини тан олмаслик, тўртинчиси энг оғири, автоматлаштиришнинг ўз-ўзидан сифатни оширишни ҳал этиб бермаслигини кўра билмасликдир.

А. Фейгенбаум «Дженерал электрик» компанияси муҳандисликдан сифатни назорат қилиш бўлинмасига раҳбар лавозимга эса, компаниянинг президенти даражасигача кўтарилган. У 1951 йилда «Сифат назорати: принциплар, амалиёт ва маъмурий бошқарув» китобини чоп этди. Бу китобида сифатни комплекс бошқариш принципларини баён этган.

А. Фейгенбаум сифатни шакллантириш жараёнига тизимли ёндашиш кераклигини таъкидлаб, ўз ғоясини қуйидагича баҳолаган: «Сифатни комплекс назорати — истеъмолчини тўлиқ қаноатлантириш мақсадида энг тежамли йўллар билан маҳсулотни тайёрлаш имкониятини таъминлаш учун, маҳсулотни яратиш сифатини, техник хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш, сифатни яхшилаш буйича ташкилотнинг турли гуруҳларининг барча ҳаракатларини бирлаштирувчи самарали тизимдир».

Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан А. Фейгенбаум биринчилар қаторида сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликга эътибор қаратди. У ўз асарларида АҚШнинг ҳатто энг яхши корхоналарида ҳам ишлаб чиқариш унумдорлиги 15%дан 40 % гача самарасиз эканлигини

қайд этган. Бу корхона кўп вақти ва маблағини нуқсонларни бартараф этишга, улар ўрнига бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфлаётганини кўрсатган. У сифатга бўлган ёндашув ғоясини тубдан ўзгартириш кераклигини қайд этади. Агар анъанага кўра, самарадорлик сарфланган ресурслар бирлигига ишлаб чиқилган маҳсулотлар сони билан ўлчанган бўлса, энди самарадорликни умумий сарфланган ресурслар (меҳнат, материал ва моддий) бирлигига нисбатан муваффақият билан бозорда сотилган маҳсулотлар сони билан ўлчаш керак. Бундай ёндашув асосида олиб борилган ҳисоблар хақиқий самарадорлик 30%дан камлигини кўрсатди. Шунга асосан, «самарали ишлаб чиқариш унумдорлиги» тушунчаси критилди, бунга кўра фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатгина унумли ҳисобланади.

Сифатни таъминлашга харажатларни ҳисоблаш ва уларни қисқартириш учун А. Фейгенбаум харажатларни уч тоифага бўлади:

1-категория — огоҳлантирувчи (превентив) харажатлар (prevention costs). Сифатни яхшилашга, нуқсонлар келиб чиқишига олиб келувчи ҳолатларни олдини олиш учун назоратнинг мақбул даражасига эришишга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқишга ва режалаштиришга харажатлар.

2-категория — сифатни баҳолашга харажатлар (apprgaisal costs). Белгиланган талабларга ишлаб чиқилган маҳсулотлар кўрсаткичларининг мувофиқлигини аниқлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш барча босқичларида техник назорат ва синовлар ўтказишга харажатлар.

3-категория — яроқсиз маҳсулотларга сарфланган харажатлар (failure costs). Бу харажатларни А. Фейгенбаум ички ва ташқи харажатларга бўлади. Ички харажатлар маҳсулотни ишлаб чиқаришда сарфланган бўлса, ташқи харажатлар ундан фойдаланишда сарфланади.

А. Фейгенбаум шундай фикр билдирган: «Сифат — бу самарадорликка эришиш йўлида энг тежамли ва энг кўп маблағ талаб этадиган йўлдир. Сифат — бу ташкилотни бошқариш усулидир. Худди молия ва маркетинг каби, сифат ҳам замонавий менежментнинг муҳим қисмига айланди».

Сифатни таъминлаш соҳасидаги катта хизматлари учун А. Фейгенбаум кўп мамлакатлар мукофотлари билан тақдирланган.

А. Фейгенбаум ҳозирда ҳам сифат масалаларида ишларни олиб бормоқда. У акаси Дональд Фейгенбаум билан биргаликда 2003 йилда «Бошқарув капиталининг кучи: қатъий талабларини қуювчи глобал иқтисодда инновация, даромадлилик ва усишнинг янги ҳаракатлантирувчи кучидан фойдаланиш» (Feigenbaum A. V.; Feigenbaum D. S. The power of management capital: utilizing the new drivers of innovation, profitability, and growth in a demanding global economy, McGraw-Hill, 2003), 2009 йилда эса «Бошқарув инновацияси кучи: Бизнеснинг устувор ва тезкор ривожланиши ва унинг даромадлилигига 24 калит» (Feigenbaum A. V.; Feigenbaum D. S. The power of management innovation: 24 keys for sustaining and accelerating business growth and profitability. — McGraw-Hill, 2009) китобларини чоп этган.

Назорат саволлари:

1) Маҳсулот сифатини таъминлашда сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш қачондан бошланган?

2) Э.Деминг қандай ғоянинг муаллифи?

3) Э.Деминг ғоясида қандай фикрлар билдирилган?

4) Э.Деминг ғояси қандай аталади ва моҳияти нимадан иборат?

5) У.Кросби қандай ғоянинг муаллифи?

6) У.Кросбининг сифат масаласи бўйича концепциясининг асоси қандай ғояларга асосланган?

7) Ж.Журан қандай ғоянинг муаллифи?

8) Ж.Жураннинг сифат спирали қандай босқичлардан иборат?

9) Ж.Жураннинг сифатни яхшилаш концепцияси бўйича нималарни амалга ошириш керак?

10) А. Фейгенбаум қандай ғоянинг муаллифи?

11) Сифатни таъминлашга харажатларни ҳисоблаш ва уларни қисқартириш учун А. Фейгенбаум харажатларни неча тоифага бўлган?

8.4 Сифатга Япон ёндашуви

Каори Ишикава (Ishikawa, Kaori) — «сифат доираси» тушунчасини ўйлаб топган, «сабаб-оқибат» диаграммаси (Ишикава диаграммаси)ни таклиф этган (2.29-расм) [7].



2.29-расм. «Сабаб-оқибат» Ишикава диаграммаси

Ушбу диаграмма ҳар қандай жараён якуний натижасига ва уларни сабаб-натижа схемаси буйича тизимлаштиришга таъсир этувчи турли омилларни бирлаштиради.

Ушбу диаграмма ҳар қандай жараён якуний натижасига ва уларни сабаб-натижа схемаси буйича тизимлаштиришга таъсир этувчи турли омилларни бирлаштиради.

Ҳар бир уқ сифатга таъсир этувчи ва майда ўлчамларга булинган жараёнларни билдиради. Масалан, инсон жараёнда ижрочи сифатида уз хусусиятлари билан таърифланади: соғлиғи, кайфияти, эътиборсизлиги, ишдаги ҳолати, хулқи, тажрибаси, малакаси, онги ва шу кабилар.

К.Ишикава корхонанинг бутун жамоаси иштирок этадиган сифатни бошқариш концепциясини ишлаб чиққан. XX асрнинг 50-йилларидан Япония иқтисодиётини тиклаш дастурида фаол иштирок этган. «Тойота» фирмасида жорий этилган, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги концепциясининг яратувчиларидан бири булган.

Японияда сифат — бу турли жараёнлар ва вазифаларни амалга ошириш ва бирлаштиришга қаратилган тизимдир. Сифат тизими корхонанинг барча даражаларига кириб борувчи таълим куриниши булиб бормоқда. Бу дунёқарашни узгартирувчи, ходимларни оммавий тарзда сифатни техник назоратига ўқитишдир.

Сифатни комплекс бошқариш (TQM) тизими корхонада амал қилиши учун, сифатни умумташкилий назорати

тизимининг асосчиси Каори Ишикава томонидан ишлаб чиқилган янги дунёқарашнинг омилларини кўрсатувчи айрим асос бўлувчи тушунчаларни ходимлар ўзлаштиришлари керак:

Инсонга ҳурмат. Корхонада ишловчи ходимлар ўз қобилиятлари, ижодий ёндашувларига мувофиқ ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлари мумкинлиги. Бу ўз навбатида раҳбариятнинг ишчиларга ваколатни максимал тарзда берилишини назарда тутади. Ҳар бир инсоннинг қобилияти ва имкониятларидан максимал фойланиш;

2) Сифат биринчи навбатда. Бу — сифатга ҳар кунги фаолиятда эътибор қаратиш керак деганидир;

3) Мижоз ва бозор талабларининг устуворлиги (Market-in). Сифатга мижозлар ва бозор кўзи билан қараш керак;

4) Кўшни бўлим — сенинг мижозинг (ташкилий тўсиқларни ҳосил қилмаслик). Бўлимнинг ҳар бир ходими тушуниши керак: менинг меҳнатим махсулидан фойдаланадиган бўлим — менинг мижозим, демак улар билан максимал сифатли муомилада бўлиш керак;

5) Фактларни таҳлил қилиш ва керакли маълумотлардан фойдаланиш. Ходимлар фактларни аниқ тушунчалар орқали ифодалаши керак;

Кўп бўлмаган муҳим нарсаларга эътиборни қаратиш.

Жараённинг назорати. Жараёнлар натижаларини эмас, балки нуқсонларни олдини олиш учун жараёнларнинг турли босқичларини назорат қилиш.

Усиб борувчи назорат (UP-stream control). Жараённи назорат қилиш учун унда нима бўлаётганини кўриб бориш етарли эмас. Нуқсонларга таъсир этувчи сабабларни топиш ва уларни назоратга олиш керак.

Бошқаларга айбни қўйманг. Бу яхшилашга тўсқинлик қилади. Ўзингни оқлаш билан, ҳаракатга интилишни йўқотасан.

Сифатнинг Япон модели асосида мижоз ва унинг қаноатланиши, ходимларни ўқитиш принциплари ётади.

Генити Тагути (Taguchi, Genichi, 1924—2012) — таниқли япон олими, экспериментлар ва сифат назоратини режалаштириш бўйича математик статистика ғояларини ривожлантирган, сифатни йўқотиш функциясини таклиф этган, саноат экспериментларини режалаштириш усулини ишлаб чиққан.

Тагути ғояси («сифат инжинирнги») сифат масалалари-

ни ечишда мутлақ янги ёндашув бўлиб, унга кўра сифатни кўтариш билан бир вақтда харажатларни камайтириш керак. иқтисодий омил (нарх) билан сифат биргаликда таҳлил этилиши керак. Иккала омил умумий характеристика — йўқотиш функцияси билан боғланганлир.

Тагути услубияти, сифатга бошқариш орқали эришишга эмас, балки маҳсулотлар ва жараёнларни ишлаб чиқаришгача мақсадли мақбуллаштиришга қаратилган. Унда сифат ва ишончлиликни таъминлашни лойиҳалашдан бошлаш кераклиги кўрсатилган. Тагути услубияти лойиҳалаштирилаётган маҳсулотнинг экспериментларини ишлаб чиқариш босқичигача самарали режалаштириш имконини беради. Унинг услубиятини ишлаб чиқаришда ҳам долзарб масалалардаги муаммоларни ечишда ҳам ишлатиш мумкин.

Тагути маҳсулот сифатини «маҳсулот чиқарилган вақтдан бошлаб жамият томонидан кўрилган йўқотишлар (зарар)» деб аниқлайди. Унинг фикрича, йўқотишларга ишлаб чиқарувчи зарари билан бирга, истеъмолчи зарари ҳам киради.

Тагути сифат кўрсаткичининг энг яхши мумкин бўлган қийматига унинг аниқланган мақсадли қийматини қабул қилиб, у йўқотишларнинг оддий квадратли функциясини қўйилган мақсаддан оғиш билан боғлайди. Ушбу функция, оғишларнинг камайиши йўқотишларнинг камайишига ва сифатнинг ошишига олиб келишини кўрсатади. Ғояга кўра, сифат кўрсаткичлари мумкин бўлган оралиқда бўлганда ҳам йўқотишлар содир бўлади.

Тагути томонидан **робастлик** (инг. robust — мустаҳкам, устувор) назарияси таклиф этилган. Тагути фикрича, агар сифатни маҳсулотни яратиш (лойиҳалаш) жараёнида таъминланилса, унда ишлаб чиқариш босқичларида сифатни назорат қилишга ҳожат қолмайди, асосий эътиборни ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларнинг назоратига қаратиш мумкин.

Тагути сифатни ишлаб чиқаришгача бошқаришни уч босқичга бўлади:

1. Маҳсулотни лойиҳалаш.
2. Кўрсаткичларни (сифат кўрсаткичларини) аниқлаш.
3. Кўрсаткичларнинг белгиланган қийматларидан оғишларини аниқлаш.

Кўрсаткичларнинг қийматларини аниқлаш муҳим босқич бўлиб, Япон мутахассислари сифатни яхшилаш бўйича яхши натижаларга харажатларни оширмасдан эришиш мумкин-

лигини яққол кўрсатдилар. Бу босқичда кўрсаткичларнинг белгиланган қийматлари текширилади ва унинг мақбул қийматлари танланади.

Кўрсаткичларнинг белгиланган қийматларидан оғишларини аниқлашдан мақсад, уларнинг қатъий чегараларни белгилашдир.

Г.Тагути сифатни таъминлашнинг замонавий усулларини қуйидаги кўрсатмаларда ёритган:

1. Сифатсиз маҳсулотни жамиятга келтирадиган зарарини баҳолаш керак. Бунда ҳам истеъмолдаги тайёр маҳсулотдан келадиган зарарни (ишламаслиги, жароҳатланиш, авариялар, ўз вазифасини бажара олмаслиги, буюртмачи талабига номувофиқлиги ва бошқалар), ҳам сифатсиз маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги зарарини (ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган вақт, энергия, куч сарфи ва бошқалар) инобатга олиш керак бўлади.

2. Фирма маҳсулотининг ракобатбардош бўлиши учун, унинг сифатини доимо ошириш ва таннархини камайтириш керак. Бунда буюртмачининг талаби ҳам доимо ортиб боришини эсдан чиқармаслик керак.

3. Фирмада сифатни ошириш дастурининг асосий мақсади, маҳсулот сифати кўрсаткичлари билан буюртмачи белгилаган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқни доимий камайтириб бориш керак. Бу вазифа метрологик хизматни доимий такомиллаштириш билан боғлиқдир.

4. Буюртмачининг белгилаган кўрсаткичларининг бажарилмаслиги натижасида кўрган зарари, сифат кўрсаткичларининг оғиши қиймати квадратига пропорционалдир. Буни ишлаб чиқариш жараёнига сифат кўрсаткичларини белгилашда инобатга олиш керак.

5. Тайёр маҳсулот сифати ва таннархи асосан лойиҳа ва технология сифати билан аниқланади. Шунинг учун ишлаб чиқаришни ва назорат усулларини лойиҳалашда, режалаштиришда тайёр маҳсулот сифати кўрсаткичларини инобатга олиш керак.

6. Тажриба намуналарини ишлаб чиқариш ва синаш жараёнида маҳсулот кўрсаткичларининг белгиланган сифат кўрсаткичларига нисбатан оғишини камайтириш керак.

7. Маҳсулот эксплуатация кўрсаткичларининг бошқа кўрсаткичларга ва технологик жараёнга боғлиқлигини аниқлаш керак. Бунинг учун экспериментларни режалаштиришни статистик ҳисоблар асосида олиб бориш керак.

Япониялик мутахассислар биринчилар қаторида, истеъмолчи талабини тушунишнинг муҳимлигини ва бу талабни қондиришнинг таҳлилига тизимли ёндашиш орқали, яратилаётган маҳсулотнинг техник курсаткичларини мақбуллаштириш кераклигини, шу орқали истеъмолчи талабини тўлиқ қондиришга ва натижада юқори сифатга эришиш мумкинлигини тушуниб етдилар.

Япония мутахассислари бозор талаблари ва приоритетларига мувофиқ маҳсулотни яратиш ва такомиллаштириш тизимини ишлаб чиқдилар, оқибатда истеъмолчини қаноатлантиришга ва корхонанинг ютуғига қаратилган (ТQМ асосланган) муҳим омилларни — сифатни, вақт сарфини ва таннархни сезиларли яхшилашга эришганлар.

Сифатни комплекс бошқаришни жорий этиш орқали Япон саноати мутахассислари катта ютуқларга эришган ва бу орқали сифатсиз маҳсулотни тўғрилашга сарфланадиган харажатлардан (бу харажатлар Японияда умумий ишлаб чиқаришнинг 5—10%ни, АҚШда эса — 25—30%ни ташкил этган) қутулашга эришиш мумкинлигини тушуниб етганлар.

Япония автомобилсозлари «истеъмолчи эҳтиёжига қараб ва нуқсонни олдини олиб ишлаш» ғоясини афзаллигини америкалик ҳамкасбларидан олдинроқ тушуниб етганликлари туфайли, халқаро бозордаги рақобат муҳитида катта имкониятларга эга бўлдилар.

Сифатни кўтариш ва сифатни тизимли бошқариш бўйича Япон дастурларининг муҳим томони, уларнинг нуқсонларини назорат қилиб топиш эмас, балки нуқсонларни пайдо бўлишини олдини олишга қаратилганлигидадир.

1987 йилда Токио шаҳрида бўлиб ўтган сифат бўйича Халқаро конгрессда ишлаб чиқаришни ташкил этишни доимий такомиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини кўтариш бўйича Япон тажрибаси алоҳида эътироф этилди.

Японияда бевосита маҳсулот сифатини назорат қилишдан кўра, технологик жараённинг сифатини назорат қилишга кўпроқ эътибор берилади. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарувчининг масъулияти каттадир. Ҳар бир ходим ўз ўрнида «кейинги операциянинг ижрочиси — сенинг истеъмолчинг» принципи асосида ишлайди. Бунда маҳсулот сифатини бошқариш масалаларида барча даражалаги мутахассисларнинг малакасига катта эътибор берилади.

Сифатни узоқ муддатли режалаштиришда Япон фирмалари энг юқори даражадаги раҳбарларнинг масъулиятини

қабул қилинган қарорларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилишда ва зарур ҳолларда қарорларни ишлаштиришда раҳбарларнинг ўрнига алоҳида эътибор берадилар. Бу ишлар Деминг принципи («режалаштириш — ишлаш — назорат — аниқлик киритувчи (корректлаш) ҳаракатлари») асосан олиб борилади ва «хосин канри» (сиёсатни олиб бориш) номи билан аталади. Ҳар молия йили бошида фирмалар ўз муаммоларини таҳлил қилиб, узоқ муддатли, одатда 3—5 йиллик режалар тузилади. Узоқ муддатли режаларга асосан қисқа муддатли (6—12 ойлик) режалар тузилади. Бундай ёндашув асосида фирманинг раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган кенг қамровли якуний режа тузилади. Шундай тарзда тузилган сифатни режалаштириш фирманинг барча бўлимларига ва барча босқичларига тарқалади ва бундай усулни Японияда «тўпни бир-бирига узатиш» деб аталади.

Япон фирмалари раҳбарияти сифатни бошқариш бўйича фаолиятни ривожлантиришга бош бўлиши керак. Раҳбарият сифат стратегиясини ишлаб чиқишга жавоб беради ва дастурлар ҳамда режаларнинг ўз муддатларида бажарилишини назорат қиладилар, зарур ҳолларда уларга аниқлик кирита-дилар.

Япон мутахассислари маҳсулот ишлаб чиқаришда истеъмолчининг ҳозирги эҳтиёжларидан ташқари, яширин эҳтиёжларини ҳам инобатга олиш кераклигини ва сифатни режалаштиришда ҳамда маҳсулотни яратишда инобатга олиш зарурлигини эътироф этадилар. Япон мутахассислари ғоясига кўра, бозорда ютуқга эришиш учун, ҳозирги кундаги истеъмолчининг эҳтиёжини инобатга олишнинг ўзи етарли эмасдир, балки потенциал (истиқболдаги) истеъмолчининг эҳтиёжини ҳам инобатга олиш зарурдир.

Япон маҳсулот сифатини бошқариш тизими қуйидаги «ўтмишни эмас»ларга асосланган:

— иш жойида нуқсонга олиб келувчи шароитлар бўлмаслиги керак;

— нуқсонли маҳсулот кейинги босқичга берилмайди ва олдинги босқичдан олинмайди;

— технологик кўрсаткичларни бузиш ва ўзгартириш мумкин эмас;

— одатдаги йўл қўйилган хатоларни қайтариш мумкин эмас.

Япон мутахассислари жамиятнинг ривожланиши эҳтиёжларининг ошиши ва ўзгаришига олиб келади ва шунга кўра маҳсулот сифатини бошқариш тизими усулларини ҳам ри-

ривожлантириб бориш керак, деб ҳисоблайдилар. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш сифатни бошқариш усулларини ҳам автоматлаштиришга олиб келади. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларига ўтиш сифатни тизимли таъминлашни ривожлантиришнинг характерли кўринишидир.

Япон фирмалари мутахассисларни ўқитиш ва малакасини оширишга катта маблағларни сарфлайдилар. Ҳар бир фирма ўқитиш бўйича ўз дастурини ишлаб чиқади. Лекин барча дастурларда назарий ва амалий (иш жойида машқ) ўқишлар белгиланади. Масалан, «Ниссан» фирмаси 10 йил давомида 500 соат ишдан ажралган ҳолда ўқиш назарда тутилган бўлиб, ундан кейинги ўқиш бевосита иш жойида олиб борилади. Ўқиш тугагандан сўнг, корхона бўлинмасида ходимнинг аттестацияси ўтказилади.

Айрим ходимлар давлат (меҳнат вазирлигида) аттестациядан ўтадилар, бу уларнинг маошларини ошишига сабаб бўлади. Ходим аттестациядан ўта олмаган ҳолда унга уч марта имконият берилади.

Маҳсулот сифатини бошқаришда меҳнатга ижодий ёндашувга алоҳида аҳамият берилади ва бундай муносабатни Японияда кенг тарқалган «сифат тўгараклари»да ривожлантирадилар.

Ҳозирда узоқ йиллар давомида машаққатли меҳнат билан эришилган Япон мутахассис ва олимларнинг сифатни комплекс бошқариш соҳасидаги тажрибасини бутун дунёда урганилмоқда.

Назорат саволлари:

1) Каори Ишикава қандай диаграммани таклиф этган?
2) «Сабаб-оқибат» диаграммаси қандай тузилади?
3) Каори Ишикава томонидан ишлаб чиқилган тизим учун ходимлар нималарни ўзлаштиришлари керак?
4) Генити Тагути қандай ғояни таклиф этган?
5) Г.Тагути сифатни таъминлаш ғоясида қандай кўрсатмаларда ёритган?
6) Япониялик мутахассислар истеъмолчи талабини тушунишга қандай баҳо берганлар?
7) Япон маҳсулот сифатини бошқариш тизими қандай тушунчага асосланган?
8) Япон фирмалари мутахассисларни ўқитиш ва малакасини оширишга муносабатлари қандай?

8.5. Нуқсонсиз маҳсулот тайёрлаш тизими

Саратов шаҳридаги самолётсозлик заводида 1955 йилда нуқсонсиз маҳсулот тайёрлаш ва уни техник назорат бўлимига ёки буюртмачига биринчи кўрсатишдан топширишни ташкил этиш (Саратов) тизими яратилган ва жорий этилган. Ушбу тизим бевосита Б.А.Дубовиков иштирокида ишлаб чиқилган.

Меҳнат сифатини баҳолаш тизимининг асосида вақтнинг ҳисобот даври T (смена, ҳафта, ой)да биринчи кўрсатишдан топширилган маҳсулотнинг фоиз миқдори ётади:

$$K = \frac{P_T}{N_T} 100\ \%, \qquad (2.42)$$

бунда, P_T — техник назорат бўлими томонидан Т вақтда биринчи кўрсатишдан қабул қилинган маҳсулотнинг сони;

N_T — техник назорат бўлимига Т вақтда киритилган маҳсулотнинг сони.

Алоҳида ишчининг, гуруҳнинг, бўлинманинг, цехнинг меҳнати сифати баҳоланади, натижаси бўйича мукофот киймати аниқланган.

Саратов тизимини Ўзбекистонда иқтисодиётнинг 24 тармоғида қўлланилган. Ушбу тизим республиканинг электротехника, электрон ва енгил саноат корхоналарида яхши самара берган. Тошкент радиодеталлар заводида техник назорат бўлимига биринчи кўрсатишдан 99,5 %, «Тошкенткабел» заводи, электрон техника корхонаси, «Қизил тонг» тикув фирмаси, Олмалиқ мебел фабрикасида 95 % маҳсулотлар топширилган.

Кейинчалик Ўзбекистон корхоналарида Саратов тизимининг «Львов варианти» деб номланган ва Львов телеграф аппаратлари заводида яратилган, нуқсонсиз меҳнат тизими (НМТ) жорий этилган. Бу тизимда меҳнат сифатининг асосий кўрсаткичи булиб меҳнат сифатининг умумлашган критерийси $К_{ик}$ хизмат қилади:

$$K_{x.к} = K_o - \sum_{1-n}^{n} Kci \qquad (2.43)$$

бунда, $K_{ик}$ — меҳнат сифати коэффициенти;

K_o — меҳнат сифати меъёри учун қабул қилинган коэффициент (одатда, 1 га тенг);

n — меҳнат сифати коэффициентининг пасайиши билан боғлиқ курсаткичларнинг умумий сони;

K_i — i-чи курсаткич буйича меҳнат сифатига белгиланган талабларни бузгани учун пасайиш коэффициенти.

Кейинчалик корхоналарда меҳнат сифати умумлашган коэффициентини ҳисоблашда, камчиликларни инобатга олувчи курсаткичлар билан бирга, меҳнат сифатига белгиланган талаблардан юқори булган, ишда ижобий натижаларни курсатувчи курсаткичлар ҳам инобатга олина бошланди:

$$K_{x.k} = K_o + \sum_{m=1}^{m} Kni + \sum_{i=1}^{n} Kci , \qquad (2.44)$$

бунда, m — меҳнат сифати коэффициенти кутарилиши билан боғлиқ курсаткичлар умумий сони;

K_{ni} — меҳнат сифатига белгиланган талабларга нисбатан ошишга оид усиш коэффициенти.

Бунда меҳнат сифати коэффициенти бирдан куп булиши мумкин.

Нуқсонсиз меҳнат тизимига утиш, одатда, ишлаб чиқариш-техник базани такомиллаштиришни талаб этади.

Тизимни амал қилиш шароитида корхоналарда назорат, ҳисоб, таҳлил, ходимлар тайёрлаш тизимлари қайта ташкил этилиб, такомиллаштирилиб борилган. Сифат мактаблари, сифат кунлари кенг тарқалиб борди.

Кейинроқ Саратов тизими маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс тизимининг таркибий қисмига айланган.

Назорат саволлари:

1) Нуқсонсиз маҳсулот тайёрлаш тизими қачон ва қаерда жорий этилган?

2) Меҳнат сифатини баҳолаш тизимининг асосида қандай курсаткич ётади?

3) Нуқсонсиз маҳсулот тайёрлаш тизими Ўзбекистонда иқтисодиётнинг қайси тармокларида қўлланилган?

4) Нуқсонсиз меҳнат тизимининг моҳияти нимадан иборат?

5) Нуқсонсиз меҳнат тизимининг асосида қандай курсаткич ётади?

6) Меҳнат сифати умумлашган коэффициентини ҳисоблашда қандай курсаткичлар керак бўлади?

8.6. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс тизими

XX асрнинг 60-йиллари охирида стандартлаштириш бўйича илмий тадқиқот институти илмий ходимлари томонидан маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс тизими (МСБ ЦТ) яратилган. Львовдаги корхоналарда тизимнинг кенг миқёсли илмий-ишлаб чиқариш экспериментлари ўтказилган. Экспериментларга стандартлаштириш бўйича илмий тадқиқот институти директори профессор А.В.Гличев ва электротехник ва радио ўлчашлар илмий тадқиқот институтининг Львов филиали директори Е.Т.Удовиченко раҳбарлик қилганлар.

70-йилларнинг бошида А.В.Гличев бошчилигидаги гуруҳ томонидан сифатни бошқаришнинг биринчи уч ўлчамли моделлари ишлаб чиқилган. Шу билан, икки ўлчамли моделдан уч ўлчамли моделга ўтиш амалга оширилган.

Моделда сифат шаклланадиган ва сифатнинг эришилган даражасини сақлаш таъминланадиган маҳсулот ҳаётининг босқичлари кўрсатилган. Сифатни бошқаришнинг уч даражаси кўрсатилган. Ҳар бир босқичда 12 та махсус функциялар мавжуд:

Истеъмолни, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини ўрганиш ва башорат қилиш.

Маҳсулот сифатини кўтаришни режалаштириш.

Маҳсулот сифатига талабларни меъёрлаш.

Маҳсулот яратишни ташкил этиш.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни ташкил этиш.

Моддий-техник таъминотни ташкил этиш.

Метрологик таъминотни ташкил этиш.

Персонални ўқитишни ташкил этиш.

Сифатни кўтаришни рағбатлантириш.

Стандартларга риоя этилиши устидан давлат назорати.

Сифат тоифалари бўйича маҳсулотнинг аттестацияси.

Сифатни ҳуқуқий таъминлаш.

Ҳар бир махсус функция доирасида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши керак:

— функциянинг мақсад ва вазифаларини белгилаш;

— бу функциянинг ижросини таъминлаш;

— функциянинг ижросининг амалга оширилаётганлигини назорати;

— аниқлаштирувчи (корректировка) ҳаракатларини киритиш.

Қайд этилган усулларда маҳсулотнинг белгиланган курсаткичларини тахминланиши бўйича ҳаракатлар амалга оширилаётганлиги яққол кўрилмайди ва бу уларнинг камчилигидир.

1974 йилда стандартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари М.И.Круглов ва И.Д.Крижановский ўрта даражадаги машинасозлик корхонаси мисолида ўз ичига уч йўналишни олувчи МСБ КТнинг тежамкор тизма моделини ишлаб чиқишди:

параметрик;

функционал;

ташкилий-меҳнат.

МСБ КТнинг услубий принциплари, корхона стандартлари асосида маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини кўтаришдаги ҳаракатлар мажмуасини назарда тутади. Корхона стандартларида ҳар бир бўлинмалар ва ҳар бир ижрочининг вазифалари аниқ белгиланган. Корхона стандартлари стандартлаштириш давлат тизимининг муҳим қисми ҳисобланиб, жамият эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида маҳсулотни лойиҳалаш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, сотиш ва фойдаланиш жараёнларини самарали бошқариш имконини беради.

МСБ КТни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ишлар шартли равишда учта йўналишга бўлинган: ғоявий, ташкилий-услубий, мутахассислар тайёрлаш.

Ғоявий йўналиш ўз ичига барча даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, илмий-техник тараққиётга ёрдам бериш кенгашлари тавсияномалари, сифат муаммолари бўйича жамоат услубий кенгашлари тавсияномаларини олади.

Ташкилий-услубий йўналишда тизимни жорий этиш бўйича режалар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Республика, вилоят, шаҳар ва туман сифат хоналари ташкил этилиб, бир неча республика ва ҳудудий илмий-техник конференциялар, семинарлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида олиб борилаётган ишлар кенг ёритиб борилган.

Мутахассислар тайёрлаш йўналиш доирасида иқтисодиёт тармоқлари ва студентларни кенг қамровда ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича ишлар олиб борилган. Ҳатто умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқувчиларига республика сифат хоналарида стандартлаштириш, метрология

ва сифатни бошқариш асослари буйича дарслар утказилган. Бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртларида стандартлаштириш, метрология ва сифатни бошқариш асослари буйича ўқув курслари киритилган.

80-йилларнинг ўртасида МСБ КТ республиканинг 600 дан зиед корхоналарида жорий этилган ва руйхатга олинган бўлиб, улар қаторида маиший хизмат кўрсатиш, автотранспорт корхоналари, илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари бор эди.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан утказилган таҳлилга кура, МСБ КТ тулиқ жорий қилинган республика корхоналарида маълум даражада иқтисодий ва ижтимоий самараларга эришилган: сифатли маҳсулотлар ҳажми ва улуши ошган, нуқсонлардан келиб чиқадиган харажатлар камайган, меҳнат унумдорлиги кўтарилган, махсулот таннархи камайган.

МСБ КТ асосида бир тармоқ доирасида корхона ва ташкилотлардаги сифатни бошқариш тизимлари умумлаштирган холда, маҳсулот сифатини бошқаришнинг тармоқ тизими (МСБ ТТ) ишлаб чиқилган ва тармоқ доирасида жорий қилинган. МСБ ТТ яратилиши ва фаолият кўрсатиши, мамлакат миқёсида сифатни бошқаришнинг ягона давлат тизимининг асосий талабларига мувофиқ булиши керак булган.

Назорат саволлари:

1) Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс тизими ким томонидан яратилган?

2) А.В.Гличев бошчилигидаги гуруҳ томонидан сифатни бошқаришнинг қандай модели ишлаб чиқилган?

3) А.В.Гличев моделида неча босқичлар кўрсатилган?

4) А.В.Гличев моделида ҳар бир босқичда неча махсус функциялар мавжуд?

5) Ҳар бир махсус функция доирасида қандай ҳаракатлар амалга оширилиши керак?

6) МСБ КТни ишлаб чиқиш ва жорий этиш буйича ишлар шартли равишда қандай йўналишларга булинган?

7) МСБ КТнинг ғоявий йўналиши нимани англатади?

8) МСБ КТнинг ташкилий-услубий йўналиш нимани англатади?

8.7. Тошкент сифатни таъминлашнинг тизимлари

Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Кибернетика институтида сифатни автоматлаштирилган бошқарув тизимлари (АБТ)ни жорий этишнинг ягона услубияти ишлаб чиқарилган, маҳсулот сифатини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари (МСБ АТ)га техник топшириқни ишлаб чиқиш учун талаблар аниқланган. Электрон, электр ҳамда қишлоқ хўжалик машинасозлиги техникаси маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар учун МСБ АТ жорий этишнинг мувофиқлаштириш режалари тузилган.

Ўзбекистон саноатининг турли тармоқлари корхоналари томонидан нуқсонсиз меҳнат тизимини жорий этишга катта қизиқиш билан қаралган. Бу тизимни жорий этишда тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш талаб этилган. Нуқсонсиз меҳнат тизимини жорий этган тармоқлар (авиация, тўқимачилик, қурилиш, нефткимё ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электр ва электрон техникаси, кимё, қишлоқ хўжалиги) ва корхоналар сони йилма-йил ортиб борган. Тизимни илмий-тадқиқот ва конструкторлик муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари жорий этганлар.

Маҳсулотни техник назорат бўлимига биринчи кўрсатишдан топшириш оммавий тус олган, кўплаб илғор ишчилар шахсий муҳрларига эга бўлганлар, тизим жорий этилган цехлар техник назорат бўлимининг доимий назоратисиз ишлаганлар.

Нуқсонсиз меҳнат тизими республикада икки босқичда: биринчиси 1964 йилдан «Маҳсулотни тайёрлашнинг Саратов усулини жорий этиш тўғрисида тадбирлар» доирасида, иккинчиси — «ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини кўтариш бўйича тадбирлар тизимини республикада жорий этиш» доирасида қўлланилган. Айрим корхоналар нуқсонсиз меҳнат тизимини жорий этишга тайёргарлик илгарироқ бошланган. 1959 йилда Тошкент авиасозлик заводида сифатни кўтариш тизими ва маҳсулотни биринчи кўрсатишдан топшириш тизими жорий этила бошланган. Орттирилган тажриба асосида «Нуқсонсиз маҳсулот тайёрлаш ва уни техник назорат бўлимига ва буюртмачига биринчи кўрсатишдан топшириш тўғрисида» низом тайёрланди. Заводнинг тўртта цехида тизимни самарали синовини ўтказилгандан сўнг, уни бошқа цехларга ҳам жорий этилади. Маҳсулотни нуқ-

сонсиз тайёрлашнинг комплекс ва самарали ечимини топиш йўлларидаги изланишлар натижасида, маҳсулотни тайёрлаш, назоратга топшириш ва ижрочиларнинг сифатга масъуллигини ошириш тартибини ўз ичига олувчи тизимни яратиш зарурати намоён бўлди. Заводнинг бир гуруҳ мутахассислари томонидан МСБ КТ ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Тошкент авиасозлик заводида илмий асосланган, юқори сифатни таъминлаш, ресурсларни кўпайтириш ва ишончлиликни ошириш тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилиши, нуқсонсиз маҳсулотни тайёрлаш масаласини ечишда катта қадам бўлган.

Ушбу тизимни қўлланилиш тажрибаси янги машиналарни серияли ишлаб чиқаришда ўзининг юкори самарасини кўрсатган. Тизим кенг қамровли масалаларни ўз ичига олиб, машиналар конструкцияларини такомиллаштиришдан бошлаб, то улардан фойдаланиш техник даражасини кўтаришгача бўлган жараёнларга ҳам жорий этилган.

Тизим қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

I машиналар конструкцияларини такомиллаштириш;

II технологик жараёнларни такомиллаштириш;

III ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш;

IV ишлаб чиқариш маданияти ва саноат эстетикасини такомиллаштириш;

V деталлар, қисмлар ва агрегатлар ишлаб чикаришнинг юкори сифатини таъминлаш;

VI ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида объектив назорат усулларини жорий этиш;

VII маҳсулотдан фойдаланишнинг техник даражасини кўтариш.

Қайд этилган мақсадларнинг ҳар бири ўз ичига ишлаб чиқариш бўлинмаларида ўзаро боғлиқ бўлган ишлар комплексини олади. Улар келишилган чораларни сифатни кўтариш, ресурсларни кўпайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ишончлилигини ошириш вазифасини бажаришга хизмат қилади.

Тизим қуйидагиларни инобатга олади:

— машинанинг ҳар бир қисмини монтажининг барча босқичлари, мустаҳкамлик ва фойдаланиш кўрсаткичлари бўйича синовлари ва текширувларини ўтказишнинг комплекс конструктив-технологик чораларини ўтказиш;

— оқилона фойдаланишдан олдин ҳар томонлама ресурс синовларини ўтказиш;

— ҳақиқий фойдаланиш ҳолатларини инобатга олган ҳолда, хомашё материаллари, асбоблар ва агрегатларнинг кириш назоратини кенг қамровда ўтказиш;

— фойдаланувчи ташкилотларга кенг доирадаги механизация, автоматлаштириш ва объектив назорат воситаларини, улардан фойдаланиш иконият ларини ошириш мақсадида яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш.

Тизимда ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни ташкил этиш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, кўп меҳнат талаб этадиган ишларни комплекс механизациялаш, юқори унумли замонавий ускуналарни жорий этиш масалалари муҳим ўрин эгаллайди.

Тизим доирасида маҳсулотни ва ишлаб чиқариш жараёнини назорати аниқ тизими ташкил этилган. Назорат қуйидаги йўналишларда олиб борилган:

— четдан олинаётган деталлар, қисмлар ва материалларнинг кириш назоратини таъминлаш;

— бевосита ишлаб чиқариш жараёнида кўп босқичли назорат тизимини ва нуқсонсиз маҳсулотни топшириш ни ташкил этиш;

— фойдаланувчи ташкилотларда буюмлар ишини таҳлил қилиш хизматини ташкил этиш.

Бундай назоратнинг асосий вазифаси, амалдаги барча меъёрий-техник ҳужжатларга мувофиқ, четдан олинаётган деталлар, қисмлар ва материалларнинг таъминотчиларига юқори талабларни қўйишдан иборатдир. Бунинг учун назорат-синов ускуналарининг комплекси яратиган, маҳсулоларни ҳисоби, таҳлили ва яроқсизликни олдини олиш (профилактикаси) тизими яратилган. Тайёр маҳсулотни назоратини 100% оиб бориш вазифаси қўйилганди.

Тизимни самарали ишлаши учун бир неча рағбатлантириш чоралари кўрилган. Ходимларни сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантириш учун, яхши меҳнати учун мукофотлар бериш, «Сифат аълочиси» унвонини ва фахрий ёрлиқлар бериш йўлга қўйилганди.

Тизимнинг самараси натижасида маҳсулотнинг сифатини кўтаришга ва уларнинг ресурсини 3,5 бараварга оширишга, монтаж ишлари циклини ва меҳнат сарфини камайтиришга, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга, маҳсулотнинг истеъмолдаги иш қобилиятини оширишга эришилади. Маҳсулотга истеъмолчиларнинг эътирози 2,5 баравар, яроқсизликка харажатлар эса 4,6 баравар камайди.

Тошкент электрон техника заводида юқори сифатни ва ишончлиликни таъминлаш тизими ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Тизимнинг вазифаси деталлар, қисмлар ва тайёр маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлаш ва ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида сифатни статистик назорат усулларини жорий этишдир. 1968 йиллан заводда цехлар ишини баҳолаш ва шахсий тамғалар буйича тартиб жорий этилган. Сифатни таъминлаш буйича цехлар ва ходимлар орасида мусобақалар ташкил этилган. Шахсий тамғалари бўлган ишчиларнинг маошига қушимча хақ туланган. Ушбу тизим жорий этилиши натижасида буюртмачиларга нуқсонсиз ариимўтказгичли асбоблар топшириш 11,8%га кутарилган, истеъмолчиларнинг эътирози 3 баравар камайган.

Маҳсулот ва меҳнат сифатини бошқариш масаласига тизимли ёндашув Ўзбекистоннинг бошқа кўплаб корхона ва муассасаларида қўлланилган.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистондаги Кибернетика институтида сифатни бошқаришнинг қандай тизими ишлаб чиқилган?

2) Нуқсонсиз меҳнат тизими қандай тармоқларда жорий этилган?

3) Тошкент авиасозлик заводида сифатни таъминлашнинг қандай тизими ишлаб чиқилган?

4) Тошкент авиасозлик заводи тизими қандай мақсадларга йўналтирилган?

5) Тошкент авиасозлик заводи тизими нималарни инобатга олади?

6) Тизим доирасида маҳсулотни ва ишлаб чиқариш жараёнини назорати қандай йўналишларда олиб борилган?

7) Тошкент электрон техника заводида қандай тизими ишлаб чиқилган ва жорий этилган?

8.8 Халқаро стандартлар асосида сифатни бошқариш тизимлари

Ҳозирда халқаро савдо муносабатларида маҳсулотларнинг кўпчилиги, истеъмолчининг бозор ҳолатидан хабардорлиги ва бозорда талаб ва таклифнинг доимий ўзгариб туришини кузатиш мумкин [1].

Маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини олтита асосий критерийлар билан баҳолаш мумкин: сифат, нарх, маҳсу-

лотни етказиб бериш муддати, эксплуатация қиймати, хиз мат кўрсатиш (сервис)нинг қулайлиги, ишонч. Буларнинг учта (сифат, нарх, маҳсулотни етказиб бериш муддати) энг муҳим (ҳал қилувчи) критерийлар ҳисобланади.

Бозор муносабатларининг кенгайиши, рақобатнинг кучайиши миллий даражада сифатни бошқариш тизимларини кенг қамровда жорий этилишига сабаб бўлган.

XX асрнинг 50-йилларида Японияда, кейинчалик 80-йилларда АҚШ да сифатни комплекс бошқариш (ТQМ) тизими жорий этилган. Бу тизим асосан корпоратив ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Дастлабки умумэътироф этилган сифат тизимлари ва стандартлари 50-йиллардан кейин, технологик ва саноат ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг ва маҳсулотнинг мураккаблашиши натижасида жорий этилган.

АҚШда қуролланиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришда жорий этилган сифат тизимларига стандартлар мажмуаси (Сифатни таъминлаш бўйича бирлашган материаллар — AQAP) бу йўналишдаги биринчи меъёрий ҳужжатлардан ҳисобланади.

Сифатни таъминлаш бўйича дастлабки Британия стандартлари BS 4891 ва BS 5179 моҳияти бўйича кўпроқ миллий қўлланма кўринишида бўлган ва талаблар сифатида қўлланилиши мумкин бўлмаган. Кейинчалик Британия стандартлар институти (BSI) томонидан сифатни таъминлаш бўйича мукаммаллаштирилган BS 5750 стандарти ишлаб чиқилди ва у ҳам истеъмолчилар, ҳам таъминотчилар томонидан қўлланилган. BSI шу стандартга асосан сифат тизимини жорий этган корхоналарни рўйхатга олишни ташкил этди.

80-йилларнинг ўртасидан ИСО ташкилоти сифат соҳасидаги халқаро стандартларни ишлаб чиқишни бошлаган. Бу жараённинг мураккаблиги, стандартларда нафақат истеъмолчилар ва таъминотчилар манфаатлари, улар ўртасидаги муносабатларни инобатга олиш кераклиги, балки тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини, миллий манфаатларни ва халқаро савдодаги талабларни инобатга олиш зарур эди. Бу масалаларни ечишда мавжуд миллий тажрибалар инобатга олинди.

ИСОнинг 176-чи «Сифатга умумий раҳбарлик ва сифатни таъминлаш» номли (ИСО/ТК 176) техник қўмитаси, бу йўналишда катта тажрибага эга кўп ривожланган давлат

лар ва йирик компаниялар мутахассислари иштирокида, сифат тизимларини халқаро даражада жорий этишга қаратилган стандартлар устида иш олиб борди. 1987 йилда ИСО 9000 сериядаги дастлабки бешта стандартлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди. 1994 йилда ИСО 9000 сериядаги стандартларнинг иккинчи таҳрири, 2005 йилда учинчи таҳрири, 2008 йилда эса тўртинчи таҳрири ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

ИСО 9000 сериядаги стандартларни ИСО томонидан қабул қилиниши халқаро даражада сифат менежменти тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштиришнинг умумэътироф этилган ягона меъёрий асосини яратиш ва бу фаолиятни мувофиқлаштириш имконини яратди.

ИСО 9000 сериядаги стандартларнинг асосида сифатни комплекс бошқариш (TQM) тизими принциплари ётади. Бунга асосан, замонавий сифат менежменти саккизта принципларга асосланади:

принцип 1 — истеъмолчига мўлжалланган ташкилот;

принцип 2 — раҳбариятнинг ўрни;

принцип 3 — ходимларни жалб этиш;

принцип 4 — жараён сифатида ёндашув;

принцип 5 — бошқарувга тизимли ёндашув;

принцип 6 — доимий яхшилаш;

принцип 7 — далилларга асосланган қарорларни қабул қилиш усули;

принцип 8 — таъминотчилар билан ўзаро манфаатли муносабатлар.

Сифат менежменти тизими — сифатга боғлиқ тарзда ташкилотга раҳбарлик қилиш ва бошқариш учун менежменти тизими

ИСО 9000 — сериядаги стандартлар асосан қуйидаги МҲ-лардан иборат:

ИСО 9000 — сифат менежменти ғоясини ва атамаларини ўз ичига олган стандарт;

ИСО 9001 — сифат тизимларига талабларни ўрнатувчи стандарт;

ИСО 9004 — сифат тизимларини ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатмаларни ўз ичига олган стандарт.

Сифат менежменти тизимларини жорий этиш учун зарур бўлган стандартларнинг тўлиқ комплекси тузилмаси расм 1.30да келтирилган.

2.30-расм. Сифат менежменти тизими стандартларининг тузилмаси

Сифат тизимларини моҳиятини кўрсатиш учун ИСО 9001 ва ИСО 9004 стандартларида унинг жараёнли ёндашувга асосланган модели (2.31-расм) келтирилган.

Моделда берилганига кўра, ташкилотга кириш маълумотларни беришда истеъмолчиларнинг ўрни муҳимдир. Модернинг асосини ёпиқ бошқарув циклига бирлашган олти ичидаги тўртта блок ташкил этади. Ички ҳалқа раҳбарият масъулиятини ресурсларни бошқариш орқали маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлайди, бутун жараён ўлчашлар, таҳлил ва яхшилаш билан тугалланиб, яна раҳбарият масъулиятига қайтади.

Ташқи ҳалқа истеъмолчиларнинг ўрни муҳимлиги билан бирга талабларни киритишнинг ўзи етарли эмаслигини таъкидлайди. Истеъмолчилар билан қарама-қарши боғлиқлик улар талабларини аниқлашга ёрдам беради, жараён эса истеъмолчиларнинг қониққанлиги билан якунланади.

ИСО 9000 сериядаги стандартлар Ўзбекистон давлат стандартлари O'z DSt ISO 9000:2009, O'z DSt ISO 9001:2009, O'z DSt ISO 9004:2014 ва бошқалар сифатида қабул қилинган.



Шартли белгилар: ——→ кимматини оширувчи фаолият

— — → Ахборотлар окими

2.31-расм. Сифат менежменти тизими модели

ИСО 9000 сериядаги стандартлардан ташқари сифат менежменти тизимларига тегишли бошқа халқаро МҲлар ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

ИСО 14000 сериядаги стандартлар экологик менежмент тизимини яратишга қаратилган халқаро МҲлар ҳисобланади. Бу стандартлар мажмуаси атроф-муҳитни ҳимоясига тегишли бўлиб, улар орқали ташкилотлар:

— ташкилот фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини минимумга келтиришга;

— экология ҳимоясига қаратилган қонунлар, коидалар ва бошқа талабларни қўллашга;

— атроф-муҳитни ҳимоя қилиш йўналишида доимий такомиллаштиришга эришадилар.

ИСО 14000 стандартлари билан ИСО 9000 стандартлари орасида ўхшашлик бўлиб, иккала гуруҳ ҳам сифат менежментига тегишлидир.

ИСО 14000 сериядаги стандартлар ИСОнинг 207-техник қўмитаси (ИСО ТК 207) томонидан 1996 ишлаб чиқилган



2.30-расм. Сифат менежменти тизими стандартларининг тузилмаси

Сифат тизимларини моҳиятини кўрсатиш учун ИСО 9001 ва ИСО 9004 стандартларида унинг жараёнли ёндашувга асосланган модели (2.31-расм) келтирилган.

Моделда берилганига кўра, ташкилотга кириш маълумотларни беришда истеъмолчиларнинг ўрни муҳимдир. Моделнинг асосини ёпиқ бошқарув циклига бирлашган овал ичидаги туртта блок ташкил этади. Ички ҳалқа раҳбарият масъулиятини ресурсларни бошқариш орқали маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлайди, бутун жараён ўлчашлар, таҳлил ва яхшилаш билан тугалланиб, яна раҳбарият масъулиятига қайтади.

Ташқи ҳалқа истеъмолчиларнинг ўрни муҳимлиги билан бирга талабларни киритишнинг ўзи етарли эмаслигини таъкидлайди. Истеъмолчилар билан қарама-қарши боғлиқлик улар талабларини аниқлашга ёрдам беради, жараён эса истеъмолчиларнинг қониққанлиги билан якунланади.

ИСО 9000 сериядаги стандартлар Ўзбекистон давлат стандартлари O'z DSt ISO 9000:2009, O'z DSt ISO 9001:2009, O'z DSt ISO 9004:2014 ва бошқалар сифатида қабул қилинган.



2.31-расм. Сифат менежменти тизими модели

ИСО 9000 сериядаги стандартлардан ташқари сифат менеджменти тизимларига тегишли бошқа халқаро МҲлар ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

ИСО 14000 сериядаги стандартлар экологик менежмент тизимини яратишга қаратилган халқаро МҲлар ҳисобланади. Бу стандартлар мажмуаси атроф-муҳитни ҳимоясига тегишли бўлиб, улар орқали ташкилотлар:

— ташкилот фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини минимумга келтиришга;

— экология ҳимоясига қаратилган қонунлар, қоидалар ва бошқа талабларни қўллашга;

— атроф-муҳитни ҳимоя қилиш йўналишида доимий такомиллаштиришга эришадилар.

ИСО 14000 стандартлари билан ИСО 9000 стандартлари орасида ўхшашлик бўлиб, иккала гуруҳ ҳам сифат менежментига тегишлидир.

ИСО 14000 сериядаги стандартлар ИСОнинг 207-техник қўмитаси (ИСО ТК 207) томонидан 1996 ишлаб чиқилган

ва 1996 йилда биринчи таҳрири эълон қилинган. Унга асос қилиб Британия стандарти BS 7750 олинган.

ИСО 14000 сериядаги стандартлар Ўзбекистон давлат стандартлари O'z DSt ISO 14001:2009, O'z DSt ISO 14004:2002 сифатида қабул қилинган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг менежменти тизими ИСО стандарти асосида қабул қилинган Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt ISO 22000да келтирилган.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt OHSAS 18001:2011 да касбий хавфсизлик ва саломатлик менежменти тизимининг талаблари тегишли халқаро МҲ OHSAS 18001:2007 асосида белгиланган.

Назорат саволлари:

1) Маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини нечта критерийлар билан баҳолаш мумкин?

2) Сифатни комплекс бошқариш (TQM) тизими қачон ва қаерда дастлаб жорий этилган?

3) Сифатни таъминлаш бўйича дастлабки Британия стандартлари қандай ҳужжатлар?

4) ИСО 9000 сериядаги дастлабки бешта стандартлар қачон ишлаб чиқилди ва жорий этилди?

5) ИСО 9000 сериядаги стандартларнинг асосида қандай тизим принциплари ётади?

6) Замонавий сифат менежменти қандай принципларга асосланади?

7) ИСО 14000 сериядаги стандартлар нимага қаратилган МҲлар ҳисобланади?

8) ИСО 14000 стандартлар орқали ташкилотлар нимага эришадилар?

9-боб. ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

9.1 Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини жорий этиш зарурати

Республикамизнинг иқтисодиёт инфратузилмасида халқаро жамиятга интеграциялаш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу жараёнда асосий вазифа — савдодаги мавжуд бўлган техник тусиқларни бартараф этилишидир. Шу боис, техник жиҳатдан тартибга солиш буйича олиб борилаётган фаолият ута муҳим аҳамиятга эга. Айтиб утиш лозимки, техник талабларни оқилона қўлланилиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни рақобатбардошлигига кумаклашишга олиб келади. Ўзбекистон Республикасини Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ)га аъзо бўлиши учун амалдаги миллий қонунчиликни халқаро талабларга мувофиқлаштириш буйича тегишли келишувларда белгиланган талабларни бажариш, яъни савдодаги техник тусиқлар буйича қонунчиликни уйғунлаштирилиши лозимдир.

Халқаро тажрибада маҳсулот, ҳизматлар ва ишларга бўлган мажбурий талаблар техник регламентларда белгиланади. Техник регламентларга тегишли бўлган қонунлар, директивалар ва ҳукумат идоралари томонидан берилган фармойишлар киради. Стандартлар талаблари эса мажбурий эмас. Шу сабабли техник регламентлар амалдаги қонунчиликни бир қисми деб ҳисобласа бўлади.

Давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларида техник жиҳатдан тартибга солиш буйича халқаро талаблар ХСТнинг савдодаги техник тусиқлар буйича Келишувида белгиланган. Келишувга кўра ХСТга аъзо давлатларда икки даражали МҲлар (техник регламентлар ва стандартлар)ни ўз ичига олувчи техник жиҳатдан тартибга солиш тизимлари фаолият кўрсатиши керак:

«Техник регламентлар — ижроси мажбурий бўлган, маҳсулотлар ва улар билан боғлиқ жараёнларнинг характеристикаларини, маъмурий талабларни ўз ичига олган ҳужжат. Унда маҳсулотлар ва уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнлар, усулларга тегишли атамалар, шартли белгилар, ўлчаш, ёрлиқлаш буйича маълумотлар берилиши мумкин».

«Стандарт — ижроси мажбурий бўлмаган, маҳсулотлар ва уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнлар, усулларга тегишли қоидалар, кўрсатмалар ёки характеристикаларни умумий ва кўп маротаба қўллаш учун мўлжалланган

ва тан олинган идора томонидан қабул қилинган ҳужжатлар. Унда маҳсулотлар ва уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнлар, усулларга тегишли атамалар, шартли белгилар, ўраш, ёрлиқлаш буйича маълумотлар берилиши мумкин.

ХСТнинг савдодаги техник тусиқлар буйича Келишувида ҳар бир давлатнинг техник регламентлар орқали мажбурий техник меъёрларни ва стандартлар орқали ихтиёрий талабларни урнатиш ҳуқуқи курсатилган.

Техник регламентлар илмий асосланган маълумотларга мувофиқ ишлаб чиқилиши ва қўлланилиши, халқаро савдода асоссиз ва кераксиз тусиқларни ҳосил қилмаслиги керак. Техник регламентлар талаблари маҳаллий ва импорт қилинган маҳсулотлар учун бир хил тартибда қўлланилиши керак.

Келишувга кура ХСТга аъзо давлатлар уз ҳудудларида манфаатдор томонлар учун керакли маълумотлар билан таъминловчи ахборот марказларини ташкил этишлари керак. Бу марказлардан қуйидаги маълумотлар олиш имконияти бўлиши керак:

— техник регламентлар ва ихтиёрий стандартлар (амалдаги ва ишлаб чиқилаётган);

— мувофиқликни баҳолаш процедуралари (амалдаги ва ишлаб чиқилаётган).

Амалдаги техник регламентлар ва стандартларда импорт қилинаётган маҳсулотлар сифатини, инсон ҳаёти ва соғлиғини, атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик хавфсизлигини таъминлаш назарда тутилиши керак, улар асоссиз тарзда савдода техник тўсиқларни ҳосил қилмасликлари керак.

Европа техник жиҳатдан тартибга солиш тизими тузилмаси китобнинг 4-бўлимида берилган.

Халқаро стандартларни миллий даражада қўлланилиши техник тусиқларни ҳосил бўлмаслигининг усулларидан бири ҳисобланади. ХСТнинг савдодаги техник тусиқлар буйича Келишувида давлатлар томонидан ишлаб чиқилаётган техник регламентларга асос қилиб халқаро стандартларни олиниши кераклиги курсатилган. Фақат алоҳида климатик, географик, технологик ҳолатлар туфайли қайд этилган талаблардан истисно бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар учун Келишувда стандартларни қабул қилишнинг махсус процедураси келтирилган.

Халқаро, ҳудудий тизимларни таққослаш халқаро амалиётда икки даражали МҲлар (техник регламентлар ва стандартлар)ни ўз ичига олувчи техник жиҳатдан тартибга солиш тизими мавжудлигини кўрсатди (2.32-расм).

МДҲ давлатлари ўртасида имзоланган «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида» Келишувда стандартлаштириш, улчашлар бирлилигини таъминлаш ва мувофиқликни баҳолаш бўйича ҳудудий тизимларни яратиш назарда тутилган. Унга кўра, МДҲ ҳудудида икки даражали МҲлар (техник регламентлар ва стандартлар)ни ўз ичига олувчи техник жиҳатдан тартибга солиш тизими фаолият кўрсатиши керак.



2.32-расм. Халқаро техник жиҳатдан тартибга солиш тизимлари

Техник тартибга солишнинг халқаро тизими, техник нормалар белгилаш, шунингдек, уларни баҳолаш ва тасдиқлашни ўз ичига олган. Деярли барча мамлакатлар мана шундай соглашаштирилган техник регламентлаштириш схемаси асосида фаолият юритадилар. Масалан, Европа ҳамжамияти

давлатларида ҳуқуқий ҳужжатларнинг бешта тури ишлаб чиқилган ва улардан учтаси ҳуқуқий жиҳатдан бажарилиши мажбурий булган ҳужжатлардир.

Булар:

— Европа ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар учун умумий мақсадларни белгилаб берувчи кўрсатмалар;

— хавфсизликка оид мажбурий талабларни ўз ичига олиши, конструктив ечим ҳуқуқини тайёрловчи институтга қолдирилиши, маҳсулотни ишлатиш тавсифларини белгилаши, мувофиқликни тасдиқлаши шакли ва схемаларини белгилаши, маҳсулотни тамғалаш қоидаларини белгилаши, маҳсулотни бозорга жойлаштириш қоидаларини ишлаб чиқиш лозим булган регламентлар;

— бутун Европа ҳамжамияти учун эмас, балки ҳар бир субъектлар, масалан, жисмоний шахслар, компаниялар ёки алоҳида аъзо булган давлатлар учун ҳуқуқий жиҳатдан бажарилиши мажбурий булган қарорлар.

Ҳуқуқий жиҳатдан бажарилиши мажбурий бўлмаган ҳужжатларга резолюциялар, тавсияномалар ва стандартлар киради.

Техник тартибга солиш халқаро тизимига ўтиш учун унинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим.

Бутунжаҳон савдо ташкилотининг ТБТ ва СФС битим қоидалари, қабул килинаётган миллий қонунда техник регламентлар, стандартлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб қоидаларини тайёрлаш, қабул қилиш ва қўллаш билан боғлиқ булган масалалар очиб берилиши лозимлигини кўзда тутади.

Мажбурий талабларни ўрнатувчи алоҳида норматив ҳужжатларни ишлатиш принципи, техник жиҳатдан тартибга солиш буйича ишларни ривожлантираётган ва олиб бораётган, кўплаб мамлакатларда қўлланилади. Шу асосда Европа мамлакатларида директивалар кўринишида кўпгина техник регламентлар қабул қилинган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида миллий регламентлар қабул қилинган. 2015 йилда Арманистон Республикасида 59 та регламент, Беларуссия Республикасида 30 та регламент, Молдова Республикасида 40 та регламент, Россия Федерациясида 67 та регламент, Украинада 19 та регламент, Қозоғистонда 30 та регламент, Қирғизистонда 3 та регламент қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси аъзо булган халқаро ва регионал ташкилотлар (хусусан, ШОС, МДҲ, ИСО) доирасида

янги техник регламентлар қабул қилинганидан кейин, қабул қилинган техник регламентлар мамлакатимиз ҳудудида ҳам амал қилиши керак бўлади. Бу ўз навбатида, техник жиҳатдан тартибга солишни жорий этиш бўйича ишларни жадаллаштиришни талаб этади.

Халқаро савдо ташкилотини Савдодаги техник тусиқлар бўйича келишувининг талабларини бажариш мақсадида, республикада бир қатор ишлар амалга оширилган.

Халқаро савдо ташкилотига кириш мақсадида, республикамизда олиб борилаётган сиёсат, авваламбор ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардошлигини, экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бутунжаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида»ги 1995 йил 10 ноябрдаги 45-сонли ва «2007 йил учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ош Режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2006 йил 22 декабрдаги 264 сонли қарорларини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган ва 2009 йилнинг 23 апрелда қонуний кучга кирган ЎРҚ-213-сонли «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, бу йўналишда олиб борилаётган ишларни биринчи натижаси бўлди.

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кабул килинганга кадар, Ўзбекистонда мажбурий талабларни ўрнатувчи жуда кўплаб ҳужжатлар амалга киритилган, бу эса ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда, шунингдек мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ташқи савдо муносабатларида маълум бир техник тўсиқлар туғдиради. Бундай ҳужжатлар жумласига стандартлар, санитария ва гигиена қоидалари, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, фармокопея моддалари, фитосанитария, экологик, ёнғин, ветеринария, энергетика, транспорт қоидалари киради.

Бундай тизим халқаро тажриба ҳамда Бутунжаҳон савдо ташкилотининг «Савдодаги техник тўсиқлар» (ТБТ) ва «Санитария ва фитосанитария чоралари» (СФС) тўғрисидаги Битимлари талабларига зиддир. Ушбу Битимлар стандартлардан ихтиёрий равишда қўлланишга асосланган, мажбурий талаблар эса бошқа ҳужжатда мужассамланган. Бундай ҳужжат унинг юридик мақомига қарамасдан «техник регламент» деб аталади.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича Давлатлараро Кенгаш доирасида МДҲ мамлакатларида ўтказилаётган ишлар туфайли 1999 йилда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Техник тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш буйича иш бошланган.

«Ўзстандарт» агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва муассасалар вакиллари жалб қилинган ҳолда, ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан, Бутунжаҳон савдо ташкилотининг бир қатор битимларини, МДҲ давлатларининг амалдаги қонунларини ўрганиш ва Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги ва норматив-ҳуқуқий асосини таҳлил қилиш натижаси асосида ишлаб чиқилган ва бугунги кунда қонуний кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Техник тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни билан жорий этилган техник жиҳатдан тартибга солиш — мураккаб илмий-техник вазифа булиб, уни ҳал қилишга фақатгина тизимли ёндашув яъни, техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини ишлаб чиқиш ва ушбу тизимни ишлашини таъминлаш йули билан эришилади.

Амалга оширилиши лозим бўлган ишларни бажариш мақсадида, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими (ЎзТТСДТ) ни шакллантириш ҳамда ЎзТТСДТнинг техник асосларини ишлаб чиқиш буйича ишлар давом эттирилиб, бугунги кунда бир қатор натижаларга эришилди.

ЎзТТСДТ жорий этилиши билан мамлакатда маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларга талабларни ўрнатиш буйича икки даражали тизим ўрнатилди: юқори даража — техник регламентлар, қўлланилиши мажбурий бўлган, фақат давлат бошқарув идоралари томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжатлар, қуйи даража — стандартлар, қўлланилиши мажбурий бўлмаган, манфаатдорлар томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжатлар (2.33-расм).

Умумий ҳолда, ҳар қандай тизим бир қатор илмий-техник асосларга таянали. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг муҳим асослари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— ҳуқуқий асослар;
— ташкилий асослар;
— атамалар ва таърифлар;
— тизим элементларининг таснифланиши;
— асосий қоидалар;
— назарий асослар.



2.33-расм. Ўзбекистонда техник меъёрлаш тизими

Назорат саволлари:

1) Техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича халқаро талаблар қайси ҳужжатда келтирилган?

2) ХСТга аъзо давлатларда қандай техник жиҳатдан тартибга солиш тизимлари фаолият кўрсатиши керак?

3) Техник регламентлар нима?

4) Халқаро амалиётда стандартлар қандай мақомга эга?

5) МДҲ ҳудудида техник жиҳатдан тартибга солишнинг қандай тизими фаолият кўрсатиши керак?

6) Халқаро техник жиҳатдан тартибга солиш тизимлари тузилмаси қандай?

7) Европа ҳамжамияти давлатларида қандай ҳужжатлар ишлаб чиқилган?

8) Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг асослари бўлиб нималар ҳисобланади?

9.2 Ўзбекистон Республикаси техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими (Ўз ТТСДТ) нинг ҳуқуқий асоси бўлиб, 2009 йил 2 апрелда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни хизмат қилади. Қонун кучга кириши билан маҳсулотлар, хизматлар ва ишларга бўлган техникавий талабларнинг белгиланиши илгари мавжуд бўлган бир босқичли тизимдан халқаро талабларга мос бўлган икки босқичли тизимга ўтилди. Ушбу Қонун орқали маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг давлат миқёсидаги тизими — ЎзТТСДТ жорий этилди.

Қуйида Қонунда белгиланган ва ЎзТТСДТнинг моҳиятини очиб берувчи асосий тушунчаларни келтирамиз:

— **техник жиҳатдан тартибга солиш** — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш;

— **маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги** — маҳсулотнинг, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, сотиш ва утилизация қилиш жараёнларининг, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмайди;

— **техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар** — техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;

— **техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжат;

— **умумий техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, бир турдаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар гуруҳи хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжат;

– махсус техник регламент — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, умумий техник регламентда назарда тутилмаган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар айрим турининг хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжат;

– савдодаги техник тусиқлар — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда мавжуд бўлган тафовутлари ёки ўзгаришлари оқибатида савдода юзага келадиган тусиқлар.

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

– инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;

– атроф-муҳит муҳофазаси қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

– савдодаги техник тусиқларни бартараф этиш;

– маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи харакатларнинг олдини олиш.

Техник жиҳатдан тартибга солиш қуйидаги асосий принциплардан келиб чиқиб олиб борилади:

– техник регламентларни қўллашнинг мажбурийлиги;

– техник регламентларни қўллашнинг бир хиллиги;

– техник регламентларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлиги;

– техник регламентларнинг, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги.

Қонуннинг 2-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши» белгиланган. Шунга кўра, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари Ўзбекистон Республикаси номидан ўзлари аъзо бўлган халқаро, регионал ташкилотларда миллий ва халқаро (регионал) ҳужжатларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлайдилар. Хусусан, «Ўзстандарт» агентлиги МДҲнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаши доирасидаги фаолиятида техник жиҳатдан тартибга солиш

тўғрисидаги давлатлараро тартиб ва ҳужжатларни ва ЎзТТСДТни узаро мувофиқлигини таъминлаб боради.

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишнинг давом эттирилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майдаги 86-сон қарори қабул қилинди ва у билан қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланди:

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялар тўғрисидаги Низом;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг давлат фондини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом.

Низомда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби, вазифалари ва ҳуқуқлари, шунингдек аъзоларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгиланган.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга узгартириш ва қушимчаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек регламентларни бекор қилиш буйича таклифлар ҳамда улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат ваколатли органлари ҳузурида тузилади.

ЎзТТСДТни янада ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикаси «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 июлдаги 207-сонли «2014—2018 йилларга мўлжалланган техник регламентларни ишлаб чиқиш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида» қарори қабул қилинди. Қарорда 2014—2018 йиллар давомида 31 та умумий техник регламентларни, 4 та махсус техник регламентларни ишлаб чиқиш кўрсатилган. Ушбу қарорга кура умумий техник регламентларни матбаа маҳсулотларига, автотранспорт воситаларига ва қишлоқ хўжалик техникасига, металлургия маҳсулотларига, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларига, дори ва медицина воситаларига ва бошқа маҳсулотларга ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

Назорат саволлари:

1) Қандай ҳужжат Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади?

2) Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?

3) Техник жиҳатдан тартибга солиш нимани англатади?

4) Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари қандай ҳужжатлар?

5) Ўзбекистонда қанлай тоифадаги техник регламентлар амал қилади?

6) Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

7) Техник жиҳатдан тартибга солиш қандай принциплардан келиб чиқиб олиб борилади?

9.3 Ўзбекистон Республикаси техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг ташкилий тузилмаси

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунида Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими (ЎзТТСДТ) фаолият кўрсатиши белгиланган.

ЎзТТСДТ самарали фаолият кўрсатиши учун қуйидаги субъектлар ҳамкорликда иш олиб боришлари керак:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида фаолиятни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида қуйидаги ваколатларга эга:

— техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига кирувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

— техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига кирувчи органларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

— техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш;

— умумий техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни ҳам амалга ошириш.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ЎзГТСДТ фаолиятида алоҳида, етакчи ўринга эга бўлиб, унга қуйидаги вазифалар юклатилган:

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган таклифлар киритиш;

— давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштириш ҳамда ташкил этиш;

— умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясини тузиш;

— давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни ўз ваколати доирасида экспертизадан ўтказиш;

— ўз ваколати доирасида хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш;

— умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга ошириш;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантириш;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколати доирасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли органларга ҳам ўз фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда аниқ вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлигига доир, уларда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар, касаллик туғдирувчи организмларнинг мавжудлиги, касаллик ташувчиларнинг кириб келиши ёки тарқалишининг олдини олиш, тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар, тиббий техника ва дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қўллаш бўйича мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолиятида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланишда ҳамда атроф-муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Шу билан бирга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ўз ваколати доирасида:

— техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари ва умумий техник регламентларни тасдиқлаш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритади;

— умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширади ҳамда уларни экспертизадан ўтказади;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларини тузади;

— давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказади;

— умумий техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

— махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга

ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

— умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчиликка кўра, иқтисодиётнинг тармоқларига тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари (масалан, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Енгилсаноат» уюшмаси, Ахборот ва матбуот агентлиги ва бошқалар) масъул этиб белгиланган. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва олиб бориш ҳам тегишли тарзда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг вазифалари ҳисобланиб, улар ўз ваколатлари доирасида:

— техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритишлари;

— умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширишлари;

— умумий ва махсус техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлашлари;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларини тузишлари;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиришда иштирок этишлари;

— умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга оширишлари керак.

Шу билан бирга, давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида махсус техник регламентларни тасдиқлайдилар, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритадилар, мазкур регламентларни бекор қиладилар.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни (техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни) экспертизадан ўтказиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда улар

юзасидан хулосалар тайёрлаш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларининг фаолияти мувофиқлаштирувчи Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 86-сонли Қарори билан тасдиқланган.

Комиссиялар таркиби тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари раҳбарлари томонидан тасдиқланади. Комиссия раис, унинг ўринбосарлари ва аъзоларини ўз ичига олиб, камида 5 кишидан иборат бўлиши, раис эса ваколатли идора раҳбари ёки раҳбар ўринбосари бўлиши керак. Комиссияга техник регламентлар талаблари устидан давлат назорати ўтказувчи давлат идораси вакили, меҳнат муҳофазасига масъул идора ва патент идораси вакиллари, соҳа бўйича илмий-тадқиқот ва конструкторлик муассасалари вакиллари ҳамда техник регламентларга алоқадор ва манфаатли томонлар вакиллари киритилади.

Комиссияларнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

— ваколатли органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги комплекс ишларнинг олдиндан бажарилишини таъминлайдиган техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг асосий йўналишларини ривожлантиришга доир ишлар режасини ишлаб чиқиш;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш;

— ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни (техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни) экспертизадан ўтказиш, шунингдек, амал қилиш муддати тугаган техник регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда улар юзасидан хулосалар тайёрлаш;

— ўз ваколатлари доирасида хулосалар бериш ва техник регламентларни тасдиқлаш ёки уларни пухталаштириш учун қайтариш юзасидан таклифлар киритиш;

— техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги режалар ва тадбирларни ишлаб чиқишда техник регламентлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатиш.

Комиссияга кўриб чиқиш учун берилган техник регламентлар лойиҳалари хулосалар ижобий бўлган тақдирда умумий техник регламентлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, махсус техник регламентлар лойиҳалари эса тегишли ваколатли органларга белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларининг фаолияти «Ўзстандарт» агентлиги томонидан 11.12.2009да 534-сонли буйруқ билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 07.01.2010да 2060-рақам билан рўйхатга олинган Низом асосида амалга оширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ҳамда ўз ваколатлари доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органлари томонидан шакллантирилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди умумий ва махсус техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўзлари тасдиқлаган махсус техник регламентларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондига белгиланган тартибда тақдим этади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 86-сонли Қарори билан тасдиқланган.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар давлат фонди (ТТС МҲ фонди) замонавий ахборот технологиялари асосидаги маълумотнома — излаш дастурлари ёрдамида хизмат кўрсатувчи ва қуйидаги қоғоз ва электрон кўринишдаги МҲларни ўз ичига олувчи фондлар

— умумий ва махсус техник регламентлар;
— стандартлаштириш буйича МҲлар;
— санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари;
— шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари;
— экологик нормалар ва қоидалар;
— стандартлаштириш буйича халқаро, давлатлараро ва миллий ташкилотларнинг расмий ахборот нашрлари ҳисобланган классификаторлар, каталоглар, курсаткичлар, бюллетенлар.

ТТС МҲ фонди барча манфаатдор ва масалага кизиқган томонларни уз вақтида ва сифатли маълумот билан таъминлашга масъул ҳисобланади. Халқаро савдо ташкилотининг савдодаги техник тусиқлар келишувида ҳам мавжуд ва ишлаб чиқарилаётган техник регламентлар ва стандартлар буйича маълумотлар бериб боришга ваколатли ахборот марказлари булиши кераклиги курсатиб утилган.

ЎзТТСДТнинг тузилмаси 2.34-расмда келтирилган.



2.34-расм. ЎзТТСДТнинг ташкилий тузилмаси

Ваколатли давлат органлари қошидаги ТТС МҲ фонди юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровларига кўра:

— амалдаги ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни;

— маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиб-таомили тўғрисидаги маълумотларни;

— Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзолиги ва халқаро шартномалардаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни;

— ишлаб чиқилаётган, қабул қилинган техник регламентларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этиши керак.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистонда Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг фаолият кўрсатиши қандай ҳужжатда белгиланган?

2) ЎзТТСДТ самарали фаолият кўрсатиши учун қандай субъектлар ҳамкорликда иш олиб боришлари керак?

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида қандай ваколатларга эга?

4) «Ўзстандарт» агентлигига ЎзТТСДТ фаолиятида қандай вазифалар юклатилган?

5) Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига қандай вазифалар юклатилган?

6) Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари қандай мақсадда ва ким томонидан тузилади?

7) Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари қандай мақсадда ва ким томонидан тузилади?

8) Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар давлат фонди қандай тузилади?

9) Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар давлат фонди қандай ҳужжатларни ўз ичига олади?

10) ЎзТТСДТнинг ташкилий тузилмаси қандай?

9.4 Ўзбекистон Республикаси техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг меъёрий асослари

Ўзбекистон Республикаси техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими (ЎзТТСДТ) Ўзбекистон ТСТда 18-синфда белгиланган. ЎзТТСТ нинг иккита асос бўлувчи МҲлари ишлаб чиқилган.

ЎзТТСДТ техник жиҳатдан тартибга солишнинг қуйидаги вазифаларини бажариш учун шакллантирилади:

— инсон ҳаётини ва соғлиғини, юридик, жисмоний шахсларни ва давлат мулкини, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш, табиий бойликлардан рационал фойдаланиш;

— маҳсулотлар ва хизматлар савдосида техник тўсиқларни бартараф этиш;

— маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги масаласида истеъмолчиларни чалғитишга қаратилган ҳаракатларни олдини олиш.

ЎзТТСДТ меъёрий асослари бўлиб, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига мажбурий талабларни белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги МҲлар хизмат қилади.

ЎзТТСДТнинг лотин ёзувида абривиатураси O‘zTTSDT сифатида белгиланади.

Маҳаллий ва четдан келтирилаётган (импорт) маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга тегишли техник регламентларнинг талаблари бир хил бўлиши ва халқаро савдода ортиқча тўсиқларни ҳосил қилмасликлари керак.

Техник регламентларда савдони чегаралашга маълум тўсиқлар қўйилиши мумкин, лекин у асосланган ва маълум муддатга белгиланган бўлиши керак.

Техник регламентлар таркиби қуйидаги элементлардан иборат бўлиши керак:

— титул варақ;
— кириш сўзи;
— қўлланиш соҳаси;
— таъриф ва атамалар;
— ҳимоя сўзи;
— бозорга кириш қоидалари;
— техникавий талаблар;
— мувофиқлик презумпцияси;
— мувофиқликни тасдиқлаш;
— мувофиқликни баҳолаш ишлари натижасини ўзаро тан олиш;

— ўтиш даври;
— давлат текширувини олиб бориш тартиби;
— илова.

«Титул варақ»да давлат ва рус тилларида техник регламент даражаси (умумий ёки махсус), белгиланиши, номланиши, «Расмий нашр» сўзлари, Тошкент — қабул қилинган йил келтирилади.

«Кириш сўзи»да техник регламентга тегишли умумий маълумотлар, халқаро ва регионал даражада уйғунлаштирилганлиги, бошқа техник регламентлар билан ўзаро боғлиқлиги, биринчи марта жорий этилаётганлиги ёки бошқа МҲ ўрнига киритилаётганлиги кўрсатилади.

«Қўлланиш соҳаси»да техник регламентни қўлланиш соҳаси ва техник жиҳатдан тартибга солиш объектлари (маҳсулотлар, жараёнлар ва ишлаб чиқариш усуллари) кўрсатилади.

«Таъриф ва атамалар» элементида техник регламентни аниқ тушуниш учун керакли атамалар берилади.

«Бозорга кириш қоидалари» элементида истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган, инсон, ҳайвонот ва ўсимлик оламига, мол-мулкка, атроф-муҳитга зарар етиши мумкин ҳолларда маҳсулотларни сотишдан тўхташ шартлари ва мувофиқлик белгиларини қўллаш талаблари келтирилади.

«Техникавий талаблар»да маҳсулотлар (маҳсулотлар гуруҳига) ёки уларни ишлаб чиқариш жараёнлари ва усулларига тегишли талаблар келтирилади. Унда маҳсулотларни ўраш, ёрлиқлаш, белгилаш, турли символларни қўйишга бўлган талаблар келтирилиши мумкин.

Техник регламентда агар хавфсизликка алоқаси бўлмаса, техник жиҳатдан тартибга солиш объектининг конструкциясига тегишли талаблар берилмаслиги керак.

«Мувофиқлик презумпцияси» элементида «Илова»да келтирилган халқаро, давлатлараро стандартларга техник жиҳатдан тартибга солиш объектининг мос келиши шартлари берилади.

«Мувофиқликни тасдиқлаш»да риск даражасидан келиб чиққан ҳолда танланган мувофиқликни тасдиқлаш формаси ва схемаси келтирилади.

Маҳсулотга берилган мувофиқлик сертификати ёки декларациясида техник регламентга ҳавола этилади.

«Ҳимоя сўзи» элементида техник регламент талабларига мос келмаган маҳсулотларни бозорга чиқишини олдини олиш чоралари ҳақида кўрсатмалар берилади.

«Мувофиқликни баҳолаш ишлари натижасини ўзаро тан олиш»да мувофиқликни баҳолаш ишлари натижасини ўзаро тан олиш шартлари келтирилади.

«Ўтиш даври»да техник регламентнинг жорий этилиш (кучга кириш) вақти кўрсатилади.

«Давлат текширувини олиб бориш тартиби»да Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда давлат текшируви ўтказишга масъул идора ва текширув ўтказиш даврийлиги кўрсатилади.

«Илова» элементида техник регламент талабларига риоя этиш учун зарур бўлган халқаро, давлатлараро стандартлар рўйхати берилади. Унда жадвал, расм, схема, диаграмма кўринишидаги бошқа иловалар келтирилиши мумкин.

Техник регламентларни ишлаб чиқишда эксперт кенгашлари O'zDSt 1.1, O'zDSt 1.6, O'zDSt 1.24, O'zDSt ISO/IEC 51, O'zDSt 1052, O'z RH 51—010 ҳужжатларини ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллайдилар.

Техник регламентлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида халқаро, давлатлараро, регионал ва Ўзбекистон давлат стандартлари ва бошқа давлатлар эквивалент техник регламентлари қўлланиши мумкин.

Техник регламентни ишлаб чиқувчи иш бошланишидан кейин икки ҳафтадан кўп бўлмаган муддатда белгиланган нашрда (масалан, «Ўзстандарт» агентлиги нашрида) тегишли маълумотни эълон қилишлари керак.

Суровга кўра ТР лойиҳаси манфаатдор томонларга берилиши керак.

Техник регламентни ишлаб чиқувчи уни чоп этиш билан кучга кириши ўртасида етарли вақтни белгилаши керак.

Техник регламент лойиҳаси 30 кун ичида манфаатдор томонлар билан келишилган бўлиши керак.

Техник регламент лойиҳаси эксперт кенгаши томонидан «Ўзстандарт» агентлиги ва бошқа махсус ваколатли бошқарув идоралари қошидаги эксперт комиссияларига тегишли ҳужжатлар билан экспертиза учун киритилади. Эксперт комиссияларининг ижобий хулосаси бўлганда умумий техник регламент лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади. Махсус техник регламент лойиҳаси эса тасдиқлаш учун тегишли давлат бошқаруви идорасига киритилади. Хўжалик бошқаруви идораси томонидан ишлаб

чиқилган техник регламент лойиҳаси «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган техник регламентлар техник жиҳатдан тартибга солиш буйича МҲлар Давлат фондига топширилади.

Тасдиқланган техник регламентлар олти ой муддатдан кам бўлмаган даврда ваколатли идоралар қарори билан жорий этилиши керак.

Техник регламентлар «Ўзстандарт» агентлигида белгиланади ва давлат реестрига киритилади.

Умумий техник регламентлар «UTR 20__/XXX/UZ» кўринишида, махсус техник регламентлар эса «MTR 20__/XXX/UZ» кўринишида белгиланади. Бунда,

UTR — umumiy texnik reglament;

MTR — maxsus texnik reglament;

20__ — қабул қилиш йили;

XXX — «001»дан бошланадиган уч разрядли тартиб рақами;

UZ — ISO 3166 га мувофиқ дунё мамлакатларининг классификатори буйича Ўзбекистон Республикаси белгиланиши.

Техник регламент ишлаб чиқиш ҳақида билдириш кўриниши (мажбурий)

1. Ишлаб чиқувчи_____

O'zDT 002 буйича техник жиҳатдан тартибга солиш объекти коди_____

Қайси маҳсулотга нисбатан талаблар қўйилган

Техник регламент лойиҳаси номи_____

Техник регламент ишлаб чиқиш заруратини асослаш_____

Техник регламентдаги талабларнинг халқаро, регионал ҳужжатлардан фарқи_____

Техник регламент лойиҳасини очиқ муҳокамаси муддати _____ойлар

Лойиҳа буйича эътирозлар қабул қилиш адреси_____

почта адреси, телефон, электрон почта

Техник регламент лойиҳасини нусхасини олиш мумкин_____

почта адреси, телефон, электрон почта

Ташкилот раҳбари_____

имзо, исми, шарифи, фамилия

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг меъёрий асослари қандай ҳужжатларда келтирилган?

2) Техник жиҳатдан тартибга солиш тизими қандай вазифаларни бажариш учун шакллантирилади?

3) Маҳаллий ва четдан келтирилаётган (импорт) маҳсулотларга тегишли техник регламентларнинг талаблари қандай?

4) Техник регламентлар таркиби қандай элементлардан иборат бўлиши керак?

5) Техник регламентларни ишлаб чиқишда эксперт кенгашлари қандай ҳужжатларни қўллайди?

6) Умумий техник регламент лойиҳаси қайси идорага тасдиқлаш учун киритилади?

7) Техник регламентлар қайси идорага белгиланади ва давлат реестрига киритилади?

8) Умумий техник регламентлар қандай қуринишда белгиланади?

9.5 Техник регламентлар

Ўзбекистон Республикасида умумий ва махсус техник регламентларнинг турлари қўлланилади.

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар қуйидагилар буйича белгиланиши мумкин:

— биологик хавфсизлик;
— механик хавфсизлик;
— кимёвий хавфсизлик;
— ядровий ва радиациявий хавфсизлик;
— ёнғин хавфсизлиги;
— электр хавфсизлиги;
— машина ва ускуналарни ишлатиш (улардан фойдаланиш) ҳамда утилизация қилиш хавфсизлиги;
— электромагнит мослиги;
— қурилиш ишлари хавфсизлиги;
— бинолар, иншоотлардан ва уларга гуташ ҳудуддан фойдаланиш хавфсизлиги;
— экологик хавфсизлик;
— ветеринария хавфсизлиги;
— саноат ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги;
— портлаш хавфсизлиги;
— ахборот хавфсизлиги;
— ўлчовларнинг ва синовлар усулларининг бир хиллигини таъминлаш.

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизмат-

лар хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Техник регламентлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

— маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги тавсифлари;

— хавфсизлик талаблари белгиланаётган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг тўлиқ рўйхати;

— атамаларга, ўров идишга, тамғаларга ёки ёрлиқларга ҳамда уларни акс эттириш қоидаларига ва маҳсулотни идентификация қилишга доир талаблар;

— маҳсулотлар намуналарини олиш ва уларни синовдан ўтказиш қоидалари;

— давлат назоратини амалга ошириш тартиби;

— маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган синовлар, ўлчовлар қоидалари ва усуллари.

Зарарли микроорганизмлар ва қўшимчалар, касалликлар, касаллик тарқатувчилар, ифлослантирувчи моддалар, токсинлар, зараркунандалар ва бегона ўсимликлар кириб келиши ёки тарқалиши муносабати билан юзага келадиган инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказилиши хавфи даражаси ҳамда зарарни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда техник регламентларда санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирлари ҳам кўрсатилиши керак.

Санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирларида қуйидагилар белгилаб қўйилади:

— маҳсулотга, уни синаш, текшириш тартиб-таомилига, санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария хулосасини бериш тартибига доир мажбурий талаблар;

— карантин ва ветеринария-санитария қоидалари, шу жумладан, ҳайвонлар ва ўсимликларни ташиш билан боғлиқ талаблар;

— намуналар олиш усуллари ва тартиби, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказилиши хавфини тадқиқ этиш ҳамда баҳолаш усуллари, шунингдек, техник регламентларда кўрсатилган бошқа талаблар.

Техник регламентларда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар бўлмаслиги лозим, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши хавфи даражаси ҳисобга олинган ҳолда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар йўқлиги сабабли маҳсулот хавфсизлиги таъминланмаслиги ҳоллари бундан мустасно.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан узоқ муддат фойдаланилиши оқибатида ва (ёки) йул қуйиладиган хавф даражасини аниқлаш имкониятини бермайдиган бошқа омиллар таъсири сабабли инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказалиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга доир талаблар техник регламентларда булмаслиги керак. Бунда техник регламентларда эҳтимол тутилган зарар туғрисида ҳамда инсоннинг ҳаёти ва соғлигига, атроф-муҳитга зарар етказилиши хавфи қайси омилларга боғлиқ булса, шу омиллар ҳақида истеъмолчиларни хабардор қилишга доир талаблар булиши мумкин.

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир қуйидаги махсус талаблар булиши мумкин:

— қонун ҳужжатларида белгиланган айрим тоифадаги фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлайдиган махсус талаблар;

— техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига таҳдид солувчи трансчегаравий хавфли ишлаб чиқариш объектларига оид махсус талаблар.

Давлат сирларидан ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат булган маълумотларни ўз ичига олган техник регламентлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Техник регламентлар тугал булиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида туғридан-туғри амал қилади ҳамда уларга фақат белгиланган тартибда ўзгартиш ва қушимчалар киритиш йули билан ўзгартирилиши мумкин.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини шакллантириш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органларининг ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўз ваколатлари доирасидаги таклифлари инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш туғрисида»-

ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 86-сонли Қарори билан 2010—2013 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури тасдиқланган.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар белгиланган тартибда:

— техник регламентлар ишлаб чиқилиши ҳақидаги хабарларни эълон қилади;

— техник жиҳатдан тартибга солиниши лозим бўлган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг гуруҳлари ҳамда турларини белгилайди;

— маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиланадиган талабларга мувофиқлигини баҳолаш усулларини белгилайди;

— ишлаб чиқилган техник регламентларни келишиб олади;

— ишлаб чиқилган техник регламентлардан фойдаланиш эркинлигини таъминлайди.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар ишлаб чиқилган техник регламентлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан икки ой ичида уларнинг муҳокама қилинишини таъминлайди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг хулосаси олинганидан кейин умумий техник регламентларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда юборади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўз фаолиятининг йўналишлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг хулосаси асосида махсус техник регламентларни тасдиқлайди.

Тасдиқланган умумий ва махсус техник регламентлар расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан камида олти ой утгач, амалга киритилади.

Умумий ва махсус техник регламентларни эълон қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқишда маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлик мезонларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатлардан фойдаланилади.

Техник регламентларда далилий база сифатида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг матнлари тулиқ ёки қисман келтирилади.

Техник регламентларга риоя этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Техник регламентлар амалга киритилгач, стандартлаштириш буйича уларда кўрсатилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга доир илгари қабул қилинган тегишли норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотади ҳамда белгиланган тартибда қулланилишда ихтиёрийлик касб этади.

Техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назорати техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборот умумдавлат таснифлагичлари томонидан таснифланадиган барча даражали стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатлар, санитария-гигиеник, ветеринар-санитария, фитосанитария, шаҳар қурилиш, экологик нормалар ва қоидаларни ўз ичига олувчи, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг элементлари булиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2015 йил 1 сентябрь ҳолатига қуйидаги 8 та техник регламентлар ишлаб чиқилган:

— «Эксплуатация шароити буйича автотранпорт воситалари конструкцияларининг хавфсизлиги тўғрисида» умумий техник регламент (2013 йил 4 январдан кучга кирган);

— «Техник эксплуатация жараёнида темир йул транпорти хавфсизлиги тўғрисида» умумий техник регламент (2013 йил 4 январдан кучга кирган);

— «Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари хавф-

сизлиги тўғрисида» умумий техник регламент (эълон қилинган кундан 6 ой ўтгач, кучга киради);

— «Гассипол смоласи хавфсизлиги талаблари» махсус техник регламент (2010 йил 31 декабрда тасдиқланган);

— «Ҳарбийлар учун устки кийимлар хавфсизлиги тўғрисида» махсус техник регламент (2011 йил 30 декабрда тасдиқланган);

— «Ҳарбийлар учун оёқ кийимлар хавфсизлиги тўғрисида» махсус техник регламент (2011 йил 30 декабрда тасдиқланган);

— «Очиқ калитлар инфратузилмасига талаблар» махсус техник регламент (2013 йил 4 мартда тасдиқланган);

— «Почта алоқасида хавфсизликни таъминлашга талаблар» махсус техник регламент (эълон қилинган кундан 6 ой ўтгач, кучга киради).

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон Республикасида қандай техник регламентларнинг турлари қўлланилади?

2) Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир қандай талаблар белгиланиши мумкин?

3) Техник регламентлар нималарни ўз ичига олиши керак?

4) Санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирларида нималар белгилаб қўйилади?

5) Техник регламентларда қандай талаблар бўлмаслиги лозим?

6) Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир қандай махсус талаблар бўлиши мумкин?

7) Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари ким томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда эълон қилинади?

8) Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар нималарни таъминлашлари керак?

9) Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун қандай органларга топширилади?

10) Техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назорати ким томонидан амалга оширилади?

11) Ҳозирда Ўзбекистонда нечта техник регламентлар ишлаб чиқилган?

9.6 Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ривожлантириш тамойиллари

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ республикада янги турдаги ҳужжат, «техник регламент» амалга киритилди, ушбу ҳужжатнинг талабларига риоя қилиниши мажбурий эканлиги белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонунларида фақат стандартлар, санитария, ветеринария ва фитосанитария нормалари ва қоидаларининг талаблари мажбурийлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ республикада стандартларнинг фақат мажбурий талабларига риоя қилиниши устидан давлат назорати утказилиши кузда тутилган, техник регламентлар қабул қилинганидан кейин эса давлат назорати техник регламентларнинг талабларига риоя қилиниши устидан олиб борилади.

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан республикамизда, хавфсизликнинг мажбурий талаблари ўрнатилиши ва қўлланилиши, уларга риоя қилиниши устидан давлат назорати амалга оширилиши белгиланган техник жиҳатдан тартибга солишнинг давлат тизими ўрнатилди. Шу муносабат билан амалдаги стандартлаштириш тизимининг янада ислоҳ қилиниши қуйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб борилиши мақсадга мувофиқдир:

стандартлаштиришни бошқарув асосларини такомиллаштириш;

халқаро ва минтақавий стандартларнинг кенг кўламда қўлланилишини таъминлаш;

маҳсулотлар, ишлар, хизматларга оид стандартларни ихтиёр равишда қўллаш.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан мувофиқлаштириш мақсадида:

— Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

— «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалий татбиқ этилишини таъминлаш;

— ягона хавфсизлик талабларини урнатиш;

— умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни жадаллаштириш, айникса кенг истеъмол маҳсулотлари учун ва бунда мавжуд халқаро (регионал) МҲни асос килиб олинишини рағбатлантириш;

— техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг ишлаши ва ривожланишини ҳамда шу соҳада илмий-техник маълумот тарқатилишини таъминлаш;

— «ЎзТТСДТни шакллантириш ва стандартлаштириш давлат тизимини ислоҳ қилиш Концепцияси» жорий этилишини таъминлаш ва уни амалга ошириш Дастурини қабул қилиш;

— ЎзТТСДТ таркибида Ўзбекистон Республикаси асос бўлувчи давлат стандартлари қўринишидаги норматив база (тизим элементлари)ни ташкил этиш (хусусан, асосий атамалар, таърифлар ва бошқаларни ишлаб чиқиш) зарур булади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг ҳуқуқий негизлари шакллантирилмокда. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси Олий Мажлис томонидан қабул қилинди. Ўзгартишлар «Стандартлаштириш тўғрисида», «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Метрология тўғрисида»ги ва бошқа Қонунларга киритилди.

Ҳозирда ишлаб чиқилган ва жорий этилган ТРларга тегишли булган маҳсулотлар, ишлар, хизматлар учун стандартлаштириш буйича МҲни қайта куриб чиқиш керак булади.

ЎзТТСДТнинг ташкилий асосларидан ҳисобланган «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари»нинг фаолиятини жадаллаштириш зарур. Эксперт кенгашларининг функциялари техник қўмиталар функцияларига ўхшаш булиб, стандартлаштириш буйича техник қўмиталар маҳсулотнинг барча характеристикасига талаблар урнатса, Эксперт кенгашлари фақат хавфсизлик талаблари буйича талаблар урнатади. Шунинг учун Эксперт кенгашлари ва ТКлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш керак.

Стандартлаштириш тизими (ЎзСТ)ни маҳсулот, иш ва хизматларга икки даражали талаблар (хавфсизлик мажбурий талаблари ва мажбурий булмаган истеъмол талаблари)

киритилишини кўзда тутадиган стандартлаштириш тизими (ЎзСТ)га ислоҳ қилиш ишларини жадал ва илмий асосда олиб бориш зарур.

Расмий таржималарнинг етарли эмаслиги сабабли Халқаро ва Европа иттифоқи стандартлари кенг даражада ишлатилмаяпти. Ўзбекистонда халқаро, ҳудудий ва ривожланган мамлакатлар стандартларини давлат тилига таржима қилиш, уларни давлат ёки ташкилот стандартлари сифатида жорий этишнинг самарали механизмини амалиётга киритиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 25 декабрдаги 278-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш режасига асосан ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини жорий этилиши муносабати билан, техник регламентлар асосида маҳсулот, иш ва хизматларнинг мувофиқлигини баҳолашга йуналтирилган «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис томонидан 2013 йилда қабул қилинди.

Ҳозирда техник жиҳатдан тартибга солиш ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида техник меъёрларни белгилаш, шунингдек, уларни баҳолаш ва ушбу меъёрларга мувофиқликни тасдиқлашни ўз ичига олган, техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини назарда тутувчи иккита халқаро стандарт — ИСО/МЭК 17000:2004 «Мувофиқликни баҳолаш. Луғат ва умумий принциплар» ва ИСО/МЭК 2:2004 «Стандартлаштириш ва туташ фаолият турлари. Умумий луғат» қабул қилинган.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти томонидан қабул қилинган таърифга биноан, мувофиқликни баҳолаш деганда — маҳсулот, жараён, тизим, мутахассис ёки идора ва лабораторияга белгиланган талаблар бажарилишини исботлаш тушунилади.

Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг амалдаги қонунлари ўрганиб чиқилди. Жумладан, Россия Федерациясининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни ва «Аккредитация тўғрисида»ги қонун лойиҳаси; Беларус Республикасининг «Техник жиҳатдан меъёрлаш ва стандартлаштириш соҳасида техник меъёрий-ҳуқуқий талаблар бўйича мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги. Украинанинг «Мувофиқликни тасдиқлаш тўғрисида»ги ва «Мувофиқликни

баҳолаш идораларини аккредитациялаш тўғрисида»ги, Молдова Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги ва Қозоғистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги ва «Аккредитация тўғрисида»ги қонунлари ўрганиб чиқилди.

«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалдаги «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунни бекор қилмаган ҳолда ва «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонундан алоҳида ишлаб чиқилиши қуйидаги сабабларга кўра амалга оширилди:

Россия Федерациясининг 2002 йил 15 декабрда қабул қилинган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги ва Қозоғистон Республикасининг 2004 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларининг амалдаги ижроси техник жиҳатдан тартибга солиш ва мувофиқликни баҳолаш масалаларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлишини кўрсатди. Бугунги кунга келиб ушбу давлатларда, кўрсатиб ўтилган қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида қабул қилинган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларда мувофиқликни баҳолаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаганлигига қарамай, ҳозирда ушбу давлатларда мувофиқликни баҳолашнинг бир кўриниши бўлган аккредитация талаблари ва жараёнларини ўз ичига олган «Аккредитация тўғрисида»ги қонун лойиҳалари тайёрланган.

Шунингдек, Беларус Республикасида ҳам алоҳида кўринишга эга бўлган «Техник жиҳатдан меъёрлаш ва стандартлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Техник жиҳатдан меъёрлаш ва стандартлаштириш соҳасида техник меъёрий-ҳуқуқий талаблар бўйича мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинган.

Амалдаги «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида сертификатлаштириш масалалари тўлиқ ёритилганлиги туфайли, ушбу қонунни тўлиқлигича «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига киритиш мақсадга мувофиқ эмас. «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонунида мувофиқликни баҳолашнинг умумий йўналишлари, декларациялаш ва аккредитация масалалари кенгроқ ёритилган. Шу

билан бирга, ушбу икки қонун мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги барча масалаларни ўз ичига олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни талабларига мос келади.

Бундан ташқари, ушбу масалага шу тариқа ёндашиш, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан сертификация ва аккредитация соҳаларида мавжуд булган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун утиш даврини талаб қилмайди.

«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, амалдаги «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги ва «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунлар ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги халқаро талабларга уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Мазкур қонуннинг ғояси, техник жиҳатдан тартибга солиш объектларига йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий талабларни «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштириш ҳамда республиканинг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини халқаро қонунчилик талаблари, шу жумладан, ушбу қонун доирасига кирувчи иқтисодий фаолиятда учрайдиган маъмурий тусиқларни камайтириш буйича ХСТ келишувларига уйғунлаштиришни кузда тутади.

Ушбу қонунни ишлаб чиқишдан асосий мақсад қуйидагилардан иборат:

— мувофиқликни баҳолашнинг ягона тури булган сертификатлаштиришдан декларациялашни ўз ичига олган кўп турли мувофиқликни баҳолаш тизимини ташкил қилишнинг қонуний базани яратиш;

— Миллий аккредитациялаш тизимининг қонуний, техник ва ташкилий асосларини яратиш;

— Ўзбекистоннинг Бутундунё савдо ташкилотига аъзо булишига тайёргарлик кўриш мақсадида, ушбу ташкилот келишувлари талаблари ижросини таъминлаш;

— республикада ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек ички бозорни хавфли маҳсулотлардан ҳимоялаш;

— халқаро савдодаги техник тусиқларни бартараф этиш;

— синов, калибрлаш ва қиёслаш лабораториялари, сертификатлаштириш идоралари, инспекция ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги бошқа ташкилотларнинг техник

омилкорлигини ошириш ҳамда иш натижаларини халқаро даражада тан олинишини таъминлаш.

Мувофиқликни баҳолаш бўйича қонун ҳужжатлари ва процедураларини халқаро талаблар билан уйғунлаштириш келгусида ягона қоидалар ва ягона мувофиқлик белгисига эга бўлган сертификатлаштириш тизимини яратиш ҳамда мувофиқликни баҳолашнинг халқаро тизимларида иштирок этишга имкон яратади.

Ягона сертификатлаштириш тизимини яратиш маҳсулотларни давлат чегараларидан олиб ўтишда юзага келадиган тўсиқларни бартараф этишни таъминлайди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилиши ва асосланиши керак:

— тизимнинг мақсад ва принципларини аниқлаш;

— тизимнинг таркибий қисмлари ва ташкилий тузилмасини аниқлаш;

— ҳуқуқий ва техникавий қонунчиликни ташкил этиш;

— техник регламентларни ишлаб чиқиш ва қўллаш соҳасидаги тартибларни аниқлаш;

— ЎзСТни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

— давлат контроли ва назорати идоралари функцияларини такомиллаштириш;

— халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

ЎзТТСДТ қуйидагиларни таъминлаши керак:

— барча манфаатдор томонларнинг техник регламентлар ва стандартларни ишлаб чиқишда иштирок этишига имконият яратиш;

— техник регламентлар ва стандартларни кўриб чиқишда манфаатдор томонларнинг консенсуси;

— ишлаб чиқилаётган техник регламентлар ва стандартлар (ишлаб чиқишдан то қабул қилишгача барча босқичларда), уларнинг халқаро талаб ва қоидаларга мувофиқлиги (номувофиқлиги) тўғрисидаги маълумотларнинг ойдинлиги;

— техник регламентлар ва стандартларни ҳамма субъектлар учун баробар (дискриминациясиз) қўлланилиши.

Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимига асос қилиб, халқаро принциплар, қоидалар ва стандартларни, назоратнинг халқаро амалиётини, ҳамда Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчилик талаблари олиниши керак.

Республикада техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини жорий этилишининг асосий мақсади халқаро амалиётни

хусусан. ХСТнинг соҳага оид талабларини мамлакатда татбиқ этишдир. Шу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

— хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш;

— давлат ва хўжалик бошқаруви идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш;

— Ўзбекистон Республикасининг халқаро савдо, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликда самарали иштирокини таъминлаш, маҳаллий махсулотларни халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш;

— маҳсулотларнинг инсон ҳаёти ва соғлиги, мулки ҳамда атроф-муҳитга хавфсизлигини таъминлаш;

— мамлакатнинг иқтисодий, ҳарбий, саноат қудратини мустаҳкамлаш;

— сотилаётган маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлиги учун ишлаб чиқарувчилар, сотувчиларнинг масъулиятини ошириш;

— маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга истеъмолчиларнинг ишончини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қонуности ҳужжатларига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги ва «Метрология тўғрисида»ги қонунларига 2013 йил 1 майдан ўзгартиришлар киритилди.

Белгиланган мақсадга эришиш ва вазифаларни бажариш учун ЎзТТСДТнинг самарали ташкилий тузилмаси фаолият кўрсатиши ва тизимнинг ҳар бир таркибий қисмида уни мувофиқлаштирувчи (техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, давлат текшируви ва назорати буйича) ва ишчи идоралари (стандартлаштириш буйича ТҚлар, жамоат ташкилотлари ва илмий муассасалар, соҳа мутахассислари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар) аниқланган бўлиши керак.

Назорат саволлари:

1) Нима муносабат билан амалдаги стандартлаштириш тизимининг янада ислоҳ қилиниши зарурати келиб чиқди?

2) Стандартлаштириш тизимининг янада ислоҳ қилиниши қандай йўналишлар буйича олиб борилиши мақсадга мувофиқ?

3) Амалдаги қонун ҳужжатларини «Техник жиҳатдан тар-

тибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан мувофиқлаштириш мақсадида нималарни амалга ошириш керак?

4) «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни нима мақсадда ишлаб чиқилган?

5) Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш қандай йуналишларда амалга оширилиши керак?

6) Республикада техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини жорий этилишининг асосий мақсадини амалга ошириш учун қандай вазифаларни бажариш керак?

7) Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида белгиланган мақсадга эришиш ва вазифаларни бажариш учун нималар талаб этилади?

9.7 Техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш — техник меъёрлаш асослари

Халқаро ИСО/МЭК стандартларининг таҳлили [1] Ўзбекистонда қўлланилиши мумкин бўлган кўплаб стандартлар мавжудлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасида ХСТга кириш бўйича олиб борилаётган сиёсат маҳсулотларни рақобатбардошлигини, экспорт салмоғини оширишга ва мамлакат иқтисодиётини халқаро ҳамжамиятга интеграциялашга қаратилган.

Бу вазифаларни бажариш техник меъёрлаш соҳасидаги сиёсатни ўзгартириш ва Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ТСТни техник жиҳатдан тартибга солиш шароитида қайта кўриш билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиришлар киритилиши билан мамлакатда техник меъёрлашнинг янги, замонавий тизими амалиётга киритилди.

Ўзбекистонда техник жиҳатдан тартибга солиш тизими жорий этилиши билан техник меъёрлаш бўйича ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг икки даражали тизими амалиётга киритилди. Бунда юқори даража халқаро талаблар билан уйғунлаштирилган техник регламентлар ва қуйи даражада истеъмол талаблари асосида ишлаб чиқилган ихтиёрий стандартлардир (2.35-расм).

Техник меъёрлаш тизимини ислоҳ қилиш натижасида халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда стандартлаштириш тизимини такомиллаштиришга ва мамлакат учун муҳим ва долзарб булган техник жиҳатдан тартибга солиш тизими яратилди.



2.35-расм. Ўзбекистонда техник меъёрлаш тузилмаси меъёрий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда техник меъёрлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги ва «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунлари хизмат қилади. Ушбу Қонунлар орқали маҳсулотлар, хизматлар, жараёнларга ўрнатиладиган барча хавфсизлик ва истеъмол талаблари тартибга солинади. Бу

талаблар Қонунда кўрсатилганига кўра, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги МҲда белгиланади.

Қайд этилган қонунлар Ўзбекистонда техник меъёрлаш нинг ягона ва жамланган тизимини ташкил этишга, истеъмол бозорини сифатсиз ва хавфли маҳсулотлардан ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Техник меъёрлаш тизимининг самарали фаолиятини амалга ошириш учун давлат даражасида бошқариладиган ТСТ — Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими ва Стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади. Ушбу тизимларнинг фаолиятининг тартиб ва қоидалари, объектларига ва субъектларига талаблар ваколатли давлат идоралари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзстандарт» агентлиги, бошқа давлат бошқарув идоралари) томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқий (Низомлар) ва асос бўлувчи умумташкилий меъёрий ҳужжат (стандарт ва раҳбарий ҳужжат)ларда ўрнатилади.

Техник меъёрлаш тизимининг меъёрий асослари сифатида техник (умумий ва махсус) регламентлар ва стандартлаштириш буйича МҲлар хизмат қилади.

Стандартлаштириш тизимининг ислоҳи буйича киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, тизимда тўрт тоифадаги стандартлар (халқаро, давлат, ташкилот ва чет давлатлар миллий стандартлари) қўлланилади.

Техник меъёрлаш тизимининг ташкилий асосини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзстандарт» агентлиги, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, эксперт кенгашлари, эксперт комиссиялари, стандартлаштириш буйича ТҚлар ва СТТлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳамда истеъмолчилар ҳосил қилади (2.36-расм).

Амалдаги қонунчиликка кўра, техник регламентлар мажбурий ҳужжат бўлиб, уларда маҳсулотлар, хизматлар, жараёнларга хавфсизлик талаблари, стандартларда эса тавсиявий бўлган истеъмол талаблари ўрнатилиши керак. Ўзбекистонда техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими эндигина (2009 йилдан) жорий этила бошланганлиги ва ҳозир фақат айрим турдаги маҳсулотларга техник регламентлар ишлаб чиқилганлиги сабабли, белгиланган тартибга кўра, техник регламентлар ишлаб чиқилмаган маҳсулотлар (хизматлар, жараёнлар)га стандартларни қўллаш ва улардаги белгиланган талаблар мажбурий ҳисобланади.



2.36-расм. Ўзбекистонда техник меъёрлаш тизими ташкилий тузилмаси

Техник меъёрлашни ташкил этиш буйича умумий талаблар ва қоидаларни давлат бошқарув идоралари ўрнатадилар. Умумий талаблар доирасида хўжалик бошқарув идоралари (ваколатларига кўра) ва ташкилотлар фаолият доирасидан келиб чиққан ҳолда тармоқ ва бирлашмалар буйича талаблар ва қоидаларни белгилайдилар. Хусусан, бир турдаги махсулотларга умумий техник талабларни хўжалик бошқарув идоралари Ўзбекистон давлат стандартида белгиласалар, шу тармоқга тегишли ташкилот (корхона) ўзи ишлаб чиқара-

ётган маҳсулотига (кўрсатаётган хизматига) алоҳида талабларни ташкилот стандартида белгилайди.

Ўзбекистонда жорий этилган ва ҳозирда амалда бўлган техник меъёрлаш тизими халқаро ташкилотлар (ХСТ, ИСО)нинг, республика аъзо бўлган ҳудудий ташкилотлар (Давлатлараро Кенгаш, ШХТ)нинг, бошқа давлатлар билан ҳамкорлик бўйича имзоланган давлатлараро Келишувларнинг асосий талабларига мос келади. Бу ўз навбатида Ўзбекистоннинг халқаро, ҳудудий ва давлатлараро савдо-иқтисодий муносабатларида ижобий хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон Республикасида ХСТга кириш бўйича олиб борилаётган сиёсат маҳсулотларни рақобатбардошлигини, экспорт салмоғини оширишга ва мамлакат иқтисодиётини халқаро ҳамжамиятга интеграциялашга қаратилган?

2) Ўзбекистонда техник жиҳатдан тартибга солиш тизими жорий этилиши билан қандай амалиёт киритилди?

3) Ўзбекистонда техник меъёрлашнинг ҳуқуқий асосини қандай ҳужжатлар ташкил этади?

4) Ўзбекистонда техник меъёрлаш тузилмаси меъёрий-ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

5) Техник меъёрлаш тизимининг самарали фаолиятини амалга ошириш Ўзбекистонда қандай тизимлар фаолият кўрсатади?

6) Техник меъёрлашни ташкил этиш бўйича умумий талаблар ва қоидаларни кимлар ўрнатади?

10-боб. МАҲСУЛОТЛАРГА МАЖБУРИЙ ТАЛАБЛАРНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

10.1 Стандартлар устидан давлат назоратининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажаришда стандартлаштириш буйича МҲ мажбурий талабларини бажаришлари устидан давлат текшируви ва назорати ўтказишни тартибга солувчи Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари мавжуддир.

Хўжалик юритувчи субъектларининг фаолияти устидан давлат назоратини ўтказишнинг асосий талаби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»-ги Қонуни билан белгиланган.

Қонунда давлат назоратига тегишли қуйидаги асосий тушунчалар берилган:

— **назорат қилувчи органлар** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат килишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар;

— **текшириш** — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда уз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

— **текширишларни қайд этиш дафтари** — ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қуйиладиган махсус дафтар;

— **муқобил текшириш** — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ булган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув;

— **назорат тартибида текшириш** — хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

— текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текширищ;

— статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;

— идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектларининг фаолияти устидан давлат назоратини ўтказиш қуйидаги принципларга асосан олиб борилиши керак:

— назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

— юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

— хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

Қонунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш жараёнида назорат қилувчи органларининг текширувни ўтказувчи мансабдор шахсларига нисбатан аниқ талаблар белгиланган. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишлари лозим. Ушбу мансабдор шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳнома, шахсий гувоҳнома ва текширувни ўтказишга конуний асослар мавжуд бўлгани тақдирда йўл қўйилади.

Қонунчиликда белгиланган стандартлаштиришнинг асосий мақсадларини амалга ошириш учун маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларга тегишли стандартлаштириш бўйича МҲда тегишли (мажбурий ва тавсиявий) талаблар белгиланади. Хўжалик фаолияти субъектлари томонидан МҲларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ўтказиш тартиби ва талаблари Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сонли қарорида белгиланган.

Стандартлаштириш бўйича МҲ мажбурий талаблари устидан давлат назоратини «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек, бошқа махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек, тадбир

корлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) давлат назорати объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида «Техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назорати техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади» деб белгиланган. Шу билан бирга, Қонунда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари — «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишлари кўрсатилган.

Метрологик қоидаларнинг амал қилиниши, ўлчашлар бирлигини таъминлаш устидан давлат метрологик назоратини олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонунида белгиланган. Давлат метрологик назорати — метрологик қоидалар бажарилишини текшириш мақсадида давлат метрологик хизмати идоралари томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир. Давлат метрологик назоратини олиб бориш «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий идоралари зиммасига юклатилган.

Қонунда давлат метрологик назорати қуйидаги йўналишларда олиб борилиши кўрсатилган:

— ўлчашлар воситаларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, прокатга бериш, сотиш, қўллаш ҳолати устидан;

— ўлчашларни бажариш услубиятларини қўллаш устидан;

— аккредитатланган метрологик хизматлар, марказлар ва лаборатория фаолиятида белгиланган метрологик қоидалар ва меъёрлар бажарилиши устидан.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (16-модда)да мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини ишлаб чиқарувчилар (тадбиркорлар, сотувчилар) томонидан бажарилиши устидан давлат текшируви ва назоратини ўтказиш

«Ўзстандарт» агентлигининг давлат инспекторлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда олиб бориши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августидаги 410-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш устидан давлат назорати тўғрисида Низом»ида давлат назорати олиб бориш тартиби белгиланган.

Низомда хўжалик фаолияти субъектларида стандартлар ва стандартлаштириш буйича бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар мажбурий талабларини ижроси устидан давлат назоратини ўтказишга ваколатли идоралар сифатида «Ўзстандарт» агентлиги ва бошқа махсус ваколатли давлат бошқаруви идоралари кўрсатилган.

Сертификатлаштириш тизимининг мажбурий қоидалари бажарилиши ва сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан давлат назоратини «Ўзстандарт» агентлигининг давлат инспекторлари ўтказадилар.

Метрология меъёр ва қоидалари бажарилиши устидан давлат метрологик текшируви ва назорати давлат метрологик хизмати («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан амалга оширилади. Эталонлар, ўлчаш воситалари, моддалар ва материаллар таркиби ва хусусиятининг стандарт намуналари, ахборот-ўлчаш тизимлари, ўлчашларни бажариш услубиятлари ва бошқа метрологик объектлар давлат метрологик текшируви ва назоратини объектлари ҳисобланади.

Низомга кўра, «Ўзстандарт» агентлигининг раҳбарлари (бош директор ва унинг ўринбосари), ҳудудий СМБлар раҳбарлари ва ўринбосарлари лавозимига кўра мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг ва тегишли ҳудуднинг стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш устидан бош давлат инспектори ва унинг ўринбосари ҳисобланади. Стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати органлари ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ:

а) стандартлар ва метрология қоидаларининг, шунингдек, маҳсулотлар (жараёнлар, ишлар ва хизматлар)нинг аҳоли ҳаёти ва саломатлиги, мулки хавфсизлигига, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни тежаш, бир-бирини алмаштира олишга мажбурий талабларни белгилайдиган стандартлар ва метрология қоидаларининг ўз вақтида жорий қилиниши ҳамда уларга риоя килинишини, шунингдек, уларни назорат қилиш услублари бирлиги ва тамғалаш бир-

лилигини, қонунчиликда назарда тутилган, маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномаларига киритилган бошқа талабларни текширадилар;

б) физик ўлчовларнинг белгиланган бирликларининг тўғри қўлланилишини, ўлчаш воситаларининг аҳволини, уларни тайёрлаш, сақлаш, узатиш, текшириш ва қўллаш шароитларини, эскирган ўлчаш воситаларининг ишлаб чиқаришдан ўз вақтида олиб ташланишини ва уларни янгисига алмаштирилишини текширадилар;

в) стандартлаштириш ва метрология хизматларининг идоравий хизматлари ишини назорат қиладилар;

г) стандартлар устидан назоратни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар фаолиятига услубий раҳбарликни амалга оширадилар ва уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштирадилар;

д) сертификатлаштириш синовларининг тўғри ўтказилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

е) ишлаб чиқаришлар, сертификатлаштирилган маҳсулотлар, сифат тизимларида аттестация шартларига қандай риоя қилинаётганлиги устидан инспекция назоратини ўтказадилар;

ж) маҳсулотларнинг айрим турларини ўз базаларида ташкил қилинган лабораторияларда синаб кўрадилар;

з) стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати натижаларини умумлаштирадилар, уларни ишлаб чиқишда фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишда кўмаклашадилар, уларнинг ўз вақтида жорий қилинмаганлиги, стандартлар ва метрологик қоидаларнинг бузилиши сабабларини таҳлил қиладилар, стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорат органлари ишининг таъсирини ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни ўтказадилар;

и) вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернларнинг синаш бўлимларини аттестациядан ўтказадилар ва аккредитация қиладилар, берилган маҳсулотлар номенклатураси ёки синовлар турлари бўйича синовларни ўтказиш ҳуқуқига аттестациядан ўтганлик ва аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни берадилар ва уларни рўйхатга оладилар. Бу ишларни лицензия (рухсатнома) олган бошқа хизматлар ҳам амалга оширишлари мумкин.

к) синов лабораториялари (марказлари) фаолияти устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширадилар;

л) ўлчашларни бажариш усулларининг тўғри қўлланилаётганлиги устидан назоратни амалга оширадилар;

м) агар стандартлар, метрология қоидалари ва техник шартлар маҳсулотларнинг техник даражасини ва сифатини оширишни таъминламаса ёки амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлса, уларни бекор қиладилар ёки бекор қилиш, амалда бўлиш муддатларини чеклаш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритадилар;

н) стандартлар ва техник шартларни тасдиқлашда ва давлат рўйхатидан ўтказишда уларни экспертиза қиладилар;

о) корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ўлчаш воситаларини ишлаб чиқариш, тузатиш ва текшириш бўйича ишларни бажариш учун тайёргарликларини текширадилар, агарда улар тайёр бўлсалар, уларга кўрсатилган ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи рўйхатга олинганлик гувоҳномаларини топширадилар;

п) вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернларнинг бош ташкилотларини ва маданий-маиший мақсадлардаги маҳсулотларнинг муҳим турларини давлат синовларини ўтказиш бўйича аттестация қилишни амалга оширадилар ва ушбу синовларни уларга бириктириб қўйилган маҳсулотлар бўйича ўтказиш ҳуқуқини берувчи рўйхатга олинганлик гувоҳномаларини берадилар;

р) сертификатлаштириш қоидалари, стандартлар ва ўлчов воситаларини жорий этиш ва уларга риоя қилишни назорат этиш жараёнида аниқланган бузилишларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирларини кўрадилар.

Низомда давлат назоратини ўтказишга масъул ходимлар масъулияти кўрсатилган:

— стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати органлари амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини назорат қилишга ва уларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишда ва юклатилган функцияларни амалга оширишда умумдавлат манфаатларига риоя қилишлари, стандартларга ва метрология қоидаларига риоя қилиш ва ўлчашларнинг ягоналигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда идоравий ва тор маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олишлари керак;

— давлат инспекторлари уларга юклатилган вазифалар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги, давлат ва тижорат сирини ошкор қилганликлари учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Стандарт ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати органлари ўз ишини бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари ва бошқалар) билан мустаҳкам ҳамкорликда олиб борадилар.

Назорат саволлари:

1) МҲлар мажбурий талабларини бажаришлари устидан давлат текшируви ва назорати утказиш тартиби қандай ҳужжатларда белгиланган?

2) Текшириш нимани англатади?

3) Текширишларни қайд этиш дафтари нима мақсадда қўлланилади?

4) Назорат тартибида текшириш нимани англатади?

5) Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қандай йўллар билан амалга оширилади?

6) Қонунчиликда текширувни утказувчи мансабдор шахсларига нисбатан қандай талаблар белгиланган?

7) Хўжалик фаолияти субъектлари томонидан МҲларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини утказиш тартиби қандай ҳужжатда белгиланган?

8) Стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати органларига қандай ваколатлар берилган?

9) Қонунчиликда давлат назоратини утказишга масъул ходимларнинг қандай масъулиятлари курсатилган?

10.2 Стандартлар устидан давлат назоратининг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августидаги 410-сонли қарори билан тасдикланган Низомга кўра давлат назоратининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

— стандартларни ўз вақтида жорий қилиниши ва уларнинг талабларига қатъий риоя қилиниши;

— метрологик қоидаларга қатъий риоя қилиниши, ўлчашлар бирлилигининг таъминланиши;

— стандартлар илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш;

— стандартларни яратишда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фан ва техника ютуқларини самарали жорий қилишга ёрдам кўрсатиш;

— ўлчаш воситаларининг илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш;

— илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш;

— ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш;

— маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини кўтариш.

Давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, ҳамда барча тадбиркорлик субъектлари, мулкчилик шакли ва бирор идорага қарашлилигидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар (юридик шахслар) ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар (жисмоний шахслар) давлат назоратининг субъектлари ҳисобланадилар.

Давлат назорати тадбиркорлик субъектларига нисбатан маҳсулотни ҳаётий циклининг ҳамма босқичларида (маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, транспортда ташиш, реализация қилиш, сақлаш, ишлатиш (фойдаланиш), таъмирлаш ва утилаштириш) амалга оширилади.

Давлат назоратининг объектлари бўлиб:

а) стандартлар, шу жумладан маҳсулотларга мажбурий талабларни белгиловчи стандартлар;

б) маҳсулотлар (ишлаб чиқарилаётган, экспорт қилинадиган, импорт қилинадиган ва сертификатлаштирилган маҳсулотлар);

в) жараёнлар, ишлар, хизматлар;

г) ўлчаш ва синаш воситалари ҳисобланади.

Бунда қуйидагилар текширилади:

1) илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ташкилотларида:

— илмий-техникавий маҳсулот (илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари бўйича ҳисоботлар, дастурий воситалар ва ҳужжатлари, конструкторлик, технологик, меъёрий ҳужжатлар, патент изланишлари ҳақида ҳисоботлар, патент формулярлари ва ҳ.к.);

— маҳсулотнинг тажрибавий (бош) намуналари (тажрибавий туплари);

— маҳсулотни синаш бўйича фаолият.

2) саноат корхоналарида:

— ишлаб чиқарилаётган ва ўзлаштирилаётган, шу жумладан экспорт маҳсулотлар;

— корхонанинг ишлаб чиқаришга тайёрлиги;

— утиллаштиришга мўлжалланган маҳсулот;

— маҳсулотни текшириш, синаш ва сифатини баҳолаш фаолиятлари;

— маҳсулот намуналарининг (эталонларнинг) мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги;

— меъёрий, конструкторлик, технологик ва товарга қўшиб юбориладиган ҳужжатлар;

— технологик жиҳозлар ва технологик интизомга риоя қилиниши;

— маҳсулот сифатини таъминлаш тизими;

— маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифати тўғрисидаги ахборот.

3) қишлоқ хўжалик корхоналарида (ташкилотларида):

— ишлаб чиқарилаётган, тайёрланаётган, қайта ишланаётган маҳсулотлар;

— ишлаб чиқариш, синаш, сақлаш, қайта ишлаш жараёнларига (иш тартиби, тартиботига) риоя қилиниши;

— меъёрий ва товарга қўшиб юбориладиган ҳужжатлар;

— маҳсулотни текшириш ва сифатини баҳолаш бўйича фаолияти;

— мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги.

4) транспорт корхоналарида (ташкилотларида):

— транспортнинг техникавий ҳолати;

— меъёрий ҳужжатлар, метрология қоидалари;

— транспортни таъмирлаш ва техникавий хизмат кўрсатиш вақтида стандартлар талаблари ва қоидаларига риоя қилиниши;

— эҳтиёт қисмларга мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги.

5) молни ўтказиш ва савдо ташкилотларида:

— маҳсулотни сақлаш шароитлари;

— маҳсулотнинг сифати (маҳсулотни мураккаблигига қараб уч ва ундан ортиқ номларини танлаб олиш йули билан);

— маҳсулотнинг меъёрий ва товарга қўшиб юбориладиган ҳужжатлар, сақлаш шароитларида бўлган ҳужжатлар;

— мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги.

6) маҳсулотни ишлатилишини (истеъмол қилиниши) амалга оширувчи корхоналарда (ташкилотларда):

— маҳсулотни ишлатиш (истеъмол қилиш) шароитлари ва қоидалари;

— маҳсулот ва унинг меъёрий ва эксплуатацион ҳужжатлари.

7) таъмирлаш корхоналарида (ташкилотларида):

— таъмирланган маҳсулотлар (хизматлар), технологик жиҳозлар ва технологик интизомга риоя этилиши;

— меъёрий, таъмирлаш ҳужжатлари;

— таъмирланган маҳсулотларни текшириш, синаш ва сифатини баҳолаш фаолиятлари;

— қўлланилаётган эҳтиёт қисмларга мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги.

8) маиший хизмат корхоналарида (ташкилотларида)

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган хизматлар;

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ булган меъёрий ҳужжатлар;

— мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги.

Барча ҳолларда меъёрий ҳужжатларни текширишда O'z DSt 1.5:1993 га амал қилинади.

Назорат саволлари:

1) Давлат назоратининг асосий вазифалари нималардан иборат?

2) Давлат назоратининг субъектлари кимлар ҳисобланади?

3) Давлат назоратининг объектлари нималар?

4) Давлат назоратида илмий тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ташкилотларида нималар текширилади?

5) Давлат назоратида саноат корхоналарида нималар текширилади?

6) Давлат назоратида қишлоқ хўжалик корхоналарида нималар текширилади?

7) Давлат назоратида транспорт корхоналарида нималар текширилади?

8) Давлат назоратида маиший хизмат корхоналарида нималар текширилади?

10.3 Стандартлар устидан давлат назоратининг меъёрий асослари

Стандартлаштириш бўйича МҲлар — O'z DSt 1.27:2007*, O'zRH 51-041:1995*, O'zT 51-117:2002*, O'zT 51-118:2002*, O'zT 51-119:2002* стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш устидан давлат назоратининг меъёрий асослари ҳисобланади.

Давлат стандарти O'z DSt 1.27:2007*да стандартлар ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш устидан давлат текшируви ва назорати (давлат назорати) ни ўтказиш тартиби белгиланган. Стандартда давлат назоратининг субъектлари ва

объектлари, давлат назоратини ўтказишни ташкил қилиш ва уни ўтказиш тартиблари, давлат назорати натижаларини расмийлаштириш ва материалларини татбиқ этиш тартиблари келтирилган.

Мазкур стандарт стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш устидан давлат текшируви ва назоратини ўтказиш тартибини белгилайди ва «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий идоралари мансабдор шахслари учун мўлжалланган. Стандарт Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.1994 даги 410-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш устидан давлат назорати тўғрисида Низом»ида ўрнатилган талаблар асосида ишлаб чиқилган.

Давлат назоратининг субъектлари давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, ҳамда мулкчилик шакли ва бирор идорага қарашлилигидан (юридик шахслар) қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар (жисмоний шахслар) ҳисобланадилар.

Давлат назоратининг объектлари:

а) стандартлар, шу жумладан, маҳсулотларга мажбурий талабларни белгиловчи стандартлар;

б) маҳсулот (ишлаб чиқарилаётган, шунингдек, экспорт қилинадиган, импорт қилинадиган ва сертификатлаштирилган маҳсулотлар);

в) жараёнлар, ишлар, хизматлар,

г) ўлчаш ва синаш воситалари ҳисобланади (ўлчашларни бажариш воситалари ва методлари, синов асбоб-ускуналари ва синов усуллари).

Тавсиянома O'z T 51—117:2002 да машинасозлик комплекси корхоналарида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назоратини ўтказиш тартиби келтирилган. Ҳужжатда келтирилган тавсиялар «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий идоралари мансабдор шахслари учун мўлжалланган ва машинасозлик комплекси корхоналарида давлат назоратини ўтказишнинг алоҳида ҳолларига урғу берилган.

Машинасозлик комплекси корхоналарида давлат назоратини ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

— маҳсулотга, уни синаш усулларига, хомашёга, материалларга ва эҳтиёт қисмларга МҲларни ўрганиш;

— олдинги давлат назорати далолатномаларини ўрганиш;

— истеъмолчилар, савдо-таъминот, транспорт корхоналари ва бошқа ташкилотларнинг маҳсулотнинг сифати, техникавий даражасига эътирозларини ўрганиш;

— технологик ускуналарни ҳолати, янги технологияларни татбиқ этилиши, меъёрий ва метрологик таъминот, стандартлаштириш, метрология, техникавий назорат хизматларини иши, сифатни таъминлаш тизимларининг самараси, технологик интизомга риоя этилиши, сертификатлаштириш ва синовлар ўтказиш ишлари ҳолатини ўрганиш.

Текшириш жараёнида МҲ, конструкторлик ва технологик ҳужжатларда, метрология ва сертификатлаштириш қоидалари бузилганлиги аниқланганда, камчиликлар содир булиши сабабини аниқлаш мақсадида тегишли бўлимлар (хизматлар) иши ўрганилади. Стандартлаштириш хизматининг иши РХ Уз 51—051 га мувофиқ, метрология хизматининг иши эса РХ Уз 51—011 га мувофиқ ўрганилади.

Корхонадаги маҳсулотнинг МҲлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида, тайёр (техник назорат хизмати томонидан қабул қилинган) маҳсулотлар омборхонасидан намуналар белгиланган тартибда O'z RH 51—033 га мувофиқ танлаб олинади ва органолептик текширувдан (ташқи кўриниши буйича), МҲ талаблари буйича бошқа кўрсаткичларига мослигига синовлар, улчашлар ва таҳлиллар корхона ёки аккредитатланган бошқа лабораторияларда ўтказилади, натижаси тегишли (O'z RH 51—033) равишда расмийлаштирилади.

Текшириш натижалари белгиланган тартибда давлат назорати далолатномасида расмийлаштирилади. Далолатномада қуйидаги камчиликлар кўрсатилиши мумкин:

— маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришга қўйиш жараёнлари бузилиши;

— ишлаб чиқаришни тайёрлашдаги камчиликлар;

— МҲни уз вақтида жорий этилмаслиги;

— техникавий ҳужжатларни меъёрий текшируви қониқарсиз ўтказилганлиги;

— келтирилаётган хомашё, материаллар, яримтайёр материаллар, эҳтиёт қисмлар, ускуналар, инструментларнинг паст сифатлилиги;

— техникавий назоратнинг, технологик интизомга риоя этилишининг, технологик ускуналар назоратининг қониқарсиз ташкил этилганлиги;

— МҲларга уз вақтида ўзгартиришлар киритилмаслиги;

— корхона бўлим ва хизматларининг керакли ҳужжатлар билан таъминланмаганлиги;

— маҳсулотни ишлаб чиқаришда технологик интизомнинг бузилиши;

— метрологик қоидаларга риоя этилмаслиги;

— ўлчаш ва синаш воситалари билан таъминланмаганлиги ва уларнинг қониқарсиз ҳолати;

— технологик ҳужжатларнинг камчилиги;

— технологик ускуналар, ускуналар, инструментларнинг қониқарсиз ҳолати;

— келтирилаётган хом-ашё, материаллар, яримтайёр материаллар, эҳтиёт қисмлар ва тайёр маҳсулотларни қониқарсиз ҳолатда сақланиши;

— маҳсулот сифатини оширишга қаратилган тадбирларни бажарилмаслилиги.

Тавсиянома O'z T 51—118:2002 да оғир саноат корхоналари (кўмир, нефть-газ, рудалар қазиб олиш тармоқлари, қора ва рангли металларни қайта ишлаш саноати корхоналари, электроэнергия, кимё, қурилиш материаллари ва конструкциялари саноати корхоналари) да стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назоратини бажариш тартиби келтирилган ва «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий идоралари мансабдор шахслари учун мўлжалланган. Бу тоифа корхоналарда ҳам юқорида қайд этилганга ўхшаш тартибда давлат назорати олиб борилади.

Тавсиянома O'z T 51—119:2002 да озиқ-овқатлар учун мўлжаланган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган корхоналарда, реализация қилувчи ташкилотлар ва савдо ташкилотларининг базаларида стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби келтирилган ва «Ўзстандарт» агентлигининг давлат назоратчилари учун мўлжалланган.

Озиқ-овқатлар учун мўлжаланган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган корхоналарда текшириш ўтказилганда:

— маҳсулотни жўнатиш ҳужжатларининг мавжудлиги;

— гигиеник ва мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги, уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, маҳсулотни МҲда белгиланган ишлатиш вақтига риоя этилаётганлиги;

— ёрлиқланиш талаблари тўлиқ бажарилаётганлиги;

— маҳсулотни ташқи кўриниши МҲ талабига мослиги каби талаблар ҳам ўрганилади.

Корхонадаги маҳсулотнинг МҲлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида, тайёр (техник назорат хизмати томонидан қабул қилинган) маҳсулотлар омборхонасидан намуналар белгиланган тартибда O'z RH 51—033 га мувофиқ танлаб олинади ва органолептик текширувдан (ташқи белгилари буйича), оғирлиги (ҳажми) буйича тортувдан. МҲ талаблари буйича бошқа кўрсаткичларига мослигига синовлар, ўлчашлар ва таҳлиллар корхона ёки аккредитатланган бошқа лабораторияларда утказилади, натижаси тегишли (O'z RH 51—033) равишда расмийлаштирилади.

Корхонада камчиликлар аниқланган тақдирда, маҳсулотни МҲлар, хусусан, технологик йўриқнома ва рецептуралар талабларига мослиги, технологик интизомга риоя этилиши, ишлаб чиқаришнинг санитария ҳолати, хомашё ва бошқа олиб келинувчи материалларнинг талаб даражасида эканлиги, метрологик таъминот ҳолати кабилар ўрганилади.

Реализация қилувчи ташкилотлар ва савдо ташкилотларининг базаларида стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назоратини амалга оширишда қуйидаги ҳолатларга эътибор берилади:

— МҲлар билан таъминланганлик;

— маҳсулотни сифати буйича қабул қилиниб олиниши;

— озиқ-овқат маҳсулотларини яроқлилик муддатларига риоя қилиниши;

— сақланаётган ва сотилаётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификатларнинг мавжудлиги;

— санитар меъёрлар ва қоидаларнинг бажарилиши;

— маҳсулотлар сақланадиган омборларнинг МҲлар талабларига мослиги;

— сақланиш шароитларининг МҲлар талабларига мослиги;

— сақлаш жараёнининг назорати таъминланганлиги;

Сақланаётган ва сотилаётган маҳсулотларнинг МҲлар талабларига мослигини аниқлаш мақсадида, омборхоналардан намуналар олинади ва аккредитатланган синов лабораторияларига синовларга берилади. Бу тоифадаги корхоналар назоратида маҳсулотларнинг 10 фоизи ташқи кўрувдан утказилади.

Раҳбарий ҳужжат O'zRH 51—041:1995*да корхоналарда давлат назоратининг махсус тартибини жорий этиш қоидалари келтирилган. Бундай тартиб мамлакат иқтисодиёти учун ута муҳим булган, тўхтатилиб қўйилиши мумкин бўлмаган корхоналарда ўрнатилади.

Назорат саволлари:

1) Қайси ҳужжатлар стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш устидан давлат назоратининг меъёрий асослари ҳисобланади?

2) Давлат назоратининг субъектлари кимлар ҳисобланади?

3) Давлат назоратининг объектлари нималар?

4) Машинасозлик комплекси корхоналарида давлат назоратини ўтказишда нималарга эътибор қаратилади?

5) Давлат назорати далолатномасида қандай камчиликлар кўрсатилиши мумкин?

6) Озиқ-овқатлар учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган корхоналарда текширишда нималарга эътибор қаратилади?

7) Реализация қилувчи ташкилотлар ва савдо ташкилотларининг базаларида давлат назоратини амалга оширишда нималарга эътибор берилади?

10.4 Стандартлар устидан давлат назоратининг ташкилий асослари

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти устидан давлат назоратини ўтказишнинг ташкилий асослари амалдаги қонунчиликда белгиланган. Давлат назоратини ўтказишга қуйидаги субъектлар масъулдир:

— назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган;

— назорат қилувчи органлар;

— мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг ишчи идораси;

— назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган томонидан чиқарилган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга масъул назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

— хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш-

нинг, шу жумладан комплекс текширувлар ҳамда тафтиш-ларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қуймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;

— назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш ҳамда режадан ташқари текширувлар махсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик.

Амалдаги тартибга кўра, махсус ваколатли органнинг раиси Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири бўлиб, унинг раҳбарлигидаги Кенгашга назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари, Президент девони масъул ходимлари киритилган. Кенгашнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли соҳалари (йўналишлари)да хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини ўтказишга ваколатли 30 дан зиёд назорат қилувчи органлар фаолият кўрсатади. Масалан, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзнефтегазинспекция, Ўздонинспекцияси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Меҳнатни муҳофаза қилиш вазирлиги ва бошқа ваколати доирасида фаолият кўрсатувчи давлат бошқарув идораларини кўрсатиш мумкин.

Махсус ваколатли органнинг жорий даврда ишларини мувофиқлаштириб бориш ишчи органга юклатилган. Ишчи орган этиб ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси қошидаги махсус бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари гайинланган. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш раиси ўринбосари этиб Давлат солиқ қўмитасининг раиси тайинланган.

Ишчи орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари асосий вазифалари махсус ваколатли органнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг ишини ташкил этишдан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг йиғилиш материалларини ва баённомаларини тайёрлаш ва тарқатиш;

— назорат қилувчи органлардан керакли материаллар ва маълумотларни олиш ва уларни умумлаштириш;

— назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг республика йиллик мувофиқлаштирувчи режага таклифларини йиғиш ва умумлаштириш;

— назорат қилувчи органларнинг текширувлар утказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назоратини (мониторингини) олиб бориш ва бу ҳақда маълумотларни Мувофиқлаштирувчи Кенгашга тақдим этиб бориш;

— режадан ташқари текширувлар махсус ваколатли орган билан келишилишини ташкил этиш;

— хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат назорати тизимини такомиллаштириш, хусусан, назорат қилувчи органларнинг фаолияти устидан эътирозларини кўриб чиқиш, тегишли ҳолларда уларни Мувофиқлаштирувчи Кенгашга киритиш;

— давлат назорати тизимини такомиллаштириш буйича таклифларни тайёрлаш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини:

— стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш буйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори;

— стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш буйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари;

— стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш буйича давлат инспекторлари амалга оширадилар.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар. Бунда давлат инспектори:

— хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига белгиланган тартибда кириш;

— хўжалик фаолияти субъектидан давлат назоратини утказиш учун керакли ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

— давлат назоратини утказишда хўжалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш;

— стандартлаштириш буйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуна-

лари ҳамда нусхаларини танлаб олишни ўтказиш, бунда ишлатиб юборилган нусхаларнинг қиймати ва синовларни (таҳлилларни, ўлчовларни) ўтказиш харажатлари текширилаётган ҳўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чиқимларига киритилади;

— маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, тайёрлаш, реализация қилиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), маҳсулотни сақлаш, ташиш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида, стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

— хўжалик фаолияти субъекти текширувдан бўйин товлаган тақдирда маҳсулотни реализация қилишни ман этиш ҳуқуқига эга.

Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори, стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари бундан ташқари:

— стандартларнинг мажбурий талаблари бузилганлиги учун хўжалик фаолияти субъектларига нисбатан жарималар қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

— стандартлар бузилишида айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш;

— текширилган маҳсулот стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда уни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки уни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

— стандартнинг мажбурий талабларига номувофиқ маҳсулотни сотишни ман этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Меъёрий ҳужжатлар устидан давлат назоратининг ташкилий тузилмасига назорат қилувчи органлар қошида ваколатлари доирасида ташкил этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар фонди ҳам киради. Хусусан, «Ўзстандарт» агентлиги қошида техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича МҲ давлат фонди фаолият кўрсатади.



2.37-расм. Давлат назоратининг ташкилий тузилмаси

Назорат саволлари:

1) Давлат назоратини ўтказишга қандай субъектлар масъул?

2) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

3) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг раиси ким ҳисобланади?

4) Махсус ваколатли органнинг жорий даврда ишларини мувофиқлаштириб бориш қайси идорага юклатилган?

5) Махсус ваколатли органнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг ишини ташкил этиш нималарни ўз ичига олади?

6) Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини кимлар олиб боради?

7) Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари қандай ваколатларга эга?

8) Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан бош давлат инспекторлари қандай ваколатларга эга?

9) Давлат назоратининг ташкилий тузилмаси нималардан иборат?

10.5 Стандартлар устидан давлат назоратини ўтказиш тартиби

Стандартлар устидан давлат назоратини ўтказиш тартиби ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар [O'z DSt 1.27:2007*, O'z T 51—117:2002*, O'z T 51—118:2002*, O'z T 51—119:2002*] да белгиланган.

Стандартлар ҳамда ўлчаш воситалари устидан давлат назорати назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишини мувофиқлаштирувчи йиллик режага асосан олиб борилади. Йиллик режа Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан тасдиқланади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти устидан давлат назорати, стандартлар ҳамда ўлчаш воситалари устидан назорат инспектори унвонига эга бўлган, белгиланган тартибда аттестатлашдан ўтган давлат назорати идораларининг мансабдор шахслари (давлат инспектори) томонидан амалга оширилади.

«Ўзстандарт» агентлиги идораларининг мансабдор шахсларига давлат назоратини ўтказишга рухсат давлат инспекторининг текширув ўтказиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган белгиланган намунадаги махсус гувоҳнома (вкладиш) билан тасдиқланади.

Назорат идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш назорат қилувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, унинг ҳудудий комиссиялари томонидан амалга оширилади, уларнинг тадбиркорлик субъектларини текшириш ҳақидаги қарорлари мажбурий хисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти устидан текширув ўтказиш ва текширувларни қайд қилиш китобини юритиш тартиби ҳақидаги Низомга биноан, савдо-саноат

палатасининг аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари (кичик ва урта бизнес корхоналари) фаолиятини текшириш палатанинг вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Режали давлат назоратини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

— тегишли тартибда мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияси томонидан берилган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш режасидан кўчирма (тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган, ҳамда кўчирмани ҳақиқийлиги курсатилган булиши керак);

— текширувнинг мақсади кўрсатилган ҳолда мувофиқлаштириш режаси асосида чиқарилган «Ўзстандарт» агентлиги Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси (СМБ) нинг буйруғи;

— шакли буйича текширув ўтказиш куни ва давлат инспекторларининг рўйхати;

— «Ўзстандарт» агентлиги (СМБ) раҳбарияти томонидан тасдиқланган текширув ўтказиш режаси.

Давлат инспекторларининг тадбиркорлик субъектига чиқишида барча ҳолларда тегишли буйруқ чиқарилади.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширишни ўтказиш бўйича мувофиқлаштириш режасидан кўчирма Кенгаш ёки унинг ҳудудий бўлинмаси томонидан берилади. Бу кўчирманинг, «Ўзстандарт» агентлиги (СМБ) раҳбарияти тасдиқлаган буйруқ ва текширувни ўтказиш режасининг бир нусхаси давлат назорати субъектининг раҳбарига олганлиги тўғрисида тилхатга имзо қўйдириб берилади.

Мувофиқлаштириш режаси «Ўзстандарт» агентлиги (СМБ) таклифлари асосида Кенгаш томонидан белгиланган тартибда тузилади.

Давлат инспекторлари текширишни бошлашдан аввал, давлат назорати субъекти раҳбарини текширувни мақсади ва шартлари билан таништиришлари, қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган ҳужжатларни кўрсатишлари, текширувни руйхатга олиш Китобига тегишли ёзувларни ёзишлари керак.

Текширувларни рўйхатга олиш Китобини тўлдиргандан ва текширув тугагандан сўнг давлат инспектори — текширув раҳбари ва тадбиркорлик субъекти раҳбари қилинган ёзувларнинг ҳақиқий эканлигини ўзларининг имзолари билан имзолаш куни ва санаси кўрсатилган ҳолда тасдиқлайдилар.

Текширишларни қайд қилиш китобида текширувчи идора — 2—8 устунларни, текширилувчи тадбиркорлик субъекти — 8—12 устунларни тўлдириши керак.

Текшириш ўтказиш тўғрисида СМБ буйруғининг шакли
(мажбурий)

«Ўзстандарт» агентлиги
___ _____ Стандартлаштириш ва метрология ҳудудий идораси
№_____ БУЙРУҚ

_____ _____ _____ да
сана шаҳар давлат назорати субъекти номи

стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш устидан давлат назоратини ўтказиш ҳақида.

Текширувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан тасдиқланган 20_ йилнинг ____ чорагида текширишлар ўтказиш режа-графигига биноан буюраман:

СМБ нинг стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш устидан текширув ва назорат ўтказувчи Давлат инспекторлари _____ га
ф. и. ш.

_____ дан____ гача бўлган давр ичида (СТИР: _____), _____ да _____ нинг
давлат назорати субъектининг номи

_____ даврида
маҳсулот (хизматлар) нинг ҳаётий цикли босқичлари

меъёрий ҳужжатлар, метрология ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилинишини текшируви ўтказилсин.

Текширув тури: текширув (бирламчи давлат назорати), назорат юзасидан текширув (қайта текширув) — кераги тагига чизиб кўрсатилсин.

Амалдаги қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августидаги 410 сонли қарорига мувофиқ давлат назорати субъектлари текширувчи идораларга белгиланган муддатларда текшириш ўтказиш учун керакли шароитларни яратиб беришлари шарт.

СМБ бошлиғи _____ _____
имзо Ф.И.О.
(муҳр ўрни)

Текширишларни кайд килиш китоби (мажбурий)

тадбиркорлик субъектининг тўлиқ номи жойлашган жойи (почта манзили) ИНН

№	Текширувчи еки хукукни химоя килувчи идоранинг номи	Текширувчининг Ф.И.Ш ва гувохномаиинг раками	Аудитор ташкилотининг номи (лицензиянинг берилган санаси, раками ва амал килиш муддати). Аудитор, экспертнинг Ф.И.Ш. (шахсни тасдикловчи хужжат)	Текширишни утказиш учун асос, жиноят ишининг раками	Текширишнинг тури ва максади
	2	3	4	5	6

Текшириш утказиш учун белгиланган муддатлар	Текширишни бошлаш ва тугатиш вакти ва санаси (хар куни)	Текширишнинг хакикий давом этган вакти	Талаб килиб олинган хужжатлар	Текширишдавомида курилган чора-тадбирлар	Хўжалик юритувчи субъекти рахбари (шахсий тадбиркор)нинг фикри
7	8	9	10	11	12

Ун иккинчи устунда тадбиркорлик субъекти рахбарининг «Розиман», «Рози эмасман», «Тузатишлар билан розиман» шаклидаги фикри курсатилади. Агарда «Рози эмасман» шаклидаги фикр курсатилган холда тадбиркорлик субъектининг рахбари (хусусий тадбиркор) буни асосланган сабабларини курсатади. «Тузатишлар билан розиман» шаклидаги фикр курсатилган холда далилли фикрлар келтиради.

Тадбиркорлик субъектларида давлат назорати режали равишда купи билан бир йилда бир марта утказилиши мумкин.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш қоидаларини бузмайдиган, барқарор сифатдаги маҳсулот чиқараётган тадбиркорлик субъектлари давлат назоратидан, қоидага кура, купи билан икки йилда бир маротаба утадилар. Хусусий корхоналарнинг фаолияти текширувлари урнатилган тартибда қонунчиликда курсатилган ҳоллардан ташқари купи билан икки йилда бир маротаба амалга оширилади.

Режадан ташқари давлат назорати мувофиклаштирувчи Республика Кенгаши қарорига биноан режали давлат назорати каби тартибда амалга оширилади.

Режадан ташқари текширувлар учун асос бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— Ўзбекистон Республика ҳукуматининг қарорлари;

— «Узстандарт» агентлиги (СМБ)га стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича қонун ҳужжатларни бузилганлиги далиллари ҳақида тушган қушимча маълумотлар;

— фавқулодда вазиятларни пайдо бўлишини олдини олиш.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувларини ўтказиш муддати 30 календар кунидан ошмаслиги лозим. Истисно ҳолларда мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари қарорига кўра бу муддат сурилиши ёки қолдирилиши мумкин.

Утказилаётган текширувлар тадбиркорлик субъектларининг ишларига тусиқ туғдирмаслиги керак.

«Ўзстандарт» агентлигининг мансабдор шахслари мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг ёки унинг ҳудудий бўлимларининг рухсатисиз корхоналарда қуйидаги мақсадларда ишларни бажаришлари мумкин:

— текшириш натижалари буйича тадбиркорлик субъектларига берилган далолатнома ва ёзма кўрсатмаларда олдинги текширувда (назорат тартибида текширув) қайд қилинган бузилишларни кўрсатилган муддатларда тадбиркорлик субъектлари томонидан бартараф этилишини текшириш.

Назорат тартибида текширув «Ўзстандарт» агентлиги (СМБ) буйруғи билан давлат назорати тадбиркорлик субъектларида бир кундан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиш шарти билан мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ёки унинг ҳудудий бўлинмаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Далолатнома синов натижалари олингандан сўнг расмийлаштирилади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳузурида бир кундан ортиқ бўлмаган муддатда бўлганда қуйидаги ишлар бажарилиши мумкин:

— ишлаб чиқарилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификатларини мавжудлигини текшириш;

— стандартларга мувофиқ равишда маҳсулотни ёрлиқланишини тўғрилигини текшириш;

— реализация қилинаётган маҳсулотнинг яроқлилик муддатига риоя қилинишини текшириш;

— маҳсулот сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш буйича дастурларни бажарилишини бориши;

– олдинги текширувда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни бажарилишини бориши;

– органолептик назоратни ва лозим бўлса, физик-кимёвий ва физик-механик синовларни ўтказиш учун намуналарни танлаб олиш;

– ишлаб чиқарилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотни органолептик текшириш;

– маҳсулотни ишлаб чиқариш (сотиш, етказиб бериш) ни тақиқлаш ҳақида буйруқларни бажарилишини текшириш;

– жарима санкциялари ва маъмурий чораларни бажариш,

– бошқа жорий тезкор масалалар.

Бузилишлар аниқланганда белгиланган тартибга мувофиқ чоралар кўрилади.

Давлат назорати субъектларининг ҳуқуқлари:

– давлат назоратини ўтказиш ҳақида ахборотларга эга бўлиш;

– давлат инспекторларидан мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашини ёки унинг ҳудудий бўлимларининг қарорини, «Ўзстандарт» агентлиги (СМБ)нинг буйруғини, текшириш ўтказиш учун асос бўла оладиган бошқа ҳужжатларни талаб қилишлари, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

– тегишли ваколатга эга бўлмаган шахсларни текширишга қўймаслик;

– давлат инспекторларининг, уларнинг ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича талабларини бажармаслик, текширув объектига алоқаси бўлмаган материаллар билан таништирмаслик;

– давлат назорати органларидан текширув далолатномасининг бир нусхасини текширув тугагандан сўнг ўн кун муддат ичида олиш;

– белгиланган тартибда текшириш натижаларидан шикоят қилиш.

Давлат назорати субъектлари қуйидагиларга мажбурлар:

– давлат инспекторларини корхона (ташкилот) ҳудудига киритиш;

– текшириш натижаларини (текшириш далолатномаси, оралиқ ҳужжатлар, маълумотномалар, синовлар, таҳлиллар натижалари ва бошқалар) имзолаш ҳуқуқи билан текширишда қатнашиш учун масъул шахсларни тайинлаш;

– текшириш объектини объектив баҳолаш учун зарур бўлган ҳужжатлар, ахборотлар, маҳсулотларни (хизматлар-

ни) реализация қилиниши ҳақидаги маълумотларни, истеъмолчи (буюртмачи)лар рекламаларини тақдим этиш;

— давлат инспекторларига давлат назоратини ўтказишда зарур булган ёрдамни кўрсатиш.

Давлат инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

— давлат назорати субъектларига бажарилиши мажбурий булган аниқланган камчиликларни йўқотиш ҳақидаги кўрсатмаларни бериш;

— тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, тадбиркорлик субъектларининг мулклорлари олдига мазкур мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳақидаги масалани қўйиш;

— давлат назоратининг натижалари буйича тадбиркорлик субъектларига нисбатан чоралар қўллаш ҳақида «Ўзстандарт» агентлиги (СМБ) раҳбариятига таклифларни тақдим этиш;

— белгиланган тартибда текширувга давлат ва хўжалик бошқарма идоралари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва бошқа манфаатдор булган ташкилотларнинг вакилларини жалб қилиш.

Давлат инспекторлари давлат назоратини амалга ошираётганларида давлат, тижорат ва бошқа сирларга риоя қилинишини таъминлашга мажбурдирлар.

Давлат инспекторлари давлат назорати субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятларига аралашишга ҳуқуқли эмаслар.

Давлат назорати идораларининг давлат инспекторларини ноқонуний қарорлари ёки бошқа ҳаракатлари натижасида давлат назорати субъектига келтирилган зарарлар, шунингдек, бой берилган фойда қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда тўлдирилиши керак.

Стандартлар устидан O'z T 51—117, O'z T 51—118, O'z T 51—119 ларга, метрологик қоидаларга риоя этилиши устидан O'z DSt 8.002га, сертификатлаштириш қоидаларининг бажарилиши устидан эса O'z RH 51—044 га мувофиқ давлат назорати амалга оширилади.

Маҳсулот намуналарини (кичик намуналари) танлаб олиш давлат назоратчиси томонидан текширилаётган корхонани мансабдор шахслари иштирокида амалга оширилади.

Текшириш учун корхонанинг техникавий текшириш хизматлари ёки маҳсулотни сифати бўйича қабул қилиш топ-

ширилган бошқа хизматлари томонидан қабул қилинган маҳсулот намуналари танлаб олинади.

Намуналарни (кичик намуналарни) танлаб олиш далолатнома билан расмийлаштирилади.

Давлат назорати объектининг стандартлар ва метрологик қоидалар талабларига номувофиқлиги аниқланганда давлат назоратчиси:

— корхоналар ва унинг мансабдор шахсларига ҳуқуқий чораларни асосли равишда қуллаш учун бузилишларни аниқ сабабларини ва бошқа маълумотларни аниқлайди;

— амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий чораларни қуллайди;

— маълумотнома минтақа (республика) бош давлат назоратчиси томонидан ҳуқуқий чораларни қуллаш учун асосланган таклифлар тайёрлайди;

— корхона томонидан стандартларга, метрология қоидаларига риоя қилинмаганлиги ва унинг сабабларини бартараф қилиш буйича тадбирларни тайёрлашда қатнашади.

Давлат назоратчиси маҳсулот етказиб беришни тақиқлаш тўғрисидаги курсатманомага хилоф равишда маҳсулотни жўнатганлиги аниқлаганда, у далолатнома тузади ва корхонага (мансабдор шахсларга) нисбатан тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги қарорни бериш учун уни «Ўзстандарт» агентлиги, СМБ раҳбариятига юборади.

Тадбиркорлик субъекти текширувдан бош тортган ҳолда, корхона (ташкилот) раҳбарияти давлат назоратчисига берилган буйруқда сабаблари кўрсатилган ёзувни қайд қилади.

Даврий давлат назоратининг натижалари белгиланган шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилади, назорат текширув тартибида ўтказилганда далолатноманинг титул варағида «ДАЛОЛАТНОМА» сўзидан кейин қавс ичида (текширув тартибида) ёзилади.

Далолатноманинг бир нусхаси текширилаётган тадбиркорлик субъектида қолдирилади.

Стандартлар ва метрологик қоидаларни бузганлик учун ҳуқуқий таъсир чораларини қуллаш амалдаги қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

Корхона раҳбарлари давлат назоратининг натижалари асосида ташкилий-техникавий тадбирлар режаларини ишлаб чиқадилар ва далолатнома корхонага берилгандан сўнг беш кундан кечиктирмай «Ўзстандарт» агентлиги (СМБ) га юборадилар.

_____ да қўлланиладиган ўлчаш воситалари (стандарт намуналар) нинг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш натижалари (мажбурий)

ЎВ номи ва тури	Текширилаётган объект бўйича ўлчаш воситаларининг сони				Қўллашга яроксиз деб топилган ўлчаш воситаларининг сони				
	Умумий сони	Етишмайдиган сони	кийслаганлар сони	Инспекцион текширилганлар сони	кийслаш муддатининг ўтганлари	Носозлар	Инспекцион текширув натижалари бўйича нотўғрилари	Яроксиз деб топилганларининг умумий сони	Текширилганлардан яроксиз деб топилганларнинг фоизи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Текширув ва назоратни утказувчи давлат инспектори _____ Ф.И.Ш

_____ шахсий имзо

Давлат инспекторлари давлат назорати субъектига текшириш натижалари бўйича берилган қарорлар, буйруқлар ва курсатманомаларнинг бажарилиши устидан текширувни мунтазам амалга ошириб борадилар.

Назорат саволлари:

1) Стандартлар устидан давлат назоратини утказиш тартиби қандай ҳужжатларда белгиланган?

2) Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти устидан давлат назорати қандай мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади?

3) Режали давлат назоратини утказиш учун нималар асос булади?

4) Мувофиқлаштириш режаси қандай тартибда тузилади?

5) Режадан ташқари текширувлар учун асос булиб нималар ҳисобланади?

6) Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувларини ўтказиш муддати неча кундан ошмаслиги лозим?

7) Мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатисиз корхоналарда қандай мақсадларда текширув ишларини бажариш мумкин?

8) Тадбиркорлик субъектларининг ҳузурида бир кундан

ортиқ бўлмаган муддатда бўлганда нима ишлар бажарилиши мумкин?

9) Давлат назорати субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборат?

10) Давлат инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қандай ҳуқуқларга эга ва қандай мажбуриятлари бор?

11) Давлат назорати объектининг стандартлар ва метрологик қоидалар талабларига номувофиқлиги аниқланганда давлат назоратчиси нималарни қилади?

12) Тадбиркорлик субъекти текширувдан бош тортган ҳолда давлат назоратчиси қандай ҳаракат қилади?

10.6 Меъёрий ҳужжатлар устидан давлат назоратининг самараси

Меъёрий ҳужжатлар устидан давлат назоратининг асосий мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, назоратнинг самарасини кўрсатиш мумкин.

Мақсад — стандартларни ўз вақтида жорий қилиниши ва уларнинг талабларига қатъий риоя қилиниши.

МҲда маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичлари белгиланади. Маҳсулот яратилишининг дастлабки, муҳим босқичларидан бири унинг учун МҲни ишлаб чиқишдир. Маҳсулотни яратиш чора-тадбирлари режаси тузилади ва унда МҲ ишлаб чиқиш билан бирга, уни жорий этиш тадбири (вақти ва механизми) ҳам кўрсатилади. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунида «норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмаслиги» белгиланган. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, маҳсулотнинг МҲи уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан олдин мавжуд бўлиши ва ишлаб чиқариш жараёнида қатъий риоя қилиниши зарурдир. Давлат назоратини ўтказиш жараёнида текширувчилар дастлаб ишлаб чиқилаётган (сотилаётган) маҳсулотга МҲ мавжудлигини, кейин эса унинг талабларига риоя этилаётганлигини текширадилар.

Мақсад — метрологик қоидаларга қатъий риоя қилиниши, ўлчашлар бирлилигини таъминланиши.

Маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичларининг назорати ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида ўлчашлар воситалари ва уларни бажариш услубиятлари ёрдамида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Метро-

логия тўғрисида»ги Қонунида давлат метрологик текшируви ва назорати доирасида қўлланиладиган ўлчашлар воситалари ва уларни бажариш услубиятлари белгиланган тартибда қонунлаштирилган ва давлат руйхатига олинган бўлиши кераклиги кўрсатилган. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) жараёнларида ўлчашлар бирлилигини таъминланишига қаратилган бошқа метрологик тартиб-қоидалар бажарилиши керак. Давлат назоратини ўтказиш жараёнида текширувчилар қонунчилик ва УзУБТДТ талабларининг бажарилишини кўриб чиқадилар.

Мақсад — стандартлар илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш.

Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун илгор (халқаро, давлатлараро, минтақавий) стандартларни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунида «халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қоидалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади» деб белгиланган. Стандартларнинг илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш раҳбарий ҳужжат O'z RH 51—077 да кўрсатилган. Давлат назоратини ўтказиш жараёнида ушбу талабларнинг бажарилиши кўриб чиқилиши керак.

Мақсад — стандартларни яратишда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фан ва техника ютуқларини самарали жорий қилишга ёрдам кўрсатиш.

Истеъмолчининг ошиб бораётган талабини қондириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун фан ва техника ютуқларини самарали жорий қилиб бориш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунида «стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган» бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Мақсад — ўлчаш воситаларининг илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш.

Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичлари назоратини олиб борувчи ўлчаш воситаларининг аниқлик даражаси (белгиланган даражадаги хатоликни таъминлаш) МҲлар талабига мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлиги талабла-

рининг кучайиши ўлчаш воситаларининг аниқлик даражасини кутариб борилишини талаб этилади. Давлат назоратчилари текшириш вақтида ўлчаш воситаларининг илмий-техникавий даражаси белгиланган сифат ва хавфсизлик курсаткичларига эришилиши мумкинлигини таҳлилини утказишлари керак.

Мақсад — илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш.

Инсон эҳтиёжини ошиб бориши маҳсулот сифатига талабни кучайишига ва бу йўлда янги изланишларни олиб борилишини талаб этади. Масалан, утган асрнинг 70—80-йилларида мавжуд булган электрон-ҳисоблаш машиналари катта ва қупол, ҳисоблаш тезлиги паст, энергия таъминоти юқори булган. Ушбу камчиликларни бартараф этиш максади олимларни янги изланишлар олиб боришга ундади. Натижада компакт, тезкорлиги юқори ва ишлашга қулай персонал компьютерлар ишлаб чиқилди. «Узстандарт» агентлигида қабул қилинган тартибга кура, давлат назорати утказиш жараёнида назоратчилар томонидан маҳсулотга тегишли амалдаги МҲни экспертизасини утказиш ва техникавий даражани кутаришга тавсиялар берилиши белгиланган.

Мақсад — ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш.

Давлат назоратини утказиш даврида технологик жараённи самарали ташкил этилганлиги, нуқсонли ва яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини олдини олишга ва белгиланмаган тухташларни бартараф этишга каратилган чора-тадбирлар мавжудлиги урганилади ва тегишли тавсиялар берилади. Қайд этилган тадбирларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга омил булади.

Мақсад — маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини кутариш.

Давлат назорати натижасида тузиладиган чора-тадбирлар режасида маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини кутаришга қаратилган тадбирларни олиб бориш назарда тутилади. Давлат назорати нафақат мавжуд талабларнинг бажарилишини таъминлайди, балки ошиб бораётган эҳтиёжни қондириш мақсадида сифат курсаткичларини кутариб боришга хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1) Меъёрий ҳужжатлар устидан давлат назоратининг самараси деганда нимани тушунасиз?

логия тўғрисида»ги Қонунида давлат метрологик текшируви ва назорати доирасида қўлланиладиган ўлчашлар воситалари ва уларни бажариш услубиятлари белгиланган тартибда қонунлаштирилган ва давлат руйхатига олинган бўлиши кераклиги кўрсатилган. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) жараёнларида ўлчашлар бирлилигини таъминланишига қаратилган бошқа метрологик тартиб-қоидалар бажарилиши керак. Давлат назоратини ўтказиш жараёнида текширувчилар қонунчилик ва ЎзЎЬГДТ талабларининг бажарилишини кўриб чиқадилар.

Мақсад — стандартлар илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш.

Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун илгор (халқаро, давлатлараро, минтақавий) стандартларни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунида «халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қоидалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади» деб белгиланган. Стандартларнинг илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш раҳбарий ҳужжат O'z RH 51—077 да кўрсатилган. Давлат назоратини ўтказиш жараёнида ушбу талабларнинг бажарилиши кўриб чиқилиши керак.

Мақсад — стандартларни яратишда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фан ва техника ютуқларини самарали жорий қилишга ёрдам кўрсатиш.

Истеъмолчининг ошиб бораётган талабини қондириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун фан ва техника ютуқларини самарали жорий қилиб бориш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунида «стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган» бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Мақсад — ўлчаш воситаларининг илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш.

Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичлари назоратини олиб борувчи ўлчаш воситаларининг аниқлик даражаси (белгиланган даражадаги хатоликни таъминлаш) МҲлар талабига мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлиги талаба-

рининг кучайиши улчаш воситаларининг аниқлик даражасини кутариб борилишини талаб этилади. Давлат назоратчилари текшириш вақтида улчаш воситаларининг илмий-техникавий даражаси белгиланган сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларига эришилиши мумкинлигини таҳлилини утказишлари керак.

Мақсад — илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш.

Инсон эҳтиёжини ошиб бориши маҳсулот сифатига талабни кучайишига ва бу йўлда янги изланишларни олиб борилишини талаб этади. Масалан, утган асрнинг 70—80-йилларида мавжуд булган электрон-ҳисоблаш машиналари катта ва кўпол, ҳисоблаш тезлиги паст, энергия таъминоти юқори булган. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсади олимларни янги изланишлар олиб боришга ундади. Натижада компакт, тезкорлиги юқори ва ишлашга қулай персонал компьютерлар ишлаб чиқилди. «Ўзстандарт» агентлигида қабул қилинган тартибга кура, давлат назорати утказиш жараёнида назоратчилар томонидан маҳсулотга тегишли амалдаги МҲни экспертизасини утказиш ва техникавий даражани кутаришга тавсиялар берилиши белгиланган.

Мақсад — ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш.

Давлат назоратини утказиш даврида технологик жараённи самарали ташкил этилганлиги, нуқсонли ва яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини олдини олишга ва белгиланмаган тухташларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мавжудлиги урганилади ва тегишли тавсиялар берилади. Қайд этилган тадбирларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга омил булади.

Мақсад — маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини кутариш.

Давлат назорати натижасида тузиладиган чора-тадбирлар режасида маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини кутаришга қаратилган тадбирларни олиб бориш назарда тутилади. Давлат назорати нафақат мавжуд талабларнинг бажарилишини таъминлайди, балки ошиб бораётган эҳтиёжни қондириш мақсадида сифат кўрсаткичларини кутариб боришга хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1) Меъёрий ҳужжатлар устидан давлат назоратининг самараси деганда нимани тушунасиз?

2) Стандартларни уз вақтида жорий қилиниши ва уларнинг талабларига қатъий риоя қилиниши устидан давлат назоратининг самараси нимада?

3) Метрологик қоидаларга қатъий риоя қилиниши, улчашлар бирлигини таъминланиши устидан давлат назоратининг самараси нимада?

4) Стандартлар илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш қандай самарани беради?

5) Улчаш воситаларининг илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш қандай самарани беради?

6) Маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини кутариш қандай самарани беради?

10.7 Стандартлар мажбурий талабларини бузганлиги учун масъулият

Хужалик фаолияти субъектлари стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда [1,2] чоралар кўрилиши белгиланган. Бундай ҳолларда қуйидаги чораларни қуллаш белгиланган:

— иқтисодий жарималар;

— ишлаб чиқаришни, сотишни тақиқлаш;

— маъмурий жарималар қуллаш.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, хужалик фаолияти субъектлари стандартлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаргани ва сотгани аниқланган тақдирда, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш тақиқланади.

Назорат субъекти текширувдан буйин товлаган тақдирда эса маҳсулотни реализация қилиш ман этилади. Давлат инспекторларининг маҳсулотни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни) ман этиш ёки тухтатиб қуйиш тўғрисидаги кўрсатмасини бузганлиги учун хужалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, маъмурий жарима тулайдилар.

Маъмурий жаримани қуллаш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистонда амалда бўлган стандартларининг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган импорт маҳсулотини реализация қилишни ман этиш бўйича кўрсатмалар давлат инспекторлари томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунида (23-модда) мажбурий сертификатлаштирилиши керак бўлган маҳсулотларни сертификатлаштирмасдан сотганлиги учун ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти субъекти мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жарима қўлланилади. Қонунда жарима солиниши ишлаб чиқарувчи (талбиркор)ни ўз маҳсулотини сертификатлаштириш мажбуриятидан озод этмаслиги қайд этилган.

Хўжалик фаолияти субъектлари томонидан стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги аниқланган ҳолда, субъектнинг раҳбари ёки бўйруқ билан масъулият юклатилган бошқа мансабдор шахс Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексида белгиланган тартибга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади. Кодекснинг 212, 213, 214-моддаларида шу масъулият белгиланган:

— стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича талаблар бузилганлиги дастлаб (биринчи марта) аниқланган ҳолда, мансабдор шахсга энг кичик ойликнинг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинади;

— шу ҳолатлар бир йил ичида такрорланган тақдирда, мансабдор шахсга нисбатан энг кичик ойликнинг беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Хўжалик фаолияти субъектлари берилган кўрсатмалар ва қарорларни бажармаган тақдирларида давлат инспекторлари зарур материалларни прокуратура органларига ёки суд идораларига оширадилар.

Давлат инспекторлари зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, давлат ёки тижорат сирини ошкор қилган тақдирларида қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Назорат саволлари:

1) Хўжалик фаолияти субъектлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлиги учун қонунчиликда қандай чораларни қўллаш белгиланган?

2) Хўжалик фаолияти субъектлари стандартлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаргани ва сотгани аниқланган тақдирда қандай чоралар кўрилади?

3) Назорат субъекти текширувдан бўйин товлаган тақдирда қандай чоралар кўрилади?

4) Маъмурий жаримани қўллаш кимлар томонидан амалга оширилади?

5) Ўзбекистонда амалда бўлган стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган импорт маҳсулотини реализация қилишни ман этиш бўйича кўрсатмалар ким томонидан берилади?

6) Мажбурий сертификатлаштирилиши керак бўлган маҳсулотларни сертификатлаштирмасдан сотганлиги учун қандай чоралар қўлланилади?

7) Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексида қандай масъулият белгиланган?

10.8 Бозор иқтисодиёти жараёнида давлат назоратини такомиллаштириш йўллари

Бозор иқтисодиёти муносабатлари мамлакатда тобора чуқурлашиб бориши билан, давлат назорати тартиблари ҳам ўзгариб боради. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва карорларига кўра, давлат назоратини олиб боришга ваколатли давлат бошқарув идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуви тақиқланди. Бундай аралашувга йўл қўйган идоралар ва уларнинг масъул ходимларига нисбатан қатъий чоралар кўрилиши белгиланган.

1998 йилдан бошлаб Ўзбекистонда давлат назорати тизимини такомиллаштириш ва халқаро амалиётга яқинлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Махсус Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, амалдаги қонунчиликка катта ўзгартиришлар киритилди. Давлат назорати олиб боришга ваколатли давлат бошқарув идораларининг фаолияти Ҳукумат томонидан қаттиқ назоратга олинди. Ушбу йўналишни такомиллаштириш бўйича ишлар давом этмоқда.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) томонидан 2004—2008 йилларда

давлат назорати тизимини такомиллаштириш мавзусига қаратилган бир неча халқаро конференциялар утказилди ва уларнинг айримларида «Ўзстандарт» агентлиги вакиллари иштирок этдилар ва Ўзбекистонда амалда бўлган давлат назорати тизимининг презентациясини утказдилар. Конференциялар материалларида ва улардаги маърузаларда давлат назоратининг ягона намунали (универсал) тизими йўқ эканлиги ва бундай тизимни яратиш мушкил масала эканлиги қайд этилди. Чунки мамлакатлар бир-биридан иқтисодий даражаси, иқтисодни бошқариш қонунчилиги билан фарқ қилади. Қолаверса, миллий анъаналар (минталитет)нинг ўзига яраша ўрни бордир.

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан мамлакатимизда давлат назорати тизими янги ривожланиш поғонасига чиқди. Давлат назорати идоралари сонини оптималлаштириш (қисқартириш), идоралар томонидан бирбирини фаолиятини қайтариш (дубллаштириш)ни бартараф этиш, назорат объектлари текширув кўрсаткичлари номенклатурасини инсон ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ва атроф-муҳитга реал хавфидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштириш керак бўлади. Назоратни асосан, маҳсулотлар айланадиган (хизматлар курсатиладиган) жараёнда олиб бориш керак.

Давлат назорати барча иштирокчиларининг масъулиятини ошириш керак.

Сифатли ва рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш (сотиш)ни тарғиб қилиш билан бирга, истеъмол бозорига чиқарилган яроқсиз, хавфли ёки стандартда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни кенг оммага етказиш механизмларини жорий этиш керак.

Тадбиркорларни сифатли, хавфсиз ва рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш (сотиш)га рағбатлантирувчи чораларни ишлаб чиқиш зарур. Ҳукумат даражасида тадбиркорлар ўртасида ўзаро мусобақалар, масалан, «Энг яхши маҳсулот», «Энг рақобатбардош маҳсулот» каби конкурсларни утказишни йўлга қўйиш керак ва ғолибларни молиявий, маънавий рағбатлантириш (маълум солиқлардан озод этиш, давлат эҳтиёжларига харид қилинадиган товарлар тендерида имтиёзлар бериш ва ҳ.к.) чораларини кўриш керак.

Режали давлат назоратини фақат хавфли даражаси жуда юқори (масштаби катта) бўлган объектларда ўтказишни амалиётга киритиш керак, бошқа объектларда эса назорат заруратга қараб ўтказилиши керак.

Халқаро амалиётда (ривожланган мамлакатларда) кенг тарқалган назорат хариди механизмини жорий этиш керак (Вазирлар Маҳкамасининг 03.08.2004 даги 373-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзстандарт» агентлиги Низомида ушбу механизм белгиланган булса-да, амалда қўлланилмайди).

Амалиётда «давлат текшируви (контроли) ва назорати» тушунчаси мавжуд. Умумий ҳолда бу тушунчани қурилаётган объектнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мослигини текшириш деб қурилади. «Текширув» ва «назорат» сўзларининг моҳияти бир-бирига яқин маънода қабул қилинади. Халқаро амалиётда бу сўзларнинг моҳияти алоҳида мазмунда тушунилади. Давлат стандарти O'z DSt ISO/IEC 17000да қуйидаги тушунча берилган:

— **«текширув (контрол)»** — маҳсулот бўйича лойиҳа ҳужжатларини, маҳсулотни, жараён ёки монтажни текшириш ва белгиланган талабларга профессионал ёндашув асосида, умумий талабларга уларнинг мувофиқлигини аниқлаш.

Давлат стандарти O'z DSt 8.002да қуйидаги тушунчалар берилган:

— **метрологик текширув** — ўлчаш жараёни элементлари тавсифларининг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш бўйича ваколатли идоралар ва шахсларнинг фаолияти;

— **метрологик назорат** — ўлчаш жараёни элементларининг ҳолатини ва қўлланилишини ҳамда белгиланган метрологик меъёрлар ва қоидаларга риоя қилинишини текшириш бўйича ваколатли идоралар ва шахслар фаолияти;

Умумлашган ҳолда, текширувни экспертлар томонидан изланишлар, синовлар, ўлчашлар, қиёслаш ва экспертиза бўйича иш олиб бориш деб, назоратни эса ваколатли давлат инспекторлари томонидан объектнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш ва зарур ҳолларда қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўриш деб қабул қилиш керак.

Назорат саволлари:

1) Қонунчиликда давлат назоратини олиб боришга ваколатли давлат бошқарув идораларининг тадбиркорлик

субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувига қандай муносабат билдирилган?

2) Ўзбекистонда давлат назорати олиб боришга ваколатли давлат бошқарув идораларининг фаолияти ким томонидан назоратга олинди?

3) Халқаро амалиётда намунавий назорат тартиби борми?

4) Давлат назоратини ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг роли қандай?

5) Тадбиркорларни сифатли, хавфсиз ва рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш (сотиш)га рағбатлантирувчи қандай чораларни ишлаб чиқиш мумкин?

6) Халқаро амалиётда «давлат текшируви (контроли) ва назорати» тушунчалари қандай фарқланади?

III ҚИСМ. МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ

13боб. Мувофиқликни баҳолаш асослари

1.1 Мувофиқликни баҳолашнинг халқаро амалиёти

Мувофиқликни баҳолаш тизим сифатида якин ўтмишдан шакллана бошлаган. Мувофиқликни баҳолашнинг кўринишларидан бири бўлган сертификатлаштириш эса ўз тарихига эгадир.

Археолог ва тарихчиларнинг маълумотларига кўра, сертификатлаштириш фаолияти қадим тарихга эга. Қалимти Юнон ҳужжатларида қурилишда ишлатиладиган устун (колонна)ларни ишлаб чиқариш бўйича меъёрлар булган ва бу сертификатлаштиришни дастлабки кўриниши булган.

Қадимда товар ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари сифатини ёзма тарзда «мувофиқлик тўғрисида ҳужжат» кўринишида кафолатлаганлар. Ҳатто Уйғониш даври рассомлари ўз асарларини 300 йил сақланишини ёзма ҳужжатлар билан кафолатлаганлар.

1920 йилда Германия стандартлар институти (DIN) томонидан Германиянинг DIN стандартларига мувофиқлик белгисини таъсис этганлар ва биринчи бўлиб электротехника ва электрон ускуналарни сертификатлаштириш тизимини яратганлар. 1926 йилда Англияда «сертификатлаштириш» тушунчаси пайдо бўлиб, у ихтиёрий тарзда олиб борилган. 1938 йилда Францияда Декрет орқали маҳсулотларни стандартлар талабларига мувофиқлигини текширишга асосланган Миллий сертификатлаштириш тизими — NF жорий этилган.

Сертификатлаштириш бўйича фаолият ИСОнинг ISO/CASCO «Мувофиқликни баҳолаш» ТК томонидан олиб борилади.

Ўзбекистонда маҳсулотларни стандартлар талабларига мувофиқлигини текширишга асосланган тизим сифатида сертификатлаштириш дастлаб 1979 йилда киритила бошланган.

Сертификатлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш дастлаб (1992 йилдан) Ўздавстандарт маркази томонидан, 2002 йилдан «Ўзстандарт» агентлиги томонидан амалга оширилади. «Ўзстандарт» агентлиги Сертификатлаштириш бўйича Миллий идора сифатида белгиланган (3.1-расм).

Ўзбекистонда сертификатлаштириш бўйича фаолият Ўз-



3.1-расм. Сертификатлаштиришнинг ривожланиш тарихи

кистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» (1993 й.) ва «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонунларига асосан олиб борилади.

Мувофиқликни баҳолаш бўйича стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар халқаро даражада ИСО, Халқаро электротехника комиссияси ва бошқа ташкилотлар томонидан кенг доирада қўлланилиши учун ишлаб чиқилади. Халқаро таш-

килотлар мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда стандартлаштириш бўйича ҳудудий ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Халқаро ташкилотлар, хусусан ИСО. Халқаро электротехника комиссияси томонидан мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги кўплаб меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. ИСО/МЭК 17000 халқаро стандартлар серияси айнан мувофиқликни баҳолаш соҳасининг меъёрий асосларини ташкил этади. Ушбу сериялаги бир неча меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистонда давлат стандартлари сифатида қабул қилинган. Масалан, O'z DSt ISO/IEC 17000:2009 «Оценка соответствия. Словарь и общие принципы (ISO/IEC 17000:2004,IDT)», O'z DSt ISO/IEC 17011:2009 «Оценка соответствия. Общие требования к органам по аккредитации органов по оценке соответствия», O'z DSt ISO/IEC 17024:2009 «Оценка соответствия. Общие гребования к органам, осуществляющим сертификацию персонала», O'z DSt ISO/IEC 17025:2007 «Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий (ISO/IEC 17025, IDT)», O'z DSt ISO/IEC 17065:2015 «Общие требования к органам, по сертификации продукции и услуг (ISO/IEC 17065:2012, IDT)» стандартлари Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш миллий тизимининг меъёрий ҳужжатлари сифатида кенг доирада қўлланилади.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар ичида асосийларидан бири ISO/IEC 17000:2004 «Мувофиқликни баҳолаш. Луғат ва умумий принциплар» бўлиб, унда соҳадаги умумэътироф этилган атамалар ва тушунчалар келтирилган.

Халқаро меъёрий ҳужжат ISO/IEC 17000:2004 асосида қабул қилинган Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt ISO/IEC 17000:2008 «Мувофиқликни баҳолаш. Луғат ва умумий принциплар»да «мувофиқликни баҳолаш — маҳсулот, жараён, тизим, шахс ёки идорага белгиланган талаблар бажарилишини исботлаш» эканлиги, «мувофиқликни баҳолаш тизими — мувофиқликни баҳолашни бажариш учун қоидалар, процедуралар ва қўлланма» эканлиги белгиланган. Бунда мувофиқликни баҳолашнинг предметли соҳаси сифатида синов, текширув, сертификатлаштириш, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш идораларини аккредитлаш каби фаолият турлари кўрсатилган.

Соҳада бир хил қўйилган талаблар, белгиланган қоида-

лар ва процедуралар қўлланиладиган аниқ мувофиқликни баҳолаш объектларига тегишли бўлган тизим ҳисобланган мувофиқликни баҳолаш схемаси (дастури) қўлланилади.

Халқаро меъёрий ҳужжатларда мувофиқликни баҳолаш учта тараф томонидан амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган:

— **биринчи тараф томонидан мувофиқликни баҳолаш бўйича фаолият:** мувофиқликни баҳолаш объектини тақдим этувчи шахс ёки ташкилот амалга оширадиган, мувофиқликни баҳолаш буйича фаолият;

— **иккинчи тараф томонидан мувофиқликни баҳолаш бўйича фаолият:** мувофиқликни баҳолаш объектига фойдаланувчи сифатида манфаатдор бўлган шахс ёки ташкилот (масалан, маҳсулотни сотиб олувчилар ёки истеъмолчилар) амалга оширадиган, мувофиқликни баҳолаш буйича фаолият;

— **учинчи тараф томонидан мувофиқликни баҳолаш бўйича фаолият:** мувофиқликни баҳолаш объектини тақдим этувчи шахс ёки ташкилотга ва ушбу объектга манфаатдор бўлган фойдаланувчига боғлиқ бўлмаган шахс ёки идора амалга оширадиган, мувофиқликни баҳолаш бўйича фаолият, бундай боғлиқ бўлмаслик мезонлари, одатда, аниқ бир фаолиятга тегишли Халқаро меъёрий ҳужжатларда келтирилади.

Ўзбекистон Республикасида **учинчи тараф сифатида** аккредитланган, маҳсулотни сертификатлаштириш идоралари ҳисобланади.

Мувофиқликни баҳолаш объектлари сифатида материал, маҳсулот, хизмат, қурилма, жараён, тизим, шахс ёки идора тушунилади.

Халқаро стандарт ISO/IEC 17025:2005 (O'z DSt ISO/IEC 17025:2007)да синовлар ва калибрлашлар, шу жумладан намуналарни танлаш, стандарт усуллар, ностандарт усуллар ва лаборатория томонидан ишлаб чиқилган усуллар бўйича ўтказиладиган синовлар ва калибрлашлар ўтказишда лабораториялар компетентлилигига қўйиладиган умумий талаблар белгиланган.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида ИСОнинг техник қумитаси КАСКО шуғулланади, у мувофиқликни баҳолаш объектларини стандартлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш масалаларини ўрганади, тегишли маълумотларни таҳлил қилади ва соҳага оид раҳбарий ҳужжатларни ишлаб чиқади. КАСКОнинг муҳим вазифалари қаторига ҳудудий ва миллий мувофиқликни баҳолаш тизимларини узаро тан

олинишига ва синовлар ҳамда мувофиқликни тасдиқлаш бўйича халқаро стандартларни кенг қўлланишига, уларни миллий тизимлар доирасида қабул қилинишига ёрдам кўрсатишдир. ШҲТ билан бирга КАСКО аккредитлаш соҳасида талабларни яратиш, маҳсулотлар ва сифат тизимларига сертификатларни ўзаро тан олинишига ёрдам кўрсатади.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида муҳим бўлган халқаро стандартлар қаторига ИСО/МЭК 17011:2004 стандарти киради. Унда мувофиқликни баҳолаш бўйича идоралар компетентлилигини баҳолаш талаблари белгиланган. Стандарт халқаро савдода маҳсулотлар ва хизматларга тегишли мувофиқликни баҳолаш ишлари натижаларини ўзаро тан олиниши бўйича шартномаларни тузиш мақсадида аккредитлаш идораларини экспертли баҳолаш асоси сифатида хизмат қилади.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида тан олинган халқаро ташкилотлар қаторига Халқаро аккредитлаш Форуми (ИАФ — IAF) ва лабораторияларни аккредитлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича Халқаро ташкилот (ИЛАК — ILAC) киради.

3.2-расм. ИЛАК ва ИАФ халқаро ташкилотлар белгилари

IAF аъзолари бўлган аккредитлаш идоралари Форумнинг кўп томонлама Келишуви (IAF — ML 99—001) доирасида аккредитлаш натижаларини ИСО/МЭК 17011 ва ИСО/МЭК 17021 раҳбарий ҳужжатларига мувофиқ ўзаро тан олиш мажбуриятини оладилар. Келишув орқали синов ва сертификатлаштириш ишларини такрорланишини ўз ичига олувчи ортиқча ва қимматбаҳо тадбирларни бартараф этилишини таъминлайди (3.3-расм).

ИАФ ўзаро тан олиш Келишувини имзолаган ҳар бир аккредитация идораси қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

ISO/IEC 17011:2004 ва IAF ҳужжатларида ўрнатилган талабларга мувофиқликни сақлаб туриш;



3.3-расм. Ўзаро тан олиш Келишуви моҳияти

аккредитацияланган идоралар ISO/IEC 17021 ёки ISO/IEC Guide 65 асосида ишларни олиб боришига кафолат бериши.

ILAC ташкилоти аъзолари ўртасида миллий доирада аккредитланган синов лабораторияларнинг фаолиятлари натижаларини ўзаро тан олинишига эришишга имкон яратади ва бунда аъзоларига амалий ёрдам кўрсатади. «Ўзстандарт» агентлиги ILAC ташкилоти фаолиятида мухбир аъзо сифатида иштирок этади.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида юқорида қайд этилган ташкилотлар билан бирга, бошқа халқаро ва ҳудудий ташкилотлар ҳам қоидалар ва меъёрларни, манфаатдор томонлар қўллаши учун тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқадилар.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида таниқли бўлган ташкилотлар қаторида Европа мувофиқликни баҳолаш бўйича ташкилоти (ЕМБТ)ни, Аккредитлаш бўйича Европа ҳамкорлиги (ЕА)ни, МДҲ давлатлараро Кенгашини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Аниқ соҳалар мувофиқлигини баҳолаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш учун ушбу ва бошқа ташкилотлар ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларини очиқ чоп этадилар.

Европа Иттифоқида мувофиқлигини баҳолаш бўйича ҳудуд доирасида тегишли сиёсат олиб борилади. 1988 йилда Брюссел шаҳрида ўтказилган Европа давлатларининг сертификатлаштириш ва синовлар масалалари бўйича симпозиумида ушбу соҳада ҳудуд учун ягона принципларни яратишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди. Симпозиум материаллари асосида Европа Иттифоқи Комиссияси техник шартлар, сертификатлаштириш ва синовларга комплекс ёндашув маса-

лалари буйича резолюция тайёрланган. Ушбу ҳужжатда маҳсулотларни сертификатлаштириш ва синашда янги, юқори даражага эришиш кераклиги таъкидланган. Бунда:

Евронормалар асосида сифатни бошқариш тизимларини корхоналарда жорий этиш тавсия қилинди;

ЕИ учун синов лабораториялари, аккредитлаш ва сертификатлаштириш буйича идораларнинг компетентлилигини ва мустақиллигини баҳолаш мезонлари тасдиқланди.

Бу даврга келиб ЕИ давлатларида маҳсулотлар хавфсизлигини тасдиқлаш буйича процедураларда катта фарқ бор эди. Шу боис, 1985 йилда ЕИ Кенгашининг техник мувофиқлаштириш тўгрисида директиваси қабул қилинган, унда асосий талаблар ва стандартлар роли чегараланди. Асосий талаблар стандартлар талабларидан фарқли равишда мажбурийдир. Агар стандарт мувофиқлаштирилган бўлса, бу стандарт буйича ишлаб чиқилган маҳсулот асосий талабларга мос ҳисобланади, бу эса маҳсулотни назорат қилишни енгиллаштиради. Агар маҳсулот асосий талабларга асосан ишлаб чиқилган бўлса, уни мувофиқлиги учинчи тараф томонидан тасдиқланиши керак.

Комплекс ёндашув компетентлилик, юқори техник даражада жиҳозланганлик ва очиқлик шароитида сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олишни яқинлаштиради. Очикликни таъминлаш мақсадида ЕИ Комиссияси томонидан мувофиқликни баҳолашга тегишли барча маълумотлар базасини ўз ичига олган «Сертификат» маълумотлар банки ташкил этилди.

Комплекс ёндашувга асосан ЕИ давлатларида синов лабораторияларини аккредитлашга ва бунда EN 45000 сериядаги Европа стандартларига асосланган миллий аккредитлаш тизимларини ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Хавфсизликни таъминлашда маҳсулотни ишлаб чиқиш, уни текшириш ва текширув идораларига эътибор қаратилди.

1989 йилда ЕИда қоидаларни мувофиқлаштиришнинг Глобал концепцияси қабул қилинди.

Европа директиваларига кўра, ишлаб чиқарувчи ариза — декларация орқали маҳсулотининг директива талабларига мувофиқлигини тасдиқлайди ва маҳсулотини тегишли мувофиқлик белгиси билан ёрлиқлайди.

Амалдаги евродирективаларда маҳсулот ҳаёт циклининг маълум босқичига (лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, сотиш, фойдаланиш) тегишли хавфсизлик талаблари белгиланган

ва уларда техник талаблар билан бирга ҳуқуқий талаблар ҳам ўрнатилади. Одатда евродирективаларда маҳсулотга умумий (хавфсизлик) талаблари келтирилади, бошқа (истеъмол) талаблар стандартларда келтирилади.

Евродирективаларда белгиланган талабларга маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқлаш усуллари (модуллар) келтирилади. Мувофиқликни тасдиқлаш учун қайси усуллан фойдаланишни маҳсулот эгаси (ишлаб чиқарувчи, сотувчи, таъминотчи) ҳал қилади. Маҳсулот ҳаёт циклининг ҳар босқичига маълум модул назарда тутилган ва уларни биргаликда ҳам, алоҳида ҳам қўллаш мумкин. Модулли ёндашув ЕИ доирасила мувофиқликни тасдиқлаш тизимининг енгил ва самарали қўлланилишини таъминлайди. Директивалар алоҳида маҳсулотлар турларига мувофиқликни баҳолашнинг алоҳида усулларини қўллаш имкониятини беради.

Маҳсулот директива талабларига мувофиқлиги тасдиқланган ҳолда, унга Европа мувофиқлик белгиси CЄ қўйилади ва у ЕИ ҳудудида эркин муомалада бўлиши мумкин. Директиваларда Европа стандартлари (евронормалар)га ҳаволалар келтирилади ва шу боис мувофиқлик белгиси CЄ бўлган маҳсулотлар учун яна қўшимча стандартга мувофиқлиги тасдиқланиши талаб этилмайди.

ЕИ ишлаб чиқарувчилари маҳаллий маҳсулотлар хоҳлаган меъёрий ҳужжатни қўллаши мумкин, лекин маҳсулотлар белгиланган мажбурий талабларга (одатда директива талабларига) тўлиқ жавоб бериши керак.

ЕИ давлатларида ички бозорни хавфли ва сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида, 1985 йилда «Нуқсонли маҳсулотни чиқаргани учун ишлаб чиқарувчи масъулияти тўғрисида» Қонун қабул қилинган ва барча аъзо давлатларга миллий қонунчилигини унга мослаштириш талаби қўйилган. Қонунда ишлаб чиқарувчининг нуқсонли маҳсулотни чиқаргани учун масъулияти ва истеъмолчининг ҳуқуқлари белгиланган.

ЕИ давлатларида мувофиқликни баҳолашнинг миллий тизимлари қўлланилади, улар миллий идоралар томонидан бошқарилади, миллий тизимлар умумевропа тизими доирасида бўлиши талаб этилади.

МДҲ доирасида ҳудудий мувофиқликни баҳолаш тизими фаолият кўрсатади. 1992 йилда МДҲ давлатлари томонидан «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида келишилган сиёсатни олиб бориш бўйича Кели-

шув» имзоланган. Унга кура, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича давлатлараро Кенгаш (ДК) ташкил этилган. Давлатлараро Кенгашнинг вазифалари қаторига қуйидагилар киритилган:

— аккредитланган синаш, қиёслаш, калибрлаш ва ўлчаш лабораториялари, сертификатлаштириш идоралари, маҳсулотлар ва сифат тизимларини ўзаро тан олиш буйича қоидаларни ва процедураларни ишлаб чиқиш;

— стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат соҳаларида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Ўзбекистондаги маҳсулотларнинг аксарияти давлатлараро меъёрий ҳужжатлар (ГОСТ) асосида ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, синаш ва ўлчаш намуналарни танлаш, сақлаш, ташиш буйича ишлар ҳам давлатлараро меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Давлатлараро Кенгашнинг фаолияти орқали МДҲ давлатлари миллий идораларининг мувофиқликни баҳолаш соҳасида имкониятларини бирлаштириш, миллий доирада орттирилган тажрибаларни қўллаш ва ривожлантириш, соҳа буйича келишилган, ягона сиёсатни амалга оширишга эришилди. Кенгаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини МДҲ доирасида қабул қилинган ҳукуматлараро ва миллий идоралар ўртасида тузилган келишувлар ва шартномалар ташкил этади. Давлатлараро Кенгаш томонидан стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларига тегишли бир қатор ҳукуматлараро келишувлар имзоланган. Шулар қаторига мувофиқликни баҳолашга тааллуқли қуйидаги келишувлар киради:

— стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида келишилган сиёсатни олиб бориш буйича Келишув;

— эркин савдо ҳудудида техник тусиқлар буйича Келишув;

— МДҲ давлатларида туризм соҳасида давлатлараро меъёрий ҳужжатлар ва сертификатлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш буйича Концепция.

— давлатлараро Кенгаш томонидан қуйидаги келишувлар имзоланган:

— сертификатлаштириш буйича ишларни амалга ошириш ва ўзаро тан олиш принциплари тўғрисида;

— МДҲ давлатлари қатнашчилари маҳсулотларини бозорга чиқаришда ягона белгини қўллаш тўғрисида Келишув;

— мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходимлар компетентлилигини ўзаро тан олиш тўғрисида Келишув;

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида аккредитлаш бўйича ишларнинг натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисида Келишув.

Давлатлараро Кенгаш халқаро ташкилотлар (хусусан, ИСО) томонидан стандартлаштириш бўйича ҳудудий ташкилоти сифатида тан олинган ва унга «Евросиё стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Кенгаш (EASC)» (ИСО Кенгашининг 26/1996 резолюцияси) номи берилган.

Халқаро ва ҳудудий ташкилотлар ва Давлатлараро Кенгаш ўртасида тузилган келишувларга мувофиқ халқаро ва ҳудудий (Европа) стандартларини МДҲ доирасида давлатлараро ва миллий меъёрий ҳужжатлар сифатида қабул қилиш мумкин. Ҳозирда давлатлараро меъёрий ҳужжатлар фонди 20000 дан зиёддир. Фондни Давлатлараро Кенгашнинг стандартлар бўйича Бюроси олиб боради. Давлатлараро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиш жараёнида уларни халкаро ва ҳудудий (Европа) меъёрий ҳужжатлар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

МДҲ доирасида давлатлараро мувофиқликни баҳолаш тизими билан бирга, миллий тизимлар ҳам олиб борилади. Ҳар бир МДҲ давлатида ўзининг мувофиқликни баҳолаш тизими фаолият кўрсатади.

2000—2004 йилларда Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Белоруссия, Молдовада техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида қонунлар қабул қилинган:

Россия Федерациясида — «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»;

Украинада — «Стандартлар, техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш процедуралари тўғрисида»:

Белоруссияда — «Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш тўғрисида»;

Молдова — «Савдодаги техник тусиқлар тўғрисида»;

Қирғизистонда — «Қирғизистон Республикасида техник жиҳатдан тартибга солиш асослари тўғрисида».

Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Қирғизистондаги ушбу қонунларда маҳсулотлар мувофиқлигини баҳолаш ва аккредитлаш масалалари кўрилган. Украина, Белоруссия ва Молдовада мувофиқлигини баҳолаш ва аккредитлаш масалалари алоҳида қонунларда кўрилган. Кейинчалик, Қирғизистон ва Украинада «Аккредитлаш тўғрисида», Россия Федерациясида «Аккредитлаш миллий тизимида аккредитлаш

тўғрисида», Қозоғистонда «Мувофиқликни баҳолаш соҳасида аккредитлаш тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

Юқорида қайд этилган миллий қонунларнинг таҳлили, уларнинг асосий моҳияти жуда яқинлигини кўрсатди, чунки уларнинг асосида халқаро меъёрлар ва қоидалар ётибди.

МДҲ давлатларида амалда бўлган мувофиқликни баҳолашга оид қонунчиликнинг таҳлилига кўра, мувофиқликни баҳолашнинг умумий тузилмасини келтириш мумкин (3.4-расм).



3.4-расм. МДҲ давлатларида мувофиқликни баҳолаш тизими

Барча юқорида келтирилган миллий мувофиқликни баҳолаш тизимларида аккредитлаш ва мувофиқликни тасдиқлаш тизимлари, мувофиқликни тасдиқлаш эса мажбурий ва ихтиёрий кўринишларда бўлиши назарда тутилган.

Мажбурий тарзда мувофиқликни тасдиқланган ҳолда маҳсулот ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган мажбурий талабларга жавоб бериши керак, мувофиқликни тасдиқлаш ихтиёрий ҳолда амалга оширилганда эса, баҳолаш кўрсаткичлари маҳсулот эгаси томонидан белгиланади.

Мувофиқликни тасдиқлаш кўринишлари ва схемалари маҳсулотга тегишли техник регламентларда кўрсатилади. Мувофиқликни декларациялаш йули билан тасдиқлаш кўп давлатларда кенг тарқалган бўлиб, декларациялар аккредитланган сертификатлаштириш идораларида рўйхатга оли-

ниши керак, мувофиқликни тасдиқлаш эса маҳсулот эгасининг ёки сертификатлаштириш идоралари ҳамда синов лабораториялари материаллари асосида тасдиқланиши мумкин. Мувофиқликни тасдиқлаш миллий қонунчиликка асосан бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Ҳар бир давлатнинг қонунчилигида Миллий аккредитлаш идоралари белгиланган.

Назорат саволлари:

1) Мувофиқликни баҳолаш бўйича стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қандай халқаро ташкилотлар томонидан қўлланилиши учун ишлаб чиқилади?

2) Қандай халқаро стандартлар айнан мувофиқликни баҳолаш соҳасининг меъёрий асосларини ташкил этади?

3) Қандай мувофиқликни баҳолаш соҳасининг халқаро стандартлари Ўзбекистонда давлат стандартлари сифатида қабул қилинган?

4) Мувофиқликни баҳолаш деганда нимани тушунасиз?

5) Мувофиқликни баҳолаш тизими деганда нимани тушунасиз?

6) Халқаро меъёрий ҳужжатларда мувофиқликни баҳолаш неча тараф томонидан амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган?

7) Мувофиқликни баҳолаш объектларига нималар киради?

8) Мувофиқликни баҳолаш бўйича стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қандай ҳудудий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади?

9) Европа Иттифоқида евродирективаларнинг ўрни қандай?

10) Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро Кенгаш (ДК) қачон ташкил этилган ва унинг вазифалари нималардан иборат?

11) Мувофиқликни баҳолаш тизими тузилмасига қандай фаолиятлар киради?

12) Мувофиқликни тасдиқлаш кўринишлари ва схемалари маҳсулотга тегишли қандай ҳужжатларда кўрсатилади?

1.2 Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш тизими

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида» Қонунида стандартлаштиришнинг асосий мақсадларидан бири сифатида маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва

хизматларнинг аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш кўрсатилган. Маҳсулотнинг, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатдан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиши ва ўзаро алмашинувчанлигини, уларни назорат қилиш усуллари бирлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа талаблар стандартлаштириш буйича меъёрий ҳужжатларда белгиланади ва улар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектлари риоя этиш учун мажбурийдир. Бу ҳақда бошқа бобларда батафсил қайд этилган.

Стандартлаштириш объектларига тегишли талаблар умумлашган ҳолда сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари дейилади. Ушбу кўрсаткичлар ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда белгиланиши мумкин. Ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда мажбурий талаблар этиб белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишини назорат қилишнинг халқаро тан олинган процедуралари мавжуд бўлиб, улар умумий ҳолда «мувофиқликни баҳолаш» деб айтилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш туғрисида» Қонунида **мувофиқликни баҳолаш** — маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимлар, мувофиқликни баҳолаш органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш буйича фаолият эканлиги белгиланган. Ушбу таърифга кўра, мувофиқликни баҳолаш объектлари қаторига маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматлар билан бирга, ходимлар, мувофиқликни баҳолаш органлари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш туғрисида» Қонунида келтирилган таърифга кўра, **мувофиқликни баҳолаш орган (идора)лари** — юридик шахс бўлган ва мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажариш учун белгиланган тартибда аккредитация қилинган инспекция органлари, синов ва калибрлаш лабораториялари (маркалари), маҳсулотни, хизматларни, менежмент тизимларини, ходимларни сертификатлаштириш органлари, **ходим (шахс)**

лар — мувофиқликни баҳолашга доир ишларни амалга ошириш учун тайёргарликка ва малакага эга бўлган мутахассислардир.

Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонунида мувофиқликни баҳолашнинг қуйидаги асосий вазифалари белгиланган:

— инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;

— атроф-муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

— маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш;

— мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитациянинг белгиланган соҳасида ишларни бажаришга ваколатли эканлигини тасдиқлаш;

— ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

— халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдода иштирок этиш;

— савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатда миллий даражадаги мувофиқликни баҳолашнинг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асослари мавжуд бўлиши талаб этилади. 3.5-расмда Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизимининг тузилмаси кўрсатилган.

Халқаро ва Ўзбекистонда амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга асосан мувофиқликни баҳолаш бир неча кўринишларда амалга оширилиши мумкин: синовлар, сертификатлаштириш, декларациялаш, аккредитлаш, инспекцион текширув, юклаш ва бўшатишдан олдинги инспекция, санитар-эпидемилогик, ветеринар, фитосанитар, экологик хулосалар ва экспертизаси.

Мувофиқликни баҳолаш бўйича ҳаракатлар амалга оширилгандан сўнг, процедура натижаси ижобий бўлган тақдирда, амалга оширилгандан ҳаракатга тегишли бўлган мувофиқликни баҳолаш ҳужжатлари берилиши керак:

Синовлар — баённомалар;

Сертификатлаштириш — мувофиқлик сертификати;

Декларациялаш — мувофиқлик декларацияси;



3.5-расм. Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизимининг тузилмаси

Аккредитлаш — аккредитлаш гувоҳномаси;

Инспекцион текширув — хулосалар;

Санитар-эпидемилогик, ветеринар, фитосанитар, экологик хулосалар ва экспертизаси — хулосалар.

Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизимининг юқорида қайд этилган элементлари 3.6-расмда келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш тизимининг дастлабки элементлари 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» Қонуни қабул қилиниши билан жорий этила бошланган. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари (3.6-расм) қабул қилиниши билан тизимнинг қуринишлари кўпайиб, ҳуқуқий ва меъёрий асослари яратила бошланган. Ўзбекис

3.6-расм. Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизимининг элементлари

тон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонуни 2013 йилда қабул қилиниши билан халқаро талабларга мос мувофиқликни баҳолаш миллий тизимининг асосий ҳуқуқий базаси яратилди.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистонда мувофиқликни баҳолашнинг ҳуқуқий асослари қайси ҳужжатларда берилган?

2) Қайси Қонунда мувофиқликни баҳолашнинг асосий вазифалари белгиланган?

3) Мувофиқликни баҳолашнинг асосий вазифалари сифатида нималар белгиланган?

4) Мувофиқликни баҳолашнинг мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатда нималарнинг мавжуд бўлиши талаб этилади?

5) Мувофиқликни баҳолашнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини қайси ҳужжатлар ташкил этади?

6) Мувофиқликни баҳолашнинг ташкилий асосларини кимлар ташкил этади?

7) Мувофиқликни баҳолаш натижасида қандай ҳужжатлар берилади?

8) Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизимининг халқаро ҳужжатлар билан мувофиқлашган даражаси қандай?

1.3 Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизимининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари

Мувофиқликни баҳолаш тизимининг мамлакатимизда ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, белгиланган тартибда Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтган ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш тизимининг асосий қоидалари, яратилиш ва фаолият кўрсатиш тартиби, объектлари ва субъектлари қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида» Қонуни — мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш қоидалари ўрнатилган;

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» Қонуни — Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар, хизматлар, жараёнлар, мувофиқликни баҳолаш соҳасида фаолият кўрсатувчи ходимлар ва бошқа объектларни сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини, шунингдек сертификатлаштириш иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилаб беради;

Ўзбекистон Республикаси «Стандартлаштириш тўғрисида» Қонуни — стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг сертификатлаштиришда қўлланилиши қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар сертификатлаштиришни амалга оширишда риоя этиладиган талабларни, шунингдек ушбу талабларга мувофиқликни назорат қилиш ва синаш усулларини ўз ичига олиши, маҳсулотнинг мазкур турини сертификатлаштириш тизимида бел-

гиланган қоида ва тартибларга мувофиқ қўлланилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида истеъмолчилар сифатли ва хавфсиз маҳсулотдан фойдаланиш, маҳсулот ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши (хусусан, товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи, сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозимлиги) ҳуқуқига эга эканлиги, товарлар хавфсизлигини тасдиқлаш уларни сертификатлаштириш йули билан ёки сертификатларни тан олиш ёхуд республикадан ташқарида товар ишлаб чиқарувчига товар учун берилган бошқа мувофиқлик гувоҳномалари орқали амалга оширилиши, истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик (иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқарувчи (ижрочи), норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган, мувофиқлик сертификати берган орган жавобгарлиги. «Ўзстандарт» агентлиги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидан бири эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси «Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунида аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари белгиланган бўлиб, унда хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини давлат томонидан меъёрлаш ва сертификатлаш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш талаблари кўрсатилган;

алоҳида турдаги маҳсулотлар, хизматларни яратиш (ташкил этиш) ва улардан фойдаланиш тартибларини белгиловчи Қонунлар.

Мувофиқликни баҳолаш тизимининг ташкилий тузилмаси, субъектларининг асосий вазифалари, масъулияти ва ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-2935-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994

йил 12 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қушимчалар киритиш тўғрисида»ги 410-сонли қарори — тайёрловчилар (тадбиркорлар, ётувчилар, ижрочилар), синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш органларининг мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилишлари ҳамда сертификатлаштирилган маҳсулот устидан давлат назоратини «Ўзстандарт» агентлигининг давлат инспекторлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга ошириши, давлат назорати органлари ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ сертификатлаштириш синовларининг тўғри утказилиши устидан назоратни амалга оширишлари, сертификатлаштирилган маҳсулотлар, сифат тизимларида аттестация шартларига қандай риоя қилинаётганлиги устидан инспекция назоратини утказишлари, сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилишни назорат этиш жараёнида аниқланган бузилишларни бартараф қилиш чора-тадбирларини қуришлари, сертификатлаштириш қоидаларининг бузилишида айбдор булган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортишлари, мувофиқлик сертификатларига эга булмаган импорт қилинган маҳсулотларни сотишни тақиқ-лашлари, сертификатлаштириш буйича қонунчилик нормаларини бузганлик учун мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгиларини бекор қилиш ҳамда амал қилишини тухтатишлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 342-сонли — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази («Ўздавстандарт») Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)га айлантирилган, «Ўзстандарт» агентлиги қошида хўжалик ҳисобидаги Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ва унинг ҳудудий марказлари, Метрология хизматлари кўрсатиш маркази, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш буйича Идораларо кенгаш, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти, Стандартлаштириш, метрология ва

сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармаси ташкил этилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 373-сонли қарорида «Ўзстандарт» агентлигининг асосий вазифалари, ташкилий тузилмаси ва Низоми, Миллий эталонлар марказининг, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтининг тузилмалари тасдиқланган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-талбирлар тўғрисида»ги 318-сонли қарори — Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган, 2004 йил 1 октябрдан бошлаб декларациялаш йўли билан маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш тизими жорий этилган, маҳсулотларни штрихли кодлаш билан шуғулланувчи «EAN Uzbekistan» уюшмаси ташкил этилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-талбирлари тўғрисида»ги 349-сонли қарорида сифатни бошқариш тизимлари жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилган, синов лабораторияларига эга бўлган корхоналар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ лабораторияда текшириш ва тест синовидан ўтказишда фойдаланиладиган технология жиҳозлари, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни четдан келтиришда, агар уларни етказиб бериш технология жиҳозлари етказиб бериш учун тузилган контракт шартларида назарда тутилган бўлса, божхона тўловларидан, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига техника соҳаси ўқув юртларида «сифат менежери» йуналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш дастурини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритиши кераклиги кўрсатилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимлари-

ни жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 173-сонли қарори — Сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш буйича махсус ишчи гуруҳнинг янгиланган таркиби тасдиқланган, хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг халқаро стандартларга мувофиқ булган сифатни бошқариш тизимларини 2011 йил 1 январгача жорий этиш тўғрисидаги (келтирилган руйхатга асосан)таклифларига розилик берилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари корхоналар буйича халқаро стандартларга мувофиқ булган сифатни бошқариш тизимларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаштиришга доир тармоқ тадбирларини тасдиқлашлари ва халқаро стандартларга мувофиқ булган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштириш амалга оширилиши таҳлилига бағишланган масалаларни Комплексларнинг чораклик мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқишлари кўрсатилган, халқаро стандартларга мувофиқ булган сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилиши, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ҳарид қилиш юзасидан тендер савдолари ўтказишда бошқа тенг шарт-шароитларда устунлик сифатни бошқаришнинг сертификатлаштирилган тизимига эга бўлган мамлакатимиз маҳсулот етказиб берувчиларига берилиши белгиланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт буйича божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод килинадиган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар руйхатига лаборатория тадқиқотларида ва маҳсулотларни тестдан ўтказишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва уларга эҳтиёт қисмларни киритиш буйича топшириқ берилган;

ЎзР ВМнинг 2011 йил 28 апрелдаги «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 122-сонли қарорида 2011 йил 1 майдан бошлаб ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан сотилган сертификатлаштирилган маҳсулот ҳажмидан мувофиқлик белгиларидан фойдаланганлик учун сертификатлаштириш органларига доимий лицензия ажратмаларини тўлаш тўғрисидаги талабларни, уларнинг урнига Ўзбекистон Рес-

публикаси Молия вазирлиги билан келишилган миқдордаги бир марталик туловни жорий этган ҳолда, бекор қилиш тўғрисидаги, экспортга етказиб бериш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ихтиёрий равишда сертификатлаштириш тўғрисидаги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турларини сертификатлаштиришнинг маълум қилиш тартибини 2011 йил 1 майдан бошлаб жорий этиш тўғрисидаги, хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш йули билан четдан келтирилаётган технологик ускуналар ва уларнинг қисмларини сертификатлаштириш тартибини соддалаштириш тўғрисидаги таклифлар қабул қилинган, Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари руйхати, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган, «Ўзстандарт» агентлигининг маҳсулотларни экспорт қилишга кумаклашиш бюроси ташкил этилган ва унинг низоми тасдиқланган;

ЎзР ВМнинг 2015 йил 14 октябрдаги «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сон қарори — Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини инспекция назоратидан утказиш тартиби тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси ташқарисида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган, 2014 йил 5 апрелгача аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрология хизматлари фаолиятини инспекция назоратидан утказиш натижаларига кура аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилишда янги гувоҳномалар уларни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб расмийлаштирилиши, мувофиқликни баҳолаш соҳаси ходими сифатида қатнашишга талабгор бўлган мутахассисларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида руйхатдан утказилиши курсатилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015

йил 19 октябрдаги 298-сонли «2020 йилгача бўлган даврда Сифат миллий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори — «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ишлаб чиқилган. «Синаш ва ўлчаш лабораторияларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ҳамда маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида сифатни назорат қилиш учун ускуналарни сотиб олиш бўйича лойиҳалари руйхати»ни, «Халқаро даражада аккредитацияланган «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари синов лабораториялари руйхати»ни, «Халқаро стандартларни ва сифат тизимларини жорий этишнинг мақсадли кўрсаткичлари»ни, «Ўзстандарт» агентлиги тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ва дастурий маҳсулотларни ривожлантириш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар руйхати»ни ўз ичига олувчи «2020 йилгача даврга миллий сифат инфратузилмасини ривожлантириш Дастури» тасдиқланган, «Ўзстандарт» агентлигига сифат менежментини сертификатлаштиришни ўтказиш тартиби тўғрисида Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилган.

Мувофиқликни баҳолаш турларини амалга оширишнинг тартиб-қоидалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат руйхатидан ўтказилган қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган:

2005 йил 18 мартда 1458-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари»;

2005 йил 6 апрелда 1464-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган «Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматларни инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари»;

2005 йил 6 апрелда 1465-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган «Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида низом»

2005 йил 28 сентябрда 1513-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган «Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш қоидалари»;

2005 йил 28 ноябрда 1525-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»;

2007 йил 6 сентябрда 1714-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган «Ишлаб чиқарилган этил спирт — ректификатини синовдан ўтказиш ва тайёр маҳсулотлар омборхонасига топшириш тартиби тўғрисида низом»;

2013 йил 11 октябрда 2516-сон билан давлат руйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш қоидалари»;

2015 йил 30 декабрда 2748-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган «Мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассисларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом»;

2016 йил 16 январда 2754-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган «Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом»;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 июлда 2899 ракам билан рўйхатдан ўтказилган «Сифат буйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом».

Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш тизими доирасида фаолиятни амалга оширишнинг меъёрий асосларини миллий тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари — Ўзбекистон аккредитлаш тизими, Ўзбекистон Миллий сертификатлаштириш тизими, Маҳсулотларни синаш тизими, Ўзбекистон сифат тизими асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Шу билан бирга, маҳсулотлар (хизматлар)га, уларни идентификация қилиш, синаш, танлаш, сертификатлаштиришга тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳам мувофиқликни баҳолаш тизимининг меъёрий асослари сифатида кўрилиши мумкин.

Назорат саволлари:

1) Мувофиқликни баҳолаш тизимининг ҳуқуқий асослари қандай тоифадаги ҳужжатларда белгиланган?

2) Мувофиқликни баҳолаш тизимининг асосий қоидалари, яратилиш ва фаолият кўрсатиш тартиби, объектлари ва субъектлари қандай ҳужжатларда белгиланган?

3) Мувофиқликни баҳолаш тизимининг ташкилий тузилмаси, субъектларининг асосий вазифалари, масъулияти ва ўзаро муносабатлари қандай ҳужжатларда белгиланган?

4) Мувофиқликни баҳолаш турларини амалга оширишнинг тартиб-қоидалари қандай ҳужжатларда белгиланган?

5) Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш тизими доирасида фаолиятни амалга оширишнинг меъёрий асослари қандай ҳужжатларда белгиланган?

6) Қандай ҳужжатлар мувофиқликни баҳолаш тизимининг меъёрий асослари сифатида кўрилиши мумкин?

1.4 Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонуни

Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонуни 2013 йил қабул қилинган ва 4 боб, 33 моддадан иборат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш тизимининг асосий қоидалари, соҳага оид талаблар — асосий тушунчалар, тизимнинг асосий вазифалари ва принциплари, мувофиқликни баҳолаш объектлари ва субъектлари, мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш йўллари, мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва молиялаштириш белгиланган.

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

— **аккредитация** — юридик шахсларнинг муайян фаолият соҳасида мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажаришга ваколатли эканлигини Миллий аккредитация органи томонидан расман тасдиқлаш;

— **аккредитация соҳаси** — мувофиқликни баҳолаш органининг аккредитация чоғида Миллий аккредитация органи томонидан белгиланадиган фаолияти соҳаси;

— **инспекция назорати** — маҳсулотни, ишлаб чиқариш жараёнларини, хизматларни, менежмент тизимларини, мувофиқликни баҳолаш органларини уларнинг мувофиқликни баҳолаш даврида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган даврий қайта баҳолаш тартиб-таомили;

— **инспекция органи** — юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекцияни ва инспекция назоратини ўтказиш учун белгиланган тартибда аккредитация қилинган юридик шахс;

— **миллий аккредитация тизими** — мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш қоидалари ва тартиб-таомилини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ давлат миқёсида фаолият кўрсатувчи тизим;

— **мувофиқликни баҳолаш** — маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимлар, мувофиқликни баҳолаш органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича фаолият;

— **мувофиқликни баҳолаш органлари** — юридик шахс бўлган ва мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажариш учун белгиланган тартибда аккредитация қилинган инспекция органлари, синов ва калибрлаш лабораториялари (марказлари), маҳсулотни, хизматларни, менежмент тизимларини, ходимларни сертификатлаштириш органлари;

— **мувофиқлик тўғрисидаги декларация** — ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ижрочи маҳсулотнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

— **мувофиқликни тасдиқлаш** — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талаблари бажарилганлиги исботланган ҳақида Миллий аккредитация органи ёки мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан қабул қилинган қарорга асосланган ҳужжатлаштирилган (аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома, мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик тўғрисидаги декларация тарзидаги) тасдиқ;

— **ходимлар** — мувофиқликни баҳолашга доир ишларни амалга ошириш учун тайёргарликка ва малакага эга бўлган мутахассислар.

Қонунда мувофиқликни баҳолаш тизимининг қуйидаги асосий вазифалари кўрсатилган:

— инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;

— атроф-муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

— маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш;

— мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитациянинг белгиланган соҳасида ишларни бажаришга ваколатли эканлигини тасдиқлаш;

— ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

— халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдода иштирок этиш;

— савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш.

Қонунда мувофиқликни баҳолашнинг асосий принциплари белгиланган:

— мувофиқликни баҳолашнинг ягона қоидалари ва тартиб-таомилларини қўллаш;

— мувофиқликни баҳолаш ҳақидаги ахборотнинг ишончлилиги ва очиқлиги;

— аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органларининг хизматларидан фойдаланишга тусиқлар қўйишга ва улар ўртасидаги рақобатни чеклашга йўл қўймаслик,

— давлат сирларининг, тижорат сирининг ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг сақланиши;

— аккредитация буйича фаолиятни сертификатлаштиришга, мувофиқликни декларациялашга, юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекцияни амалга оширишга, маҳсулот синовига, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосаларини беришга, экологик экспертиза ўтказишга доир фаолият билан қушиб олиб борилишига йул қўймаслик.

Мувофиқликни баҳолаш объектлари қуйидагилардан иборат:

— маҳсулот;

— ишлаб чиқариш жараёнлари;

— хизматлар;

— менежмент тизимлари;

— аккредитация қилинишга талабгор булган юридик шахслар;

— мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассислар;

— мувофиқликни баҳолаш органлари инспекция назоратидан ўтказилиши чоғида ушбу органларнинг ўзи.

Мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

— аккредитация қилиш;

— сертификатлаштириш;

— мувофиқликни декларациялаш;

— инспекция назорати;

— юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекция;

— маҳсулот синови;

— санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза йули билан амалга оширилади.

Аккредитация унга талабгор бўлган юридик шахсларнинг ваколатли эканлигини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади. Аккредитация талабгор бўлган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг таҳлили ва экс-

пертизасини, олинган далилларни текширувлар утказиш йули билан баҳолашни ўз ичига олади.

Мувофиқликни декларациялаш — маҳсулотнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ижрочи томонидан тасдиқлашдир.

Мувофиқликни декларациялашда мувофиқликни тасдиқлаш қоидалари, тартиби ва усуллари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли норматив ҳужжатларда белгиланади.

Агар мувофиқликни декларациялашда мувофиқликни тасдиқлаш қоидалари, тартиби ва усулларида маҳсулот синовини утказиш зарур эканлиги белгиланган булса, бундай синов аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) томонидан ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ижрочи билан тузилган шартнома асосида утказилади. Мувофиқликни декларациялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қушимча чора-тадбирлар туғрисида»ги қарорида ва «Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби туғрисида»ги низом (руйхат рақами 1465, 06.04.2005 й.)да келтирилган.

Инспекция назорати Миллий аккредитация органи, мувофиқлик сертификатини берган сертификатлаштириш органлари ёки инспекция органлари томонидан амалга оширилади. Инспекция назорати натижаларига кура мувофиқлик сертификатини ёки аккредитация туғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш, унинг амал қилишини тухтатиб туриш, тугатиш ёхуд сертификатни ёки гувоҳномани бекор қилиш туғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 октябрдаги 292-сонли қарори билан тасдиқланган «Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда инспекция назоратидан утказиш тартиби туғрисида»ги низомда инспекция назорати утказишнинг батафсил тартиби келтирилган.

Сертификатлаштиришни, юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекцияни, маҳсулот синовини, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосаларини ёки экологик экспертизани амалга оши-

риш тартиб-қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида»ги низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори билан тасдиқланган «Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати», «Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш қоидалари» (рўйхат рақами 1513, 28.09.2005 й.), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 декабрдаги 534-сон қарори билан тасдиқланган «Импорт контрактларини мустақил экспертиза қилиш ва Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунида келтирилган.

Қонунга кўра, маҳсулот, хизматлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, менежмент тизимлари, ходимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш сертификатлаштириш ва мувофиқликни декларациялаш натижаларига кўра амалга оширилади. Сертификатлаштириш ва мувофиқликни декларациялаш мажбурий ёхуд ихтиёрий тусда бўлиши мумкин. Мувофиқликни баҳолаш органларининг мувофиқлигини тасдиқлаш уларни аккредитация қилиш натижаларига кўра амалга оширилади.

Мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомили мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ташкилий ҳамда техник талабларни, ишларни бажариш ва расмийлаштириш тартибини, усулларини ўз ичига олади. Мувофиқликни баҳолашга доир ишлар ходимлар томонидан амалга оширилади.

Мувофиқликни баҳолашга доир ишларга сифат буйича эксперт-аудиторлар ва (ёки) тегишли тармоқларнинг мувофиқликни баҳолаш соҳасида ишларни ташкил этишга, ушбу соҳадаги жараёнга ёки фаолиятга тааллуқли махсус билим ва тажрибага эга бўлган техник экспертлар жалб қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган мувo-

фиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

— мувофиқликни баҳолаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

— давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

— Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши шарт булган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатини тасдиқлайди;

— Миллий аккредитация органи тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Республикасидан ташқарида утказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларининг Ўзбекистон Республикасида тан олиниши тартибини тасдиқлайди ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

«Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

— мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

— мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

— Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши шарт булган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар ишлаб чиқади;

— Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш зарурлиги тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади;

— мувофиқликни баҳолаш соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда иштирок этади.

Мувофиқликни баҳолаш органлари қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

— аккредитациянинг белгиланган соҳасида сертификатлаштиришни амалга ошириш;

— мувофиқлик сертификатлари бериш;

— ўзи берган мувофиқлик тасдиқлаш ҳужжатларини руйхатдан ўтказишнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ёки уларни руйхатдан ўтказишни бекор қилиш;

— аккредитациянинг белгиланган соҳасида маҳсулот синовини ўтказиш, улчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш;

— аккредитациянинг белгиланган соҳасида маҳсулот синовларига оид баённомаларни, улчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш тўғрисидаги баённомаларни бериш;

— миллий аккредитация тизими белгисини қўллаш.

Мувофиқликни баҳолаш органларининг мажбуриятлари белгиланган:

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларни бажариши;

— манфаатдор шахсга мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомили тўғрисида ахборот тақдим этиши;

— мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни белгиланган тартибда руйхатдан ўтказишни амалга ошириши;

— ўзи берган мувофиқликни баҳолаш ҳужжатларини ҳисобини юритиши;

— ўзи берган мувофиқликни тасдиқлаш ҳужжатлари, уларга ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, шунингдек уларни бекор қилиш тўғрисида Миллий сертификатлаштириш органини хабардор қилиши;

— маҳсулот синовлари, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлашнинг белгиланган қоидалари ҳамда тартиб-таомилларига риоя этиши;

— маҳсулот синовлари, улчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш натижаларининг тўғрилигини таъминлаши;

— аккредитация билан боғлиқ харажатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаши шартлиги.

Қонунда Миллий аккредитация органи ваколатлари кўрсатилган:

— мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

— миллий аккредитация тизими ташкил этилишини, фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлайди;

— мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилишни амалга оширади ва уларга аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради;

— мувофиқликни баҳолаш органлари устидан инспекция назоратини амалга оширади;

— белгиланган тартибда аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туради, тугатади ва ушбу гувоҳномани бекор қилади;

— халқаро аккредитация органлари ва хорижий давлатларнинг миллий аккредитация органлари билан аккредитация масалалари бўйича ҳамкорлик қилади;

— мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрини юритади.

Қуйидагилар аккредитация шартлари сифатида белгиланган:

— аккредитация қилиниш учун ариза;

— аккредитация қилиш сўралган соҳадаги ишларни бажариш учун аккредитацияга талабгор бўлган юридик шахсларнинг ваколатли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— аккредитация билан боғлиқ харажатлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Сертификатлаштириш органи сифатида аккредитация қилинишга талабгор бўлган юридик шахслар мувофиқликни баҳолаш объектларининг ишлаб чиқарувчилари, сотувчилари, ижро қилувчилари ва истеъмолчиларига нисбатан ташкилий ҳамда моддий жиҳатдан тобе бўлмаслиги керак.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома мувофиқликни баҳолаш органи аккредитациянинг белгиланган соҳасидаги ишларни бажаришга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатдир ва унинг шакли Миллий аккредитация органи томонидан тасдиқланади ҳамда беш йил муддатга берилади.

Гувоҳномадан бошқа шахснинг фойдаланиши мумкин эмас.

Миллий аккредитация тизими уз белгисига эга бўлиб, белги уни қўлловчи мувофиқликни баҳолаш органи Миллий аккредитация органи томонидан аккредитация қилинганлигини билдиради. Мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани олиш билан бир вақтда гувоҳноманинг амал қилиш муддатида миллий аккредитация тизими белгисини қуллаш ҳуқуқига эга бўлади. Белгининг шакли ва уни қуллаш тартиби Миллий аккредитация органи томонидан белгиланади.

Мувофиқликни баҳолаш органининг аккредитация соҳасини кенгайтириш аккредитация қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Аккредитация соҳасини қисқартириш буйича қарор мувофиқликни баҳолаш органи қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этмаган тақдирда, Миллий аккредитация органи томонидан инспекция назорати натижаларига кура қабул қилиниши мумкин.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тухтатиб туриш ёки бекор қилиш Миллий аккредитация органи ёки суд томонидан амалга оширилади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши Миллий аккредитация органи ёки суд томонидан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

— мувофиқликни баҳолаш органининг аризасига кура;

— юридик шахс бўлган мувофиқликни баҳолаш органи тугатилганда;

— мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тухтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

— мувофиқликни баҳолаш органи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларни мунтазам равишда бузганда ёки бир марта қупол тарзда бузганда;

— Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақидаги қарори ноқонуний эканлиги аниқланганда;

— аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати ўтганда.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

— мувофиқликни баҳолаш органининг аризасига кўра;

— аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонуни қачон қабул қилинган ва неча боб, неча моддадан иборат?

2) Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунида қандай талаблар келтирилган?

3) Қонунда мувофиқликни баҳолаш тизимининг қандай асосий вазифалари кўрсатилган?

4) Қонунда мувофиқликни баҳолаш тизимининг қандай асосий принциплари кўрсатилган?

5) Мувофиқликни баҳолаш объектлари нималардан иборат?

6) Мувофиқликни баҳолаш субъектлари кимлардан иборат?

7) Мувофиқликни баҳолаш турларини санаб ўтинг.

8) Мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш қайси идоралар томонидан амалга оширилади?

9) Мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартибга солишга масъул идоралар вазифалари нимадан иборат?

10) Аккредитлаш буйича Миллий идора ваколати Ўзбекистонда қайси идорага берилган?

11) Аккредитлаш буйича Миллий идора ваколати доираси нималардан иборат?

12) Мувофиқликни баҳолаш субъектларининг мажбуриятлари қандай белгиланган?

1.5 Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизими ташкилий асослари

Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизими ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи ҳужжатларда тизимнинг ташкилий асосларини ҳосил қилувчи субъектлар келтирилган. Ушбу субъектлар фаолиятининг ташкил этилиш даражаси ва уларнинг ўртасидаги муносабатлар тизимнинг самарали фаолиятини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Конунига асосан мувофиқликни баҳолаш соҳа-

сини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мувофиқликни баҳолаш тизимининг субъектлари қаторига **мувофиқликни баҳолаш органлари** деб аталувчи, юридик шахс булган ва мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажариш учун белгиланган тартибда аккредитация қилинган инспекция органлари, синов ва калибрлаш лабораториялари (марказлари), маҳсулотни, хизматларни, менежмент тизимларини, ходимларни сертификатлаштириш органлари киради.

Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш тизимининг ташкилий тузилмаси 3.7-расмда курсатилган.



3.7-расм. Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизими ташкилий тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

— мувофиқликни баҳолаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

— давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

— Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши шарт булган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларининг Ўзбекистон Республикасида тан олиниши тартибини тасдиқлайди ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

«Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

— мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

— мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш зарурлиги тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади;

— мувофиқликни баҳолаш соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда иштирок этади.

Аккредитация маркази ўз ваколатлари доирасида:

— мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

— мувофиқликни баҳолаш органларини халқаро стандартларга кўра аккредитация қилиш, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш бўйича аккредитация қилинган органлар ва метрология хизматларининг белгиланган шартлар ва талабларни бажариши устидан инспекция назоратини амалга ошириш;

— халқаро ва миллий аккредитация органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, ушбу соҳада халқаро стандартлар ва техник регламентларни жорий этиш;

— мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш соҳасида миллий ва халқаро илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга оширилаётган давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси вазифаларини бажариш.

Мувофиқликни баҳолаш органлари (инспекция органлари, синов ва калибрлаш лабораториялари (марказлари), маҳсулотни, хизматларни, менежмент тизимларини, ходимларни сертификатлаштириш органлари) аккредитация доирасида мувофиқликни баҳолаш бўйича қуйидаги фаолиятларни амалга оширади:

— аккредитациянинг белгиланган сохасида сертификатлаштириш;

— мувофиқлик сертификатлари бериш;

— ўзи берган мувофиқлик сертификатларининг ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни руйхатдан ўтказишнинг амал қилишини белгиланган тартибда тухтатиб туриш ёхуд мувофиқлик сертификатларини ёки мувофиқлик ҳақидаги декларацияни руйхатдан ўтказишни бекор қилиш;

— аккредитациянинг белгиланган соҳасида маҳсулот синовини ўтказиш, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш;

— аккредитациянинг белгиланган соҳасида маҳсулот синовларига оид баённомаларни, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш тўғрисидаги баённомаларни бериш.

— миллий аккредитация тизими белгисини қўллаш.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизимининг ташкилий тузилмаси қандай ҳужжатларга асосланади?

2) Қайси давлат идораси Ўзбекистонда мувофиқликни баҳолаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди?

3) «Ўзстандарт» агентлигига қандай миллий идоралар ваколати берилган?

4) Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ваколатлари нималардан иборат?

5) Қандай идоралар мувофиқликни баҳолаш органлари дейилади?

6) Мувофиқликни баҳолаш органлари қандай ҳуқуқларга эга?

1.6 Мувофиқликни баҳолаш бўйича эксперт-аудиторлар

Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида» Қонунида мувофиқликни баҳолаш объектлари қаторида мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассислар кўрсатилган. Қонунда мувофиқликни баҳолашга доир ишларга сифат бўйича эксперт-аудиторлар ва тегишли тармоқларнинг мувофиқликни баҳолаш соҳасида ишларни ташкил этишга, ушбу соҳадаги жараёнга ёки фаолиятга тааллуқли махсус билим ва тажрибага эга бўлган техник экспертлар жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» Қонунга кўра, **сифат бўйича эксперт-аудитор** — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва текшириш соҳасидаги ишларни олиб бориш учун тегишли малакаси бўлган мутахассисдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 июлда 2899 рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»да сифат бўйича эксперт-аудиторларни ҳамда сифат бўйича эксперт-аудиторликка номзодларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгиланган.

Ушбу ҳужжатда қуйидаги таърифлар келтирилган:

— **аккредитация** — юридик шахсларнинг муайян фаолият соҳасида мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажаришга ваколатли эканлигини Миллий аккредитация органи томонидан расман тасдиқлаш;

— **аттестация** — номзодларнинг назарий билим ва касбий тайёргарлик даражасини баҳолаш жараёни;

— **сифат бўйича эксперт-аудитор** — Низомда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ишларни олиб бориш учун тегишли малакага эга бўлган мутахассис;

— **инспекция назорати** — маҳсулотни, ишлаб чиқариш жараёнларини, хизматларни, менежмент тизимларини, мувофиқликни баҳолаш органларини уларнинг мувофиқликни баҳолаш даврида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган даврий қайта баҳолаш тартиб-таомили.

Сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестацияси уларнинг

профессионал малакаси ва касбига муносиблиги даражасини холисона баҳолаш, зиммасига юкланган вазифалар, функцияларни бажариш юзасидан масъулиятини, сифатни баҳолаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда сифат буйича эксперт-аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш мақсадида амалга оширилади.

Олий маълумотли, мувофиқлик сертификати ва сифатни баҳолаш соҳасида уч йилдан кам булмаган иш стажига эга бўлган, сифатни баҳолаш соҳасида малака оширган, шунингдек сертификатлаштиришдан ўтган соҳаси буйича жами 4 марта аккредитация ва инспекция назоратларида иштирок этган мутахассислар сифат буйича эксперт-аудиторликка аттестациядан утказилади.

Сифат буйича эксперт-аудиторлар ҳар уч йилда бир маротаба аттестациядан ўтказилади.

Аттестация ҳаққонийлик, даврийлик, ошкоралик ва холислик принципларига қатъий риоя қилинган ҳолда утказилади.

Аттестация «Ўзстандарт» агентлиги бош директори раислигида тузиладиган «Сифат буйича эксперт-аудиторларни аттестациядан утказиш комиссияси» томонидан амалга оширилади.

Сифат бўйича эксперт-аудиторликка номзод аттестациядан ўтиш учун аттестациядан ўтиш ҳақидаги ариза билан комиссияга мурожаат қилади ва аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) нусхаси;

— номзоднинг анкетаси;

— олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёки олий маълумот тўғрисидаги дипломдан кўчирманинг нусхалари;

— аккредитация ва инспекция назоратларида иштирок этганлигини тасдиқловчи буйруқ нусхалари;

— меҳнат дафтарчасининг иш жойидан тасдиқланган нусхаси ёхуд ундан кўчирма ёки иш стажини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

— иш жойидан тавсифнома;

— ходимни сертификатлаштирилганлиги тўғрисидаги мувофиқлик сертификати нусхаси.

Аттестация суҳбат шаклида ўтказилади, комиссия эса номзоднинг билимлари ва иш тажрибасини ҳисобга олиб:

— номзодни аттестациядан ўтган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақида,

— номзодни аттестациядан ўтмаган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

— Аттестация комиссияси қароридан норози бўлган номзодлар аттестация натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида «Ўзстандарт» агентлиги қошида тузиладиган апелляция комиссиясига ариза (шикоят) билан мурожаат қилишлари мумкин.

Сифат бўйича эксперт-аудиторликка аттестациядан ўтган ходимга икки кун муддатда белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади ва Сифат бўйича экспертлар-аудиторлар давлат реестрига киритилади. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати — уч йил.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги қонунчиликка асосан шу соҳада фаолият кўрсатувчи ходимлар сертификатлаштирилиши керак.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассисларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 30 декабрда 2748-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Низомда қуйидаги асосий тушунчалар келтирилган:

— **мутахассисларни сертификатлаштириш органи** (МСО) — мутахассисларни сертификатлаштиришга доир ишларни бажариш учун белгиланган тартибда аккредитация қилинган юридик шахс;

— **ходимлар** — мувофиқликни баҳолашга доир ишларни амалга ошириш учун тайёргарликка ва малакага эга бўлган сертификатлаштирилган мутахассислар;

— **мутахассисни сертификатлаштириш** — мутахассиснинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича фаолият;

— **мувофиқлик сертификати** — сертификатлаштирилган мутахассиснинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат.

Сертификатлаштириш мутахассиснинг мувофиқликни баҳолашга доир ишларни амалга ошириш учун сўралган соҳада ваколатлилигини расмий тасдиқлаш мақсадида ўтказилади. МСО ўзида ишлайдиган мутахассисларни сертификатлаштириши мумкин эмас.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида мутахассислиги бўйича 3 йилдан кам бўлмаган умумий меҳнат стажига, шу жумладан сўралган соҳада мутахассислиги бўйича 1 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлган мутахассисларни сертификатлаштиришга йўл қўйилади. Маҳсулотларни синаш бўйича мутахассислар учун соҳа бўйича 3 ойдан кам бўлмаган меҳнат стажи талаб этилади.

Сертификатлаштириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

— сертификатлаштиришга ариза бериш;

— аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

— сертификатлаштиришни ўтказишга шартнома тузиш;

— сертификатлаштириш бўйича имтиҳон ўтказиш;

— сертификатлаштириш натижалари бўйича қарор қабул қилиш;

— мувофиқлик сертификатини Сертификатлаштириш миллий тизими давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш ва бериш.

МСО томонидан сертификатлаштириш аризага асосан амалга оширилади. МСОни танлаш мутахассис томонидан мустақил амалга оширилади. Мутахассис сертификатлаштиришга аризани, унга зарур ҳужжатлар ва маълумотларни илова қилган ҳолда бевосита, почта алоқаси воситаси орқали ёки электрон шаклда бериши мумкин. Аризага:

— мутахассиснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

— олий маълумот тўғрисидаги диплом ва мутахассис томонидан махсус курслар ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари ёки кўчирмалари. Агар мутахассис чет мамлакатларда таълим олган бўлса, чет мамлакатларда таълим олганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг ва ваколатли давлат органи томонидан берилган, таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олинганлиги ёки эквивалентлиги қайд этилган гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

— меҳнат дафтарчасининг иш жойида тасдиқланган нусхаси ёхуд ундан кўчирма ёки мувофиқликни баҳолаш соҳасида мутахассислиги бўйича меҳнат стажини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

— иш жойидан тавсифнома;

— 3 х 4 см ўлчамидаги 4 та фотосурат илова қилинади.

Мутахассис ўз ихтиёрига кўра қўшимча ҳужжатларни тақдим қилиши мумкин. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун мутахассис жавоб беради. МСО аризани кўриб чиқади ва тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади, натижаси бўйича 3 иш куни мобайнида аризани қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ёки асосланган рад жавобини юборади. Аризани қабул қилишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

— мутахассис меҳнат стажининг талабларга номувофиқлиги;

— маълумот бўйича мутахассислигининг сўралган соҳага номувофиқлиги;

— ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

— аризага илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг сохталиги ёки нотўғрилигининг аниқланганлиги;

— МСО га аризанинг мазкур МСО да бевосита ишлайдиган мутахассис томонидан берилганлиги;

— аризанинг белгиланган бошқа талабларга номувофиқлиги.

Мутахассис рад этиш сабабларини бартараф этгандан сўнг қайта ариза бериш ҳуқуқига эга.

Ариза қабул қилинган ҳолатда уни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун ичида МСО ва мутахассис ўртасида сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади. Сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисидаги шартнома МСО ва мутахассиснинг иш берувчиси ўртасида ҳам тузилиши мумкин.

Комиссиянинг шахсий таркиби, аъзоларининг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлиги МСО раҳбарининг қарори билан белгиланади. МСО 10 кундан кам бўлмаган муддатда сертификатлаштириш бўйича имтиҳон ўтказилишидан олдин унинг ўтказилиши санаси ва жойи тўғрисида мутахассис ва комиссия аъзоларини хабардор қилиши керак.

Сертификатлаштириш бўйича имтиҳон ўтказиш шакли мутахассиснинг сўралган соҳасидан келиб чиқиб, қуйидаги турларда аниқланади:

— аккредитациянинг сўралган соҳасида — оғзаки имтиҳон ва тестлаш;

— сертификатлаштириш, мувофиқликни декларациялаш, инспекция назорати, юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекциянинг сўралган соҳасида — ёзма имтиҳон ва тестлаш;

— маҳсулот синови, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертизанинг сўралган соҳасида — тестлаш ва МСО ва лабораторияга эга бўлган ташкилот ўртасида тузилган тегишли шартномага асосан ўқув лабораториялари ёки аккредитация қилинган ёхуд аттестация қилинган синов лабораторияларида ўтказиладиган амалий имтиҳон.

Сертификатлаштириш бўйича имтиҳон топшириқлари унинг ўтказилиш шаклидан келиб чиқиб, қуйидаги сонда аниқланади:

— оғзаки имтиҳон — 7 та (4 та — сўралган соҳа бўйича, 3 та — мувофиқликни баҳолаш соҳасида) савол;

— тестлаш — 50 та (25 та — сўралган соҳа бўйича, 25 та — мувофиқликни баҳолаш соҳасида) тест;

— ёзма имтиҳон — 5 та (3 та — сўралган соҳа бўйича, 2 та — мувофиқликни баҳолаш соҳасида) савол;

— амалий имтиҳон — 3 та (2 та — сўралган соҳа бўйича, 1 та — мувофиқликни баҳолаш соҳасида) амалий топшириқ.

Сертификатлаштириш бўйича имтиҳон ўтказилгандан сўнг 1 кун ичида комиссия томонидан ўтказилган имтиҳон якуни бўйича унинг натижалари кўрсатилган баённома расмийлаштирилади. Баённома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва МСО раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ўтказилган сертификатлаштириш бўйича имтиҳон натижалари юзасидан МСО томонидан мувофиқлик сертификатини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда ушбу қарор қабул қилинган кундан 3 иш куни ичида мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади. Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилади ва мутахассисга берилади. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилгандан кундан бошлаб 3 йилни ташкил қилади.

Мувофиқлик сертификатини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда МСО ушбу қарор қабул қилинган куни мутахассисни бу ҳақда хабардор қилади. Имтиҳондан ўта олмаган мутахассис ариза бериш ва шартномани тузиш жараёнидан ўтмаган ҳолда мувофиқлик сертификатини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 кун ичида 1 мартадан ортиқ бўлмаган ҳолда қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқига эга. Қайта имтиҳон топшириш учун ҳақ тўланмайди.

Сертификатлаштириш натижаларидан норози бўлган тақдирда мутахассис «Ўзстандарт» агентлигининг Шикоятларни қараб чиқиш кенгашига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир. Шикоятларни қараб чиқиш 2 ҳафта ичида амалга оширилади.

Сертификатланган ходим томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талаблар бузилганда мувофиқлик сертификатини берган МСО ва «Ўзстандарт» агентлиги (ёки суд) мувофиқлик сертификатини тўхтатиб туриши, тўхтатиши ва бекор қилиши мумкин.

Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

— ходим мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тугатишни сўраб ариза билан мурожаат қилганда;

— ходим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларни мунтазам равишда бузганда ёки бир марта қўпол тарзда бузганда;

— МСО нинг мувофиқлик сертификатини бериш ҳақидаги қарори ноқонуний эканлиги аниқланганда;

мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати утганда.

_____

(мувофиқликни баҳолаш бўйича сўралган соҳанинг номи)

соҳасида мутахассисни сертификатлаштиришга

АРИЗА

1. Шахсий маълумотлар:

Ф.И.О.	
телефон	
электрон почта манзили	
иш жойи, лавозими	
мутахассис иш берувчисининг боғланиш маълумотлари (Ф.И.О., лавозими, телефон, почта манзили, электрон почта манзили)	

2. Таълим тўғрисидаги маълумот:

Ўқиш даври	Ўқув юртининг номи	Диплом рақами ва берилган санаси

3. Фаолиятнинг сўралган соҳасида таълим тўғрисидаги маълумот:

Ўқиш даври	Ўқув юртининг номи	Махсус курслар утганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами ва берилган санаси

4. Меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумот:

Меҳнат фаолияти даври	Иш берувчининг номи	Лавозим номи

5. Ваколатлилигини баҳолашга имкон берадиган қўшимча маълумотлар:

_____

6. Илова:

_____

Мутахассис _____ _____

(имзо) (Ф.И.О) (сана)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ

(мутахассисларни сертификатлаштириш органининг номи ва манзили, Мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестридаги рақами)

№
(бланк рақами)

МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ

(миллий мувофиқлик белгиси)

Сертификатлаштириш миллий тизими давлат реестрида қуйидаги рақам билан рўйхатдан ўтказилди.
берилган сана:
амал қилиш муддати:

Мувофиқлик сертификати

(сертификатлаштирилган мутахассиснинг Ф.И.О.)

(расм учун урин)

(норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар)

белгиланган талабларга мувофиқлигини

(сертификатлаштириш ўтказилган мувофиқликни баҳолаш соҳасининг номи)

соҳасида ходим сифатида мувофиқликни баҳолашга доир ишларни амалга ошириш учун тасдиқлайди

Мутахассисларни сертификатлаштириш органининг раҳбари (имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў

Мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарори ходимга қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 кундан кечиктирмасдан етказилади. Ходим мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарорни олган кундан эътиборан 5 кун ичида мувофиқлик сертификати «Ўзстандарт» агентлигига Давлат реестридан чиқариш ва йўқ қилиб юбориш учун МСО га қайтариши лозим.

МСО ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида мутахассислар тўғрисида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

Қуйида мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассисларни сертификатлаштиришга аризаси ва унга бериладиган мувофиқлик сертификатининг кўриниши берилган.

Назорат саволлари:

1) Кимлар сифат буйича эксперт-аудиторлар ҳисобланади?

2) Сифат буйича эксперт-аудиторларнинг қандай тоифалари бор?

3) Сифат буйича эксперт-аудиторларни аттестатлаш нимани англатади?

4) Сифат буйича эксперт-аудиторларни аттестатлаш ким томонидан амалга оширилади?

5) Аудиторларни тайёрлаш қандай босқичларда амалга оширилади?

6) Аудиторларни баҳолаш қандай босқичларда амалга оширилади?

7) Аудиторларга қандай талаблар қўйилади?

8) Мувофиқликни баҳолаш соҳасида ишлашга даъвогар ходимлар «Ўзстандарт» агентлиги комиссиясида аттестатлашдан ўтиш учун қандай ҳужжатларни ҳавола этадилар?

9) Мутахассисни сертификатлаштириш нима?

10) Қандай ходимлар мажбурий сертификатлаштиришдан ўтишлари керак?

11) Мутахассисни сертификатлаштириш ким томонидан амалга оширилади?

12) Мутахассисни сертификатлаштириш қандай босқичларни ўз ичига олади?

13) Мутахассисни сертификатлаштиришга қандай ҳужжатлар хавола этилади?

14) Сертификатлаштириш буйича имтиҳон қандай кўринишларда амалга оширилади?

15) Сертификатлаштириш бўйича имтиҳон топшириқлари қандай баҳоланади?

16) Сертификатлаштириш натижаси буйича мутахассисга қандай ҳужжат берилади?

17) Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши қандай ҳолларда тугатилади?

2-боб. Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий тизими

Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонунига асосан, мувофиқликни баҳолаш маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари ва ходимларни сертификатлаштириш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Сертификатлаштириш асосий тушунчалари, тартиб ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунида белгиланган. Қонунда давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизим Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими (Ўз СМТ) фаолият кўрсатиши белгиланган.

Сертификатлаштиришни амалга оширишда қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

— одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;

— маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;

— мамлакат корхоналари, қушма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш;

— истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

— маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш.

Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими стандартлаштириш бўйича тармоқлараро тизимларнинг 5-гуруҳига киритилган бўлиб, гуруҳда тизимнинг асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлари рўйхати келтирилган.

Ўз СМТнинг асосий қоидалари Ўзбекистон давлат стандарти РСТ 5.0 да белгиланган. Унга кўра, Ўз СМТнинг асосий мақсадларига:

— сертификатлаштиришда қўлланиладиган ҳужжатларнинг ягона тизимини яратиш;

— ягона атамалар ва тушунчаларни белгилаш;

— маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиб ва қоидаларини белгилаш;

— сертификатлаштириш учун синовларни ўтказиш тартиблари ва қоидаларини ўрнатиш;

— сертификатлаштириш иштирокчилари билан давлат бошқарув идоралари ўртасидаги муносабатларни тартибини аниқлаш.

Ўз СМТ доирасида қуйидаги фаолият турлари белгиланган:

— маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимларини сертификатлаштириш;

— ходимларни сертификатлаштириш;

— менежмент тизимларини сертификатлаштириш;

— сертификатланган маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимларини, ходимлар фаолияти устидан инспекцион назоратни амалга ошириш;

— мувофиқликни тасдиқлаш соҳасида эксперт-аудиторларни тайёрлаш ва аттестация қилиш.

Ўз СМТ доирасида чет давлатлар буюртмачилари учун ҳам синов ва сертификатлаштириш ишлари амалга оширилиши мумкин.

Ўз СМТ талаблари бўйича сертификатлаштириш Ўзбекистонда амалда бўлган давлат, ташкилотлар, давлатлараро стандартлар ҳамда Ўз СМТ томонидан тан олинган тизимлар доирасидаги халқаро ва миллий стандартларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўз СМТ Ўзбекистонда амалда бўлган бошқа стандартлаштириш бўйича тармоқлараро тизимлар (хусусан, Ўз СТ, Ўз ЎДТ, Ўз АТ ва бошқалар) ва бошқа давлатлар миллий сертификатлаштириш тизимлари билан ўзаро муносабатда фаолият кўрсатади.

Ўз СМТ доирасида мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш назарда тутилган.

Ўзбекистонда маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаштиришнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли, 2004 йил 22 июлдаги 349-сонли, 2009 йил 19 июндаги 173-сонли, 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли, 2015 йил 14 октябрдаги 292-сонли, 2015 йил 19 октябрдаги 298-сонли қарорларида ўрнатилган.

Мувофиқликни баҳолаш турларини амалга оширишнинг тартиб-қоидалари Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 мартда 1458-сон, 2005 йил 6 апрелда 1464-сон, 2005 йил 28 сентябрда 1513-сон, 2015

йил 30 декабрда 2748-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро ва ҳудудий тизимлар доирасида сертификатлаштириш шу тизимлар қоидалари асосида амалга оширилади.

Ўз СМТда сертификатланган маҳсулотлар, жараёнлар, хизматлар, сифатни бошқариш тизимларининг, сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг Давлат реестрлари юритилади. Давлат реестрларини юритиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси раҳбарий ҳужжати O'z RH 51—021:2004* «Ўз СМТ Давлат реестрини юритиш қоидалари»да келтирилган.

Синов ва сертификатлаштириш ишлари пуллик хизмат ҳисобланиб, харажатлар буюртмачи томонидан қопланади. Сертификатлаштириш ишларига ҳақ тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 11 октябрда 2516-сон билан давлат рўйхатдан ўтказилган қоидаларда ўрнатилган.

Назорат саволлари:

1) Қайси Қонунда Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими (Ўз СМТ) фаолият кўрсатиши белгиланган?

2) Сертификатлаштиришни амалга оширишнинг мақсадлари нималардан иборат?

3) Ўз СМТнинг асосий мақсадларига нималар киради?

4) Ўз СМТ доирасида қандай фаолият турлари белгиланган?

5) Ўз СМТ Ўзбекистонда амалда бўлган бошқа стандартлаштириш бўйича тармоқлараро тизимлар билан қандай муносабатда бўлиши керак?

6) Ўзбекистонда маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаштиришнинг асосий қоидалари қайси ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган?

2.1. Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни 1993 йилда қабул қилинган бўлиб, 4 боб, 23 моддадан иборатдир. Қонун Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни шу жумладан ишлаб чиқариш жараёнларини, менежмент тизимларини, мувофиқликни баҳолаш соҳаси-

да ходимлар сифатида иштирок этишга талабгор мутахассисларни (бундан кейин — «маҳсулотлар») сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини, шунингдек сертификатлаштириш иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилаб беради.

Қонуннинг биринчи бобида сертификатлаштиришнинг умумий қоидалари — асосий тушунчалар, сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва субъектлари, сертификатлаштириш органлари бўйича талаблар келтирилган.

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилган:

— **«сертификатлаштириш миллий тизими»** — давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизим;

— **«маҳсулотларни сертификатлаштириш»** — маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият;

— **«мувофиқлик сертификати»** — сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат;

— **«мувофиқлик белгиси»** — муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;

— **«маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш тизими»** — айни бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли сертификатлаштириш тизими;

— **«сифат бўйича эксперт-аудитор»** — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ишларни олиб бориш учун тегишли малакага эга бўлган мутахассис;

— **«сертификатлаштириш бўйича инспекция органи»** — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган, сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан сертификатлаштириш органларининг топшириғига кўра инспекция назоратини амалга оширувчи юридик шахс;

— **«сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекция назорати»** — сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг сертификатлаштирилаётганда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган сер-

тификатлаштирилган маҳсулотларни даврий такрорий баҳолаш тартиб-таомили.

Сертификатлаштириш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

— одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;

— маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;

— мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш;

— истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

— маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат курсаткичларини тасдиқлаш.

Қонунда Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш ва амалга оширишга масъул идоралар белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органи ваколати «Ўзстандарт» агентлигига берилган.

Қонунда «Ўзстандарт» агентлигининг миллий сертификатлаштириш тизими доирасида ҳуқуқлари белгиланган.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган сертификатлаштириш идоралари қуйидагиларни амалга оширишга хақлидир:

— маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларини тузадилар ва уларнинг амал қилишини таъминлайдилар;

— сертификатлаштиришни ташкил этадилар ва утказадилар;

— миллий мувофиқлик сертификатларини расмийлаштирадилар, берадилар ёки чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этадилар;

— сертификатланган маҳсулотлар устидан назоратни амалга оширадилар.

Миллий сертификатлаштириш тизими белгилаган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) муайян маҳсулотларнинг синовини ёки муайян синов турини амалга оширадилар ҳамда сертификатлаштириш мақсадлари учун баённомалар берадилар.

Маҳсулотлар (хизматлар, жараёнлар, менежмент тизимлари, ходимлар), жумладан дастурий ва бошқа илмий-тех-

ликавий маҳсулотлар сертификатлаштириш объекти ҳисобланади.

«Ўзстандарт» агентлиги, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш буйича инспекция органлари, сифат буйича эксперт-аудиторлар, мувофиқликни баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган ходимлар, шунингдек маҳсулотлари сертификатлаштирилиши лозим бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳам сертификатлаштириш субъектларидир.

Қонуннинг иккинчи бобида сертификатлаштиришга оид умумий талаблар белгиланган. Унга кура, маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқлангани тақдирда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификати беради, тайёрловчи ана шу сертификат асосида мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқига эга булади.

Сертификатлаштириш тизимида фойдаланиладиган мувофиқлик сертификатларининг, намуналари, миллий мувофиқлик белгисининг шакллари ва ҳажмлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланади.

Мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари белгиланган тартибда Давлат реестридан ўтказилиши шарт. Давлат реестрида руйхатдан ўтказилмаган мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари ҳақиқий эмас.

Маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) белгиланган тартибда берилган аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома асосида сертификатлаштириш фаолиятини ҳамда сертификатлаштириш мақсадида синовлар ўтказиш фаолиятини амалга оширадилар.

«Ўзстандарт» агентлиги тайёрловчиларни, сотувчиларни, истеъмолчиларни ва бошқа манфаатдор шахсларни сертификатлаштиришнинг амалдаги тизимлари, уларнинг органлари, синов лабораториялари, экспертлар тўғрисида, шунингдек мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари ва уларни қуллаш қоидалари тўғрисида хабардор этиб боради.

Қонуннинг учинчи бобида маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш тартиблари келтирилган.

Синовлар ва сертификатлаштириш ишларини амалга оширишда субъектлар ўртасида келишмовчиликлар, хусусан, буюртмачилар томонидан норозиликлар келиб чиқиши мумкин. Қонуннинг тўртинчи бобида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни кўриб чиқиш тартиби, сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилган ҳолда, тизим иштирокчиларининг жавобгарлиги кўрсатилган.

Сертификатлаштириш натижаларидан норози бўлган тақдирда манфаатдор томон «Ўзстандарт» агентлигининг шикоятларини қараб чиқиш кенгашига мурожаат этишга ҳақлидир.

«Ўзстандарт» агентлигининг шикоятларни қараб чиқиш кенгаши сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг қарорлари устидан берилган шикоят аризаларини кўриб чиқиш учун тузилади. Шикоят аризалари икки ҳафта ичида қараб чиқилади.

«Ўзстандарт» агентлигининг, Шикоятларни қараб чиқиш кенгашининг қарорлари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

Сертификатлаштириш органларининг ва синов лабораторияларининг қуйидаги ҳоллардаги жавобгарлиги белгиланган:

— мувофиқлик сертификатини асоссиз ва қонунга хилоф тарзда берганлик учун;

— аризачига нисбатан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар қилганлик учун;

— аризачининг тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор этганлик учун;

— аккредитация қилинган синов лабораторияси сертификатлаштириш органига синовларнинг натижалари ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун жавобгар бўлади.

Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари мазкур моддада айтиб ўтилган хатти-ҳаракатлар натижасида аризачига етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шарт.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар», Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган сертификатлаштирилмаган маҳсулотни реализация қилганлик учун

тайёрловчининг (тадбиркорнинг) мансабдор шахслари, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор — тайёрловчилар маъмурий жавобгарлиги белгиланган.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунида нималар белгиланган?

2) Сертификатлаштириш қандай мақсадларда амалга оширилади?

3) Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш ва амалга оширишга қайси идоралар масъуллиги белгиланган?

4) Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунида «Ўзстандарт» агентлигининг қандай ваколатлари белгиланган?

5) Қонунда сертификатлаштириш органларининг ва синов лабораторияларининг (марказларининг) қандай жавобгарлиги белгиланган?

2.2. Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий тизимининг меъёрий ва ташкилий асослари

Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий тизимининг меъёрий асослари тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг 5-гуруҳининг асос бўлувчи ҳужжатлари — давлат стандартлари ва раҳбарий ҳужжатларда келтирилган.

Ўзбекистон давлат стандарти Ўз РСТ 5.0—98 «Ўз СМТ. Асосий қоидалар»да сертификатлаштириш Миллий тизимини ташкил этишнинг асосий талаблари белгиланган.

Ўзбекистон давлат стандарти Ўз РСТ 5.4—98 «Ўз СМТ. Текширув ва назорат идораларига талаблар»да мувофиқликни тасдиқлаш соҳасида фаолият кўрсатувчи текширув ва назорат идораларига талаблар белгиланган. Унга қўшимча равишда, халқаро стандарт асосида қабул қилинган Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt ISO/IEC 17020:2009 «Турли хил назорат қилувчи идораларнинг умумий ишлаш мезонлари (ISO/IEC 17020:1998, IDT)» назорат қилинаётган объектдан мустақил равишда беғараз текширув ўтказадиган назорат қилувчи идоранинг умумий лаёқатлилик мезонларини ва мустақиллик мезонларини белгилайди. O'z DSt ISO/IEC 17020:2009да келтирилган таърифга кўра, **инспекция** —

маҳсулот лойиҳаси, тайёр маҳсулот, хизматлар жараёнлар ёки асбоб-ускуналарни текшириш ва хусусий талабларга ёки касбий баҳолаш асосида, умумий талабларга уларнинг мувофиқлигини аниқлаш. **назорат қилувчи идора** — инспекцияни утказувчи идоралир.

Ўз СМТга тегишли асосий атамалар ва таърифлар Узбекистон давлат стандарти O'z DSt 5.5:2009 «Ўз СМТ. Асосий атамалар ва таърифлар»да келтирилган. Ушбу стандарт ЎзСМТ меъёрий ҳужжатларида қулланиладиган атамаларни муайянлаштириш мақсадида давлат стандарти O'z DSt ISO/IEC 17000:2009 «Мувофиқликни баҳолаш. Луғат ва умумий принциплар»га қушимча равишда ишлаб чиқилган. O'z DSt 5.5:2009 га кура, **мувофиқлик** — маҳсулот, хизматлар, жараёнларга булган талабларга риоя қилиш, **мувофиқликни сертификатлаштириш** — тегишлича идентификатлаштирилган маҳсулот, хизматлар ёки жараёнларнинг аниқ стандартга ёки бошқа ҳужжатга, умуман ёки алоҳида кўрсаткичлари буйича мувофиқлилигига ишончни таъминлашини исботлайдиган учинчи тарафнинг фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунида маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқлангани тақдирда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификати бериши, тайёрловчи ана шу сертификат асосида мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқига эга булиши кўрсатилган. Қонунга асосан, «мувофиқлик белгиси» — муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қуйиладиган, белгиланган тартибда руйхатга олинган белгидир. Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 5.8:2006 (ISO/EIC 17030:2003) «ЎзСМТ. Мувофиқликни тасдиқлаш белгиси. Қуллаш қоидалари»да учунчи тарафнинг мувофиқликни тасдиқлаш белгисига, ҳамда мувофиқлик белгисини қуллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш буйича умумий талаблар урнатилган.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва текшириш соҳасидаги ишларни олиб бориш учун тегишли малакаси булган мутахассислар — сифат буйича эксперт-аудиторлар сертификатлаштириш субъектлари эканлиги кўрсатилган.

Қонунчиликда «Ўзстандарт» агентлигига сертификатланган маҳсулотларнинг, сифатни бошқариш тизимларининг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларининг, синов лабораторияларининг, сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг Давлат реестрларини юритиш юклатилган.

Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати O'z RH 51—021:2004* «Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни тасдиқлаш миллий тизими. Давлат реестрини юритиш қоидалари» мувофиқликни тасдиқлаш ва аккредитлаш миллий тизимлари объектлари ва субъектларини Давлат реестрида рўйхатдан утказиш қоидаларини белгилайди. Раҳбарий ҳужжатда қуйидаги таърифлар келтирилган:

— **давлат реестри** — юридик куч бериш мақсадида рўйхатга олинган сертификатлаштириш тизимлари, объектлари ва иштирокчилари тўғрисида электрон ва қоғоз кўринишидаги меъёрий ҳужжатлар фондининг маълумотлари мажмуаси;

— **рўйхатдан ўтказиш объектлари** — бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимлари, сертификатлаштириш натижалари бўйича ҳужжатлар, сертификатлаштириш объектлари ва иштирокчилари, мувофиқлик тўғрисида декларация, аккредитлаш объектлари ва ҳужжатлар;

— **рўйхатдан ўтказиш субъектлари** — аккредитлаш ва сертификатлаштириш миллий идоралари, мувофиқликни баҳолаш субъектлари ва иштирокчилари;

— **рўйхатдан ўтказиш рақами** — объектни идентификация қилиш мақсадида Давлат реестрига киритишда рўйхатга олинувчи объектга бериладиган рақам.

Аккредитлаш ва сертификатлаштириш соҳаларидаги Ўзбекистонда амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар талабларини халқаро, регионал, давлатлараро ва бошқа давлатлар миллий меъёрий ҳужжатларини талабларига мослигини баҳолаш мақсадида ҳужжатларни эксперт баҳолаш процедураси қўлланилади. Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати Ўз РХ 51—024-94 «ЎзСМТ. Сертификатлаштириш бўйича ҳужжатларни эксперт баҳолаш» маҳсулотлар, хизматлар, жараёнлар ва сифат тизимларини сертификатлаштириш бўйича, аккредитланган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари ҳужжатларини эксперт баҳолаш тартибини белгилайди. Ҳужжатларни эксперт баҳолаш атамалар ва таърифларда чалкашликлар бўлмаслигини, ҳужжатларни тузилиши ва расмийлаштирилишининг ягона тартибини таъминлашни, миллий тизимлардаги ҳужжатлар талабларини

халқаро ва давлатлараро ҳужжатлар талабларига уйғунлаштирилишини таъминлаш мақсадларида амалга оширилади.

Мувофиқликни тасдиқлаш ишларида низолар ва норозиликлар келиб чиққан тақдирда, ЎзСМТ доирасида уларни кўриб чиқиш учун апелляция процедураси назарда тутилган. Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати Ўз РХ 51—026—94 «ЎзСМТ. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби» маҳсулотлар, хизматлар, жараёнлар ва сифат тизимларни сертификатлаштиришда, сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларини аккредитлашда келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни ҳал қилишда апелляция тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунида ЎзСМТ доирасида айни бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли бир турдаги маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш тизими фаолият кўрсатиши белгиланган. Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати Ўз РХ 51—047—96* «ЎзСМТ. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларига талаблар» ЎзСМТда ўрнатилган умумий сертификатлаштириш бўйича талабларни айрим маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштиришда аниқлаштириш мақсадида яратиладиган бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимлари учун талабларни ўз ичига олади. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларига талаблар амалдаги қонунчилик ва ЎзСМТда ўрнатилган умумий талаблар қарши бўлмаслиги керак.

Ўз СМТ доирасида хизматларни сертификатлаштиришга, маҳсулотларни идентификация қилишга талаблар тизимнинг асос бўлувчи МҲларида келтирилган.

Ўз СМТ доирасида белгиланган талабларни мувофиқликни баҳолашнинг бошқа турлари (аккредитлаш, синаш, инспекция) меъёрий асослари билан биргаликда кўриш керак.

Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими доирасида ишларни ташкил этиш унинг ташкилий тузилмаси томонидан амалга оширилади.

Ўз СМТнинг ташкилий тузилмаси 3.8-расмда келтирилган.

Ўз СМТнинг ташкилий тузилмасини қуйидаги субъектлар ташкил этади:

Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий идораси — «Ўзстандарт» агентлиги;

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти;

Республика ва ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари (ССМ);

Аккредитланган сертификатлаштириш идоралари;

Аккредитланган синов лабораториялари;

Инспекция органлари;

Сертификатлаштиришга буюртмачилар (3.8-ррасм).



3.8-расм. Уз СМТнинг ташкилий тузилмаси

Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий идораси куйидаги ваколатларга эга:

— сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, сертификатлаштириш ўтказиш юзасидан умумий

қоидаларни белгилайди, улар тўғрисида расмий ахборотлар эълон қилиб боради;

— сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни Ҳукумат муҳокамасига тақдим этади;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларига қушилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, шунингдек сертификатлаштириш натижаларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида битимлар тузади, сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

— мажбурий равишда сертификатланадиган маҳсулотларнинг рўйхатини белгилайди ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритади;

— бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини, синов лабораторияларини (марказларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини, шунингдек сифат бўйича эксперт-аудиторларни аккредитация қилади;

— сертификатланган маҳсулотларнинг, сифатни бошқариш тизимларининг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларининг, синов лабораторияларининг (марказларининг), сифат буйича эксперт-аудиторларнинг Давлат реестрини юритади;

— бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиши устидан ва сертификатланган маҳсулотлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширади;

— қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги учун мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгиларини бекор қилади ҳамда амал қилишини тўхтатиб қуяди, сертификатлаштириш органларининг аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини бекор қилади, синов лабораторияларининг фаолиятини тугатади.

«Ўзстандарт» агентлиги қошидаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (СМСИТИ) Ўз СМТнинг меъёрий ва услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бирга, тизим учун мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш малакасини ошириш билан шуғулланади.

Республика ва ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари ҳудудларда синов ва сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш, бошқа аккредитланган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларига услубий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланадилар.

Аккредитация қилинган сертификатлаштириш идоралари қуйидагиларни амалга оширишга ҳақлидир:

— маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларини тузадилар ва уларнинг амал қилишини таъминлайдилар;

— сертификатлаштиришни ташкил этадилар ва ўтказадилар;

— миллий мувофиқлик сертификатларини расмийлаштирадилар, берадилар ёки чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этадилар;

— сертификатланган маҳсулотлар устидан назоратни амалга оширадилар;

— Ўз СМТ фаолиятини таъминлайдилар.

Миллий сертификатлаштириш тизими белгилаган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) муайян маҳсулотларнинг синовини ёки муайян синов турини амалга оширадилар ҳамда сертификатлаштириш мақсадлари учун баённомалар берадилар, Ўз СМТ фаолиятини таъминлайдилар.

Аккредитланган инспекция органлари ўз процедураларини ишлаб чиқадилар, Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий идораси, маҳсулотни сертификатлаштириш идоралари ёки бошқа сертификатлаштириш иштирокчилари топшириғига кўра Ўз СМТ қоидалари бажарилишини назорат қиладилар.

Сифат бўйича эксперт-аудиторлар Ўз СМТ доирасида синов ва сертификатлаштириш ишларини бажарадилар, тизим қоидалари бажарилишини таъминлайдилар.

Сертификатлаштиришга буюртмачиларнинг қонунчиликда ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган. Улар Ўз СМТ доирасида фаолият кўрсатаётган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларидан ўз маҳсулотларини синаш ва сертификатлаштиришга тааллуқли барча маълумотларни олиш, ихтиёрий сертификатлаштириш имкониятларидан фойдаланиш, сертификатлаштириш идораларини мустақил танлаш ҳуқуқларига эгадирлар.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни реализация қилувчи тайёрловчилар (тадбиркорлар):

— мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштиришга тақдим этишлари;

— сертификатланган маҳсулотни сертификатлаш органларининг узи ёки улар эътироф этган органлар берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация қилишлари ва унинг норматив ҳужжатлар талабларига мос булишини таъминлашлари;

— сертификатланган маҳсулотни, башарти, у норматив ҳужжат талабларига мувофиқ келмаса, шунингдек сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёхуд унинг амал қилиши сертификатлаштириш органининг қарори билан тухтатиб қўйилган ёки бекор қилинган булса, реализация қилишни тухтатиб қўйишлари ёки тугатишлари;

— мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;

— сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳужжатларига ёки технологик жараёнига киритилган ўзгартишлар ҳақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда хабардор этишлари;

— илова қилинган техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларни кўрсатишлари ва бу маълумотлар истеъмолчи (харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий тизимининг меъёрий асослари қандай ҳужжатларда келтирилган?

2) Қайси меъёрий ҳужжатда Миллий тизимни ташкил этишнинг асосий талаблари белгиланган?

3) Мувофиқликни сертификатлаштириш нима?

4) «Ўзстандарт» агентлигига қандай Давлат реестрларини юритиш юклатилган?

5) Давлат рўйхатидан ўтказиш объектлари нималар?

6) Давлат рўйхатидан ўтказиш субъектлари кимлар?

7) Мувофиқликни тасдиқлаш ишларида низолар ва норозиликлар келиб чиққан тақдирда субъектлар кимга мурожаат қилишлари мумкин?

8) Уз СМТ доирасида хизматларни сертификатлаштириш-

га, маҳсулотларни идентификация қилишга талаблар қайси ҳужжатларда келтирилган?

9) Ўз СМТнинг ташкилий тузилмасини қайси субъектлар ташкил этади?

10) Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий идораси ваколати кимга юклатилган?

11) Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий идораси — «Ўзстандарт» агентлиги қандай ваколатларга эга?

12) Аккредитация қилинган сертификатлаштириш идоралари нималарни амалга оширишга ҳақли?

13) Аккредитация қилинган синов лабораториялари нималарни амалга оширишга ҳақли?

14) Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим булган маҳсулотларни реализация қилувчиларнинг қандай мажбуриятлари белгиланган?

2.3. Сертификатлаштириш буйича асосий коидалар

Ўзбекистонда маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари, шунингдек сертификатлаштириш иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги конунида белгиланган. Қонунга кўра, **маҳсулотларни сертификатлаштириш** — маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида» низомда ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби белгиланган.

Сертификатлаштиришни амалга ошириш низомга мувофиқ икки босқичда утказилиши кўрсатилган.

Биринчи боскич бир вақтнинг ўзида, зарурият га кўра, ветеринария ва фитосанитария хулосалари тегишли равишда давлат ветеринария назорати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида расмийлаштирилган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган давлат санитария назорати органларида гигиеник

сертификат расмийлаштирилишини уз ичига олади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъекти:

— гигиеник сертификатни расмийлаштириш учун ариза билан биргаликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларига мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш юзасидан ариза беришга;

— зарурат булганда тегишли хулосалар олиш учун ветеринария ва фитосанитария назорати органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир

Иккинчи босқич — сертификатлаштириш органлари томонидан мувофиқлик сертификати берилдир.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва беришнинг умумий муддати ишларнинг мураккаблиги даражасига, куп меҳнат талаб қилиши ва узига хослигига қараб, барча зарур ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб:

— олиб келинадиган маҳсулотларга 10 иш кундан ортиқ булмаган;

— ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга 10 иш кунидан 1 ойгача доирада белгиланади.

Гигиеник, ветеринария, фитосанитария ва экология сертификатлари (хулосалар) сертификатлаштирилаётган маҳсулотларга ваколатли идоралар томонидан норматив ҳужжатларда тегишли равишда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик нормалар ва талаблар мавжуд булган тақдирда расмийлаштирилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга гигиеник сертификатнинг амал қилиш муддати — 3 йил, четдан олиб келинаётган маҳсулотга гигиеник сертификат маҳсулотнинг яроқлилик даврига, яроқлилик муддатига эга булмаган маҳсулотга эса — муддати кўрсатилмасдан берилади.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш сертификатлаш органлари томонидан амалга оширилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун ариза берувчи сертификатлаштириш органига ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси;

— маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);

— гигиеник сертификат нусхаси. Ариза берувчи томонидан айни бир вақтда гигиеник сертификат ва мувофиқлик

сертификати олишга ариза берилган тақдирда гигиеник сертификат нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилганлан кейин тақдим этилади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш учун қуйидагилар тақдим этилади:

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда);

— гигиена сертификатининг нусхаси;

— маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);

— Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисида белги қўйилган товарнинг илова ҳужжати (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура) нусхаси.

Сертификатлаштириш органи ариза берилган кундан бошлаб икки кун муддатда жойига бориб сертификация синовларини ўтказиш учун маҳсулот намуналарини танлаб олади ва идентификация қилади.

Намуналар сони, танлаб олиш тартиби, идентификация қилиш ва сақлаш қоидалари маҳсулотга норматив ҳужжатларда белгиланади.

Лаборатория синовларининг салбий натижалари, шунингдек ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган комплектини тақдим этиш мувофиқлик сертификати беришни рад этиш учун асос ҳисобланади, бу тўғрида сертификатлаштириш органи ариза берувчига аниқ қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар қилади.

Сертификатлаштириш органи тақдим этилган ҳужжатлар ва синовларнинг ижобий натижалари асосида икки иш куни мобайнида мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати уларнинг яроқлилик муддатига (маҳсулот яроқлилигининг кафолатли муддатига), яроқлилик муддатига (маҳсулот яроқлилигининг кафолатли муддатига) эга бўлмаган маҳсулотларга эса амал қилиш муддати кўрсатилмасдан, кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун — 3 йилга берилади. Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун берилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сертификатланган деб ҳисобланади.

Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати бериш учун сертификатлаштириш органи ариза берувчида маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқариш учун шарт-

шароитлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариладиган объектларни белгиланган тартибда текширади. Текшириш натижалари буйича далолатнома расмийлаштирилади, ундан мувофиқлик сертификати бериш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдаланилади.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати сертификатлаштириш органи томонидан синовлар натижалари олинган вақтдан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак (3.9-расм).

Сертификатлаштириш органи эътироф этиш тўғрисида битим тузилган МДҲ мамлакатларидан ва узоқ хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган маҳсулотга сертификатларни эътироф этиш ҳуқуқига эга.

«Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида» низомга қўшимча «Ўзстандарт» агентлиги томонидан «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари» ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида 2005 йил 18 мартда 1458-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Ушбу қоидаларда белгиланганига кўра, серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати берган сертификатлаштириш идораси камида йилига бир марта сертификатлаштириш пайтида ўрнатилган талабларга маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида инспекцион текширув ўтказиши керак.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунига кўра **«назорат йўсинидаги текширув» (инспекцион текширув)** — белгиланган талабларга мувофиқлигини сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш чоғида тасдиқлаш мақсадида сертификатланган маҳсулот, сифатни бошқариш тизимини ёки ишлаб чиқаришни, сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини такрорий баҳолаш таомилидир.

Инспекцион текширувда сертификатлаштириш схемасига боғлиқ равишда ишлар олиб борилади ва натижаси буйича мувофиқлик сертификати ва белгиси тасдиқланиши, тўхтатилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Сертификатлаштириш идораси ўтказилган инспекцион текшируви натижасида қабул қилган қарори ҳақида маълумотни маҳсулот ишлаб чиқарувчига ва сертификатлаштириш Миллий идорага хабар бериши керак. Қоидаларда миллий доирада қабул қилган сертификатлаштириш схемалари келтирилган.

Инспекцион текширув ўтказиш тартиби Ўзбекистон Рес-



Сертификатлаштириш тартиботининг умумий муддати 10 кундан 30 кунгачани ташкил этади.

3.9-расм. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботи схемаси

публикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 апрелда 1464-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматларни инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари»да келтирилган.

Инспекцион текширувнинг объектлари сифатида сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва уларнинг ишлаб чиқарилиш жараёни бўлиши мумкин. Унинг ҳажмини маҳсулот синови ҳажмидан келиб чиққан ҳамда олдинги инспекцион текширувнинг натижаларига ва аттестатланган ёки аккредитланган ишлаб чиқариш лабораторияларининг фаолияти натижаларига боғлиқ ҳолда сертификатлаштириш идораси томонидан аниқланади.

шароитлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариладиган объектларни белгиланган тартибда текширади. Текшириш натижалари буйича далолатнома расмийлаштирилади, ундан мувофиқлик сертификати бериш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдаланилади.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати сертификатлаштириш органи томонидан синовлар натижалари олинган вақтдан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак (3.9-расм).

Сертификатлаштириш органи эътироф этиш тўғрисида битим тузилган МДҲ мамлакатларидан ва узоқ хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган маҳсулотга сертификатларни эътироф этиш ҳуқуқига эга.

«Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида» низомга қўшимча «Ўзстандарт» агентлиги томонидан «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари» ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида 2005 йил 18 мартда 1458-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Ушбу қоидаларда белгиланганига кўра, серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати берган сертификатлаштириш идораси камида йилига бир марта сертификатлаштириш пайтида ўрнатилган талабларга маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида инспекцион текширув ўтказиши керак.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунига кўра **«назорат йўсинидаги текширув» (инспекцион текширув)** — белгиланган талабларга мувофиқлигини сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш чоғида тасдиқлаш мақсадида сертификатланган маҳсулот, сифатни бошқариш тизимини ёки ишлаб чиқаришни, сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини такрорий баҳолаш таомилидир.

Инспекцион текширувда сертификатлаштириш схемасига боғлиқ равишда ишлар олиб борилади ва натижаси буйича мувофиқлик сертификати ва белгиси тасдиқланиши, тухтатилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Сертификатлаштириш идораси ўтказилган инспекцион текшируви натижасида қабул қилган қарори ҳақида маълумотни маҳсулот ишлаб чиқарувчига ва сертификатлаштириш Миллий идорага хабар бериши керак. Қоидаларда миллий доирада қабул қилган сертификатлаштириш схемалари келтирилган.

Инспекцион текширув ўтказиш тартиби Ўзбекистон Рес-



Сертификатлаштириш тартиботининг умумий муддати 10 кундан 30 кунгачани ташкил этади.

3.9-расм. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботи схемаси

публикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 апрелда 1464-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматларни инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари»да келтирилган.

Инспекцион текширувнинг объектлари сифатида сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва уларнинг ишлаб чиқарилиш жараёни бўлиши мумкин. Унинг ҳажмини маҳсулот синови ҳажмидан келиб чиққан ҳамда олдинги инспекцион текширувнинг натижаларига ва аттестатланган ёки аккредитланган ишлаб чиқариш лабораторияларининг фаолияти натижаларига боғлиқ ҳолда сертификатлаштириш идораси томонидан аниқланади.

Инспекцион текширувни ўтказишнинг даврийлиги сертификатлаштириш идораси билан ишлаб чиқарувчи ўртасида мувофиқлик сертификатини қўллаш ва ундан фойдаланиш тўғрисида тузилган шартномага асосан ўрнатилади. Бунда қуйидаги ҳолатлар инобатга олинади:

а) аниқ маҳсулот хусусияти;

б) сифат тизимларига сертификатнинг мавжудлиги.

Режали инспекцион текширувлар сертификатлаштириш идораси тасдиқлаган режа-график асосида ўтказилади. Режалан ташқари инспекцион текширувлар сертификатлаштирилган маҳсулотларга нисбатан асосли ва ҳужжатлар билан тасдиқланган эътирозлар тушганда ва маҳсулот ҳамда технологик жараёнга тегишли меъёрий ҳужжатга ўзгаришлар киритилганда ўтказилади.

Инспекцион текширувни ўтказиш учун сертификатлаштириш идораси буйруқ чиқаради ва унда текширувни ўтказишнинг комиссияси ва муддатини белгилайди. Текширув муддати уттиз календар кунидан ошмаслиги керак.

Инспекцион текширувни сертификатлаштириш идорасининг ёки жалб этилган сифат буйича эксперт-аудиторлар ҳамда сертификатлаштириш идорасининг топшириғига кўра сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органлари ўтказадилар. Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунида **«сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органи»** — белгиланган тартибда аккредитация қилинган, сертификатланган маҳсулот ва сифатни бошқариш тизимини баҳолашни сертификатлаштириш органлари топшириғига биноан амалга оширувчи орган» эканлиги белгиланган. Текширув сертификатлаштириш идорасининг раҳбари томонидан тасдиқланган дастур асосида ўтказилади. Дастурда текширув мақсади, объектлари, ҳажми ва ишларнинг моҳияти кўрсатилиши керак.

Маҳсулот 2- ва 4-схемаларда сертификатлаштирилган булса, текширув ишлаб чиқарувчи иштирокида талаблари асосида маҳсулотни идентификация қилиш ва намуна олиш билан бошланади ва далолатнома тузилади.

Инспекцион текширувнинг синовлари аккредитланган синов лабораторияларида, айрим ҳолларда комиссия вакили иштирокида, ўтказилади ва унинг натижаси буйича далолатнома тузилади.

Инспекцион текширув натижаси буйича икки нусхада

(биттаси ишлаб чиқарувчига, биттаси сертификатлаштириш идорасига) керакли барча маълумотлар кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади ва комиссия томонидан имзоланади

Инспекцион текширув натижаси буйича сертификатлаштириш идораси уч кун ичида мувофиқлик сертификатини тасдиқланиш, тухтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда ишлаб чиқарувчига хабар қилади.

Мувофиқлик сертификатини тухтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар дастури ишлаб чиқарувчи томонидан қабул қиланади ва сертификатлаштириш идораси томонидан назоратга олинади.

Мувофиқлик сертификатини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиланган тақдирда, бу ҳақда «Ўзстандарт» агентлигига уч кун ичида хабар берилади ва мувофиқлик сертификати Давлат реестридан чиқарилади.

Инспекцион текширув натижаси буйича қабул қилинган сертификатлаштириш идорасининг ҳар қандай қарори устидан ишлаб чиқарувчи «Ўзстандарт» агентлиги Апелляция кенгашига ёки судга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир.

Юқорида қайд этилган «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари» қўшимча равишда «Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш қоидалари» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 сентябрда 1513-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган) жорий этилган. Унда мажбурий сертификатланадиган алоҳида маҳсулотларнинг турларини сертификатлаштириш тартиблари урнатилган. Қоидаларда маҳсулот турига кура қўлланилиши мумкин булган сертификатлаштириш схемалари ва бошқа алоҳида ҳолатлар қайд этилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштиришда 3-, 4-, 7-, 9-схемалар қўлланиши мумкин. Бунда синовлар МҲларда ўрнатилган хавфсизлик кўрсаткичлари ва бошқа мажбурий кўрсаткичлар буйича, хусусан, ёрлиқлаш, ураш талаблари буйича ўтказилади.

Электротехника маҳсулотларини сертификатлаштиришда 1-, 2-, 3-, 4-, 7-, 8-, 9-схемалар қўлланиши мумкин. Электротехника маҳсулотларни синови бу турдаги маҳсулотлар учун мажбурий кўрсаткичлар буйича, хусусан, изоляциянинг қаршилиги ва электрмустаҳкамлиги, конст-

рукцияга талаблар, қолдиқ кучланиш ва бошқа кўрсаткичлар буйича амалга оширилади.

Машиносозлик ва оғир саноат маҳсулотларини сертификатлаштиришда 1-, 2-, 3-, 4-, 7-, 8-, 9-схемалар қўлланиши мумкин. Бунда синовлар маҳсулотнинг органолептик (ташқи кўриниши), физико-механик кўрсаткичлари, техник талаблар, ёрлиқлаш, ўраш талаблари, шовқин ва вибрация кўрсаткичлари, ҳавога зарарли ташландилар ва бошқа мажбурий кўрсаткичлар буйича амалга оширилади.

Енгил саноат маҳсулотларини сертификатлаштиришда 3-, 4-, 7-схемалар қўлланиши мумкин. Бу турдаги маҳсулотларни синовларида органолептик, узиш, буёқларнинг ювишга, терлашга, ишқаланишга чидамлилиги, физико-механик ва бошқа мажбурий кўрсаткичлари ўрганилади.

Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштиришда 3-, 4-, 7-схемалар қўлланиши мумкин. Бундай маҳсулотларни синовларида асосан фармакопея кўрсаткичлари, ёрлиқлаш, ўраш талаблари ва бошқа мажбурий кўрсаткичлари ўрганилади.

Қурилиш маҳсулотларини сертификатлаштиришда 3-, 4-, 7-, 9-схемалар қўлланиши мумкин. Бу турдаги маҳсулотларни синовларида музлашга чидамлилик, сув шимиш, радиоактивликка, мустаҳкамлик, зарарли моддаларни ажралиб чиқиши, иссиқликка чидамлилиги, ёрлиқлаш, ўраш талаблари ва бошқа мажбурий кўрсаткичлари ўрганилади.

Автотранспорт воситаларини сертификатлаштиришда 1-, 2-, 3-, 4-, 7-схемалар қўлланиши мумкин. Автотранспорт воситаларини сертификатлаштиришда синовлар техник талаблар ва БМТ Европа иқтисодий комиссияси қоидалари талабларига ҳамда бошқарув қурилмаси, олддан ва ёндан зарбаларга, ойналари мустаҳкамлиги, атроф-муҳитга чиқиндилар, хавфсизлик камарлари, кузов ва кабиналар конструкциялари хавфсизлиги, автомобил устуворлиги, тормоз тизими, ёритиш тизимлари ва бошқа мажбурий кўрсаткичлари буйича ўтказилади.

Ёқилғи ва энергетика сертификатлаштиришда 3-, 4-, 7-схемалар қўлланиши мумкин. Бу турдаги маҳсулотларни синовларида техник талаблар, октан ва цитан сонлари, углеводород таркиби, механик қўшимчалар, намлик миқдори, қолдиқ олтингугурт миқдори, ўт олиш температу-

раси, ёрлиқлаш ва бошқа мажбурий курсаткичлари урганилади.

Киме саноати маҳсулотларини сертификатлаштиришда 3-, 4-, 7-, 9-схемалар қўлланиши мумкин. Бу турдаги маҳсулотларни синовларида органолептик, зарарли элементлар (сурьма, мишьяк, барий, кадмий, хром, свинец, симоб, селен) мавжудлиги, ёниш хусусияти, ўт олиш ва портлаш хавфи, ёрлиқлаш, ураш талаблари ва бошқа мажбурий курсаткичлари урганилади.

Ўйинчоқларни сертификатлаштиришда 3-, 4-, 7-схемалар қўлланиши мумкин. Бу турдаги маҳсулотларни синовларида органолептик курсаткичлар, ўйинчоқлар ва улар қисмларининг ўлчамлари, механик мустаҳкамлиги, ёниш хавфсизлиги, улардаги газ ва суюқликларнинг чиқиш хавфи ва бошқа куплаб мажбурий курсаткичлари урганилади.

Спорт маҳсулотлари ва ускуналарини сертификатлаштиришда 3-, 4-, 7-, 9-схемалар қўлланиши мумкин. Бу турдаги маҳсулотларни синовларида ёрлиқлаш, геометрик ўлчамлари, оғирлиги, мустаҳкамлиги, ишончлилиги, алоҳида қисмларнинг устуворлиги, материаллар сифати, деталларга ишлов берилиш сифати ва бошқа мажбурий курсаткичлари урганилади.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистонда маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари қайси ҳужжатда белгиланган?

2) Маҳсулотларни сертификатлаштириш деганда нимани тушунасиз?

3) Сертификатлаштиришни амалга ошириш неча босқичда утказилади?

4) Сертификатлаштиришни амалга оширишнинг биринчи босқичи нималарни ўз ичига олади?

5) Сертификатлаштиришни амалга оширишнинг иккинчи босқичи нималарни ўз ичига олади?

6) Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун ариза берувчи сертификатлаштириш органига қандай ҳужжатларни бериши керак?

7) Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификати қандай муддатга берилади?

8) Четдан олиб келинаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификати қандай муддатга берилади?

9) Назорат йусинидаги текширув нима ва қандай утказилади?

10) Инспекцион текширув утказиш тартиби қайси ҳужжатда келтирилган?

11) Инспекцион текширувни утказишнинг даврийлиги қандай белгиланади?

12) Қандай илора сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органи дейилади?

13) Инспекцион текширув натижаси буйича қандай қарорлар қабул қилиниши мумкин?

14) Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш қоидаларида нима белгиланган?

2.4. Сертификатлаштиришнинг асосий схемалари

Сертификатлаштиришнинг асосий схемалари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида 2005 йил 18 мартда 1458-сон билан давлат руйхатидан утказилган. «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари»да келтирилган.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 5.5:2009 «Ўз СМТ. Асосий атамалар ва таърифлар»да **«сертификатлаштириш схемаси** — мувофиқликни сертификатлаштиришни утказишда учинчи тараф фаолиятининг таркиби ва тартиби» эканлиги қайд этилган.

Ўзбекистон миллий сертификатлаштириш тизими доирасида тўққизта схема қабул қилинган.

Биринчи схема турнинг намунасини сертификатлаштиришда қўлланилади ва унда аккредитланган синов лабораторияларида маҳсулотни мажбурий (биринчи навбатда хавфсизлик) кўрсаткичлари буйича синовлар утказилади. Бу схема маҳсулотга аниқ бир МҲ бўлмаган ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин.

Иккинчи схема турнинг намунасини сертификатлаштиришда қўлланилади ва унда аккредитланган синов лабораторияларида маҳсулотни мажбурий кўрсаткичлари буйича синовлар утказилади. Бу схема буйича инспекцион текширув утказиш назарда тутилган бўлиб, унда намуналар савдо шахобчасида (истеъмолчида) олинади.

Учинчи схема ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сертификатлаштиришда қўлланилади ва унда аккредитланган

синов лабораторияларида маҳсулотни мажбурий курсаткичлари буйича синовлар утказилади ҳамда ишлаб чиқариш жараёни урганилади. Бу схема буйича инспекцион текширув утказиш назарда тутилган булиб, унда намуналар ишлаб чиқаришдан олинади (3.10-расм).

Учинчи схема буйича сертификатлаштириш Узбекистонда кенг қулланилади, аксарият маҳаллий корхоналар уз маҳсулотларини шу схема орқали сертификатлаштиришни маъқул курадилар. Узбекистонга маҳсулотларини импорт қиладиган чет давлатлар корхоналари ҳам ушбу схемадан куп роқ фойдаланадилар. Дастлабки сертификатлаштириш ва кейинчалик инспекцион текширув жараёнларида намуналарни бевосита ишлаб чиқаришдан олиниши, бу схеманинг қулайлиги ҳисобланади.

Туртинчи схема ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сертификатлаштиришда қулланилади ва унда аккредитланган синов лабораторияларида маҳсулотни мажбурий курсаткичлари буйича синовлар утказилади ҳамда ишлаб чиқариш жараёни урганилади. Бу схема буйича инспекцион текширув утказиш назарда тутилган булиб, унда намуналар ҳам ишлаб чиқаришдан, ҳам савдо шахобчасидан (истеъмолчидан) олиниши мумкин.

Бешинчи схема ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сертификатлаштиришда қулланилади. Унда аккредитланган синов лабораторияларида маҳсулотни мажбурий курсаткичлари буйича синовлар утказилади ва ишлаб чиқариш жараёни ёки менежмент тизими урганилади. Схемада инспекцион текширув утказиш назарда тутилган булиб, унда маҳсулотни синаш билан бирга ишлаб чиқариш жараёни ёки менежмент тизими урганилади.

Олтинчи схема менежмент тизимини сертификатлаштиришда қулланилади. Бунда менежмент тизими баҳоланади ва кейинчалик инспекцион текширув утказиб борилади. Бундай схема Европа мамлакатларида куп роқ қулланилади.

Еттинчи схема маҳсулотни гуруҳини сертификатлаштиришда куп қулланилади. Бунда маҳсулот гуруҳидан белгиланган тартибда танлаб олинган намунасини синови утказилади (3.11-расм).

Узбекистонда еттинчи схема буйича сертификатлаштириш маълум бир гуруҳдаги маҳаллий ва четдан олиб келинган маҳсулотлар учун тадбиркорлар томонидан куп қулланилади.

3.1-жадвал

Сертификатлаштириш схемалари

Схема №	Аккредитланган синов лабораторияларида синаш ва бошқа мувофиқликни исботлаш усуллари	Ишлаб чиқаришни ўрганиш ва менежмент тизимини баҳолаш	Сертификатланган маҳсулотни (менежмент тизимини, ишлаб чиқаришни) инспекцион текширув
1	Турни синаш	—	—
2	Турни синаш	—	Савдо шохобчасида (истеъмолчида) олинган намунани синаш
3	Турни синаш	Ишлаб чиқаришни ўрганиш	Ишлаб чиқарувчидан олинган намуналарни синаш. Ишлаб чиқаришни ўрганиш
4	Турни синаш	Ишлаб чиқаришни ўрганиш	Ишлаб чиқарувчидан ҳамда савдо шохобчасидан (истеъмолчидан) олинган намуналарни синаш
5	Турни синаш	Ишлаб чиқаришни ўрганиш ва менежмент тизимини баҳолаш	Намуналарни синаш ва сифат тизимларини (ишлаб чиқаришни) ўрганиш
6	—	Менежмент тизимини баҳолаш	Менежмент тизими ҳолатини баҳолаш
7	Гуруҳни синаш	—	—
8	Намуна синаш	—	—
9	Иловадаги ҳужжатлар билан мувофиқлик декларациясини кўриш	—	—

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаштириш жараёни (3-схема)



3.10-расм. Учинчи схема бўйича сертификатлаштириш тартиби

Маҳсулотнинг партиясини сертификатлаштириш жараёни (7-схема)



3.11-расм. Еттинчи схема бўйича сертификатлаштириш тартиби



3.12-расм. Мувофиқликни ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби

Айрим ҳолларда маҳсулотнинг ҳар бир донаси сертификатлаштирилиши талаб этилади. Бундай ҳолат маҳсулотнинг кам сонда бўлиши, ута масъулиятли бўлиши ҳамда истеъмолчининг шундай талаби билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунинг учун саккизинчи схема назарда тутилган.

Тўққизинчи схема маҳсулотни сертификатлаштиришда қўлланилади ва унинг хавфсизлик талабларига мувофиқлиги декларациялаш орқали амалга оширилади. Бунда биринчи тараф (маҳсулот эгаси) маҳсулотининг МҲнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини декларация орқали маълум қилади.

Белгиланган тартибга кўра, 3, 4, 5, 7, 8, 9 схемалар бўйича сертификатланган маҳсулотлар мувофиқлик белгиси билан ёрлиқланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги қарори билан мувофиқликни ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби жорий этилди (3.12-расм).

Юқорида қайд этилган қарорга асосан чет эл сертификатларини тан олиш тартиби жорий этилди (3.13-расм).



3.13-расм. Чет эл сертификатларини тан олиш тартиби

Назорат саволлари:

1) Сертификатлаштиришнинг асосий схемалари қайси ҳужжатда келтирилган?

2) Ўзбекистон миллий сертификатлаштириш тизими доирасида нечта схема қабул қилинган?

3) Сертификатлаштиришнинг биринчи схемаси қандай ҳолда қўлланилади ва нималарни ўз ичига олади?

4) Сертификатлаштиришнинг иккинчи схемаси қандай ҳолда қўлланилади ва нималарни ўз ичига олади?

5) Сертификатлаштиришнинг учинчи схемаси қандай ҳолда қўлланилади ва нималарни ўз ичига олади?

6) Сертификатлаштиришнинг учинчи ва тўртинчи схемаларининг фарқи нимада?

7) Сертификатлаштиришнинг бешинчи схемаси қандай ҳолда қўлланилади ва нималарни ўз ичига олади?

8) Сертификатлаштиришнинг олтинчи схемаси қандай ҳолда қўлланилади ва нималарни ўз ичига олади?

назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари уз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;

— сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳужжатларига ёки технологик жараёнига киритилган ўзгартишлар ҳақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда хабардор этишлари;

— техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларни кўрсатишлари ва бу маълумотлар истеъмолчи (ҳаридор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар (шартномалар) шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг «Ўзстандарт» агентлиги томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка тааллуқли божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилади ва улар маҳсулотни республика ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ҳисобланади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган тақдирда божхона назорати органлари бу хусусда «Ўзстандарт» агентлигини хабардор этишлари керак ҳамда маҳсулотни сертификатлаштиришдан утказиш ёки чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни тақиқлаб қўядилар.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Сертификатлаштирилиши мажбурий бўлган маҳсулотларни рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли қарори билан тасдиқланган.

Қонунчиликда қуйидаги мажбурий сертификатлаштириш ишларининг давлат томонидан молиялаштирилиши белгиланган:

— сертификатлаштиришни ривожлантиришнинг истиқболларини, уни ўтказиш қоидалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш;

— сертификатлаштириш соҳасида расмий ахборотлар билан таъминлаш;

— халқаро (минтақавий) сертификатлаштириш ташкилотлари ишида қатнашиш ҳамда чет эл миллий сертификатлаштириш органлари билан биргаликда ишлар ўтказиш;

— сертификатлаштириш юзасидан халқаро (минтақавий) қоидалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

— сертификатлаштириш юзасидан умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ишлари ва бошқа ишлар олиб бориш;

— сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати олиб бориш ишлари давлат томонидан молиявий таъминланади.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар, сотувчилар, ижрочилар)нинг мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этишлари устидан давлат текшируви ва назоратини «Ўзстандарт» агентлигининг давлат инспекторлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширади.

Сертификатланган маҳсулот, сифатни бошқариш тизимлари, ишлаб чиқариш, аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш органлари устидан назорат йўсинидаги текширувни сифат бўйича эксперт-аудиторлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширади.

Ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахснинг ташаббуси билан ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкин.

Ихтиёрий сертификатлаштиришни «Ўзстандарт» агентлиги белгилаган тартибда аккредитация қилинган юридик ва жисмоний шахслар амалга оширишга ҳақлидир. Ихтиёрий сертификатлаштириш тизимлари қоидалари ва тартибини аккредитация қилинган органлар «Ўзстандарт» агентлиги билан келишган ҳолда белгилайдилар.

Назорат саволлари:

1) Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш қайси ҳужжатда белгиланган?

2) Мажбурий сертификатлаштириш қандай ҳолларда амалга оширилади?

3) Ихтиёрий сертификатлаштириш қандай ҳолларда амалга оширилади?

4) Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг руйхатини ким томонидан тасдиқланади?

5) Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қандай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация килиниши мумкин эмас?

6) Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни реализация қилувчиларнинг қандай мажбуриятлари бор?

7) Қонунчиликда қандай сертификатлаштириш ишларининг давлат томонидан молиялаштирилиши белгиланган?

2.6. Мувофиқликни декларациялаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида» Қонунида «мувофиқликни декларациялаш — маҳсулотнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ижрочи томонидан тасдиқлаш» эканлиги қайд этилган.

Мувофиқликни декларациялашда мувофиқликни тасдиқлаш қоидалари, тартиби ва усуллари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли норматив ҳужжатларда белгиланади. Агар мувофиқликни декларациялашда мувофиқликни тасдиқлаш қоидалари, тартиби ва усулларида маҳсулот синовини ўтказиш зарур эканлиги белгиланган бўлса, бундай синов аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) томонидан ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ижрочи билан тузилган шартнома асосида ўтказилади.

«Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида низом» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 апрелда 1465-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган ва у маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини биринчи тараф (ишлаб чиқувчи, дистрибьютор, импорт қилувчи, воситачи) томонидан декларациялаш тартибини белгилайди.

Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш маҳсулотни МҲ талабларига мувофиқлигини кафолатлаш ва мувофиқликка масъул биринчи тараф (таъминотчи)ни аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Низомга кура, таъминотчи мувофиклик декларациясида

ҳавола қилинган маҳсулотнинг хавфсизлик кўрсаткичларини бажарилишига жавоб беради ва бу кўрсаткичлар ишлаб чиқувчининг синовлари ва баҳолашига асосланган бўлиши керак.

Агар маҳсулот мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши керак бўлган маҳсулотлар рўйхатига киритилган бўлмаса, унинг мувофиқлиги биринчи ёки иккинчи тараф ташаббуси декларацияланиши мумкин

Декларацияда келтириладиган маҳсулот кўрсаткичлари МҲга ёки шартнома шартларига асосан ишлаб чиқувчи томонидан белгиланади ва у маҳсулотнинг хавфсизлиги, синовлари ва мувофиқлигини тасдиқлаш учун керакли чора-тадбирларни амалга ошириши керак.

Четдан келтириладиган маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ва маҳсулоти импорт қилинадиган давлат ўртасидаги келишувга асосан декларация қилинади.

Маҳсулотни декларация қилиш учун таъминотчи аккредитланган сертификатлаштириш идорасига ариза билан мурожаат этади (3.14-ррасм).

Маҳсулотларнинг мувофиқлигини декларациялаш жараёни



3.14-расм. Маҳсулотнинг мувофиқлигини декларациялаш тартиби

Аризага қуйидагилар илова қилинади.

Аккредитланган синов лабораториясининг синов баённомаси;

Хомашё, материаллар, эҳтиёт қисмларнинг синов баённомалари.

Декларация қилинаётган маҳсулотга тегишли давлат идораларидаги бошқа ҳужжатларни (гигиеник сертификат, экологик хулоса ва ҳ.к.) сертификатлаштириш идораси узи сураб олади.

Декларация бир МҲ талаблари асосида битта ёки бир гуруҳга мос маҳсулотга берилади.

Декларацияда қуйидаги маълумотлар келтирилади (расм 3.15):

Таъминотчи номи ва манзили;

Маҳсулот номи, тури, модели ва ҳ.к.;

Маҳсулотга тегишли МҲ га ҳавола;

Маҳсулот ишлаб чиқилган сана, ҳажми, партияси, яроқли муддати, ташиш шарти;

Декларация бериш санаси;

Таъминотчи вакили тўғрисида маълумотлар;

Менежмент тизимининг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот;

Аккредитланган синов лабораторияси тўғрисида маълумот.

Аккредитланган сертификатлаштириш идораси аризачи ҳужжатларини ўрганади, маҳсулотни идентификация қилади. Ижобий хулоса бўлган тақдирда, беш кун давомида СИ декларацияни реестрда рўйхатга олади ва мувофиқлик сертификати беради. Салбий хулоса бўлган тақдирда, аризачи ёзма тарзда рад жавоби берилади.

Рўйхатга олинган декларация нусхаси бошқа ҳужжатлар билан бирга СИда сақланади.

Декларацияда ҳавола қилинган МХга ўзгартириш киритилган ҳолда, аризачи бу ҳақда СИга ахборот бериши керак ва янги декларацияни расмийлаштириши керак.

Декларация қилинган маҳсулотга мувофиқлик белгиси қўйилиши мумкин.

_____ -сонли
Мувофиқлик тўғрисида декларация

Таъминотчи _____
Манзил: _____
Маҳсулот _____
Менежмент тизими сертификатланганлиги _____
Аккредитланган синов лабораторияси тўғрисида маълумот
_____

Меъёрий ҳужжат _____ талабларига мос.
(рақами, номи, тасдиқланган санаси, муддати)

Қўшимча маълумотлар: _____

_____ _____ _____
(мансаби) (имзо) (Ф.И.О.)
(мухр)

Тулдирилган сана _____ й. "__" _____
Амал қилиш муддати _____ й "__" _____

РЎЙХАТГА ОЛИНИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ
_____ сертификатлаштириш идораси томонидан
(СИ ҳақида маълумот)
_____ сон билан рўйхатга олинди.

Сертификатлаштириш идораси
Раҳбари _____ _____
(имзо) (Ф.И.О.)
(мухр)

3.15-расм. Мувофиқлик тўғрисида декларациянинг кўриниши

Назорат саволлари:

1) Мувофиқликни декларациялаш деганда нимани тушунасиз?

2) Мувофиқликни декларациялашда мувофиқликни тасдиқлаш қоидалари, тартиби ва усуллари қандай ҳужжатларда белгиланган?

3) Қандай ҳужжатда маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби белгиланган?

4) Маҳсулотни декларация қилиш учун аккредитланган сертификатлаштириш идорасига қандай ҳужжатлар берилади?

5) Мувофиқлик декларациясида қандай маълумотлар келтирилади?

6) Декларация қилинган маҳсулотга мувофиқлик белгиси қўйилиши мумкинми?

2.7 Халқаро ИСО 9000 стандартлар асосида сифатни бошқариш

Сифатни бошқариш соҳасида асос бўлувчи тизим ИСО 9000 сериядаги халқаро стандартларда келтирилган. ИСО 9000 сериядаги стандартлар тавсиявий кучга эга бўлиб, улар бир неча стандартлардан иборат ва Ўзбекистонда давлат стандартлари сифатида қабул қилинган:

O'z DSt ISO 9000:2009 «Сифат менежменти тизимлари. Асосий қоидалар ва луғат»(ISO 9000:2005, IDT);

O'z DSt ISO 9001:2009 «Сифат менежменти тизимлари. Талаблар» (ISO 9001:2008, IDT);

O'z DSt ISO 9004:2014 «Ташкилотнинг устувор ютуғини таъминлаш мақсадида бошқариш. Сифат менежменти асосида ёндашув» (ISO 9004: 2009, IDT).

O'z DSt ISO 9000:2009 стандартида ИСО 9000 сериядаги стандартларда фойдаланилган атамалар ва таърифлар келтирилган. У уч бўлим ва уч иловадан иборат:

биринчи бўлим — стандартнинг қўлланиш доираси;

иккинчи бўлим — сифат менежменти тизимларининг асосий қоидалари: сифат тизимини қуриш кераклиги асосланган, жараёнли ёндашувга тушунтириш берилган, сифат соҳасида сиёсат ва мақсадлари аниқланган, сифат тизимларини ҳужжатлаштириш, статистик усуллар роли келтирилган;

учинчи бўлим — ИСО 9000 сериядаги стандартларда фойдаланилган атамалар ва таърифлар ҳамда уларга изоҳлар келтирилган;

илова А — стандартни ишлаб чиқишда қўлланилган услубият келтирилган;

илова В — атамаларнинг алфавитли кўрсаткичи келтирилган;

илова С — ушбу стандартни ишлаб чиқишда қўлланилган стандартлар рўйхати берилган.

O'z DSt ISO 9001:2009 стандарти корхонада сифат менежменти тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда кейинчалик уни сертификатлаш учун мўлжалланган. У истеъмолчилар талабларини бажариш ҳамда ташкилотнинг ўз регламентлари ва талабларини бажариш имкониятини баҳолаш учун, ички ва ташқи томонлар, хусусан сертификатлаштириш идоралари томонидан қўлланилиши мумкин. Стандарт талаблари умумий бўлиб, у ташкилот (корхона)нинг фаолият йўналиши, ҳажми, маҳсулот туридан қатъи

назар ҳамма томонидан қўлланилиши мумкин. У сифат тизимларини жорий этиш учун нима қилиш кераклигини курсатади. Стандарт саккиз бўлим ва уч иловадан иборат.

Биринчи бўлимда стандартнинг қўлланиш доираси келтирилган, унга кура стандарт СМТга ташкилот томонидан:

а) истемолчилари ва мажбурий талабларга мос маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини намоён эта олган;

б) тизимни самарали қўллаш орқали истеъмолчилар талабларини қондиришга мужалланган бўлганда қўлланилади.

Агар бирор сабаб билан айрим талабларни қўллаш мумкин бўлмаса, унда истисноларқилинади.

Иккинчи бўлимда меъёрий ҳаволалар берилган.

Учинчи бўлимда стандартда қўлланилган атамалар ва таърифлар келтирилган.

Тўртинчи бўлим асосийлардан бўлиб, у сифат менежменти тизимига, сифат бўйича ҳужжатларни бошқариш ва ёзувларга умумий талаблар келтирилган.

Ташкилот СМТ ишлаб чиқиши, ҳужжатлаштириши, жориш этиши, қўллаб туриши ва доимий такомиллаштириши керак. Ташкилот СМТ учун керакли жараёнларни идентификациялаши керак, хусусан:

— бошқариш жараёни
— Ресурслар менежменти
— маҳсулотни ишлаб чиқариш
— мониторинг ва улчашлар

Жараёнли ёндашувни амалга оширищ учун:

1. Барча жараёнлар руйхатини тузиш;

2. Асосий жараёнларни аниқлиш, бунда киришлар, чиқишлар, таъминотчилар, истеъмолчилар ва жараёнлар эгаларини ва уларнинг самарадорлигини кўрсатиш;

3. Асосий жараёнларнинг кетма-кетлигини кўрсатиш, бунда кимнинг ким билан боғлиқлигига эътибор қаратиш керак.

Барча жараёнларни уларнинг мақсадларидан келиб чиқиб синфлаш ва гуруҳлаш керак (3.16-расм).

СМТни ҳужжатлаштириш ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

— сифат соҳасида сиёсат ва сифат бўйича мақсад;
— сифат бўйича раҳбарий ҳужжат;
— ҳужжатлаштирилган процедуралар;
— самарали ишлаш учун бошқа ҳужжатлар;
— сифат бўйича ҳисоботлар.

3.16-расм. «Жараёнли ёндашув» схемаси

Ташкилот сифат буйича Раҳбарий ҳужжат ишлаб чиқиши ва уни ишчи ҳолатда сақлаши керак. Унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) СМТ қўлланилиши соҳаси;

б) ҳужжатлаштирилган процедуралар;

в) СМТга киритилган жараёнлар боғлиқлигини ёритиш.

Бешинчи бўлимда раҳбариятнинг масъулияти, яъни сифат менежменти тизимини қуриш, жорий этиш ва фаолият кўрсатишини маъмурий бошқаришга талаблар аниқланган. Унга кўра олий раҳбарият СМТни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш буйича ўз мажбуриятларини исботлашлари керак.

Бунга:

а) Истеъмолчилар қаноатланганлиги муҳимлиги ва қонунчилик талаблари бажарилганлиги;

b) Сифат соҳасида сиёсат ишлаб чиқилганлиги;

c) Сифат соҳасида мақсадлар ишлаб чиқилганлиги;

d) Раҳбарият томонидан таҳлил олиб бориш;

e) Керакли ресурслар билан таъминланганлиги орқали эришилади.

Раҳбарият ўрни, мажбурияти ва энг юқори раҳбарларнинг СМТни ривожлантириш, самарали қўллаш ва нати-

жавийлигида катта аҳамиятга эга. Энг юқори раҳбарларнинг масъулиятига:

— сиёсатни ва стратегик мақсадларни ишлаб чиқиш;

— шахсий намуна;

— ташкилот йўналишларининг сифат ва СМТ билан боғлиқлиги;

— такомиллаштириш бўйича лойиҳаларда қатнашиши;

— СМТ амалдалиги ва самарадорлиги бўйича алоқада бўлиши;

— персонални жалб этилганлигини рағбатлантириш муҳитини яратиш;

— режаларни қўллаш тузилмаси ва ресурсларини таъминлаш киради.

Олий раҳбарият СМТни режалаштирилган босқичларда унинг самарадорлиги, амалдалиги бўйича таҳлилини ўтказиши керак. Бу таҳлил зарур ҳолда СМТни ўзгартириш ва яхшилашни баҳолашни назарда тутиши керак.

Олтинчи бўлимда ресурслар менежменти, сифат тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва фаолият кўрсатиши учун керакли ресурсларга талаблар келтирилган. Бундай ресурсларга инсон ва материал ресурслар, инфратузилма ва ишлаб чиқариш муҳити киради.

Ташкилот СМТ жорий этиш ва қўллаб туриш ва унинг доимий самарасини кутариш учун, истеъмолчилар қониқишини ошириш учун керакли ресурслар аниқлаши ва етказиб бериши керак.

Маҳсулот сифатига таъсир этувчи персонал маълумоти, уқитилиши, малакаси ва тажрибаси билан компетентли бўлиши керак.

Ташкилот маҳсулотнинг белгиланган талабларда бўлишини таъминлаш учун керакли инфратузилмани аниқлаши, таъминлаши ва қўллаб туриши керак. Инфратузилмага бинолар, иш муҳит ва керак коммунал таъминот, технологик ускуналар, ҳам дастурий ҳам техник воситалар, таъминот хизмати, транспорт ва алоқа киради. Ташкилот маҳсулотнинг белгиланган талабларда бўлишини таъминлаш учун керакли ишлаб чиқариш муҳитини аниқлаши ва бошқариши керак.

Еттинчи бўлимда ҳаёт циклининг жараёнлари, корхонанинг асосий ва таъминловчи жараёнларига талаблар белгиланган. Ташкилот маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур жараёнларни режалаштириши ва ишлаб чиқиши керак. Иш-

лаб чиқариш жараёнларини режалаштириш СМТнинг бошқа жараёнлари билан мувофиқлаштирилиши керак.

Ташкилот истеъмолчилар билан ўзаро самарали муносабатлар аниқлаши ва жорий этиши учун :

а) маҳсулот ҳақида маълумотга;

б) буюртмалар ва уларга ўзгартиришларга;

в) истеъмолчилар билан доимий алоқада бўлиши керак.

Ташкилот харидларга белгиланган талабларни доимий таъминлаши керак. Ташкилот маҳсулотни ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатишни режалаштириши ва амалга ошириш керак. Ташкилот маҳсулот мувофиқлигини сақлашни ишлаб чиқариш жараёнларида таъминлаши керак. Бу талаб эҳтиёт қисмларга ҳам тегишлидир.

Саккизинчи бўлимда ўлчаш, таҳлил ва яхшилаш — таҳлилни ўтказиш ва ташкил этишга, ўлчашларга, СМТларини, жараёнларни ва ишлаб чиқилаётган маҳсулотларни яхшилашга талаблар белгиланган. Ташкилот маҳсулот мувофиқлигини тасдиқлаш, СМТ мувофиқлигини таъминлаш, СМТни доимий яхшилаш учун мониторинг, ўлчаш, таҳлил ва яхшилаш жараёнларини режалаштириши ва қўллаши керак. Ташкилот истеъмолчи қаноатланганлиги ёки қаноатланмаганлиги ҳақида маълумотларни доимий кузатиб бориши керак. Бундай маълумотларни олиш ва улардан фойдаланишнинг усулларини аниқлаши керак. Ташкилот СМТ устидан доимий ички аудит ўтказиб бориши керак. Ташкилот номувофиқ маҳсулотни бехосдан қўлланилиши олдини олиш учун уни идентификация қилиши ва бошқариши керак. Ташкилот СМТни яроқлилиги, самарадорлиги ва доимий яхшиланиши тасдиқлаш учун керакли маълумотларни аниқлаши, йиғиши ва таҳлил қилиши керак. Ташкилот сифат сиёсати ва мақсадларини, аудит ва таҳлиллар натижаларини қўллаш, аниқловчи ва огоҳлантирувчи чоралар орқали СМТ самарадорлигини ошириб бориши керак. Ташкилот номувофиқликни олдини олишга, уларни қайтарилмаслигини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш керак. Ташкилот потенциал номувофиқликни сабабларини бартараф этиш мақсадида керакли ҳаракатларни амалга ошириши керак.

O‘z DSt ISO 9001:2009 стандартининг иловаларида уни қўллашга керакли қўшимча маълумотлар берилган.

O‘z DSt ISO 9004:2014 стандарти ташкилотда яратилган сифат тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун

қўлланилади. Унда сифат тизимини доимий такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар берилган. Стандарт сертификатлаштиришда ҳам, шартномавий муносабатларда ҳам қўлланилмайди. ISO 9004 стандартида сифат менежменти тизимига кенгроқ талаблар киритилган бўлиб, унда барча манфаатдор томонлар (истеъмолчилар, корхона акциядорлари ва ходимлари)ни қониқтирувчи талаблар берилган ва у O'z DSt ISO 9001:2009 стандарти талабларини кенгайтиради ва тўлғизади.

Менежмент тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш корхона (ташкилот) томонидан мустақил равишда ёки тегишли малакага эга бўлган маслаҳатчи (юридик ёки жисмоний шахс)ни жалб этиш орқали амалга оширилади.

Сифат менежменти тизимлари корхонада ишлаб чиқилиб жорий этилгандан сўнг, унинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштирилиши талаб этилади (3.17-расм).

«Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 16 январда 2754-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Менежмент тизимларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш менежмент тизимларини сертификатлаштиришга доир ишларни бажариш учун белгиланган тартибда аккредитация қилинган юридик шахс — **менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи** (МТСО) томонидан амалга оширилади.

СМТни сертификатлаштириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

— сертификатлаштиришга ариза бериш;

— сертификатлаштиришга аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

— сертификатлаштиришни ўтказишга шартнома тузиш;

— сертификатлаштиришни ўтказиш учун аудиторлар гуруҳини шакллантириш ва тайинлаш;

— менежмент тизимлари ҳужжатларининг таҳлили ва унинг натижалари бўйича ҳисобот тузиш;

— менежмент тизимлари аудитини ўтказиш ва унинг натижалари бўйича ҳисобот тузиш;

— сертификатлаштириш бўйича қарор қабул қилиш;

— мувофиқлик сертификатини сертификатлаштириш миллий тизими давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш ва бериш.



3.17-расм. СМТни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаш босқичлари

Сертификатлаштиришга аризага:

— сифат буйича қулланмани;

— менежмент тизими соҳаси буйича сиёсат ва мақсадларни;

— менежмент тизимининг ишлаши учун зарур бўлган жараёнларнинг тавсифини;

— менежмент тизимининг мувофиқлигига таъсир этиши мумкин бўлган хавфларнинг тавсифини;

— менежмент тизими ишлаши юзасидан ариза берувчининг раҳбарияти томонидан ички аудит ва таҳлил ўтказилганлиги тўғрисидаги далилларни ўз ичига олган ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинади.

МТСО сертификатлаштиришга аризани кўриб чиқади ва тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади, натижалари бўйича 3 кун мобайнида сертификатлаштиришга аризани қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ёки асосланти-рилган рад жавобини юборади.

Сертификатлаштиришга аризани қабул қилишни рад этиш учун ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўлиқ тақдим этил-маганлиги, нотўғрилиги ёки сохталиги асос бўлади.

Сертификатлаштиришни ўтказишга сифат бўйича эксперт-аудитор бошчилигидаги аудиторлар гуруҳининг шахсий таркиби. аъзоларининг ҳуқуқ. мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек сертификатлаштиришни ўтказиш муддатлари ва жойи 10 кунда МТСО раҳбарининг қарори билан белгиланади.

Менежмент тизимлари ҳужжатларининг таҳлили ва унинг натижалари бўйича ҳисобот тузиш 15 кундан ортиқ бўлма-ган муддатда ўтказилади.

Менежмент тизимлари ҳужжатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига номувофиқлиги аниқ-ланганда ариза берувчига менежмент тизимлари ҳужжат-ларининг таҳлили натижалари бўйича ҳисобот билан бир-галикда тақдим этиладиган номувофиқликлар баённомаси расмийлаштирилади.

Менежмент тизимлари аудити МТСО томонидан тузилган режага асосан уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаб-ларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ариза берувчи жойлашган жойида 30 кундан ошмаган муддатда ўтказилади.

Менежмент тизимлари аудити натижалари бўйича МТСО ва ариза берувчи тўғрисида маълумотларни, сўралган сер-тификатлаштириш соҳасининг номини, сертификатлашти-ришни ўтказиш учун асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатлар рўйхатини, менежмент тизимлари аудити ўтказил-ганлиги тўғрисидаги маълумотларни, менежмент тизимлари аудити бўйича хулосани ўз ичига олган ҳисобот расмий-лаштирилади.

Ўтказилган сертификатлаштириш натижалари бўйича МТСО томонидан мувофиқлик сертификатини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда ушбу қарор қабул қилинган кундан 3 кун ичи-да мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади, Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилади ва ариза берувчига берила-ди. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати

Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 5 йилни ташкил қилади.

Мувофиқлик сертификатини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда МТСО ушбу қарор қабул қилинган куни ариза берувчини бу ҳақда хабардор қилади. Мувофиқлик сертификатини беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

— менежмент тизимлари ҳужжатларининг таҳлили ёки аудитда аниқланган номувофиқликларнинг тегишли ҳисоботларда белгиланган муддатларда бартараф этилмаганлиги;

— сертификатлаштириш бўйича ишлар қийматининг тўлови амалга оширилмаганлиги; .

— менежмент тизимларининг белгиланган талабларга номувофиқлиги.

Сертификатлаштириш натижаларидан норози бўлган тақдирда ариза берувчи «Ўзстандарт» агентлигининг шикоятларни қараб чиқиш кенгашига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Аввал берилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати гугагунга қадар 30 кун мобайнида сертификатлаштиришга ариза берилганда, менежмент тизими ҳужжатларининг таҳлили ва унинг натижалари бўйича ҳисобот тузишдан ташқари белгиланган тартибда қайта сертификатлаштириш ўтказилади.

Менежмент тизимлари устидан инспекция назорати сертификатлаштиришда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида мувофиқлик сертификатини берган МТСО ёки инспекция органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилади. Инспекция назорати натижалари бўйича мувофиқлик сертификатини тасдиқлаш, амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Мувофиқлик сертификатини амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уни бекор қилиш ҳақидаги қарор номувофиқлик аниқланганда ёки сертификат эгасининг ташаббуси билан қабул қилиниши мумкин.

«Ўзстандарт» агентлиги, МТСО ва сертификат эгасининг ташаббуси билан сертификатлаштириш соҳасини кенгайтириш ёки қисқартириш ҳақида қабул қилиниши мумкин.

МТСО ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида ариза берувчи тўғрисида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

Сифат менежменти тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришда ИСО 9000 сериядаги халқаро стандартлар билан бирга ИСО 10000 сериядаги, ИСО 19000 сериядаги ҳамда бошқа халқаро стандартлар қўлланилади. Кайд этилган сериядаги бир неча халқаро стандартлар Ўзбекистонда давлат стандарти сифатида қабул қилинган.

Назорат саволлари:

1) Сифатни бошқариш соҳасида қандай халқаро стандартлар давлат стандартлари сифатида қабул қилинган?

2) O'z DSt ISO 9000:2009 стандартида нималар келтирилган?

3) O'z DSt ISO 9000:2009 стандарти неча бўлимдан иборат?

4) O'z DSt ISO 9000:2009 стандартининг қайси бўлимлари асосий ҳисобланади?

5) ИСО 9000 сериядаги стандартлар ичида асосий стандарт қайси бири?

6) O'z DSt ISO 9001:2009 стандарти нима учун мўлжалланган?

7) O'z DSt ISO 9001:2009 неча бўлимдан иборат?

8) O'z DSt ISO 9001:2009 стандартининг қайси бўлимлари асосий ҳисобланади?

9) Сифат менежменти тизимига талаблар O'z DSt ISO 9001:2009 стандартининг қайси бўлимида келтирилган?

10) Жараённи ёндашувни нима ва у қандай амалга оширилади?

11) СМТни ҳужжатлаштириш ўз ичига нималарни олиши керак?

12) Раҳбарий ҳужжат нима ва унда нималар кўрсатилади?

13) Олий раҳбариятнинг СМТни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қандай мажбуриятлари бор?

14) Энг юқори раҳбарларнинг СМТни ривожлантириш, самарали қўллаш ва натижавийлигида қандай масъулияти бор?

15) Ресурслар менежменти нима ва у нималардан иборат?

16) Маҳсулот ҳаёт циклининг жараёнларига қандай талаблар белгиланган?

17) Ташкилот маҳсулот мувофиқлигини тасдиқлаш, СМТ мувофиқлигини таъминлаш, СМТни доимий яхшилаш учун қандай ишларни амалга оширади?

18) СМТни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаш қандай босқичлардан иорат?

19) Менежмент тизимларини сертификатлаштириш қандай тартибда амалга оширилади?

20) Менежмент тизимларини сертификатлаштириш ким томонидан амалга оширилади?

3-боб. Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизими

Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида» Қонунида аккредитация қилиш мувофиқликни баҳолашни амалга оширишнинг йўлларидан бири эканлиги белгиланган. Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар келтирилган:

— **аккредитация** — юридик шахсларнинг муайян фаолият соҳасида мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажаришга ваколатли эканлигини Миллий аккредитация органи томонидан расман тасдиқлаш;

— **аккредитация соҳаси** — мувофиқликни баҳолаш органининг аккредитация чоғида Миллий аккредитация органи томонидан белгиланадиган фаолияти соҳаси;

— **миллий аккредитация тизими** — мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш қоидалари ва тартиб-таомилини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ давлат миқёсида фаолият кўрсатувчи тизим.

Мувофиқликни баҳолашнинг асосий принциплари қаторида «аккредитация бўйича фаолиятни сертификатлаштиришга, мувофиқликни декларациялашга, юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекцияни амалга оширишга, маҳсулот синовига, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосаларини беришга, экологик экспертиза утказишга доир фаолият билан қўшиб олиб борилишига йўл қўймаслик» кўрсатилган.

Аккредитация бунга талабгор бўлган юридик шахсларнинг ваколатли эканлигини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади ва талабгор томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг таҳлили ва экспертизасини, олинган далилларни текширувлар утказиш йули билан баҳолашни уз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 октябрдаги 292-сонли қарори билан тасдиқланган «Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда инспекция назоратидан утказиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 2-боби («Аккредитация қилиш тартиби»)да мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитлаш тартиби тўлиқ матни келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида» Қонунида Миллий аккредитация органи ваколатлар берилган:

— мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

— миллий аккредитация тизими ташкил этилишини, фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш;

— мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилишни амалга оширади ва уларга аккредитация тўғрисида гувоҳнома бериш,

— мувофиқликни баҳолаш органлари устидан инспекция назоратини амалга ошириш;

— белгиланган тартибда аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тухтатиб туриш, тугатиш ва ушбу гувоҳномани бекор қилиш;

— халқаро аккредитация органлари ва хорижий давлатларнинг миллий аккредитация органлари билан аккредитация масалалари буйича ҳамкорлик қилиш;

— мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрини юритиш.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 30 мартдаги «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги «Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази» Давлат корхонаси негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошида Аккредитация маркази ташкил этилди.

Назорат саволлари:

1) Қайси Қонунда аккредитация қилиш тартиби белгиланган?

2) Аккредитацияси нимани англатади?

3) Миллий аккредитация тизими нимани англатади?

4) Аккредитация нима мақсадда амалга оширилади?

5) Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш ҳамда инспекция назоратидан ўтказиш тартиби қайси ҳужжатда келтирилган?

6) Миллий аккредитация органинйнг ваколатлари нималардан иборат?

3.1. Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизимининг асосий қоидалари

Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида» Қонунида Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизимининг асосий қоидалари ўрнатилган. Қонунда белгиланганига кўра, аккредитация шартлари қуйилагилардан иборатдир:

— аккредитация қилиниш учун ариза;

— аккредитация қилиш сўралган соҳадаги ишларни бажариш учун аккредитация қилинишга талабгор бўлган юридик шахсларнинг ваколатли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— аккредитация билан боғлиқ харажатлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ўзбекистон миллий аккредитлаш тизими доирасида унинг шартларини бажарган ва тартиб-қоидаларига тўлиқ риоя қилувчи юридик ва жисмоний шахслар фаолият кўрсатиши мумкин. Қонунчиликда белгиланган тартибга кўра, мувофиқликни баҳолаш органи сифатида фақат юридик шахслар аккредитланиши мумкин. Мувофиқликни баҳолаш соҳасида фаолият кўрсатувчи жисмоний шахслар белгиланган тартибда сертификатланиши ёки аттестатланиши керак.

Аккредитланишга даъвогарлар қуйидаги асосий шартларни бажаришлари керак:

— аккредитация қилиниш учун ариза;

— аккредитация қилиш сўралган соҳадаги ишларни бажариш учун аккредитация қилинишга талабгор бўлган юридик шахсларнинг ваколатли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— аккредитация билан боғлиқ харажатлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Мувофиқликни баҳолашнинг қайси соҳасида фаолият кўрсатишига қараб, даъвогарлар яна қўшимча шартларни бажариши керак.

Маҳсулотни сертификатлаштириш органи, сертификатлаштириш буйича инспекция органи сифатида аккредитация қилиш учун қуйидагилар қўшимча шартлар ҳисобланади:

а) аккредитация қилинаётган объектнинг ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, ижро этувчилар ва истеъмолчилардан мустақиллиги;

в) штатида сифат бўйича камида икки нафар эксперт-аудиторнинг мавжудлиги;

г) техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив

ҳужжатда белгиланган баҳоланаётган объектнинг асосий кўрсаткичлари аксарият қисмини белгиловчи, ўзининг белгиланган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториясининг мавжудлиги;

д) баҳоланаётган объект асосий кўрсаткичларининг етишмаётган қисмини аниқлашни таъминловчи аккредитация қилинган ўзга синов лаборатория (марказ)лари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимларнинг мавжудлиги.

Хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаштириш органи сифатида аккредитация қилиш учун қуйидагилар қўшимча шартлар ҳисобланади:

а) баҳоланаётган тарафдан мустақиллик;

б) штатида сифат бўйича камида икки нафар эксперт-аудиторнинг мавжудлиги.

Юк ортишдан олдин ва/ёки юкни тушириш вақтидаги инспекцияни ўтказиш бўйича инспекция органи сифатида аккредитация қилиш учун қуйидагилар қўшимча шартлар ҳисобланади:

а) маҳсулотни сертификатлаштириш органлари ва аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар;

б) маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш учун тегишли техника воситалари ва асбоб-ускуналар ёки лабораториялар,

в) халқаро инспекция агентликлари федерациясининг юкни ортишдан олдин инспекция ўтказишга доир талабларига жавоб берадиган ташкилотлар билан битимлар;

г) халқаро инспекция агентликлари федерациясига аъзоликни тасдиқловчи ҳужжат (Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун) мавжудлиги.

Маҳсулотлар, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни, сертификатлаштириш органи, сертификатлаш бўйича инспекция органи ва юкни ортишдан олдин ва/ёки юкни тушириш вақтида инспекцияни ўтказиш бўйича инспекция органининг раҳбари сифат бўйича эксперт-аудитор сифатида аттестациядан ўтказилган бўлиши керак.

Синов ва ўлчов лабораторияларини ва метрологик хизматни аккредитация қилиш учун қуйидагиларнинг мавжуд бўлиши қўшимча шартлар ҳисобланади:

а) синов, ўлчов усулларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар;

б) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норма

тив ҳужжатларнинг тегишли талабларига мувофиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари ва атроф-муҳит шароитлари;

в) аккредитация қилишнинг кўрсатилган соҳасига мувофиқ синов, ўлчовларни ўтказишни таъминловчи синов (ўлчов) воситалари.

Синов ва ўлчов лабораториялари уларда учинчи томон мақоми мавжуд бўлганда (мувофиқликни баҳолаш натижаларига манфаатдорлик ёки манфаатдорлар билан бевосита алоқа бўлмаганда), мустақилликка аккредитация қилиниши мумкин.

Сертификатлаштириш органи сифатида аккредитация қилинишга талабгор бўлган юридик шахслар мувофиқликни баҳолаш объектларининг ишлаб чиқарувчилари, сотувчилари, ижро қилувчилари ва истеъмолчиларига нисбатан ташкилий ҳамда моддий жиҳатдан тобе бўлмаслиги керак.

Аккредитланган идораларга аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома берилади ва у мувофиқликни баҳолаш органи аккредитациянинг белгиланган соҳасидаги ишларни бажаришга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Миллий аккредитация органи томонидан тасдиқланади ва гувоҳнома беш йил муддатга берилади.

Миллий аккредитация тизими ўз белгисига эга бўлиб, ушбу белги уни қўлловчининг Миллий аккредитация органи томонидан аккредитация қилинганлигини билдиради.

Мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани олиш билан бир вақтда, мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддатида миллий тизим белгисини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.

Аккредитация соҳасини ўзгартириш тўғрисидаги қарор мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация соҳасини кенгайтиришни ёки қисқартиришни сўраб ариза берган тақдирда, Миллий аккредитация органи томонидан қабул қилинади. Мувофиқликни баҳолаш органининг аккредитация соҳасини кенгайтириш, у билан келишилган муддатларда аккредитация қоидалари ва тартиб-таомилларига мувофиқ амалга оширилади.

Аккредитация соҳасини қисқартириш бўйича қарор мувофиқликни баҳолаш органи қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этмаган тақдирда, Миллий аккредитация органи томонидан инспекция назорати натижаларига кўра қабул қилиниши мумкин.

Аккредитация соҳасини ўзгартириш тўғрисидаги қарор устидан белгиланадиган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Инспекция назорати давомида аниқланган номувофиқликлар бартараф этилмаган тақдирда, аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилиши мумкин.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тухтатиб туриш Миллий аккредитация органи ёки суд томонидан ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга амалга оширилади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тухтатиб турилганлиги ва қайта тикланганлиги ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

— мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатишни сўраб ариза билан мурожаат қилганда;

— юридик шахс бўлган мувофиқликни баҳолаш органи тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши мустасно;

— мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тухтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

— мувофиқликни баҳолаш органи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларни мунтазам равишда бузганда ёки бир марта қўпол тарзда бузганда;

— миллий аккредитация органининг қарори ноқонуний эканлиги аниқланганда;

— аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати ўтганда.

— аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш Миллий аккредитация органи ёки суд томонидан амалга оширилади.

Мувофиқликни баҳолаш органи гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун ичида уни қайтариши лозим.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома суднинг ёки Миллий аккредитация органининг қарорига кўра қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

— мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғри-

сидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилганда;

— аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун ичида аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Миллий аккредитация органига қайтарилиши, Мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестридан чиқарилиши ва йўқ қилиб юборилиши лозим.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизимининг асосий қоидалари қайси ҳужжатда ўрнатилган?

2) Қонунчиликда қандай аккредитация шартлари белгиланган?

3) Аккредитланишга даъвогарлар қандай асосий шартларни бажаришлари керак?

4) Маҳсулотни сертификатлаштириш органи сифатида аккредитация қилиш учун нималар қўшимча шартлар ҳисобланади?

5) Хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаштириш органи сифатида аккредитация қилиш учун нималар қўшимча шартлар ҳисобланади?

6) Миллий аккредитация тизими белгиси нимани англатади?

7) Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ким томонидан амалга оширилади?

8) Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш қандай ҳолларда амалга оширилади?

9) Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қандай ҳолларда тугатилади?

3.2. Аккредитлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 октябрдаги 292-сонли қарори билан тасдиқланган «Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда инспекция назоратидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомда Ўзбекистонда мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитлаш тартиби белгиланган.

Аккредитация қилиш миллий қонунчиликда белгиланган бир неча босқичларда амалга оширилади (3.2-жадвал):

а) аккредитация қилишга буюртманома бериш;

б) тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг бутлигини ва тўлиқлигини таҳлил қилиш ҳамда аккредитация қилиш ишларини утказиш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки тақдим этилган ҳужжатларни пухталаштириш учун қайтариш, экспертиза далолатномасини расмийлаштирилган ҳолда тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан утказиш;

в) аккредитация объектини баҳолаш, далолатномасини расмийлаштирган ҳолда аккредитация объектини баҳолаш учун комиссия тузиш;

г) аккредитация объектини баҳолаш натижаларини ва тузатиш ишлари (баҳолашда номувофиқлар аниқланган тақдирда) самарадорлигини таҳлил қилиш Миллий аккредитация органи томонидан ариза берувчини аккредитация қилиш ёки Аккредитация қилиш кенгаши тавсияларини ҳисобга олган ҳолда аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қилиш;

д) аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва бериш.

Аккредитация қилишнинг ҳар бир навбатдаги босқичи олдинги босқичнинг натижалари ижобий булган тақдирда бажарилади.

Даъвогар аккредитация қилишга аризани талаб этиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар билан Миллий аккредитация органига юборади.

Маҳсулотлар, менежмент тизимлари, ходимларни ва сертификатлаштириш буйича инспекция органини аккредитация қилиш органига бериладиган аризага қуйидагилар илова қилинади:

а) аккредитация қилиниши сўралаётган аккредитация соҳасини аниқловчи мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхати;

б) сифат менежменти тизими тартиб-таомиллари ва мувофиқликни тасдиқлаш буйича ишларни бажариш қоидаларидан иборат булган сифат буйича қулланма;

в) ходимлар ва сифат буйича эксперт-аудиторлар тўғрисидаги маълумотлар.

Синов (ўлчов) лабораторияларини ва метрологик хизматни аккредитация қилиш учун буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинади:

3.2-жадвал

Уз АТ доирасида аккредитация қилиш схемаси

Босқичлар	Субъектлар	Талбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Аккредитация олишга талабгорлик қилувчи юридик шахс — Ариза берувчи	Аккредитация олиш учун зарур булган тегишли ҳужжатларни тайёрлайди. Зарур ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани бевосита, олинганлиги тўғрисида билдиришнома олинган ҳолда почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда Миллий аккредитация органига тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кура
2-босқич	Миллий аккредитация органи	1. Аккредитация қилишга тақдим этилган буюртманомани ва ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда: — аккредитация қилиш буйича ишларни бажариш; — ҳужжатлар бут булмаганида уларни пухта ишлаш учун қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади. 2. Экспертиза натижалари буйича хулосани расмийлаштирган ҳолда ҳужжатлар комплектини экспертизадан утказади. 3*. Экспертизанинг натижаси салбий булганда ариза берувчининг аккредитация шартларига номувофиқлиги сабабларини курсатган ҳолда унга ёзма билдиришнома юборади ва аниқланган номувофиқларни бартараф этиш учун 30 кундан ортиқ булмаган муддат беради. 4* Экспертиза натижалари буйича белгиланган номувофиқликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни такроран кўриб чиқади	Ариза берувчининг хоҳишига кура
3-босқич	Миллий аккредитация органи	1. Экспертизанинг ижобий натижалари буйича аккредитация объектини жойнинг узида баҳолаш учун комиссия тузади. 2. Жойнинг узида баҳолайди ва натижалар буйича баҳолаш далолатномасини расмийлаштиради	10 иш куни мобайнида 20 иш кунидан ортиқ булмаган муддатда
4-босқич	Миллий аккредитация органи Ариза берувчи Миллий аккредитация органи	1. Баҳолаш якунлари Аккредитация қилиш кенгашида кўриб чиқилишини таъминлайди. 2. Аккредитация қилиш кенгаши тавсияларини ҳисобга олган ҳолда: — аккредитация тўғрисида; — номувофиқликни бартараф этиш учун белгиланган муддатни бериш тўғрисида қарор қабул қилади. 3*. Аниқланган номувофиқликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни тақдим этади 4*. Номувофиқликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқади ва жойнинг узига чиқиб назорат далолатномасини расмийлаштиради. 5*. Баҳолаш якунлари Аккредитация қилиш кенгашида кўриб чиқилишини таъминлайди. 6*. Аккредитация қилиш кенгаши тавсияларини ҳисобга олган ҳолда: — аккредитация қилиш тўғрисида; — аккредитацияни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади	5 иш куни мобайнида 3 иш куни мобайнида 30 иш куни мобайнида Ҳужжатлар тушган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида
5-босқич	Миллий аккредитация органи	Аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради	3 иш куни мобайнида

а) аккредитация соҳасини белгиловчи аккредитация қилиш сўралаётган синовлар усуллари (ўлчовлар турлари) рўйхати;

б) синов (ўлчов) лабораторияси (метрологик хизмат)нинг паспорти;

в) сифат менежменти тизими тартиб-таомилларидан иборат булган сифат бўйича қўлланмалар.

Юкни ортишдан олдин ва юкни тушириш вақтидаги инспекцияни ўтказувчи инспекция органини аккредитация қилиш учун қуйидагилар илова қилинади:

а) аккредитация соҳасини аниқловчи мувофиқликни баҳолаш объектларини аккредитация қилишнинг сўралаётган объектлари рўйхати;

б) мувофиқликни тасдиқлаш ишларини ва сифат менежменти тизими тартибларидан иборат булган сифат буйича қўлланмалар;

в) ходимлар тўғрисидаги маълумотлар;

г) юкни ортишдан олдин ёки юкни тушириш вақтида ариза берувчи улар билан бирга ишлашни мўлжаллаётган мувофиқликни баҳолаш органлари тўғрисидаги маълумотлар.

Буюртманомани кўриб чиқиш натижалари буйича Миллий аккредитация органи томонидан 3 иш куни мобайнида аккредитация қилиш ишларини ўтказиш ёки ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган тақдирда уларни пухталаштиришга қайтариш тўғрисида қарор қабул қилинади. Акрредитация қилиш ишларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Миллий аккредитация органи тақдим этилган ҳужжатларнинг экспертизадан ўтказилишини таъминлайди. Экспертиза натижалари хулоса билан расмийлаштирилади. Экспертиза натижалари салбий булган тақдирда Миллий аккредитация органи ариза берувчига унинг аккредитация қилиш шартларига номувофиқлиги тўғрисида асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма билдиришнома юборади. Бунда ариза берувчига кўрсатилган номувофиқликларни 20 иш куни мобайнида бартараф этиш ва ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш учун тақдим этиш имконияти берилади.

Экспертизанинг ижобий натижалари бўйича Миллий аккредитация органи буйруқ билан аккредитация қилиш объектининг мувофиқлигини баҳолаш учун сифат буйича эксперт-аудитор бошчилигида комиссияни 10 иш куни мобайнида тузади ва унда комиссиянинг таркиби, ваколати, мақсади, иш санаси, муддати ва жойи кўрсатилади. Объект-

нинг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш ҳамда тақдим этилган ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига ва аккредитация қилишнинг белгиланган шартларига мувофиқлигини, кўрсатилган функцияларни бажаришга қодирлигини баҳолаш комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади. Комиссияни тузишда комиссия таркибига киритиладиган шахсларнинг холисона баҳолашни ўтказиш учун зарур бўладиган лаёқати, билимлари ва кўникмалари ҳисобга олинади.

Комиссия ишининг давом этиши 20 иш кунидан ошмаслиги керак ва иш натижаси далолатнома билан расмийлаштирилади. Ариза берувчи комиссия хулосаларига рози бўлмаган тақдирда рози эмаслиги тўғрисида ёзма эътироз тақдим этиши мумкин, у баҳолаш далолатномасига илова қилинади. Ўтказилган баҳолаш якунлари бўйича Миллий аккредитация органи масаланинг 5 иш куни мобайнида Аккредитация қилиш кенгашида кўриб чиқилишини таъминлайди. Миллий аккредитация органи 3 иш куни мобайнида Аккредитация қилиш кенгашининг тавсиялари асосида аккредитация қилиш тўғрисида ёки ариза берувчига аниқланган номувофиқликни бартараф этиш учун 30 иш кунидан иборат бўлган муддат бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ариза берувчи томонидан номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар белгиланган муддатларда тақдим этилган тақдирда комиссия Миллий аккредитация органининг буйруғи асосида 5 иш кунидан ошмайдиган муддатда камчиликларни бартараф этишнинг ҳолатини ўрганади ва назорат далолатномасини расмийлаштиради. Ўтказилган такрорий баҳолаш якунлари бўйича ҳужжатлар комиссия томонидан тақдим этилгандан кейин масала 5 иш куни мобайнида Аккредитация қилиш кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилади. Аккредитацияни ўтказиш муддати аккредитация қилишга берилган буюртманома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 130 иш кунидан ошмаслиги керак.

Аккредитация қилиш тўғрисидаги қарор ижобий бўлган тақдирда Миллий аккредитация органи ариза берувчига аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани 3 иш куни мобайнида беради.

Учинчи томон ҳисобланадиган синов (ўлчов) лабораторияларига техник жиҳатдан малакалилик ва мустақиллик юзасидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳномалар берила-

ди. Биринчи ёки иккинчи томоннинг синов ва ўлчов лабораторияларига фақат техник жиҳатдан малакалилик учун аккредитация тўғрисидаги гувоҳномалар берилади.

3.18-расм. Аккредитация қилиш жараёни

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилади. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномада ёки унга иловада аккредитация қилинганликнинг соҳаси кўрсатилади. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома 5 йил муддатга берилади.

Аккредитация қилиш объектининг фаолиятини аккредитациянинг белгиланган шартларига мувофиқлик юзасидан инспекция назоратидан ўтказиш Миллий аккредитация органи томонидан амалга оширилади.

Мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитация қилиш соҳасини ўзгартиришлари мумкин. Бунинг учун Миллий аккредитация органига ариза юборадилар.

Аккредитация қилишда белгиланган талабларга мувофиқликни тасдиқлаш мақсадида мувофиқликни баҳолаш органининг ва метрологик хизматнинг фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш Миллий аккредитация органи томо-

нинг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш ҳамда тақдим этилган ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига ва аккредитация қилишнинг белгиланган шартларига мувофиқлигини, кўрсатилган функцияларни бажаришга қодирлигини баҳолаш комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади. Комиссияни тузишда комиссия таркибига киритиладиган шахсларнинг холисона баҳолашни ўтказиш учун зарур бўладиган лаёқати, билимлари ва кўникмалари ҳисобга олинади.

Комиссия ишининг давом этиши 20 иш кунидан ошмаслиги керак ва иш натижаси далолатнома билан расмийлаштирилади. Ариза берувчи комиссия хулосаларига рози бўлмаган тақдирда рози эмаслиги тўғрисида ёзма эътироз тақдим этиши мумкин, у баҳолаш далолатномасига илова қилинади. Ўтказилган баҳолаш якунлари бўйича Миллий аккредитация органи масаланинг 5 иш куни мобайнида Аккредитация қилиш кенгашида кўриб чиқилишини таъминлайди. Миллий аккредитация органи 3 иш куни мобайнида Аккредитация қилиш кенгашининг тавсиялари асосида аккредитация қилиш тўғрисида ёки ариза берувчига аниқланган номувофиқликни бартараф этиш учун 30 иш кунидан иборат бўлган муддат бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ариза берувчи томонидан номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар белгиланган муддатларда тақдим этилган тақдирда комиссия Миллий аккредитация органининг буйруғи асосида 5 иш кунидан ошмайдиган муддатда камчиликларни бартараф этишнинг ҳолатини ўрганади ва назорат далолатномасини расмийлаштиради. Ўтказилган такрорий баҳолаш якунлари бўйича ҳужжатлар комиссия томонидан тақдим этилгандан кейин масала 5 иш куни мобайнида Аккредитация қилиш кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилади. Аккредитацияни ўтказиш муддати аккредитация қилишга берилган буюртманома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 130 иш кунидан ошмаслиги керак.

Аккредитация қилиш тўғрисидаги қарор ижобий бўлган тақдирда Миллий аккредитация органи ариза берувчига аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани 3 иш куни мобайнида беради.

Учинчи томон ҳисобланадиган синов (ўлчов) лабораторияларига техник жиҳатдан малакалилик ва мустақиллик юзасидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳномалар берила-

ди. Биринчи ёки иккинчи томоннинг синов ва улчов лабораторияларига фақат техник жиҳатдан малакалилик учун аккредитация тўғрисидаги гувоҳномалар берилади.



3.18-расм. Аккредитация қилиш жараёни

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилади. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномада ёки унга иловада аккредитация қилинганликнинг соҳаси кўрсатилади. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома 5 йил муддатга берилади.

Аккредитация қилиш объектининг фаолиятини аккредитациянинг белгиланган шартларига мувофиқлик юзасидан инспекция назоратидан ўтказиш Миллий аккредитация органи томонидан амалга оширилади.

Мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитация қилиш соҳасини ўзгартиришлари мумкин. Бунинг учун Миллий аккредитация органига ариза юборадилар.

Аккредитация қилишда белгиланган талабларга мувофиқликни тасдиқлаш мақсадида мувофиқликни баҳолаш органининг ва метрологик хизматнинг фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш Миллий аккредитация органи томо-

нидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг бутун амал қилиш муддати мобайнида, йилига кўпи билан бир марта режа-жадвалига ёки заруратга қараб (аккредитация қилиш шартлари бузилган ҳолда) амалга оширилади. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қўлланиши, сифат менежменти жорий этилган тизимининг самарадорлиги, амалга оширилаётган фаолиятнинг аккредитация қилишнинг тасдиқланган соҳасига мувофиқлиги, сертификатлаштириш, инспекция назорати ва синовлар бўйича бажарилган ишлар маҳсулотлар, хизматлар, ходимларни ҳамда менежмент тизимларини ва инспекция органларини сертификатлаштириш органлари фаолиятининг инспекция назоратини ўтказиш объектлари ҳисобланади.

Инспекция назоратини ўтказиш муддати мувофиқликни баҳолаш органи ва 20 иш кунидан ошмаслиги керак. Комиссияни сифат бўйича эксперт-аудитор бошқаради.

Маҳсулотлар, хизматлар, ходимлар, менежмент тизимларини ва инспекция органини сертификатлаштириш бўйича органлар фаолиятининг инспекция назоратини режали ўтказишда қуйидагилар текширилади:

а) уларнинг мустақиллиги ва аккредитация шартларининг бажарилиши;

б) аккредитация қилинган синов лабораториялари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш (зарур бўлган тақдирда);

в) мувофиқликни баҳолашнинг ўтказилган ишлари бўйича тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги ва мувофиқлиги (буюртманомалар, мувофиқлик сертификатларининг нусхалари, синовлар дастурлари, синовлар протоколлари, ишлаб чиқаришларни текшириш далолатномалари ва бошқалар);

г) мувофиқликни баҳолаш бўйича қарорлар қабул қилишнинг асосланганлиги;

д) мувофиқликни баҳолаш бўйича ишларнинг натижалари ҳисобини юритиш ва рўйхатдан ўтказиш;

е) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳисобга олиш ва кўриб чиқиш;

ж) техник жиҳатдан тартибга солишга доир тегишли норматив ҳужжатлар билан таъминланганлик, уларнинг амал қилиш муддатлари, уларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритилганлиги;

з) олинган мувофиқлик сертификатларини ва мувофиқлик белгисини қўллашда бузилишларга йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўллаш ҳолатлари;

и) ходимларнинг лаёқатлилиги ва малакасининг бажариладиган функцияларга мувофиқлиги, сертификатлаштириш органининг ходимлар малакасини ошириш ва уларни аттестациялан ўтказиш бўйича фаолияти, лавозим йўриқномаларининг мавжудлиги ва муҳимлиги;

к) сертификатлаштиришга ариза берувчиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш;

л) улар бўйича қатъий ҳисобот бериладиган бланкаларнинг ҳисоби.

Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ ўтказиладиган синов ва ўлчов лабораториялари ҳамда метрологик хизмат фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш вақтида қуйидагилар текширилади:

а) синов ва ўлчов лабораторияларининг, шунингдек метрологик хизматнинг мустақиллиги;

б) синовлар, текширишлар, ўлчаш ва метрологик аттестация протоколларининг ва сертификатларининг мавжудлиги, тўлиқлиги ва уларни тақдим этиш ҳамда расмийлаштиришнинг тўғрилиги, шунингдек уларни ҳисобга олиш ва сақлаш тизими;

в) ўлчов ва синов воситаларининг мақбул даражадаги синовларини, текширишларни, ўлчовларни ҳамда метрологик аттестациядан ўтказишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар;

г) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳисобга олиш ва кўриб чиқиш;

д) техник жиҳатдан тартибга солишга доир тегишли норматив ҳужжатлар билан таъминланганлик, уларнинг амал қилиш муддатлари, уларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритилганлиги;

е) ходимларнинг лаёқатлилиги ва малакасининг бажариладиган функцияларга мувофиқлиги, ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш бўйича сертификатлаштириш органининг фаолияти лавозим, йўриқномаларининг мавжудлиги ва долзарблиги;

ж) синовлар (ўлчовлар), текширишлар, метрологик аттестацияни ўтказиш хоналари ва шартларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги;

з) синов ва ўлчов воситалари ва бошқа техник воситалар, шунингдек давлат стандарти намуналари, бошқа тои-

фалардаги стандарт намуналари, аттестациядан ўтказилган аралашмалар билан таъминланганлик, уларнинг ўз вақтида текшириб кўрилганлиги;

и) синовлар ва ўлчовларни, текширишларни, шунингдек сифат менежменти тизими тартиб-таомилларини регламентловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

к) бошқа синов ва ўлчов лабораториялари (марказлари) ва метрологик хизматлар, маҳсулотлар. хизматлар, ходимларни, менежмент тизимларини сертификатлаштириш органлари ва инспекция органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш;

л) улар юзасидан қатъий ҳисобот бериладиган бланкаларни ҳисобга олиш;

м) лабораториялараро таққослашларнинг натижалари.

Инспекция назорати натижаси бўйича тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва Миллий идорага тақдим этилади. Миллий аккредитация органи инспекция назорати бўйича натижалар комиссия томонидан тақдим этилгандан кейин 5 иш куни мобайнида Кенгашда масаланинг кўриб



3.19-расм. Инспекция назорати ўтказиш жараёни

чиқилишини таъминлайди. Миллий аккредитация органи 5 иш куни мобайнида Кенгашнинг тавсияларини инобатга олган ҳолда аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш, унинг амал қилишини тухтатиб туриш ва тўхтатиш, шунингдек аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани белгиланган тартибда бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Назорат саволлари:

1) Узбекистонда мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитлаш тартиби қандай ҳужжатда белгиланган?

2) Аккредитация қилиш қандай босқичларда амалга оширилади?

3) Аккредитация қилиш органига даъвогар томонидан қандай ҳужжатлар берилади?

4) Аккредитация қилиш органига берилган ҳужжатлар нима мақсадда экспертиза қилинади?

5) Аккредитация қилиш объектининг мувофиқлигини баҳолаш учун комиссияга ким бошчилик қилади?

6) Аккредитацияга даъвогарга нисбатан Аккредитация қилиш органи томонидан қандай қарорлар қабул қилиниши мумкин?

7) Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Мувофиқликни баҳолаш органларининг Давлат реестрида руйхатдан ўтказилиши керакми?

8) Мувофиқликни баҳолаш органларининг Давлат реестрини ким юритади?

9) Аккредитация қилиш объектининг фаолиятини аккредитациянинг белгиланган шартларига мувофиқлигини баҳолаш учун қандай тадбир амалга оирилади?

10) Мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитация қилиш соҳасини ўзгартиришлари мумкинми?

11) Сертификатлаштириш буйича органлар фаолиятининг инспекция назоратини ўтказишда нималар текширилади?

12) Синов ва ўлчов лабораториялари ҳамда метрологик хизмат фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш вақтида нималар текширилади?

13) Инспекция назорати натижаси буйича қандай ҳужжат расмийлаштирилади?

14) Миллий аккредитация органи Кенгашнинг тавсияларини инобатга олган ҳолда қандай қарорлар қабул қилади?

фалардаги стандарт намуналари, аттестациядан ўтказилган аралашмалар билан таъминланганлик, уларнинг ўз вақтида текшириб кўрилганлиги;

и) синовлар ва ўлчовларни, текширишларни, шунингдек сифат менежменти тизими тартиб-таомилларини регламентловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

к) бошқа синов ва ўлчов лабораториялари (марказлари) ва метрологик хизматлар, маҳсулотлар, хизматлар, ходимларни, менежмент тизимларини сертификатлаштириш органлари ва инспекция органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш;

л) улар юзасидан қатъий ҳисобот бериладиган бланкаларни ҳисобга олиш;

м) лабораториялараро таққослашларнинг натижалари.

Инспекция назорати натижаси бўйича тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва Миллий идорага тақдим этилади. Миллий аккредитация органи инспекция назорати бўйича натижалар комиссия томонидан тақдим этилгандан кейин 5 иш куни мобайнида Кенгашда масаланинг кўриб

3.19-расм. Инспекция назорати ўтказиш жараёни

чиқилишини таъминлайди. Миллий аккредитация органи 5 иш куни мобайнида Кенгашнинг тавсияларини инобатга олган ҳолда аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, шунингдек аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани белгиланган тартибда бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистонда мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитлаш тартиби қандай ҳужжатда белгиланган?

2) Аккредитация қилиш қандай босқичларда амалга оширилади?

3) Аккредитация қилиш органига даъвогар томонидан қандай ҳужжатлар берилади?

4) Аккредитация қилиш органига берилган ҳужжатлар нима мақсадда экспертиза қилинади?

5) Аккредитация қилиш объектининг мувофиқлигини баҳолаш учун комиссияга ким бошчилик қилади?

6) Аккредитацияга даъвогарга нисбатан Аккредитация қилиш органи томонидан қандай қарорлар қабул қилиниши мумкин?

7) Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Мувофиқликни баҳолаш органларининг Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилиши керакми?

8) Мувофиқликни баҳолаш органларининг Давлат реестрини ким юритади?

9) Аккредитация қилиш объектининг фаолиятини аккредитациянинг белгиланган шартларига мувофиқлигини баҳолаш учун қандай тадбир амалга оирилади?

10) Мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитация қилиш соҳасини ўзгартиришлари мумкинми?

11) Сертификатлаштириш буйича органлар фаолиятининг инспекция назоратини ўтказишда нималар текширилади?

12) Синов ва ўлчов лабораториялари ҳамда метрологик хизмат фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш вақтида нималар текширилади?

13) Инспекция назорати натижаси буйича қандай ҳужжат расмийлаштирилади?

14) Миллий аккредитация органи Кенгашнинг тавсияларини инобатга олган ҳолда қандай қарорлар қабул қилади?

3.3. Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизимининг меъёрий ва ташкилий асослари

Ўзбекистон аккредитлаштириш тизими стандартлаштириш бўйича халқаро миллий тизимларнинг 16-гуруҳига киритилган.

Ўз АТ меъёрий асослари сифатида тизим доирасида ишлаб чиқилган асос булувчи меъёрий ҳужжатлар ва бошқа тизимларга тегишли меъёрий ҳужжатлар хизмат қилади.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 16.0:2006 «Ўз АТ. Асосий қоидалар»да Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизимини ташкил этишнинг асосий қоидалари белгиланган. Унга кура, аккредитлашнинг асосий вазифаси МҲлар талабларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятларини қонунийлигини расмий тан олишни тасдиқлашдир.

Ўз АТ қуйидаги асосий принциплар асосида фаолият кўрсатади:

— тизимни миллий даражада тан олиниши;

— уз қоидалари ва процедураларига эга булиши;

— аккредитлаш объектларининг фаолият кўрсатиш масалалари буйича тизимнинг ривожланиши ва халқаро ҳамда чет эл аккредитлаш тизимлари билан муносабатларни ривожлантириш;

— барча юридик ва жисмоний шахсларнинг тизим доирасида иштирок этиши учун очиқлиги;

— тизим аъзоларининг компетентлилиги унда иштирок этувчи ходимларнинг етарли малакаси, ваколати ва техник воситалар билан таъминланади;

— аккредитлаш процедуралари ва натижаларининг объективлиги, тизим доирасида дискриминация ва нотўғри ёндашувга йул қўйилмаслиги;

— аккредитлаш натижалари бирор-бир юридик ва жисмоний шахсларнинг таъсири булмаслиги;

— тизимда раҳбарлар ушбу принципларга риоя қилиши ва қарор қабул қилишда холислиги буйича масъулияти;

— тизим тузилмаси самарадорлиги ва ҳаражатларнинг минимал булиши;

— аккредитлаш объектларининг тижорат сирларига тегишли маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

— аккредитлашнинг барча иштирокчилари учун текшириш ва баҳолаш усулларининг мақбуллиги ва ошкоралиги.

Давлат томонидан бошқариладиган соҳаларда фаолият курса тувчи объектларни аккредитлаш мажбурий хисобланади.

Халқаро аккредитлаш тизимлари билан Ўз АТ келишув лар орқали ўзаро муносабатларни ташкил этади.

Ўз АТнинг объектлари қуйидагилардан иборатдир:

— маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш идоралари;

— синов лабораториялари;

— қиёслаш ва калибрлаш лабораториялари:

— сифат тизимларини сертификатлаштириш идоралари;

— текширув (назорат) идоралари;

— мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходимлар.

Аккредитлаш тизимининг самарали фаолияти унинг ташкилий тузилмасининг такомиллигига боғлиқдир.

Ўзбекистон аккредитлаш тизимининг ташкилий тузилмаси 3.20-расмда келтирилган.



3.20-расм. Ўзбекистон аккредитлаш тизимининг ташкилий тузилмаси

Тизимга қуйидагилар киради:
Уз АТ Миллий идораси — Аккредитация маркази;
Аккредитлаш Кенгаши,
Апелляция Кенгаши;
Тизим услубий маркази;
Аккредитлаш объектлари.

Амалдаги қонунчиликда белгиланганига кура, Ўз АТ Миллий идора томонидан бошқарилади. Аккредитлаш буйича Миллий идоранинг ваколатлари амалдаги қонунчиликда белгиланган.

Аккредитлаш Кенгаши давлат бошқарув идоралари, аккредитлаш объектлари, илмий-тадқиқот муассасалари, тадбиркорлар ва исеъмолчилар жамиятлари вакилларидан бошқа соҳалар мутахассисларидан ташкил топади.

Аккредитлаш Кенгаши мувофиқликни баҳолаш билан шуғулланишга даъвогарлар фаолиятини ўрганиш ҳамда аккредитланган мувофиқликни баҳолаш субъектлари фаолияти устидан ўтказилган инспекцион текширувлар натижалари буйича материалларни кўриб чиқади ва тегишли қарорларни қабул қилади. Кенгашнинг ваколати доирасида қабул қилган қарорлари тизимнинг барча иштироқчилари учун мажбурийдир.

Тизим фаолияти доирасида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун Апелляция Кенгаши ташкил этилади. Апелляция Кенгаши ишида Аккредитлаш Кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин эмас.

Халқаро ҳужжатларда аккредитлаш тизимига талаблар белгиланган. Миллий тизимни халқаро даражада тан олинишининг муҳим томонларидан бири — халқаро ҳужжатларни миллий даражада жорий этилишидир. Шунга боғлиқ равишда Ўзбекистонда ИСОнинг мувофиқликни баҳолашга тегишли бир неча МҲлари давлат стандарти сифатида қабул қилинган. O'z DSt ISO/IEC 17011:2009 «Мувофиқликни баҳолаш. Мувофиқликни баҳолаш буйича идораларни аккредитлаш бўйича идораларга умумий талаблар» давлат стандарти миллий тизимни халқаро талабларга уйғунлаштиришга хизмат қилади. Стандартда аккредитлаш идорасига талаблар белгиланган бўлиб, унда Аккредитлаш идораси юридик шахс бўлиши кераклиги, тузилмасига талаблар, фаолиятида беғаразлик, конфеденциаллик таъминлаш, мажбуриятлари, мо-

лиялаштирилиши, идора фаолияти буйича талаблар белгиланган.

Халқаро талаблар (ISO/IEC 17011)га кура, Аккредитлаш идорасининг тузилмаси ва фаолияти унинг ишига ишонч уйғотиши, керакли ваколатларга эга булиши, масъулияти белгиланган булиши керак. Унинг фаолияти шундай ташкил этилиши керакки, унда объективлик ва бегаразлик таъминланиши керак, дискриминация йул қўйилмаслиги керак. Бунинг учун аккредитлаш идорасининг тузилмаси ва фаолияти тамойиллари ҳужжатлаштирилган ҳамда мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга булиши керак. Аккредитлаш идораси тизим иштирокчилари билан ҳеч қандай тижорат ёки бошқа молиявий манфаатдорлик муносабатлари билан боғлиқ булмаслиги керак.

Тизим доирасида аккредитлаш объектларига тегишли маълумотларнинг, хусусан тижорат сирларининг ҳимояси (махфийлиги) таъминланиши керак.

Аккредитлаш идораси фаолиятининг аниқ молиялаштириш манбаалари булиши ва улар бегаразлик принципига қаршилик курсатмаслиги керак.

Аккредитлаш идораси фаолияти ҳуқуқий асосга эга булган тегишли МҲларга мувофиқ, ошкоралик асосида ташкил этилиши керак.

Аккредитлаш идораси узида сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиши, жорий қилиши ва уни доимо актуаллаштириб бориши керак.

Аккредитлаш идораси самарали фаолият кўрсатиши учун керакли малакали, тажрибали ва маълумотли ходимлари, техник воситалари булиши керак.

Ўз АТ доирасида мувофиқликни баҳолаш идораларини аккредитлаш буйича бир неча давлат стандартлари ишлаб чиқилган. Булар қаторида O'z DSt 16.3:2001* «Ўз АТ. Стандарт намуналарни ишлаб чиқиш, аттестатлаш ва сотиш ҳуқуқига юридик шахсларни аккредитлаш. Ташкил этиш ва ўтказиш тартиби», O'z DSt 16.5:2001* «Ўз АТ. Ўлчашларини бажариш услубиятларни аттестациялаш ва ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш ҳуқуқига юридик ва жисмоний шахсларни аккредитлаш. Ташкил этиш ва ўтказиш тартиби», O'z DSt 16.6:2003 «Ўз АТ. Ўлчашларини бажариш услубиятларни текширишни ташкил этиш ҳуқуқига юридик шахсларни аккредитлаш. Ташкил этиш

ва утказиш тартиби» давлат стандартларини келтириш мумкин.

Давлат стандарти O'z DSt 16.10:2009* (ISO/IEC 65:1996) «Ўз АТ. Маҳсулотларни сертификатлаштириш идораларига умумий талаблар» маҳсулотни сертификатлаштириш тизимида фаолият юритадиган учинчи томон, агар у компетентли ва ишончли деб тан олинишни истаса, мувофиқ бўлиши лозим булган умумий талабларни белгилайди. Сертификатлаштириш идорасининг тузилмаси унинг фаолиятига нисбатан ишонч туғилишига имкон яратиши керак. Сертификатлаштириш идораси, хусусан қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

— беғараз бўлиши керак;

— сертификатни бериш, уни амалини тасдиқлаш, тухтатиш ва бекор қилишга тегишли ўзининг қарорларига жавоб бериши керак;

— фаолият натижаларига жавобгарликни ўз зиммасига олган раҳбарни белгилаш;

— юридик шахс эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши;

— унинг ҳаракатларининг беғаразлигини кафолатловчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилган тузилмага эга бўлиши;

— сертификатлаштириш соҳасидаги унинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиши;

— ваколати доирасидаги ишларни бажариш учун етарли ва талаб даражасидаги ходимлар, техник воситалар ва самарали сифат тизимига эга бўлиши;

— фаолияти доирасидаги ишларнинг ҳужжатлаштирилган бўлиши;

— замонавий ахборот алмашиш воситаларига эга бўлиши керак.

Ўз АТ меъёрий базасининг халқаро талабларга уйғунлаштирилганлигининг ҳозирги ҳолати 3.21-расмда келтирилган.



3.21-расм. Ўз АТ меъёрий базасининг халқаро талаблар уйғунлаштирилганлиги

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан Ўз АТ меъёрий база сини такомиллаштириш ва ривожлантириш, уларни халқар талаблар билан уйғунлаштириш билан бирга олиб борилади

Аккредитлаш объектларига талаблар мувофиқликни баҳолаш нинг МҲларида белгиланган. Ўзбекистонда бу соҳадаги халқ аро ИСО/МЭК ҳужжатлари давлат стандартлари сифатида қабу

қилинган. Масалан, O'z DSt ISO/IEC 17020:2009 «Турли текширув идоралари ишининг умумий критерийлари (ISO/IEC 17020:1998, IDT)», O'z DSt ISO/IEC 17021:2009 «Мувофиқликни баҳолаш. Сифат менежментини аудит қилиш ва сертификатлаштириш идораларига талаблар (ISO/IEC 17021:2006, IDT)», O'z DSt ISO/IEC 17024:2009 «Мувофиқликни баҳолаш. Персонални сертификатлаштириш идораларига умумий талаблар», O'z DSt ISO/IEC 17025:2007 «Синов ва калибрлаш лабораториялари компетентлилига умумий талаблар (ISO/IEC 17025, IDT)», O'z DSt ISO/IEC 17065:2007 «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш идораларига қўйилган умумий талаблар (ISO/IEC 17065, IDT)"давлат стандартлари Ўз АТ фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон аккредитлаштириш тизими меъёрий асосларини қандай ҳужжатлар ташкил этади?

2) Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизимини ташкил этишнинг асосий қоидалари қайси ҳужжатда белгиланган?

3) Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизими қайси асосий принциплар асосида фаолият кўрсатади?

4) Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизимининг объектлари нималардан иборатдир?

5) Ўзбекистон аккредитлаш тизимининг ташкилий тузилмасига нималар киради?

6) Ўзбекистон аккредитлаш тизими ким томонидан бошқарилади?

7) Ўзбекистон аккредитлаш тизими фаолияти доирасида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликларни ким кўриб чиқади?

8) Аккредитлаш идораси ўзида сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиши, жорий қилиши ва уни доимо актуаллаштириб бориши мажбурийми?

9) Аккредитлаш доирасида мувофиқликни баҳолаш идораларини аккредитлаш буйича қандай давлат стандартлари ишлаб чиқилган?

10) Сертификатлаштириш идораси қандай талабларга жавоб бериши керак?

11) Аккредитлаш объектларига талаблар қайси тизим МҲларида белгиланган?

12) Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизимининг меъёрий базасининг халқаро талабларга уйғунлаштирилганлиги қандай даражада?

4-боб. Мувофиқлик белгилари

4.1 Мувофиқлик белгиларини қўлланиш амалиёти

Халқаро, регионал ва миллий стандартлаштириш, улчашлар бирлилигини таъминлаш ва мувофиқликни баҳолаш тизимлари доирасида уларга мувофиқликни тасдиқлаш белгилари қўлланилади.

ИСОнинг расмий қабул қилинган белгиси бўлиб (3.22-расм), бу белгини фақат ИСО рухсати билан қўллаш мумкин.

3.22-расм. ИСО расмий белгиси

Ушбу белги ИСОнинг стандартлари, ташкилотга тегишли расмий ҳужжатлар (ҳисоботлар, маърузалар, қўлланмалар, каталоглар)да мувофиқликни тасдиқлаш мақсадида қўлланилади.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгашнинг томонидан ҳам расмий белгиси қўлланилади. Бу белги қуйидаги (3.23-расм) кўринишга эга:

Межгосударственный
совет
по стандартизации,
метрологии и сертификации

3.23-расм. Давлатлараро кенгашнинг расмий белгиси

Бу белги давлатлараро кенгашнинг фаолиятига тегишли расмий ҳужжатлар (МҲлар, ҳисоботлар. ёзишмалар, баённомалар ва ҳ.к.)да қўлланилади.

ЕИнинг стандартлаштириш буйича ташкилотининг 768/2008/ЕС қарорига кўра, СЕНнинг 3.24-расмдаги кўринишидаги мувофиқликни тасдиқлаш белгиси қўлланилади.

3.24-расм. СЕНнинг расмий белгиси

Бу белги СЕНнинг расмий ҳужжатларига ва евродирективалар ҳамда евронормаларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида маҳсулотлар, уларнинг ёрлиқлари, урамаларига қўйилади.

4.2 Ўзбекистонда мувофиқлик белгилари қўлланиши

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунида давлат тилининг расмий ижроси лотин алифбосида берилиши кўрсатилган.

Стандартлаштириш буйича тармоқлараро тизимларда лотин алифбосига асосланган давлат ва рус тилларидаги қуйидаги қисқартмалар қабул қилинган:

— ГОСТ — давлатлараро стандарт (межгосударственный стандарт);

O'zDSt — O'zbekiston davlat standarti (государственный стандарт Узбекистана);

Ts — tashkilot standarti (стандарт организаций);

RH — rahbariy hujjat (руководящий документ);

O'zDT — O'zbekiston davlat tasniflagichi (общегосударственный классификатор);

TT — tarmoq tasniflagichi (отраслевой классификатор);

T — tavsiyanoma (рекомендации);

O'z StT — O'zbekiston standartlashtirish tizimi (СС Уз — система стандартизации Узбекистана);

KHT — konstruktorlik hujjatlarining yagona tizimi — (ЕСКД — единая система конструкторской документации);

THT — texnologik hujjatlarning yagona tizimi — (ЕСТД — единая система технологической документации);

MST — mahsulotni sinash tizimi (система испытаний продукции),

MSKT — mahsulot sifati ko'rsatkichlarining tizimi — (СКПК — система показателей качества продукции);

O'zSMT — O'zbekiston sertifikatlashtirish milliy tizimi — (НСС Уз — национальная система сертификации Узбекистана);

HBT — hujjatlarni birxillashtirish tizimi — (УСД — унифицированная система документов);

NKAT — nashriyot, kutubxona va axborot ishlari bo'yicha standartlar tizimi — (СИБИД — система стандартов по информации библиотечному и издательскому делу);

O'zODT — O'zbekiston o'lchashlar birliligini ta'minlash davlat tizimi — (ГСИ Уз — государственная система обеспечения единства измерений Узбекистана);

MMHT mahsulotni va materiallarni eskirishdan va yemirilishdan himoyalash yagona tizimi — (УСЗКС — единая система защиты от коррозии и строения материалов и изделий);

MHSiT — mehnat xavfsizligi, sanoat sanitariyasi va gigiyenasi, mehnatni ilmiy tashkil qilish standartlari tizimi — (ССБТ — система стандартов научной организации труда, промышленной санитарии и гигиены, безопасности труда);

ITTT — ishlab chigarishni texnologik tayyorlashning yagona tizimi — (ЕСТПП — единая система технологической подготовки производства);

PHT — programmalash hujjatlarining yagona tizimi — (ЕСПД — единая система программной документации);

QLHT — qurilish uchun loyiha hujjatlari yagona tizimi — (СПДС — система проектной документации для строительства).

TP — texnika pustaligi — (НТ — надежность техники);

MyaT — mahsulotni yaratish va ishlab chiqarishni tashkil qilish tizimi — (СРПП Уз — система разработки и постановки продукции на производство);

O'zAT — O'zbekiston akkreditlash tizimi — (СА — система аккредитации Узбекистана);

ST — sifat tizimi — (СК — система качества);

TKT — texnik-iqtisodiy va ijtimoiy axborot — единая система классификации и кодирования технико-экономической и социальной информации).

3.3-жадвал

Мувофиқлик белгиларининг кўриниши

Мувофиқлик белгиси номи	Белгининг бажарилиши		Белгилар кўрсатилган МҲлар
	Гўғри бўялган	Ранги алмаштириб бўялган	
«Ўзбекистон стандартлаштириш тизими» белгиси			O‘zDSt 1.0
«Улчашлар воситалари давлат реестри" белгиси			O‘zDSt 8.001 O‘zDSt 8.004 O‘zDSt 8.009 O‘z RH 51-019
«Ўлчашларни бажариш услубиятлари давлат реестри» белгиси			O‘zDSt 8.016 O‘z RH 51-089
Ўзбекистон Республикаси ўлчашлар воситаларини калибрлаш тизими белгиси			РСТ Уз 8.018
Миллий мувофиқлик белгиси			O‘zDSt 5.0
Ўзбекистон Республикаси аккредитатлаш тизими белгиси			O‘zDSt 16.0
«Ўзстандарт» агентлиги белгиси			

Ўзбекистон Республикасида ҳудудида қўлланиладиган, маҳсулотлар ёрлиқларига ва маҳсулотлар, хизматлар, сифат тизимлари ҳужжатларига қўйиладиган, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича миллий идора («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан тасдиқланган мувофиқлигини тасдиқлаш белгиларини кўриниши, уларни қўллаш тартиби O‘z DSt 1.19, O‘z DSt 5.8, бошқа МҲларда берилган. O‘z DSt 1.19да келтирилган 3.3-жадвалда

мувофиқликни тасдиқлашнинг расмий белгиларининг кўринишини беришган. Бу белгиларнинг қўлланиши мажбурийдир.

Ушбу белгилар қуйидаги ҳолларда қўлланилиши O'z DSt 1.19:2000*да белгиланган:

— ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ўз маҳсулотларини тамғаланда;

— четдан келтирилган молларни ва уларнинг ҳужжатларини тамғаланда;

— маҳсулотлар, хизматлар, сифат тизимлари, персонални сертификатлаштиришда СИлари томонидан;

— синовлар ва ўлчашлар утказувчи лабораторияларни, СИлари, назорат идораларини аккредитатлашда аккредитация идораси томонидан;

— давлат метрологик контроли доирасидаги йўналишларда фаолият кўрсатувчи идоралар томонидан;

— давлат реестрларини юргизувчи идоралар томонидан;

— «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан расмий ҳужжатларда.

Мувофиқликни тасдиқлаш белгилари маҳсулотлар (хизматлар, сифат тизимлари, персоналлар, СИ, СЛ, НИ)ни ва ҳужжатларини амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ идентификация қилиш мақсадида қўлланилади ва тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари (ЎзСТ, УзСМТ ва бошқалар)нинг асос бўлувчи МҲлари билан белгиланади.

3.3-жадвалда келтирилган белгилар ташқи давраси O'z qo'shimcha (O'zbekiston) сидан олинган бўлиб, белгиларнинг Ўзбекистон Республикасига тегишлилигини билдиради.

Назорат саволлари:

1) Ўзбекистон Республикасининг қайси Қонунида давлат тилининг расмий ижроси лотин алифбосида берилиши кўрсатилган?

2) Стандартлаштириш бўйича тармоқлараро тизимларда лотин алифбосига асосланган қандай қисқартмалар қабул қилинган?

3) ИСОнинг расмий қабул қилинган белгиси қандай?

4) Европа Иттифоқининг расмий қабул қилинган белгиси қандай?

5) Евронормаларга мувофиқлигини тасдиқлаш белгилари нималарга қўйилади?

6) Мувофиқликни тасдиқлашнинг расмий белгилари қандай ҳолларда қўлланилиши белгиланган?

4.3 Ўзбекистонда мувофиқликни баҳолаш тизими белгиларини қуллаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» Қонунига кура, маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқлангани тақдирда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификати беради, тайёрловчи ана шу сертификат асосида мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқига эга булади. **Мувофиқлик белгиси** — муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белгидир.

Миллий мувофиқлик белгисининг шакллари ва ҳажмлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланади.

Мувофиқлик белгилари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда Давлат реестридан утказилиши шарт. Давлат реестрида рўйхатдан утказилмаган мувофиқлик белгилари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Маҳсулотлар сертификатлаштирилаётганда аризачига мувофиқлик белгисини қуллаш ҳуқуқи мувофиқлик сертификатини берган аккредитация қилинган тегишли сертификатлаштириш органи билан тузилган битим асосида берилади.

«Ўзстандарт» агентлиги тайёрловчиларни (ижрочиларни), сотувчиларни, истеъмолчиларни ва бошқа манфаатдор шахсларни мувофиқлик белгилари ва уларни қуллаш қоидалари тўғрисида хабардор этиб боради.

Мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини аризачи бошқа юридик ёки жисмоний шахсга бериши ман этилади. Қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш ман этилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим булган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар (шартномалар) шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак. Миллий мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг «Ўзстандарт» агентлиги томонидан эътироф этилган мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб

берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка тааллуқли божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилади ва улар маҳсулотни республика ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида» Қонунига асосан Миллий аккредитация тизими ўз белгисига эга бўлиши, ушбу белги уни қўлловчи мувофиқликни баҳолаш органи Миллий аккредитация органи томонидан аккредитация қилинганлигини билдириши кўрсатилган. Мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани олиш билан бир вақтда мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддатида Миллий аккредитация тизими белгисини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Миллий аккредитация тизими белгисининг шакли ва уни қўллаш тартиби Миллий аккредитация органи томонидан белгиланади. Мазкур белгини қўллаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пулли асосда амалга оширилади.

Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 5.8:2006 (ISO/EIC 17030:2003) «Ўз СМТ. Мувофиқликни тасдиқлаш белгиси. Қўлланиш қоидалари»да Миллий тизим доирасида қабул қилинган мувофиқликни тасдиқлаш белгисининг қўлланилиш қоидалари келтирилган.

Мувофиқликни белгисини қўллашга юридик ҳуқуқга эга бўлган шахс ёки ташкилот мувофиқлик белгисининг эгаси ҳисобланади.

Мувофиқлигини белгисининг тўғри қўлланилишига ва керакли даражада ҳимояланган бўлишига **мувофиқлик белгисининг эгаси** масъул ҳисобланади.

Бунинг учун у қуйидаги чораларни кўриши керак:

— мувофиқлик белгисини қўллаш қоидаларини ўрнатиши;

— мувофиқлик белгиси, уни қўллаш усуллари ва унга алоқадор ҳужжатлар чалкашликка сабаб бўлмаслиги керак;

— мувофиқлик белгисини ҳимоя қилиш (хусусан, қалбакилаштиришдан) ва ундан фойдаланишни назорат қилиш чораларини кўриш;

— мувофиқлик белгисидан ноқонуний фойдаланилган тақдирда тегишли чораларини кўриш;

— мувофиқлик белгисидан нотўғри ва ноқонуний фойдаланилган ҳолатлар бўйича маълумотлар ҳисобини юритиш.

Мувофиқлик белгиси қўлланилган ҳужжатлар (ёрлиқ, юк хати)да мувофиқлиги тасдиқланаётган объектга тегишли

МҲга ҳавола берилиши керак. Мувофиқлик белгиси ҳар бир маҳсулотга, унинг ёрлиғига, юк хатига қўйилиши керак.

Мувофиқлик белгисини қўллаш Ўзбекистон Миллий аккредитлаш ва сертификатлаш тизимларида белгиланган қоидалар (сертификатлаш схемалари, аккредитлаш талаблари) асосида ва мувофиқликни баҳолашнинг тегишли процедуралари бажарилганда амалга оширилади. Бундай процедуралар қаторига объектни идентификация қилиш, синаш, баҳолаш, аудитини ўтказиш, инспекцион текширув ўтказиш, мувофиқликни тасдиқлаш ҳужжатлари (мувофиқлик сертификати, декларацияси, аккредитлаш гувоҳномаси)ни расмийлаштириш, мувофиқлик белгисини қўллаш бўйича шарномани тузиш киради.

Мувофиқлик белгисининг эгаси, мувофиқликни баҳолаш идоралари мувофиқлик белгисини қўллаш рухсат этилган объектлар реестрини олиб боришлари ва у ҳақда манфаатдор томонларга ахборот бериб боришлари керак.

Ўзбекистон Миллий сертификатлаш тизимида қабул қилинган мувофиқлик белгиси маҳсулотни, хизматларга ҳужжатларни, ходим (персонал) квалификациясини тасдиқловчи ҳужжатга, сифат тизими сертификатини ёрлиқлашда қўлланилади.

Ўзбекистон Миллий аккредитлаш тизимида қабул қилинган мувофиқлик белгиси мувофиқликни баҳолаш идораларининг аккредитлаш статусини белгилашда қўлланилади.

Ўзбекистон Миллий аккредитлаш тизимига тегишлиликни кўрсатиш учун «MAI» белгиси қўйилади. Қуйида бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи шартли белгилари келтирилган.

Сертификатлаштирилган маҳсулотга, хизматга мувофиқлик белгиси билан бирга, мувофиқлик белгисининг эгаси хоҳишига кўра, сертификатлаштириш идорасининг махсус коди қўйилиши мумкин. Код қуйидагича белгиланади:

А УУУ, бунда А — бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи шартли белгиси;

УУУ — сертификатлаштириш идорасининг Давлат реестрига киритилган аккредитлаш гувоҳномасининг уч рақамли номери.

Ўзбекистонда мувофиқлик белгиларининг чизмасини бажарилиши давлат стандарти O'z DSt 1.19:2000* «Ўз СтТ. Мувофиқликни тасдиқлаш белгилари. Кўриниши, чизмаси, асосий ўлчамлари»да келтирилган ҳолда амалга оширилади.

Бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи шартли белгилари

Белги	Шартли суз	Бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи
U	Uskuna	Машинасозлик комплекси ва ишлаб чиқариш-техник маҳсулотлар
E	Elektr	Электротехника, электрон ва асбобсозлик маҳсулоти
T	Tibbiy	Тиббиёт техникаси ва дори воситалари
O	Oziq-ovqat	Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва нон маҳсулотлари
Ye	Yengil	Енгил саноат ва маданий-маиший моллар
O	Qurilish	Хомашё саноати ва қурилиш моллари ва маҳсулотлари
Sh	Shaxsiy	Шахсий ҳимоя воситалари
I	Idish	Идиш-товоқлар
P	Pirotexnika	Пиротехника буюмлари
X	Xizmat	Хизматлар
ST	Sifat tizimlari	Сифат менежменти тизимлари

Назорат саволлари:

1) Мувофиқлик белгиси нима?

2) Миллий мувофиқлик белгисининг шакллари ва ҳажмлари ким томонидан тасдиқланади?

3) Мувофиқлик белгиларининг Давлат реестри юритиладими?

4) Четдан келтирилаётган маҳсулотлар учун мувофиқлик белгиси талаб этиладими?

5) Мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқи ким томонидан берилади?

6) Ким мувофиқлик белгисининг эгаси ҳисобланади?

7) Мувофиқлик белгисининг эгаси нималарни таъминлаши керак?

8) Мувофиқлик белгиси билан қандай тайёрланади?

9) Мувофиқлик белгиси билан бирга сертификатлаштириш идорасининг махсус коди нима мақсадда қўйилади?

10) Ўзбекистонда қандай мувофиқлик белгилари қўлланилади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдувалиев А.А. , Авакян П.Г., Алимов М.Н, Гольцов В.Ф., Миразамов М.М., Сабиров М.З., Садыков А.Б.. Основы стандартизации, сертификации, метрологии и управление качеством продукции. Учебное пособие. — Ташкент: Ташкентский государственный технический универси-тет, 2002. — 287 с.

2. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н , Бойко С.Ф., Миразамов М.М., Сабиров М.З. Основы стандартизации, сертификации и управление качеством. — Ташкент: Fan va tehnologiya, 2005. — 534 с.

3. Абдувалиев А.А., Авакян П.Г., Садыков А.Б., Умаров А.С., Хакимов О.Ш.и др. Основы обеспечения единства измерений. Книга 1. — Ташкент, 2005. — 230 с.

4. O'z DSt 8.010.1:2002 ЎзР ЎБТДТ. Метрология. Атамалар ва таърифлар. 1-қисм. Асосий ва умумий атамалар.

5. Абдувалиев А.А. Стандартизация и сертификация: состояние и перспективы развития. Standart — 2011, №1, — С. 13-15

6. Алимов М.Н. Стандартизация в Узбекистане. Ташкент, «Адолат», 2005г.

7. Гличев А.В. Основы управления качеством продукции. — М.: РИА «Стандарты и качество», 2001

8. Т.Ю. Иванова, В.И. Приходько. Теория организации. - Спб.: Питер, 2004. — 269с.: ил. — (Серия «Учебное пособие»)

9. Харрингтон, Дж. Управление качеством в американских компаниях: учебное пособие / Дж. Харрингтон. — М.: Дело, 2008. — 704 с.

10. Feigenbaum A.V. Quality and Productivity // Quality Progress. — 1977. — Nov. — pp. 18-21.

11. O'z DSt 1.10:1998* Уз СДТ. Асосий атамалар ва таърифлар

12. Менеджмент качества экспорта. Книга ответов для предприятий-экспортеров малого и среднего бизнеса. Бишкек, Издательский дом «Аль Салам», 2004

Шишкин И.Ф. Теоретическая метрология. Ч. I. Общая теория измерений: Учеб. для вузов, 4-е изд., исправл. — СПб.: ПИТЕР, 2009.

O'z DSt 8.010.2:2003 ЎзР ЎБТДТ. Метрология, Атамалар ва таърифлар. Қисм 2. Ўлчаш воситалари ва уларнинг курсатгичлари

Интернет тармоғидаги расмий сайтлар маълумотларидан фойдаланилган:

www.standart.uz — «Ўзстандарт Агентлиги;
easc.org.by — МДҲ Давлатлараро Кенгаши;
LexUz — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси;
iso.org — ИСО ташкилоти.

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАШЛАР

EA — Европа аккредитатлаш бўйича ҳамкорлиги.

EASC — Евросиё стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ташкилоти.

IAF — Аккредитатлаш бўйича халқаро форум.

ILAC — Лабораторияларни аккредитатлаш бўйича халқаро кооперация.

UTT — Umumiy texnik talablar.

ОТИХ — Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги.

ХСТ — Халқаро савдо ташкилоти.

ДИТД — Давлат илмий-техникавий дастури.

ИТД — Илмий-техникавий дастур.

ЎзУБТДТ — Ўзбекистон ўлчашлар бирлилигини таъминлаш давлати тизими.

Ўз СДТ — Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими.

RH (РХ) — рахбарий ҳужжат.

ISO (ИСО) — Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот.

COOMET (КООМЕТ) — Евросиё давлат метрологик муассасалари ҳамкорлиги.

ЎБЎ — Ўлчашларни бажариш услубиятлари.

ДК (МГС) — МДҲ давлатлари стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Кенгаши.

ТСТ — тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари.

ХЭК (IEC) — Халқаро электротехника комиссияси.

СМСИТН — Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти.

Ўз МСТ — Ўзбекистон Миллий сертификатлаштириш тизими.

ОПОС — Стандартлаштириш объектлари параметрларини оптималлаштириш

Ўз АТ — Ўзбекистон аккредитатлаш тизими.

СТТ (ТБТ) — Савдодаги техникавий тусиқлар (барьерлар).

Ўзстандарт — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат маркази

«Ўзстандарт» агентлиги — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

МДҲ — мустақил давлатлар ҳамдўстлиги

БМТ — Бирлашган миллатлар ташкилоти

Техник мосъерлаш — маҳсулотларга, уларни яратиш, ишлаб чиқиш, фойдаланиш, сақлаш, ташиш, сотиш ва утилизация қилиш жараёнларига, хизмат кўрсатишга боғлиқ (мажбурий ва тавсиявий) техник талабларни ўрнатиш бўйича фаолият.

1-илова

Стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Узбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 46-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 15-сон, 172-модда)

2. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» Қонуни (23.04.2009 й. N ЎРҚ-213, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 211-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда)

3. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни, 1993 й. 28 декабрь. №1004-XII (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ведомостлари, 1994 й., № 2, 48-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ведомостлари, 2000 й., №5-6, 153-модда; 2003 й., №5, 67-модда; «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тўплами», 2013 г., №18, 233-модда).

4. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, 1993 й. 28 декабрь, №1006-XII (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ведомостлари, 1994 й., №2, 50-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ведомостлари, 2000 й., №7-8, 217-модда; 2003 й. №5, 67-модда; «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тўплами», 2006 й., №14, 113-модда; 2006 й., №41, 405-модда; 2013 й., №41, ст. 543-модда)

5. Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 542-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда)

6. Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида» қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 239-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 113-модда)

7. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, 1996 й. 26 апрел, № 221-I (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ведомостлари, 1996 й., №5-6, 59-модда).

8. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорати тўғрисида»ги Қонуни, (1998 й. 24 декабрь, №717-I).

9. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида» Кодекси.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 апрел 2017 йилдаги «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2935-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш буйича ишларни ташкил этиш тўғрисида» 93-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 410-сонли Қарори

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 342-сонли Қарори (ЎР ҚТ, 2002 й., 19-сон, 146-модда).

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмаси ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 373-сонли Қарори (ЎР ҚТ, 2004 й., № 31 (357)).

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 318-сонли «Сертификатлаштириш процедураларини соддалаштириш буйича қўшимча чоралар тўғрисида» қарори, «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тўплами», 2004й., №27, 315 модда.

16. Положение о порядке подготовки и регистрации в Агентстве «Узстандарт» нормативных документов по стандартизации (зарестрировано в МЮ 11.11.2004г. №1422).

17. Правила сертификации продукции (Утверждены приказом Агентства «Узстандарт» от 25.02.2005 N 59, зарегистрированы Министерством юстиции Республики Узбекистан 18.03.2005 N 1458).

18. Правила проведения инспекционного контроля сертифицированной продукции и услуг (Утверждены приказом Агентства «Узстандарт» от 01.02.2005 N 24-П, зарегистрированы Министерством юстиции Республики Узбекистан 06.04.2005 N 1464).

19. МДҲ давлатларининг 1992 йил 3 мартдаги «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида Келишуви».

20. Сертификатланиши мажбурий булган бир турдаги маҳсулотларнинг алохида турлари буйича сертификатлаштириш қоидалари («Ўзстандарт» агентлигининг 07.09.2005 даги 340 сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 28.09.2005да 1513 рақам билан руйхатга олинган).

21. Сифат буйича эксперт-аудиторларни аттестациядан утказиш тартиби тўғрисидаги Низом («Ўзстандарт» агентлигининг 2017 йил 20 июндаги 411-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 июлда 2899 рақам билан руйхатлан ўтказилган).

2-илова

Ўзбекистондаги тармокларарo стандартлаштириш тизимларининг асос бўлувчи меъёрий хужжатлари рўйхати

1. O‘zDSt 1.0:1998 ЎзСДТ. Асосий қоидалар
2. O‘zDSt 1.1:1992 ЎзСДТ.Давлат стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат руйхатидан утказиш тартиби.
3. O‘zDSt 1.4:1998 ЎзСДТ.Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатлар билан таъминлаш тартиби.
4. O‘zDSt 1.5:1993 ЎзСДТ.Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатларни текшириш, қайта кўриш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.
5. O‘zDSt 1.6:2003 ЎзСДТ.Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатлар. Тузиш, баён этиш, расмийлаштириш, мазмуни ва белгиланишига қуйиладиган умумий талаблар.
6. O‘zDSt 1.7:1998 ЎзСДТ.Давлатлараро, миллий стандартлар ва бошқа давлатларнинг стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатларини қуллаш тартиби.
7. O‘zDSt 1.8:2009ЎзСДТ.Тавсияномалар. Асосий қоидалар.

8. O'zDSt 1.10:1998 ЎзСДТ. Асосий атамалар ва таърифлар.
9. O'zDSt 1.14:1999 ЎзСДТ.Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатларни жорий қилиш тартиби.
10. O'zDSt 1.15:1999 ЎзСДТ. Маҳсулотнинг стандартлаштириш буйича норматив ҳужжати даражаси ва турини аниқлаш.
11. O'zDSt 1.16:1999 ЎзСДТ. Илгарилама стандартларни ишлаб чиқиш, келиб олиш, тасдиқлаш ва давлат руйхатидан ўтказиш тартиби.
12. O'zDSt 1.17:1999 ЎзСДТ. Эталон-намуналар техникавий баёнларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва руйхатга олиш тартиби.
13. O'zDSt 1.19:2000 ЎзСДТ. Мувофиқликни баҳолаш белгилари. Шакли, чизмалари, асосий ўлчамлари.
14. O'z DSt 1.21:2002 Ўз СДТ. Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатларни экспертиза қилиш.
15. O'zDSt 1.23:2003 ЎзСДТ.Стандартлаштириш хизматларининг ходимларини тайёрлаш ва малакаларини ошириш.
16. O'zDSt 1.24:2004 ЎзСДТ. Индустриал комплекс маҳсулотлари. Мажбурий талаблар. Асосий қоидалар.
17. O'z DSt 1.25:2004 Ўз СДТ.Стандартлаштириш буйича ихтиерий норматив ҳужжатлар. Асосий қоидалар.
18. O'zDSt 1.26:2006 ЎзСДТ.Стандартлаштириш соҳасида экспертларни аттестатлашнинг малакавий критериялари ва процедураси.
19. O'zDSt 1.27:2007 ЎзСДТ. Стандартлар ва ўлчовлар бирлилигини таъминлаш буйича давлат текшируви ва назорат ўтказиш йуриқномаси.
20. O'zDSt 1.28:2013 СТ. Ташкилотнинг стандарти. Ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва руйхатдан ўтказиш тартиби.
21. O'zDSt ISO/IEC 2:2007 ЎзСДТ. Стандартлаштириш ва ўзаро боғлиқ фаолият турлари. Умумий луғат (Guide ISO/IEC 2:2004, IDT).
22. O'zDSt ISO/IEC 21:2001ЎзСДТ. Халқаро ва минтақавий стандартларни Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида қабул килиш (ISO/IEC 21:1999, IDT).
23. O'zDSt ISO/IEC 51:2007 ЎзСДТ. Хавфсизлик аспектлари. Уларни стандартларга киритиш буйича кўлланма (Guide ISO/IEC 51:1999, IDT).
24. O'zDSt ISO 7220:2000 ЎзСДТ. Ахборот ва ҳужжатлар — стандартлар каталогларини тақдим этиш.
25. РДУз 51—010—96 ЎзСДТ. Стандартлаштириш буйича

18. Правила проведения инспекционного контроля сертифицированной продукции и услуг (Утверждены приказом Агентства «Узстандарт» от 01.02.2005 N 24-П, зарегистрированы Министерством юстиции Республики Узбекистан 06.04.2005 N 1464).

19. МДҲ давлатларининг 1992 йил 3 мартдаги «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш буйича келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида Келишуви».

20. Сертификатланиши мажбурий булган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турлари буйича сертификатлаштириш қоидалари («Ўзстандарт» агентлигининг 07.09.2005 даги 340 сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 28.09.2005да 1513 рақам билан рўйхатга олинган).

21. Сифат буйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом («Ўзстандарт» агентлигининг 2017 йил 20 июндаги 411-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 июлда 2899 рақам билан руйхатдан ўтказилган).

2-илова

Ўзбекистондаги тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлари рўйхати

1. O'zDSt 1.0:1998 ЎзСДТ. Асосий қоидалар
2. O'zDSt 1.1:1992 ЎзСДТ.Давлат стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.
3. O'zDSt 1.4:1998 ЎзСДТ.Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатлар билан таъминлаш тартиби.
4. O'zDSt 1.5:1993 ЎзСДТ.Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатларни текшириш, қайта кўриш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.
5. O'zDSt 1.6:2003 ЎзСДТ.Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатлар. Тузиш, баён этиш, расмийлаштириш, мазмуни ва белгиланишига қўйиладиган умумий талаблар.
6. O'zDSt 1.7:1998 ЎзСДТ.Давлатлараро, миллий стандартлар ва бошқа давлатларнинг стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатларини қўллаш тартиби.
7. O'zDSt 1.8:2009ЎзСДТ.Тавсияномалар. Асосий қоидалар.

8. O'zDSt 1.10:1998 ЎзСДТ. Асосий атамалар ва таърифлар.
9. O'zDSt 1.14:1999 ЎзСДТ.Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатларни жорий қилиш тартиби.
10. O'zDSt 1.15:1999 ЎзСДТ. Маҳсулотнини стандартлаштириш буйича норматив ҳужжати даражаси ва турини аниқлаш.
11. O'zDSt 1.16:1999 ЎзСДТ. Илгарилама стандартларни ишлаб чиқиш, келиб олиш, тасдиқлаш ва давлат руйхатидан ўтказиш тартиби.
12. O'zDSt 1.17:1999 ЎзСДТ. Эталон-намуналар техникавий баёнларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва руйхатга олиш тартиби.
13. O'zDSt 1.19:2000 ЎзСДТ. Мувофиқликни баҳолаш белгилари. Шакли, чизмалари, асосий ўлчамлари.
14. O'z DSt 1.21:2002 Ўз СДТ. Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатларни экспертиза қилиш.
15. O'zDSt 1.23:2003 ЎзСДТ.Стандартлаштириш хизматларининг ходимларини тайёрлаш ва малакаларини ошириш.
16. O'zDSt 1.24:2004 ЎзСДТ. Индустриал комплекс маҳсулотлари. Мажбурий талаблар. Асосий қоидалар.
17. O'z DSt 1.25:2004 Ўз СДТ.Стандартлаштириш буйича ихтиёрий норматив ҳужжатлар. Асосий қоидалар.
18. O'zDSt 1.26:2006 ЎзСДТ.Стандартлаштириш соҳасида экспертларни аттестатлашнинг малакавий критериялари ва процедураси.
19. O'zDSt 1.27:2007 ЎзСДТ. Стандартлар ва ўлчовлар бирдилигини таъминлаш буйича давлат текшируви ва назорат ўтказиш йўриқномаси.
20. O'zDSt 1.28:2013 СТ. Ташкилотнинг стандарти. Ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва руйхатдан ўтказиш тартиби.
21. O'zDSt ISO/IEC 2:2007 ЎзСДТ. Стандартлаштириш ва ўзаро боғлиқ фаолият турлари. Умумий луғат (Guide ISO/IEC 2:2004, IDT).
22. O'zDSt ISO/IEC 21:2001ЎзСДТ. Халқаро ва минтақавий стандартларни Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида қабул килиш (ISO/IEC 21:1999, IDT).
23. O'zDSt ISO/IEC 51:2007 ЎзСДТ. Хавфсизлик аспектлари. Уларни стандартларга киритиш буйича кўлланма (Guide ISO/IEC 51:1999, IDT).
24. O'zDSt ISO 7220:2000 ЎзСДТ. Ахборот ва ҳужжатлар — стандартлар каталогларини тақдим этиш.
25. РДУз 51—010—96 ЎзСДТ. Стандартлаштириш буйича

норматив ҳужжатлардаги маҳсулотга қўйилалиган талабларни белгилаш.

26. O'zRH 51—012—93 ЎзСДТ. Стандартлаштириш таянч ташкилоти, тўғрисидаги намунавий низом.

27. O'zRH 51—013:1993 ЎзСДТ. Стандартлаштириш буйича техник қўмита ҳақида умумлашган низоми.

28. O'zRH 51—023:2004 ЎзСДТ. Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатлар давлат фондини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва юритиш тартиби

29. O'zRH 51—040—95 ЎзСДТ. Стандартлаштириш буйича давлат режасини тузиш.

30. O'z RH 51—041:1995 ЎзСДТ Йўриқнома. Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатларга давлат назорати махсус тартибни киритиш қоидаси.

31. РД Уз 51—051—96 ЎзСДТ. Корхоналар (ташкилотлар)-даги стандартлаштириш хизмати ҳакида умумлашган низом.

32. O'zRH 51—077—98 ЎзСДТ. Маҳсулот норматив ҳужжатларининг илмий-техник даражасини баҳолаш услубияти.

33. РД Уз 51—079—99 ЎзСДТ. Комплекс стандартлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш буйича услубий кўрсатмалар.

34. O'zRH 51—146:2006 ЎзСДТ. Стандартлаштириш буйича техник қўмиталар ва таянч ташкилотлар фаолиятини урганиш тартиби

35. O'zRH 51—166:2008 ЎзСДТ. СМСИТИда ишлаб чиқилаётган ва «Ўзстандарт» агентлигига келишиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилаётган стандартлаштириш буйича асос булувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш тартиби.

36. O'zT 51—052—96 ЎзСДТ.Стандартлаштириш буйича норматив ҳужжатлар талабларини халқаро ва чет эл норматив ҳужжатларининг талаблари билан таққослаб таҳлил килиш ва уйғунлаштириш усулияти.

37. O'zT 51—109:2001 ЎзСДТ.Иқтисодиёт тармоқларида стандартлаштириш бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилишининг таҳлилини ўтказиш тартиби.

38. O'z DSt 2.001:2003* ЕСКД Уз. Основные положения.

39. O'z DSt 2.003:2005 ЕСКД Уз. Индустриальные предприятия, изделия, документация. Термины и определения.

40. O'z DSt 2.116:1996* Карта технического уровня и качества продукции.

41. РСТ Уз 5.0-98 НСС Уз. Основные положения.
42. РСТ Уз 5.4-98 НСС Уз. Требования к органам контроля и надзора.
43. O'z DSt 5.5.2009 НСС Уз. Основные термины и определения.
44. O'z DSt 5.9:2014 НСС Уз. Эксперты-аудиторы. Требования, подготовка и оценка.
45. O'z RH 51—100:2000* Порядок взаимодействия Агентства Узстандарт и его территориальных органов с общественными объедине-ниями потребителей.
46. O'z DSt 2.114:2001 ЕСКД Уз. Технические условия.
47. O'z RH 51—095:2000* Методические указания по составлению карты технического уровня и качества продукции.
48. O'z T 51—115:2002* ЕСКД Уз. Порядок передачи документации.
49. O'z DSt 5.8:2006 НСС Уз. Знак подтверждения соответствия. Правила применения (ISO/IEC 17030:2003).
50. O'z DSt 6.01.1:2007 Единая система классификации и кодирования технико-экономической и социальной информации Республики Узбекистан. Основные положения.
51. O'z DSt 6.01.2:2007 Единая система классификации и колиро-вания технико-экономической и социальной информации Республики Узбекистан. Порядок разработки и ведения классификаторов.
52. O'z DSt 6.10.00:2008 Государственная система каталогизации продукции Узбекистана. Основные положения.
53. O'z DSt 1064:2005* Каталожный лист продукции. Форма, правила заполнения, представления и регистрации.
54. O'z DT 002:2006* ОК Республики Узбекистан. Общегосударс-твенный классификатор стандартов.
55. O'z DSt 12.0.001:2005* Система стандартов научной организации труда, промышленной санитарии и гигиены, безопасности труда.
56. O'z DSt 15.000:2001* СРПП Уз. Основные положения.
57. O'z DSt 15.001:1993* СРПП Уз. Продукция производственно-технического уровня.
58. O'z DSt 15.002:2000 СРПП Ув. Основные термины и определения.
59. O'z DSt 15.003:2002 СРПП Уз. Продукция пищевая.
60. O'z DSt 15.009:1994* СРПП Уз. Непродовольственные товары народного потребления.

61. O'z DSt 15.601:2002 СРПП Уз. Техническое обслуживание и ремонт техники. Основные положения.
62. O'z RH 51--126:2003 СРПП Уз. Методические указания по применению модулей.
63. O'z DSt 8.001:2010 ГСИ Республики Узбекистан. Система обеспечения единства измерений. Основные положения.
64. O'z DSt 8.002:2009 ГСИ Республики Узбекистан. Метрологический контроль и надзор. Основные положения.
65. O'z DSt 8.007:2002 ГСИ Республики Узбекистан. Подтверж-дение соответствия средств измерений законодательным требованиям. Основные положения.
66. O'z DSt 8.026:2007 ГСИ Республики Узбекистан. Эксперты в области обеспечения единства измерений. Квалификация, обучение, сертификация персонала.
67. O'z DSt 16.0:2006 СА Уз. Основные положения.
68. O'z DSt 16.10:2009*(ISO/IEC 65:1996) СА. Уз. Общие требова-ния к органам по сертификации продукции.
69. O'z RH 51—152:2007* СА Уз. Руководящие указания по подготовке лабораторий к аккредитации.
70. O'z DSt 20.000:2002 Система испытаний продукции. Основные положения.
71. O'z DSt 20.201:2001* Система испытаний продукции. Контроль неразрушающий. Организация и порядок проведения.
72. O'z DSt ISO 9000:2009 Системы менеджмента качества. Основные положения и словарь (ISO 9000:2005, IDT).
73. O'z DSt ISO 9001:2009 Системы менеджмента качества. Требования (ISO 9001:2008, IDT).
74. O'z DSt ISO 9004:2014 Управление с целью обеспечения устойчивого успеха организации. Подход на основе менеджмента качества.(ISO 9004:2009, IDT).
75. O'z DSt ISO/TR 10013:2006 Руководство по документированию системы менеджмента качества (ISO/TR 10013:2001, IDT).
76. O'z DSt OHSAS 18001:2011 Системы менеджмента профессиональной безопасности и здоровья. Требования (OHSAS 18001:2007, IDT).
77. O'z RH 51—110:2001 Межотраслевые системы стандартизации. Выбор и применение.
78. РСТ Уз 621-94 Испытания и контроль качества продукции. Основные термины и определения.

79. РСТ Уз 622-94 Качество продукции. Основные термины и определения.
80. O'z DSt ISO 14001:2009 ГСС Уз. Системы управления окружающей средой. Технические условия и руководство по применению (ISO 14001:2004 IDT).
81. O'z DSt ISO/IEC 17000:2009 Оценка соответствия. Словарь и общие принципы (ISO/IEC 17000:2004,IDT).
82. O'z DSt ISO/IEC 17011:2009 Оценка соответствия. Общие требования к органам по аккредитации органов по оценке соответствия.

3-илова

Мувофиқликни баҳолашда ҳақ тўлаш тартиби

Миллий мувофиқликни баҳолаш тизими доирасида ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш тартиби 2013 йил 11 октябрда 2516-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш қоидалари»да ўрнатилган. Ушбу Қоидалар аккредитация қилиш, назорат йўсинидаги текширув, сертификатлаштириш, хорижий мамлакатларнинг мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни ва синовлар протоколларини эътироф этиш бўйича ишлар ва хизматлар учун тўловларни, шунингдек мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун бир марталик тўловларни тўлаш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимидаги ишлар ва хизматлар нархи шартнома асосида аниқланади. Бунда аккредитация қилиш, назорат йўсинидаги текширув, сертификатлаштириш, хорижий мувофиқлик сертификатларини тан олиш ва декларациялаш бўйича ишлар ва хизматларнинг нархини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Монополист корхоналар ва табиий монополия субъектларининг аккредитация қилиш, назорат йўсинидаги текширув, сертификатлаштириш, хорижий мувофиқлик сертифи-

катларини ган олиш ва декларациялаш буйича ишлар ва хизматларининг нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган «Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида низом»га мувофиқ аникланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарори билан тасдиқланган «Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда инспекция назоратидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ аккредитация қилиш (аккредитация қилиш соҳасини кенгайтириш) ишлари учун тўлов ариза берувчи томонидан босқичма-босқич амалга оширилади.

Натижаларидан қатъи назар, аккредитация қилиш буйича ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар тўланиши лозим.

Аккредитация объекти аккредитация қилинганида ва «Ўзстандарт» агентлиги ва аккредитация объекти ўртасида битим тузилади ҳамда унга мувофиқ аккредитация объекти «Ўзстандарт» агентлигига бажарилган ишлар ва хизматлар ҳажмидан ажратмаларни амалга оширади.

Аккредитация объектларининг ажратмалар миқдори «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ўтказилган ишлар ва хизматларнинг ҳажми ва турига боғлиқ бўлади ҳамда умумий тушум ҳажмининг 5 фоизидан ошмаслиги керак.

Аккредитация объектларининг фаолияти устидан назорат йўсинидаги текширув ўтказиш учун тўлов «Ўзстандарт» агентлиги ва аккредитация объекти ўртасида тузилган битимга асосан ҳақиқий сарфларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Маҳсулотлар, хизматлар ва сифат тизимларини сертификатлаштиришда ҳақиқий сарфларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларида кўзда тутилган сертификатлаштириш босқичлари тўланиши лозим.

Натижаларидан қатъи назар, сертификатлаштириш буйича ишлар ва хизматларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар тўланиши керак.

Сертификатланган маҳсулот ва сифат тизимининг назорат йўсинидаги текширувини ўтказиш буйича ишлар ва хиз-

матларнинг тўлови, ҳақиқий сарфлардан келиб чиқиб, мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқи бўйича битим асосида амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларнинг мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни ва синовлар протоколларини эътироф этиш бўйича ишлар ва хизматларнинг тўлови Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарори билан тасдиқланган Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда инспекция назоратидан утказиш тартиби тўғрисидаги низом ва маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига (рўйхат рақами 1458, 2005 йил 18 март) мувофиқ эътироф этиш жараёнини амалга ошириш бўйича ҳақиқий сарфлардан келиб чиқиб амалга оширилади.

Декларациялаш йўли билан маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича ишлар ва хизматлар тўлови «Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 1465, 2005 йил 6 апрель) мувофиқ декларациялаш йўли билан маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш жараёнини амалга ошириш бўйича ҳақиқий сарфлардан келиб чиқиб амалга оширилади.

Сертификатлаштириш ишлар ва хизматларининг нархини шакллантиришда «Ўзстандарт» агентлигининг рентабеллик меъёри 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

Мувофиқлик белгисидан фойдаланишни назарда тутувчи схемалар бўйича амалга оширилган сертификатлаштиришнинг натижалари ижобий булганда, маҳсулотларни сертификатлаштириш органи билан ишлаб чиқарувчи корхона (сертификацияга номзод) ўртасида битим тузилади, унга кура битимда белгиланган муддатларда ишлаб чиқарувчи корхона мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун сертификатлаштириш органига бир марталик тўловни тўлайди.

Бир марталик тўлов сертификатлаштирилган маҳсулотларни сотишдан қўшилган қиймат ва акциз солиқларини чегириб режалаштирилган тушумлардан келиб чиққан ҳолда, мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш кунидаги республикада белгиланган энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб, иловада кўрсатиб ўтилган миқдор асосида ҳисобланади.

Сертификатлаштирилган маҳсулотларни сотишдан режалаштирилган тушум миқдорининг тасдиғи бўлиб, серти-

фикатлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ускуна синини қуввати кўрсатилган ҳолда, ишлаб чиқарувчи корхонанинг раҳбарлик вазифаларини ва бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслари, шунингдек режалаштириш бўлими бошлиғи (штатлар жадвалида кўзда тутилган бўлса) имзолари ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ёзма аризаси ҳисобланади.

Ишлар ва хизматларнинг ҳаққоний сермашаққатлилигини аниқлашда жавобгарлик, аккредитация ва назорат йўсинидаги текширув бўйича — «Ўзстандарт» агентлигига, сертификатлаштириш, хорижий мувофиқлик сертификатларини тан олиш ҳамда декларациялаш бўйича — сертификатлаштириш органи раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Қоидалар талабларига риоя қилиш устидан давлат назоратини «Ўзстандарт» агентлиги амалга оширади.

Мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун бир марталик тўловнинг

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ШКАЛАСИ

Т/р	**Мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун бир марталик тўловни ҳисоблаш учун сертификатлаштирилган маҳсулотнинг уч йилдаги тушум ҳажмининг шкаласи (ҚҚС ва акциз солиқсиз), млн сўмда**	**Энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида бир марталик тўлов ставкаси** *(ҳар 10 млн сўмлик сертификатлаштирилган маҳсулот тушим ҳажмига)*
1.	10 000 дан кўп бўлмаган	0,05
2.	10 000 дан юқори	0,025

МУНДАРИЖА

Кириш.....3

I қисм. МЕТРОЛОГИЯ

1-боб. Метрология асослари

1.1 Метрологиянинг мақсад ва вазифалари, ривожланиш тарихи...7
1.2 Ўзбекистон Республикаси «Метрология тўғрисида» Қонуни....10
1.3 Метрологиянинг асосий аксиомалари ва постулатлари.....17
1.4 Ишлаб чиқариш ва унинг тармоқларида метрологик хизмат ва
вазифалари.....21
1.5 Ўзбекистон метрологик хизмати.....21
1.6 Ишлаб чиқаришни метрологик таъминоти.....27
1.7 Метрология бўйича халқаро ва ҳудудий ташкилотлар.....30

2-боб. Ўлчашлар назарияси асослари

2.1 Катталиклар ва уларнинг тизимлари.....39
2.2 Катталиклар, уларни белгилаш ва қўллаш.....39
2.3 Катталиклар бирликлари тизимлари.....43
2.4 Бирликлар белгиларини ёзиш қоидалари.....50
2.5 Ўлчаш турлари, усуллари ва воситалари. Ўлчаш хатоликлари...54
2.6 Ўлчаш турлари ва усуллари.....54
2.7 Ўлчашлар хатоликлари ва уларнинг синфланиши.....59
2.8 Ўлчашларнинг сифат мезонлари.....62
2.9 Ўлчаш воситалари ва уларнинг турлари.....66
2.10 Ўлчаш воситасининг метрологик тавсифи.....71
2.11 Ўлчаш воситалари аниқлигининг синфланиши.....74

3-боб. Катталик бирликларини ҳосил қилиш, қайта тиклаш ва уларнинг ўлчамларини узатиш

3.1 Асосий катталик бирлигининг эталони.....79
3.2 Эталонларни яратиш, сақлаш, қўллаш ва солиштириш.....83
3.3 Ўзбекистон Республикасида эталонларни сақлашнинг асо-
сий қоидалари.....90
3.4 Эталонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш
тартиби.....92
3.5 Эталонларни сақлаш ва қўллаш тартиби.....96

4-боб. Ўлчашлар ноаниқлиги ва уни баҳолаш усуллари.....97

II қисм. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

1-боб. Ўзбекистонда стандартлаштириш ишларининг ташкил этилиши

1.1 Стандартлаштириш тарихи.....106
1.2 Ўзбекистонда стандартлаштиришнинг ташкил этилиши.....109

2-боб. Ўзбекистон стандартлаштириш тизими

2.1 Ўзбекистон стандартлаштириш тизимининг асосий қоидалари.....119
2.1.1 Стандартлаштириш объектлари.....122
2.1.2 Маҳсулот сифати ва сифатни бошқариш асослари.....125
2.2 МҲларнинг даражаси ва турини аниқлаш.....132
2.3 МҲларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш.....136
2.4 МҲларни тузилишига, баён этилишига, расмийлаштирилишига ва таркибига талаблар.....142
2.5 Меъёрий ҳужжатлар экспертизаси.....152
2.6 Меъёрий ҳужжатлар илмий-техникавий даражасини баҳолаш.....155
2.7 Меъёрий ҳужжатларнинг давлат фонди.....160
2.8 Ахборот алмашинуви тизими.....164
2.9 Меъёрий ҳужжатларни жорий этиш.....167
2.10 Комплекс стандартлаштириш.....170
2.11 Олдиндан стандартлаштириш.....174
2.12 Стандартлаштиришни режалаштириш.....177
2.13 Ўзаро алмашиниш ва бир-бирига мослик.....183
2.14 Хизматларни стандартлаштириш.....185

3-боб. Стандартлаштириш ишларини ташкил этиш

3.1 Давлат бошқарув идоралари.....192
3.2 Стандартлаштириш бўйича техникавий қумиталар.....194
3.3 Стандартлаштириш таянч ташкилотлари.....199
3.4 Корхона ва ташкилотлардаги стандартлаштириш хизматлари.....202

3.5 Стандартлаштириш сохасида экспертлар.....205

4-боб. Халқаро, регионал ва миллий стандартлаштириш

4.1 Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар.....213
4.1.1 Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО).....213
4.1.2 Халқаро электротехник комиссия (МЭК).....218
4.1.3 Халқаро электроалоқа иттифоқи.....221
4.2 Регионал стандартлаштириш ташкилотлари.....223
4.2.1 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш.....223
4.2.2 Европа иттифоқи доирасида стандартлаштириш.....227
4.3 Миллий стандартлаштириш тизимлари.....237
4.4 Халқаро, регионал, давлатлараро ва бошқа давлатлар миллий стандартларини Ўзбекистонда қўллаш тартиби.....243

5-боб. Тармоклараро стандартлаштириш тизимлари

5.1 Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларининг ҳолати.....251
5.2 Конструкторлик ҳужжатларнинг ягона тизими.....260
5.3 Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими.....264
5.4 Маҳсулот сифати кўрсаткичларининг тизими.....266
5.5 Техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими.....269
5.6 Нашриёт, кутубхона ва ахборот ишлари бўйича стандартлар тизими.....278
5.7 Маҳсулотни ва материалларни эскиришдан ва емирилишдан ҳимоялаш ягона тизими.....280
5.8 Меҳнат хавфсизлиги, саноат санитарияси ва гигиенаси, меҳнатни илмий ташкил қилиш стандартлари тизими.....282
5.9 Репрография, микрография, копирография.....286
5.10 Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими.....288
5.11 Маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими.....290
5.12 Маҳсулотни синаш тизими.....297
5.13 Стандартлаштириш ва экология.....300

6-боб. Стандартлаштириш самарадорлиги

7-боб. Стандартлаштиришнинг илмий асослари

7.1 Стандартлаштириш назарияси умумий асослари....314
7.2 Стандартлаштириш муаммоларини хал этишда тизимли таҳлил....316
7.3 Стандартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари....318
7.4 Стандартлаштириш объектлари параметрларини мақбуллаштириш....324
7.5 Стандартлаштириш объектлари параметрларини мақбуллаштиришда башорат(прогноз қилиш) усуллари....329
7.6 Афзал сонлар ва ўлчамлар....332
7.7 Квалиметриянинг илмий асослари....336
7.8 Сифат назоратининг статистик усуллари....339
7.9 Бирхиллаштириш ва агрегатлаш....344
7.10 Моделлаштириш усуллари....349

8-боб. Стандартлаштириш асосида сифатни бошқариш

8.1 Сифатни бошқариш тизимларининг ривожланиш босқичлари....350
8.2 Маҳсулот сифатининг назорати....357
8.3 Сифат менежменти тизимининг жорий этилиши....364
8.4 Сифатга япон ёндашуви....380
8.5 Нуқсонсиз маҳсулот тайёрлаш тизими....388
8.6 Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс тизими....390
8.7 Тошкент сифатни таъминлашнинг тизимлари....393
8.8 Халқаро стандартлар асосида сифатни бошқариш тизимлари....396

9-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш

9.1 Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини жорий этиш зарурати....402
9.2 Ўзбекистон Республикаси техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг ҳуқуқий асослари....409
9.3 Ўзбекистон Республикаси техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг ташкилий тузилмаси....412
9.4 Ўзбекистон Республикаси техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг меъёрий асослари....420
9.5 Техник регламентлар....424
9.6 Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ривожлантириш тамойиллари....430
9.7 Техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш — техник меъёрлаш асослари....437

10-боб. Маҳсулотларга мажбурий талабларнинг таъминланиши устидан Давлат назорати

10.1 Стандартлар устидан давлат назоратининг ҳуқуқий асослари....442
10.2 Стандартлар устидан давлат назоратининг вазифалари....448
10.3 Стандартлар устидан давлат назоратининг меъёрий асослари....451
10.4 Стандартлар устидан давлат назоратининг ташкилий асослари....456
10.5 Стандартлар устидан давлат назоратини утказиш тартиби... 461
10.6 Стандартлар устидан давлат назоратининг самараси....470
10.7 Стандартлар мажбурий талабларини бузганлиги учун масъулият....473
10.8 Бозор иқтисодиёти жараёнида давлат назоратини такомиллаштириш йўллари....475

III қисм. МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ

1-боб. Мувофиқликни баҳолаш асослари

1.1 Мувофиқликни баҳолашнинг халқаро амалиёти....479
1.2 Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш тизими ..490
1.3 Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизимининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари....495
1.4 Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонуни....503
1.5 Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш тизими ташкилий асослари....512
1.6 Мувофиқликни баҳолаш бўйича эксперт-аудиторлар....515

2-боб. Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий тизими

2.1. Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни....527
2.2. Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий тизимининг меъёрий ва ташкилий асослари....532
2.3. Сертификатлаштириш бўйича асосий қоидалар....540
2.4. Сертификатлаштиришнинг асосий схемалари....549
2.5. Ихтиёрий ва мажбурий сертификатлаштириш....555
2.6. Мувофиқликни декларациялаш тартиби....559

2.7. Халқаро ИСО 9000 стандартлар асосида сифатни бошқариш.....563

3-боб. Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизими

3.1. Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизимининг асосий қоидалари.....575
3.2. Аккредитлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш тартиби.....579
3.3. Ўзбекистон аккредитлаштириш Миллий тизимининг меъёрий ва ташкилий асослари.....589

4-боб. Мувофиқлик белгилари

4.1 Мувофиқлик белгиларини қўлланиш амалиёти.....596
4.2 Ўзбекистонда мувофиқлик белгилари қўлланиши.....597
4.3 Ўзбекистонда мувофиқликни баҳолаш тизими белгиларини қўллаш тартиби.....601
Фойдаланилган адабиётлар.....605
Шартли белгилар.....606
Иловалар.....607

АБДУВАЛИЕВ АБДУҚАХХОР АБДУЛХАИЕВИЧ

МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

Дарслик

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2018

Муҳаррир: *Элдор Бозоров*
Бадиий муҳаррир: *Феруза Башарова*
Техник муҳаррир: *Нодир Мирзаев*
Саҳифаловчи: *Баҳром Бобожонов*
Мусаҳҳиҳ: *Шарофат Хуррамова*

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 30.03.2018. Босишга рухсат этилди 19.06.2018. Бичим 60x90 1/16. «TimesUz» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 39,0. Нашриёт-ҳисоб табоғи 34,07. Адади 500 нусха. Буюртма № 174. Баҳоси келишилган нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41